
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ



“АДОЛАТ”

86

Мўминов Абдулхай Рашидович
Тиллабаев Мирзатилло Алишерович

10 11 12

*Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси
қабул қилинганлигининг 65 йиллигига
бағишланади*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ДАРСЛИК

Иккинчи нашр

836706
TDU
kutubxonasi 2/3

Тошкент
“Адолат”
2013

УЎК: 341.231.14(075)
КБК 67.412.1
М-86

Мўминов, Абдулхай Рашидович; Тиллабаев, Мирзятилло Алишерович.
М-86 Инсон ҳуқуқлари: дарслик / А.Р. Мўминов, М.А. Тиллабаев; масъул муҳаррир
А.Х. Саидов. 2-нашр. – Т.: Адолат. 2013. – 544 б. – (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон
декларацияси қабул қилинганлигининг 65-йиллигига бағишланади)

ISBN 978-9943-394-82-7

УЎК: 341.231.14(075)
КБК 67.412.1

Масъул муҳаррир:
А.Х. Саидов, ю.ф.д., профессор

Такризчилар:

Х. Бобоев, ю.ф.д.,
Юристлар малакасини ошириш
маркази профессори, Ўзбекистон
Республикаси Фан арбоби;
Б. Тошев, ю.ф.д.,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети профессори;

Б. Исмоилов, ю.ф.д.,
Тошкент давлат юридик
университети кафедраси мудири;
Ф. Бакаева, ю.ф.н.,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази бўлим бошлиғи.

Ушбу дарслик “Инсон ҳуқуқлари” фани предметини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари тушунчаси, тарихи ва ривожланиш босқичлари, инсон ҳуқуқлари категориялари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар ва уларни амалга ошириш механизмлари, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик каби масалалар камраб олинган.

Дарслик инсон ҳуқуқлари масалаларини ўрганувчи талабалар, ўқитувчилар, илмий дилкоччилар ва мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-394-82-7

- © Мўминов А.Р., Тиллабаев М.А., 2010, 2013.
- © Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Адолат” нашриёти, 2013.

КИРИШ СЎЗИ

2013 йилда халқаро жамоатчилик инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, шунингдек, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 65 йиллигини ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Вена декларацияси ва ҳаракат дастурининг 20 йиллигини нишонламоқда.

Қайд этиш лозимки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 400 дан ортиқ тилларда нашр қилинган, дунёда бирорта ҳам ҳужжат бунчалик кўп тилларга таржима қилинмаган. Бу эса, унинг универсал хусусияти ва кўламадан далолат беради. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси кўплаб демократик мамлакатлар конституцияларининг асосига айланган, у фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларга ҳурмат ва рағбатлантиришнинг мезони бўлган эталон ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг юздан ортиқ халқаро конвенция ва декларациялари, инсон ҳуқуқлари бўйича кўп миқдордаги минтақавий шартномалар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилик ва давлатлар конституцияларининг асоси ҳисобланади ҳамда улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни таъминлаб беришга қаратилган.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш, кўп жиҳатдан, ҳуқуқий таълим даражасига боғлиқ. Ушбу масаланинг яна бир эътиборли тарафи шундан иборатки, БМТ томонидан 2009 йил – Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим халқаро йили деб эълон қилинди. БМТ илгари сурган “таълим – демократия асоси” деган даъват ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳаси таълимининг ўн йиллиги ҳисобланган 1995–2004 йиллар доирасида 1996 йилдан бошлаб юртимизнинг барча таълим масканларида “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курси татбиқ этилди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”¹ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойишининг аҳамияти нечоғли юксак эканини эътироф этиш ўринлидир. Мазкур Миллий дастур ва фармойишни ижро этиш мақсадида бугунги кунда мамлакатимизнинг узлуксиз конституциявий-ҳуқуқий таълим тизими яратилди.

¹ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури/Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 227-модда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасига оид таълим олиш инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан биридир. Шунинг учун ҳам, инсон ҳуқуқлари таълими куйидаги манфаатлар нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади:

биринчидан, инсон ҳуқуқларига амал қилиниши;
иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолларининг камайиши ва бузилишининг олдини олиш борасида самарали тизим яратиш;
учинчидан, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш даврида нафакат умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бутун комплексини қонуний мустақкамлаган барқарор ҳуқуқий база ташкил этилди, балки инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат ва жамоат назорати турларини белгилаб берувчи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга риоя этишни ўрнатувчи тартиб ва механизмлар ҳам яратилди. Шунинг учун ҳам, ҳар бир давлат тузилмасининг энг муҳим вазифаси инсон ҳуқуқларига риоя қилишни ҳақиқий таъминлаш учун қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаракатини таъминлаб беришдан иборат.

Давлатнинг ушбу устувор вазифасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони¹ асосида мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида инсон манфаатлари асосий диққат марказида турган сиёсий ва ижтимоий муҳит ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтганларидек, “Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг шиддат билан ўсиб, тобора ривожланиб бораётган мамлакатга, инсон, унинг ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини ҳақиқий кадрият деб биладиган демократик, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик институтларига эга бўлган мустақил ва суверен

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил 2 май.

давлатга айланишини таъминлаб берган яна кўплаб ҳал қилувчи омишларни мисол қилиб келтириш мумкин”¹.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тарихий аҳамиятга эга бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжат универсал қадрият – “Барча одамлар эркин, қадриқиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилади” тамойилини татбиқ этади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатда ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, уларнинг самарасини ошириш мақсадида катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина қонун ва қонунчилик нормалари қабул қилинди, улар амалда самарали жорий этилмоқда.

Мустақил Ўзбекистоннинг мазкур ривожланиш жараёнида 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, унда мамлакат раҳбари давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш; суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш; ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш; сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш; демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича устувор йўналишларни кўрсатиб бердики, бу йўналишларда қўйилган вазифаларни бажариш асосида мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг янада самаралироқ механизмларини асосланган фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг истиқболларини кўрсатиб берди².

1 Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2012. Б. 6.

2 Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 56 б.

Ўтган давр мобайнида мазкур Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид қонунчилик базаси ва уни ҳимоя қилишнинг миллий механизми тақомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, “Концепцияда кўзда тутилган 50 дан зиёд қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дастури бўйича бугунги кунга қадар мамлакатимиз Парламенти томонидан 12 та қонун қабул қилинди, 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси эса, кенг жамоатчилик, жумладан, хорижий эксперт ташкилотларни жалб этган ҳолда кўриб чиқиш ва муҳокама этиш босқичида турибди”¹

Давлатимиз бошлиғи томонидан 2013 йил мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилинди ҳамда мазкур йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди. Устувор сифатида: мамлакатда тинчлик-осойишталик ва ҳавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни асраш ва мустаҳкамлаш ҳал қилувчи вазифа эканлиги; аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини тақомиллаштириш; обод турмушнинг яна бир муҳим шарти сифатида инсон саломатлигини янада мустаҳкамлаш учун соғлиқни сақлаш тизимини янада тақомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг меҳнатини янада рағбатлантириш; янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш орқали халқнинг ҳаёт сифати ва даражасини янада юксалтириш; аҳоли ҳаётини обод қилишнинг муҳим шарти сифатида маҳаллани обод қилиш, маҳалла институтини янада ривожлантириш; хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада ошириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди².

Албатта, қўйилаётган мақсад ва вазифаларга таълим тизимсиз эришиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз таълим тизимида барча соҳалар каби юриспруденция соҳасига ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Айниқса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимга ҳам катта эътибор қаратилмоқдаки, бу соҳадаги таълим сифатини

1 Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш бизнинг бош мақсадимиз. Т. Ўзбекистон, 2012. – Б. 8.

2 Қараг: Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш бизнинг бош мақсадимиз. Т. Ўзбекистон, 2012. 32 б.

ошириш фукаролик жамиятига асосланган ҳукукий давлат қуришда, фукараларнинг ҳукукий саводхонлигини янада юксалтиришда асосий омил бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари масаласига қатта эътибор қаратилишининг амалий натижаларидан бири сифатида шуни қайд этиш мумкинки, мустақиллик йилларида мамлакатда инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг миллий тизими шакллантирилди. Олий таълим ва олий таълимдан кейинги тизимда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи махсус кафедралар ташкил этилди. Жумладан, Юристар малакасини ошириш марказидаги “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари”, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидаги ЮНЕСКОнинг “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси, ИИВ Академиясидаги “Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти” кафедраси шулар жумласидандир. Бугунги кунда, мазкур кафедраларда инсон ҳуқуқлари соҳасида бой назарий, амалий билим ва қўникмалар шаклланган.

Мазкур кафедраларда ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, илмий монографиялар чоп этилмоқда. Умуман олганда, мамлакатда “Инсон ҳуқуқлари” фанини ўқитиш методологияси бўйича бой тажриба тўпланди ҳамда илмий мактаб шаклланди¹.

Юридик фанлар номзодлари А. Мўминов ва М. Тиллабаевларнинг мазкур бой тажрибага таяниб тайёрлаган “Инсон ҳуқуқлари” дарслиги (2010 йилги нашр) кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Жумладан, дарслик 2012 йилда бўлиб ўтган “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” республика танловининг ғолиблигини қўлга

¹ Масалан, чоп этилган адабиёт ва тўпламлар: Права человека. Учебник-хрестоматия. Под ред. А. Саидова. Т УМЭД, 2001; Саидов А.Х. Международное право прав человека. М.: 2002; Саидов А. Общепризнанные права человека. М.: 2004; Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам/ Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т Адолат, 2002; Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/ Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. Т Адолат, 2004; ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари (тўплам) Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири Л. Саидова. Т Адолат, 2004; Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006; Тиллабаев М. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика. Монография. Отв. ред. А.Х. Саидов. Т.: Адолат, 2008; Мўминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик/ Масъул муҳаррир Саидов А.Х. Т.: ЖИДУ, 2010; Гафуров А., Мўминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. – Т. Юристар малакасини ошириш маркази, 2012; Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тинловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. Т ИИВ Академияси, 2012. – 304 б.; Общая теория прав человека: Учебник для высших образовательных учреждений системы МВД Республики Узбекистан. Отв.ред. А.Х. Саидов. Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2012; Права человека и справедливое судопроизводство. Практическое пособие. Т Baktria Press, 2012 ва бошқалар.

киритди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус, халқ таълими вазирликлари ҳамда “Истеъдод” жамғармасининг I даражали дипломи билан тақдирланди.

Мазкур дарслик ўтган давр мобайнида мамлакатда ҳамда халқаро майдонда юз берган ўзгаришларни ва янгиланишларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишланди. Жумладан, унда мамлакатимизда мустақиллик давридан буён ҳозирги кунгача инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган ислохотлар билан бир қаторда “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг амалга оширилиши асосида давлат-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ ҳамда фуқаролик жамияти қурилиши соҳаларида олиб борилаётган ўзгаришлар ўз аксини топган.

Ушбу дарслик талабаларга, тадқиқотчилар ва инсон ҳуқуқлари соҳаси билан қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

А.Х. Саидов,
юрidik фанлар доктори, профессор

УМУМИЙ ҚИСМ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ АСОСЛАРИ

1-маву. “Инсон ҳуқуқлари” фанининг мавзуси, тизими, усуллари ва аҳамияти

1. Мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари.
2. “Инсон ҳуқуқлари” фани тушунчаси, объекти, предмети, мақсади ва вазифалари.
3. “Инсон ҳуқуқлари” фанини ўрганиш методологияси.
4. “Инсон ҳуқуқлари” фанининг ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида “Инсон ҳуқуқлари” фанининг ғоявий-назарий асослари.

1. Мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, кўп соҳаларда бўлгани каби, Ўзбекистонда юридик таълимнинг кўплаб янги тармоқлари вужудга келишига ҳамда уларнинг ривожланишига ҳам имкониятлар яратиб берди. Янги ижтимоий муносабатлар парламент ҳуқуқи, банк ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, суғурта ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари каби кўплаб янги ҳуқуқий фанларнинг шаклланишига олиб келди. Бу фанлар мустақилликдан олдин Ўзбекистонда умуман ўқитилмас, колаверса, эса ҳам олинмас эди. Масалан, инсон ҳуқуқлари ўқув курси ХХ асрнинг 90-йилларигача илғор хорижий мамлакатларда юридик мутахассисликлар тайёрловчи ўқув юртларининг асосий ўқув курсларидан ҳисоблангани ҳолда, совет тузуми ўқув юртларида эса, юридик таълимда бундай ўқув курси борлигини мутахассислар ҳам билмас эди.

Чунки, совет тузуми инсон ҳуқуқларини алоҳида ўқув курси, фан тармоғи сифатида бутунлай инкор этар эди. Инсон ҳуқуқлари кўпол ва тизимли равишда бузиладиган ушбу давлатда, унинг мафқурасига кўра, давлат томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари умуман инкор этилиб келинган ҳамда алоҳида индивидларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат манфаатидан кейинги ўринда, яъни охириги ўринда деб ҳисобланган. Биринчи ўринда – давлат, кейин эса – жамият ва энг охирида шахс манфаати турар эди. Давлат манфаати йўлида жамият ва шахс манфаатлари поймол этилиши оддий қонуний ҳолат ҳисобланган, табиий ҳуқуқлар деган тушунча эса, умуман инкор этилиб келинган.

Инсон ҳуқуқлари деганда, давлат ёки мансабдор шахслар томонидан муайян шахснинг ёки шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши ва буни таъминлаш билан боғлиқ бўлган давлат ва индивид ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатлар тушунилади. Бундай муносабатларнинг бузилиши, яъни инсон ҳуқуқларига дахлдор бўлган мавжуд қонунларга риоя қилмаслик, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларига мансабдор шахслар томонидан тўсқинлик қилиниши, ёки бўлмаса, давлат томонидан ўзининг халқаро мажбуриятларининг бажарилмаслиги, халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка етарли даражада имплементация қилинмаслиги ва уларга амалиётда етарли даражада риоя этилмаслиги каби ҳолатлар мамлакатдаги инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларига олиб келади.

Мансабдор шахслар, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари одил судловни ёки ҳуқуқни қўллашни амалга ошириш вақтида, баъзан ўз вазифаларини сунистеъмом қиладилар ёки ўз ваколат доираларидан четга чиқадилар ва оқибатда муайян шахслар ёки шахслар гуруҳининг ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол этадилар.

Собик шўролар тузуми даврида бу органларга фақат жазоловчи орган сифатида қаралган бўлиб, уларнинг фаолияти орқали минглаб фуқароларимиз ноҳақ камалиб, репрессияларга дучор бўлишган эди. Масалан, мустабид давр судлари фақат жазоловчи орган сифатида номён бўлиб, мустақил ҳолатда фаолият юрита олмаганликлари ва фақат сиёсий партия ҳамда юқори лавозимдаги амалдорлар тазйиқи остидагина иш олиб борганликлари, бунинг оқибатида инсон ҳуқуқлари поймол бўлиб келганлигига мисоллар жуда ҳам кўп. Ҳатто, носудлов органлари томонидан ҳам инсонларга жазолар берилиш ҳолатлари юз берган. Бунинг яққол исботи сифатида 1930 – 1950 йилларни олиб қарасак, собик СССР даврида носудлов органлари томонидан 3778234 шахс асоссиз жиноий жавобгарликка тортилиб, шундан, 786098 нафари ҳатто ўлим жазосига маҳкум этилган¹. Шунингдек, Ўзбекистон ССРнинг собик СССР прокуратураси терговчилари, Гдьян ва Ивановлар гуруҳининг қонунсизлик ва ўзбошимчаликларига етарлича қаршилик кўрсата олмаганлиги сабаб, 1983–89 йилларда “Пахта иши” бўйича 4,5 минг киши жавобгарликка тортилган ва кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 3,5 минг киши оқланган².

¹ Минибоев У. Суд фуқаролар ҳимоячиси. Тошкент, 2001. Б.21

² Рустамбоев М., Никифорова Е. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Т.: Адолат, 2006. Б.52.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иктисодий эмас, балки маънавий тангликдир. Асрлар мобайнида қарор топган ахлокий-маънавий кадриятларни ғоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иктисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машаққатли бўлади. Ахир, яқиндагина эмасмиди, коммунист, айниқса, у юкорирок лавозимда бўлса, ўз яқин кишилари билан охирги марта видолашиш учун қабристонга ҳам боролмасди. Дафн маросимида иштирок этиш энг қатта айб саналиб, бундай одамни партиядан ўчириб, ишдан бўшатишарди. Виждон азобидан сал бўлса-да, қутулиш, айни пайтда йиллар бўйи меҳнат қилиб эришган имтиёзлардан маҳрум бўлмаслик учун одамлар қариндош-уруғлари, ҳатто, ота-онаси вафот этганда қасалхонага ётиб олишар ёки “шошилинч командировка”га кетиб қолишар эди. Ана шундан кейин ҳам биз, одамлар ҳеч нимага ишонмай қўйишган, уларда ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ, деб айтишга қандай тилимиз борар эди?”¹.

Иктисодий муаммолар демографик ҳолатларда юзага келган аҳвол билан қўшилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишни ғоят долзарб қилиб қўйди. Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси собиқ Иттифокдаги республикалар ичида энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда республика аҳолиси 70 фоизга яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни пайтда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизга яқинигина шундай аҳволда қун кечирганди. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолди².

Мустабид тузумнинг бундай оқибатларидан тўғри хулоса чиқарган Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти, мустақилликнинг дастлабки қунлариданок, мамлакатда демократик, ҳуқуқий давлат ва қучли фуқаролик жамиятини қуришга, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаб беришга, бу соҳадаги ислохотларга қатта эътибор қаратди. Мустақиллик сари қўйилган энг муҳим сиёсий, ҳуқуқий қадамлардан бири – бу 1990 йил 20 июндаги Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши бўлди. Яна бир муҳим ҳужжат 1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун давлат билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатларда қонуний принципларини тўла тиклади.

1 Қаримов И.А.. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 263.

2 Қаримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзинга хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б.18.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, мамлакатимизда инсон манфаатларига, унинг ҳуқуқ ва асосий эркинликларига олий кадрят сифатида ёндашила бошланди. Бунга, 1991 йилнинг 30 сентябрида Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига аъзо бўлишининг ўзиёқ яққол мисол бўла олади. Чунки, мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон бу йўлда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этиб келинган умуминсоний кадрятларнинг устуворлигини эътироф этган эди. Бундай мақсадни эълон қилгандан сўнг иккинчи кадам – республикамизнинг 1992 йил 8 декабрда ўз Конституциясини эълон қилиши бўлди. Конституцияда Декларациянинг барча қондалари мустақамлаб қўйилиши Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий давлат қуришга бўлган мақсадининг конституциявий пойдевори бўлди.

Мамлакат Конституциясида ҳокимият ваколатларининг бўлиниш тамойили асосида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ваколатлари аниқ белгилаб олинди.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг доимий равишда ислоҳ қилиниши натижасида, мамлакатда профессионал парламент, яъни икки палатали – Сенат ва Қонунчилик палатасидан иборат Олий Мажлис шакллантирилди. Мазкур парламент томонидан мустақиллик йилларида 600 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди ва улар доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Уларнинг 120 дан ортиғи бевосита инсон ҳуқуқларига тааллуқлидир. Ўзбекистон бугунги кунда инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган.

Мамлакатда суд ҳокимияти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тубдан, демократик тамойиллар асосида ўз фаолиятини қайтадан ташкил этдилар. Ушбу органларнинг аввалги жазоловчи орган сифатидаги моҳияти ўзгариб бормоқда ва уларнинг олдига энди биринчи даражали вазифа сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаси қўйилмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасида тубдан ислохотлар ўтказилмоқда. Суд тизимини такомиллаштириш бўйича ислохотлар, биринчидан, судларнинг профессионалигини оширишга қаратилган бўлса, иккинчидан эса, суд ҳокимиятининг мустақиллигини тўла таъминлашга қаратилди. Суд тизими ихтисослаштирилди. 2008 йилга келиб, қамокқа олишга санкция бериш судларга ўтказилиши билан судларнинг мустақиллиги ва одил судлов факат судлар орқали амалга оширилиши керак, деган тамойил таъминланди, десак адашмаймиз. Жиноят қонунчилиги либераллаштирилди. Энди жиноят қонунчилигида

репрессив жазолар нафақат камайтирилди, балки жазоларнинг тарбиявий аҳамиятига эътибор кучайтирилди, улар янада инсонпарварлаштирилиб борилмоқда. Бу соҳадаги яна бир энг катта ютуқ – 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазосининг жиноят қонунчилигидан чиқариб ташланганлиги бўлди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш билан бир қаторда, мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суддан ташқари тизими шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази каби демократик давлатлар учун хос бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура тизимларида инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи махсус тузилмалар шакллантирилди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатда 6 мингдан ортиқ нодавлат но-тижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбек жамияти учун хос бўлган маҳалла институти ўзининг ҳуқуқий мақомини топди. Тўртинчи ҳокимият ҳисобланган оммавий ахборот воситалари ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида ўзининг мустақил ўрнини топа бошлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда самарали механизмларини яратиш, уларни доимий равишда такомиллаштириб бориш давлат сиёсатининг бош мақсадига айланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий кадриятга айланди.

2. “Инсон ҳуқуқлари” фани тушунчаси, объекти, предмети, мақсади ва вазифалари

Кейинги йилларда ижтимоий фанлар тизимида “Инсон ҳуқуқлари” фани деган янги илмий билимлар соҳаси шаклланмоқда. Унинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ғоялар хорижда XX асрнинг 70 – 80-йилларида, бизнинг мамлакатимизда эса, 90-йилларда пайдо бўлган эди. 1973 йили Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро институт “Университетларда ин-

сон ҳуқуқларини ўрганиш” мавзусида маъруза тайёрлаган эди. Ушбу маърузада бу фан миллий ёки халқаро ҳуқуқий тартиб билан чекланиб қолмаган ва юридик фан эмас, деб кўрсатиб ўтилган эди. У “ҳам ижтимоий, ҳам табиий бўлган барча фанларни қамраб олади”¹. 1982 йили ушбу позицияни француз олими К. Васак асослаб берган эди².

Профессор Ф. Рудинскийнинг 1992 йили Россиянинг “Государство и право” журналида чоп этилган “История, теория и практика прав человека” номли ўқув курси дастурида эълон қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги тезислари нафақат ўқув курси сифатида, балки инсоннинг ижтимоий турмуш тарзини бир бутун ҳолда кўриб чиқиш учун зарур бўлган мустақил фан сифатида асослаб берилди³. Унинг шаклланиши зарурлиги инсоннинг миллий ва халқаро ижтимоий муносабатлар тизимида тутган ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги билимларнинг долзарблиги, замонавий гуманитар муаммоларни ҳал этишда янги илмий ёндашувларни қидириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича муассасалар фаолиятининг самарадорлигини ўрганишга бўлган ҳаётий эҳтиёж билан ҳам асосланган эди.

1995 йили яна бир рус олими Б.Л. Назаров инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги фанни, ушбу ҳуқуқлар пайдо бўлишининг нисбатан умумий қонуниятлари ва тарихи, назарияси ва тарихи тўғрисидаги таълимот сифатида эътироф этишга чақирди⁴. У ўз тезисларини қуйидагича асослади: ушбу синтезлаштирувчи илмий ва ўқув фани барча юридик фанларда инсон ҳуқуқлари муаммоларини ривожлантириш учун методологик асос бўлиши керак⁵. Ушбу фанни “Инсон ҳуқуқлари назарияси” деб номлаб, Е.А. Лукашева ижтимоий фанлар тизимида унинг мустақиллиги тўғрисидаги тезисни асослаб далиллар келтиради⁶.

Бугунга келиб, бизнинг мамлакатимиз ҳуқуқшунослигида ҳам инсон ҳуқуқлари алоҳида фан сифатида шаклланиб улгурди. Жумладан, мамлакат ҳуқуқий адабиётида, “Инсон ҳуқуқлари” фани бўйича биринчи дарслик 1997 йилда чоп этилган эди. Тошкент давлат юридик институтида тайёрланган мазкур дарслик⁷ Ўзбекистонда “Инсон ҳуқуқлари”

1 Human Rights Studies in Universities. P. 1973. P. 76-77.

2 Vazak K. A 30-year struggle /UNESCO Courier. 1977, Nov. P. 19.

3 Программа курса “История, теория и практика прав человека”/Государство и право. 1992. № 10. С. 39-53.

4 Права человека. История, теория и практика /Организатор авторского коллектива Б. Назаров. – М.: 1995. – С. 17.

5 Ўша жойда. Б. 24.

6 Права человека. Учебник для вузов /Отв. редактор Е.А. Лукашева. М.: 1999. – С. 5-11.

7 Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. /Х.Бобоев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

фанини ўқитишнинг илк назарий асосларига замин ясади. Кейинчалик эса, инсон ҳуқуқлари бўйича катор дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди ва шу аснода мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув-услубий база шакллана бошлади.

Айниқса, инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган кафедраларнинг ташкил этилиши бу борадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқди. Чунончи, мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов, ЮНЕСКО Ижроия кўмитасининг Тошкентда 1998 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган 155-сессиясида таъкидлаб ўтганидек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ЮНЕСКОнинг Инсон ҳуқуқлари, тинчлик, демократия, бағрикенглик ва халқаро тушуниш кафедраси (2007 йилдан бошлаб ЮНЕСКОнинг “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси) ташкил топиши билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишларининг кўлами янада кенгайди. Мазкур кафедра доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича китобларнинг янги авлодлари чоп этила бошлади¹.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги янги фаннинг шаклланиши назариянинг янада ривожланиши зарурияти ва амалиёт эҳтиёжлари билан ҳам боғлиқ эди.

XX асрнинг охирига келиб, дунёда ижтимоий ва гуманитар фанлар ҳуқуқшунослик, фалсафа, сиёсатшунослик, социология, тарих, иқтисодий фанлар ва бошқаларнинг роли ҳамда таъсири кучайди. Ҳуқуқий фанлар ичида ўзининг алоҳида ва аҳамиятли ўрнини “Инсон ҳуқуқлари” фани эгаллади.

Билимларнинг ушбу соҳасида концептуал аппаратни такомиллаштириш, янги назарий билимлар ва тажрибаларни йиғиш, таълим тизими ва ёш авлодни инсон ҳуқуқлари руҳида тарбиялаш учун дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг ишлаб чиқилиши буларнинг ҳаммаси инсон ҳуқуқларининг изчиллик билан илмий билимларнинг муҳим соҳасида шаклланаётганлигини кўрсатмоқда.

¹ Қаранг: Права человека. Учебник-хрестоматия. Под ред. А.Саидова. Т. УМЭД, 2001; Саидов А.Х. Международное право прав человека. – М.: 2002; Саидов А. Общепризнанные права человека. М.: 2004; Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т.: Адолат, 2002; Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. / Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2004; ЮНЕСКО халқаро мезърий ҳужжатлари. (Тўплам). / Ўзбекча нашрнинг масъул муҳаррири Л.Саидова. Т. Адолат, 2004; Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. -Т. Konsauditinform-Nashr, 2006; Тиллабаев М. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика. Монография /Отв. ред. А.Х.Саидов. Т. Адолат, 2008; Тиллабаев М. Права человека: практические задачи. Учебное пособие. Т.: УМЭД, 2010; Мўминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик/Масъул муҳаррир Саидов А.Х. – Т.: ЖИДУ, 2010; Мўминов А., Тиллабаев М. Бола ҳуқуқлари. Электрон дарслик. –Т.: ЖИДУ, 2012 ва бошқалар.

Инсон ҳуқуқларининг фан (грекчада – episteme, лотинчада – scientia) сифатидаги вазифаси борлик тўғрисидаги объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий тизимлаштиришга бўлган инсоният фаолиятининг соҳаси тушунилади¹. Фан, ижтимоий институт сифатида, инсонларнинг табиат ва жамият воқеликлари тўғрисидаги илмий билимларни ишлаб чиқарувчи ва тизимлаштирувчи фаолият соҳаси ҳисобланади.

“Инсон ҳуқуқлари” фанини ўрганишнинг **объекти** – бу давлат билан индивид ўртасидаги индивиднинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни ўрганишдан иборатдир. Давлат ушбу муносабатларда инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга қўшилиши, шунингдек, ўзининг бу соҳадаги қонунчилигини шакллантириши ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи махсус механизмларни яратиш йўллари билан индивиднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб беради.

Фан предмети² – у ўрганадиган муайян масалалар доираси ҳисобланади. Юридик фан (юриспруденция) ҳуқуқ, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг турли жиҳатлари, яъни ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муайян ижтимоий муносабатларни ўрганади. Ўзаро боғланган фанлар предметининг бошқа фанлар предметидан аниқ фарқланиб туриши билимларнинг соҳалари ва академик фанларнинг илмий етуқлиги ҳамда уларнинг нисбатан мустақиллиги ва потенциал самарадорлигидан гувоҳлик беради³.

“Инсон ҳуқуқлари” фанининг **предмети** – шу фан доирасида ўрганиладиган қуйидаги масалалардан иборат: инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тушунчаси, уларнинг тарихий ривожланиш қонуниятлари, инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормалар ва уларнинг турли давлатларнинг миллий қонунчилигига имплементация қилиниши масалалари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатининг халқаро ва миллий механизмлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига таъсир қилувчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа омиллар каби инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилишни таъминлаб бериш билан боғлиқ бўлган барча масалалар.

“Инсон ҳуқуқлари” фанининг **максади** – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда мажбуриятларини ўзаро ҳамбарчас ва бир-бирига боғлиқ ҳолда тушуниш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда уларни ҳимоя ва муҳофаза қилиш муаммоларини

1 Философский словарь. М. 2004. С. 387.

2 Предмет – бу фикрий ўрганишга қаратилган ҳар қандай моддий воқелиқдир.

3 Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права: Учебник. М., Проспект, 2001. – С. 5.

уларнинг турфа хиллигидан келиб чиккан ҳолда урганиш асосида инсоннинг ҳукукий онги ва ҳукукий маданиятини шакллантириш орқали ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ўз мажбуриятларига онгли равишда роя этиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари” фани яна қуйидаги мақсадларни ҳам кўзлайди:

талабаларнинг, яъни келгусида давлат ва тижорат тузилмаларида тегишли мансабни эгаллайдиган ва давлатнинг ҳукукий тизими, хусусан, инсон ҳуқуқларининг аҳволи, уларнинг қафолатланиши ва амалга оширилиши билан бевосита шуғулланувчи *бўлажак мутахассисларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш*;

талабаларга ҳар бир эркин инсон эга бўлиши керак бўлган сифатлар – *инсоний дунёқараш, демократик кўникмалар, инсоний қадрқиммат, ўзини ўзи ҳурмат қилиш, фуқаролик масъулияти тўғрисида синалдириш*;

талабаларда таълимнинг бутун жараёнида, ушбу фанни чуқур ўрганиш учун ҳамроҳ бўлиши керак бўлган *ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари каби, бошқа инсонларнинг ҳам шундай ҳуқуқлари ва эркинликларини чуқур тушуниш ва ҳурмат қилиш ҳиссини шакллантириш*.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни бажариш лозим бўлади:

- *биринчидан*, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимларни ўзлаштиришида малакали педагогик ёрдам кўрсатиш;

- *иккинчидан*, инсон ҳуқуқлари маданиятини тарғиб қилиш ва ривожлантириш;

- *учинчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш.

“Инсон ҳуқуқлари” фанининг вазифалари. Ҳар бир фаннинг ўзига хос вазифалари бўлгани каби, “Инсон ҳуқуқлари” фанининг олдига ҳам қатор вазифалар қўйилган бўлиб, улар **қуйидагилардан иборат:**

биринчиси

фуқароларни инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги билимлар билан таништириш;

иккинчиси

фуқароларда инсонларга, уларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматига нисбатан ҳурмат ҳиссини ошириш;

учинчиси

хуқукни қўлловчи мансабдор шахсларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш бўйича масъулликни ошириш;

тўртинчиси

жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга кўмаклашиш;

бешинчиси

жамиятда юқори даражада фуқаролик масъулиятини ҳис эта оладиган ҳуқуқ субъектини шакллантириш.

“Инсон ҳуқуқлари” фани тизими. Мазкур фаннинг тизими икки қисмдан иборат бўлиб, у умумий ва махсус қисмга бўлинган. Умумий қисмда инсон ҳуқуқларининг назарий масалалари ҳамда халқаро ҳуқуқий масалалари, шунингдек, илғор хорижий тажрибалар ўрганилиши кўзда тутилган. Махсус қисмда эса, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига ёндашув, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, уларни таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг институционал тизими, шунингдек, бу соҳадаги халқаро ва миллий фаолиятни амалга ошириш масалалари ўрганилади.

3. “Инсон ҳуқуқлари” фанини ўрганиш методологияси

Фан методологияси¹ деганда, фан асосланадиган умумий таянч тамойиллар, объектив-ҳақиқий билимларни олиш жараёнида қўлланиладиган усуллар, қоидалар ва йўлларнинг мажмуи тушунилади.

“Инсон ҳуқуқлари” фанининг ўрганиш методологияси деганда, инсон ҳуқуқлари тушунчаси, уларнинг белгилари ва хусусиятлари, уларнинг қонунда мустаҳкамланиши ва амалга оширилишининг шакллари ва усулларини ҳар томонлама ўрганишга ёрдам берувчи қоидалар ва усуллар тушунилади. Одатда, улар универсал ва хусусий усулларга бўлинади.

¹ Методология (услугият) бу тадқиқот, назария, таълимот йўли, бирор-бир мақсадга эришиш, муайян вазифани ҳал этиш усули, борлиқни техникавий ёки назарий ўзлаштиришнинг усуллари ёки операциялари демакдир.

“Инсон ҳуқуқлари” фанини ўрганиш методологияси:

Универсал усуллар

*Табиат, тафаккур ва жамият-
нинг умумий қонуниятлари*

Хусусий усуллар

Тизимли усул

Қиёсий усул

Тарихий усул

Социологик усул

Мантиқий усул

Тизимли усулда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммолари ҳамда унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ўзаро боғлиқ ҳолда ягона бир бутун фан ўрганилади. Масалан, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳеч қачон фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди, зеро 1968 йилги Инсон ҳуқуқлари бўйича Биринчи Бутунжаҳон конференцияси якунлари бўйича қабул қилинган резолюцияда ҳам бу ҳуқуқлар бўлинмас ҳуқуқлар сифатида эътироф этилган.

Қиёсий усулда тушунчалар ва ҳолатлар улар ўртасидаги умумий томонлар ва фарқларни солиштириш асосида ўрганилади. Масалан, турли мамлакатларнинг инсон ҳуқуқларига оид қонунчилигини, турли минтакаларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини, универсал ва минтакавий стандартларни уларнинг миллий қонунчиликда акс этишини таққослаш мумкин.

Тарихий усулда инсон ҳуқуқлари тарихий тараққиёт ривожланишида ўрганилади. Масалан, инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи авлод ҳуқуқлари, иккинчи авлод ҳуқуқлари ёки Ғарб ва Шарқда инсон ҳуқуқлари ривожланишининг ўзига хос тенденциялари ва ҳоказолар.

Социологик усулда ахборотлар йиғилади ва таҳлил этилади. Буларнинг биринчисига турли шаклдаги сўровлар (оммавий анкета сўровлари, интервью, эксперт сўровлари, ижтимоий тажриба, кузатув ва бошқалар) киради. Айниқса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги долзарб муаммолар бўйича анкета сўровларини ўтказиш орқали аҳолининг фикрини ўрганиш, одатда, ушбу муаммоларни тўғри хал этишга ва

кабул қилинган қарорнинг аҳоли орасида хайрихоҳлик билан қабул қилинишига ёрдам беради.

Мантиқий усулда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоларини мантиқий нуқтаи назардан ўрганишнинг воситалари ва усуллари тушунилади. Муаммоларни ўрганишда мантиқий усуллардан фойдаланиш, ушбу муаммони ўрганиш асосида қабул қилинадиган қарорлар ва қонун ҳужжатлари зиддиятлардан ҳолис бўлишига ёрдам беради.

Биз санаб ўтган усулларни “Инсон ҳуқуқлари” фанини ўрганишнинг барча усуллари деб ҳисоблаб бўлмайди ва ушбу фан доирасидаги муаммоларни ўрганишда билиш назариясининг бошқа усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

4. “Инсон ҳуқуқлари” фанининг ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий фанлар тизимида тутган ўрни

“Инсон ҳуқуқлари” фани инсон ҳуқуқлари тарихи, назарияси ва амалиёти муаммоларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шу билан бир қаторда, ҳар бир ижтимоий фан инсон ҳуқуқларининг муайян жиҳатларини унинг ўзига хослиги нуқтаи назаридан ва ўзининг усуллари билан тушунади. Масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси – шахснинг субъектив ҳуқуқлари муаммосини ва бу ҳуқуқларни таъминлаб беришда давлатнинг вазифаларини, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳуқуқий тизимнинг элементи сифатидалиги ва бошқаларни ўрганса, халқаро оммавий ҳуқуқ фани эса – инсон ҳуқуқларини белгилаб берувчи халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари ҳамда уларнинг кафолатларини, хусусан, халқаро ташкилотларнинг бу соҳадаги фаолиятларини ўрганади.

“Инсон ҳуқуқлари” фанининг бошқа фанлардан ўзига хос томони шундаки, унинг ривожланишида фалсафа, сиёсатшунослик, социология, юридик фанлар ва бошқа ижтимоий фанлар, шунингдек, табиий фанлар ҳам муҳим роль ўйнаб келган ва бугунги кунда ҳам мазкур фан ҳамон уларнинг таъсири остида ривожланмоқда. Шуниси ҳам борки, эндиликда бундай таъсир икки томонлама муносабат хусусиятини касб этмоқда, яъни нафақат бу фанлар “Инсон ҳуқуқлари” фанига таъсир кўрсатмоқда, балки “Инсон ҳуқуқлари” фани ҳам, ўз навбатида, бу фанларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда¹ Шунинг учун ҳам “Инсон ҳуқуқлари” фани кўпинча тармоқлараро фанлар қаторига киритилади.

¹ Саидов А. Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 64.

Фалсафа ва инсон ҳуқуқлари. Фалсафа табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг фундаментал қонуниятлари тўғрисидаги, шунингдек, борлик ва турмуш асослари ҳақидаги фандир. Инсон, унинг моҳияти, жаҳондаги ўрни ва қисмати фалсафий таҳлилнинг муҳим объектларидан биридир. Айти фалсафий антропология (инсон фалсафаси) доирасида инсоннинг бор ҳолича мустақил ва бор ҳолича кадрли мавжудот эканлиги тариқасидаги тушунча аста-секин ривожланиб борган¹. Бусиз бирон-бир “инсон ҳуқуқлари” тўғрисида ҳам ва умуман, ана шу ҳуқуқларнинг соҳиби тариқасида “инсоннинг ўзи” ҳақида ҳам сўз юритиш қийин².

Аксиология (фалсафанинг қадриятларни ўрганувчи тармоғи) ҳамда этика (ахлоқ фалсафаси) илмида асрлар мобайнида инсон турмушининг қадриятлари – ҳаёт, озодлик, эркинлик, адолат ва шу сингарилар тўғрисидаги ҳамда уларни амалга ошириш йўллари ҳақидаги тасаввурлар шаклланиб келди. “Инсон ҳуқуқлари” фанида ҳам ушбу масалалар тўлиқ ўз аксини топган.

Ва ниҳоят, ижтимоий фалсафа, энг аввало, ҳуқуқ фалсафаси фалсафанинг антропология, аксиология ва этика бобидаги ғояларининг синтез қилинишини таъминлайдиган замин бўлиб қолган. Бу синтез эса, табиий ҳуқуқнинг бирламчи концепцияси сифатида, кейинроқ, янги даврда эса, “инсон ҳуқуқлари концепцияси” тарзида ҳуқуқий жиҳатдан собитлашган.

Шундай қилиб, фалсафа инсон ҳуқуқлари ғояларининг расмий-ҳуқуқий, мазмундор ва ҳар ёқлама ишончли манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Бинобарин, инсон ҳуқуқларини қандайдир мутлак ҳуқуқ сифатида, ақидапарастларча тушуниш йўлига айти фалсафа ғов бўлади. Негаки, бу нарса фалсафанинг диалектик ва танқидий усулларига зиддир³.

Сиёсатшунослик ва инсон ҳуқуқлари. Сиёсатшунослик сиёсий ташкилотлар ва жамиятнинг сиёсий ҳаёти тўғрисидаги, ички ва ташқи сиёсат муаммолари ҳақидаги илмлараро фан бўлиб, унинг инсон ҳуқуқлари билан нақадар чамбарчас боғлиқ эканлиги ана шу таърифнинг ўзидан ҳам яққол кўриниб турибди. Сиёсатшунослар, хусусан, сиёсий нуқтаи назардан инсон ҳуқуқларининг норматив жиҳатларидан

1 Сандов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 65.

2 Қаранг: Kovler A.I. Antropologiya prava. – М.: 2002.

3 Сандов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 66.

хам кўра кўпроқ функционал жиҳатларини идрок этиш ва асослаш тақозо этилишини таъкидлайдилар. Бошқача қилиб айтганда, сиёсий ҳамжамиятлар раванқ топиши ва самарали фаолият олиб бориши учун инсон ҳуқуқларининг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятини идрок этиш ва асослаш талаб этилишига урғу берадилар. Мазкур масала бўйича фикрлар ва ёндашувлар эса, табиийки, ҳар доимгидек хилма-хилдир. Буни сиёсий кескинлик, юзага келаётган муаммоларнинг анъанавий қолипга сиғмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бирок, ана шу тафовутларга қарамай, ҳам назарий, ҳам амалий маънода умумэътиборга молик, деб эътироф этилган бир туркум масалалар ҳам бор¹. Улар жумласига, айтайлик, сиёсий ҳамжамият аъзосининг ҳуқуқлари билан мажбуриятлари ўртасидаги узилишни бартараф этиш муаммосини киритиш мумкин: булар ўтмишда, қадимги дунёдаги шаҳар-давлат демократияси шароитида ажралмас деб тасаввур этилган².

Халқаро муносабатлар ва инсон ҳуқуқлари. Халқаро муносабатлар халқаро ҳуқуқ субъектлари, яъни давлатлар, халқаро ташкилотлар, ўз озодлиги учун курашаётган халқлар ва миллатлар, давлат типидagi тузилмалар ўртасидаги, яна шу билан бирга, ушбу субъектлар билан, халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли бўлмаган акторлари, яъни халқаро нодавлат ташкилотлари, индивидлар, трансмилий компаниялар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа йўналишлардаги ўзаро муносабатларни ўрганувчи фан бўлиб, кейинги пайтларда ушбу муносабатларда инсон ҳуқуқлари асосий объектлардан бирига айланиб қолмоқда. Халқаро муносабатларнинг демократик ва инсонпарварлик хусусиятини касб эта бориши инсон ҳуқуқларининг тан олинishi ва химоя қилинишидаги муҳим омил ҳисобланади.

Социология ва инсон ҳуқуқлари. “Ижтимоий фикрнинг вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишларнинг ҳақиқий аҳволидан одамларнинг хабардорлиги сифатида муҳим аҳамият касб этади. Гап уларнинг ўз мамлакатидаги инсон ҳуқуқлари бўйича билими тўғрисида, инсон ҳуқуқларига оид ҳужжатларни билиши ҳақида, шунингдек, бошқа мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятлардан воқиф бўлиши хусусида бормоқда”³.

1 Сандов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 66.

2 Каранг: Права человека/ Полито: Энциклопедический словарь. Общ. ред. и сост. Ю.И. Аверьянов. М., 1993. С. 310.

3 Каранг: Савин М.С. Общественное мнение и вопросы международного сотрудничества в области прав человека. Права человека в истории человечества и в современном мире. М., 1989. С. 142-143.

Социология жамиятнинг қарор топиши, ривожланиши ҳамда фаолият олиб бориши билан боғлиқ қонуниятларни ўрганади. Инсон ҳуқуқларига бошқа фан йўналишларига нисбатан кўпроқ боғланган соҳа ҳуқуқ социологиясидир. Социологиянинг бу тармоғи ҳуқуқ институтининг бошқа ижтимоий институтлар билан ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришини, шунингдек, ҳуқуқий нормалар генезиси ва динамикасини ҳамда бу нормаларнинг ижтимоий сабаби ва уларнинг жамиятда эгаллаган мавқеини ўрганади. Шу боис, социологлар инсон ҳуқуқларига ҳуқуқнинг тармоғи сифатида эмас, балки “инсоннинг ижтимоий мавжудот тарикасидаги қамолотини кўрсатувчи, тавсифловчи тушунчалар кодекси”¹ сифатида қарайдилар.

Ҳуқуқ социологияси социал психология ва этнология билан биргаликда инсон ҳуқуқларига оид нормаларнинг мамлакатда амалга оширилиши масалаларида зарур илмий-таҳлилий асос яратади. Социологик сўровлар ўтказиш йўли билан инсон ҳуқуқларининг у ёки бу нормаларига (масалан, ўлим жазосига санкциянинг судларга берилишига тааллуқли нормалар) фуқаролар қай даражада тайёргарлиги аниқланади. Мамлакатимизда ўлим жазосини жазо тури сифатида жиноят қонунчилигидан чиқариб ташлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинган 2005 йилнинг 1 августидан ўлим жазосини бекор қилиш кучга кирган 2008 йил 1 январга қадар мамлакат аҳолисининг турли қатламлари орасида кўплаб сўровлар ўтказилиб, бу масаладаги аҳолининг фикри ўрганилди. Чунончи, 2008 йилда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида сўров ўтказилганида, аҳолининг аксарият қисми, яъни 92,8 фоизи ўлим жазосининг бекор қилинишини, 90 фоиздан ортиғи эса, санкциянинг судларга берилишини қўллаб-қувватлаган².

Юридик фанлар ва инсон ҳуқуқлари. “Инсон ҳуқуқлари” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси тўғрисида фикр юритилганда, юридик фанлар муҳим ўрин тутади. Чунки, инсон ҳуқуқларининг шаклланишида давлатларнинг миллий ҳуқуқи ва унинг асосий тармоқлари, яъни конституциявий, фуқаролик, маъмурий ва жиноят ҳуқуқи биринчи даражали манба сифатида баҳоланиб келган.

1 Каранг: Права человека// Социологический энциклопедический словарь/ Под ред. акад. РАН Г.В. Осипова. – М.: 1998. – С. 254.

2 “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2008 йил 15–25 майда “Инсоннинг яшаш ва шахсий дахлсизлиги ҳуқуқини таъминлаш” мавзусида ўтказган социологик сўровининг таҳлилий маълумотномаси.

Инсон ҳуқуқларини ўрганишда унинг бошқа юридик фанлар – давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи билан, қолаверса, юриспруденциянинг барча тармоқлари, яъни конституциявий, фуқаролик, жиноят, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқлар билан, шунингдек, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал, маъмурий-процессуал сингари процессуал билим тармоқлари билан кесишуви ва ўзаро таъсири муқаррардир. Чунончи, шахснинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқий қобилияти, муомалага лаёқатсизлиги муаммолари ҳуқуқнинг умумий назариясида ҳам, тармоқ юридик фанларида (тармоқ ҳуқуқий мақом сифатида) ҳам ўрганилмоқда.

Инсон ҳуқуқларининг қарор топиши ва ривожланиши хусусида ҳам шундай дейиш мумкин: бу нарса чет эл ҳамда миллий давлат ва ҳуқуқи тарихида, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида ўрганилади. Тармоқ юридик фанлари шахснинг конституциявий, фуқаролик, экологик ва бошқа ҳуқуқларини ўрганиб борадики, бу ҳуқуқлар жамланган ҳолда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми ташкил этади. Конституциявий, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал, маъмурий-процессуал ҳуқуқ орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари ва механизмлари, бузилган ҳуқуқларни тиклаш усуллари ўрганилади¹. Чунки, инсоннинг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тартиби процессуал нормаларда белгилаб қўйилган.

Конституциявий ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари. Конституциявий ҳуқуқ миллий ҳуқуқий тизимнинг етакчи тармоғидир². Конституциявий ҳуқуқ нормалари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳудудий тузилишининг асосий тамойилларини, унинг фуқаролик жамияти институтлари билан муносабатлари тартибини, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишини тартибга солади ҳамда давлат ҳокимияти органлари тизимини аниқлаб беради. Бир қанча мамлакатларда конституциявий ҳуқуқ давлат ҳуқуқи деб ҳам юритилади³.

Айрим мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи шу мамлакат қабул қилган асосий тамойиллар негизида ташкил топади. Ана шундай тамойиллардан бири ички давлат ва халқаро ҳуқуқ муносабати маса-

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 70.

2 Қаран Таджиханов У. Одилқориев Ҳ., Саидов А. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. – Т. 2001.

3 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 70.

ласини ҳал этишдан иборатдир. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуққа нисбатан устунликка эга бўлгани учун ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари конституциявий ҳуқуқ тузилишини бевосита белгилаб беради. Айни ана шу халқаро нормалар (ички давлат ҳуқуқида улар қай тарзда акс этганлигидан катъи назар) шахснинг у ёки бу ҳуқуқларини мустаҳкамлаб беради, уларни халқаро қўламда ва ички давлат миқёсида ҳимоя этиш механизминини белгилайди¹.

Фуқаролик ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари. Фуқаролик ҳуқуқи миллий ҳуқуқнинг яна бир муҳим тармоғидир. Мулкий муносабатлар ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг предмети ҳисобланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ҳуқуқи бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларни, масалан, шаън ва кадр-қимматни ҳимоя қилиш ҳуқуқини тартибга солади.

Инсон ҳуқуқлари нормалари фуқаронинг муҳим ҳуқуқларини белгилаб беради: улар давлатнинг фуқаролик ҳуқуқида акс этади, уларни ҳимоя қилиш механизмлари эса, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормаларга мувофиқ фуқаролик-процессуал ҳуқуқида белгилаб қўйилади². Чунончи, фуқаролик ҳуқуқида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 6-моддасидаги (“Ҳар бир инсон, қаерда бўлишидан катъи назар, ўзининг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиниш ҳуқуқига эгадир”), 12-моддасидаги (“Ҳеч ким инсоннинг... ор-номуси ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон... ана шундай тажовуздан қонун йўли билан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир”), 15-моддасидаги (“Ҳар бир инсоннинг гражданлик (фуқаролик) ҳуқуқи бор”) қоидалар ва бошқа қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқида эса, мазкур Декларациянинг 8-моддасида берилган қоида (“Ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир”) ва бошқа нормалар мустаҳкамлаб қўйилган³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси 4-моддасида “фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 71.

2 Ўша жойда.

3 Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро Билль// Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: Адолат, 1992. – Б. 12–13.

ва манфаатларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда конун билан кўрикланадиган манфаатларини химоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир”¹. деб кўрсатиб ўтилган.

Фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-гартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари. Маъмурий ҳуқуқ давлат бошқарувининг ташкил этилиши ҳамда унинг ижро ва идора этилиши билан боғлиқ фаолият жараёнида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоғидир.

Маъмурий ҳуқуқ нормаларида давлат бошқаруви билан, энг аввало, иқтисодиёт ва ижтимоий-маданий соҳадаги бошқарув билан инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан боғлиқ механизмлар кўпроқ акс этади. Бунга, жумладан, таълим тизимини ташкил этиш, таълимни бошқариш ва таълим муассасалари фаолияти устидан давлат назоратини олиб бориш; соғлиқни сақлаш ишини бошқаришни ташкил этиш, давлат соғлиқни сақлаш бошқаруви тизимини, санитария-эпидемиология назоратини ташкил этиш; фан, маданиятни бошқариш; фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув киради. Шундай қилиб, маъмурий нормалар инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини амалга оширишнинг давлат ички механизмини таъминлайди.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқнинг бошқа тармоқларида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари шахс томонидан қай тарзда амалга оширилиши мумкин эканлигини белгилаб беради². Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексин 3-моддасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги конун ҳужжатларининг вазифалари қуйидагича белгилаб қўйилган: “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги конун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибинин, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда; 2004 йил, 1-2-сон, 18-модда; 9-сон, 171-модда.

² Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Ё. 72-73.

тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди”¹

Инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи умумжаҳон конференциясида 1993 йил 25 июнда қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурида бу борада, масалан, анчагина кенг тавсиялар берилган. Унда, жумладан, давлатларга қаратилган шундай кўрсатма бор: “Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси ҳуқуқматларни ички қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалардаги стандартларни киритишга ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириб бориш ва ҳимоя этиш ишида муайян роль ўйнайдиган миллий тузилмаларни, институтлар ва жамият органларини мустаҳкамлашга катъият билан даъват этади”².

Жиноят ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари. Жиноят ҳуқуқи жиноятчиликни ҳамда ижтимоий муносабатларнинг мазкур тизими учун хавфли қилмишлар жазоланишини белгилайдиган юридик нормаларнинг мажмуидан иборат ҳуқуқ тармоғидир.

Жиноят ҳуқуқининг асл мақсади жиноятчиликка қарши курашидир. Бу ҳуқуқ қайси қонунбузарликлар ижтимоий хавфли эканлигини, яъни алоҳида олинган бир шахснинг ва умуман жамиятнинг ҳуқуқларини бузишга қаратилганлигини аниқлаб беради. Бунда жиноий жазо белгиланадиган қилмишларнинг объектлари – ҳуқуқлар ва ижтимоий муносабатлар аниқлаб олинади. Мазкур объектлар инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан иборатдир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 2-моддасида “Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан кўриклаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни рес-

1 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда.
2 Венская декларация и Программа действий// Права человека: Учебник-хрестоматия. Т УМЭД. 2001. – С. 260.

публика Конституцияси ва конунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир”¹, деб кўрсатиб ўтилган.

Процессуал ҳуқуқ инсон ҳуқуқларини халқаро ҳимоя этиш механизмини шакллантиришга ёрдам берди ва бунда миллий суд ишини юритиш тамойилларини БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди сингари инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормалар асосида фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар фаолиятига асос қилиб белгилаб қўйди.

Айни вақтда, акс алоқани кузатиш ҳам қийин эмас. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро билл, БМТ конвенциялари, инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий конвенциялар ва битимлар сингари муҳим халқаро ҳужжатлар, иштирокчи-давлатларга ушбу ҳужжатларнинг нормаларини миллий ҳуқуққа сингдириш мажбуриятини юқлади. Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда ҳибсга олинганларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда бошқа бир қанча нормалар мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, улар миллий жинойт-процессуал ҳуқуққа ҳам кирди².

Табиий фанлар ва инсон ҳуқуқлари. Умуман олганда, инсон ҳуқуқлари бошқа фанлар, яъни табиий фанлар, айниқса, биология, тиббиёт, генетика каби инсоннинг жисми ва унинг дахлсизлиги билан боғлиқ фанлар билан ҳам узвий боғлангандир. Масалан, тиббиёт соҳасида бевосита шахсий ҳуқуқлар билан дахлдор бўлган эвтаназия муаммоси кейинги пайтларда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, эвтаназия, яъни инсоннинг ўз розилиги билан шифокорлар томонидан уни яшашдан маҳрум қилиш, яшаш ҳуқуқи табиий ҳуқуқ эканлигига зид ҳисобланади. Чунки, бир томондан, инсон ўз ҳаётига ўзи хўжайин бўлса, иккинчи томондан эса, унга ушбу ҳаёт табиий ҳуқуқ назариясига кўра, табиатан, яъни Худо томонидан берилади ва бу ҳаётни факат У (Худо) гина қайтариб олиши мумкин. Учунчидан эса, кўп ҳолларда баъзи шифокорлар ёки беморларнинг яқинлари томонидан нопок мақсадларда ҳам инсон ҳаётдан маҳрум қилиниши мумкин. Ёки генетика соҳасини бунга мисол қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам, инсон ҳуқуқлари, тиббиёт, генетика соҳалари кесишгани ҳолда фаннинг “Биоэтика” деган янги ўзига хос йўналиши пайдо бўлмоқда.

1 Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодекси. 1994 йил 22 сентябрь// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 1-модда.

2 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 74.

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизини, авваламбор, конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар конституцияларида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига махсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ўз аксини топган.

Конституция ҳар бир давлатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Унинг меъёрлари нафақат давлат тузуми, давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил этиш тамойилларини, балки ижтимоий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради. Конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, конституция ўзининг асосий қоидаларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш учун кенг имконият яратади.

Асосий конституциявий қоидалар, тамойиллар юридик базани ташкил қилади. Ушбу юридик база негизда эса, ҳуқуқнинг барча молиявий, фуқаролик, жинсий, меҳнат ва бошқа соҳаларининг нормалари мужассам. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқалар) конституцияга асосланади. Бошқача қилиб айтганда, конституция барча қонун ҳужжатларининг асоси, манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, инсон, унинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш давлатнинг асосий мажбуриятидир. Мазкур тамойил конституциявий қурилиш асослари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа барча ижтимоий муносабатлар шаклланишининг, жумладан, давлат қурилишининг олий қадриятидир. Давлат тан оладиган ва ҳимоя қиладиган инсон ҳуқуқлари ва бошқа қадриятлар ўзаро мувофиқ келмаса, инсон ҳуқуқларига устунлик берилади;

иккинчидан, ушбу тамойилнинг моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларида мустақамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими орқали очилади. Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар рўйхати тўлиқ ҳисобланмайди ҳамда шахс ва фуқаронинг бошқа умумэътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлари тан олинмаслиги ёки қамситилишини билдирмайди;

учинчидан, давлат ҳокимиятининг шаклланиши ва халқ иродасига мувофиқ ҳолда амалга оширилишини билдирувчи ҳокимиятнинг қонунийлиги. Ҳозирги демократик давлатларда ҳокимият қонунийлигига сайловлар жараёнида эришилади, аҳоли маълум шахсларга давлат ҳокимияти ваколатларини топшириб, ўз сиёсий иродасини ифода этади;

тўртинчидан, давлат ҳокимиятининг демократик тартибда шаклланиши ва амалга оширилиши. Ушбу тавсиф давлатда умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи амалга оширилишини кафолатловчи демократик сайлов қонунчилигининг мавжудлигини, доимий равишда эркин, ҳақиқий сайловлар ўтказилишини билдиради. Шунингдек, қонун ҳужжатларида, аввало, Конституцияда давлат ҳокимиятини амалга ошириш тартиблари, жумладан, қонунларни қабул қилиш тартиби, давлат идораларининг ваколатлари, ҳужжатлар қабул қилиш тартиби, ҳуқуқий тизимда турли хил ҳужжатларнинг ўзаро мутаносиблиги қабилар мустақкамланган бўлиши лозим;

беешинчидан, ҳокимиятни конституцияга зид бўлган йўллар билан эгаллашнинг тақиқланганлиги ва бундай эгаллаш (босиб олиш) қонун бўйича таъқиб этилиши. Ҳокимият ваколатларига эгалик қилиш улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлга киритилган тақдирдагина, қонуний ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган органлари – демократик сайловлар йўли билан, бошқа органлар эса қонун билан белгиланган тайинлаш, танлов ва бошқа усуллар ёрдамида шакллантирилади.

Инсон ҳуқуқларининг устуворлиги демократик давлатчилик тамойили сифатида Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосларига киритилган ва унинг натижасида юзага келадиган бошқа тамойиллар, яъни ҳокимиятнинг бўлиниши, ғоявий ва сиёсий ҳурфикрлилик, кўппартиявийлик, ижтимоий адолат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши қабилар билан узвийдир¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунёнинг 100 га яқин конституцияларини ўрганиш асосида, уларнинг энг илғор тажрибаларини ҳисобга олиб, умуминсоний нуктаи назардан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан, шунингдек, халқимизнинг бой ўтмиши ва тарихини эътиборга олган ҳолда, азалий урф-одатларимиз, ва анъаналаримиздан келиб чиқиб қабул қилинган ва у хорижий мутахассислар томонидан дунёнинг энг демократик конституцияларидан бири сифатида эътироф этилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик/ Х.Т. Одиқориев таҳрири остида. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. Б. 191–192.

Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий қондалар мустаҳкамлаб қўйилган:

биринчидан

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбурияти;

иккинчидан

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устунлиги;

учинчидан

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқли эканлиги, яъни табиий ҳуқуқ ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

тўртинчидан

ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

бешинчидан

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

олтинчидан

фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

еттинчидан

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шахс ва фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишига асос бўлган омил, яъни раҳбарий ғоялар йиғиндиси ҳисобланган шахс ва фуқаро ҳуқуқий мақомининг қуйидаги тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган:

1) шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги;

- 2) асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ажралмаслиги;
- 3) ҳуқуқ ва эркинликларнинг бевосита амалга оширилиши;
- 4) ҳуқуқ ва эркинликларни мажбуран чеклашга йўл қўйилмаслиги;
- 5) шахс ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан кафолатланганлиги;
- 6) тенг ҳуқуқлилик;
- 7) шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги шарт эканлиги¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам замонавий демократик давлатлар конституцияларидаги сингари барчанинг қонун олдида тенглиги, шахснинг давлатга нисбатан устуворлиги, давлатнинг инсон ва жамият фаровонлиги учун хизмат қилиш мажбурияти каби инсонпарварлик тамойилларига катта аҳамият берилган. Чунончи, Конституциямизнинг 14-моддасида “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади,” деб қайд этилган. Ушбу ғояларни жамоатчилик онгига сингдириш ҳар бир фуқарода қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантиришга кўмаклашади.

Дарҳақиқат, ҳар бир демократик давлатнинг конституциявий асосини инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимиз Конституциясидан “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” бўлими алоҳида ўрин эгаллагани бежиз эмас. Шунингдек, Бош қомусимизнинг “Асосий тамойиллар” бўлимида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини қайд этувчи асосий ғоялар мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциямизнинг қолган барча бўлимларида ўзининг ижтимоий йўналиши бўйича жамоат ва давлат тузилмаларининг шахс ҳамда жамият олдидаги вазифалари баён этилган. Собик шўро тузуми даврида давлатнинг манфаатлари шахс манфаатларидан устун эканлиги қатъий белгилаб қўйилган бўлса, ушбу масала мустақил Ўзбекистон Конституциясида адолатли ҳал этилган. Яъни, шахс манфаатларининг устунлиги, уни “олий қадрият” деб эътироф этиш нуктаи назаридан ҳал этилган (13-модда). Шунингдек, Конституциямизда “фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик/ Ҳ.Т. Одиқориев таҳрири остида. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 192-194.

боғлиқлиги” тамойилининг мустаҳкамлаб қўйилгани бундай нуктаи назарнинг изчиллигини таъминлайди (19-модда).

Ўзбекистонни конституциявий ривожлантириш тарихида илк марта давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани белгилаб қўйилгани халқимиз барпо этаётган адолатли фуқаролик жамиятининг маъно-моҳиятини аниқлатади¹.

Мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган демократик қондалар орасида сиёсий плюрализм, яъни сиёсий институтлар ва фикрлар хилма-хиллигининг эътироф этилганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиздир. Бундан ташқари, ҳокимиятларни тақсимлаш ғоясининг амалга оширилгани, қонун устуворлигининг эътироф этилгани, бирон-бир шахс томонидан давлат ҳокимияти ваколатларининг ўзлаштирилишига йўл қўйилмаслиги, Конституция ва қонунлар томонидан ваколат берилган органларнинг давлат ҳокимиятини халқ манфаатини қўйиб амалга ошириши буларнинг барчаси ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатган ҳолда, ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил этадиган муҳим ва асосий конституциявий тамойиллардир.

Конституция асосли равишда амалдаги деб номланади, унинг мамлакатнинг Асосий қонуни сифатидаги ўрни муҳим ва самарали. Ушбу ўрнини сақлаб қолиш учун конституциянинг динамик ривожланиши муҳим. Урушдан сўнг қабул қилинган ва ярим асрлиги нишонланган Европа конституцияларининг мисолида шуни кўришимиз мумкинки, уларнинг динамик ривожланиши давлатнинг барқарор ҳуқуқий ривожланишининг муҳим омили. Ўзбекистон учун ҳам конституциявийлик бугунги кунда муҳим қадрият ҳисобланади. Конституция устуворлиги, унинг динамик ривожланиши ва барқарорлиги, уни ҳурмат қилиш асосидагина либераллаштириш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларнинг конституциявий ҳуқуқий доирасини таъминлашнинг устувор вазибаларини ҳал қилиш мумкин.

Қабул қилинган пайтдан бошлаб, яъни 1992 йил 8 декабрдан бошлаб Конституцияга 6 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, уларнинг охиригиси 2011 йил 12 декабрда киритилган. Конституциянинг 128 моддасидан 31 тасига 41 та ўзгартиш киритилган, яъни 23 та моддага бир маротаба, 6 та моддага икки маротаба, 2 та моддага уч маротаба ўзгартиш киритилди².

1 Қаранг: Саидов А., Бакаева Ф. Конституция Республика Ўзбекистон и права человека: от норм к реализации. – Т. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2010.

2 Саидов А. Конституция Республики Узбекистан: правовая основа независимого развития. Т. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2012. С. 31.

Мамлакатимизда Конституция туфайли фуқаролар ва миллатлараро тотувлик таъминланди, турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда, ижтимоий-маданий ривожланиш, таълим, илм-фан соҳаларида улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қондалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, шунингдек, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақиллигимиз қомуси бўлган Конституциянинг бош тамойилларидан бири, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ҳамда яқуний мақсадидир.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида “Инсон ҳуқуқлари” фанининг ғоявий-назарий асослари

Мустақилликка эришилгандан сўнг, кўплаб фанлар қатори, “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курси ҳам барча олий ўқув юртлари, ҳатто, мактабларга ҳам мажбурий ўқув курсларидан бири сифатида киритилди. Сабаб, барча фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, бу соҳадаги муаммолар тўғрисида тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун аҳоли етарли даражада ҳуқуқий саводхон ва ҳуқуқий маданиятли бўлиши керак. Шуларни эътиборга олган ҳолда, 1996 йилнинг 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида мамлакатимиз Президенти И. Каримов ўз маърузасида “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курсини барча олий ўқув юртлари ўқув дастурларига киритиш ғоясини илгари сурган эди.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, аксарият мамлакатларда бўлгани каби, бизнинг мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида олиб борилаётган ислохотларда давлат бошлиғининг ҳиссаси каттадир. Зеро, ҳар қандай сиёсатнинг олиб борилишида мамлакат раҳбарининг ўрни ва роли бекиёс ҳамда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Унинг илгари сурган ҳар қандай ташаббуси, авваламбор, мамлакат аҳолиси манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Негаки, у халқнинг энг ишонган Вакили ҳамда Ҳимоячиси ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 1-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Президенти “фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунарига риоя этилишининг кафили” ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ўз чиқишларида ва асарларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб бериш ва уларни ҳимоя қилиш давлатнинг энг олий вазифаси эканлигини доимий равишда қайд этиб келган. У бунда барча ҳокимият органларининг фаолиятини биринчи ўринда инсон ҳуқуқларини таъминлаб беришга қаратишга чақиради. “Инсон ҳуқуқлари ғояси Олий Мажлис фаолиятида доимий ўринни эгаллаши керак. Ҳар қандай қонун, ҳаракат соҳасидан қатъи назар, ишлаб чиқиладиган ва муҳофаза этиладиган пайтда инсоннинг асосий, бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шу тамойилларга оғишмай рўйга этган ҳолдагина, биз чин маънодаги ҳуқуқий, адолатпарвар давлат қуришга эриша оламиз. Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина, ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қондани ҳамма тан олиши, бу қондага ҳамма итоат қилиши шарт”¹.

Президент И.А. Каримов Олий Мажлиснинг юқорида қайд этилган VI сессиясидаги “Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари”² мавзусидаги маърузасида демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим ва ажралмас қисми, бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига эътибор эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Юртбошимиз, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий бойлиги эканлигини таъкидлаб, бундан кейин ҳам бу масалага қатъи эътибор қаратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига рўйга этилиши устидан доимий назоратни кучайтириш, бунинг учун эса, назорат олиб боровчи муассасалар тизимини такомиллаштириш зарурлиги ҳамда бу борада фаолият олиб боровчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида урғу берди.

Президентимиз ушбу маърузасида қўшма қисмда инсоннинг, фуқаронинг шаъни ва кадр-қимматини қамситувчи қўп сонли ҳолатлар учраши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд органларининг вазифалари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат ташкилотлари бўлган инсон

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. Б. 17.

² Каримов И.А. Янгилаш фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. Т. Ўзбекистон, 1997. Б. 118 – 148.

ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги механизмларини шакллантириш ва уларнинг ишини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон кўшилган халқаро стандартларга миллий қонунчиликни мослаштириш, судлар, прокуратура, милиция соҳасидаги қонунчиликни инсон ҳуқуқларининг устуворлиги асосида қайта кўриб чиқиш зарурлигини, инсон ҳуқуқлари соҳасида мониторинг олиб бориш кераклиги, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги гашкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида гапириб ўтди. Маърузада, шунингдек, миллий даражада инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳурмат қилишга қаратилган тадбирлар орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш лозимлиги таъкидланди¹.

Президент маърузасида, “Биз одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантирмоғимиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари – айни вақтда, муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис этиб турсин. Барча ўқув қуртларининг таҳсил дастурларига “Инсон ҳуқуқлари” махсус курсини киритиш, шунингдек, таълим ва тарбиянинг бутун жараёнини инсонпарварлик ғоясига бўйсундириш зарур”², деб “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курсини ўқув жараёнига киритишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлисининг VI сессиясида, Конституциямизнинг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда ва Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қилган маъруза ва нутқларида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

учинчидан, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

1 Каримов И.А. Янги фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т.5. -Т.. Ўзбекистон, 1997. - Б. 118 - 148.

2 Ўша жойда - Б. 136.

тўртинчидан, судлов ислохотини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

бешинчидан, аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Умуман олганда, давлат бошлиғининг ҳар бир нутқи ва асарларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари сиёсатимизнинг бош мақсади эканлиги таъкидлаб ўтилади. Агар биз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг кўп жилдли асарлари тўплами ҳамда уларга кирмаган бошқа асарларини, жумладан, “Юксак маънавият – энгилмас куч”¹ номли асарини ўрганар эканмиз, уларнинг марказида инсон ва унинг манфаатлари ётганини кўришимиз мумкин. “Бизнинг ҳамма ишларимизда бу иқтисодий сиёсатимизни шакллантириш ёки иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўладими, ижтимоий соҳа, таълим соғлиқни сақлаш тизимида эртанги ва узок муддатли истикболга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олиш бўладими – буларнинг барчасида биз учун факат битта масала энг устун ва ҳал қилувчи ўринда туради. У ҳам бўлса, инсон манфаатларининг устунлигидир”².

2008 йилда бошланиб, дунёнинг деярли барча мамлакатларини қамраб олган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози деярли барча давлатлар иқтисодиётига, охир-оқибатда жаҳон иқтисодиётига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур инқироз жаҳон молиявий-иқтисодий тизимининг таркибий қисми сифатида Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз Президенти “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли рисола-сида³, “Табиийки, юқорида келтирилган мисол ва рақамлардан тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқариш, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди”⁴, дея таъкидлаб ўтади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Юртбошимизнинг мазкур китобида барча соҳалар каби фуқароларнинг ҳуқуқлари, айниқса, уларнинг иқтисодий,

1 Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т. Маънавият, 2008. – Б. 173.

2 Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 43.

3 Қаранг: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 56.

4 Ўша жойда. – Б. 11.

ижтимоий ҳуқуқларини инкироз даврида қандай ҳимоя қилиш ва улар учун фаровон ҳаёт даражасини таъминлаб беришнинг амалий чоралари кўрсатиб берилган.

Юртбошимизнинг асарларини ўрганиш давлат ва жамият қурилишининг, ички ва ташқи сиёсатнинг ва умуман, давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб бориладиган ислохотларнинг ғоявий асосларини, мазмун ва моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширган яна бир муҳим ва ўзига хос қадамларидан бири, бу – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг 2008 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қақирғига жавобан 2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жаҳонда биринчилардан бўлиб “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони эълон қилиши бўлди. Мамлакатимиз Президенти бу билан Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва демократия тамойилларига содиқлигини яна бир бора эълон қилди.

Ўзбекистон томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурининг қабул қилиниши кенг даражада халқаро эътироф этилди. Ушбу ҳолат хорижий сиёсий ва эксперт-тахлилий доираларда, хусусан, йирик сиёсий ва жамоат арбоблари, халқаро конференциялар ва семинарлар иштирокчилари томонидан, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарлиги бошқармасида, Ўзбекистоннинг Брюсселдаги, Берлиндаги, Қоҳирадаги, Лондондаги, Токиодаги, Москвадаги, Варшавадаги ва бошқа шаҳарлардаги дипломатик ваколатхоналарида ўтказилган брифингларидаги иштирокчилар томонидан кенг муҳокама қилинди ва хорижий экспертлар томонидан ижобий шарҳлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида илгари сурган ғоялари орасида Юртбошимизнинг 2010 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида қилган маърузаси жуда ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур маърузада давлат бошлиғи томонидан мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотларнинг натижалари сарҳисоб қилингани ҳолда, мамлакатдаги демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш бўйича энг муҳим йўналишлар кўрсатиб берилган:

- давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
- суд-ҳуқук тизимини ислоҳ этиш;
- ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов конунчилигини ривожлантириш;

фукаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- демократик бозор ислохотларини ва иктисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Давлат бошлигининг мазкур йўналишларда илгари сурган ташабуслари, кучли фукаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий давлат куриш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмининг янада самарадорлигини оширишга ва мамлакатни дунёдаги энг демократик ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилгандир. Мазкур маърузада мамлакатни янада ривожлантириш босқичлари тўғрисида фикр юритилар экан, барча соҳалар каби инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам янада муҳим ислохотларни амалга ошириш орқали дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига чиқишнинг йўллари кўрсатиб берилди. Президент ўз ғояларини илгари сурар экан, унда кўтарилган юксак мақсадларга эришиш авваламбор жамиятимиз аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги даражасига боғлиқ эканлигини қайд этган ҳолда, шундай дейди: “Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир”¹.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти конституциявий ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз чиқишлари ва асарларида давлат сиёсатини белгилаб бермоқда ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизминини шакллантириш ва уни

¹ Багафсил маълумотлар учун қаранг: Каримов Н.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 56.

доимий равишда такомиллаштиришнинг ҳуқуқий пойдеворларини яратиб бермоқда. Унинг бу соҳадаги олиб бораётган фаолияти давлатимиз раҳбарининг мамлакатда мустақиллик йилларидан буён олиб борилаётган кенг кўламдаги ислохотларнинг ташаббускорига ҳамда мамлакат фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқий кафолатчисига айланганлигини кўрсатмоқда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нима учун Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг "Инсон ҳуқуқлари" ўқув курсини ўқитиш долзарб масалага айланди?
2. "Инсон ҳуқуқлари" деганда нимани тушунасиз?
3. "Инсон ҳуқуқлари" ўқув фанининг мақсади нимага қаратилган?
4. "Инсон ҳуқуқлари" ўқув фанининг объекти ва предметини тушуштириб беринг.
5. "Инсон ҳуқуқлари" ўқув фанининг вазифалари нималардан иборат?
6. "Инсон ҳуқуқлари" ўқув фанини ўрганиш усуллариининг аҳамияти нимада?
7. "Инсон ҳуқуқлари" ўқув фанининг бошқа фанлар билан ўзаро муносабатлари хусусида нима дея оласиз?
8. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги "Инсон ҳуқуқлари" ўқув фанининг конституциявий-ғоявий асосларини кўрсатиб беринг.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги "Инсон ҳуқуқлари" ўқув фанининг ғоявий асосларини кўрсатиб беринг.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида қилган маърузасида илгари сурилган ғояларни тушуштириб беринг.

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Саидов А.Х. Права человека. Учебник-хрестоматия. – Т.: УМЭД, 2001.

3. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Т.: “Konsauditinform-Nashr”, 2006.
4. Саидов А.Х. Международное право прав человека. – М.: 2002.
5. Саидов А., Бакаева Ф. Конституция Республики Узбекистан и права человека: от норм к реализации. – Т.: Национальный центр РУз по правам человека, 2010.
6. Права человека. Учебник для вузов. /Под. ред. Лукашева. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1999
7. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш миллий тизими. Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: O`zbekiston, 2010.
8. Общая теория прав человека. – М.: НОРМА, 1996.

2-маву. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

1. Қадимги дунёда инсон ҳуқуқлари ғоясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

2. Ўрта асрлар Европасида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши.

3. Уйғониш даврида инсон ҳуқуқларининг ривожланиши.

4. Янги даврда инсон ҳуқуқларининг ривожланиши ва инсон ҳуқуқлари авлодларининг шаклланиши.

1. Қадимги дунёда инсон ҳуқуқлари ғоясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

“Инсон ҳуқуқлари” фан сифатида “Конституциявий ҳуқуқ”, “Жинойят ҳуқуқи”, “Фукаролик ҳуқуқи” каби фанларга нисбатан янги фандир. Лекин унинг предмети бўлган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғоя ва тамойиллар қадимдан шаклланиб келган ва бугунги кунда у ўзининг норматив шаклини олган бўлса ҳам, доимий равишда ривожланиб бормоқда. Инсоннинг яшаш ҳуқуқи, шунингдек, озод, эркин бўлиш ҳуқуқи, тенгликка бўлган ҳуқуқ, оилали бўлиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи каби қатор фундаментал ҳуқуқлар тўғрисидаги ғоялар ва бу ғояларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар инсоният тарихининг илк қулдорлик даврларигача бориб тақалади, десак хато қилмаган бўламиз. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳуқуқларининг табиий ва универсал характерга эга эканлигини исботлаб турибди. Зеро, бундай ҳуқуқлар, у ёки бу даражада барча даврларда барча халқлар ва миллатларга хос бўлиб келган ва турли жамиятларда бўлган курашлар ҳам бундай ҳуқуқларга эга бўлиш учун, яъни озодлик ва эркинликка эришиш учун олиб борилган.

Демак, аксарият фанларда бўлгани каби “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанининг ривожланиш босқичларини ҳам даврларга бўлиб ўрганиш бугунги инсон ҳуқуқлари концепциясини тўғри тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғоялар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ривожланишини ва умуман олганда, инсон ҳуқуқлари тарихини:

- қадимги дунёда инсон ҳуқуқлари ғоясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши;

- ўрта асрларда инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши;

- уйғониш даврида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши;

янги даврда инсон ҳуқуқлари ғояси ва инсон ҳуқуқларига оид

норматив жараённинг ривожланиши, деб шартли равишда даврлаштиришимиз, бугунги инсон ҳуқуқлари генезисини тўғри тушунишимизга ҳамда яхшироқ англашимизга ёрдам беради.

Инсон ҳуқуқларининг замонавий концепцияси цивилизация тарихининг ўтмиш тажрибаларига, биринчи ўринда, инсонларнинг ижтимоий ҳаётини ташкил этишнинг ҳуқуқий шакллари соҳасига, улар фаолиятини тартибга солиш услубларига таянади. Қайд этиш лозимки, инсон ҳуқуқлари концепциясининг яратилиши узок давом этган жараён ҳисобланиб, инсониятнинг ривожланиш тарихи билан бевосита боғлиқдир. Унинг бошланиши, инсонларнинг атроф-муҳитдаги фаолиятини тартибга солиш заруриятини келтириб чиқарган бўлиб, мазкур жараён ижтимоий ҳаётнинг ибтидоий шакллариغا бориб тақалади. Жамият тараккиётининг барча босқичларида инсон ҳуқуқлари концепцияси фалсафий қарашлар ва ҳуқуқий регламентлаш таъсири остида шаклланиб борди. Олимлар ўртасида инсон ҳуқуқларининг фалсафий-ҳуқуқий табиати масалаларида ханузгача ягона фикр мавжуд эмас.

Инсон ҳуқуқлари инсоннинг давлатда ўз қобилиятларини амалга ошириш эҳтиёжи учунгина вужудга келиб қолмади (масалан, машғулот турини танлаш имконияти), балки ҳали эрамиздан аввалги IV–III минг йилларда пайдо бўлган давлат машинаси прототипига мувозанат сифатида ҳам пайдо бўла бошлади. Бизга маълумки, илк синфий шаҳар-давлатлар кўпчилик озчиликка, кучсизлар кучлиларга бўйсунушига асосланган; кучлилар ҳуқуқи, одат, анъана ва урф-одатлар ҳукмронлик қилган.

Шу тарика, урф-одатларнинг сирлари ва дохийларга хизмат қилиш зарурияти авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ишлаб чиқарувчи иктисодиётга ўтиш натижасида ва унинг давомидан “демографик портлаш”дан сўнг цивилизация пайдо бўла бошлаган. Дехқончиликнинг илғор шакллари (ўрмонни очиш орқали, суғориш, лалми ва ирригациявий) ишлаб чиқаришни сезиларли даражада мураккаблаштирди ва янги бошқарув ҳамда ташкилий функцияларнинг пайдо бўлишига, шунингдек, меҳнат фаолиятининг озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган янги турларининг яратилишига ва ортиқча маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлашни тартибга солиш заруратининг пайдо бўлишига олиб келди. Шу аснода, жамият ҳар бир аъзосининг меҳнатга қўшган улушини ҳисобга олиш зарурати юзага келди. Иктисодиёт ибтидоси меҳнат тақсимотини янада кучайтирди. Бошқарувчилар, назоратчилар, ишчилар синфи пайдо бўлди. Ҳозирги пайтгача мавжуд бўлиб келаётган давлат ҳуқуқий шаклларининг асосий белгилари туғила бош-

лади. Жамият ҳар бир аъзоси учун ўзини тутишнинг каттик қоидалари, мажбуриятлари, мумкин бўлган ишлар ва тақик (табу)ларни ўрнатиш зарурати пайдо бўла бошлади.

Инсон ҳуқуқлари масалаларини таҳлил қила бориб, қайд этиш лозимки, дастлаб улар ҳуқуқлар ва эркинликларнинг асосий манбалари табиий ҳуқуқдан пайдо бўлган одат ҳуқуқи (ҳарбий демократия, жамоа ўзини ўзи бошқариши) асосида шаклланган анъана ва одатдан иборат бўлиб, у инсоннинг бирор уруғга тегишлилиги билан боғлиқ бўлган. Антик полисидаги инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг биринчи юридик шакллари бўлиб, кейинчалик улар рим ҳуқуқида мустаҳкамланган. Инсон ҳуқуқларини тушуниш учун жуда ҳам муҳим бўлган инсонларнинг табиий тенглиги ғояси қадимги грек софистлари ва хитойлик мутафаккирлар томонидан кўп бора айтилган. Фуқаролик эркинликларининг таракқиётига маълум даражада римликлар ҳам ўз хиссаларини қўшдилар, яъни улар ҳокимият бўлиниши тушунчасини киритдилар, шунингдек, табиий ҳуқуқ ғояси ва “ҳуқуқ субъекти”, “қонун олдида барчанинг тенглиги” сингари тушунчалар ҳам римликлар томонидан ишлаб чиқилди. Шунини қайд этиш лозимки, фалсафий ғоялар Қадимги Греция ва Рим давлатларидаги ижтимоий шароитларга асосланган қонунчиликда ўз аксини топмади. Инсон ҳуқуқлари, қулларни истисно қилган ҳолда, фақат қулдорларнинг имтиёзи сифатидаги қонун деб қўрилар эди.

Ўрта аср учун шу нарса характерли эдики, шахсий эркинликларни алоҳида корпорациялар ва катламларнинг вакиллари олдидар. Ушбу даврда ҳуқуқнинг қуйидаги йўналишлари пайдо бўлди: асрий қонун (*eex aeterna*), сакрал ҳуқуқ (*jus divinum*), табиий ҳуқуқ (*jus naturale*), инсонлар қонуни (*eex humana* ёки *jus humanum*), у ўз навбатида фуқаролик қонунида (*eex civilis*) ва позитив ҳуқуқида (*jus positivum*) ўз аксини топа бошлади. Ўрта асрларда инсон ҳуқуқлари инсоннинг табақавий тегишлилиги билан белгилана бошлади. Турли ижтимоий мақомлар феодал тизимнинг умумий пирамидасида турли даражадаги доираларнинг ҳуқуқ-имтиёзлари юзага келишига сабаб бўлди. Ҳуқуқий тенглик тамойили олдингига нисбатан кенгрок доирадаги инсонларга қўллана бошлади ва бу ўринда мазкур тамойил қўлланишида уларнинг табақавий фарқланиши (дифференциацияси) ва чекланганлиги ҳисобга олинган, албатта.

Шу муносабат билан, рус ҳуқуқшунос олимаси Е.А. Лукашева шундай дейди: “Антик даврдаги қул ибтидий жамоанинг ёввойи одамдан эркинрок. Ўрта асрлардаги крепостной эса, антик давр қулидан кўра

эркинрокдир. Буржуа жамоати эса, жамиятнинг барча аъзоларига формал эркинлик учун шароитлар яратиб берди”¹.

Академик В. Нерсисянц эса, инсон ҳуқуқлари тарихи мавзусини ривожлантира бориб, бу ҳақда шундай дейди: “Ҳуқуқ ва давлат тарихий ривожланишининг ҳар бир босқичи учун ҳуқуқ субъекти бўлмиш инсон концепцияси ва унинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, эркинлиги ва эрксизлиги ҳақидаги тасаввурлар ҳосдир. Шу маънода, ҳуқуқ тарихи, айни маҳалда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ибтидоий, чекланган ва ривожланмаган тасаввурлардан тортиб, ҳозирги даврдаги тасаввурларнинг шаклланиши ва эволюцияси тарихи ҳамдир. Инсон ҳуқуқлари – бу, энг аввало, инсоннинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасидаги ҳуқуқий лаёқатини ва ҳуқуқий субъект эканлигини эътироф этишдир. Ёки, ҳуқуқшунос олим В. Нерсисянцнинг таъбири билан айтганда, турли даврлардаги ҳуқуқий лаёқатнинг ҳажми тегишли ҳуқуқий тизимда, мазкур ҳуқуқ тизими субъектларининг қанчалик даражадаги ҳуқуққа эга бўлган инсон сифатида эътироф этилиши билан ўлчаниб келинган”².

Бирок, таъкидлаш керакки, инсоният ривожланишининг дастлабки даврларида, шунингдек, кулдорлик тузуми даврида, ўрта асрларда, ҳатто бир, икки аср олдин ҳам ҳозирги кўринишдаги, яъни умумлаштириб, муайян тизимга солинган, қонунчилик асосида мужассам этилган ҳамда илмий асослангирилган инсон ҳуқуқлари концепцияси, табиийки, мавжуд бўлиши мумкин эмасди. Бунинг учун нафакат ҳуқуқий йўналишдаги, балки фалсафа, социология, сиёсат, этика ва диний йўналишдаги тафаккурнинг тарихан узок тадрижий ривожни талаб этилар эди.

“Инсон ҳуқуқлари тарихи – бу одамларнинг инсонлашиши тарихи, муносабатларнинг бирон-бир доираси учун у ёки бу одамларни инсон сифатида ҳуқуқий эътироф этишнинг авж олиб боровчи кенгайишидир”, – деб ёзади В. Нерсисянц³.

Инсон ҳуқуқлари концепциясининг шаклланиши минг йиллаб даврни ўз ичига олади ва турли вақтларда бу муаммо ё диний, ёки ахлоқий, ё бўлмаса, фалсафий тушунчаларда қамраб олинган. Барча инсонлар учун тенг бўлган нормалар тизими тўғрисидаги тасаввурлар Қадимги дунёдаёқ шакллана бошлаган ва бу тасаввурлар кўпинча уларнинг мифологик онгида худонинг ҳақиқати адолат шаклида вужудга келган (масалан, маат – мисрликларда, рита – ҳинд орийларида, дао – қадимги

1 Права человека. Учебник для вузов / Отв. ред. Е.А. Лукашева. М.: 1999. – С. 14.

2 Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси / Масъул муҳаррир А. Саидов. Т.: Адолат, 2003. Б. 113.

3 Ўша жойда.

хитой мифологиясида). Ушбу худонинг ҳақиқатига эса, табиат ва жамият бўйсунди ва ундан кишилиқ қонунчилиги вужудга келади (масалан, римликларда – Фемида худоси), давлатларнинг ҳукмдорлари эса, Худонинг мухтор вакиллари сифатида кўрилар эди.

Агар, цивилизация ўчоқларидан ҳисобланган Қадимги Грецияни ўрганадиган бўлсак, “Ҳомер Юнонистони” давридаёқ (милоддан аввалги II минг йилликнинг охири) Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonларида (милоддан аввалги VIII аср) тасвирланган эллинлар, жумладан, дике (ҳақиқат, адолат), темис (ёки фемис – одат, одат ҳуқуқи), тиме (ор-номус, фахрий ҳуқуқ – даъво), номос (қонун) каби тушунчаларни ишлатишган¹.

Гесиод (э.а. VII аср) адолат ва қонуннинг илдишлари ҳамда асослари яғоналигини ўзининг “Теогония” ва “Меҳнатлар ва қунлар” дostonларида куйидагича тасвирлаган: Адолат (Дике) ва Эзгу қонунчилик (Эвномия) Олимпия олий худоси Зевс ва одил судлов худоси Фемиданинг қизлари бўлган икки опа-сингил маъбудалардир. “Дике” Олий худо (барча илоҳий муқамалликнинг тимсоли) Зевснинг ва (абадий, табиий тартибнинг рамзи) Фемиданинг қизи сифатида илоҳий адолатни муҳофаза қилган ва ундан чекинганларни жазолаган².

Инсон ҳуқуқларига оид ғоялар тарихий ривожининг учта асосий йўналишини ажратиш кўрсатиш мумкин:

биринчиси, уруғ, жамоа, давлатдан ажралиб чиқаётган алоҳида шахс сифатидаги, ҳуқуқнинг муқтакил субъекти сифатидаги инсон ғоясининг шаклланиши.

иккинчиси, қадимги даврларда ва ўрта асрларда ўз ҳуқуқий тизимининг ривожланиши, қонунларнинг мужассамлашуви ва юридик институтларнинг қарор топиши.

учинчиси, ҳуқуқлар ва қонунларнинг универсаллик ғояси, уларнинг барча одамларга нисбатан беистисно қўлланиш ғоясининг ишлаб чиқилиши³

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам қатъий шажаравийлик ва табақавий маҳдудликка асосланган қадимги ва ўрта асрлар жамиятларида инсон ҳуқуқлари ғояси, одатда, ҳақиқий ҳуқуқий амалиёт хусусиятига деярли боғлиқ бўлмаган, ақлан ўйлаб топилиб, зехн билан сайқалланган ҳосила хусусиятига эга эди. Бу эса, кўпгина

1 Нерсеяни В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. Масъул муҳаррир А. Саидов. Т.: А: лат, 2003. – Б. 177

2 Ўша жойда.

3 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 24.

тадқиқотчиларнинг қадимги ва урта асрларда инсон ҳуқуқлари мавжуд бўлганлиги фактига танқидийроқ, шубҳа билан қарашига асос бўлади¹.

Масалан, сенегаллик ҳуқуқшунос К. Мбаенинг фикрича, “Қадимги даврлардаги инсон ҳуқуқлари тизими изларини излаб топишга зўр бераётганда шуни ёдда тутиш керакки, улар нари борса излар, холос, бундан ортиқ эмас”². Венгриялик академик И. Сабо бу борада янада кескинроқ фикр айтади: “Инсон ҳуқуқлари келиб чиқишини инсон ҳуқуқлари мавжуд бўлишини таъминловчи асосий шартлар, хусусан, эркинлик ва тенглик ғояларидан йироқ ижтимоий тузумларга олиб бориб такашга уриниш хато бўлади”³. В.С. Нерсисянц ҳам инсон ҳуқуқлари ғоясининг Ғарбда шаклланишини факат Уйғониш даврига нисбат беради⁴

Тўғри, Арасту асарларидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги таърифларни излашнинг ўзи кулгилидир. Лекин, инсон ҳуқуқлари ғояси муайян бир даврда, айтайлик, Уйғониш ёки Маърифат даврида, бирон-бир халқда – французлар ёки инглизларда йўқ ердан пайдо бўлиб қолган, деб ўйлаш ҳам хатодир. Бу билан инсон ҳуқуқлари универсаллиги ғояси билвосита рад этилиб, тарихий ўтмиш “ҳуқуқсиз” ва “шафқатсиз” деб бадном этилган бўлади. Яна шуни ҳам унутмаслик зарурки, “вахший қадимги даврда” эмас, балки айни XX асрда, “маърифатли халқларнинг халқаро ҳуқуқи” эълон қилинган бир паллада Европа ҳудудининг каттагина қисмида инсоннинг энг оддий ҳуқуқларини ҳам назар-писанд қилмасликда на қадимги даврларда, на ўрта асрларда кўрилмаган тузум ўрнатилди. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, ўтмишдан инсон ҳуқуқларининг “излари”ни эмас, балки инсон ҳуқуқлари ғояси тушунчасининг кўтаринкилик ва тушқунлик ҳолатида бўлса ҳам изчил ривожини излаш керак⁵. “Барча ашёларнинг мезони – инсондир”⁶ деган эди қадимги буюк юнон файласуфи Протагор.

Илк синфий жамиятда ҳуқуқнинг дастлабки кўринишлари эркинлик ва инсон ваколатининг нима эканлигини билмайдиган кишилик жамияти сифатида пайдо бўла бошлади.

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 24.

2 Mbaye K. Human Rights and Rights of Peoples //International Law: Achievements and prospects. Ed. By M Bedjaoui. Paris, UNESCO, 1992. P. 1043.

3 Szabo I. Historical Foundations of Human Rights //The International Dimensions of Human Rights. Paris, UNESCO, 1982. P. 12.

4 Мартышкин О.В. Политическая и правовая мысль древней Индии // История политических и правовых учений: Древний мир //Отв. ред. В.С.Нерсисянц. – М., 1985. - С.154

5 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 25.

6 Платон. Соч. М.: 1970. Т. 2. – С. 238.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қондаларнинг қарор топиши ҳамда аста-секин универсаллашиб бориши жараёнида уларнинг ажралмас, туғма хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурлар алоҳида роль ўйнади. Маълумки, бу ғояларнинг юзага келиши қадимги даврларга, аниқроқ қилиб айтганда, Қадимги Юнонистон ҳуқуқшунослигидаги табиий (яъни, туғма) инсон ҳуқуқлари ғоясига бориб тақалади. Шу маънода, Ж. Тенекидеснинг мана бу фикрига қўшилиш мумкин: *“Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кўҳна Юнонистон институтларида ўзининг олис она маконига эга”*¹

Энг аввало, бу нарса олий кадрият сифатида инсон ғояси шаклланишида ўз ифодасини топган. Хусусан, юқорида қайд этилган Протагорнинг инсонга берган таърифи бугунги кунда ҳам улкан умумбашарий салоҳиятга эгадир. К. Мбае таъкидлаб айтганидек, *“Протагор инсонни барча ашёларнинг мезони деб эълон қилиш билан инсон ҳуқуқлари ғоясини юзага келтириши мумкин бўлган жамики фикрларнинг силсиласини қамраб олди, зотан, бу ҳикматомуз таъриф замирида муайян гуманизм, инсонпарварлик ётади”*².

Антик демократик полис ва кейинчалик, Рим республикаси аъзолари эркинлик ва озодликка асосланган тўла ҳуқуқли кишилик жамиятини куришда ўзига хос тажриба майдонига айланди. Аммо бу тўла ҳуқуқлилик ҳам табақавий характер касб этар эди, яъни жамиятнинг куллар, чет элликлар ва аёллар каби қисмлари ушбу жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари ҳисобланмас эди. Антик даврлардаёқ кулликни ва тенгсизликни танқид қилувчилар пайдо бўла бошлади. Масалан, софист Антифонт (тахминан э.а. 400 йил) шундай фикрни ўртага ташлайди: *“Ҳаммамиз – варварлар ҳам, элликлар ҳам барча муносабатларда табиатан тенгмиз. (Бу ўринда) табиатга кўра барча одамларнинг эҳтиёжи бир хилда эканлигига эътиборни қаратиш жоиздир”*³. Антифонт каби фалсафанинг софизм оқими тарафдорлари, хусусан, Ликофрон, Алкидам ҳам барча кишиларнинг табиатан тенглиги ғоясини илгари сурдилар⁴. Одамлар орасидаги тенгсизлик, шунингдек, уларнинг хур, озод кишилар ва кулларга бўлинишини софистлар сунъий инсоний қурилмалар оқибати сифатида шархладилар ва бу ўша давр учун жуда ҳам илғор ғоя эди.

1 Қаранг: Tenekides G. L'action des Nations Unies contre la discrimination raciale // R.C.A.D.I., 1984. Vol.168. P 303

2 Mbaye K. Human Rights and Rights of Peoples //International Law: Achievements and prospects. Ed. By M Bedjaoui. Paris, UNESCO, 1992. – P. 1042–1043.

3 Нерсесян В.С. Ҳуқуқ фалсафаси / Масъул муҳаррир А. Саидов. – Т.: Адолат, 2003. – Б. 181

4 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 26.

Идеал давлат ва оқилона, адолатли конунлар Платон томонидан ғояларнинг амалга оширилиши ва ғоялар оламининг дунёвий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётда энг кўп ифодаланиши сифатида талкин қилинган. Платон идеал давлатдаги адолатни тавсифлаб бундай деб ёзган: “*Ҳар бир кишининг ўз иши билан шуғулланиши адолатли бўлур эди*”; “*адолат ҳар кимнинг ўз иши бўлишидан ва ўз ишини бажаришидан иборатдир*” Адолат “*ҳеч ким ўзганинг молини эгаллаб олмаслигини ва ўз мolidан маҳрум бўлмаслигини*” талаб этади¹

Адолат масаласи, айниқса, қадимги дунё мутафаккирлари ғояларида энг муҳим ўринни эгаллар эди. Жамиятда кишилиқ муносабатларини тартибга солиб турувчи адолат масаласини Аристотель (э.а. 384 – 322 йиллар) ҳам чуқур ўрганиб чиқди. Аристотель адолатнинг икки турини фарқлайди: тенглаштирувчи ва таксимловчи.

Тенглаштирувчи адолат арифметик тенглик тамойилига, яъни “тенгга тенг” тамойилига асосланади. Тенглаштирувчи адолатнинг таъсир килувчи доираси – фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади (савдо ишлари, зарарни қоплаш, жазо ва шу қабилар). Тенглаштирувчи адолат, жамиятнинг барча аъзоларига нисбатан, улар қандай бўлишидан қатъи назар, бир хил конун нормаси татбиқ қилиниши керак. деган тушунчани беради. Таксимловчи адолат эса, геометрик тенглик деган тушунча асосига қурилади. Унга кўра, жамият фаровонлиги ва имтиёзлари инсонларнинг кадр-қиммати бўйича, жамиятнинг у ёки бу аъзосининг кўшган ҳиссасига қараб таксимланиши керак.

Таксимловчи адолат инсонларнинг ижтимоий муносабатларнинг мустақил субъектлари эканлигини эътироф этган ҳолда, уларнинг ижтимоий муносабатлардаги индивидуаллашувини бошлаб беради.

Аристотелнинг фикрича инсон – “сиёсий мавжудот” ҳисобланади ва у жамиятдагина ўзининг тўлиқ тараққиётига эришади. Сиёсий адолат, Аристотелнинг фикрига кўра, фақат эркин ҳамда тенг одамлар ўртасида бўлиши мумкин ва ўзида, ҳокимиятнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий шакллари бўлмаган деспотизмдан фарқли равишда, ҳукм юритишнинг сиёсий шакли тамойилини ифодалайди². Шундан келиб чиққан ҳолда, Аристотель учун полис ташкилотини билмайдиган варварлар ва қуллар – булар тўлиқ ҳуқуққа эга бўлмаган инсонлар ҳисобланади.

Аристотель, шунингдек, табиий ҳуқуқ ва шартли ҳуқуқ (яъни, инсонлар томонидан ўрнатилмаган ҳуқуқ)ни фарқлайди. Унингча, табиий ҳуқуқ табиатидан келиб чиқиб, инсонлар томонидан ўрнатилмас,

1 Нерсеяни В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. Масъул муҳаррир А. Саидов. Т. Адолат, 2003. Б. 184.
2 Ўша жойда. – Б. 186.

хам мавжуд бўладиган ҳуқуқ ҳисобланади. Табиий ҳуқуқ ҳам, шартли ҳуқуқ ҳам тенг равишда “сиёсий ҳуқуқ”, яъни кишилиқ жамияти бўлган – полис нормаси ҳисобланади. Улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, табиий ҳуқуқ ҳамма жойда бир хил ҳисобланиб, жой ва вақтнинг шароитига ёки инсонлар томонидан эътироф этилишига боғлиқ эмас. Ундан ташқари, шартли ҳуқуқ (инсонлар томонидан ўрнатилган қонун) табиий ҳуқуққа мувофиқ келиши керак. Аристотелнинг фикрича, қонунлар “тўғри” ва “нотўғри” бўлиши мумкин. Яъни, ҳуқуқ ғоясига нотўғри келадиган қонун “нотўғри” қонун бўлади. Шу билан бирга, Аристотель давлат қонунларининг табиий қонунларга мос келиши ёки келмаслигини кўриб чиқишга чақиради. Аристотелнинг ғоясини юз йил ўтгандан сўнг рим давлат арбоби, файласуф, юрист, нотик Марк Туллий Цицерон (э.а. 106–43 йиллар) ривожлантирди.

Цицерон учун давлат – бу “манфаатлар умумийлиги” асосидагина бирлашган инсонларнинг бирлашмаси бўлиб қолмасдан, балки “ҳуқуқ масаласида ўзаро боғлиқ бўлган” инсонлар йиғиндиси дур. Шундай кишиб, давлат Цицерон томонидан кишиларнинг ҳуқуқий муомаласи, ҳуқуқий иттифоқ сифатида тушунилади. Ҳуқуқий ва сиёсий таълимотларнинг тарихчилари бу қоидада ҳуқуқий давлат ғоясининг қуртакларини кўриши мумкин. Цицероннинг фикрича, тўғри ташкил этилган давлатда, тенг равишда “ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва ваколатларнинг тақсимланиши” амалга оширилади. Ҳуқуқнинг асосида табиатан адолат ётиши керак. Шу билан бирга, адолат абадий, ўзгармас ва табиатнинг (инсоният табиатини ҳам қўшиб айтганда), ажралмас қисми ҳисобланади. Айни пайтда, адолат ва ҳуқуқ манбаси бўлган “табиат” (табиатан ҳуқуқ, табиий ҳуқуқ) деганда, Цицероннинг фикрича, бутун қонинот, инсонни ўраб турган жисмоний ва ижтимоий дунё, кишилиқ муомаласи шакллари ва турмуш тарзи, шунингдек, унинг танаси ва руҳини, ташки ва ички ҳаётини ўраб турган инсон ҳаёти тушунилади¹.

Цицерон табиий ҳуқуққа шундай таъриф беради: “Ҳақиқий қонун бу табиатга мувофиқ бўлган, барча инсонларга тегишли, доимий, абадий бўлган, буйруқ берган, тақиқлаган ҳолда бурчни адо этишга чақирувчи, кўрkitган ҳолда жиноятдан қайтарувчи оқилона қонундир, бироқ, бу қонун керак бўлмаганда ҳалол одамларга ҳеч буюрмайди ва тақиқламайди ҳамда виждонсиз одамларга бирор нарсани буюриб ёки тақиқлаб таъсир кўрсатмайди. Бундай қонунни тўлиқ ёки қисман бекор қилишни тақлиф этиш – қуфрдир; унинг амал қилишини бирор даражада чеклашга йўл қўйилмайди; уни тўлиқ бекор қилиш мумкин

¹ Караиг: Права человека. Учебник для вузов./ Под. ред. Лукашева. М.: НОРМА-ИНФРА, 1999.

эмас ва биз на сенатнинг қарори билан, на халқнинг қарори билан ушбу қонундан озод бўла олмаимиз” Инсоний қонунларнинг табиатга (ва табиий ҳуқуққа) мувофиқлиги ёки номувофиқлиги уларнинг адолатлилиги ёки адолатсизлигининг мезони сифатида намоён бўлади. Цицерон, жумладан, милоддан аввалги 404–403-йилларда Афинада ҳукмронлик қилган ўттиз мустабид қонунларини ҳамда Суллага римлик фуқароларга нисбатан чексиз ваколатлар, шу жумладан, тирик қолдириш ва ўлдириш ҳуқуқини берган милоддан аввалги 82-йилдаги Рим Қонунини адолат ва ҳуқуққа зид бўлган қонунлар мисоли сифатида қайд этган¹

Юнон стоиклари **Зенон** ва **Хриссип** давлат тўғрисидаги асарларида, уларнинг изидан римлик издошлари (Сенека, Марк Аврелий, Эпиктет) табиий ҳуқуқнинг универсал хусусиятга эга эканлиги тўғрисидаги тасавурларга (ва тегишлича – табиат бўйича адолатга) таяниб, барча одамлар (ўз табиатига қўра ва умуман олам қонуни бўйича) – ягона жаҳон давлатининг фуқаролари эканлиги ва инсон оламнинг фуқароси эканлиги тўғрисидаги космополитик ғояларга асос солганлар².

Луций Анней Сенека ана шу йўналишнинг энг йирик намояндаридан биридир (милоддан аввалги 4 – милодий 65 йиллар). Унинг айтишича, барча инсоний қонунлар ва давлат “тақдир қонунига” (табиат ҳуқуқига) бўйсунди. *“Биз, – деб таъкидлаган эди, Сенека, – ҳаёлан иккита давлатни кўз олдимизга келтирмоғимиз лозим: улардан бири маъбудлар ва одамлардан иборат бўлади; унда бизнинг назаримиз ер юзининг муайян ўлиши билан чекланиб қолмайди, зеро, давлатимиз сарҳадлари қўйи ҳаракати билан ўлчанади; иккинчиси эса, бизни тасодиф рўбарў қилган давлатдир. Ана шуниси, иккинчиси Афина ёки Карфаген ёхуд бошқа бирор-бир шаҳар бўлиши мумкин; у барча кишиларга эмас, балки уларнинг муайян гуруҳларидан бирига тааллуқлидир, холос. Шундай одамлар ҳам борки, улар айни бир вақтда ҳам катта, ҳам кичик давлатга хизмат қилаверадилар, шу билан бирга, айни чоғда фақат катта давлатга хизмат қиладиганлар ҳам, фақат кичик давлатга хизмат қиладиганлар ҳам бор”*³ Сенеканинг фикрича, оқиллик (табиий ҳуқуқ) шундан иборатки, одатда, бир давлатга мансуб кишилар умумдунёвий қонунлар амал қилишини эътироф этишлари ва бундай қонунларга амал қилишлари лозим. **Стоик Марк Аврелий Антонин** (161–180 йилларда Рим императори бўлган) “қонунлари барча учун тенг бўлган, барчанинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлилигига мувофиқ бошқариладиган ҳамда табаа-

1 Нерсеяни В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. Масъул муҳаррир А. Саидов. Т. Адолат, 2003. Б. 192–193.

2 Ўша жойда. Б. 190.

3 Антология мировой философии. – М.: 1969. Т.1. ч.1. – С. 507.

нинг эркинлигини ҳамма нарсадан ортик улуғлаган подшолик давлати” тўғрисидаги тасаввурни ривожлантирган¹.

Шундай қилиб, айни стоицизмнинг юнонистонлик ва римлик та- рафдорлари саъй-ҳаракатлари билан одамларнинг ягона космополитик давлатнинг ҳамфуқаролари сифатидаги тенглиги ғояси тор давлатчилик ва этник доирадан ташқари чиқиб, бутун башариятга тарқалган.

Инсон ҳуқуқлари фалсафий хусусият касб этиб, юридик амалиёт хусусияти билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган Қадимги Юнонистон- дан фаркли равишда, Қадимги Римда юридик асарларда аниқ-равшан, ба- ралла ифодалана бошлаган. Римлик юристлар томонидан табиий ҳуқуқ мавжудлиги эътироф этилиши ва айни вақтда, римликларнинг ҳуқуқий тушунчасида табиий ҳуқуқни рад этиш тарикасида, ижобий (позитив) ҳуқуқ, деган махсус тушунча йўқлиги шундан далолат берадики, рим- лик юристларнинг шарҳларида табиий ҳуқуқ амалдаги ҳуқуқ жумласига киритилади ва унинг таркибий махсус қисми деб қаралади². Бинобарин, бу ҳуқуқ шунчаки мавҳум тузилма ва категория эмас, ҳақиқатда мавжуд бўлиб турган ҳуқуқнинг норма ва тамойиллари учун шунчаки “соф”, ташки тушунча ҳам эмас, балки амалдаги ҳуқуқнинг ўзига хос таркибий қисми ҳисобланади³.

Римлик Ульпианнинг фикрича, оммавий ҳуқуқ “Рим давлати қондасига тегишлидир”, хусусий ҳуқуқ эса, “алоҳида шахелар фойдасига” тегишлидир. Хусусий ҳуқуқ, ўз навбатида, қуйидаги уч қисми ўз ичига олган:

табиий ҳуқуқ (*ius naturae, ius naturale*);

халқлар ҳуқуқи (*ius gentium*);

цивил ҳуқуқ (*ius civile*).

Табиатнинг ҳуқуқ нуқтан назаридан барча аҳамиятли кўрсатмалари табиий ҳуқуққа тегишли эди. Ульпиан шундай деб ёзган эди: “*Табиий ҳуқуқ бу табиат барча жонли нарсага ўргатган ҳуқуқдир: чунки, бу ҳуқуқ фақат инсон қавмига эмас, балки ерда ва денгизда тугиладиган барча ҳайвонларга ҳамда паррандаларга ҳам хосдир*” Ульпиан та- биий ҳуқуқ институтларига, жумладан, никоҳ ва болалар тарбиясини ҳам киритган, “ҳайвонлар, ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам ушбу ҳуқуқ тўғрисидаги билимларга эга” эканлигини қайд этади⁴.

1 Нерсеянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. /Масъул муҳаррир А. Саидов. – Т.: Адолат, 2003. – Б. 192.

2 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 29.

3 Нерсеянц В.С. Политические и правовые учения Древнего Рима //История политических и пра- вовых учений: Древний мир. – М., 1985. – С. 296.

4 Нерсеянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. /Масъул муҳаррир А. Саидов. – Т.: Адолат, 2003. – Б. 194.

Халқлар ҳукукини рим ҳукуқшунослари инсоният фойдаланадиган ҳукуқ сифатида тушунганлар. Унинг табиий ҳукуқдан фарқини, табиий ҳукуқ жонзотлар учун умумий бўлган ҳукуқ, халқлар ҳукуқи эса – одамлар учун (уларнинг ўзаро муносабатларида) амалда бўлган ҳукуқдир, деб тушунтиради Ульпиан. Хусусий ҳукуқнинг бир қисми бўлган цивил ҳукуқ деганда, аслида, Рим ҳукуқи тушунилган. *“Цивил ҳуқуқ, – деб изоҳлаган Ульпиан, – табиий ҳуқуқ ёки халқлар ҳуқуқидан тамомила ажратилмайди ва барча нарсада унга амал қилавермайди; агар биз умумий ҳуқуққа нимадир қўшсак ёки ундан ниманидир чиқариб ташласак, биз ўз ҳуқуқимизни, яъни цивил ҳуқуқини яратамиз. Бизнинг ҳуқуқимиз ёзилган ёки ёзилмаган ҳуқуқдан иборатдир”* Рим ҳукуқшуносларининг ҳукуқни тушунишига мувофиқ, табиий ҳукуқ адолат талабини ифодалайди ва ҳукуқ умуман адолатлидир, деган асос ғояни ифодалайди¹

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қадимги дунёда инсон ҳукуқларига оид ғоялар ва тушунчалар шакллана борган ва у буюк мутафаккирлар томонидан илгари сурилган бўлса-да, аммо бу ғоя ва тушунчалар ўша даврдаги турмуш тарзи, атрофдаги мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ва улар ўша даврда асосан ғоялигича қолиб кетган. Аммо уларнинг ғоялари ўрта асрларда ва кейинчалик ҳам инсон ҳукуқларига оид илғор ғоялар, қарашлар, ҳукуқий асосларнинг яратилиши ва уларнинг бугунги кунга келиб норматив жиҳатдан собитлашуви (қарор топиши) ва амалий татбиқ этилиши учун ўзига хос тамал тоши сифатида хизмат қилди.

2. Ўрта асрлар Европасида инсон ҳукуқлари ғоясининг ривожланиши

Ўрта асрларга келиб инсон ҳукуқларига оид ғояларнинг ривожланиши ва уларнинг норматив шаклланишида Ғарбий Европадаги Уйғониш даври намояндалари катта ҳисса қўшдилар.

Инсон ҳукуқларига оид ғоялар насронийлик илоҳиётчиси, насроний фалсафаси ва тарихининг асосчиси **Августин Аврелий** (354–430) асарларида ривожлантирилган.

Августин инсонни Худонинг марҳамати билан эркин иродага (*Iberum arbitrium*) эга бўлган мавжудот деб ҳисоблаган. Бу ҳолат инсон эркинлиги унинг ҳукуқлари каби ҳурмат қилинмоғи зарурлигини англатади. Августин *“Илоҳий шаҳар ҳақида”* номли асарида тинчлик, тинч-тотув яшаш ғоясини халқнинг энг асосий бойлиги, қадрияти ва

¹ Персеяни В.С. Ҳукуқ фалсафаси. /Масъул муҳаррир А. Саидов. Т.: Адолат, 2003. – Б. 194.

хукуки сифатида илгари сурган. Шу билан бирга, у хуқукнинг ижтимоий турмушнинг асосий қуроли тариқасидаги мавқеига шубҳа билан қараган. У Цицероннинг халқни “хуқуққа (jus) нисбатан розилик ва умумий наф йўлида бирлашган кўплаб одамлар” сифатида таърифлаганига кўшилмаган ва нафақат Рим давлати, балки умуман ҳеч бир давлат ҳеч қачон чинакам хуқуқни билмаган¹, деб баралла айтган. Августин мажбурловни ҳам, қулдорликни ҳам ўзича инсонийлик моҳиятидан келиб чиқадиган нарса деб ҳисобламаган ва уларни инсоннинг қуфр кетиши, гуноҳ қилиши, гуноҳга ботишининг оқибати, ҳолос, деб билган. Ана шундан келиб чиқиб, Августин ҳокимиятнинг дунёвий ва диний тармоқларга бўлиниши ғоясини ҳамда уларнинг бир-бирининг ишига аралашмаслик ғоясини асослаб берган².

Насроний хуқуқий тафаккурнинг яна бир ёрқин намояндаси роҳиб **Фома Аквинский** (1226–1274)дир. Насронийликда ўзига ҳос из қолдирган бу илоҳиётчи қадимги дунё мутафаккирларининг, энг аввало, Арастуниг сиёсий ва фалсафий ғояларини қайта ишлаш ҳамда уларни католик черкови эҳтиёжларига мослаштириш юзасидан жуда катта ишларни амалга оширган. Фома, табиий хуқуқ жамики жонли мавжудот учун умумий ва муштаракдир, деб ҳисоблаган. Бу хуқуқ хоҳиш-ирода билан ўрнатиладиган хуқуқ билан мос бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли фақат ўз фойдаси ташвишини қиладиган ҳокимиятга қарши халқ кўзғалиши ва уни ағдариб ташлаши мумкин. Инсон, агар қонун ҳужжатлари табиий хуқуқ тамойилларини бузадиган бўлса, бундай қонун ҳужжатларига бўйсунма олмайди.

Оилани сақлаб қолишнинг талаб-эҳтиёжларига, тарбияга, одамларнинг кадр-қимматига зид бўлган йўл-йўриқларни Фома Аквинский қонун сифатида тан олмаган. Унингча, позитив хуқуқ, агар у табиий хуқуққа зид бўлмасагина, хуқуқ бўлиши мумкин бўлган³.

Ўрта асрларга келиб, ғоялар энди ўзининг норматив шаклини ола бошлади, унга биринчи ҳужжат сифатида, XIII асрда Англияда парламентаризмни ривожлантиришдаги анчагина ўзгаришларга сабаб бўлган ҳужжат – 1215 йилги *Эркинликларнинг буюк хартияси (Magna Charta)*ни кўрсатиш мумкин. Мазкур ҳужжатда қонун устунлиги тамойили эълон қилинган ҳамда қуйи табақадагилар (тузжорлар ва дехқонлар) учун муайян эркинликлар, маъмурларнинг бедодлигидан ҳимояланишнинг

1 Майоров Г.Г. Формирование средневековой философии. М., 1979. - С. 336.

2 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро хуқуқ. Дарслик. Т.: Konsauditinform-Nashr. 2006. - Б. 31-32.

3 Ўша жойла. - Б. 32.

ҳукукий механизмлари назарда тутилган эди. Бу юқ қирғиянинг 19-мод-
лисида шахсни дахлелиги қифолатлиниб, унга қўра, эркин шикети
жано тийинлаш, фақат мамлакат қонунига асосан, тенглар томонидан
қонуний ҳукмига асосан мумкинлиги эътироф этилган. Шунингдек,
1555 йилда Аугсбург тинчлик шартномасида ҳам торман феодал дав-
латларида католик ва лютеран маъжабларига оид шахсларнинг тенглиги
аке эътирофлан эди.

Ўрта асрлардаги инсон ҳуқуқларига оид тоғлар ва қаринларнинг
ривожланишида ўша давр мутифақирларининг хизматлари бекибедир.
Шу билан бирга, юқорида тилга олганимиздек, инсон ҳуқуқларига оид
тоғлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўтақени тоғини, бу даврда ин-
сон ҳуқуқлари масаласида Уиннинг янги бир босқичига кўтарилишини
таъдиқлайди.

Уиннинг даврида шахснинг, ижтимоий қелиб чикини, дини, жин-
си ва ҳоқилолардан қатъи назар, ҳуқуқ субъекти сифатидати мақоми
туғрисида ялғари маъжуд бўлмаган тушунчи юзати қелини ва шакллани-
ган¹. Ёшқа жиҳатдан қараладиган бўлса, яини Уиннинг даврида ин-
соний ҳуқуқий фалсафасида илоҳий қонунларга нисбатан настрок на-
зар билан қараб қелинган қонун, ҳуқуқ тушунчалари оқланган ва ти-
кланган².

Ани шу тоғларни флоренциялик мутифақир ва давлат арбоби
К. Салютати (1331-1406) асирларида учратамиз: *"Қонунларнинг мақ-
сати, деб ўтган эди у, инсон ҳаракатларини бошиқаринидаги иборат
қинобарин, уларнинг предмети бир неъмат, лекин бу шунчаки неъмат
эмас, балки улуғ учун керакли, бизларни хилиликка бошловчи муқаддас
неъматдир. Биринчиси табиий неъмат бўлиб, унинг учун бизни мақ-
таш ўринсиздир"*. *"Халқнинг эътиборига етказилмадиқин қонунлар,
деб ҳисоблаган Салютати, ҳатто ва инеланишларни йўқ қилади ҳалида
халққа ҳос табиий оқилчиқини ўнча жоъ эътиб бўладикки, буни ҳар қандай
оқил салим қини қўради ёки фикрлаш ва баҳслашни асосида аниқлаб
олини мумкин"*³. Салютати қўиларга кўтариб мақтабган қонунлар
маънавий ҳаётининг тамойиллари, ижтимоий ҳаёт, қинилик жамияти-
нинг қалбидир, улар инсоний мулоқотининг бар тўшадиги билан намоён
бўлишида асос бўлиб қолади.

1 Баткин Л. М. Проблемы Возрождения в польских средневековых источниках. М. 1989. С. 4.

2 Салютати К. Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича қалваро ҳуқуқ. Дарқан. 1. Конвенция/Пакет. Наҳе,
1988. Ё. 11.

3 Карен Г. Проблемы итальянского Возрождения. Изб. Работы. Мусуниг селеси ва ред. Л. И. Бурни-
нов. М. 1986. С. 94.

...тарти бархалли мақтумишлар; деҳқонларни, шаҳарликларни, бою-бадавлатларни тизгинлаб турмуш ташқари, судьялар ва магистратларни чеклаб ва измида тутиб турди, подшоҳларни бошқаради, синьорлар устидан ҳукмронлик қилди, императорлар узра ўз ҳукмини намоён этади... кучсизларни кучлилардан ҳимоя қилади, тенглар ўртасида тотувлик ва келишувни сақлаб туради..."¹

Бирок, аини Уйғониш даврига келиб, юридик қонунларга янгиликдан бошқача, танкидий муносабатлар ҳам юзага келди, қонунлар саломоннинг ўзига керак, ҳукмдорлар ва ҳокимлар учун улар шарт эмас деган фикрлар ҳам кўриниб қолди. Салютатининг шогирди Л. Бруни (1370-1444) ҳам аини шундай нуқтаи назар тарафдорларидан бири эди. Бруни ҳуқуқнинг фақат мажбурлов жиҳатини рўкач қилиб, унга ҳақ хайрли эмас, балки нуқсонли нарса сифатида қараган ва уни ўрни ҳам бўлмак вақтига қараб ўзгартириб турадиган серкусур нарса деб баҳолаган: "*Чунки Феррарада қораланадиган нарсалар кўпинча Флоренцияда қонуний деб ҳисобланади*"².

Л. Брунининг замондоши П. Браччолини (1380-1459) ҳуқуқ тўғрисида истехзо ва киноя билан фикр билдириб, буюк воқеалар ва хатти-ҳаракатлар, асосан, алоҳида олинган бир инсон иродаси кўпчиликнинг қонунларини барбод этган тақдирда содир бўлади, деган хулосага келган³ "*Фақат паст табақали ва қора халқ, сизларнинг қонунларингиз билан боғланган, ҳуқуқ ривжатлари фақат шундайлар учун мавжуд. Ўз қадрини билладиган, дониш кишилар қонунларга муҳтож эмас. Улар ўз табиати ва билимига кўра хайрли ишларга ва яхши хулқ-атворга мойил бўлиб, ўзлари учун ҳаёт қонунини уларнинг ўзлари белгилайдилар... Кучли кишилар кучсизларга, ёлланма ходимларга, қашшоқларга, дангасаларга, чўнтаги қуруқ кишиларга мослаштирилган қонунларни рад этадилар ва хоҳлаганча ўзгартираверадилар... Ҳақиқатда барча улкан ва хотирада сақланиб қоладиган қилмишлар адолатсизлик ва зўравонлик туфайли, яъни қонунларни бузиш оқибатида содир этилган*"⁴.

1 Гарен Э. Проблемы итальянского Возрождения. Изб. Работы. /Вступит. статья и ред. Л.И. Брагинной. - М.: 1986. С 56.

2 Ракинская И.Ф. Леонардо Бруни Аретино (1370-1444) и политико-правовая мысль Кватроченто // Правоведение. 1980. № 5. С 105.

3 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. - Т.: Konsauditinform-Nashri, 2006. - Б. 34.

4 Қарап: Гарен Э. Проблемы итальянского Возрождения. Изб. Работы. /Вступит. статья и ред. Л.И. Брагинной. - М.: 1986. С 55-56.

умуман олганда, уйғониш даврининг дастлаоки паитлари мутафаккирларининг инсон ҳуқуқлари бўйича ғоялари ҳамда Эркинликнинг буюк хартияси ўрта асрларнинг кейинги боскичларида Европада инсон ҳуқуқларига оид ғояларнинг янада ривожланишига ва ғоялардаги инсон ҳуқуқларининг меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланишига ҳамда жамиятнинг кенг қатлами томонидан қабул қилина бошлашига катта туртки бўлди.

3. Уйғониш даврида инсон ҳуқуқларининг ривожланиши

Уйғониш даврининг навбатдаги боскичида табиий ҳуқуқ ғояси янада ривожланиб борди ва бу жараён феодализмнинг умумий танглиги шаронтида кечган. Бу ҳолат жамиятда феодализм тартибларига қарши норозиликларнинг кучайишига ва илғор ғояларнинг кенг тарқалишига ёрдам берар эди. Шу билан бир вақтда, Европада табиий ҳуқуқнинг оқилона назарияси узил-кесил шаклланди. Бу назария таниқли мутафаккирлар Г. Гроций, Б. Спиноза, Ж. Локк, Ш. Монтескье, Д. Дидро ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топди. Табиий ҳуқуқ назарияси феодализмни танқид қилиш ҳамда шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ ҳукмронлик қилиши зарурлигини асослаш билан, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги янги тасаввурлари билан феодализмга қарши қаратилган ва миллий-озодлик йўналишидаги инқилобларни ғоявий тайёрлашга ва уларнинг натижаларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлашга катта улуш қўшган. Хусусан, давлат фаолиятининг келиб чиқиш манбаи ва ҳуқуқий асоси сифатида ижтимоий шартнома концепцияси алоҳида аҳамиятга эга бўлган¹ “*Давлат, – деб ёзганди голландиялик ҳуқуқшунос Г. Гроций (1583–1645), – эркин кишилар томонидан қондаларга риоя этишни ва умумий фойдани кўзлаб тузилган иттифоқдир*”².

Г. Гроцийнинг ватандоши файласуф, **Б. Спиноза** (1632–1677) “давлатнинг мақсади аслида эркинликдир”³ деб таъкидлаган, сўнгра “хар кимнинг фуқаролик ҳолатидаги табиий ҳуқуқи тугамайди”⁴, деб уқтирган. Зотан, инсон табиий ҳолатда ҳам, фуқаролик ҳолатида ҳам ўз табиати конунлари бўйича ҳаракат қилади: ўз фойдасини кўзлаб фикр юритади,

1 Сандов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 48.

2 Гроций Г. О праве войны и мира. – М.: 1956. – С. 74.

3 Спиноза Б. Избранные произведения. Т.2. – М.: 1957. – С. 261.

4 Ўша жойда. – С. 300

кўрқув ва умид измида яшайди. Инсонни унинг табиий ҳуқуқларидан маҳрум этиш зулмга асосланган бошқарув усулига олиб боради¹.

Инглиз мутафаккири **Ж. Локк** (1632–1704) ҳар ким фукаролик ман-фаатлари: ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги таъминланиши, сақланиши ва амал-га оширилиши имкониятига эга бўлиши “ҳамда пул, ер, уй-жой, рўзгор ашёлари ва шу каби ташки неъматларга эгалик қилиши” учун қанча ва-колат зарур бўлса, давлат одамлардан худди шунча ваколат олади, деб ҳисоблаган. Ж. Локкнинг фикрича, халкнинг суверенитети унинг ўзи томонидан барпо этилган давлатнинг суверенитетидан юкорирокдир. Шу сабабли, золим ҳукмдорларга нисбатан халқ “арши аъло”га илтижо этиши ва куч қўллаши шарт. “Бош ва буюк мақсад” – хуррият тузумига давлатдаги ҳокимият ваколатларини тенг тақсимлаш йўли билан эришиш мумкинлиги хусусида Локк айтган фикр, айниқса, муҳимдир².

Ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши ва бундай тақсимотнинг тамойиллари тўғрисидаги ғоя француз мутафаккири **Ш.Л. Монтескье** (1689–1755) томонидан қўллаб-қувватланган ва ривожлантирилган. У ўзининг “Конунларнинг руҳи тўғрисида” деган асарида шунини таъкид-лаганки, ҳар бир давлатда ҳокимиятнинг учта тармоғи, яъни конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлмоғи лозим. Монтескье-нинг фикрича, “конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият битта шахс ёки биргина муассаса тимсолида бирлашадиган бўлса, озодлик ва эр-кинлик бўлмайди, чунки ана шу ҳукмдор ёки сенат золимликка асос-ланган конунларни золимонга йўл билан қўллаш учун яратавериши-дан кўркса бўлади. Суд ҳокимияти конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан ажратиб қўйилмас экан, бунда ҳам эркинлик бўлмайди. Агар суд ҳокимияти конун чиқарувчи ҳокимият билан бирлашгудек бўлса, фукароларнинг ҳаёти ва эркинлиги ўзбошимчалик, бедодлик ҳукми остида қолади, зотан, конун чиқарувчи унинг, яъни судьянинг ўзи бўлади. Борди-ю, суд ҳокимияти ижро этувчи ҳокимият билан бирлашиб кетадиган бўлса, судьянинг – зулим ўтказувчига, бинобарин, зулмкорга айланиш эҳтимоли юзага келади. Ана шу учала ҳокимият битта шахс ёки муассаса тимсолида бирлашадиган бўлса, ҳамма нарса халок бўлди деяверинг: ҳокимият конунлар яратади, ҳокимият умумдавлат тусидаги қарорларни ижро этади ва ҳокимият жиноятлар устидан ҳукм чиқаради ёки хусусий шахслар билан судлашади”³

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарелик. Т. Конаудитинформ-Нашр. 2006. Ё. 48.

2 Каран Локк Дж. Избранные философские произведения. М.: 1960. Т.2. С 116; История политический и правовых учений: Учебник/ Под ред. О.Э. Лейста. М.: 1997 – С. 185-190.

3 Монтескье Ш. Избранные произведения. М.:1955. С 289.

табиии ҳуқук назариясига **Ж.Ж. Руссо** (1712–1788) катта ҳисса қўшган. Унинг фикрича, табиий ҳолатда барча кишилар тенгдир. Фақат соғлиқ ҳолати ва ёшига кўра тенгсизлик мавжуд, холос.

Ижтимоий тенгсизлик, Руссонинг эътиқодича, меҳнат қуроғларини такомиллаштириш жараёнида, хусусий мулкчилик ва маданият юзга келиши асносида келиб чиқади. Бунинг оқибатида бойлар ва кашшоқларга бўлиниш содир бўлади. Шу муносабат билан Руссонинг айтишича, одамлар ўз ҳуқуқларини бой бермайдиган ва эркинликларини саклаб қоладиган сиёсий тузилмагина қонуний ва ваколатлидир. Унинг мўлжалига кўра, ижтимоий шартнома давлат ҳокимиятининг асосидир. Бундай шартнома амал қилганида ҳар бир одам ўзини умум хоҳиш-иродасининг олий раҳбариятига бағишлайди ва бу билан унинг (хоҳиш-ироданинг) қатнашчисига айланади, негаки, ҳокимият шартнома қатнашчиларидан таркиб топадиган суверен ихтиёрига ўтади. Суверенитетнинг ўзи халққа тегишлидир. Ж.Ж. Руссо халқнинг зolimларга қарши ўзгармас ҳуқуқи борлигини эътироф этган¹

Табиий ҳуқук ғоясини француз қомусий алломаси **Д. Дидро** (1713–1784) ҳам қўллаб-қуватлаган. У ҳам инсонга олий қадрият тарикасида қараган. “*Фақат иккита чин бойлик мавжуд*, – деб таъкидлаган эди у, – *бу инсон ва заминдир*”² Д. Дидро ҳам давлат ҳокимиятини ижтимоий шартнома маҳсули деб билган. “*Ҳеч кимга табиат бошқа кишилар ўстидан ҳукмронлик қилиши ҳуқуқини бермаган*, – деб ёзганди у. – *Эркинлик самовий инъомдир ва ҳар бир шахс ундан ақлини ишлатиб бошлаши биланоқ фойдаланиши ҳуқуқига эга*” Табиат ҳукмронлиги хусусида фикр юритиб, у шундай деб таъкидлаган: *бошқа ҳар қандай ҳукмронликнинг келиб чиқиши табиатга бориб тақалмайди*”³ Дикқат билан, синчиклаб ўрганилса, табиат ҳукмронлигининг манбаи хамиша куйидаги икки ҳолатдан бири эканлиги аён бўлади: ҳокимиятни ўзлаштириб олган шахснинг зўравонлиги ва шафқатсизлиги ёхуд ўзлари тузган ёки тузишни мўлжаллаётган шартнома бўйича муайян шахсга бўйсунганлар билан ҳокимият кимга ишониб топширилган бўлса, ўша кимса ўртасидаги розилиқдан иборат.

Табиий-ҳуқуқий тартиб ғоясидан феодал-мутлак тузумларни оқлаш учун фойдаланилганлигини ҳам, албатта, айтиб ўтиш керак бўлади. Шу муносабат билан, Германия табиий ҳуқуқ назариясининг йирик намоён-даси **С. Пүфендорфнинг** (1632–1694) қарашлари ҳам ибратлидир⁴

1 История политических учений /Под ред. О.В.Мартышина. М.: 1996. Вып.2. С.61–74; Руссо Ж.Ж. Трактаты. – М.: 1990.

2 Права человека: Учебник-хрестоматия. /Под ред. А.Х. Саидов. Т. УМЭД. 2001. – С. 17.

3 Ўша жойда. – С. 18.

4 История политических и правовых учений: Учебник /Под ред. О.Э.Лейста. – М.: 1997 – С. 195–196.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши тўғрисидаги таълимот билан чамбарас боғланиб кетадиган инсоннинг бўлинмас, табиий ҳуқуқлари хусусидаги назарий тасаввурлар буржуа инқилобларини ғоявий жиҳатдан тайёрлашда жуда муҳим роль ўйнаганлигидан ташқари, илк буржуа конституциявий қонунчилигига ва давлат-ҳуқуқ амалиётига ҳам катта таъсир ўтказган.

4. Янги даврда инсон ҳуқуқларининг ривожланиши ва инсон ҳуқуқлари авлодларининг шаклланиши

Янги даврда инсон ҳуқуқларининг ривожланиши, унинг норматив шакл касб этиши ва кўпроқ шу аснода ривожланиши билан ҳам ўзига хос хусусият касб этади. Бу хусусият эса, одатда, “Инсон ҳуқуқлари” фанида “инсон ҳуқуқлари авлодлари” номи билан машҳур. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари бўйича инсонга тегишли бўлган моддий ҳуқуқларнинг турларини инсон ҳуқуқлари категориялари сифатида тушунамиз. *“Қайд этиш керакки, – дейди К. Васак, – инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари инсон ҳаётининг турли соҳаларини: шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларини таъминлаб беради. Шу муносабат билан, улар сўруҳлар ва номланиш бўйича турларга бўлинади. Бироқ, бу ҳуқуқлар нафақат ҳаётний фаолиятнинг турли соҳаларига тааллуқлидир, балки улар пайдо бўлиш вақти бўйича ҳам фарқланади. Шу ердан эса – инсон ҳуқуқлари авлодлари пайдо бўлган”*¹. Демак, инсон ҳуқуқлари авлодлари деганда, инсоннинг муайян ҳуқуқларининг унга тегишлилигини ва бу ҳуқуқларнинг таъминлаб берилиши ва уларга риоя этилиши лозимлиги тўғрисида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамклана бошланиши ҳамда уларни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий механизмлар яратилиши билан боғлиқ даврларни тушунамиз. Инсон ҳуқуқларининг норматив-ҳуқуқий асосда ривожланиб боришини бундай авлодларга бўлиб ўрганиш уларни тизимлаштиришга, моҳияти ва ҳуқуқий кучини тўғри тушунишга имкон беради. Шунга кўра, француз олими К. Васак инсон ҳуқуқларини уч авлодга бўлиш концепциясини илгари сурган эди²

Ушбу тартибга кўра, инсон ҳуқуқларининг категориялари қуйидаги авлодларга бўлинади:

1 Vasak K. A 30-year struggle //UNESCO Courier. – 1977. Nov. – P. 19.

2 Vasak K. A 30-year struggle //UNESCO Courier. – 1977. Nov. – P.19.

Инсон ҳуқуқлари авлодлари

1-авлод ҳуқуқлари (XVII асрдан бошланган)	2-авлод ҳуқуқлари (XIX аср 2-ярми ва XX аср 1-ярмидан бошланган)	3-авлод ҳуқуқлари (XX асрнинг 2-ярмидан бошланган)
фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар:	иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар:	жамоавий (коллектив) ҳуқуқлар:
<ul style="list-style-type: none"> - яшаш ҳуқуқи; - сўз эркинлиги; - фикр эркинлиги; - айбсизлик презумпцияси; - одил судловга оид ҳуқуқ; - шахсий дахлсизлик ҳуқуқи; - эътиқод эркинлиги; - сайлаш ҳуқуқи; - сайланиш ҳуқуқи каби таъминлаб берилиши лозим бўлган ҳуқуқлар. 	<ul style="list-style-type: none"> - меҳнат қилиш ҳуқуқи; - меҳнати учун адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи; - касб танлаш ҳуқуқи; - дам олиш ҳуқуқи; - таълим олиш ҳуқуқи; - касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи; - ижод қилиш ҳуқуқи; - ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи; - маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи каби таъминлаб берилиши лозим бўлган ҳуқуқлар. 	<ul style="list-style-type: none"> - тишч осмон остида яшаш ҳуқуқи; - тоза агроф-мухитга бўлган ҳуқуқ; - халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқи; - кибер кенгликдаги ахборотлардан фойдаланиш ҳуқуқи каби жамоа бўлиб фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи авлод ҳуқуқларининг шаклланиши. XVII–XVIII асрларнинг инсон ҳуқуқларининг ривожланиши соҳасидаги роли, бу даврда ўзига хос биринчи авлод инсон ҳуқуқларининг шаклланишидан иборат бўлди. Яъни, мазкур даврда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга оид қонунчилик шакллана бошланди. 1215 йилги *Эркинликларнинг буюк хартияси* ҳам ушбу даврга кирсада, биринчи авлод ҳуқуқларининг бошланиши 1642–1649 йиллардаги инглиз инқилоби натижалари билан боғланади. Чунки, ушбу инқилоб натижасида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бир қанча муҳим юридик ҳужжатлар қабул қилинган. 1679 йилнинг 26 майида “Раиятнинг эркинлигини энг яхши тарзда таъминлаш ҳамда денгиз ортига сургун қилишларнинг олдини олиш ҳақида”ги ҳужжат (Nabeas Corpus Act)¹ қабул қилинганлиги ўша даврдаги энг муҳим воқеалардан бири бўлган. Мазкур ҳужжат судгача бўлган тартиб-таомилларни изга солган. Бундай тартиб-таомилнинг асосий мақсади ҳибсдаги шахсни судгача (дастлабки қамоқдалигида) ҳимоя қилишдан иборат бўлган. 1679 йилги ҳужжат ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан белгиланадиган пул гаровини қиритиши мумкин бўлган “шахс ҳуқуқларини таъ-

¹ Международное сотрудничество в области прав человека: Документы и материалы. – М.: 1993. Вып. 2. – С. 72–79.

минловчи” мураккаб юридик механизмни узил-кесил тартибга солган. Мазкур ҳужжатга биноан ҳеч ким суднинг қарорисиз ушланиши ёки хибсга олинishi мумкин эмас¹.

1689 йил 13 февралда Таъсис парламенти конвент Ҳуқуқлар декларациясини қабул қилган, бу декларация ўша йилнинг кузида **Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биллга** айлантирилган. Билль, давлат органлари тизимида парламентнинг мавқеини белгилаб берган эди. Билль, конунчилик ҳокимияти ва молия сиёсати соҳасида парламентнинг устунлигини тасдиқлаб берар экан, биринчидан, конунларнинг амал қилишини ёки уларнинг ижросини парламентнинг розилигисиз тўхтатиб қўйишини; иккинчидан, солиқлар ва йиғимларнинг тахт эгаси фойдасига парламентнинг розилигисиз ундириб олинishини ғайриқонуний деб эълон қилган. Билль, парламентда сўз ва музокаралар эркинлигини, парламентга сайлов эркинлигини белгилаб берган. Биллда кўрсатиб ўтилишича, *қиролга илтимоснома билан мурожаат этиш раиятнинг ҳуқуқи бўлиб, бундай илтимоснома учун ҳар қандай йўсинда ушлаб туриш ва таъқиб қилиш қонунга хилофдир*².

Ҳуқуқлар тўғрисидаги биллнинг айрим бўлимлари парламент фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларига тааллуқли бўлган. Хусусан, унда айтилишича, “парламентдаги сўз, музокаралар эркинлиги ва унда содир бўлаётган жамики нарсалар таъқиб қилиш учун важ ёки бирон-бир судда ёхуд парламентдан бўлак бир ерда кўриб чиқиш учун мавзу бўлиши мумкин эмас” Унда, шунингдек, ҳаддан зиёд солиқ тўлаш, ҳаддан зиёд жарима солиш ёки шафқатсиз ва ғайриодатий жазолар белгилаш талабига йўл қўйилмаслиги ҳам назарда тутилган. Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль, ҳолислар судининг ҳуқуқларини анчагина кенгайтирган ҳамда ҳолислар суди таркибининг ҳуқуқат томонидан ўзбошимчалик билан алмаштирилишига қарши кафолатларни белгилаган.

Биринчи авлод ҳуқуқларининг ривожланишида, муҳим ва ҳал қилувчи босқичлардан бири Буюк француз инқилоби бўлди. 1789 йил 26 августда инқилоб гирдобидаги Францияда оламшумул-тарихий аҳамиятга молик бўлган ҳужжат – **Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси** қабул қилинган. Унда айтилишича, “одамлар эркин бўлиб туғилдилар ва ҳуқуқ бобида эркин ҳамда тенг бўлиб қолавердилар. Ижтимоий тафовут фақат умумий фойдага асосланиши мумкин”

1 Сандов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 55.

2 Ўша жойда.

(1-модда)¹. Мазкур Француз декларациясининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда инсоннинг борлиқ, табиатнинг ўзидан келиб чиқадиган “табиий, ажралмас ва мукаддас ҳуқуқлари” мавжуд, дея эълон қилинган. Француз декларациясида яна шу нарса таъкидландики, “Ҳар бир давлат уюшмасининг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдан иборат. Эркинлик, мулк, ҳавфсизлик ҳамда зулмга қаршилик шундай ҳуқуқлардир” (2-модда). 3-моддада “Суверенитетнинг манбаи моҳиятан миллатга асосланади. Биронта ҳам корпорация, биронта ҳам шахс келиб чиқиши айни ана шу манбадан бўлмаган ҳокимиятга эга бўла олмади”, деган қоида таърифлаб берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Француз декларацияси муаллифлари инсон ҳуқуқлари муаммосининг икки ёқлама хусусияти борлигига эътибор берганлар. Табиат инъом этганлиги сабабли, инсон ҳуқуқлари табиий ҳуқуқдир, шу сабабли улар бошқа шахсга ўтказилмайди ва бинобарин, улар ажралмасдир. Ана шу ҳуқуқларга тажовуз бўлган тақдирдагина, уларни ҳимоя қилиш зарурияти юзага келади. Табиий ҳолатда бундай таҳдид йўқ. Бундай таҳдид инсон фуқаролик жамиятига ўта бошлаган пайтдан эътиборан юзага келади. Шу сабабли, инсон ҳуқуқларини ҳукмронлик қилувчилардан ва бошқа шахслардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги масаланинг факат жамият доирасида, бу жамият қабила, шаҳар ёки давлат кўринишида бўлишидан қатъи назар, кўндаланг қўйилиши ўринлидир. Давлатнинг раванқ топиши сиёсий иттифоқ барпо этиш ва Конституцияни тасдиқлаш воситасида амалга оширилади. Зотан, асосий мақсади табиий ҳуқуқларни таъминлаш бўлганлиги учун ҳам, мазкур Конституция “сиёсий иттифоқ” асосларига замин яратади².

Фуқаролик жамияти доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бутун залворини кўтариш қонунга юқлатилган. Бинобарин, Француз декларациясининг 6-моддасида таъкидланганидек, ушбу қонун “умум хоҳиш-иродасининг ифодасидир” Шу сабабли, барча фуқаролар қонунни яратишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқига эга. Қонун муҳофаза этаётганлиги ёки жазолаётганлигидан қатъи назар, ҳамма учун бир бўлмоғи керак. Барча фуқаролар қонун олдида тенг ва шу боис, қобилиятларига мутаносиб равишда барча вазифа ва мансаб лавозимларини эгаллаш, иш, касб-ҳунар билан машғул бўлиш имко-

1 Декларация прав человека и гражданина /Международное сотрудничество в области права человека. М.: 1993. Вып. 2. – С. 84.

2 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 56.

ниятидан тенг бахраманд бўлмоқлари лозим. Уларнинг фазилатлари ва кобилиятларига боғлиқ тафовутлар бундан мустасно, албатта. Француз декларациясининг 7-, 9-, 10- ва 11-моддалари шахс эркинлигини, виждон, сўз ва матбуот эркинлигини (йиғилишлар ва уюшмаларга бирлашиш эркинлиги назарда тутилмаган) тасдиқлаб берган; 13- ва 14-моддалар солиқларни эркин келишув асосида барча фуқаролар ўртасида тенг меъёрларда тақсимлаш, уларни ундириб олиш тартиби ҳамда улардан фойдаланишни назорат қилиш қондасини белгилаб берган; 15-моддада жамиятнинг ҳар бир мансабдор шахсдан “бошқарувнинг унинг ўзига ишониб топширилган қисми юзасидан” ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқи эълон қилинган. 16-моддада кўрсатилишича, “ҳуқуқлардан фойдаланиш таъмин этилмаган ва ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши амалга оширилмаган жамиятнинг Конституцияси бўлмайди” Охирги, 17-моддада эълон қилинганидек, “мулк бўлинмас ва муқаддас ҳуқуқ бўлганлиги учун ҳам ундан ҳеч ким қонунда шак-шубҳасиз жамоат зарурати деб белгиланганидан ҳамда зарар-чиқимларининг ўрни адолатли тарзда ва олдиндан қопланганидан бўлак ҳолларда маҳрум этилиши мумкин эмас”¹

Инсон ҳуқуқлари 1791 йилги Франция Конституциясида ҳам мустақкамлаб берилган. Унда, хусусан, таъкидлаб ўтиладики, “қонун бундан буён табиий ҳуқуқ ёки Конституцияга зид бўлган диний аҳд, қасамёд қилишни ҳам, бошқа бирон-бир мажбуриятларни ҳам тан олмайди” Конституция куйидаги табиий ва фуқаролик ҳуқуқларини кафолатлаган:

1. Барча фуқароларнинг “иш жойлари ва лавозимларни, уларнинг фазилатлари ва кобилиятларидан келиб чиқувчи тафовутларни истисно этганда, бирон-бир тафовутсиз эркин эгаллаши”

2. Солиқларнинг фуқаролар ўртасида “уларнинг қудратига мутаносиб равишда” тенг миқдорда тақсимланиши.

3. “Бирон-бир шахсий ихтилоф ва қарама-қаршилиқлардан қатъи назар, айни бир хил ҳуқуқбузарлик учун айни бир хил жазо билан жазоланиши”

Конституция “табиий ва фуқаролик ҳуқуқлари сифатида” куйидагиларнинг таъминланишини ҳам кафолатлаган:

ҳар кимнинг “фақат Конституцияда назарда тутилганидан бўлак тартибда ушлаб турилишдан ёки хибсга олинишдан чўчимай, бир жойдан иккинчисига кўчиш, ўз жойида қолиш ёки бу жойни тарк этиш” эркинлиги;

¹ Саидов А. Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 57

хар кимнинг “ўз фикрини эълон қилингунга қадар олдиндан ҳеч қандай цензура қилинмай ёки текширишдан ўтказилмай, оғзаки ва ёзма ифодалаш, матбуотда чоп этиш ва ошқора узатиш, шунингдек, ўзи мансуб бўлган диний эътиқод расм-русумлари ва ибодатларини адо этиш” эркинлиги;

фуқароларнинг “жамоат жойларида осойишталикни сақлаган ҳолда ва қурол-яроғсиз, полиция қонунларига риоя этган ҳолда йиғилиш” эркинлиги;

“айрим фуқаролар томонидан имзоланган петициялар билан ҳокимиятнинг белгиланган органларига мурожаат этиш эркинлиги”

“Қонун чиқарувчи ҳокимият, – деб таъкидланган Конституцияда, – мазкур бўлимда санаб ўтилган ва Конституцияда таъминланган табиий ва фуқаролик ҳуқуқларининг амалга оширилишига монелик қилувчи қонунлар чиқариши ёки бу ҳуқуқларни бузиши мумкин эмас”¹.

Франция Конституцияси, шунингдек, “мулк дахлсизлигини ҳамда, агар қонун томонидан белгиланган жамоат зарурати мулкий қурбонликларни тақозо этадиган бўлса, олдиндан адолатли тарзда қоплаб берилиши”ни ҳам қафолатлаган. Бу ҳужжатда яна шу нарса кўрсатиб ўтиладики, “барча фуқаролар учун умумий, қисман бепул, барча одамларга зарур бўлган халқ таълими таъмин этилади ва ташкил қилинади...” ҳамда “бутун қироллик учун муштарак фуқаролик қонунлари кодекси чоп этилади”

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид тасаввурларнинг тадрижий ривожланиши нуктаи назаридан 1793 йил 24 июнда Миллий конвент томонидан янги Конституция билан биргаликда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясига алоҳида эътибор бериш тўғри бўлади. Мазкур Декларациянинг 1-моддасида қайд этилишича, “жамиятнинг максоди умум бахт-саодатидир” Инсон ўзининг “табиий ва ажралмас ҳуқуқлари”дан фойдаланишини таъминлаш давлат ҳукуматининг асосий вазифаси саналади. “Бу ҳуқуқларнинг моҳияти: тенглик, озодлик, хавфсизлик, мулк” (2-модда). Ушбу Декларацияда яна шу нарса баён этилганки, “барча одамлар табиатан ва қонун олдида тенгдирлар” (3-модда) ҳамда “қонун ҳукмронлик қилувчилар томонидан бўладиган зулмга қарши жамоат ва шахс эркинлигини муҳофаза этмоғи ва қўриқламоғи лозим” (9-модда). Ҳужжатда “озодлик” тушунчаси ҳам очиқ берилган: “Озодлик бошқаларнинг ҳуқуқларини камсит-

¹ Конституция 3 сентябрь 1791 г. //Права человека: Учебник-хрестоматия. /Под ред. А. Саидова Т. УМЭД, 2001. С. 155.

маган тарзда инсонга ҳамма ишни қилиш имкониятини беришдир; озодликни таъминлаш конун демак...” (6-модда)¹.

Хулоса қилиб айтганда, XVII-XVIII асрлардаги Европадаги воқеалар, нафақат Европани янги цивилизациявий босқичга олиб чиқди, балки шу билан бирга, инсониятнинг давлатчилик пайдо бўлган давридан бери муҳим муаммоларидан бири бўлган инсоннинг табиий ҳуқуқлари ҳамда барчанинг давлатни бошқаришда иштирок эта олиш ҳуқуқи каби ҳуқуқларини амалиётга киритиш учун ҳуқуқий замин яратиб беришни бошлаган давр сифатида тарихда қолди. Инглиз Хабеас Корпус акти, Инсон ҳуқуқлари билли ҳамда Француз Конституцияси ва Декларацияси ана шу даврга қадар Европада шаклланган фалсафий ва сиёсий тафаккурнинг энг илғор ютуқларига таянганлиги ҳамда инглиз ва француз инқилоблари яқунларини ўзида мужассам этганлиги туфайли инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш тарихида муҳим босқич бўлиб қолди.

АҚШ Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. Шимолий Америка мустамлакаларини озод этиш учун олиб борилган муваффақиятли кураш натижасида 1776 йил 10 майда уларни Англиядан ажратиб чиқариш ҳақида қарор қабул қилинган. Шу муносабат билан, Т. Жефферсон (1743–1826) бошчилигида беш кишидан иборат комиссия тузилиб, унинг зиммасига *Мустақиллик декларацияси* матнини тайёрлаш вазифаси топширилган. Асосан Т. Жефферсон томонидан ёзилган ана шу ҳужжат 1776 йил 4 июлда қабул қилинган.

Мазкур Мустақиллик декларациясининг тарихий аҳамияти унда янги давлат – Америка Қўшма Штатлари дунёга келганлиги эълон қилинганлигидан ташқари, инсон эркинликларининг умумфалсафий тамойиллари юридик жиҳатдан таърифлаб берилганлиги билан ҳам белгиланади. Декларацияда таъкидланишича, қуйидаги ҳақиқатлар кундек равшан: барча одамлар тенг қилиб яратилган ва уларнинг барчасига Яратганнинг ўзи томонидан айрим ажралмас ҳуқуқлар, хусусан, яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи ва бахт-саодатга интилиш ҳуқуқи инъом этилган. Ана шу ҳуқуқларни таъминлаш учун одамлар ўртасида ҳуқуматлар таъсис этилган бўлиб, улар ўз измидагиларнинг розилигига таянган ҳолда адолатли ҳокимиятни йўлга қўядилар. Ҳуқуматнинг бундай шакли ана шу кўзланган мақсад учун ҳалокатли тусга айланаётган бўлса, халқ уни ўзгартириш ёки йўқ қилиш, наздида унинг хавфсизлиги ва бахт-саодатини имкон қадар кўпроқ таъминлай оладиган янги

¹ Декларация прав человека и гражданина 24 июня 1793 г. //Права человека: Учебник-хрестоматия. Под ред. А.Сандова. Т. УМ’Д. 2001. С. 164-165.

хукуматни муайян тамойиллар асосида ва ташкилий жиҳатдан айна шу йўсинда таъсис этиш ҳуқуқига эга¹.

Яна бир муҳим тарихий ҳужжат – АҚШ Конституциясининг қабул қилиниши ҳам инсон ҳуқуқлари ривожининг ёрқин қадамларидан бири бўлди. 1787 йили қабул қилинган АҚШ Конституциясини тайёрлаш ва қабул қилиш жуда мураккаб шароитларда кечган эди. Мустақиллик учун олиб борилган ва 1783 йили ниҳоясига етган уруш натижасида Америка иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан оғир вазиятга тушиб қолган. Бу вазият штатларнинг сиёсий алоқаларини мустақамлашни ҳамда мамлакатнинг кескин ички ва ташқи муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган ҳукумат тузишни тақозо этган. Шу мақсадда 1787 йили Таъсис конвенци тузилган. Унга федерал Конституцияни ишлаб чиқиш топширилди. Конституциянинг Конвент томонидан тайёрланган лойиҳасини штатларнинг махсус шу мақсад учун сайланган конвентлари ратификация қилиши лозим бўлган.

Бирок, лойиҳа кескин танқид қилинган, хусусан, кўпчилик штатларнинг конституцияларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолати мавжуд бўлгани ҳолда, мазкур лойиҳада ҳуқуқлар тўғрисида бўлим (Билль) йўқлиги танқид остига олинган. Пировард натижада, 1789 йили *Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль* АҚШ Конгресси томонидан ратификация қилинган. 1791 йилнинг декабрига қадар уни (Конституцияга биринчи ўнга тузатиш) штатлар ратификация қилган². Ушбу ўнга тузатиш ёки Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билль қуйидагиларни ўз ичига олган эди:

Биринчи тузатиш черковнинг давлатдан ажратилганлигини, диний эътиқод эркинлигини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, “халқнинг тинч йўл билан йиғилишлар ўтказиш ҳамда суиистеъмолликларни бартараф этиш тўғрисидаги арзномалар билан ҳукуматга мурожаат этиш ҳуқуқини” эълон қилган.

Иккинчи тузатиш “халқнинг қурол саклаш ва олиб юриш ҳуқуқини”ни тасдиқлайди.

Учинчи тузатиш тинч даврда қўшинларни хонадонларга мажбурий тартибда жойлаштиришни тақиқлаган.

Тўртинчи тузатиш халқнинг шахсни, уй-жойни, қоғоз-ёзишмаларни ҳамда мол-мулкни “асоссиз равишда тинтув қилиниш ёки хатланишдан” муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқини белгилаб берган.

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 52.

² Билль о правах // Конституции государств Американского континента: В 3 т. Т.3. М.: 1959. С. 245–254.

Бешинчи тузатиш “оғир жиноят ёки иснод келтирувчи, шармандали бошқа жиноят учун” жавобгарликка тортишда қонунийликка риоя этилишини кафолатлайди. Унда яна шу нарса таъкидланадигани, “ҳеч ким қилган айни битта жинояти учун ўз ҳаёти ёки тан дахлсизлиги билан икки бора жавоб бермаслиги лозим; ҳеч ким жиноят ишида ўзига ўзи қарши гувоҳлик беришга мажбур қилинмаслиги лозим; ҳеч ким қонуний суд муҳокамасисиз ҳаётидан, эркинлиги ёки мол-мулкидан маҳрум этилмаслиги лозим; ҳеч бир шахсий мулк адолатли ҳақ тўланмай туриб, жамоат фойдаланишига олиб қўйилмаслиги лозим”

Олтинчи тузатиш “беғараз ва бетараф холисларнинг ошиғич ва оммавий суди”га бўлган ҳуқуқ ҳамда айбланувчиларнинг шунга боғлиқ ҳуқуқи кафолатларини ўз ичига олган. Уларнинг орасида “айблов хусусиятлари ва сабабларини ўзига маълум қилишни талаб этиш ҳамда унга қарши гувоҳлик бераётганлар билан юзлаштиришни талаб қилиш ҳуқуқи бор; айбланувчи ўз гувоҳлари мажбурий тарзда чакиртирилишини талаб қилиши ва ҳимоя учун адвокат ёрдамидан фойдаланиши мумкин”

Еттинчи тузатиш “умумий ҳуқуққа асосланган, даъво қиймати йигирма доллардан ошувчи судлов ишлари бўйича” холислар судига бўлган ҳуқуқни кафолатлаган.

Саккизинчи тузатиш “шафқатсиз ва ғайриодатий жазолар”ни тақиқлайди, шунингдек, ҳаддан зиёд катта гаров талаб этилмаслиги ва ҳаддан зиёд катта жарима ундириб олинмаслигини кафолатлаган.

Тўққизинчи тузатиш “Конституцияда муайян ҳуқуқларнинг айтиб ўтилиши халқ томонидан сақланиб келаётган бошқа ҳуқуқларни инкор этиш ёки камситиш сифатида талқин этилмаслиги лозим”лигини кафолатлаган.

Ўнинчи тузатиш орқали эълон қилинишича, “Қўшма Штатларнинг ушбу Конституциясида берилмаган ҳамда айрим штатлар томонидан фойдаланиш тақиқланмаган ваколатлар штатларнинг ўзи учун ёки халқ учун кучини сақлаб қолаверади”¹.

Кейинги йилларда АҚШ федерал Конституциясига яна бир қанча тузатишлар киритилган (ҳаммаси бўлиб, 27 тузатиш киритилган)². АҚШ Конституцияси замирида ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниш гоёси, федерализм тамойили, шунингдек, Конституциянинг оддий ҳуқуқдан устунлиги ётганлиги эътиборга олинадиган бўлса, айни АҚШда жаҳонда

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарелик. – Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 52–53.

2 Каранг. Соединенные Штаты Америки: Конституция и законодательные акты. – М., 1993.

биринчи бўлиб фукаролик эркинликлари институти узининг энг мукам- мал ва тўлик ҳукукий ифодасини топган¹.

Юқорида кўриб чиқилган инглиз Хабеас корпус акти ва Инсон ҳуқуқлари билли, Француз декларацияси ва АҚШнинг Ҳуқуқлар тўғрисидаги билли ҳозирги замон инсон ҳуқуқлари стандартларини шакллантиришда катта роль ўйнади. Чунки, 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда мазкур Декларация қондаларини ривожлантирувчи бошқа халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқишда юқорида қайд этилган ҳужжатларнинг нормалари ўзига хос рецепция қилинди. Шу ўринда биз профессор А. Саидовнинг куйидаги фикрига тўла қўшила- миз: "...ана шу ҳужжатларнинг қабул қилинишига башарият цивилизациясининг бунга радар бўлган бутун кечмиш тарихи, ҳукукий, диний ва фалсафий тафаккур тараққиёти асос солганлиги кундек равшан. Бунда, хусусан, куйидаги омиллар муҳим роль ўйнаган:

- 1) юнон фалсафасида табиий ҳуқуқ ғоясининг юзага келганлиги;
- 2) Рим ҳуқуқида халқлар ҳуқуқи ғоясининг ривожлантирилганлиги;
- 3) шарқ диний-ҳуқукий тизимларида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожлантирилганлиги;
- 4) ўрта асрлардаги насроний ва ислом ҳуқуқида барча одамларнинг Худо олдида тенглиги ғояси тасдиқ топганлиги;
- 5) Америка ва Франция конституцияларида тенглик ғояси секуляризация қилинганлиги ва инсон ҳуқуқлари юридик жиҳатдан расмийлаштирилганлиги"².

Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи авлод ҳуқуқларининг шаклланиши. Инсон ҳуқуқларининг "иккинчи авлоди" бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсири остида шаклланди. XIX аср охири XX аср бошларида саноати ривожланган кўпгина мамлакатларда иктисодиёт соҳасида сезиларли силжишлар рўй берди. Ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ва ишчилар (касаба уюшмалари) ҳаракати ролининг ошиши натижасида ижтимоий-иктисодий ҳуқуқлар ўзининг давлат-ҳукукий ифодасини топа бошлади. XIX асрнинг ярмидан бошлаб, қатор Европа мамлакатларида меҳнат вақтини камайтириш, иш ҳақини ошириш, дам олиш вақти қаби ижтимоий ҳуқуқларни талаб қилиш бошланди. Бунга биринчи ўринда капиталистик ишлаб чиқаришнинг тобора ривожланиб боришининг натижаси сифатида қаралди. Европа мамлакатларида меҳнат қилиш ҳуқуқи, муносиб ҳаёт шароитига бўлган ҳуқуқ, илм олиш

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 58

² Ўша жойда. – Б. 63.

хукуки ва бир катор ижтимоий кафолатлар: меҳнат қобилиятини тўла, қисман ва вақтинча йўқотганда нафақа олиш, пенсия олиш хукуки, ишсизлик нафақаси ва бошқа шу каби хукуклар мустақкамлаб қўйилган катор қонунлар қабул қилина бошланди. XX асрнинг биринчи ярмида эса, бундай хукукларга катор конституциялар, жумладан, 1919 йилдаги Германиянинг Веймар Конституцияси, 1931 йилдаги Испания Конституцияси, 1936 йилдаги СССР Конституцияси, 1937 йилдаги Ирландия Конституцияси ва бошқаларда катта эътибор қаратилган эди¹. Шу билан бир каторда, бу соҳаларда халқаро шартномалар тузила бошланди, ихтисослашган халқаро ташкилотлар ташкил топди. Масалан, 1919 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ташкил топиши меҳнат соҳасида қўплаб халқаро шартномаларни ишлаб чиқишга ёрдам берди. XX асрнинг ярмига келиб эса, иккинчи авлод хукуклари бўлган *иктисодий, ижтимоий* ва *маданий ҳукуклар* қўлаб демократик давлатларнинг конституцияларида ва қонунларида ўз аксини топди.

Инсон ҳукуклари бўйича учинчи авлод ҳукуklarининг шаклланиши. Ниҳоят, инсон ҳукуklarининг “учинчи авлоди” “ҳамжиҳатлик ҳукуklarи” деб аталиб, улар кўпроқ давлат чегараларидан четга чиқиб кетган ва жамоавий хусусиятга эга, бундай ҳукуklar ҳар бир инсонгагина тааллуқли бўлмасдан, балки инсонларнинг гуруҳларига, яъни бутун жамоага тегишли ҳукуklarдир. Ушбу хусусияти билан ҳам, биринчи ва иккинчи авлод ҳукуklarидан фарқ қилади. Олдинги авлод ҳукуklarи эса, ҳар бир инсонга тааллуқли бўлган ҳукуklar эди. Бу авлод ҳукуklarи асосан Иккинчи жаҳон урушининг тугаши ва БМТнинг ташкил топиши билан бошланган. Умумий эътироф этилган қондага кўра бу ҳукуklar: тинчликка бўлган ҳукук, беҳавотир табиий атроф-муҳитга бўлган ҳукук, инсониятнинг иктисодий ва маданий меросидан фойдаланиш ҳукуқи ва бошқалар. Учинчи авлод ҳукуklarи, авваламбор, халқаро ҳужжатларда акс эттирилиши билан ҳам кўпроқ таъминлаб берилади.

Шуни қайд этиш лозимки, глобализм давридаги янги ҳавфларнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда, инсон ҳукуklarининг янги “тўртинчи авлодлари” ҳам шаклланимоқдаки, улар янги ҳукуklarнинг вужудга келишига ва мавжуд ҳукуklar турининг ўзгаришига ҳамда уларга риоя этилиши билан боғлиқ назорат механизмларининг такомиллаштирилишига олиб келади. Кўп тадқиқотчилар, тўртинчи авлод ҳукуklarи XXI асрда шаклланади, дейишмоқда. Бу, биринчи навбатда, янги ахборот технологиялари билан, қолаверса, тиббиёт, биология, генетика ва кишлоқ хўжалигидаги кашфиётлар билан боғлиқ бўлган ҳукуklarдир.

¹ Права человека. Учебник. Отв. ред. Е.А. Лукашева. М.: НОРМА-ИНФРА, 1999. С. 474.

Ф.М. Рудинскийнинг фикрига кўра, бу ҳуқуқлар инсонни шахснинг генетик ирсияти соҳасидаги экспериментлар (имлий-амалий тажриба ва синовлар), яъни инсонни клонлаштириш ва биология соҳасидаги бошқа кашфиётлар натижасида вужудга келадиган хавфлардан химоя қилиш билан боғлиқ бўлган инсон ҳуқуқларидир¹. Бирок, бошқача фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, Ю.А. Дмитриев тўртинчи авлод ҳуқуқлари ўз ичига факат ахборот ҳуқуқи ва технологияларини камраб олишини айтади.

А.Б. Венгеров эса, тўртинчи авлод ҳуқуқлари сифатида инсоният ҳуқуқлари (тинчликка бўлган ҳуқуқ, ядровий хавфсизлик, космос, экологик, ахборот ҳуқуқлари ва бошқалар)ни кўрсатиб ўтади².

О.Ю. Малинова эса, ўзининг “Инсон ҳуқуқлари авлодлари: ҳуқуқий ғоя ва ҳуқуқий институтлар ривожининг асосий босқичлари” номли ўқув қўлланмасида “келгусида бешинчи ёки олтинчи авлод ҳуқуқларининг пайдо бўлиши”ни кўзда тутди³. У буни химоя талаб ҳуқуқлар корпусининг иложсиз кенгайиши билан асослайди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари масаласининг тарихий ривожланиш босқичлари, ҳозирги ХХI асрда мавжуд бўлган жуда катта миқдордаги инсон ҳуқуқларига онд халқаро ҳужжатлар базаси ва миллий қонунчиликни шакллантирди. Демак, “Инсон ҳуқуқлари” фани фан сифатида яқинда пайдо бўлган бўлса-да, ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи қадимдан ғоялар ва қарашлар қураши даври ҳисобланиб, ўзининг чуқур тарихий илдиэларига эгадир. Шунинг учун ҳам, ушбу фанни ўрганишда, унинг тарихий келиб чиқиш шарт-шароитлари билан биргаликда ўрганиш инсон ҳуқуқлари ҳар бир категориясининг туб моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам беради.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанининг шаклланиши ва ривожланишининг давларга бўлинишини изоҳлаб беринг.*
- 2. Инсон ҳуқуқларига онд ғоялар тарихий ривожининг асосий йўналишларини кўрсатиб беринг.*

¹ Рудинский Ф.М. Гражданские права человека: общетеоретические вопросы // Право и жизнь. 2000. № 31.

² Венгеров А.Б. Теория государства и права: Учебник. М., 2004.

³ Поколения прав человека: основные этапы развития правовой идеи и правового института: Учебное пособие // Институт Уполномоченного по правам человека в субъекте РФ /Под ред. А.Ю. Сунгурова. СПб., 2003. С. 80- 91.

3. Қадимги Греция ва Рим мутафаккирларининг инсон ҳуқуқлари-га оид ғоялар ривожланишига қўшган ҳиссасини тушунтириб беринг.

4. Римнинг табиий ҳуқуқ (*ius naturae, ius naturale*), халқлар ҳуқуқи (*ius gentium*) ва цивил ҳуқуқи (*ius civile*)нинг мазмуни ва уларнинг фарқларини қиёслаб беринг.

5. Ўрта асрларда Европада насронийлик дини илоҳиётчиларининг инсон ҳуқуқлари борасидаги ғоялари ва қарашларини шарҳлаб беринг.

6. Ўрта асрлардаги инсон ҳуқуқларига оид дастлабки қонунлар ва уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

7. Уйғониш даврида инсон ҳуқуқларининг ривожланишига катта ҳисса қўшган мутафаккирлар асарларида кўтарилган ғояларнинг моҳиятини қандай тушунасиз?

8. "Инсон ҳуқуқлари авлодлари" тушунчасига таъриф беринг.

9. Англия "Habeas Corpus Act"и, Француз "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси" ва АКШ Конституциясига қўшимча "Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл"нинг мазмуни ва уларнинг инсон ҳуқуқларига оид ҳозирги замон ҳуқуқий нормаларининг шаклланишида тутган ўрнини тушунтириб беринг.

10. Инсон ҳуқуқларининг иккинчи ва учинчи авлод ҳуқуқларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Билль о правах (десять поправок к Конституции США приняты в 1791 г. в целях обеспечения прав граждан и штатов)//Права человека: Основополагающие принципы. – Вена, 1997.

2. Глушкова С.И. Права человека в России: теория, история, практика. Учебное пособие. – М.: Права человека, 2003.

3. История политических учений/Под ред. О.В. Мартышина. – М.: 1996. Вып.2.

4. История политических и правовых учений: Учебник/Под ред. О.Э. Лейста. – М.: 1997.

5. Нерсесянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. /Масъул муҳаррир А. Саидов. – Т.: Адолат, 2003.

6. Общая теория права и государства: Учебник (Под. ред. В.В. Лазарева. – М.: Юрист, 1994.

7. Саидов А.Х. Права человека. Учебник-хрестоматия. – Т.: УМЭД, 2001.

8. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Т.: “Konsauditinform-Nashr”, 2006.

9. Гафуров А., Муминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. Т.: Юристлар малакасини ошириш маркази, 2012.

10. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. – Т.: ИИВ Академияси, 2012.

3-маву. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари

1. Қадимги Шарқда инсон ҳуқуқлари.
2. Шарқ мутафаккирлари инсон ҳуқуқлари тўғрисида.
3. Ислом таълимотларида инсон ҳуқуқлари ғояси.

1. Қадимги Шарқда инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари масаласи тўғрисида баҳс кетганда, унинг бешиги каерда, инсон ҳуқуқларига оид ғоялар каерда кенг ривожланган, бугунги кунда инсон ҳуқуқлари масаласига ким кўп ҳисса қўшмоқда, деган саволлар ва баҳслар бу соҳадаги ғарблик ва шарқлик олимлар ўртасидаги кизгин тортишувларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, бу соҳадаги, яъни инсон ҳуқуқларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши бўйича европацентрик (яъни, бу соҳада Европа дастлаб марказ бўлган ва у ердан тарқалган) ва осиецентрик (яъни, бу соҳадаги ғоялар Осиёда дастлаб пайдо бўлган ва бу ғояларнинг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган) қарашлар ўртасидаги ўзаро илмий баҳс-мунозаралар ҳали-ҳамон давом этиб келади. Шу мақсадда, олдинги мавзуда инсон ҳуқуқларига оид ғарб дунёси томонидан эришилган ютуқлар ва уларнинг ҳиссасига тўхталиб ўтган бўлсак, ушбу мавзуда эътиборингизни шарқнинг бу борадаги ролига жалб этамиз. Бундай таққослашдан мақсад, инсон ҳуқуқларига оид ғарбона ва шарқона тушунчаларни қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларни ўзаро қиёсий таққослаш ва ўзаро боғлиқликда ўрганишдан иборат, холос.

Юнон-Македония, Рим, Византия ва Усмон империяларида европаликлар ҳам, осиелик ва африкаликлар ҳам яшагани боис, улар ўртасида маданий алмашинув жараёни узлуксиз кечган. Чунончи, “ғарбий” Рим ҳуқуқи “шарқий” яҳудийлар ҳуқуқига, қолаверса, “ғарбий” насронийлар ҳуқуқига таъсир этган, ана шу насроний ҳуқуқ эса, мустамлака босқинлари даврида кўнгина “шарқий” ҳуқуқий анъаналарга ўз таъсирини ўтказган. Шу сабабли ҳам, инсон ҳуқуқлари Шарқда қандай шаклланганлигини таҳлил этмай туриб, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг келгуси ривожини англаб олиш кийин!

Зардуштийлик динида инсон ҳуқуқлари. Қадимги Шарқда инсон ҳуқуқлари тўғрисида фикр юритилганда, биринчи ўринда зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”га тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Инсон ҳуқуқлари муаммолари Марказий Осиёнинг фал-

1 Батафсил қараи: Саидов А.Х., Жузжоний А.Ш. Шарқ цивилизацияси: Инсон ва ҳуқуқ. Т. 1. Адолат, 2005.

сафий ва җаҳимоний-сисий таълимотларида уш аксини топиди. Бунга кадимги ва ўрта асрлардаги Марказий Осиёнинг диний-фалсафий ва ҳукукий тизимларининг таҳлили гувоҳлик бермоқда, ҳусусан, э.а. VIII асрда пайдо бўлган зардуштийлик динини мисол қилиб олишимиз мумкин. Бизга маълумки, бу дин фалсафасининг марказида яхшилик худоси Ахурамазда ва ёмонлик худоси Ахриман ўртасидаги кураш ётади.

Зардуштийликда марказий ўринлардан бирини қонун, шартнома ва танлаш категориялари эгаллайди. Зардуштийликнинг муқаддас китобининг учдан бир қисмини қонунлар ташкил этиб, уларнинг мақсади муқаммал, барча муносабатларда уйғунлашган, гуллаб-яшнайдиган жамиятни қуришдир.

Шартномага ишонч алоҳида қадрият ҳисобланган (шартнома, оғзаки ва ёзма бўлган). Шунинг учун ҳам, зардуштийликдаги асосий ҳудодлардан бири Митра шартнома худоси бўлганлиги бежиз эмас.

Шартнома бошқалар ҳаётига ва мулкига ҳурмат тамойилларига риоя этиш тушунчаси асосига қурилган бўлиб, у “Авесто”да марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Табиийки, фозил ҳукмдор нафакат қонунга амал қилиши, балки шу билан бирга, зўравонликка ҳам йўл қўймаслиги керак.

Зардуштийлик исломга қадар бўлган ўз ривожининг неча минг йиллик даврида ўзига хос диний-фалсафий тизим сифатида шаклланди ҳамда Марказий Осиё ва Эрон халқларининг аксарияти учун ҳуқуқнинг универсал манбаи сифатида хизмат қилиб келди. Ҳуқуқшунос Н. Сафо-Исфиҳонийнинг таъкидлашича, “қонун тушунчаси зардуштийликнинг илк босқичлариданок унинг муҳим таркибий қисми бўлган. Зардуштийликка хос муқаддас китобнинг учдан бир қисми турли босқич ва соҳадаги қонунга тааллуқли эди”, зардуштларнинг “амалий қонунлар”ни ўзида мужассам этган муқаддас китоби “Авесто”нинг мақсади эса, “ҳар жиҳатдан ва ҳамма муносабатларда уйғунликка эришиладиган, уюшган, гуллаб-яшнаётган жамият барпо этиш”¹дан иборат бўлган. Зардуштийлик ҳуқуқининг диний хусусиятига қарамай, этник мансублиги, дини, ёши, жинси ва қайси табақага мансублигидан қатъи назар, шахс ҳуқуқлари унда Рим ҳуқуқидан кам бўлмаган даражада шаклланган ва қарор тошган. Шу боис, тадқиқотчилар зардуштийлик қонунлари “одамларнинг хоҳиш-иродаси эркинлигига эътибор беради”², деб таъкидлашлари бежиз эмас.

1 Safa-Isfahani N. Rivayati-i Hemat-i Asawahistan: A Study in Zoroastrian Law (Harvard Iranian Ser). Cambridge. 1980. Vol. 2. P. 1.

2 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. Конаудитинформ-Нашр, 2006. Б.36.

Хукукшунос олим А.Г. Периханян зардуштийлик ҳукукида “хотинкизлар эмансипациясининг айрим унсурлари”¹ намоён бўлганлигига эътиборни қаратади. Аёл киши шахсий мулк ҳукукига эга бўлиб, уни хайрия мақсадларида мустақил тарзда ишлатиши, шунингдек, мустақил тарзда даъвогарлик қилиши ва гувоҳлик кўрсатмалари бериши мумкин бўлган. Зардуштийлик ҳукукида никоҳ, аҳдлашувчи томонлар – никоҳланувчиларни икки тарафлама танловининг самараси, деб ҳисобланган ва фақат шундан кейингина ота-оналар ва васийлар томонидан тасдиқланган² (шу билан бир қаторда, бу нарса ҳозирги кунда бўлганидек, ота-оналар ва васийлар томонидан мажбурлов ҳоллари бўлишини истисно этмаган). Никоҳ шартномалари муайян муддатга, одатда, ўн йил муддатга тузилган, ана шу муддат тугаганидан кейин ҳар икки томоннинг азму қарори билан никоҳ янгидан тузилган. Оила моногам, яъни бир никоҳли асосда қурилган. Тўғри, эр ўз хотинини унинг розилигисиз бошқа эракка муваққат никоҳга беришига йўл қўйилган, лекин бунда у хотини ана шу муваққат никоҳдан орттирган болаларни ҳам ўзининг қонуний болалари ва ворислари деб эътироф этиши шарт бўлган³. Бу ҳол, табиийки, эр киши учун жиддий тушов бўлиб хизмат қилган.

Аёлларнинг ҳукуки, эр судда хотинини ўзига бўйсунмаганликда, итоатсизликда айблаган тақдирда ҳам, инobatга олинаверган. Шунини таъкидлаш жоизки, ўша даврдаги бошқа диний тизимларда бўлгани каби, зардуштийликда ҳам хотиннинг итоатсизлиги, бўйсунмаганлиги энг оғир гуноҳлардан бири, деб ҳисобланган. “*Эрининг измига юрмайдиган, унинг буйруғини бажармайдиган аёлни хотин деб ҳисобламаслик керак*” – дейилади ўрта асрларда ёзиб қолдирилган форсий насиҳатлардан бирида⁴. Шунга қарамай, бундай қилмиш уч марта содир этилиб, суд тартибида оммага эълон қилинган тақдирдагина, эр “Итоатсизлик, бўйсунмаслик тўғрисидаги расмий ҳужжат”ни олар ва шундан кейингина хотинига нисбатан даъво қўзғатиши мумкин бўлган. Аммо ана шундай бўлган тақдирда ҳам, аёл

1 Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983. – С. 87

2 Ганбаров С.Г. Политические и правовые идеи в Авесте: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Баку, 1992. С. 12.

3 Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М., 1983. – С. 87-88.

4 Изведать дороги и пути праведных: Пеклевийские назидательные тексты / Введение, транскрипция текстов, перевод, комментарий, глоссарий и указатели О.М. Чунаковой. М.: 1991. С. 84.

киши ўзига қўйилаётган айбловни омма олдида рад этиш ва ўзининг айбсизлигини исботлаш ҳукукини сақлаб қолган. Акс ҳолда у ўзига тегишли бор мол-мулк эрининг фойдасига ўтиб кетишига қарши ҳеч нарса қила олмаган¹.

“Авесто”, – дейди С.Г. Ганбаров, – *тузилган ва ҳали дунёга келмаган болаларнинг ҳуқуқларини қатъий муҳофаза этган*”². Вояга етмаган болаларни ота-онасидан олиб кетиб қолиш, уларни васийликсиз қолдиришга оғир жиноят сифатида қараган³. Болаларни гўдаклигиданок ўқитиш, илмли қилиш тавсия этилган. “Агар ўғлинг бўлса, – дейилади “Адурбаднинг ўғитлари”да, – *уни болалигиданок мактабга бер, зотан, билим кўз нуридир*”⁴.

Гарчи, ўша даврдаги бошқа динларда бўлгани каби, зардуштийликда ҳам қулдорлик қораланмаган бўлса-да, зардуштийлик ҳуқуқига қўра, қул муайян ҳуқуқларга эга бўлган. Айрим ҳолларда у ўз хўжайинига қарши даъво қўзғатиши мумкин бўлган. Ана шундай ҳоллардан бири зардуштийликнинг “Тақдир” китобида эслатиб ўтилган⁵.

Умуман олганда, зардуштийлик ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилишдан ташқари, жамият ҳаётининг ҳуқуқ билан боғлиқ барча соҳаларини ўзида тўлиқ жамлашга интилган. Зардуштийлик динининг ана шу хусусияти уңи яҳудийлик (иудаизм) ва насронийлик билан бир қаторга олиб чиққан. Шу боис, ўз ҳуқуқий тизимини яратиш у ёқда турсин, ҳуқуқий муносабатларга киришишдан умуман ўзини четга оладиган мажусийлар – гностиклар, буддапарастлар ва манихейлардан фарқлаш учун зардуштийлар, яҳудийлар ва насронийларни мусулмон илоҳиётчилари “қонун кишилари” (афтидан “ўз қонунлари бор кишилар”) деб ҳисоблашлари бежиз эмас. Гностиклар, буддапарастлар ва манихейлар ўз ҳуқуқий тизимларини яратишга интилмаслик билан биргаликда, умуман, ҳуқуқий муносабатларга киришишдан ўзларини олиб қочганлар, буни фақат зарурат бўлган ҳоллардагина бажарганлар⁶.

1 Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М.:1983. – С. 88.

2 Ганбаров С.Г. Политические и правовые идеи в Авесте: Автореф.дисс. канд.юр.наук. – Баку, 1992. – С. 12–13.

3 Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М.: 1983. – С. 248.

4 Изведать дороги и пути праведных: пехлевийские назидательные тексты /Введение, транскрипция текстов, перевод, комментарий, глоссарий и указатели О.М. Чундаковой. – М.: 1991. – С. 78.

5 Периханян А.Г. Общество и право в Иране в парфянский и сасанидский периоды. – М.,1983. – С. 37.

6 Саидов А.Х., Жужоний А.Ш. Шарқ цивилизацияси: Инсон ва ҳуқуқ. – Т. Адолат, 2005. – Б. 31.

2. Шарқ мутафаккирлари инсон ҳуқуқлари тўғрисида

Буюк алломалар Форобий, Ибн Сино, Берунийлар ҳам инсон ҳуқуқлари масаласини четлаб ўтмаганлар. Сомонийлар даврида амалда бўлган тартиб-қоидалар ва ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий тузуми бу мутафаккирларнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатган. Улар ўз асарларида бу даврга баҳо бериш билан бирга, қимматли ғояларни илгари сурганлар, инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида ҳам ўз фикрларини ёзиб қолдирганлар.

Инсон ҳуқуқлари ғояси диний ва ҳуқуқий асарлардагина эмас, фалсафий тафаккурнинг энг сара медаларида ҳам ўз аксини топган. Марказий Осиёнинг энг йирик мутафаккирларидан бири **Абу Наср Форобий** (873-950) ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” деган асарининг “Фозиллар шаҳри ҳокимининг фазилатлари” бўлимида “Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Фозиллар шаҳри ҳокими, аввало, тўрт мучаси соғлом бўлиб, ўзига юқланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим. Иккинчидан, бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши ва шу соҳадаги умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. Учинчидан, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги зарур. Тўртинчидан, у техник ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинамас аломатларини ва аломатлар нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур. Бешинчидан, у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур. Олтинчидан, у (устозлардан) таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур. Еттинчидан, таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладиган бўлиши, (кимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур. Саккизинчидан, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур. Тўққизинчидан, у ўз кадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашлардан юкори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиш ва улуғ, олий ишларга интилиши зарур. Ўнинчидан, бу дунё молларига, динор ва дирҳамларга

қизикмайдиған (мол-дунс кетидан қувмайдиған) булиши зарур. Ғн биринчидан, табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам хақиқат қилувчи, барчани адолатга чакирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзаллиқларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи, ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур. Ўн иккинчидан, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоклик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур”¹.

Форобий тақлиф этаётган ушбу ўн иккита ҳислат бир одамда жамланиши қийин ва камдан-кам учрайдиған ҳолат бўлгани учун ҳам, унинг китобида бундай ҳислатларнинг тўлиқ барчасига эга бўлмаган бўлса ҳам, *унда юқоридаги фазилатлардан олтигаси ёки бештаси камол топганида ҳам, у ақл ва заковатда беназирлиги тўфайли фозиллар шахрига раҳбарлик қила олади*”², деб кўрсатилади.

Улуғ олим ўз фикрини янада ривожлантириб, аввалги фозил ҳоким ўрнига келиши мумкин бўлган ҳоким (имом)да қуйидаги олти фазилат бўлиши лозимлигини таъкидлайди:

“Биринчи – донишмандлик.

Иккинчи – аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирасида яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиш учун қувван ҳофизага эга бўлиш.

Учинчи – агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш.

Тўртинчи – ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиған, аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратгўйлик ҳислатига эга бўлиш. Бу ҳислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади.

Бешинчи – аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгилардан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун қизгин сўзлаш – нотиклик ҳислатига эга бўлиши.

Олтинчи – зарур ҳолларда ҳарб ишларига моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш; ҳам жанг қилишни,

1 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр.. 1993. – Б. 159–160.

2 Ўша жойда. – Б. 160.

ҳам саркарда сифатида жангу жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш”¹.

Форобий ўзининг фозил инсон тўғрисидаги таълимотини ривожлантира борар экан, мамлакатни жамоавий бошқариш масаласини ҳам илгари суради. Яъни, қайд этилган хислатлар бир кишида эмас, бир неча кишида мавжуд бўлган тақдирда, жамоавий бошқарув мақсадга мувофиқ, деган фикрни билдиради: *“Мабодо шу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, лекин икки киши биргалашиб, шу хислатларга эга бўлишса (яъни, бири – донишманд, иккинчиси – қолган хислатлар соҳиби бўлса) шу икковини фозиллар шахрига раҳбарликка қўйиш зарур. Мабодо, бир гуруҳ одамлар биргаликда ана шундай хислатларга эга бўлишса (яъни, бирида бу, иккинчисида у, учинчисида яна бошқа хислатлар бўлса), ана шу фозиллар гуруҳини юрт раҳбарлигига қўйиш зарур. Шу гуруҳ аъзолари биргалашиб, ўзаро келишиб ҳаракат қилса, ҳар бири фозил ҳоким бўлиши мумкин. Мабодо, бирор замонда фозиллар шахрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур хислатлар бўлса-ю, аммо донишмандлик бўлмаса, фозиллар шахри яши ҳокимсиз қолади, бунда шаҳар ҳалокатга юз тутади”*²

Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий мероси жуда бой бўлиб, у ўзининг бир катор асарларини муҳим ижтимоий масалаларга бағишлаган. Мутафаккирнинг ҷамият, давлат, ҳуқуқ, сиёсат, адолат ҳақидаги ғоялари ва қарашлари унинг “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”, “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб”, “Ҷамиятни ўрганиш ҳақидаги китоб”, “Давлат арбобининг ҳикматлари”, “Илмларни таснифлаш ва улар тартиби ҳақида китоб”, “Фозил шаҳар аҳолисининг маслағи ҳақида китоб”, “Фозил, жоҳил, фосиқ, ўзгартирилган ва адашганлар шаҳарлари ҳақида китоб”, “Шаҳарлар хусусида сиёсат юритиш”, “Сиёсат ҳақида тўпламларнинг қисқача китоби” каби асарларида ўзининг чуқур ифодасини топган. “Илмларни таснифлаш ва улар тартиби ҳақида китоб”нинг шаҳарга тааллуқли фан (ёки шаҳарни бошқариш ҳақидаги, яъни сиёсий ёки сиёсат ҳақидаги фан), ҳуқуқшунослик ва калом (ислом ақидалари)га бағишланган “Илми маданият” номли V бўлимида ахлоқ, тарбия ва давлат бошқаруви масалалари баён этилган.

Абу Наср Форобий кўпинча сиёсат фани тўғрисида эмас, балки олий ҳокимиятни бошқариш санъати (қадимги юнонлар сиёсат – “по-

1 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр. 1993. Б. 160-161.

2 Ўша жойда.

лирика, дасанда, давлатни – полисни бошқариш санъатини тушунганлар ҳақида гапиради, зеро, унинг фикрича, олий ҳокимият, олий ҳукмдор давлатнинг ижодкори бўлиб, унинг фаолиятини йўналтириб туради. Шу боис, у кўпроқ давлатни бошқаришнинг умумий (универсал) қонунларини ишлаб чиқадиган сиёсат ҳақидаги фан тўғрисида эмас, балки давлат арбоби олдида турган мақсадни ҳаётга жорий этишда ва бахтга эришиш учун шароит яратишда ифодаланувчи “давлатни бошқариш санъати”, “бошқарув санъати” ҳақида ёзади.

Абу Наср Форобий ўзининг сиёсий идеалидан келиб чиқиб, ушбу фикрга аниқлик киритади. У бошқарув санъатини ҳар бир киши ва ижтимоий гуруҳнинг ўз табиий мақсадига мос тарзда, уйғун ривожланиши учун шароит яратишдан иборат, деб ҳисоблайди. Арасту, кишилар бирлигининг энг олий шакли – фуқаролардан иборат полис (шаҳар), деб ҳисоблаган. Арастудан бошқача шароитларда, яъни ўрта асрлардаги “космополитик” тафаккур шароитида яшаган Абу Наср Форобий кишилар бирлигининг анча юксак шакллари – халқ, инсоният ҳақида ёзган ва давлат бошқарувининг шаклини фуқаролардан мустақил, олий ва суверен, деб тасаввур қилган.

Абу Наср Форобий сиёсат ҳақидаги фанда иккита асосий сиёсий мақсадни кўяди: биринчиси – идеал ҳукмдорга эга бўлган фозил давлат қуриш; иккинчиси барча халқлар ва барча замонлар учун ярайдиган ижтимоий тузум яратиш. Бу уни Афлотун билан яқинлаштиради, унинг сиёсий ғояларига мавҳум, ҳаёлий тус беради. Абу Наср Форобий таснифида ижтимоий фанларнинг таркибий қисмини ҳуқуқшунослик ва ақидавий илоҳиёт ташкил этади. Ҳ асрда ислом ҳуқуқи тарихи, мусулмон олимларининг фикрича, ўзининг энг муҳим “чегара устуни”ни ўрнатди: Куръон ва ҳадисларни талқин этиш асосида мустақил ва ҳадсиз ҳуқуқ ижодкорлиги даврига чек қўйилди; ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги эски манбалар энг тўғри қонун даражасига кўтарилди. Фикҳни Абу Наср Форобий икки қисмга бўлади: *биринчидан*, барча масалалар бўйича ҳуқуқ ижодкорлиги эркинлигини тан оладиган ва асослайдиган фикҳ; *иккинчидан*, ислом динининг асосчиси тасдиқлаган қарашлар ва хатти-ҳаракатларга риоя қиладиган ва уларни ҳуқуқ ижодкорлигининг асоси деб қабул қиладиган ақидавий илоҳиёт. Унинг фикрича, ушбу қисмларнинг иккаласи биргаликда ислом ҳуқуқини ташкил этади.

Форобий асарлари XII асрда Толедо таржимонлик мактабида ва Испаниянинг бошқа шаҳарларида XII–XIV асрларда лотин ва яҳудий тилларига ўгирилган. Олимнинг илмлар таснифи ҳақидаги рисола

XII асрдаёқ лотин тилига икки маротаба таржима қилинган, кейинчалик эса, бир неча бор кўчириб тарқатилган. Бу даврда Абу Насрнинг “Ақлининг мазмуни”, “Бахт-саодатга эришиш ҳақида рисола”, “Масалалар манбаи”, “Исбот китоби” каби бир қатор асарлари лотин ҳамда яҳудий тилларига таржима қилинган. Толедода канцлер Раймундо тўплаган Херардо, Доминик Гундесалинус, севильялик Хуан, олмониялик Херман кабилар Абу Наср асарларининг таржимонлари бўлганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий мероси жуда бой бўлиб, у ўзининг бир қатор асарларини муҳим ижтимоий масалаларга бағишлаган. Хусусан, алломанинг табақаларга бўлиш ва диний мутаассиблик ҳукмрон бўлган даврда сиёсат ҳақидаги фаннинг вазифасига идеал жамият ва давлатни ўрганишни киритиши, шубҳасиз, тараққийпарвар ва жасоратли қадам бўлган. Унинг фан олдига муайян нарсалар билан белгиланган умумий қонунларни ўрганиш ва аниқлаш вазифасини қўйиши жуда муҳим янгилик эди.

Абу Наср Форобийнинг ўз даврининг вакили сифатида бошқарувнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтувчи монархия ҳокимияти шаклини тан олганлиги, аммо унинг подшо маърифатли ва қомил инсон бўлиши керак, деган фикри ушбу қонданинг амал қилишини торайтирадиган фикрдир.

Форобий асарлари Шарқнинг бошқа алломалари, айниқса, Ибн Сино, Ибн Рўшд асарлари билан бир қаторда, ўрта асрлар Европасида кескин тус олган мафкуравий курашда ҳар иккала томон вакиллари учун ғоявий қурол бўлиб хизмат қилган. Шу боис, алломанинг таълимотини ўрганиш, бебаҳо ғояларини тўғри тушуниш, асарларида белгиланган мақсад-муддаосини англаш учун мазкур манбаларни яхши билиш, ёдда тутиш ва Абу Наср Форобий ижоди билан танишиш жараёнида уларни инобатга олиш лозим¹.

Шарқ ренессансининг яна бир йирик намояндаси **Абу Али ибн Сино** ҳам ўз асарларида адолат, инсонпарварлик тушунчаларига кенг тўхталиб ўтар экан, бундай масалаларга бағишланган фанлар таснифни бериб, фалсафани икки қисмга, яъни: назарий ва амалий қисмларга ажратади. Ўз навбатида, фалсафанинг амалий қисмини учга бўлиб, шулардан иккитасида, хусусан: а) инсон ҳақидаги илм ва б) инсонларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илм қисмларида инсон тўғрисидаги илм-

¹ Қаранг: Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақоалар тўплами. Мисъул муҳаррир проф. У. Талджиханов. Т. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. Б. 78-84.

лар ҳақида сўз юритади. “Рисолату тадбири манзил” асарида Ибн Сино инсоннинг шахсий талаб-эҳтиёжлари, уларни кондириш усуллари, инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари билан боғлиқ масалалар тўғрисида фикр юритади. У инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қиладиган қонунлар зарурлигини ва қонуншунослар уларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беришлари лозимлигини айтади.

Ибн Сино жамиятдаги тенгсизлик ва адолатсизликларни қоралайди, норозилик билдиради. У ҳукмдорлар, амиру бекларни инсоф ва адолатга чақирар экан, биринчи ўринга инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўяди. Аллоҳ олдида барчанинг тенг эканлигини таъкидлаб, у ҳар қандай жамият, давлат адолатни ҳимоя этувчи ҳуқуқий қонунлар асосида идора этилишини талаб қилади.

У “Ишорат ва танбихат” асарида инсоннинг шахсий талаблари орасида унинг меҳнат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш, шахсий дахлсизлиги, диний эътиқоди сингари ҳуқуқлари тўғрисидаги фикрларни баён қилган¹.

Абу Райҳон Берунийнинг инсонпарварлик ва адолатлилик тўғрисидаги ғоялари. Берунийда халқпарварлик, ватанпарварлик, изчил инсонийлик, ҳақиқий илмий қараш ва хулосалаш узвий равишда чамбарчас боғлиқ. Бу унинг олийжаноб хислати ва фазилатидир.

Беруний “Минералогия” асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ахволи, унинг ердаги бурчи, олижаноблиги, шунингдек, жамиятнинг пайдо бўлиши, тилларни ўрганишнинг муҳимлиги, иқтисод, ахлоқ ва одоб тўғрисида қимматли фикрларни баён этган. У ушбу асарида ижтимоий адолат тўғрисида фикр юритади. *“Мағрибнинг узоқ ўлкаларининг бирида яшайдиганлар ҳақида ҳикоя қилишларича, у ерларда ўлкани идора қилиш аъёнлар ва ер эгалари ўртасида навбатма-навбат бир-бирига ўтиб турармиш, кимга навбат келса, ўша уч ой ҳукм юритармиш. Мўддати тугаши билан ўз-ўзидан ўлкани идора қилиш амалидан тўшиб, миннатдорчилик учун садақа берар ва ўз аҳли орасига қайтар, бу билан у гўё кишандан бўшагандай хурсанд бўлар ва ўз иши билан банд бўлар эмиш. Бу шунинг учунки, идора қилиш ва бошқариш роҳатдан маҳрум бўлиш, деган сўздир. Бунда у ўша жойдаги эзувчиларни эзилувчиларга нисбатан адолатли қиламан, деб ҳолдан тойган бўлади. Бу деган сўз, уларни қўриқлаш (у ер эгаларини) ... мол-мулки, ҳаётини ҳимоя қиламан, деб тинкасини қуритиш деганидир”².*

¹ Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. /Х.Бобоев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон., 1997. – Б. 42.

² Бируни. Минералогия. – М.: 1963. – С. 30.

“Одамлардан, – деб ўз сўзини давом эттиради Беруний, – у (ҳоким) учун йиғиладиган тўлов пуллари ҳам маҳалла қоровулига бериладиган ҳақ мисолидир, бу худди йўловчилар карвонбоши бўлган кишининг маҳорати ва даражасининг қадрига яраша унга ўзаро пул йиғиб беришига ўхшашдир. Унинг вақти ўтиши билан буларнинг ҳаммаси тугайди. Ҳар бир замоннинг ўзига хос одатлари бор. Ўз аҳли орасида буларга риоя қилиш керак, акс ҳолда низом ва бир хиллик йўқолса, тартиб ҳам йўқ бўлади”¹.

Ушбу парчадан маълум бўлишича, Берунийнинг мамлакатни демократик усулда идора қилиш тушунчаси қадимги даврдаги Афина, Ўрта Осиё ва Шимолий Италия шаҳарларида кўринган давлат тузилишини ўрганиш туфайли ҳосил бўлган, деса бўлади².

Ижтимоий тенгсизлик ғояси Беруний қарашларида инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ғояси билан боғлиқ равишда асослаб берилади. Бунда инсоннинг шахсий ҳуқуқ-эркинликларга эга эканлигидан унинг жамият ҳаётининг иктисодий-сиёсий ва маданий соҳаларида тенг ҳуқуқлилик асосида фаолият кўрсатиши зарурлиги назарда тутилади.

Абу Райхон Берунийнинг ижтимоийлик, ахлоқ ва одобнинг асосий масалалари бўйича қарашлари инсонийлик туйғулари билан йўғрилган. У халқлар ўртасидаги дўстликни ёқлаб, ҳукмдорларнинг ўзаро урушларига қарши чиқади. Унинг ижтимоий қарашлари марказида инсон, инсоний жамият туради.

Берунийнинг “Оқ кийимликлар” ва карматлар ҳақида хикоялар”и, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Геодезия” китобига сўз боши, “Минералогия” китобига кириш сўзи, “Ҳиндистон” каби асарларидаги фалсафий қарашлари инсон ва унинг жамиятдаги роли, меҳнати, касби, билими, ижтимоий ривожланиши каби масалаларга қаратилгандир.

Беруний халқлар орасидаги дўстликни таърифлаб, бу дўстликка раҳна солувчи миллий ва ирқий чекланишларни танқид қилади. У подшоҳларнинг босиб олган мамлакатлар маданиятини топтаганликларига далиллар келтиради. Масалан, Доро ибн Доро хазинасида “Авесто” китобининг 12 мингта қорамол терисига тилла билан битилган бир нусхасигина бор эди. Искандар уни куйдириб юбориши натижасида китобнинг 3/5 қисми бутунлай йўқ қилинган. Бу далил айрим шоҳларнинг

1 Бируни. Минералогия. М.: 1963. – С. 30.

2 Тўрақулов Э., Рахимов С. Абу Райхон Беруний: руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т. Ўқитувчи, 1992. Б. 16.

инсон меҳнатига ва илм аҳлинини ижодига сувзона муносабатини тасдиқлайди¹.

Амир Темурнинг “Темур тузуклари” да адолат тўғрисида фикр юритилиши. Буюк бобокалонимиз Амир Темур тарих саҳифаларида, нафақат жангу жадаллар орқали 20 дан ортиқ давлатларни бирлаштириб, буюк салтанат барпо этган улуғ саркарда сифатида, балки оқил ва адолатпарвар давлат бошлиғи сифатида ҳам ўчмас ном қолдирган. Унинг “Куч адолатдадир” деган бош ғояни илгари суришининг ўзи ҳам, Амир Темур биринчи галда адолатли бошқарувга асосланган давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб олганлигидан далолат беради. Амир Темур салтанатни идора қилиш тўғрисидаги тузугида айтадики, “Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим; саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим. Уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшларни ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим. Мазкур мамлакатларнинг сипохи учун даргоҳимга йўл бердим. Раиятини ўзимга қаратиб олдим. Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуклар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойик ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини ва шараф-эътиборли кишиларини ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму-ситама йўлини тўсдим”². У яна, “Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак”³, деб таъкидлайди.

“Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиғи билан иш тутсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар. Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар”⁴. Амир Темурнинг бундай адолатли, инсонпарвар сиёсат юритиши мамлакатнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам ижтимоий жиҳатдан кучайишига ва ўз даврининг энг қудратли салтанати даражасига кўтарилишига ёрдам берди.

1 Тўрақулов Э., Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний: руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т. Ўқитувчи, 1992. – Б. 78.

2 Темур тузуклари. /Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Караматов тарж.; Б. Аҳмедов таҳр. остида. – Т. Г. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996. – Б. 119.

3 Ўша жойда. – Б. 122.

4 Ўша жойда. – Б. 123.

Алишер Навоий асарларида одиллик хусусида фикр юритилиши. Буюк мутафаккир шоир ўзининг “Садди Искандарий” достонида, Искандар мисолида бир идеал шохни тасвирлаб, унинг тилидан ўз сиёсий ва ижтимоий ғояларини ифодалайди. Унингча, инсонлар ҳақ-ҳуқуқларини оёқ ости қилишга зулму ситам ва адолатсизлик сабаб бўлади. Искандар унинг шохлик вазифасини қабул қилишга розилик беришини сўраб келган халқ намояндаларига одил султон қуйидаги сифатларга эга бўлиши зарурлигини таъкидлайди. Биринчидан, давлат арбоблари томонидан раиятга зулму ситамнинг олдини олиш, иккинчидан, йўллар хавфсизлигини таъминлаб, қароқчилар гуруҳига барҳам бериш, учинчидан, ўғрилар ва улус мулкига кўз олайтирадиганларнинг дамини қонун-қондалар орқали тўсиш, тўртинчидан, яратгувчининг буйруғига биноан, ҳар доим миллат томонида бўлиб, уларни ҳимоя қилиш, бешинчидан, золимлар элгини халқ ёқасидан узиб, уларнинг осойишталигини таъминлаш¹

Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр” асарининг учинчи мақолатини султонларга ва улар гомонидан амалга оширилиши зарур бўлган адолат ва инсофга бағишлайди. У султонга хитоб айлаб, инсоний жиҳатдан у билан оддий фуқаролар орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини таъкидлайди. Ўша даврда инсонлар учун чин кўнгилдан қайғуриб, уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун иқтидорли шохларга қараб, “Эй, султон, сен ҳам оддий одамлар каби қора тупроқдан яратилгансан. Кўрмайсанми, баданингдаги барча аъзоларинг, суратинг ҳам ва моддий моҳиятинг ҳам, оддий инсонларникидан фарқи йўқ, шунинг учун ҳам инсон сифатида улар билан тенгсан ва улардан ҳеч қандай афзалликка эга эмассан”, деб, султонни адолат ва инсофга қорлайди. Алишер Навоий султонни шариат қонунларини татбиқ этиш орқали одамларга хизмат қилишга тарғиб этади. У, инсонларнинг ижтимоий ўрни, мансаб ва рутбасидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлишини истайди. Учунчи мақолатининг охириги қисмида султон Ҳусайн Бойқаро бир кампир аёлнинг даъвоси асосида, у билан судга бориб, қози ҳузурда тургани ҳақида ҳикоят қилади².

Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий Темурийлар даври фани ва маданиятининг йирик ва илғор вакиллари сифатида ўзлари қолдирган барҳаёт асарлар билан жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшиб ўтганлар.

1 Саидов А.Х., Жузжоний А.Ш. Шарқ цивилизацияси: Инсон ва ҳуқуқ. Т. Адолат. 2005. – Б. 195.
2 Ўша жойда. Б. 196.

Туркистонда жадидчилик. Шарк мутафаккирлари тўғрисида, уларнинг инсон ҳуқуқлари, демократия масалаларига оид ғоялари тўғрисида фикр юритганимизда жадидчиларнинг фаолиятига, уларнинг асарларида кўтарилган Туркистонда янгича бошқарув шакллари, демократик ислохотлар тўғрисидаги фикрларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир.

Жадидчилик маърифатпарварликдан қудратли сиёсий ҳаракатга қадар бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи, ўлқанинг жаҳоннинг тараккий этган мамлакатларидан иқтисодий жиҳатдан ортда қолиши, маданий қолоқлик, ижтимоий онгдаги турғунлик жадидларни жаҳон таракқиёти тажрибасини ўрганиш орқали, бундай мушкул вазиятдан қутулиш йўлларини излашга ундади. Вужудга келган муаммоларни ҳал этишдаги дастлабки йўл сифатида маърифатпарварлик ҳаракати юзага келди.

Туркистонни янги, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан кучли қилиш ва ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб олган жадидлар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистоннинг энг илғор қатлами эди. Улар ҳам Шарк, ҳам Ғарб маданияти ютуқларини эгаллашга интилдилар, ўқидилар ва ўзгаларни ҳам шунга даъват этдилар. Жадидлар хорижга чиқиб, турли мамлакатлардаги маданият ва таълим таракқиёти даражасини кўриш билан бирга, уларни таққослаш орқали жаҳон таракқиёти ютуқларини Туркистонга келтиришни ният қилган эдилар. Натижада жадидларнинг диққат марказида биринчи босқичда таълимни ислоҳ этиш вазифаси турарди. Улар бундай ислохотларни ўтказиш заруратини нафақат назарий жиҳатдан исботлаб бердилар, балки янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар, ўқув заллари очиб, дарсликлар ёзиб, ўз ғояларини амалга оширишга қатта куч сарфладилар.

Туркистон жадидларини бирлаштиришда “жадидларнинг раҳбари” деб тан олинган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг хизмати бекиёс бўлди. Жадидлар мафқурасида ҳозирги кунда жамиятни ташвишга солаётган:

- диннинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини тўғри тушуниш;
- бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш;
- тараккийпарвар демократик институтларни вужудга келтириш;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва муҳофаза этиш тизимини яратиш;
- ўлкада ўзига хос миллий ривожланишни шакллантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган муҳим шартлар эса, ислом тушунчасини янгилаш, уни мутаассибликдан тозалаш, фан ютуқлари ва илғор технологияни эгаллаш муаммоларини ҳал этишдан иборат эди. Бирок, бу ғоялардан жадидлар исломнинг бутун таълимотини қайта ёзишга интиланлар, деган хулосага келмаслик керак. Сабаби, улар ўз фаолиятларида Қуръонни ҳам ва умуман, бутун ислом таълимотини ҳам тўғри изоҳлаб беришга интиланлар.

Улар ўз асарларида (А. Фитратнинг “Ҳинд сайёҳи қиссаси”, М. Бехбудийнинг “Мухтасари тарихи ислом” каби асарлари) айрим рухонийларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом моҳиятини бузиб кўрсатганликларини танкид қиладилар ва диндан фойдаланилган сиёсий тадбирлар қанчалар оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатиб берадилар. Жадидлар исломнинг тараққийпарвар ролинини тушунтириш билан бир вақтда таълим, иқтисод, маданият ва умуман, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш заруратини тушунтиришга интиланлар. Қуръон ва унинг тафсирини жуда яхши билган Маҳмудхўжа Бехбудий ўз мақолаларидан бирида Қуръон оятлари ва ҳадислардан намуналар келтириш билан ислом халқ таълими ва барча фанларга, шу жумладан, тарих фанига қай даражада катта аҳамият берганлигини исботлаб берган. У ислом тарихини билмаслиги оқибатида, аксарият ҳолларда, ўнғайсиз вазиятга тушиб қоладиган дин пешволарини танкид қилади¹

Жадидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар, вужудга келаётган рус сиёсий партиялари дастурларини ўргандилар. Улар тинчлик йўли билан, жамоатчилик мурожаатлари асосида, Давлат Думасидаги оммавий баҳслар ва бошқа қонуний воситалар билан ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида подшо ҳокимиятининг ён беришига эришишга интилдилар.

Чоризм маъмурияти Давлат Думасида туркистонлик вакиллар бўлишини ман этган эди. Бу, бир томондан, ўлка халқининг ҳуқуқлари ва кадр-қимматини поймол қилиш бўлса, иккинчидан эса, уларнинг сиёсий онгининг ўсиши Россия империяси давлатчилигига хавф тугдирар эди. Ўша даврдаёқ жадидлар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 1906 йил 11 октябрда “Хуршид” рўзномасида чоп этилган мақоласида ўз аксини топган хулосага, яъни бирлашиб, ягона мусулмон партияси тузиш ва Бутун-россия мусулмонлари иттифоқи таркибига кириш зарурлиги ҳақидаги фикрга келдилар². Шу билан улар Россиядаги барча туркий халқлар

1 Бехбудий М. Тарих ва жуғрофия // Оина. – 1914. – № 27. Б. 502–505..

2 Бехбудий М. Хайр ул-умури авсағуҳо // Хуршид. 1906 йил 11 окт.

орвсидаги илғор кучларга таянишга интилдилар. Ушбу мақолада Бехбудий социал-демократлар партиясига нисбатан ўзининг салбий муносабатини билдиради. У бу партиянинг дастурини мусулмонларнинг ҳаётий нормаларига мувофиқ келмайдиган ҳаёлий бир нарса (утопия) деб ҳисоблаган.

Марказий Осиё жадидчилигига Туркия ва 1905–1911 йиллардаги Эрон инкилоблари сезиларли таъсир кўрсатди. Бу мамлакатлардаги зиёлиларнинг вакиллари монарх ҳокимиятининг конституциявий тарзда чекланиши ва миллий буржуазиянинг иқтисодий кудратини мустақкамлаш учун тегишли шарт-шароитлар яратишни ўз олдларига мақсад қилиб олган эди. Бирок, уларнинг тажрибалари Туркистон жадидлари томонидан механик тарзда кўчириб олинмади. Улар Шарк ва Европа мамлакатларининг мустамлакачиликка қарши кураш ҳамда демократик ҳаракат амалиётидан ўлка шароитларига мувофиқ келувчиларини танлаб олдилар, шаронгга тўғри келмайдиганларидан воз кечдилар ёки уларни ўзгартиришлар билан қабул қилдилар.

Россия февраль демократик инкилоби арафасида, Туркистон жадидчилиги етук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар, Биринчи жаҳон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, февраль инкилобидан кейин эса, Туркистон жадидларининг “тараккийпарварлар” оқимини ташкил қилган қисми янада кенг қамровли сиёсий талабларни илғари сурди. Бу талаблар қаторига маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтиришни кўзда тутувчи ўлкани бошқариш юзасидан ислохотлар ўтказиш, ўлкага Давлат Думасида аҳоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, қоризми конституциявий тузум билан алмаштириш каби масалалар кирган. Россиядаги Февраль демократик инкилоби Россияда янги давлат тузumi ўрнатилгандан сўнг федератив давлат шаклида мухторият олишга умид боғлаган жадидларни руҳлантириб юборди.

Айни пайтда миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар, жумладан, жадидлар томонидан “Шўрон Исломия”, “Иттифок” каби ташкилотлар тузилди. Улар ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олдилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-худудий мухторият олиши учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар. Жадидларнинг дастурий ҳужжатларидаги эътибор миллий-худудий мухториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари – Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича қонунлар чиқаришни амал

га ошириш учун чакирилган мустикал ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқарув ва суд механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди. Бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб олинди. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ва конституциявий жиҳатдан қафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш устувор мақсад килиб белгиланди. Туркистон жадидлари давлат мустикаллиги ҳақидаги ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этишни мамлакатдаги турли ижтимоий кучлар ўртасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирилган Россия Таъсис мажлисини чакириш билан боғлаганликлари ҳам диққатга сазовор.

Жадидлар таълимоти ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди. Чунки, у нафақат тараккийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, шунингдек, барча тараккийпарвар зиёлиларни ҳам ўз ортидан эргаштира олди. Уларнинг фаолияти ва дастури келажак учун намуна бўлди. Жадидлар томонидан жамиятда пишиб етилган ижтимоий вазифаларни тадрижий (эволюцион) ислохотчилик тамойиллари асосида ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилганлиги, уларда формациявий-институциявий ўзгартиришларни, мустамлака тузумини тубдан йўқотишнинг самарали йўллари билганликлари, шубҳасиз, уларнинг тарихий хизматларидир. Жадидларнинг ғоялари ҳозирги ўзгаришларнинг маънавий даракчиси, бугунги кундаги стратегия ва кенг камровли ислохотлар курсининг генетик асоси бўлиб хизмат килди. “Тарихдан яхши маълумки, – деб ёзди Бехбудий, – ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар миллат ва мамлакат халки ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифок ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм, таҳдид килмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид килмокка асло фикр ва ниятимиз йўк”¹

Ўтмишга назар солиб, уни ўрганиб, ўз даврини таҳлил килган жадидлар ўз Ватани келажагининг лойиҳасини туза билдилар, унинг ривожланиш йўллари режалаштирдилар. Уларнинг деярли барчаси олий диний таълим олганлари, Жомий, Навоий, Фузулий шеърляти, кадимги Шарк мутафаккирларининг фалсафий асарлари руҳида тарбияланганлари ҳолда, ўз билимларини чет эл маданияти, жумладан, ҳам Шарк, ҳам Ғарб маданияти ютуқлари билан бойитдилар².

1 Бехбудий М. Баёни ҳақиқат. Улуг Туркистон. 1917 йил 12 июнь.

2 Жадидларнинг аксарияти ўз билимларини чет элларда давом эттирдилар. Масалан, Исҳоқхон Ибраҳимов, Истанбул, София, Афина, Римда ишлаб, ўқиган. Хиндистонда ҳам узок вақт яшаган. У француз, инглиз, урду, форс, иврит, араб ва бошқа яна бир катор тилларни ўрганган.

Жадидлар Туркистоннинг сиёсий ҳолатини қандай баҳолаганлар? Масалан, Бехбудий ўз халқининг тараққиётини нафақат маърифат билан, балки сиёсий ўзгаришлар билан ҳам боғлаш зарурлигини уқтиради.

Бехбудий бошқа кўплаб жадидлар каби мустамлакачиликка қарши қон тўкишларсиз кураш тарафдори бўлиб, ҳар қандай кўринишдаги инқилобларга қарши эди. У Дума ишини мунтазам равишда диққат билан кузатиб борган ва парламент кураши орқали кўп нарсаларга эришиш мумкин, деб ҳисоблаган. У Россия федератив тузумини ва унда Туркистоннинг ўрнини қандай тасаввур қилган? Унинг фикрича, ҳар бир шаҳар ва уездан бир нечтадан вакил сайлаш керак ва Тошкентда Туркистон учун яроқли амалий натижа берадиган солиқ қонунлари ва фармонлар чиқара оладиган катта марказ ва мажлис (парламент кўзда тутилаяпти) ташкил этиш керак. Бу мажлис Россия ҳукумати ва мусулмонлар ўртасида воситачи бўлади. Бу Туркистоннинг фаровонлигига хизмат қилувчи Туркистон учун сайланган маъмурларни мустақамлайди¹.

Бирок, ҳаққа эришиш учун қайси миллатга мансублигига қарамай, барча аҳоли ижтимоий курашга фаол киришиши керак ва рус аҳолиси билан бирлашиб, ҳар бир уездан вакил сайланган “Туркистон мусулмонлари шўроси”ни ташкил этиш лозим. Демократик давлат доирасида мухторият сифатида шаклланиш – ички қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликларни бартараф этишнинг бош шартидир.

Бехбудий ўзининг “Қонуни Оврупо”, “Ҳақ олинур, берилмас!”, “Лойиха”, “Қози ва бийлар ҳақида лойиха” мақолаларида Туркистондаги ҳуқуқ соҳасида вужудга келган оғир вазият ҳақида ёзади. Шунингдек, ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш бутунлай эллиқбоши ва козилар ихтиёрига топшириб қўйилганлиги оқибатида, улар нафақат диний, балки маънавий масалаларни ҳам порахўрлик асосида ҳал қилаётганликлари учун рус ҳукуматини танқид қилади. Бехбудий ислом қонунчилигига оид чуқур билимларга эга бўлиб, содир этилаётган қонунбузарликларни, козилар томонидан шахсий манфаатлари йўлида шариат нормаларининг сохталаштириб талқин этилишини қоралайди.

Одил судлов соҳасидаги вазиятни синчиклаб таҳлил этиш орқали Бехбудий козилик судлари тизимини бекор қилиш зарурлиги, уларнинг ўрнига Туркистондаги 5 та вилоятнинг ҳар бирида апелляция комиссиясини ташкил этган давлат судларини тузиш, округ судларини назорат

¹ Бехбудий М. Бизга ислохот керак // Наҳот. 1917 йил 7 ноябрь.

килиш учун раис, ўринбосар ва учта суд аъзосидан иборат Олий суд палатаси очиш кераклиги тўғрисидаги хулосага келади. Волость сайловларида, муаллифнинг фикрича, 20 ёшга етган ҳар бир туркистонлик катнашиши лозим¹.

Фитрат Куръон талқини асосида мамлакат ривожининг яхлит концепциясини ёритиб беради. Унинг фикрича, тадбиркорлик ва савдонинг ривожи билимлар ва миллатнинг бирлиги, жипслигига асосланиши лозим. Катта даромад учун бир-бири билан рақобатлашиш эмас, балки фабрика каби корхоналар куриш, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун маблағларни бирлаштириш, саноат ва кишлок хўжалиги ривожига қулайлик яратиш лозим, дейди: “Дини мубийнимиз исломда ҳар хусусда ҳам иттифок ва бирликни амр этган” “Бунинг асосий шарт-шароити эса, унинг фикрича, болаларни тадбиркорлик ва бошқа фанларга ўргатиш лозим. Зеро, Куръонда айтилганидек, “Билмаганлар билганларга тенглаша олмайдилар”

Фитрат тараққиётдан орқада қолмаслик зарурлиги, акс ҳолда бунинг оқибатлари қандай бўлиши ва келгуси авлодлар олдидаги масъулият ҳақида шундай ёзади: “Агар сиз, бухороликлар... бу худо берган неъматдан фойдаланмасангиз, албатта, ҳаял ўтмай бегоналар бу бойликларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирларининг устидан фабрика ва машиналар ўрнатадилар. Дунё-дунё пул ишлаб оладилар. Минглаб хизматчилар бу ишга сафарбар қилинади. У вақтда сизларнинг фарзандларингиз чорасиз қолиб, уларнинг хизматларига бўйин эгишлари муқаррар”². Фитрат бу фикри билан, иқтисодий қолоқлик мамлакатни Россияга иқтисодий ва сиёсий тобеликка олиб келиши мумкинлигига ишора қилган эди.

Жадидларнинг яна бир намояндаси Ф. Хўжаев муҳолиф зиёлилар саъй-ҳаракати билан бошланган жараён миллий тараққиёт ҳаракатига айланганлигини ўз мақолалари ва 1926 йилда чоп этилган “Бухоро инқилоби тарихига доир” номли китобида асослаб беради. Ф. Хўжаевнинг фикрига кўра, Бухорода жадидчиликнинг юзага келишига хонликнинг иқтисодий негизи, жамият тараққиётига тўсик бўлиб турган “ғайритабиий ва даҳшатли тартибсизликлар” сабаб бўлган. Шунингдек, Ўрта Осиёни эгаллай бошлаган рус капитализми “тобора кучайиб, жамиятнинг илғор қисмини ўйлантириб қўйди, жадидчиликка сабаб бўлди” У савдогарлар савдо капиталини ривожлантириши

1 Бехбудий М. Қози ва бийлар ҳақида лойиҳа / Оина. № 5. Б. 106–107..

2 Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. Т.. 1992. Б. 30.

учун Бухоро тараккиётини европалаштириш ва у ерда оддий ҳукукий нормаларни қарор топтириш зарурлигини тушунар эди. Ўша даврдаги Бухоро амирлигидаги аҳвол бунга имкон берди. Шунинг учун савдогарлар муҳолифатга мойил бўлиб, жадидлар ҳаракатига қўшилдилар ва уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Ф. Хўжаевнинг фикрича, жадидчилик Туркистонга қараганда Бухорода кечроқ юзага келган бўлса-да, жамият ҳаётидаги оғир муҳит унинг тараккиётини тезлаштирди ва бу ҳаракат 1915 йилдан бошлаб маданиятдан сиёсатга қараб йўл тутди.

Жадидчилар ташкилотларининг мақсадлари кенгайиб, сиёсий тус олганлигининг сабаби иккита эди:

биринчидан, 1914–1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз – газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиш ҳоллари, ҳокимиятнинг жадидларнинг билимсизлик ва ғафлатга қарши кураш фаолиятининг кенгайишига қаршилик кўрсатиши бундай ҳаракатсиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатди:

иккинчидан эса, жадидчилик ҳаракатига хорихда ўқиб, чет элдаги миллий тараккиёпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган ёшларнинг кучли оқими келиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолмай, муайян қадамлар қўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгиллаштириш – ана шундай талаблар жумласидан эди.

Жадидлар ўзларининг инсон ҳуқуқлари борасидаги фикр-мулоҳазаларини адабиёт орқали оммага етказганлар. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон шу мавзуда фикр юритиб, шеърларидан бирида халққа қарата: “Кишан кийма, бўйин эгма, – ки, сен ҳам ҳур туғилғонсен!”, деб даъват қилган. Абдурауф Фитрат эса, ўз даъватларидан бирида шундай дейди: “Бакириброк айтаманким, ўз халқларини яна бошқаларнинг оёқлари остинда қўймоқчи бўлмаган мусулмонлар! Сайлов куни гофил қолманглар, кўпчилик бўлиб келурга тиришинглар”¹.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон ўлкасини мустақил қилиш ва аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб бериш жадидчилик ҳаракати намояндаларининг асосий мақсадларидан бири эди. Бу мақсадга эришишнинг асосий воситаси сифатида эса, улар маърифатчиликни, яъни халқнинг ҳуқуқий оғни ва ҳуқуқий маданиятини илғор ғоя ва билимлар ёрдамида ўзгартиришни танлаган эдилар.

¹ Абдурауф Фитрат. “Мусулмонлар, гофил қолманг!”. / Хуррият. 1917 йил, 25 август, 33-сон.

3. Ислом таълимотларида инсон ҳуқуқлари ғояси

Ислом ҳуқуқи ўз заминида норматив тизим сифатида VII–X асрларда араб халифалигида феодал жамият қарор топаётган бир даврда шаклланган бўлиб, ислом динига асослангандир. Ислом мавжуд ҳуқуқ Аллоҳ томонидан юборилганлигига асосланади. Сарвари коинот тарихнинг муайян бир даврида башариятга ўзининг расули – Муҳаммад пайғамбар (тахминан 570 – 632 йиллар) орқали ислом таълимотини аён этди. Аллоҳ томонидан инъом этилган ҳуқуқ инсониятга бир йўла ва абадул-абад берилган. Шу боис, жамият бу ҳуқуққа амал қилмоғи лозим. Ислом ҳуқуқи назарияси илоҳий кашфиёт тушунтириш ва шарҳлашга мухтож эканлигини эътироф этади. Ислом ҳуқуқшуносларининг неча асрлик сермашаккат ишлари айнан ана шунга, яъни тушунтириш ва шарҳлашга кетган. Бирок, уларнинг бу саъй-ҳаракатлари янги ҳуқуқ яратишга эмас, балки Аллоҳ томонидан нозил бўлган ҳуқуқни фақатгина амалий жиҳатдан фойдаланиш учун мослаштиришга қаратилган, холос.

Ислом ҳуқуқида Римнинг кейинги даврига оид бўлган ҳуқуқдаги, қолаверса, Ғарб ҳуқуқига хос бўлган қонун тушунчаси йўқ. Назарий жиҳатдан ёлғиз Аллоҳ қонунчилик ҳоқимиятига эга. Амалда эса, ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари Ислом ҳуқуқининг бирдан-бир манбаидир. Ислом ҳуқуқи мутахассислар томонидан яратилган ва ривожлантирилган. Давлат эмас, балки фикҳ – ҳуқуқ илми қонун чиқарувчилик ролини ўйнайди¹ Ҳуқуқ муайян нормаларнинг мажмуи сифатида ислом амал қила бошлаган дастлабки икки аср мобайнида шаклланди. Кейинги асрлар амалда бу борада ҳеч бир янгилик киритмаган. Ана шу турғунликни ижтиҳод эшикларининг ёпилиши билан боғлайдилар. XIX асрга қадар Ислом ҳуқуқий онгининг тадрижий ривожини диний-ҳуқуқий шарҳлар ҳамда фатволар мажмуида ўз ифодасини топган. Бу шарҳ ва фатволар эса, шариатнинг анъанавий қоидалари ва тамойилларини янгича тарзда талкин этар экан, ҳеч қачон уларни очикдан-очик рад этмаган ва уларнинг одатий жарангини ўзгартирмаган².

Исломда ҳам насронийликдаги каби руҳ абадийлиги ғоясига эътиқод қилинади. Унда бани башар Одам Атонинг тенг ҳуқуқли фарзандлари сифатида қаралади. Мусулмонлар ўз қавмларидаги кофир-

1 Schacht J. Introduction to Islamic law. Oxford, 1966. -- P.5; Батафсил маълумотлар учун: Сюкияйнен Л.Р. Доктрина как источник мусульманского права //Источники права. М.: 1985. С. 65–83.

2 Қарағ: Хайдарова М.С. Основные направления и школы мусульманского права //Мусульманское право. М.: 1984. С 47

ларга, бединларга ҳамиша саор-муроа билан муносабатда булиш, бағрикенглик фазилатини намоён этиб келганлар. Номусулмон жамоаларга, одатда, ўз ички ишларини бошқариш ҳукуки берилган.

Арабларнинг исломгача бўлган урф-одатлари ва удумларига нисбатан исломда кашшоқлар, стим-есирлар ва аёлларга муносабатда анчагина илғор тамойиллар кўзга ташланади. Гарчи, қулдорлик сақланиб қолган бўлса-да, қулларга ҳуқуқлар берилган, улар, хусусан, ишлаб топган маблағлари асосида ҳақ тўлаб, озод бўлиш ҳуқуқини олганлар. Мажбурий тусда бўлмаса ҳам, ҳарқалай қулларнинг озод қилиниши дин шарофати билан содир бўладиган ҳаракат сифатида қўллаб-қувватлаб келинган. Илгари кенг тарқалган киз болаларни гўдаклигидаёқ нобуд этиш, йўқ қилишдек ваҳший одат тақиқланган. Қотиллик учун шахсий ўч олганлик ёки бошқа жинойи қилмишлар юзасидан жавобгарлик кучайтирилган. Одил судлов дин пешволари томонидан Қуръон оятларига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилган. Муқаддас китоб Қуръонда эрхотин ажралиши тўғрисидаги нормалар, никоҳ бекор бўлиши оқибатида болаларга нисбатан келтириб чиқадиган қоидалар ҳам қамраб олинган.

Шу сабабли, Э. Майер таъкидлаб айтганидек, "ислом тафаккур олами инсон ҳуқуқларининг ривожланган назариясига эга бўлмаганлиги факти мусулмон дунёсининг анъанавий жамиятларида давлат репрессив намунада тузилганлигини аңлатмайди; аксинча, тарихан бундай жамиятларда ижтимоий ва маданий масалаларга ҳукмдорларнинг ара-лашмаслигидек умумий намуна мавжуд бўлган. Ўтмишда қарор топган анъаналар, уруғ-аймоқ ва жамоалар сингари ноҳукумат институтлари шахс эркинлигига таъсир этувчи омиллар сифатида ҳукмдорларга нисбатан муҳимроқ роль ўйнаган. Давлат билан шахс ҳуқуқлари ўртасида муттасил низо ва можаролар келтириб чиқарадиган ёки ислом мутафаккирларини бундай эркинликларни ҳукмдорлар эғаллаб олишидан ҳимоя этиш билан, инсон ҳуқуқларининг ҳозирги нормалари ривожини замирида ётган ташвиш-андуҳлар билан боғлиқ масалалар устида иш олиб боришга ундайдиган шарт-шароитларнинг ўзи йўқ эди"¹.

Имом Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абулқосим Замахшарий сингари ҳадис ва тасаввуф илмининг етук намоёндалари инсон ҳуқуқлари ва унинг ижтимоий моҳиятини Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда қўйилган ислом ҳамда шарият талаблари асосида кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар. Ислоннинг бу муқаддас манбаларида инсоннинг тақдири ва ҳаёти Аллоҳ номи билан боғлиқ ҳолда ифодалаб

¹ Қаранг: Mayer A.E. The Dilemmas of Islamic Identity // Human Rights and the World's Religions. Ed. By L.S. Rouner Boston University studies in philosophy and religion. Notre Dame, 1988. - P 94-95.

берилади. Бунда ер юзидаги барча инсонларнинг Аллоҳ олдидаги тенглиги ғояси, ҳар бир инсонга Аллоҳ томонидан берилган неъматлардан уларнинг баравар фойдаланиши зарурлиги ғояси билан чамбарчас боғланиб кетганини кўрамиз¹.

Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда инсоннинг Аллоҳ ва шариатдаги ҳақ-ҳуқуқлари инсон фойдаланиши зарур бўлган алоҳида ҳуқуқлар мисолида кўрсатиб берилган. Масалан, Қуръони Каримнинг “Бақара сураси”даги 220-оятда етимларнинг ҳақлари тўғрисида, 223-, 228–229-, 230-оятларида эркак ва аёлнинг никоҳга кириши ёки никоҳдан чиқиш ҳуқуқи, “Оли имрон сураси”нинг 20-оятда ислом динига эътикод қилиш ҳуқуқи ва инсоннинг бошқа ҳуқуқлари шариат талаблари асосида баён қилинган. 256-оятда ислом динининг адолатлилиги қуйидагича баён этилади: “Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтон (ёхуд бутлар)ни инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитувчи ва билгувчидир”².

Инсон ҳуқуқларини шариат талаблари асосида кўрсатиб беришга доир бундай ёндашиш ҳадисларда ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган. Ҳар бир ҳадисда жамият ҳаётининг алоҳида бир масаласига доир талаблар илгари сурилганлиги учун ҳам, уларда инсоннинг хилма-хил ҳақ-ҳуқуқлари уларнинг алоҳида ҳуқуқлари мисолида баён қилиб берилади. Масалан, Имом Бухорийнинг “Ал-адаб, ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) асарида ота-она ҳақини адо қилиш, фарзанднинг ота-онаси олдидаги ва ота-онанинг фарзанди олдидаги ҳақ-ҳуқуқлари, зиёрат қилиш, турар жойга эга бўлиш ва бошқа шулар сингари ҳақ-ҳуқуқларнинг ҳар бири алоҳида ҳадисларда берилганки, бундай ҳолни ҳадислар тўғрисида ёзилган ҳар бир асарда учратиш мумкин.

Турли масалалардаги сингари инсон ҳуқуқлари масаласига доир ҳадисларда ҳам инсон ҳуқуқлари масаласи унинг ҳақ-ҳуқуқлари мисолида берилади. Бунда инсоннинг кимнингдир олдидаги ҳақи (Аллоҳнинг, унинг расули Муҳаммад Пайғамбарнинг ёки жамиятнинг) унинг ҳуқуқи эканлигини ҳам англатади.

Масалан, борди-ю, бир киши иккинчи бир кишидан бирор нарса билан қарздор бўлиб қолган бўлса, бу қарзни қайтариб олиш шариатда иккинчи кишининг ҳуқуқи ҳисобланади ва шу иккинчи киши ўзининг қарзини қайтариб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлади. Қарз

1 Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. Ҳ.Бобоев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 44.

2 Батафсил маълумотлар учун қаранг: Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Абдулазиз Мансур таржимаси ва изоҳлари. – Т.: Ислам университети, 2001.

олган кишининг уни қайтариб бериши эса, унинг ҳукуки ҳисобланмайди. Шунга кўра, исломда ва унинг манбаларида инсоннинг ҳуқуқлари унинг ҳақи мисолида берилганлигини кўрамиз. Жумладан, Имом Бухорий фарзандлар ота-оналарини рози қилиш ҳуқуқига эга эканлигини қуйидаги бир ҳадисда шундай баён қилади: “Ким ота-онасини рози қилса, унга тубо (жаннат) насиб бўлиб, Аллоҳ Таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади”¹. Бунда фарзанднинг ота-онасини рози қилиши кераклиги Аллоҳ номи билан ҳар бир инсоннинг у фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқи эканлиги назарда тутилган.

Инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиш масаласи ат-Термизий қарашларида ҳам ўзининг чуқур ифодасини топганлигини кўрамиз. Ул зот тўплаган кўпчилик ҳадисларда ҳамда Муҳаммад пайғамбар алайҳиссаломнинг сийратлари мадҳ этилган асарларида жаноб Расулulloҳнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қилган амаллари ва йўл-йўриқлари тўғрисида қимматли фикрлар баён қилинади. Чунончи, Ат-Термизий томонидан ёзилган “Аш-шамойил ан-набавийа” (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари) асарида Расулulloҳнинг инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги амалларидан бири қуйидагича таърифлаб берилади: “Муҳаммад пайғамбаримиз ...қачон бир кишининг ҳақиқага тажовуз қилинса, ул ҳолда ғазабларини ҳеч бир нарса босолмас эрди. Андин интиқом олмай қўймас эрдилар”². Имом Бухорий, ат-Термизий ва бошқа кўплаб ҳадис илмининг фидойилари инсон, унинг шаъни, обрў ва мартабаси муқаддас эканлигини, унинг ҳақ-ҳуқуқлари Аллоҳ таоло ва унинг расули Муҳаммад пайғамбар с.а.в. томонидан шарият йўли билан ҳимоя қилиниши зарурлиги ҳақида таълим берганлар. Бу мутафаккирларнинг ҳар бири ўзларининг бутун ҳаётини ҳадис илмини ўрганишга бағишлаш билан бирга, мўмин-мусулмонларни бировга зулм ўтказмасликка, бировнинг ҳақини емасликка, бировнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўймасликка ундаб келдилар.

Ҳадиси Шарифларда инсоннинг кадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик, унинг шаъни ва обрўсига тажовуз қилмаслик, ҳар кимнинг сир сақлаши, эркин фикр юритиши, эркин сўзлашиши сингари шахсий ҳуқуқлари билан бирга, унинг мулкка эга бўлиши, турар жойли бўлиши ва унинг дахлсизлиги сингари турли хилдаги ижтимоий ҳуқуқлари ҳам шарият талабларига ва қонунларига мувофиқ тарзда ҳимоя қилиниши зарурлиги ўз ифодасини топган³

1 Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-аҳаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари). Т. Ўзбекистон, 1990. Б. 20.

2 Абу Исо ат-Термизий. Аш-Шамойил ан-набавийа. Т.: Чўлпон, 1993. Б. 61

3 Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. Х. Божбоев таҳрири остида. Т. Ўзбекистон, 1997. Б. 46.

Масалан, инсоннинг сир сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигини Имом Бухорий, Муҳаммад пайғамбарнинг хотинлари Ойша она кизлари Фотимадан “жаноб Расулulloҳ сенга қандай сир айтдилар?” деб сўраганларида Фотима “ўз оналарига оталари айтган гапни ошкор қилмасликларини айтдилар”, деган ҳадисни келтиради¹.

Имом Бухорий, ат-Термизий, ал-Мавразий, ал-Баракатий, ан-Насафий ва бошқа кўплаб ҳадиснавис алломалар тўплаган ҳадисларда ҳам инсоннинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишнинг зарурлиги билан боғлиқ масалалар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. Инсон ҳуқуқлари масаласининг ҳадисларда берилиши бежиз эмас. Чунки, ислом динида инсоннинг шаъни, кадр-қиммати юксак даражага кўтарилган бўлиб, уни таҳқирлашга қаратилган ҳар қандай уриниш қораланади. Ислолда барча мўмин-мусулмонлар Аллоҳнинг бандалари эканлиги ва улар Аллоҳ таоло олдида тенг ҳуқуққа эга эканлиги, Аллоҳ таоло ўз бандаларини уларнинг қилмишларига яраша ҳимоя қилиб туриши тўғрисида муҳим ғоялар илгари сурилади².

Ислолда Аллоҳ таоло ҳар бир мўминнинг ҳақ-ҳуқуқини камситмаслик ва уни ошириб ҳам юбормасликни буюриши ҳақида муҳим маълумотлар берилади. Уламоларнинг таъбирига қараганда, исломда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ўнта бўлиб, улар:

1. Аллоҳ таолонинг ҳақ-ҳуқуқлари;
2. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақ-ҳуқуқлари;
3. Ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқлари;
4. Фарзандларнинг ота-оналардаги ҳақ-ҳуқуқлари;
5. Қариндош-уруғларнинг ҳақ-ҳуқуқлари;
6. Эр-хотиннинг ҳақ-ҳуқуқлари;
7. Ҳокимият ва раиятнинг ҳақ-ҳуқуқлари;
8. Қўшининг ҳақ-ҳуқуқлари;
9. Мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари;
10. Ғайридин халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларидан иборат³

Бу ҳақ-ҳуқуқларда инсоннинг жамиятдаги ҳуқуқ ва бурчлари ислом ва шариат қонун-қоидалари асосида кўрсатиб бериладики, улардан фойдаланишда ҳар бир инсон тўла эркинликка эгадир. Бундай эркинлик инсонларга Аллоҳ таоло томонидан берилган бўлиб, уни таҳқирлашга қаратилган ҳар қандай уриниш инсон ҳуқуқларини камситишдан бошқа нарса эмас.

1 Ибн Исмонил ал-Бухорий. Ал-Жомийъ ас-Саҳих. Т.. Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – Б. 159.

2 Инсон ҳуқуқлари. Ўқув кўлланма. /Х.Бобоев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 46.

3 Ўша жойда. – Б. 47.

Ислом уламолари томонидан тасниф қилинган ҳақ-ҳуқуқлар орасида энг муқаддаси – бу Аллоҳ таолонинг ҳақ-ҳуқуқларидир. Аллоҳ таоло томонидан инсонларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари, уларнинг ўзига ва бир-бирларига яхши муносабатда бўлишлари, ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқини камситиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги ваҳийлари Қуръони Карим оятлари орқали нозил қилинган.

Мусулмончилик ҳақ-ҳуқуқлари орасида Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам Аллоҳ таоло ҳақ-ҳуқуқларидан кейинги олий ҳақ-ҳуқуқ ҳисобланади. Чунки, пайғамбаримизнинг барча амаллари ва панд-насихатлари, ул зотнинг йўриқлари инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уни камситишга йўл қўймасликдан иборат¹

Инсон ҳуқуқлари масаласи исломда шухрат қозонган тасаввуф илмининг асосини ташкил этади. Илмнинг бу тури Шарқда кенг тарқалган бўлиб, Ўрта Осиёда унинг вужудга келиши ва ривожланишига Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳроп сингари буюк сиймолар катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг таълимоти исломда тарикат (Тарикат – исломда йўл-йўриқ, йўналиш деган маъноларни англатади) деб аталиб, бу тарикатларда фалсафий, диний-ахлоқий, ҳуқуқий масалалар тўғрисидаги муҳим ғоялар илгари сурилади. Бу тарикатлардаги ғоялар узок йиллардан буён инсоннинг жамиятдаги ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб олишларида ва уни ҳимоя қилишларида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда².

Яссавий, Гиждувоний, Нақшбандия тарикатларида инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳуқуқлари масаласи инсоннинг Аллоҳ таоло ва унинг расули Муҳаммад алайҳиссалом олдидаги тенглиги мисолида баён қилинади. Ислом тарикатларида ҳар бир кишининг динга эътиқод қилиши, унинг фойдали меҳнат билан шуғулланиши, илм олиши, айб-сиз жазоланмаслиги, қийноққа солинмаслиги сингари масалалар бўйича илгари сурилган ғоялар муҳим аҳамиятга эгадир.

Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарига мўмин-мусулмонларнинг динга эътиқод қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида Нақшбандия тарикатида берилган фикрларга юқори баҳо беради. Унинг ёзишича, Баҳоуддин Нақшбанд ислом шариятига ва унинг талабларига риоя қилиш ихтиёрий эканлигини қайд қилади ва бу талабларнинг ижросида инсоннинг қадр-қиммати камситилишига йўл қўйиб бўлмаслиги зарурлигини таъкидлайди³.

1 Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. /Х.Бобоев таҳрири остида. Т.: Ўзбекистон, 1997. - Б. 47.

2 Ўша жойда.

3 Ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-сахих (“Ишончли тўплам”). Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. - Б. 156.

Тасаввуф илмида бир канча йўналиш бўлиб, уларнинг исломда бирмунча кенг тарқалган йўналишларидан бири Нақшбандия тарикатидир. Унда илгари сурилган “дил ба ёру даст ба кор” (дил – Аллоҳда, кўл – ишда) мавзусидаги ғоя инсонни меҳнат қилишга ундаш билан бирга, унинг меҳнат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳам билдиради. Ҳақиқатан ҳам, Нақшбандия таълимотига амал қилган кишилар ҳалол меҳнат билан кун кечириш, Аллоҳнинг марҳаматларидан баҳраманд бўлиш, ўз оиласини обод қилиш, савдо-сотик билан шуғулланиш ва бошқа шулар сингари шахсий ва ижтимоий ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар.

Тасаввуф илмида мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқларига доир масалалар ўзининг чуқур ифодасини топган. Аллоҳ олдида барчанинг тенглиги ғояси тасаввуф илмининг асосини ташкил қилганлиги учун ҳам унда Аллоҳ таоло ва унинг расули Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ-ҳуқуқлари жуда кенг ва чуқур ифодалаб берилган.

Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”, Абдуҳолик Ғиждувонийнинг “Васиятнома”, Имом Ғаззолийнинг “Охиратнома” асарларида инсон зоти Аллоҳ буюрган амалларни бажариш билан унинг олдидаги ўз ҳақини адо этиши, Аллоҳ ва унинг пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг инобати билан берилган шариат ҳуқуқларидан фойдаланиши ва шу йўл билан ҳар бир мўмин комил инсон бўлиб ҳаёт кечириши мумкинлиги тўғрисида қимматли фикрлар ёзилган. Шунингдек, уларнинг асарларида ота-оналарнинг, фарзандларнинг, қариндош-уруғларнинг, эру хотиннинг, давлат раҳбарлари ва раиятнинг, қўшниларининг ҳақ-ҳуқуқлари ўзининг аниқ ифодасини топган¹.

Инсоннинг эркин бўлиши ғояси тасаввуф илмининг асосини ташкил этади. Чунки, тасаввуфда инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари, унинг жамиятдаги мавқеи қандай бўлиши мумкинлиги Аллоҳ таолонинг иродасига боғлиқ эканлиги билан асослаб берилади. Ҳар бир инсоннинг Аллоҳ таоло висолига етиши ғояси тасаввуф илмида унинг инсонга ҳос бўлган ҳақ-ҳуқуқларидан бири сифатида қаралади. Бу ҳуқуқ исломда шариат талабларига асосланган бўлиб, унга тўсқинлик қилиш Аллоҳ таолога шак келтириш билан баробардир. Шунинг учун ҳам, тасаввуф илмининг намояндалари ўзларининг асарларида мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқлари орасида инсоннинг Аллоҳ таолога иймон келтириши зарурлигини таъкидлайдилар.

¹ Инсон ҳуқуқлари. Ўқув кўланма. /Х.Бобоев таҳрири остида. Т. Ўзбекистон, 1997. – Б. 48-49.

Тасаввуф илмининг стук намояндаларидан бири Аҳмад Яссавий ўзининг “Ҳикматлар” асарида ҳар бир инсон Аллоҳ таолонинг висолига етиш ҳуқуқига эга эканлигини кўплаб ҳаётий мисоллар асосида тушунтиришга ҳаракат қилган. Шунинг билан бирга, Яссавийнинг тасаввуф илмидаги қарашлари унинг ҳар бир инсоннинг кийим-кечакка, уй-жойга эга бўлиш сингари ҳуқуқларга эга эканлиги ғояси билан ҳам ҳамбарчас боғланиб кетган. Инсонга зулм қилмаслик, тазйикка дучор этмаслик, шахсий ҳаётига аралашмаслик сингари инсонпарварлик ғоялари Яссавий ҳикматларида ўзининг чуқур ифодасини топган.

Шарк оламида машҳур бўлган “Фикҳ” илми инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишни шариат қонунлари асосида ёритиб беришдаги асосий манбалардан бири ҳисобланади. Фикҳ илми ўрта асрларда шарк мамлакатларида шариат меъёрлари ва тартиб-қоидаларини қонуний йўл билан тартибга солиб туриш зарурати асосида вужудга келган¹.

Фикҳ илми ислом оламида жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг ижодкорлари Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар, Ижмо ҳамда Қиёсдаги ҳуқуқий кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, қонун-қоидаларни ўрганиш ва уларнинг моҳиятини очиб бериш билан шуғулланганлар. Улар ислом ва унинг қоидаларини муқаммал ўрганганлар, бу қоидалар орасида ҳуқуқшуносликка оидларини танлаб олганлар ва тартибга келтирганлар. Бу иш билан шуғулланган мутафаккирлар турли даврларда ва турли хил шароитларда яшаганлар. Бу ҳол, шубҳасиз, уларнинг масалага турлича ёндашишларига сабаб бўлган. Уларнинг айримлари бошқаларининг ишларидан хабардор бўлганлари ҳолда, баъзилари эса, мутлақо беҳабар ҳолда иш олиб борганлар. Шу боис, ислом оламида фикҳ илми билан шуғулланувчи кўплаб мазҳаблар юзага келган. Бу мазҳаблар унинг асосчилари номи билан аталиб келинган. Фикҳи Ҳанифий, Фикҳи Моликий, Фикҳи Шофий, Фикҳи Ханбалий сингари мазҳаблар буларнинг энг асосийлари бўлган. Ислом ҳуқуқшунослиги қоидалари, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда берилган таълимотларга асосланганлиги учун ҳам бу мазҳабларда ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилишга ёндашишларда умумий, ўхшаш томонлар кўп бўлган².

Ислом оламида фикҳ илми қозилар, миршаблар ва кўплаб ҳукмдорлар учун дастуриламал вазифасини бажарган. Улар жиноят ва жазони тасниф қилишда, айбдорларни жазолаш ва бегуноҳларни афв этишда фикҳ илми ва унинг турли мазҳаблари томонидан яратилган қитоблардан кенг фойдаланганлар.

1 Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. /Х.Бобоев таҳрири остида. Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 49.

2 Ушв жойда. Б. 50.

Шарқда фикх илмининг яратилиши ва унинг ривожига Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Мотуридий, Абу Ҳанифа, Имом Молик, Муҳаммад ибн Идрис Шафой, Имом Аҳмад ибн Ханбал сингари ҳуқуқшунослар катта ҳисса қўшганлар. Буларнинг ҳар бири исломни, унинг қоидаларини, ислом шариатида амалда бўлган ҳуқуқий масалаларни ва бу ҳақда мавжуд бўлган таълимотларни жуда яхши билганлар. Улар Шарқ оламида ўзига хос мактаб яратиб, бунда шариатда амалда бўлган қонун-қоидаларни ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг бу соҳада қилган буюк ишлари, яратган асарларидан мусулмон мамлакатларидаги қозилар ва ҳуқуқнинг бошқа ҳимоячилари ҳозирги кунгача ҳам фойдаланиб келмоқдалар.

Инсон ҳуқуқлари ва уларга амал қилишнинг йўллари ҳамда шарт-шароитларини кўрсатиб бериш борасида Шарқ мутафаккир олимлари, давлат ва жамоат арбоблари томонидан яратилган таълимотлар ўз даври учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, улар ўзининг аҳамиятини бизнинг давримизда ҳам йўқотгани йўқ¹. Бу таълимотлар ҳозирги кунда мамлакатимизда инсонпарвар, демократик жамият қуриш шароитида янада чуқур маъно касб этмоқда. Бунинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан жуда аниқ таърифлаб берилган: “Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат, ишончига-ишонч қўшади”².

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Инсон ҳуқуқларига оид ҳолатларнинг вужудга келиши билан боғлиқ европацентриқ ва осийецентриқ қарашларнинг моҳияти ва сабабларини тушунтириб беринг.*
- 2. Инсон ҳуқуқлари масаласида Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро фарқи ва ўзига хосликларини изоҳланг.*
- 3. Зардуштийлик динида инсон ҳуқуқлари масаласи қандай ўрин тутган?*

¹ Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика /Отв. ред. А.Х. Саидов. Т. Адолат, 2008. – С. 21–22.

² Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият Т. Ўзбекистон, 1994. Б. 97.

4. *Шарқ Ренессанси даври мутафаккирларининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги гоялари ва қарашлари ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.*

5. *Амир Темурунинг инсон ҳуқуқларига оид қарашлари ва уларнинг "Темур тузуклари" да акс эттирилиши ҳақида сўзлаб беринг.*

6. *Алишер Навоий асарларида инсон ҳуқуқлари гоялари қандай акс эттирилган?*

7. *Туркистон жаҳидларининг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ гоялари ва қарашларини тушунтириб беринг.*

8. *Ислоҳ динининг инсон ҳуқуқлари ривожига тарихий аҳамияти нимада?*

9. *Ислоҳ ҳуқуқи манбаларида берилган инсон ҳуқуқларига оид нормаларни шарҳлаб беринг.*

10. *Буюк ҳадисишунос олимлар, тасаввуф илми намояндлари асарларидаги инсон ҳуқуқларига оид гоялар ва қарашларни тушунтириб беринг.*

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

2. Абу Исо ат-Термизий. Аш-Шамойил ан-Наввийа. – Т.: Чўлпон, 1993.

3. Имом Исмоил ал-Бухорий, Ал-Адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари). – Т.: Ўзбекистон, 1990.

4. Ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-Саҳих. – Т.: Комуслар бош таҳририяти, 1992.

5. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув кўлланма. Х. Бобоев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

6. Саидов А.Х. Права человека. Учебник-хрестоматия. – Т.: УМЭД, 2001.

7. Саидов А.Х., Жузжоний А.Ш. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ. – Т.: Адолат, 2005.

8. Сюкияйнен Л.Р. Доктрина как источник мусульманского права// Источники права. – М.: 1985.

9. Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика/ Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2008.

10. Тўракулов Э., Раҳимов С. Абу Райхон Беруний: руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1992.

11. Темур тузуклари. /Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Караматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳр. остида. – Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996.

12. Ғафуров А., Муминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Юристар малакасини ошириш маркази, 2012.

13. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. –Т.: ИИВ Академияси, 2012.

4-мавзу. Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши

1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти.
2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ташкилотларнинг роли.
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциялари.
4. Глобаллашув ва XXI асда инсон ҳуқуқлари ривожланишининг долзарб масалалари.

1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти

XX асрга келиб инсон ҳуқуқлари муаммоси бир давлат юрисдикциясидан ташқарига чиқа бошлади. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли оқибатлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида махсус халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳимоя қилишга қаратилган халқаро механизмни яратишни халқаро ҳамжамият олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Бу эса, ўтган давр мобайнида, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ҳуқуқий асослари ҳамда механизмлари шаклланишига олиб келдики, натижада, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳимояси тушунчаси пайдо бўлди.

Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳимояси – бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг давлатлар томонидан амалда ҳаётга татбиқ этилиши бўйича давлатларнинг мажбуриятларини белгилаб берувчи ва мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси, шунингдек, ушбу ҳуқуқ соҳаси бўйича давлатлар ўз мажбуриятларини бажариши устида халқаро назорат механизми ва алоҳида шахснинг бузилган ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилишдир¹.

Демак, халқаро ҳуқуқнинг турли соҳалари каби бугунги кунда **халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари** (“Международное право прав человека”, “International human rights law”) номида алоҳида ҳам инсон ҳуқуқлари, ҳам халқаро ҳуқуқнинг ўзаро туташган махсус соҳаси вужудга келди².

1 Международное право. /Под. ред. Бекяшева К.А. – М.: Проспект. 1999. – С. 200.

2 Каранг: Саидов А.Х. Международное право прав человека /Отв. ред. Б.Н. Топорнин. М.: МЗ-Пресс, 2002.

Халқаро ҳуқуқ – давлатлар, миллий-озодлик ҳаракатлари, халқаро ташкилотлар, давлатсимон тузилмалар ўртасидаги ва баъзи ҳолларда шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар тизимидир. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ айни халқаро ҳуқуқнинг шундай тармоғики, унда давлатлардан ташқари муайян бир шахс ва шахслар гуруҳи ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қаралади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ худди шу жиҳати билан халқаро ҳуқуқнинг бошқа кўпгина тармоқларидан фарқ қилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ҳақида, шунингдек, унинг халқаро ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан муносабатлари тўғрисида ҳозирги кунга қадар баҳс-мунозара юритиб келинаётганлиги бежиз эмас, албатта¹.

Шунга қарамай, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, умуман олганда, халқаро ҳуқуқ билан бир хил кўрсаткичларга эга. Ҳар иккала ҳуқуқнинг, хусусан:

биринчидан, манбалари бир бўлиб, булар халқаро шартномалар, халқаро одатлар, халқаро конференция ёки кенгашларнинг ҳужжатлари ва шу сингари ҳужжатлардир;

иккинчидан, мақсадлари бир бўлиб, бу тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашдан иборат;

учинчидан, тамойиллари бир бўлиб, бу суверенитет тамойили, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва шу каби тамойилларда намоён бўлади;

тўртинчидан, норма яратиш усуллари бир хил бўлиб, улар халқаро мулоқот субъектларининг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларига асосланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатлари уни халқаро ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари билан қиёслаганда, айниқса, яққол кўзга ташланади².

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқнинг ривожланишида яна бир омил, яъни халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа нисбатан устуворлиги омили ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Чунки, давлатлар бу соҳада ўзаро қелишиш орқали мажбуриятлар олар экан, бу мажбуриятларни бажаришни ўз ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътироф этмоқдалар.

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 76.

2 Ўша жойда.

Халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуққа нисбатан устуворлигини эътироф этади ва бу билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзи кўшилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига содиқлигини конституциявий даражада эълон қилган. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муқаддимасида: "...халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда..." – деб кўрсатиб ўтилади. Шунингдек, Конституциянинг 2-бўлими, 18–52-моддалари тўлиқ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласига бағишланган.

Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқнинг турли соҳалари билан чамбарчас боғлиқ равишда, яъни ўзаро таъсир кўрсатиш йўли билан ривожланиб бормоқда. Бу соҳаларга халқаро одат ҳуқуқи, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, халқаро гуманитар ҳуқуқ каби халқаро ҳуқуқ соҳаларини киритиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ва халқаро одат ҳуқуқи. Халқаро одат ҳуқуқи давлатларнинг ҳуқуқий мажбурияти тушунчасидан келиб чиқади ҳамда қатъий риоя этиладиган умумий ва доимий амалиётдан ташкил топади.

Халқаро одат халқаро ҳуқуқнинг манбаидир. Халқаро ҳуқуқнинг одат нормаси хулқ-атвор ва юриш-туришнинг барчага баб-баравар қоидалари, яъни халқаро ҳуқуқ субъектлари юридик жиҳатдан мажбурий деб эътироф этадиган қоидалар бир хил амал қилишида кўринади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ давлат билан унинг фуқаролари ўртасидаги фуқароларнинг ҳуқуқларини халқаро микёсда химоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Бошқа давлатлар, одатда, бундай ҳуқуқ мониторингига фақат оддий дипломатик амалиёт воситасида тасодиф туфайли жалб этилиб қолиши мумкин. Шундай қилиб, давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ҳосил этиш сифатида қабул қилинган амалиёт, умуман олганда, халқаро одат ҳуқуқини ташкил этувчи хулқ-атвор ва юриш-туришнинг айрим шаклларида фарқ қилувчи шаклларни ўз ичига олади, улар, хусусан, қуйидагилардан иборат:

биринчидан, БМТ Низомига ва унинг инсон ҳуқуқларига доир қоидаларига ялпи тарафдорлик;

иккинчидан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси универсал тарзда ва тезда тасдиқ этилган ҳолда қабул қилинганлиги;

учинчидан, инсон ҳуқуқларининг умумэътироф этилган тамойилларини қабул қилиш ёки айрим ҳуқуқларнинг ўзини қабул қилиш тўғрисида

халқаро битимларни тайёрлаш ҳамда қабул қилиш ишида давлатларнинг ялпи иштироки;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари тамойилларининг Европа, Лотин Америкаси ва Африкадаги минтақавий ташкилотларда давлатлар томонидан қабул қилиниши;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро тамойилларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари деб эътироф этилиши;

олтинчидан, давлатларнинг ўз миллий ҳуқуқий тизимлари ёки амалиётларини халқаро стандартларга ёки халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган тамойилларга мувофиқ ҳолга келтириш борасидаги фаолияти ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларнинг миллий конституциялар ва қонунларга бевосита ёки билвосита киритилиши;

еттинчидан, миллий сиёсатда, дипломатик амалиётда, халқаро ташкилотларнинг фаолияти ва ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари тамойилларига мунтазам муурожаат этиб турилиши;

саккизинчидан, давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни бузиш билан боғлиқ амалиётни, шу жумладан, бошқа давлат томонидан қонунбузарликка жавоб тариқасида кўрилаётган қамокка олиш чоралари ва содир этилаётган бошқа номатлуб ҳаракатлари ақс этган бошқа муносабатлари ёки ҳаракатлари¹

Халқаро одил суд ҳамда Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро одат ҳуқуқи мавжудлиги эътироф этилган. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро одат ҳуқуқи, асосан, биринчи авлод (турқум) ҳуқуқлари деб юритиладиган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга тааллуқли бўлиб, иккинчи ва учинчи авлод ҳуқуқларига, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларга амалда дахл этмайди².

Инсон ҳуқуқлари ва халқаро шартномалар ҳуқуқи. Халқаро шартномалар ҳуқуқи давлатлар билан халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги халқаро шартномалар тузиш, бундай шартномаларнинг амал қилиши ва уларни бекор қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат. Ушбу халқаро шартномаларни тузиш, амалда қўллашни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш бўйича махсус халқаро шартномалар ҳам қабул қилинган бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:

¹ Сандов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 77

² Ўша жойда.

1. 1969 йилда қабул қилинган Халқаро шартномалар ҳукуки тўғрисидаги Вена конвенцияси;

2. 1986 йилда қабул қилинган Давлатлар билан халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотларaro шартномалар тўғрисидаги Вена конвенцияси;

3. 1978 йилда қабул қилинган Давлатларнинг шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясига жамланиб, муайян бир тизимга солинган.

Ҳозирги пайтда, халқаро шартномавий муносабатларни тартибга солувчи мазкур халқаро шартномаларнинг қоидаларга риоя қилинган ҳолда, инсон ҳуқуқлари масалаларини қамраб олган махсус халқаро ҳужжатлар базаси шакллантирилган бўлиб, мазкур база 1000 га яқин халқаро ҳужжатларни ташкил этади.

Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунларда устуворлиги таъминли аксарият давлатлар томонидан тан олинган. Бу ҳужжатларнинг қабул қилинишида халқаро ташкилотларнинг ҳиссаси каттадир. Ҳозирги кунда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 100 га яқин, Европа Кенгаши томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКО да – 70 дан ортиқ. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 200 дан зиёд, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан 30 дан кўпроқ ва бошқа турли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартнома, конвенция, декларация ва пактлар қабул қилинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормалари ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида юридик кучлари нуқтаи назаридан икки турга: халқаро мажбурий (императив) характердаги, ёки бошқача қилиб айтганда, “халқаро каттик ҳуқуқ” (international hard law) ва мажбурий (декларатив) характерга эга бўлмаган, бошқача қилиб айтганда, “халқаро юмшоқ ҳуқуқ” (international soft law)ларга бўлинади. Императив нормалар деганда давлатлар томонидан қўшилиб, бажарилиши шарт бўлган ва унинг бажарилиши бўйича алоҳида механизмларга эга бўлган ҳужжатлар, конвенциялар, пактлар ва бошқа мажбурий халқаро шартномалар тушунилса, декларатив ҳужжатларда эса, давлатларни бундай ҳужжатлар қоидаларига мажбурловчи механизмларга эга бўлмаган ва давлатларни бундай ҳужжатларни бажаришга ундовчи чакириклар баён қилинган. Императив нормаларни ўзида қамраб олган ҳужжатларга 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция каби ҳужжатлар киради.

Жамланиб, тартибга солинганлиги боис, инсон ҳуқуқларининг ана шу қисми халқаро шартномалар ҳуқуқи билан мос келади. Бирок, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, айтиш жоизки, халқаро ҳуқуқнинг шу тармоғи билан чекланиб қолмайди, бинобарин, унинг кўпгина ҳужжатлари, масалан, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1965 йилда қабул қилинган Ёшлар ўртасида тинчлик, ўзаро ҳурмат ва халқлараро хайрихоҳлик ғояларини тарқатиш тўғрисидаги декларация шартномавий эмас, тавсиявий хусусиятга, шунингдек, халқаро русум ва одат хусусиятига эгадир¹.

Инсон ҳуқуқлари ва халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ деганда, одатда, мустақиллик учун кураш олиб бораётган давлатлар ҳамда халқлар макomini тартибга солувчи ҳуқуқ тушунилади. Бу ҳуқуқ БМТ Низомида, 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияда, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактларда ўз аксини топган. Кейинги вақтларда, халқларнинг ҳуқуқи деганда, халқларнинг ривожланишга бўлган ҳуқуқи ҳам тушунилмоқда. Лекин бу ҳуқуқ айни чоғда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан юзага келган ҳосила ҳамдир².

Бирок, инсон ҳуқуқлари ўз кўламига кўра халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқдан анчагина кенг бўлиб, бундай ҳуқуқларни муайян қисм сифатида ўз ичига олади. Зотан:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари тушунчаси халқларнинг ҳуқуқларига нисбатан бирмунча универсалроқ хусусиятга эга; “халқ” алоҳида шахслар, яъни индивидлар бирлашмаси шаклларида бири ва у, қоида тарикасида, тарихий жиҳатдан “давлат” деган тушунчага мос келади;

иккинчидан, халқларнинг ҳуқуқлари тушунчаси тарихан чекланган хусусиятга эга. Бу тушунча XX асрнинг 50–60-йилларида мустамлакачилик тизими таназзули авжига чиққан бир паллада шаклланган бўлиб, шундан кейин у ўз аҳамиятини секин-аста йўқота борди;

учинчидан, халқларнинг ҳуқуқлари сиёсат ҳамда ўзгарувчан мафкура “бозори” билан анча кенг тарзда чамбарчас боғлиқ. Бу ҳол Югославиянинг парчаланиб кетиши ҳамда турли қайноқ нуқталардаги қуролиш можаролар билан боғлиқ воқеаларда яна бир қарра намоён бўлди.

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 78.

2 “Ривожланишга бўлган ҳуқуқ, – деб таъкидлайди жазоирлик алома М. Беджаоу, – ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан келиб чиқади”. Қаранг: Bedjaoui M. The Right to Development // International Law: Achievements and Prospects/Ed. By M. Bedjaoui. UNESCO, 1992. P. 1184.

Шунга қарамай, юкорида айтиб ўтилган фикрлар халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ аҳамиятини асло қамайтирмайди¹.

Юкоридагилардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш масаласи бугунги кунда миллий давлат чегараларидан четга чиққан ва жаҳон ҳамжамиятининг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Бу эса, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари масаласини, ҳам давлатлар ўз ташки сийсатининг устувор масалаларидан бирига, ҳам халқаро муносабатларнинг объектига айлантирмоқда.

2. Инсон ҳуқуқларини химоя қилишда халқаро ташкилотларнинг роли

Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъектларининг бири ҳисобланади. Бугунги кунда, халқаро ҳаётнинг бирор соҳаси йўқки, унда халқаро ташкилотларнинг иштироки бўлмаса. Профессор А. Саидовнинг ёзишича, халқаро муносабатларда халқаро ташкилотлар давлатлар ҳамкорлигининг оқилона шаклларида бири сифатида муҳим роль ўйнайди². Шунинг учун ҳам, бугунги давлатлараро муносабатларни халқаро ташкилотларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу билан бирга, қайд этиш керакки, бугунги кунда бирорта ҳам халқаро ташкилот билан ҳамкорлик қилмайдиган бирорта давлатни топиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда дунёда 300 дан ортиқ турли халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар мавжуд. Халқаро ноҳукумат ташкилотларининг аниқ сонини эса, аниқлашнинг ўзи жуда ҳам мушкул бўлиб, улар йиғирма мингдан ортироқдир.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар – бу, аъзо-давлатлар иродаси билан белгиланадиган ҳажмда мустақил иродага ва давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқадиган ҳосилавий ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган органларга эга бўлиб, сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш учун халқаро шартнома асосида ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ тузилган давлатларнинг бирлашмасидир³.

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 80.

2 Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Т.: Адолат, 2001. – Б. 64.

3 Международное публичное право. – М.: 1999. – С. 250.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида халқаро ташкилотлар ҳуқуқи деган алоҳида халқаро ҳуқуқ соҳаси вужудга келганки, уларни ўрганиш инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади. **Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи** – халқаро оммавий ҳуқуқнинг муस्ताқил тармоғи бўлиб, унинг тамойиллари ва нормалари халқаро ташкилотларнинг тузилиш тартиби ва иш фаолиятларини, шунингдек, уларнинг халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солиб туради. Яъни, халқаро ташкилотлар фаолиятлари билан боғлиқ бўлган халқаро муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси халқаро ташкилотлар ҳуқуқини ташкил этади ва у ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг муस्ताқил тармоғи ҳисобланади¹.

Халқаро ташкилотларнинг ўзи халқаро ҳукуматлараро ва халқаро ноҳукумат ташкилотларига бўлинади. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларни ҳам, одатда, уларга аъзолик нуқтаи назаридан универсал, минтақавий, минтақалараро халқаро ташкилотларга бўлиш қабул қилинган.

Инсон ҳуқуқларини халқаро кўламда химоя қилишнинг:

- универсал халқаро ташкилот сифатида, БМТ ва унинг ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти каби баъзи ихтисослашган ташкилотлари доирасидаги универсал;

минтақалараро ташкилот сифатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги минтақалараро;

минтақавий ташкилот сифатида Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи, Америка давлатлари ташкилоти, Африка бирлиги ташкилоти сингари халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар доирасидаги минтақавий механизмлари шаклланган.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасида Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, “Халқаро амнистия” каби мингдан ортиқ халқаро ноҳукумат ташкилотлари фаолиятлари доирасида инсон ҳуқуқларини химоя қилишнинг халқаро ноҳукумат тизими шаклланган. Бу тизим, айрим ҳолатларда “халқаро фуқаролик жамияти тизими” деб ҳам аталади.

Умуман олганда, ХХI асрда инсон ҳуқуқлари ривожланиши жараёнининг ўзига хос хусусияти сифатида бу жараёндаги халқаро ташкилотларнинг фаол иштирокини эътироф этиш керак. Шунинг учун ҳам, инсон ҳуқуқларини халқаро ташкилотлар ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Шиббаева Е. Поточный М. Правовые вопросы структуры и деятельности международных организаций. М. Изд.-во МГУ, 1988. С. 94.

Инсон ҳуқуқларини ривожлантиришда халқаро ташкилотларнинг роли турличадир. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар инсон ҳуқуқлари соҳасида норма ижодкорлиги фаолиятини амалга оширишлари орқали муайян давлатларда ва минтакаларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар лойиҳаларини яратадилар ва уларнинг қабул қилиниши бўйича ташаббуслар билан чиқишлари мумкин. Улар, яна шунингдек, халқаро шартномаларга давлатлар томонидан риоя қилиниши бўйича тегишли назорат функциясини ҳам олиб борадилар. Муайян давлатларга инсон ҳуқуқлари соҳасида молиявий ва техник ёрдамни амалга оширишлари мумкин. Халқаро ноҳукумат ташкилотлари эса, фаолият турига кўра, муайян инсон ҳуқуқлари соҳалари бўйича халқаро норма ижодкорлиги жараёнида таклифлар билан чиқиши мумкин, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар доирасида давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маърузалари кўриляётган пайтда ўз ҳисоботлари билан иштирок этиши ва муайян давлатлар билан бу соҳада ҳамкорлик қилиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари масалалари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар тўғрисида қисқача хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда жаҳонда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро институционал механизм шаклланди.

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциялари

Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро ривожланишида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференцияларнинг аҳамияти жуда муҳимдир. Чунки, дунёнинг барча давлатларидан давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ва мутахассислар иштирок этадиган бундай конференциялар турли мавзуларда тез-тез ўтказилиб туради. Халқаро конференциялар иштирокчиларининг доираси ва сони унда кўтариладиган мавзуларга қараб турли хил бўлиши мумкин.

Бундай конференциялар орасида инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциялари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу конференцияларда инсон ҳуқуқларининг энг долзарб муаммолари муҳокамага қўйилади. Шу пайтгача икки маротаба инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ўтказилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 20 йиллиги Халқаро инсон ҳуқуқлари йили деб эълон қилинган 1968 йилда нишонланди. Ўша йилнинг энг асосий воқеаси 22 апрель – 13 май кунлари Эроннинг Техрон шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича

халқаро конференция бўлди. Бу – ҳукуматларнинг фақат ягона мавзу га бағишланган Биринчи Бутунжаҳон конференцияси эди. Ушбу Конференция якунида қабул қилинган Даъватномада фуқаролик, сиёсий иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бир-бири билан ўзар қўғиш ва бўлинмас ҳуқуқлар сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, ушбу анжуманда қабул қилинган Техрон декларациясида шундай дейилган: *"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси жаҳон халқларининг, хусусан, ҳар бир инсоннинг ажралмас ва мустақкам ҳуқуқлари бўйича умумий битимни ўзида намойён қилиб, халқаро ҳамжамиятнинг барча аъзолари учун мажбурийдир"*¹. Анжуман Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига чуқур ишонч билан қараш лозимлигини қайд этиб, жаҳондаги барча халқлар ва давлатларни ана шу тамойилларни амалга ошириш учун куч-ғайрат сарфлашга чақирди. Анжуманда инсонни жисмоний баркамолликка, аклий ва рухий етуқликка, ижтимоий рўшноликка олиб келувчи шарт-шароитларнинг ҳуқуқий асосларини таъминловчи омилар бу тарихий ҳужжат мазмунининг асосий жиҳатларидан бири эканлиги тўғрисида муҳим фикрлар ил ари сурилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи Бутунжаҳон конференцияси (Вена, 1993) Техронда бўлиб ўтган Биринчи Бутунжаҳон анжуманидан буён инсон ҳуқуқларини химоя этиш борасида амалга оширилган ишларга якун ясади. Дунёнинг кўпгина жойларида инсон ҳуқуқлари химояси ва унга амал қилиш хавф-хатар гирдобида қолган давларда Декларациянинг универсаллиги ва инсон ҳуқуқлари муаммосининг марказий роли яна бир бор тасдиқланди. Мисли кўрилмаган микёсдаги ҳукуматлар делегациялари ва инсон ҳуқуқлари бўйича ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари иштирок этган конференция 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган давлардан бошлаб бирмунча тараққиёт кўзга ташланганлигини таъкидлади, у мавжуд тўсиқларни аниқлади ва уларни бартараф этиш йўлларини белгилаб берди.

Конференция аъзо-давлатлар, инсон ҳуқуқлари бўйича ноҳукумат ташкилотлари ва бошқа тизимларнинг мавжуд инсон ҳуқуқлари бўйича қонунлар мажмуаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёрдамида фаол ҳаётга татбиқ этилишини талаб қилишига аъзо-давлатларнинг ишончи мустақкамланаётганлигини намойиш этди. Иккинчи Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси

¹ Воззвание Тегеранской конференции. <http://www.un.by/documents/humrights/tegeran/>

ва Ҳаракатлар дастурида инсон ҳуқуқларининг универсал хусусияти ҳамда ирқчиликнинг, камситиш, ксенофобия ва мурасасизликнинг ҳар қандай шаклларига қарши кураш олиб бориш зарур эканлиги янгича тароват билан таъкидланган. Хотин-қизлар, болалар, кам сонли ва туб ерли халқлар ҳуқуқларига алоҳида аҳамият берилган¹ Вена декларациясида “инсон ҳуқуқлари – халқаро ҳамжамиятнинг қонуний ташвишига айланди”, деб таъкидланди. Кейинроқ Вена декларациясида “демократия, таракқиёт, инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш ва озодлик бир-бирини тўлдиради ва яқиндан ўзаро алоқада бўлади”, дея эълон қилинди.

Декларация инсон ҳуқуқларининг умумий характерини таъкидлаб ўтади: *“Барча одамлар муштарақ, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор бўлган ҳуқуқларга эгадир. Халқаро ҳамжамият ҳуқуққа бир бутун ҳужжат сифатида ва ер юзидаги барча одамларга бир хил қоида ва тамойиллар билан адолат ва тенглик асосида қўлланиладиган манба сифатида қарши керак. Миллий ва ҳудудий ўзига хосликларни, тарихий, маданий ва диний анъаналарни ҳисобга олиб, ҳар бир мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва маданий тузумдан қатъи назар, давлат инсон ҳуқуқлари ва асосий озодликка амал қилиши ва уларни ҳимоя этиши зарур”* Шунингдек, Вена конференцияси таъкидлайдики, қайси соҳада инсон ҳуқуқлари ҳимоя этилса, бу ҳол яна ҳам ўзига хос хусусиятлар касб эта бошлайди: булар геноцидга барҳам бериш, қулликни йўқотиш, қийноққа солишга қарши кураш, камситишларнинг барча шаклларини, айниқса, ирқий ва жинсий жиҳатдан, диний мансублиги ва этники туфайли камситишларга барҳам беришдан иборат².

Бундан ташқари, ҳуқуқлари ҳимояга муҳтож бўлган инсонларнинг тоифалари аниқ белгилаб берилган. Булар – аёллар, туб халқлар, қочоқлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, болалар, ногиронлар, ноқонуний камокда тутиб турилганлар ва зўрлик билан йўқотиш қурбонлари, шунингдек, меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оилалари. Буларнинг барчаси мавжуд муаммога яна ҳам жиддий эътибор билан қарашга ундамоқда. Конференцияда 171 давлат томонидан бир овоздан қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 137.

2 Каранг: Венская декларация и Программа действий: Сб. документов. – М.: 1998.

ишида янги тарихий қадамлар ташланганини таъкидлади. Бу ҳақда қуйидагилар асосида муносиб баҳо бериш мумкин:

биринчидан, инсонларнинг барча ҳуқуқларининг умумийлиги, муштараклиги, ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлиги эълон қилинди;

иккинчидан, шахснинг ривожланиш ҳуқуқи ва инсон ҳуқуқлари билан тараққиёт ўртасидаги узвий алоқа мавжудлиги яна тасдиқланди;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномаларни умумий ратификация қилиш жараёни тезлашди.

Ушбу Конференцияда кўтарилган яна бир муҳим масала, бу инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолияти ва уларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Раҳбарий тамойилларни қабул қилиш бўлди. Конференция инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва химоя этиш масалалари бўйича миллий институтларнинг, шу жумладан, мўътабар ваколатли органлар ҳузуридаги маслаҳат тузилмаларининг муҳим ролини, уларнинг бузилган инсон ҳуқуқларини тиклашдаги, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотларни тарқатишдаги ва инсон ҳуқуқлари бўйича таълимдаги ўрнини яна бир маротаба эътироф этди. Миллий институтлар фаолиятини кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама химоя қилиш масалаларига оид яна бир энг муҳим катта тадбирлардан бири 2000 йилдаги *БМТнинг Мингйиллик саммитидир*. Мингйиллик саммити энг кечиктириб бўлмайдиган глобал таҳдидларга эътиборни жалб этиш учун 189 давлатнинг етакчиларини тўплади. Саммитга тўпланган давлат етакчилари ўзларига ушбу оламни бутун инсоният учун янада яхшироқ қилиш мажбуриятини олдилар. Давлатларда қашшоқликка қарши курашиш, хизматларнинг асосий турларидан фойдаланишни яхшилаш, касалликлар тарқалишини камайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришнинг ноёб имконияти юзага келди. Саммитда қабул қилинган Мингйиллик декларацияси XXI асрнинг глобал кун тартибини белгилади ва Мингйиллик тараққиёти мақсадлари (МТМ) сифатида машҳур бўлган саккизта аник мақсадга эришишга йўналтирилган вазифаларни олдинга қўйди¹ Мингйиллик тараққиёти мақсадлари сифатида белгилаб олинган ва

¹ Мингйиллик тараққиёти мақсадлари – амалда. //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал. 3-сон, 2010. – Б. 2.

инсоният 2015 йилгача эришиши керак бўлган тараққиёт мақсадлари куйидагилардир:

биринчи мақсад: ҳаддан ортиқ кашшоклик ва очарчиликни барта-раф этиш;

иккинчи мақсад: ялпи бошланғич таълимга эришиш;

учинчи мақсад: аёллар ва эркакларнинг тенглигини рағбатланти-риш ҳамда хотин-кизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш;

тўртинчи мақсад: болалар ўлимини камайтириш;

бешинчи мақсад: оналар саломатлигини яхшилаш;

олтинчи мақсад: ОИВ/ОИТС, безгак ва бошқа касалликларга қар-ши кураш;

еттинчи мақсад: экологик барқарорликни таъминлаш;

саккизинчи мақсад: тараққиёт мақсадларида глобал шерикликни шакллантириш.

БМТ Мингйиллик декларациясида шакллантирилган тараққиёт мақсадлари инсон ҳуқуқларини, айниқса, инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини амалга оширишда кучли рағбатлантирувчи имконият омили ҳисобланади. Мингйиллик тараққиёти мақсадлари ва инсон ҳуқуқларини химоя қилувчи стан-дартлар анча даражада бир-бирини тўлдиради, аммо инсон ҳуқуқлари ундан ҳам кенгрок тушунчадир. Биринчи ўринда, давлат ўз зиммасига оладиган мажбуриятлари хусусияти билан фарк қилади. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни қўшган ҳолда инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятлар мажбурий юридик кучга эга, МТМ эса, сиёсий характердаги мажбурият ҳисобланади. МТМ мажбурий юридик кучга эга бўлмаган Мингйиллик декларациясида келишиб олинган вазифа-ларни акс эттириш учун ишлаб чиқилган қатор назорат кўрсаткичлар ҳисобланади. Бирок қайд этиш керакки, Мингйиллик декларация-си сўзсиз инсон ҳуқуқлари бўйича нормалар ва андозаларни эъ-тироф этишга қаратилган. Шунга мувофиқ равишда, Мингйиллик мақсадларига ҳар бир давлат инсон ҳуқуқлари бўйича нормалар ва стандартларга мувофиқ равишда ўз зиммасига олган ҳуқуқий мажбу-риятларига мос тарзда эришиши керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик тараққиёти мақсадлари мониторинги жаҳон миқёсида ва миллий даражаларда амалга оширилади. Жаҳон даражасида бу йўналишда қилинган ишлар тўғрисида БМТ Бош қотиби ҳар йили Бош Ассамблеяга ҳисобот беради. Миллий даражада Мингйиллик мақсадлари ижроси бўйича ҳисоботлар эълон қилинади.

2010 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида БМТнинг саммити ўтказилиб, унда Мингйиллик тараққиёти мақсадларига белгиланган муддатда – 2015 йилгача эришиш бўйича ҳаракат режалари белгилаб олинди. БМТ Бош қотибининг мазкур саммитга тайёрлаган “Ваъдаларнинг бажарилиши” маърузасида МТМ мақсадларига фақат халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари соҳасида белгилаб қўйилган стандартларга риоя этиш орқали эришиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бу норма ва кадриятлар “ўзаро ҳамкорлик асосларини, жумладан, камситиш, самарали иштирок этиш ва масъулиятга тааллуқли инсон ҳуқуқлари тамойилларини таъминлайди”

Саммитда дунёда халқаро миқёсда эътироф этилган камбағаллик даражаси кунига 1,25 АҚШ долларидан кам ҳақ олувчи инсонларнинг сони 1990 йилдан 2005 йилгача 1,8 миллиард кишидан 1,4 миллиард кишига камайди. Ривожланаётган мамлакатларда жуда ҳам ночор аҳволда яшайдиганларнинг фоизи 46 %дан 27 %га камайди. Иқтисодий инкироз натижасида 2010 йилда тахминан 64 миллион киши қашшоқлик даражасига тушиб қолиши қайд этилган эди¹.

Бошланғич таълимни камраб олиш ўсиб бормокда ва ривожланаётган мамлакатларда 2008 йилда 89%ни ташкил этди. 1999 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда ўқувчиларнинг сони Африканинг Саҳрои Кабиридан жанубда жойлашган мамлакатларда 18 фоизга, Жанубий Осиё ва Шимолий Африкада эса, тегишли равишда 11 ва 8 фоизларга ошди.

Бирок, 2015 йилга бориб, барча ўғил ва киз болаларнинг бошланғич мактаб таълимини олиши учун ривожланиш кўрсаткичлари етарли эмас. 2008 йилда 69 миллион мактаб ёшидаги болалар мактабга боришмаган. Бу кўрсаткич 1999 йилда 106 миллионни ташкил этган. Бу болаларнинг қарийб тўртдан уч қисми Африканинг Саҳрои Кабири жанубида (31 миллион) ёки Жанубий Осиёда яшайди.

1990 йилдан буён тахминан 1,7 миллиард атрофидаги аҳоли хавфсиз ичимлик суви таъминотига эга бўлди. Шунга қарамай, жаҳонда 884 миллион киши хавфсиз ичимлик суви таъминотига муҳтож, 2,6 миллиард киши эса, хожатхона ва тозаловчи каби оддий санитар-техникавий қулайликларга эга эмас.

Саммитда 2010 йилга келиб, жаҳонда биотурфахилликни асраш бўйича вазифа ҳал қилинмаганлиги, ҳозирги тенденциялардан келиб чиқиб, биотурфахилликни йўқотиш XXI асрда ҳам давом этиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган эди.

¹ БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадлари бажарилиши тўғрисида батафсил маълумотларни БМТнинг расмий сайтида олиш мумкин: www.un.org.

2011 иил 19 декабрь куни ЫМТ Бош Ассамблеяси узининг ялпи мажлисида бир овоздан Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва ўқитиш тўғрисидаги БМТнинг декларациясини қўллаб-қувватлади ва бу билан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасида 2007 йилда бошланган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги янги халқаро стандартни ишлаб чиқиш жараёни тугади.

Декларацияда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тайёрлов ҳеч бир ёш ёки малакавий гуруҳлар нуктаи назаридан чекланиши мумкин эмас. Матнда бундай таълим – мактабгача, мактаб, ўрта ва олий таълимни қўшган ҳолда (3-модда, 1, 2-қисм) таълимнинг барча босқичларида ва бутун ҳаёт мобайнида давом этувчи ҳамда жамиятнинг барча ёшдагилари ва барча қатламларини камраб олиши лозимлиги тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилди. Педагог ходимлар – инструкторлар, ўқитувчилар ва давлатнинг мансабдор шахсларини тайёрлашнинг муҳимлиги алоҳида кўрсатиб қўйилди (3-модда, 3-қисм).

Декларациянинг 4-моддасига мувофиқ, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тайёрлов куйидаги мақсадларни кўзлайди:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида билимлар, тушунишларнинг ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг универсал нормалар ва принциплар, шунингдек, бу ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш мақсадида халқаро, минтақавий ва миллий даражадаги кафолатлар қабул қилишнинг даражасини ошириш;

ҳар бир инсоннинг бошқаларнинг ҳуқуқларига нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунишини кайд этган ҳолда инсон ҳуқуқларининг универсал маданиятини ривожлантириш, инсоннинг эркин, тинч, плюралистик ва инклюзив жамиятнинг масъулиятли аъзоси сифатида ривожланишига қўмаклашиш;

барча инсон ҳуқуқларининг самарали амалга оширилишига, бағрикенглик, камситилмаслик ва тенгликни рағбатлантиришга эришиш;

- камситишларсиз инсон ҳуқуқлари бўйича сифатли таълим ва тайёрловга имкониятни тақдим этиш йўли билан барча учун тенг имкониятларни таъминлаб бериш;

Инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва уларни сунистеъмом қилишни бартараф этишга қўмаклашиш ҳамда камситишлар, иркчилик, бидъатчилик ва бошқаларга нисбатан нафратни кўзғатувчиликнинг барча шаклларига қарши кураш.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва ўқитишнинг принциплари орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бу соҳадаги универсал халқаро шартномаларга суяниш (4-модда), камситмаслик

(5.1-модда), имконлилик (5.2.), жамият ва барча манфаатдор томонларнинг давлатнинг бошқарувчилик ролида иштирок этиши (7–10-моддалар), шунингдек, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва оғзаки маданият воситаларини жорий қилишнинг заруриятини (6-модда) алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимда “инсон ҳуқуқларининг универсаллигида қандай акс этган бўлса”, тамаддунлар, динлар, турли мамлакатларнинг маданиятлари ва анъаналарининг турфа хиллиги принципининг қўлланиши алоҳида аҳамият касб этмоқда (5.3-модда). Шу билан бир қаторда нафақат инсон ҳуқуқларининг универсаллик хусусияти тасдиқланмоқда, балки универсаллик кўриниши остидаги муайян давлатлар ёки тамаддунлар учун характерли бир томонлама талкин қилинишларнинг кенгайишига йўл қўймаслик тўғрисида ҳам билвосита хулоса қилинмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва ўқитишни рағбатлантириш ва таъминлашда бош ролни, кенг иштирокчилик, очиклик ва масъулиятлилик руҳида фаолиятини амалга ошириши лозим бўлган давлатга юкланади (7-модданинг 1-қисми).

Давлат, биринчи навбатда жараёнга иштирокчиларнинг иложи борича кенг қамровини – таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, хусусий сектор ва бошқа субъектларни жалб этиш учун хавфсиз ва қулай муҳит яратиши лозим (7-модданинг 2-қисми). Миллий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи муассасалар ҳам ўз ролларини ўйнаши лозимлиги кўрсатиб ўтилган (9-модда).

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг муҳимлиги ҳуқуқни қўллаш фаолиятига бевосита жалб этилган мансабдор шахслар (судьялар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари ва шу қабилар) учун алоҳида қайд этилган. Давлат номидан ҳаракат қилувчи хусусий тузилмаларнинг таркибини тегишлича тайёрлашнинг заруриятига алоҳида урғу берилди (7-модданинг 4-қисми). Бу давлат буюртмасини бажарувчи хусусий корхоналарнинг ходимлари томонидан содир этилаётган инсон ҳуқуқлари бузилиши ва суиистеъмолликларга нисбатан халқаро ҳамжамиятнинг ўзига хос жавоби бўлди.

Декларацияда халқаро даражада қилиниши лозим бўлган қатор қадамлар белгилаб қўйилди. Хусусан, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларга ўз таркибига инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тайёрловни тақдим этиш тавсия этилди (11-модда). Давлатлар ва халқаро ҳамкорликнинг бошқа субъектларига барча даражаларда тегишли дастурларни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларга қўмаклашиш

таклиф этилди (12-модда 1-, 2-қисмлари). Декларацияда, шунингдек, давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини бажариши устидан халқаро назоратининг муаммоси ҳам ўз аксини топди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва минтақавий механизмларга, ўз фаолиятида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг муаммоларини ҳисобга олиши, давлатларга бу соҳадаги чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотларни ўз ҳисоботларига қўшиши (биринчи ўринда Универсал даврий таҳлил ва инсон ҳуқуқлари соҳасида универсал халқаро шартномалар доирасидаги ҳисоботлар кўзда тутилмоқда) тавсия этилди.

Декларация инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқни ривожлантириш жараёнида муҳим воқеа бўлди. Унда, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва илгари суришнинг муҳим инструментларидан бири сифатида – инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тайёрловнинг асосий параметрлари белгилаб олинди ва концептуал ривожлантирилди. Ундан ташқари, давлатларга, нодавлат субъектлар ва халқаро ташкилотларга ҳаракат учун комплексли ва шу билан бир вақтда предметли тавсиялар берилди.

4. Глобаллашув ва XXI асрда инсон ҳуқуқлари ривожланишининг долзарб масалалари

XXI асрга келиб, инсон ҳуқуқлари масаласи халқаро ҳамжамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Унинг долзарб муаммога айланишига сабаб, биринчидан, ҳали давлатлар гомонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кўпол ва тизимли равишда бузилишлари давом этаётгани бўлса, иккинчидан эса, инсон ҳуқуқлари масаласи кўпинча баъзи давлатлар ташки сийёсатининг қуролига айланиб қолмоқда. Бунинг натижасида эса, инсон ҳуқуқлари бўйича “икки томонлама стандартлар”, “гуманитар интервенция” деган тушунчалар пайдо бўлмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги икки томонлама стандартларда, баъзи давлатлар (айниқса, АҚШ, айрим Европа мамлакатлари) ва халқаро ташкилотлар каби субъектлар, айрим ҳолларда бошқа мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар нормаларини қўллашда бир хил бўлмаган сийёсат юритишмоқда. Мисол учун, бундай ҳолатлар, сайлов тўғрисидаги халқаро нормаларни қўллашда, халқаро кузатувчиликда, шунингдек, сайлов натижаларини тан олишда, айниса, яққол кўзга ташланади.

Аксарият ҳолларда, янги ривожланиш йўлига ўтган, айниқса, ушбу ғарб давлатларига хайрихоҳ бўлмаган собик социалистик лагерда бўлган давлатлардаги сайлов натижаларини, сайлов қандай тарзда ўтишидан қатъи назар, эътироф этмаслик, халқаро стандартларга мувофиқ эмас, деб топиш ва айтиш шунинг ўзида, бошқа давлатларда эса, яъни Европа мамлакатларида ёки уларга хайрихоҳ давлатларда сайлов қонунийлиги нормалари оммавий бузилган ҳолларда ҳам, демократик ва қонуний ўтди, деб эътироф этиш ҳоллари, бундай давлат ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятига ишончсизлик билан қарашга ва ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларнинг турли хил талқин қилинишига олиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришда халқаро ҳамкорлик қатта аҳамият касб этади. Бу жаҳада Инсон ҳуқуқлари бўйича II-Бутунжаҳон конференцияси (Вена, 1993 й.) мамлакатлар учун муҳим воқеа ва йўл-йўриқ бўлди, унинг якуний ҳужжатларида инсон ҳуқуқини рағбатлантириш ва ҳимоялаш ишида асосий маъсулият давлатлар зиммасида эканлиги, яъни халқаро институтлар ва механизмлар ёрдамчи роль ўйнаши ҳақидаги қоида қайд этилган. Ҳар бир мамлакатдаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазият халқаро ҳамжамиятнинг сўзсиз ташвишга солишини эътироф этиб, Ўзбекистон, айтиш вақтда, унга нисбатан инсон ҳуқуқлари мавзусини сиёсийлаштиришга интилишлар ва “икки томонлама стандартлар” сиёсати мутлақо йўл қўйилмаслиги лозим, деб ҳисоблайди ва инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда универсаллик, бегаразлик, ҳолислик ва бир хилликни таъминлашга чақиради.

Таъкидлаш лозимки, БМТ Бош Ассамблеясининг 61-сессиясида қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича тенг ҳуқуқчилик ва ўзаро ҳурмат қилиш муносабатларини рағбатлантириш” тўғрисидаги 61/166-сонли Резолюцияни қабул қилишда Ўзбекистон ташаббускорлардан бири бўлди, унда “айрим мамлакатларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳақида сиёсий асосланмаган ва шовша-шошарлик билан қарорлар қабул қилишдан, бир-бирига қаршилик қилиш услублари, инсон ҳуқуқларидан сиёсий мақсадларда фойдаланиш ҳолларидан воз кечиш зарурлиги”га алоҳида урғу берилган ҳамда “инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро учрашувларда сиёсий, иқтисодий ва маданий хилма-хиллик мамлакатлар ўртасида барқарор ва дўстона муносабатларни ривожлантириш ҳамда халқаро учрашувларда тенг ҳуқуқчилик ва ўзаро ҳурмат қилиш” зарурлиги эътироф этилган.

Ҳозирги замон инсон ҳуқуқларидаги яна бир муаммо, бу масалан, “*гуманитар интервенция*” назарияси каби халқаро ҳуқуқда норматив асосда эътироф этилмаган доктриналардан айрим давлатлар томонидан ўз ташки сиёсатида фойдаланишдир. Ушбу муаммо, яъни “гуманитар интервенция”ни қўллашнинг ҳаққонийлиги турли хил халқаро конференцияларда, шу жумладан, Бутунжаҳон Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси конференцияларида ҳам муҳокама қилинган¹.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ фанида айрим олимлар томонидан гуманитар интервенцияни қўллаш мумкинлигига оид турли хил мезонлар илгари сурилмоқда ва улар жумласига куйидагилар киради:

1) инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилиши содир бўлишининг хавфи муайянлиги ёки унинг содир бўлиши;

2) мумкин бўлган тинч воситаларнинг барчасидан фойдаланиб бўлиниши ва натижа чиқмаганлиги;

3) давлатга инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилишини тўхтатишни талаб қилиб ультиматум тақдим этилган бўлиши кераклиги;

4) агар вақт етарли бўлса, давлат гуманитар интервенция давомида эришиладиган мақсадлари тўғрисида хабар бериши кераклиги;

5) агар Хавфсизлик кенгаши ҳаракатсизлик қилаётган бўлса, гуманитар интервенция қўлланилиши мумкин;

6) имконияти борича, унинг ҳудудига қўшин киритилиши учун давлатдан таклифнома олиш мақсадга мувофиқ;

7) ҳарбий кучни фақат қўпол равишда инсон ҳуқуқларининг бузилишига барҳам бериш мақсадида қўллаш лозим ва давлатнинг бошқа мақсадларида ишлатилиши мумкин эмас;

8) ҳарбий кучни қўллашда давлатнинг сиёсий ёки ижтимоий-иқтисодий тузумини ўзгартиришни, ҳукуматни ағдариш мақсадларини кўзламаслик керак;

9) “гуманитар интервенция” вақтида фақат мақсадга эришиш учун зарур бўлган миқёсда чекланган қўшин контингентини ишлатиш лозим;

10) қуроли кучларни чекланган вақтда қўллаш мумкин ва “гуманитар интервенция” ўз мақсадига эришгандан сўнг, қўшин ажнабий ҳудуддан чиқарилиши лозим². Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “гуманитар интервенция” тушунчаси бирор-бир халқаро ҳуқуқий ҳужжатда ўзининг аниқ таърифи ва ҳуқуқий мақомини олмаган. Бу фақат айрим давлатларда доктрина шаклида ишлатилмоқдаки, мазкур

¹ Law and Force in the New International Order. 1991. Boulder. – P. 113–142.

² Права человека. Учебник для вузов. /Под. ред. Лукяшева Е.А. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1999. – С. 504.

ҳолат ана шу давлатларнинг муайян давлатларга нисбатан сиёсатида жиддий қуролга айланмоқда. Масалан, гуманитар интервенция назарияси собиқ Югославия, Ироқ каби давлатлар ҳудудларига бостириб киришда АҚШ бошчилигидаги давлатлар учун таянч-асос вазифасини ўтади.

XXI асрда инсон ҳуқуқлари ривожига яна бир муҳим назарий ва амалий муаммолардан бири, бу “маданий релятивизм” муаммосидир.

Маданий релятивизм – бу шундай методологик кўрсатмаки, у айрим маҳаллий (локал) маданиятларга хос, кўзга яққол ташланиб турадиган тафовутларга асосланган ҳолда, универсал, умумбашарий кадриятлар ва тамойилларни рад этади. Маданий релятивизм инсон ҳуқуқларига татбиқан бу ҳуқуқлар Ғарб маданияти маҳсули ва шу сабабли уларни универсал деб ҳисоблаб бўлмайди, деган тасдиқда намоён бўлади¹.

Инсон ҳуқуқлари талқинидаги маданий релятивизм тарафдорлари орасида Осиё мамлакатлари, хусусан, Хитой ҳамда Эрон ҳуқуқшунослари ва сиёсатшунослари кўпчиликини ташкил этадилар. Улар мазкур методологик кўрсатмадан мамлакатларда инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги борасида, одатда, халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинаётган танқидга қарши далил сифатида фойдаланадилар.

Инсон ҳуқуқларини миллий психология ва маҳаллий хусусиятларга қараб талқин қилишнинг ҳар хил усулларини рад этадиганларнинг фикрига қўшилиш мумкин. Бундай талқинлар инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларини оқлашга хизмат қила бошлагунга қадар уларга йўл қўйса бўлади. Бинобарин, бундай талқинлар керак, акс ҳолда, маданий релятивизмдан бошқа тарафга – **ҳуқуқий идеализм** тарафига бутунлай оғиб кетиш мумкин, дейди А. Саидов².

XXI асрдаги инсон ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, бу унинг универсаллигидир. Турли-туман маданият ва анъаналар инқишоф этилган бу азалий дунёда инсон ҳуқуқларининг универсаллиги қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида норма ижодкорлиги изчил давом этаётган ва ҳали поёнига етмаган жараёндир. Инсон ҳуқуқлари ва бу соҳадаги халқаро нормалар келажакда қандай ривожланиши, авваламбор, давлатларнинг ўзига боғлиқ. Шу сабабли инсон ҳуқуқларининг универсаллигига олдиндан белгилаб қўйилган қандайдир мезон деб қарамаслик керак. Яъни, инсон ҳуқуқлари табиа-

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 179.
² Ўша жойда. – Б. 180.

тан барча инсонларга ва халкларга тегишли бўлса-да, улар халқаро норма ижодкорлигига асосланган, шу билан бир қаторда, миллий ва минтақавий хусусиятларнинг аҳамиятини ҳамда турли тарихий, маданий ва диний контекстларнинг моҳиятини инобатга олган ҳолда кўриб чиқилмоғи керак.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари сиёсий тараққиётнинг муайян бир даври ёки босқичига тааллуқли бўлмайди. Яъни, бу фақат соф Ғарбнинг маҳсули бўлиб қолмасдан, бошқа маданиятлар, анъаналар ва динларда ҳам инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларни ўзида акс эттирган ғоялар ишлаб чиқилган бўлиб, бу ғоялар замонавий инсон ҳуқуқларининг, яъни бу соҳадаги халқаро ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва такомиллаштирилишида катта ва асосий роль ўйнамоқда¹.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкин-ки, XXI асда, яъни глобаллашув янада жадал ривожланиб бораётган бир жараёнда, давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлиги масаласи уларнинг ҳам ички сиёсати, ҳам ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айлантормоқда. Шу билан бир қаторда, мазкур ҳолат бу масалада ҳам назарий ва шу билан боғлиқ ҳолда амалий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқдаки, бу муаммоларни ҳал этиш “Инсон ҳуқуқлари” фанининг ва мазкур фаннинг алоҳида соҳаси сифатида ажралиб чиқаётган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда.

Бугунги глобаллашув асрида энг муҳим муаммолардан бири *терроризмга қарши курашидир*. Терроризм ўз олдига инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни йўқ қилишни мақсад қилиб қўйган. У БМТ Устави ва бошқа халқаро шартномалар асосида бўлган кадриятларга, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга, ҳуқуқнинг устуворлигига, фуқаролар аҳолини химоя қилувчи уруш олиб бориш қоидаларига; халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги бағрикенгликка, можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга зарба беради.

Терроризм айрим инсон ҳуқуқлари, хусусан, яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва жисмоний дахлсизликни амалга ошириш имкониятларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Террористик ҳуружлар ҳукуматни нобарқарорлаштириши, фуқаролик жамиятини, тинчлик ва хавфсизликни бузиши, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнини хавф ости-

¹ Қарағ: Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 180–181.

га кўйиши ҳамда аҳолининг айрим гуруҳларига кучли салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг асосий ҳуқуқларини амалга оширишга бевосита таъсир қилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларда давлат ўз юрисдикцияси остидагиларни террористик хуружлардан ҳимоя қилишга ҳуқуқли ва мажбур эканлиги аниқ белгилаб кўйилган. Бу қонда ўз юрисдикцияси остидаги шахсларнинг инсон ҳуқуқларига тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиши билан боғлиқ бўлган давлатнинг умумий мажбуриятларидан келиб чиқади. Агар, янада аниқроқ қилиб айтилса, бу мажбурият давлат томонидан инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳамда хавфсизлигининг ҳурмат қилинишини кафолатлаш бўйича мажбуриятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

2005 йили Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Бутунжаҳон Саммитининг Яқунловчи ҳужжатида терроризм билан кураш олиб боришда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масаласи кўриб чиқилди ва терроризмга қарши кураш борасидаги халқаро ҳамкорлик БМТ Устави, тегишли конвенция ва протколларни қўшган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим, деб хулоса қилинди.

Чекланган ҳолларда, мисол учун, миллат ҳаёти хавф остига тушиб қоладиган давлатдаги фавқулодда ҳолат қондаларидагина давлат Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг айрим нормаларидан чекланиши тўғрисида қоралар кўриши мумкин. 4-моддада иштирокчи-давлат Пактда кўзда тутилган айрим мажбуриятларидан қонуний асосларда орқага қайтиши учун бажариши шарт бўлган формал ва мавжуд талабларни бажариши лозимлиги баён этилган. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро шартномаларда кўзда тутилган айрим инсон ҳуқуқларидан воз кечишга ҳаттоки, фавқулодда ҳолатлар даврида ҳам йўл кўйилмайди. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 4-моддаси 2-қисмида чекиниш мумкин бўлмаган ҳуқуқлар сифатида яшаш ҳуқуқи, қийноққа ёки шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога мустаҳик бўлмаслик ҳуқуқи, қуллик ва тобелик ҳолатини тақиклаш, шартномавий мажбуриятларни бажармаганлиги асос қилинган ҳолда озодликдан маҳрум қилишга дучор бўлмаслик ҳуқуқи, содир этилган пайтида жиноят ҳисобланмаган ҳаракат учун жазога тортилмаслик ҳуқуқи, ҳуқуқ субъектчилиги эътироф этилишига бўлган ҳуқуқ, шунингдек, фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги кўрсатиб ўтилган.

XXI асрга келиб, инсон ҳуқуқлари ва бизнес ўртасида ўзаро боғлиқлик янада кескинлашиб бормоқда. Бу боғлиқлик ишлаб чиқаришда, савдода ва умуман самарали бизнесни амалга оширишда, айниқса, жаҳон молиявий-иктисодий инкирози билан янада кучайди.

Савдонинг кўп томонлама тизими ва унинг асосий принциплари инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Икки тизим ҳам халқаро тинчлик сақлаб туриш ва янада барқарор халқаро муносабатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Савдонинг кўп томонлама тизими асосий принциплари ҳисобланмиш муомаланинг миллий режими ва миллатларнинг нисбатан қулайроқ режими шахсий эркинликка, камситишлардан холи, тенг имкониятлар ва қонунийликка риоя этилиши билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари масалалари ўртасида қандайдир умумийлик борлигини билдиради.

Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) кўра очик савдо иктисодий фаровонликни ошириш ва бандлик ёки таълимга имкон берувчи инсон ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароитлар яратиш орқали инсон ҳуқуқларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ишида муҳим роль ўйнайди. Меҳнат ва савдонинг бўлиниши орқали яратиладиган иктисодий фойдаларсиз инсон кадрлари ва дахлсизлигини кўзда тутувчи инсон ҳуқуқлари мақсадларини қафолатлаб бўлмайди. Шу билан бир қаторда, бу ўз ўзидан бўладиган жараён ҳисобланмайди, мавжуд қоидалар глобал тарзда адолатли ҳисобланади ва бунга риоя қилувчи барчанинг манфаатларига мос келади.

Савдонинг кўп томонлама тизими шароитларининг ўзгаришига ҳамда ЖСТнинг мандати билан қамраб олинувчи ривожланиш омилларининг устуворлигига мослашиш мақсадларида ЖСТ аъзолари 2001 йилда ривожланиш соҳасида Доха кун тартибини амалга оширишни бошлашди. Ўзгариш учун жуда муҳим бўлган аргумент иктисодий, ижтимоий ва экологик шароитларнинг ўзгариши ҳамда ривожланиш ва камбағаллик муаммоларини ҳал этишнинг зарурияти бўлди.

Глобаллашув ва умумжаҳон тенденциялари шароитларида охириги ўн йилликларда трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва бошқа корхоналар каби нодавлат тузилмаларнинг ҳам халқаро микёсдаги ҳам миллий ва маҳаллий микёслардаги аҳамияти ошиб бормоқда. Мазкур субъектларнинг ўсиб бораётган таъсири тижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқларига нисбатан роли ва масъулияти тўғрисидаги баҳс, мунозарани кучайтириб юборди.

Давлат ва алоҳида шахслар, шахслар гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга риоя этилиши бўйича масъулият анъанавий равишда ҳукуматлар зиммасида бўлган. Бирок, тижорат тузилмаларининг миллий ва халқаро даражадаги роли ошиб бориши билан БМТ бизнеснинг инсон ҳуқуқлари амалга оширилишига таъсири масаласини ўзининг кун тартибига қўйди. Охирги ўн йилликлар давомида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича механизми бизнеснинг инсон ҳуқуқларига нисбатан масъулият доирасини ҳамда тижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқларини амалга оширишга таъсир килувчи фаолиятининг оқибатлари учун жавобгарликка тортиш усулларини ўрганиш билан шуғулланди. Натижада бугунги кунда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳам ҳукуматнинг, ҳам бизнеснинг роли ва мажбуриятлари тўғрисида аниқроқ тасаввур шаклланди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитларида кўплаб компаниялар ўзининг ишлаб чиқариш қувватини ёпишга, штатдаги ходимларини, ишчи кучини, ойлик иш ҳақини, ижтимоий ҳимояни қискартиришга мажбур бўлдилар. Кимдир бундай мажбурий чораларни масъулият билан ва ҳар томонлама ўйлаган ҳолда қилишга ҳаракат қилмоқда, кимдир эса, конунчиликка риоя этмасдан, жабр кўраётган шахсларни ўйламасдан бундай ҳаракатни амалга оширмоқда. Бундай муомалага дуч келган ходимлар меҳнат ҳуқуқлари кўпол равишда бузилишини ҳис қилдилар ва масъулиятсиз компаниялардан ҳуқуқлари бузилмаслигини талаб қила бошладилар.

Қатор мамлакатлар ёки ТМКларда корпоратив омбудсман лавозими – фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган ва бизнес тузилма ходимлари ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бузилиши натижасида вужудга келувчи низоларни судгача ҳал қилиш учун тегишли ваколатлар берилган мансабдор шахс лавозими таъсис этилди. Бизнес-маданиятда инсон ҳуқуқлари масалаларини кундалиқ ишбилармонлик операциялар муаммоларининг қисми сифатида кўриб чиқиш концепцияси пайдо бўлди. Бу даврда компанияларда инсон ҳуқуқлари, хусусан, ёлланма ходимлар ва бизнес бўйича ҳамкорларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муомала ва махсус қоидаларни ўзида жамлаган корпоратив кодекслар пайдо бўлди.

Бу масалада инсон ҳуқуқлари ва бизнес соҳасидаги **“Ҳимоя, риоя этиш ва ҳимоя воситалари”** концепцияси муҳим аҳамият касб этади. Уни муҳим тадқиқотлар натижалари ҳамда барча манфаатдор томонлар, жумладан, давлатлар, фуқаролик жамияти ва ишбилармон ҳамжамият билан кенг кўламда маслаҳатлашгандан сўнг БМТнинг инсон ҳуқуқлари, трансмиллий корпорациялар ва бошқа корхоналар тўғрисидаги масалалар бўйича Махсус вакили ишлаб чиқди. 2011 йил 16 июнь куни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши БМТнинг **“Ҳимоя, риоя этиш ва ҳимоя воситалари”** концепциясини бажариш учун тадбиркорлик фаолиятининг инсон ҳуқуқлари жиҳатларини кўзда тутувчи Раҳбарий принципларни тасдиқлади. Бу билан ўтган барча давр учун корпорациялар фаолиятининг инсон ҳуқуқларига салбий таъсирига барҳам бериш ва уларни тугатишга қаратилган умумий стандартлар белгилаб олинди.

БМТнинг глобал шартномаси бизнеснинг ижтимоий масъулияти соҳасида илғор ихтиёрий лойиҳа ҳисобланади. У ишбилармон давраларнинг пешкадамларидан ўз фаолиятларида инсон ҳуқуқлари, меҳнат меъёрлари, атроф-муҳит, коррупцияга қарши кураш соҳаларига тааллуқли 10 та принципни тарқатиши ва қўлланишига эришиш мақсадида БМТ Бош қотиби томонидан 2000 йили илгари сурилди. Бугунги кунда кўплаб трансмиллий корпорацияларни қўшган ҳолда дунёнинг барча минтақаларидан минглаб компаниялар Глобал шартномага қўшилди.

Бу қадам Раҳбарий принципларни бизнес ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалиётда жаҳон стандарти сифатида белгилаб бердики, унинг ўзаро мувофиқ келиши барча давлатлар ва корпорациялардан кутилади. Улар юридик жиҳатдан мажбурий характерда бўлмаса-да, Раҳбарий принциплар давлат ва бизнес муносабатларида мавжуд стандартлар ва амалиётга асосланади, ўзида халқаро ва миллий ҳуқуқда кенг тартибга солинган масалаларни камраб олади.

Мазкур ҳужжат учта шарт-шароитни ўзида камраб олади:

- давлатнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаб бериш мажбурияти;
- инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича корпорацияларнинг масъулияти;
- ҳуқуқи бузилган шахсларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаларига янада кенг имкониятлар яратиб берилишининг зарурлиги.

Рахбарий принциплар 31 принципти камраб олган. Умуман олганда, рахбарий принциплар давлатнинг бизнес томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилинишига кўмаклашиши учун инсон ҳуқуқларининг бузилишига таҳдидларни назорат қилиш бўйича компанияларга модель сифатида тақдим этилади. Унда манфаатдор томонларнинг корпорациялар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилинаётганлигини баҳолаши учун мезонлар таклиф этилади.

Рахбарий принциплар тadbиркорлар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, давлатлар томонидан кўллаб-қувватланмоқда. Кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар рахбарий принципларни ўз стандартларида ақс эттирдилар ва бу жараён давом этмоқда. Жаҳондаги кўплаб компаниялар рахбарий принципларни ўз фаолиятида кўллаш имкониятларини кўриб чиқмоқда.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш масалалари 1996 йилдаги Давлат мансабдор шахслари ҳулки халқаро кодекси, 1996 йилдаги Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги БМТ Декларацияси, 2003 йилдаги Коррупцияга қарши БМТ конвенцияси¹, 2000 йилдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши БМТ конвенцияси² каби ҳужжатларида кўриб чиқилади.

Яна бир кескин муаммолардан бири сифатида жиноий одил судлов тизимида камокхоналардаги маҳкумларнинг сони тезлик билан ўсиб бормоқда. Камокхоналар тadbиротлари бўйича халқаро марказнинг маълумотларига кўра, дунёнинг барча мамлакатлари пенитенциар муассасаларида сақланаётганларнинг сони, маҳкум этилган ва судга ҳибда сақланаётганларни қўшган ҳолда 9,8 млн кишидан ортиб кетди. Мазкур марказ томонидан тайёрланган World Prison Brief (Дунёдаги камокхоналар тўғрисидаги маълумотлар) ҳужжатида ўрганиб чиқилган мамлакатларнинг 71 %ида (Африканинг 64 % мамлакатларида, Американинг 83 % мамлакатларида, Осиёнинг 76 % мамлакатларида, Европанинг 68 % мамлакатларида ва Океаниянинг 60 % мамлакатларида) камокда сақланаётганларнинг сони ўсган. 100000 аҳолига нисбатан камокдагиларнинг сони бўйича Ўлчанадиган камокда сақланаётганлар

1 Ўзбекистон Конвенцияни 2008 7 июлдаги ЎРК 158-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан ратификация қилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси. 2008 йил, 7-сон, 349-модди.

2 Ўзбекистон Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги 536-II сонли қарори билан ратификация қилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси. 2003 йил, 9-10-сон, 150-модди.

сонининг кўрсаткичи бўйича дунёнинг турли минтақалари ва бир минтақанинг турли қисмлари, мамлакатлар ичидаги турли қамоқхоналар бир-бирдан фарқ қилади. World Prison Brief маълумотларига қараганда, маълумотлар олинган 191 мамлакатнинг 114 тасида қамоқхоналарнинг тўлганлиги 100 %дан ошиб кетади (бу уларнинг тўлиб-ошиб кетганлигини билдиради). Бу мамлакатларнинг 16 тасида қамоқхоналарнинг тўлганлиги 200 %дан ошади ва 25 мамлакатда 150 %дан 200 %гачани ташкил этади.

“Халқаро қамоқхона ислохоти” ташкилотининг маълумотларига қараганда, Европадаги қамоқда сақланаётганларнинг сони қамоқхоналар расмий сиғимидан ўртача 30 фоиз ошганлигини, Америка Қўшма Штатларида қамоқхоналарнинг ўртача тўлдирилганлиги эса 107 фоизни ташкил этади. Бангладешда қамоқда сақланаётганларнинг сони қамоқхоналар расмий сиғимидан 288 фоиз ортиқ бўлиб, Жанубий Осиёда энг юқори кўрсаткичга эга. Қамоқхоналарда маҳбусларнинг кўпчилиги бўйича Кения биринчи ўринни эгаллайди, у ерда бу кўрсаткич 337 фоизни ташкил этади.

БМТ 50 йил мобайнида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий стандартларга жавоб берувчи жинойт одил судлов тизимининг шаклланишига ёрдам берувчи стандартлар ва нормаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Бундай стандартларга риоя қилиш қамоқда сақланаётганлар, уларнинг оилалари, қамоқхоналар тизими ва бутун жамият учун салбий оқибатларни келтириб чиқариш мумкин бўлган қамоқхоналарнинг тўлиб-тошиб кетиши ҳолатининг олдини олиши мумкин. Бундан ташқари, одил судлов тортишувига бўлган ҳуқуққа риоя қилмаслик дастлабки сақлаш жойларида бўлганлар ва маҳкум этилган шахслар ва шу билан бирга, қамоқхоналарда барча сақланаётганларнинг умумий сони ўсиб кетишига олиб келиши мумкин.

БМТнинг биринчи стандартлари ва нормалари қамоқда сақланаётганлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари ҳисобланади. Мазкур стандартларда қамоқда сақланаётганларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қондалар ва қамоқда сақлаш шароитларига минимал талаблар ўз аксини топган бўлиб, қамоқхона муассасасининг ҳаддан ташқари тўлиб кетганлиги билан уларга риоя қилиш муаммоларни туғдириши мумкин. Мазкур стандартлар қандай шаклда бўлишидан қатъи назар ушлаб турилган ёки қамоққа олинган барча шахслар ҳимоясининг принциплари мажмуини (Бош Ассамблеянинг 43/173-резолюцияси, иловаси) ва Қамоқда сақланаётганлар билан муомаланинг асосий принципларини (Бош Ассамблеянинг 45/111-резолюцияси,

иловаси) тўлдиради. БМТнинг бошқа ҳужжатларида қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чораларнинг муҳимлиги ҳамда қамоққа олиш ва судгача қамоққа олишни қўллашнинг имконияти фақат охириги чора сифатида қўлланиши, қамоқхонада сақланаётганларнинг сонини қисқартиришга ёрдам бериши қайд этиб ўтилади. (БМТнинг қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари (“Токио қоидалари”) (Бош Ассамблеянинг 45/110 резолюцияси, иловаси).

Бутун дунёда қамоқда сақланаётганларнинг сони ўсиши турли минтақалар ва турли мамлакатларда кўп сонли ва бир хил бўлмаган сабабларга боғлиқдир. Қамоқда сақланаётганларнинг сонига ижтимоий-иқтисодий омиллар ва чоралар, соғлиқни сақлаш бўйича ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва коммунал хизматларнинг борлиги ёки мавжуд эмаслиги, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича чоралар ва жиноятчилик билан курашда қамоқда сақлаш билан боғлиқ чораларнинг роли қандай эканлиги каби омиллар таъсир кўрсатади.

Қамоқда сақланаётганларнинг бошқа омиллар, мисол учун қамоққа олиш амалиётининг ҳаддан ташқари кўпроқ қўлланиши, коррупция, самарасиз ижтимоий сиёсат ва даромаднинг тенгсиз ўсиб бориши ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Қамоқхоналарнинг тўлиб кетиши қамоқхоналарнинг хавфсизлигига, ҳуқуқбузарларнинг ўзини самарали реабилитация қилишига ва БМТнинг қамоқда сақланаётганларнинг инсон ҳуқуқларига оид ҳужжатлари ва стандартларига риоя қилинишига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Бундай муассасаларнинг тўлиб кетиши соғлиқни ҳимоя қилишга имконият, меъёрадаги овқатланиш ва санитар-гигиеник хизматлар кўрсатилишга бўлган ҳуқуқ каби кўплаб ҳолларда инсон ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ахлоқ тузатиш муассасалари муаммоларини ҳал этиш бўйича чораларнинг самарадорлиги аниқ вазият ва ҳар бир давлат жиноий одил судловининг аниқ тизимига боғлиқ бўлса-да, бундай чоралар ҳар қандай ҳолатда ҳам давлатдаги жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жиноий одил судлов соҳасида комплексли стратегиянинг таркибий қисми бўлиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳимояси деганда нимани тушунасиз?
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг нима учун халқаро ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи эканлигини тушунтириб беринг.
3. Инсон ҳуқуқлари ва халқаро одат ҳуқуқининг ўзаро боғлиқлиги нимада?
4. Инсон ҳуқуқлари ва халқаро шартномалар ҳуқуқининг ўзаро боғлиқлигини изоҳлаб беринг.
5. Инсон ҳуқуқлари ва халқларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлигини қандай тушуниш мумкин?
6. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва ролини тушунтириб беринг.
7. Инсон ҳуқуқларига оид бутунжаҳон конференциялари ва уларнинг аҳамияти нимада?
8. Инсон ҳуқуқлари муаммосининг XXI асрга келиб жаҳон ҳамжамиятининг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиш сабабларини тушунтириб беринг.
9. "Гуманитар интервенция" нима ва у қандай талқин қилинмоқда?
10. "Маданий релятивизм" нима?
11. Бизнеснинг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича вазифалари нималардан иборат?
12. Инсон ҳуқуқларининг универсаллиги деганда нимани тушунасиз?

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати

1. Глушкова С.И. Права человека в России: теория, история, практика. Учебное пособие. – М.: Права человека, 2003.
2. Мюллерсон Р. Права человека: идеи, нормы, реальность. М.: 1991.
3. Бюргенталь Т. Международные права человека. – Алматы, 1999.
4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масьул муҳаррир А.Х. Саидов. –Т.: "Ўзбекистон", 2010. – 368 б.
5. Международное сотрудничество в области прав человека. – М.: 1993. Вып.2.

6. Общая теория прав человека. – М. НОРМА. 1996.
7. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.
8. Саидов А.Х.. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2001.
9. Саидов А.Х. Международное право прав человека. – М.: 2002.
10. Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика /Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2008. – С. 312.

5-маву. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўрни ва роли

1. БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумий фаолияти.
2. БМТнинг инсон ҳуқуқлари билан шуғуланувчи органлари.
3. БМТ Низомидан келиб чиқиб ташкил этилган органларнинг инсон ҳуқуқларига оид назорат функцияси.
4. БМТнинг инсон ҳуқуқлари доирасидаги шартномавий (назорат) органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари.
5. БМТнинг ихтисослашган ташкилотларида инсон ҳуқуқлари масаласи.

1. БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумий фаолияти

Халқаро универсал ташкилот сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тутган ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Ташкилот ўз фаолиятининг дастлабки пайтиданок инсон ҳуқуқлари масаласига катта эътибор қарата бошлади. Бугунги кунда ҳам, дунёдаги тинчлик ва хавфсизликнинг асосий кафолати ва жаҳондаги барча соҳаларда давлатларнинг ҳамкорлиги учун асосий мувофиқлаштирувчи бўлиб қолаётган БМТ фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи мазкур Ташкилот фаолиятининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб қолмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг энг ёрқин мисоли бўлган мазкур ташкилот тўғрисида мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов унинг 48-сессиясида шундай деган эди: *“БМТ – бу халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир”*¹

1945 йил 25 апрелдан 26 июнгача Америка Қўшма Штатларининг Сан-Франциско шаҳрида 50 та давлат вакиллари иштирокида Бирлашган Миллатларнинг конференцияси бўлиб ўтади. 1944 йил август ойида Хитой, СССР, Англия ва АҚШ давлатлари вакиллари томонидан қабул қилинган лойиҳа асосида ушбу Конференцияда Ташкилотнинг Низоми тасдиқланди.

50 та давлатдан сўнг 1945 йил 24 октябрда Польша давлатининг БМТ Низомини тасдиқлаши муносабати билан 51 та давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсисчилари бўлдилар. БМТ Низоми

¹ Каримов И.А. Биздан оғод ва обод ватан қолсин. Т.2. – Т. Ўзбекистон. 1996. Б. 47.

1945 йилнинг 24 октябрида таъсис этган кўпчилик давлатлар томонидан ратификация қилинган кундан бошлаб юридик кучга эга бўлди, яъни амал қила бошлади. Шундан буён 24 октябрь ҳар йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топган куни сифатида дунёнинг барча мамлакатларида нишонланади.

Муқаддима ва 111 та моддага бўлинган 19 та бобдан иборат бўлган БМТ Низомида унинг мақсад ва тамойиллари, аъзолари, таркиби, вазифа ва ваколатлари, овоз бериш тартиби ва шартлари, асосий органлари, уларнинг вазифа ва ваколатлари, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва бошқа ташкилот фаолиятига доир масалалар алоҳида моддаларда баён қилиб берилган.

БМТ Низомининг Муқаддимаси. Муқаддимада барча халқлар ва давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бирлашиш сабаблари, тамойиллари ва мақсадлари баён этилган.

Унда БМТга бирлашаётган халқлар инсоният тарихида бўлган урушлар инсониятга қанчадан-қанча офатлар олиб келишини кўрганлиги ва бундан буён бу халқлар ҳам ушбу Ташкилот аъзолари билан биргаликда урушга қарши курашажаклари баён қилинган. Шунингдек, инсон ва унинг ҳуқуқи, эрки учун курашиш, эркак ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг тенглиги, катта ва кичик миллатларнинг тенглиги, демократия ва гуманизм ғояларини тарғиб этиш, эркинлик, озодлик, тенглик муносабатларини давлатлар ўртасида ривожлантириш сингари мақсад ва тамойиллар ҳам Муқаддимада ўзининг аниқ ифодасини топган. БМТ ўз Низомининг Муқаддимаси орқали турли халқлар ва давлатларнинг умумий тараққиёт учун олиб борадиган курашини бутун дунёга маълум қилди. Бинобарин, унда ана шу эзгу ишларни, ғояларни амалга ошириш учун курашга жаҳондаги барча халқлар ва давлатлар даъват этилди.

Муқаддимада давлатлар ўртасида тузилган шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни эътироф этиш ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, турли давлатлар ва халқларнинг яхши қўшнилар каби тотув ва аҳил яшашлари, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш йўлида бирлашишлари лозимлиги қайд қилинди¹.

БМТ Низомида эълон қилинган *мақсад ва тамойиллар* сифатида қуйидагилар эълон қилинди:

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро суд Статути. Т БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002. Б. 3.

Мақсадлар:

- халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва шу мақсадда тинчликка таҳдиднинг олдини олиш, уни бартараф этиш ва тажовузкорона ҳаракатлар ёки тинчликка раҳна солувчи бошқа ҳаракатларни бостириш учун биргаликда самарали чоралар кўриш ҳамда адолат ва халқаро ҳуқуқ тамойилларига асосланган ҳолда тинчлик воситаларидан фойдаланиб, тинчликнинг бузилишига олиб келувчи халқаро низо ёки вазиятларни тинчитиш ёки ҳал этиш;

- халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилини ҳурмат қилиш асосида миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ҳамда ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун бошқа тегишли чораларни кўриш;

иктисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда ҳамда инсон ҳуқуқларига ва барчанинг ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар, асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

шу умумий мақсадларга эришишда миллатлар ҳаракатини мувофиқлаштириш маркази бўлиш.

Тамойиллар:

- Ташкилот ўзининг барча аъзоларининг суверен тенглиги тамойилига асосланиши;

- Ташкилотнинг барча аъзолари уларнинг ҳаммаларини Ташкилот аъзолари таркибига мансубликдан келиб чиқадиган барча ҳуқуқ ва имтиёзлар билан таъминлаш учун ушбу низом бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини виждонан бажариши;

Ташкилотнинг барча аъзолари халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни таҳдид остига қўймаслик учун ўзларининг халқаро низоларини тинчлик воситалари билан ҳал қилиши;

Ташкилотнинг барча аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан, шунингдек, БМТ мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирон-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тийишлари кераклиги;

- Ташкилотнинг барча аъзолари унга ушбу низомга мувофиқ амалга ошираётган барча ҳаракатларида ҳар томонлама ёрдам беришлари ва БМТ томонидан қайси давлатга қарши огоҳлантирувчи ёки мажбурловчи характердаги ҳаракатлар амалга оширилаётган бўлса, бундай давлатга ёрдам кўрсатишдан ўзларини тийишлари керак;

- Ташкилот ўзига аъзо бўлмаган давлатларнинг ана шу тамойиллар асосида ҳаракат қилишларини таъминлаши керак, зеро, бу халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш учун зарурдир;

- Низом БМТга ҳар қандай Давлатнинг аслида ички ваколатига кирадиган ишларига аралашиш учун асло ҳуқуқ бермайди ва БМТ аъзоларидан бундай ишларни ушбу низом доирасида ҳал этишга киритишни талаб этмайди.

БМТ аъзолари. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳар қандай тинчликсевар давлат ўз ихтиёрига биноан унинг Низомини тан олган ва БМТнинг олиб бораётган ишларини қўллаб-қувватлаган тақдирда, аъзо бўлиши мумкин.

Аъзоликка янги давлатлар Ҳавфсизлик Кенгашининг тавсиясига кўра Бош Ассамблея томонидан қабул қилинади. Масалан, Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда Бош Ассамблея томонидан БМТга аъзо этиб қабул қилинди. Низомда БМТнинг тамойилларига амал қилмаган давлатларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиш ёки уни умуман аъзоликдан маҳрум этиш белгиланган. Аммо, бугунга қадар ҳали бирор-бир мамлакат ундан чиқарилган эмас.

БМТ тизими. БМТ Низомининг 7-моддасига кўра, БМТнинг органлари асосий органлар ва ёрдамчи органларга бўлинади. Унинг асосий органлари ва уларнинг вазифа ва ваколатлари Низомда кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, БМТнинг олтита асосий органи мавжуддир: Бош Ассамблея, Ҳавфсизлик кенгаши, Иктисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши (ҳозирги пайтда фаолиятини тўхтатган), Халқаро суд, Котибият. БМТ фаолиятини мувофиқлаштиришда бу органларнинг роли ва аҳамияти каттадир. БМТ ўзининг бутун фаолиятини ана шу идоралар ёрдамида амалга оширади. Улар бир-бирларининг ишларини айнан такрорламаган ҳолда иш юритадилар. Мазкур органлар ўз фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш масалалари билан тегишлича шуғулланадилар. БМТнинг ёрдамчи органларига эса, унинг асосий органлари фаолиятига қўмаклашувчи кўп сонли турли қўмиталар, комиссиялар ва бошқа номдаги турли органларни киритиш мумкин.

БМТ тизимига унинг Низомида кўрсатиб ўтилган асосий ва ёрдамчи органларидан ташқари, БМТдан мустақил бўлган, аммо Низомнинг 57-моддасида кўрсатиб ўтилган ихтисослаштирилган ташкилотлар¹ ҳам

¹ БМТнинг "ихтисослаштирилган ташкилотлари", кўпинча, адабиётлар ва халқаро ҳужжатларда "ихтисослаштирилган муассасалар" деб ҳам юритилади. Аммо, бундай икки хил номланиш уларнинг мақоми, мазмуни ва моҳиятига таъсир кўрсатмайди.

киради¹. Умуман олганда, БМТ тизими бу органлар, жамғармалар, ихтисослаштирилган ташкилотлар каби турли номлардаги 50 га яқин мураккаб тузилмалардан иборат ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид БМТ фаолияти тўғрисида гапирилганда, авваламбор, БМТнинг бу соҳадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларига тўхталиб ўтиш лозимдир.

БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолият йўналишларининг катта қисми унинг халқаро-ҳуқуқий нормалар яратиш борасидаги норма ижодкорлиги фаолиятида ўз ифодасини топади. Ташкилот доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган декларация, конвенциялар, хартия ва битимлар қабул қилинган бўлиб, уларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойиллари ва меъёрлари мустаҳкамланган.

БМТнинг бундай халқаро ҳужжатлари 80 дан ортиқ бўлса-да, уларнинг ичида инсон ҳуқуқларининг умумий масалаларини тартибга солувчи куйидаги энг муҳим ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш жоиздир:

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси;

1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт;

1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт;

1948 йилда қабул қилинган Геноцид жиноятларининг олдини олиш ва уни содир этганлик учун жазолаш тўғрисидаги конвенция;

1951 йилда қабул қилинган Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция;

- 1965 йилда қабул қилинган Ирқий камситишнинг барча шакллари-ни бартараф этиш тўғрисидаги конвенция;

1979 йилда қабул қилинган Аёлларни камситишнинг барча шакллари-ни бартараф этиш тўғрисидаги конвенция;

- 1984 йилда қабул қилинган Қийноқларга ва бошқа инсонийликка ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига қарши конвенция;

1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция².

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ниъоми ва Халқаро суд Статутини. Т. БМТнинг Ўзбекистондан ахборот маркази, 2002. Б. 31-32.

² Саидов А.Х. Международное право прав человека. М. 2002. С. 98.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти мазкур халқаро ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади. Шунингдек, БМТнинг асосий органлари Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳамда Халқаро суд инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда мазкур халқаро ҳужжатларга таяниб иш кўради. Масалан, Бош Ассамблея инсон ҳуқуқлари соҳасида резолюциялар қабул қилиш орқали аъзо-давлатлар эътиборини ушбу муаммоларга қаратади ва бу борада ҳамкорлик қилишга даъват этади.

БМТ ташкил топиши ва унинг Низомининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтарди. БМТ Низоми халқаро муносабатлар тарихида инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг халқаро ҳамкорликка асос солган биринчи универсал халқаро шартнома эди.

1945 йилда БМТ Низомининг қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойили сифатида ривожланди. Бироқ, БМТ Низомида мазкур тамойил аниқ кўрсатиб ўтилмаган эди. Шундай бўлса-да, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили Низомнинг 1-моддаси моҳиятидан келиб чиқади.

Халқаро-ҳуқуқий адабиётларда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилини ривожлантирувчи ва аниқлаштирувчи халқаро-ҳуқуқий қондалар, одатда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар деб юритилади. Мазкур халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлар инсонга муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар берибгина қолмай, балки бу ҳуқуқларни берган давлатнинг ўзи ҳам бундай ҳуқуқ ва эркинликларни бузмаслик мажбуриятини олганлигини аниқлатади.

БМТ ва унинг ихтисослашган муассасаларининг фаолияти шуни кўрсатмоқдаки, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

биринчидан, инсоннинг ҳар қандай ҳуқуқлари, унинг ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар, барча давлатлар томонидан ҳурмат қилиниши ҳамда уларга рўя этилиши лозимлиги борасида умумий тавсиялар ишлаб чиқиш;

иккинчидан, давлатлар зиммасига юридик мажбурият юқловчи халқаро универсал шартномалар ишлаб чиқиш;

учинчидан, давлатлар томонидан халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш механизмини яратиш.

Маълумки, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва тамойиллари давлатларнинг миллий қонунлари орқали амалга оширилади. XX асрнинг иккинчи ярмигача халқаро нормаларнинг бажарили-

шини назорат қилиш амалда давлатларнинг ўзлари томонидан амалга оширилган. БМТ Низоми қабул қилингандан сўнг бу ҳолат ўзгарди. Давлатлар томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни кузатиш бўйича халқаро назорат механизми барпо этилди.

2. БМТнинг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи органлари

Юқорида кўриб ўтганимиздек, БМТ тизими жуда ҳам мураккаб бўлган халқаро ташкилотлар, жамғармалар, органлар, кўмиталар, комиссиялар ва бошқа тузилмалардан иборатдир. Аммо, уларнинг барчаси ҳам инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи билан бевосита шуғулланмайди. Аммо мазкур тизим ичида инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи органлар тизими шаклланган.

БМТнинг асосий органлари ҳам, ёрдамчи органлари ҳам у ёки бу даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишга тааллуқли масалалар билан шуғулланадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, БМТ Низомининг 13-моддасига биноан, Бош Ассамблеянинг вазифаси асосан ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини уюштириш ҳамда тавсиялар беришдан иборат. Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари муаммоларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш ишларини, одатда, Бош Ассамблеянинг топшириғига биноан Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ҳамда унинг ёрдамчи органлари, ихтисослаштирилган муассасалар ва БМТ Бош қотиби бажаради.

Бош Ассамблея инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз вазифаларини бажариш учун, БМТ Низомининг 22-моддасига биноан, заруратга қараб турли ёрдамчи органларни таъсис этиш ваколатига эга.

Бош Ассамблеянинг ижтимоий ва гуманитар масалалар ҳамда маданият масалалари мутасаддиси бўлган *Учинчи қўмитаси* ва бошқа баъзи қўмиталар ҳам инсон ҳуқуқлари муаммолари билан шуғулланиб келмоқдалар. Улар томонидан қабул қилинган қарорлар Бош Ассамблеянинг ялпи мажлисларида муҳокама этилиши ва тасдиқланиши лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазифалари бажарилиши учун Бош Ассамблея билан бир қаторда Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ҳам масъулдир. Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ масалалар, одатда, БМТ Бош Ассамблеясининг кун тартибига айнан Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш маърузаларининг тегишли бўлимлари ҳамда Бош Ассамблеянинг аввалги сессияларида қабул қилинган қарорлар асосида киритилади. Бундай масалалар БМТнинг бошқа органлари, шунингдек, мазкур Ташкилот-

га аъзо-давлатлар ва БМТ Бош котиби томонидан ҳам тавсия этилиши мумкин¹.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ўз фаолиятини сессиялар даврида ишлайдиган қўмиталар Иқтисодий, Ижтимоий ва Мувофиқлаштирувчи қўмиталар ёрдамида олиб боради. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳужжатларни Ижтимоий қўмита тайёрлайди. Ижтимоий қўмитанинг маърузалари Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг ялпи мажлисларида тасдиқланади.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, бундан ташқари, ўз фаолиятининг талайгина қисмини инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларга бағишлайдиган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ва бошқалар билан БМТ номидан битимлар тузади. Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш маслаҳатлашувлар ўтказиш ва тавсияномалар ишлаб чиқиш йўли билан бу борадаги ишларни умумий тарзда мувофиқлаштириб боради.

Шуниси эътиборлики, БМТ Низомининг 68-моддасида Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ўз ишига тааллуқли масалалар, шу жумладан, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш масалалари бўйича комиссиялар тузиши мумкинлиги назарда тутилган. Шунга мувофиқ, 1946 йилда бирийўла иккита комиссия, яъни Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия (2006 йилдан кейин Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш) ва Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссия тузилган. Бу комиссиялар БМТ Бош Ассамблеясининг Учинчи қўмитаси билан биргаликда инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалалар юзасидан асосий ишларни олиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия инсон ҳуқуқлари соҳасини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини ўтказиб, бу соҳадаги ишларни янада яхшилаш ва инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада самаралироқ таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган тавсиялар берган, ахборотлар тарқатган бўлса, 2006 йилдан унинг ўрнига ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга янада кенгрок ваколатлар берилди. Қайд этиш керакки, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш доирасида ташкил этилиб, унинг топшириқларини бажариб келган бўлса, Инсон ҳуқуқлари кенгаши эса, Бош Ассамблеянинг ёрдамчи органига айланттирилди. Бу органнинг ваколати ва фаолияти гўгтрисида қуйида батафсил тўхталиб ўтамыз.

¹ Сандов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. Б.149.

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия кўпгина халқаро ҳужжатларни, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларни ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия томонидан 1947 йилда, ўз навбатида, Камситишларнинг олдини олиш ва кам сонли миллатларни ҳимоя этиш бўйича кичик комиссия тузилган.

Хотин-қизлар аҳволи бўйича Комиссия Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия каби, резолюциялар чиқаришга, шунингдек, қабул қилиши учун уларни Иктисодий ва ижтимоий кенгашга ва у орқали Бош Ассамблеяга тавсия этишга ваколатли ҳисобланади¹

Инсон ҳуқуқлари масалаларини Бош Ассамблея, Иктисодий ва ижтимоий кенгаш ҳамда унинг ёрдамчи органлари билан бир қаторда Хавфсизлик кенгаши, Васийлик кенгаши ва БМТ Халқаро суди сингари БМТнинг асосий органлари ҳам ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқадилар ва муҳокама этадилар.

БМТ қарорларини ҳамда унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги органлари вазифаларини амалга оширишда БМТ Котибиятининг муайян ўрни бор. БМТ Котибияти таркибида инсон ҳуқуқлари бўлими ташкил этилган ва у БМТнинг асосий ҳамда ёрдамчи органларига зарур ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур бўлинма зиммасидаги вазифалар жумласига инсон ҳуқуқлари бўйича нашрларни тайёрлаш ва бошқа қатор масалалар ҳам қиради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Бош Ассамблеянинг 1955 йил 14 декабрда қабул қилинган резолюциясига мувофиқ, Бош қотиб ҳукуматларнинг илтимосига жавобан инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасида қуйидаги шаклда ёрдам кўрсатиш ваколатига эга:

- а) экспертлар кўмагида маслаҳат йўналишидаги хизматлар кўрсатиш;
- б) семинарлар ўтказиш;

в) инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалалар бўйича ихтисослашишни рағбатлантирувчи стипендиялар бериш.

Вена декларациясига асосан, БМТнинг Бош Ассамблеяси 1993 йилда Инсоннинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича Олий комиссар лавозимини таъсис этиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Ана шу резолюцияга мувофиқ, Олий комиссар БМТ Бош қотиби томонидан тайинланади ва унинг ўринбосари ҳисобланади. Олий комиссар бевосита Бош қотибга бўйсунди, ўз фаолияти ҳақида Бош Ассамблея олдида ҳисобот бериб боради.

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. - Б. 150-151.

БМТнинг органлари хусусида хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда БМТ доирасида, инсон ҳуқуқлари бўйича мураккаб институционал тизим шаклланган.

3. БМТ Низомидан келиб чиқиб ташкил этилган органларнинг инсон ҳуқуқларига оид назорат функцияси

Ҳозирги даврда БМТ тизимидаги ўнлаб турли органлар халқаро шартномаларга риоя қилиш юзасидан назоратни амалга оширади. Улар давлатларнинг ўз мажбуриятларини бажариши юзасидан тақдим қиладиган маърузаларини ҳамда хусусий шикоятларни кўриб чиқади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш БМТ фаолиятидаги энг муҳим муаммо бўлиб, унинг ечимининг самарали йўллари излаб топишни ҳаётнинг ўзи такозо қилмоқда. Ушбу долзарб муаммонинг ечими универсал ва минтакавий даражада халқаро ҳамкорликнинг ривожланиши, давлатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, халқаро-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш ва уларнинг самарали бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ. БМТ инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида куйидаги вазифаларни амалга оширади:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши;

иккинчидан, давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари борасидаги ўз мажбуриятларини бажаришлари юзасидан назорат олиб бориш;

учинчидан, техникавий-гуманитар ёрдам бўйича ахборотлар бериш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ механизмлари унинг Низоми асосида (низомий) ишлайдиган механизмларга ва халқаро шартномалар асосида ишлайдиган механизмларга бўлинади. Биринчиси БМТ Низоми коидалари асосида ташкил этилган бўлса, иккинчиси эса, инсон ҳуқуқлари бўйича турли халқаро шартномаларга мувофиқ ташкил этилган. Низом бўйича ташкил этилган органларга куйидаги органлар кирди: Бош Ассамблея, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва улар қошида ташкил этилган ёрдамчи органлар.

Низомий механизмлар – бу, БМТ аъзо-давлатларининг ҳукуматлари вакилларидан иборат бўлган сиёсий органлар ҳисобланади. Улар бир вақтнинг ўзида бир неча муаммоли соҳаларни ўзига жамловчи ва бутун жаҳонда инсон ҳуқуқлари бўйича ҳолатни ўрганадиган кенг камровли мандатларга эгадир. БМТнинг барча аъзо-давлатлари – уларнинг мумкин бўлган “мижозлари” ҳисобланади.

Бош Ассамблея. БМТ Низомининг 13-моддасига мувофик, Бош Ассамблеянинг асосий вазифаларидан бири “ иктисодий, ижтимоий, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ирки, жинси, тили ва динини ажратмаган ҳолда амалга оширишга кўмаклашиш” мақсадида инсон ҳуқуқлари масалаларини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини уюштириш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. БМТ Бош Ассамблеяси инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалаларнинг каттагина қисмини кўриб чиқиш ва муҳокама этишда ихтиёрни Бош Ассамблеянинг ижтимоий, гуманитар ва маданият масалалари билан шуғулланувчи Учинчи кўмитасига ўтказишни лозим топган¹

Бош Ассамблея инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциялар, декларациялар ва турли резолюциялар қабул қилади. Масалан, Бола ҳуқуқлари бўйича конвенция 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган. Декларация ва резолюциялар мамлакатларга ҳуқуқий мажбуриятлар юкламайди, аммо улар бир овоздан қабул қилинган бўлса, муайян давлатларга каттик таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай резолюциялар кейинчалик халқаро одат ҳуқуқи сифатида шаклланиши мумкин. Ундан ташқари, Бош Ассамблея БМТ бошқа органларининг ҳисоботларини қабул қилади ва кўриб чиқади: масалан, Бола ҳуқуқлари бўйича кўмита.

БМТнинг барча аъзо-давлатлари иштирок этадиган Бош Ассамблея сессияси, одатда, ҳар йили бир марта ўтказилади, сессия Нью-Йорк шаҳрида сентябрь ойининг учинчи ҳафтасида бошланади ва декабрда давом этиши мумкин. Ассамблеяда кўрилиши керак бўлган масалалар жуда кўп бўлгани учун ҳам, бир қатор масалалар унинг олтига Асосий кўмитаси томонидан кўриб чиқилади. Ушбу кўмиталар турли хил муаммолар билан шуғулланидилар, инсон ҳуқуқлари масалалари эса, унинг учинчи кўмитасига – ижтимоий, гуманитар ва маданий масалалар билан шуғулланувчи кўмитасига тегишлидир.

Бош Ассамблеянинг сессияларида, инсон ҳуқуқларининг турли масалалари тўғрисида резолюциялар қабул қилинади. Масалан, Бош Ассамблеянинг 1997 йилдаги 52-сессиясида қабул қилинган резолюциясида қуйидаги масалалар камраб олинган эди: Бола ҳуқуқлари бўйича конвенцияни амалга ошириш; бола ҳуқуқлари; инвалид болалар; болалар савдоси ва уларни сексуал эксплуатация қилиш (жумладан, болалар билан фоҳишабозлик ва болалар порнографиясининг ҳам)нинг олдини олиш ва бунга барҳам бериш; қуроли можаролардаги болалар; қочқон болалар ва ички репатриантлар; болалар меҳнати ва кўча болалари.

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr. 2006. Б. 152.

Иктисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) БМТнинг иктисодий ва ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштириш учун Бош Ассамблеяга бўйсунувчи халқаро ҳукуматлараро орган сифатида таъсис этилган. У иктисослаштирилган 14 та муассаса, функционал комиссиялар ва 5 та минтақавий комиссия фаолиятини мувофиқлаштиради. ЭКОСОС куйидаги масалалар учун масъул ҳисобланади:

- юқори турмуш даражасини, тўлиқ иш билан бандликни, иктисодий ва ижтимоий таракқиётни таъминлаш;

- халқаро иктисодий, ижтимоий ва соғлиқни саклаш муаммоларини ҳал қилиш йўлларини аниқлаш;

- маданий ва таълим соҳаларида халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш;

- асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини рағбатлантириш¹

Кенгаш иктисодий, ижтимоий, маданий, таълим, тиббиёт ва унга алоқадор масалаларда тадқиқотлар олиб боради, халқаро конференциялар чақиради, лойиҳалар тайёрлайди ва Бош Ассамблеяга тақдим этиш учун конвенциялар лойиҳаларини тайёрлайди. У, шунингдек, ушбу масалаларда Бош Ассамблеяга, БМТнинг аъзо-давлатларига ва иктисослашган ташкилотларига тавсиялар беради. БМТ Низомига биноан ЭКОСОС инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя этишни ва ҳурмат қилишни таъминлаб беради.

БМТ Низомининг 62-моддасига биноан, Иктисодий ва ижтимоий кенгаш инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳурмат қилиниши ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириш максатида тавсиялар бериши мумкин. Мазкур Кенгаш Бош Ассамблеяга тақдим этиш учун конвенцияларнинг лойиҳаларини тайёрлаши ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференциялар чақириши мумкин. БМТ Низомининг 68-моддасига мувофиқ, Кенгаш “иктисодий ва ижтимоий соҳаларда ҳамда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш бўйича комиссиялар тузади” Иктисодий ва ижтимоий кенгаш инсон ҳуқуқлари масалаларида ёрдам кўрсатишни кўзлаб Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия, Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссия, Ижтимоий, иктисодий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита таъсис этган².

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш миллий гизими. /Муаллифлар жамоаси: А.Саидов, Ф.Бакаева, К.Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. Т “O‘zbekiston”, 2010. -Б.252

² Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 152.

Ўз фаолиятини (яъни, иктисодий ва ижтимоий соҳаларда) олиб бориши учун ЭКОСОС ёрдамчи органлар – кўмиталар ва комиссиялар тузиши мумкин. Уларнинг ичида инсон ҳуқуқлари соҳасида энг муҳими – 1946 йилда ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиядир. Ушбу орган бугунги кунда ўз фаолиятини тугатиб, унинг ўрнига 2006 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш сифатида қайта ташкил этилган.

Йилдан-йилга ЭКОСОС ўзининг инсон ҳуқуқлари соҳасида муҳим орган эканлигининг аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Бошида у инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол роль ўйнади, аммо кейинчалик мувофиқлаштириш ва назорат соҳасида кўпроқ майда масалаларга мурожаат қилиб борди. Бугунги кунда ЭКОСОС Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш (аввалги Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия)нинг Бош Ассамблея олдида ҳисобдорлиги сабабли, унинг ҳисоботини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун хизмат қиладиган оралик орган бўлиб қолди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш (2006 йилгача – Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия¹). Мазкур орган юқорида таъкидлаганимиздек, Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия шаклида Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан 1946 йилда таъсис этилган бўлиб, 53 та аъзо-давлат вакилларида ташкил топган. Комиссия ўз сессиясини ҳар йили олти ҳафта мобайнида ўтказган. Комиссия ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини олиб борган, инсон ҳуқуқлари бўйича тавсияларни ҳамда халқаро ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаган, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси ҳамда Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг махсус топшириқларини бажарган.

Инсон ҳуқуқлари Кенгаш, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси ўзларининг ҳар йилги сессияларида инсон ҳуқуқларини кўпол тарзда ва мунтазам равишда бузиш ҳоллари билан боғлиқ воқеалар ва амалиётни муҳокама этиб борадилар. Агар муайян бир мамлакатдаги ёки муайян бир амалиётдаги аҳвол ташвиш уйғотаётган бўлса, бу органлар мустақил ва ҳолис экспертлар гуруҳи (ишчи гуруҳи) ёки алоҳида шахс (махсус маърузачи) томонидан бу борада текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Ана шу махсус органларга Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва БМТ Бош Ассамблеясига маърузалар тақдим этиш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан

¹ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ислоҳ қилиниб, 2006 йилдан бошлаб БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига айлантирилган. Мазкур Кенгаш тўғрисида қуйида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз ва Кенгаш фаолиятини тўлароқ тушуниш учун Комиссия олиб борган фаолиятни ҳам таҳлил қилиб ўтиш керак бўлади.

ташқари, алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки жамоаларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, чоралар кўриш ваколати ҳам берилган. Масалани дарҳол, сира кечиктирмай ўрганиб чиқиш ва текшириш талаб этилади-ган алоҳида ҳолларда махсус маърузачи ёки ишчи гуруҳи хавф таҳдид солаётган айрим шахс, гуруҳ ёки жамоани муҳофаза этиш мақсадида тегишли ҳукуматлар билан ҳатто бевосита учрашиши ва мулоқотга киришиши мумкин.

Жанубий Африкада инсон ҳуқуқлари бўйича махсус ишчи гуруҳ (1967 йилда тузилган) ана шундай дастлабки орган бўлди. Мазкур гуруҳ, шунингдек, босиб олинган ҳудудларнинг аҳолисига нисбатан Исроил ҳаракатларининг инсон ҳуқуқларига тааллуқли жиҳатини текшириш бўйича махсус кўмита (1968 йилда ташкил этилган) ҳозирга қадар фаолият кўрсатиб турибди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия айрим мамлакатларда таъсис этган инсон ҳуқуқлари бўйича махсус органлар фаолиятини, ўша мамлакатларда инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳвол яхшилангач, тугатган.

1980 йилдан кейин Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия инсон ҳуқуқларини кўпол тарзда бузиш билан боғлиқ амалиётни бутун жаҳон миқёсида ўрганиш ҳамда шу муносабат билан тегишли чоралар кўриш мақсадида бир нечта махсус органлар таъсис этган. Бу органларга, таъбир жоиз бўлса, йўналиш мавзусига қараб ваколат берилган эди. Ҳозирги вақтда шундай гуруҳлардан иккитаси ишлаб турибди. Буларнинг биринчиси – ғайририхтиёрий равишда ёки зўрлик ишлатиш натижасида шахсларнинг ғойиб бўлиб қолиши тўғрисидаги масала билан ва иккинчиси эса – шахсларни ўзбошимчалик билан ушлаб туриш тўғрисидаги масала билан шуғулланувчи ишчи гуруҳ.

Йўналиш мавзусига қараб кўплаб махсус маърузачилар тайинланган бўлиб, қуйидаги масалалар доираси уларнинг ўрганиш соҳаси деб белгиланган эди:

1) суддан ташқари ва ўзбошимчалик билан ҳамда лозим даражада суд муҳокамаси ўтказмай туриб қатл этишлар тўғрисидаги масалалар бўйича;

2) кийноқларга солиш ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турлари бўйича;

3) болаларни сотиш, болалар билан боғлиқ фоҳишабозлик ва болалар порнографияси бўйича;

4) мамлакат ичкарисида кўчиб юрган шахслар тўғрисидаги масала бўйича;

- 5) диний мурасасизлик бўйича;
- 6) иркчилик, иркчий камситиш ва ксенофобия бўйича;
- 7) фикрлаш ва сўз эркинлиги бўйича;
- 8) халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишга қаршилиқ кўрсатиш воситаси сифатида ёлланган кишилардан фойдаланиш бўйича.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва БМТ Бош Ассамблеясига юқорида зикр этиб ўтилган махсус органлар томонидан тақдим этиладиган маърузалар очик сессияларда муҳокама қилинади ҳамда бу маърузалар шу масалалар юзасидан Инсон ҳуқуқлари комиссияси қарор қабул қилишида асосий омил бўлади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ўз ишини янада самаралироқ амалга ошириш учун 1947 йилда *Камситишларнинг олдини олиш ва кам сонли миллатларни ҳимоя этиш бўйича кичик комиссия* таъсис этган. Бундан кўзланган мақсад ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини инobatга олган ҳолда олиб бориш ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига нисбатан ҳар қандай шаклдаги камситишларнинг олдини олиш, шунингдек, кам сонли миллатларни иркчий, миллий, диний ва тил жиҳатидан ҳимоя этишга оид тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлган¹

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия БМТ тизимида инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи бош сиёсий орган ҳисобланар эди. Унинг ваколатига инсон ҳуқуқларига қирувчи барча масалаларни кўриб чиқиш қирган. Комиссия тадқиқотлар ўтказиш йўли билан стандартларни ишлаб чиқиш, турли масалалар бўйича резолюциялар қабул қилиш, халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш ва кодификация қилиш билан шуғулланган.

Комиссия ҳар йили Женева шаҳрида март-апрель ойларида бир марта олти ҳафталик сессияга йиғилиб турган. Комиссиянинг ҳар бир сессиясида турли резолюциялар муҳокама қилинган. Ушбу резолюциялар кейинчалик Бош Ассамблеяга берилиши мумкин бўлган. Ассамблеяда қабул қилинадиган резолюцияларга солиштириганда, Комиссиянинг резолюциялари кўпроқ ва чуқурроқ таъсир кўрсатган. Бирок Бош Ассамблея резолюциялари нисбатан юридик қучли ҳисобланади, чунки уларни кўп сонли аъзо-давлатлар қабул қилади ва у БМТнинг бош ваколатли органи ҳисобланган.

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 152–154.

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг вакили ҳисобланмаган давлатлар унинг сессияларида кузатувчилар сифатида иштирок этиши мумкин бўлган. Сессияларга, шунингдек, БМТнинг ихтисослашган муассасалари, ҳукуматлараро органлар вакиллари, маслаҳатчи мақомига эга бўлган халқаро нодавлат ташкилотларининг вакиллари, ЭКОСОС вакиллари ва журналистлар иштирок этиши мумкин бўлган. Мисол учун, 1997 йилдаги сессияда 53 та аъзо-давлат, 95 та кузатувчи-ҳукуматлар, 37 та таклиф этилган маърузачилар ва тахминан 200 та нодавлат ташкилотларидан 2.200 нафар иштирокчилар қатнашди. Ҳисобларга қараганда, 70 та пленар сессияларда 1100 марта сўзга чиқилди. 78 та резолюция ва 26 та қарор қабул қилиниши Комиссиянинг 1997 йилдаги ишларининг натижаси бўлди.

ЭКОСОС маслаҳатчилари мақомига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилот (бундан буён ННТ)лари ёзма ёки оғзаки мурожаат қилиш билан Кенгаш ишига бевосита иштирок этиши мумкин бўлган. ННТ вакилларига беш минут давомида нутқ сўзлашига руҳсат берилади. Кўплаб ННТлар Кенгашга таъсир қилишнинг ўзига хос ёндашувига эгадирлар. Улар ёзма ва оғзаки мурожаат қилиш билан бирга, сессия давомида улар “коридорда таъсир кўрсатишлар”ни амалга ошириш имкониятига ҳам эга Кенгаш сессиялари билан параллел равишда турли ҳукуматлар делегациялари ва бошқа ННТлар вакиллари билан учрашувлар ташкил этади, нашр материалларини тарқатади ва ОАВга интервьюлар беради.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси, юқорида қайд этилганидек, сиёсий орган ҳисобланган, яъни унда қарорлар қабул қилинишида сиёсий ирода одатда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Кўрилаётган масалалар бўйича муайян қарорлар қабул қилишга кўпинча давлатларнинг биргаликда (айниқса, сиёсий манфаатлар асосида) ҳаракат қилувчи блокларни тўсқинлик қилиши мумкин бўлган. Шунинг учун ҳам, муайян резолюцияни Комиссиядан ўтказиш учун кўп вақт талаб қилинган. Кун тартибидаги муҳокамалар кўпинча анча вақтгача чўзилиши ҳамда режадаги ҳаракатлар кейинга қолиши мумкин бўлган. Бу ҳолатлар Комиссияни янада сиёсийлаштириб, унинг обрўсини тушириб юборган.

Шунинг учун ҳам, 2005 йилнинг мартида БМТнинг собиқ Бош қотиби Кофи Аннан ўзининг “Қатта эркинлик олдидан” мавзусидаги маърузасида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ўрнига аъзоларининг сони жиҳатидан кичикроқ, аммо доимий ишловчи Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашни ташкил этишни таклиф этди¹. БМТ Бош Ассамблеяси-

¹ Доклад Генерального секретаря “При большой свободе: к развитию, безопасности и правам человека” Док. ООН. А/59/2005 от 21 марта 2005 года.

нинг 2006 йил 15 мартдаги 60/251-резолюцияси¹ билан Комиссиянинг ўрнига Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш Бош Ассамблеянинг ёрдамчи органи сифатида таъсис этилди. Кенгаш таркиби, Бош Ассамблея томонидан тўғридан-тўғри ёпик овоз бериш йўли билан сайланадиган 47 та аъзодан иборат бўлиб, улар 3 йилга БМТ аъзо-давлатларидан сайланади. Кенгашга аъзолик БМТнинг барча аъзо-давлатлари учун очикдир ва Кенгаш аъзолари адолатли географик тақсимот тамойили асосида сайланади.

Кенгаш бирор-бир фарқларсиз ва адолатли ҳамда тенглик асосида барча учун барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини умумҳурмат қилиш ва ҳимоя қилишга қўмаклашиш масалаларига жавоб беришга йўналтирилган ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни кўриб чиқиши ва улар бўйича ўзининг тавсияларини ишлаб чиқиши керак.

Кенгаш Женева шахрида жойлашган бўлиб, йил давомида доимий равишда мажлисларга йиғилади ҳамда асосий сессияни кўшган ҳолда бир йилда 3 маротаба сессия ўтказади. Ушбу сессияларнинг умумий давомийлиги камида тўққиз ҳафтани ташкил этади, Комиссия эса, бир йилда олти ҳафта мажлис ўтказган эди, ҳолос. Кенгаш, шунингдек, Кенгаш аъзоларининг учдан бир қисмининг қўллаб-қувватлаши асосида Кенгаш аъзоларидан бирининг талаби бўйича махсус сессиялар ўтказишга ҳам ҳақлидир.

Кенгаш ўз фаолиятини бир неча йўналишда амалга оширади:

- универсал даврий кўриб чиқиш процедураси;
- махсус процедуралар;
- шикоятлар бўйича процедуралар.

Махсус процедуралар, эксперт маслаҳатлари ва шикоятларни бериш тартиб-қоидалари билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш мақсадларида 2007 йил 18 июнда Кенгашнинг “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг институционал қурилиши” номли 5/1-сонли резолюцияси қабул қилинди². Унда, жумладан, **Универсал даврий ҳисобот** процедурасини ўтказишнинг асослари, тамойиллари ва мақсадлари, жараёни ва тартиблари тасдиқланган. Кўриб чиқишнинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади: жойларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволни яхшилаш; инсон ҳуқуқлари соҳасида

1 Резолюция Генеральной Ассамблеи “Совет по правам человека” № 60/251 от 15 марта 2006 г. Док. ООН. А/60/251.

2 Резолюция Совета по правам человека 5/1 от 18 июня 2007 года. // Док. ООН. А/HRC/5/21, глава III пункты 60-62.

давлатларнинг ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажаришлари ҳамда ижобий ўзгаришлар ва давлат олдида турган муаммоларни баҳолаш; тегишли давлат билан, унинг розилиги асосида, давлат имкониятларини мустаҳкамлаш ва маслаҳатлашув учун техникавий кўмакни амалга ошириш; давлатлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида яхшироқ бўлган тажрибаларни алмашиш; инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш; Кенгашнинг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи бошқа органлар ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш.

Универсал даврий кўриб чиқиш процедураси – бу янги процедура ва тасдиқланган жадвалга мувофиқ, БМТнинг барча 192 аъзо-давлатлари 2008 йилдан бошлаб ҳар 4-5 йил ичида ундан ўтиши мўлжалланган. Ўзбекистон Республикаси ўз маърузасини тақдим этган ва у 2008 йил декабрь ойида Инсон ҳуқуқлари кенгашнинг III сессиясида Универсал даврий ҳисобот процедураси асосида кўриб чиқилди¹.

Ундан ташқари, Кенгашнинг мазкур резолюциясига мувофиқ, унинг *махсус процедуралари (партиботлари)* ислоҳ қилинди, хусусан, тематик бўладими ёки мамлакатлар бўйича бўладими, муайян мансабга бўлган мандат ваколати олти йилдан ошиб кетмайдиган (икки маротаба уч йиллик муддат тематик-мандатга эга бўлганлар учун) қилиб белгилаб қўйилди. Тематик мандатга эга бўлган (мандатарий) лар муддати – уч йил, мамлакатлар бўйича мандатга эга бўлганлар учун эса бир йил. Кенгаш ўзининг 5/2-сонли резолюцияси билан, ахлокий ва малакавий юриш-туриш стандартларини белгилаб олиш йўли билан махсус процедуралар тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг махсус процедуралари мандатига эга бўлганларнинг Хулқ-атвор кодексини қабул қилди. Ҳозирги пайтда 29 мавзуга оид ва 10 та мамлакат бўйича мандатлар мавжуд.

Мамлакатлар бўйича мандатлар ҳисобланувчи махсус процедураларнинг мандатлари мандат эгаларидан муайян мамлакатда ёки муайян ҳудудларда инсон ҳуқуқларининг бузилиши бўйича, тематик мандатлар бўйича ҳолатларда эса, бутун дунёда муайян асосий ҳуқуқлар бузилиши ҳолатлари бўйича омма учун очик бўлган ахборотларни ўрганишни, мониторинг қилишни, маслаҳатлашиш ва тақдим этишни талаб этади.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т. "O'zbekiston", 2010. Б. 253.

Махсус процедуралар, алоҳида шахсларнинг шикоятларига жавоблар бериш, тадқиқотлар олиб бориш, миллий даражада техник ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, шунингдек, умумий рағбатлантирувчи фаолиятда иштирок этиш каби турли ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Махсус процедуралар икки турда бўлиши мумкин – индивидуал (“Махсус маърузачи”, “Бош котиб ҳузуридаги махсус вакил”, “Бош котиб ҳузуридаги вакил”, “Мустақил эксперт”) ёки, одатда, 5 нафар кишидан иборат ишчи гуруҳ (ҳар бир минтақадан 1 нафардан вакил). Махсус процедуралар мандатлари ўзи тузиладиган ва белгиланадиган махсус резолюция билан таъсис этилади. Мандат эгалари шахсий сифатда фаолият олиб боради.

Махсус процедураларнинг аксарияти ўз фаолияти давомида инсон ҳуқуқларининг айрим бузилишларига оид маълумот олади ва ҳукуматларнинг муурожаатлари бўйича тезкор сўровномалар ҳамда хатлар юбориб, давлатлардан изоҳ талаб қилади.

Мандат эгалари инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий даражадаги вазиятни текшириш учун мамлакатга ташриф буюриши мумкин. Одатда, мандатарийлар мамлакатга ташриф буюришга рухсат сўраб ҳукуматга хат юборишади. Мисол учун, Ўзбекистон ҳукумати Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг махсус процедуралари билан, хусусан, муайян мавзу бўйича маърузаси билан ҳамкорлигини 2002 йилда бошлади. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан илк бор 2002 йил ноябрь ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг махсус маърузачиси Тео Ван Бовен мамлакатимизга ташриф буюрди. Унинг ташрифи давомида давлат органларининг юқори мартабали ходимлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, халқаро ташкилотлар ва чет эл элчихоналарининг вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, Тео Ван Бовен озодликдан маҳрум этилганлар сақланадиган муассасаларни бориб кўрди.

Кенгаш ўзининг 5/3-сонли резолюцияси билан, шахсий сифатда (яъни, давлат вакили сифатида эмас) фаолият кўрсатувчи ва Кенгашнинг таҳлил маркази сифатида ишлайдиган 18 экспертдан иборат таркибда Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Маслаҳат қўмитаси (Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича кичик комиссия ўрнига)ни таъсис этди. Маслаҳат қўмитаси аъзолари ўз вазифаларини уч йил давомида бажарадилар. Улар бир марта қайта сайланиши мумкин. Маслаҳат қўмитасининг вазифаси, тадқиқотларга ҳамда тадқиқотларга асосланган маслаҳатларга асосий эътиборни қаратган ҳолда, Кенгаш

талаб килган мазмунда ва шаклда Кенгашга эксперт билимларини тақдим этишдан иборат ҳисобланади. Маслаҳат кенгаши резолюциялар ёки қарорлар қабул қилмайди. Маслаҳат кенгаши йилда кўпи билан 10 ишчи кунидан иборат иккита сессиясини ўтказиши мумкин.

Кенгаш доирасида, дунёнинг ҳар қандай ҳудудида ва ҳар қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар, содир этилган ва тизимли ҳамда ишончли равишда тасдиқланган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг барча қўпол бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиш мақсадида шикоятларни кўриб чиқиш тартиботи ўрнатилди.

Шикоятлар процедураси – бошқача қилиб айтганда, “1503-процедура”. Маълумки, ЭКОСОСнинг 1970 йил 27 майдаги 1503 (XLVIII)-сонли Резолюцияси асосида таъсис этилган ушбу Шикоятлар процедураси, янада ҳолислик, объективлик ҳамда жабр кўрганлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ва тезкорлик билан амалга оширилишининг таъминлаб берилиши мақсадида 2000 йил 19 июндаги 2003/3 Резолюцияда қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди.

Тегишли давлат билан яқиндан ҳамкорлик қилиш мақсадида процедура ўзининг қонфиденциаллик хусусиятини сақлаб қолди. Тизимли ва ишончли равишда тасдиқланган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг қўпол бузилишига оид ахборотларни кўриб чиқиш ва Кенгашни хабардор қилиш мандатлари билан иккита алоҳида ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Шикоятларни кўриб чиқиш процедураси жабр кўрганлар манфаатларини ҳисобга олиши, самарали ва тезкор бўлишини таъминлаш учун, шикоятнинг тегишли давлатга жўнатилиш вақтидан, унинг Кенгашда кўриб чиқилишигача бўлган давр 24 ойдан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилди¹.

Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия Иктисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан 1946 йилда таъсис этилган. Комиссиянинг вазифалари доирасига хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, фуқаровий, ижтимоий соҳалар ва таълим соҳасидаги ҳуқуқларини рағбатлантириш тўғрисида Иктисодий ва ижтимоий кенгашга тавсиялар ва маърузалар тайёрлаш, шунингдек, эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилини амалга ошириш мақсадида хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим муаммолар бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш тўғрисида тавсиялар ва таклифлар тайёрлаш вазифалари қиради. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссияга

¹ Қаранг: Тиллабаев М.А. Всеобщая декларация прав человека и правозащитный механизм ООН: опыт сотрудничества Узбекистана// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2008. № 4. Б. 106-112.

1985 йил Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича умумжаҳон конференциясида қабул қилинган хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш соҳасидаги истиқболга мўлжалланган Найроби стратегиясининг амалга оширилишини назорат қилиш ва шу йўналишдаги ишларнинг аҳволига баҳо бериб, таҳлил қилиб бориш вазифаси топширилди. Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия хотин-қизларга нисбатан камситишлар гўгрисиди алоҳида шахслардан ҳам, бир гуруҳ шахслардан ҳам олинган хабарларни кўриб чиқиши мумкин. Яққа тартибдаги шикоятлар бўйича чоралар кўрилмади. Бунинг ўрнига мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун сиёсий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида хотин-қизларни камситиш соҳасидаги тамойилларни аниқлашга қаратилган гаомилдан фойдаланиш билан чекландилар¹

“БМТ – аёллар” тузилмаси. 2010 йил 2 июлда БМТ Бош Ассамблеяси гендер тенглиги ва аёллар имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича БМТнинг янги тузилмасини ташкил этди ва у “БМТ – аёллар” деб номланди. Унинг ваколатига гендер масалалари ва аёллар аҳволини янгилаш бўйича Махсус маслаҳатчи девонхонаси, Котибият, аёллар аҳволини яхшилаш бўйича бўлим, шунингдек, Аёллар манфаатларини ривожлантириш учун БМТ Жамғармаси ва аёллар аҳволини яхшилаш бўйича халқаро ўқув ва илмий-тадқиқот институти мандатлари ва вазифалари киритилди. Мишель Бачелет Чилининг биринчи аёл Президенти БМТ Бош котиби ўринбосари ва янги “БМТ – аёллар” тузилмасининг раҳбари этиб тайинланди ва у 2011 йил 1 январдан бошлаб ўз фаолиятини бошлади.

“БМТ аёллар” тузилмасининг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

глобал стандартлар ва меъёрлар сиёсатини ишлаб чиқишда Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия каби ҳукуматлараро органларни қўллаб-қувватлаш;

мазкур стандартларни амалга оширишда аъзо-давлатларга кўмаклашиш, кўмак сўраган мамлакатларга тегишлича техникавий ва молиявий қўллаб-қувватлашни тақдим этиш, шунингдек, фуқаролик жамияти билан самарали ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш;

- гендер тенглиги соҳасидаги мажбуриятларига нисбатан, шунингдек, тараққиёт умумий тизимининг доимий мониторингини амалга оширишда БМТ тизимининг масъулиятли муносабатларини таъминлаш.

¹ Сандов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. 5-155

“БМТ – аёллар” тузилмаси икки йўналишда фаолият кўрсатади. У гендер тенглигини таъминлаш бўйича халқаро даражадаги келишилган стандартларни ишлаб чиқиш бўйича халқаро сиёсий музокараларни қўллаб-қувватлайди. У яна, шунингдек, БМТнинг аъзо давлатларига бу стандартларни амалга оширишида экспертли ҳамда молиявий кўмакни тақдим этиш билан ҳам ёрдам беради. Ундан ташқари, “БМТ – аёллар” БМТ тизимидаги бошқа бўлинмаларга, инсон ҳуқуқлари ва инсон имкониятларини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларда гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларида ёрдам беради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси. Турли органлар ва муассасаларга хизматлар кўрсатиш ҳамда ҳар хил таомиллар билан боғлиқ хизматни кенг йўлга қўйиш вазифалари БМТ Котибияти ходимлари зиммасида бўлади. Инсон ҳуқуқлари бўйича котибият БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасида, яъни собиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича марказда иш олиб боради.

Бу бошқарма Женевада жойлашган бўлиб, алоқа учун Нью-Йоркда кичикроқ бюроси, жаҳоннинг турли жойларида эса, бир нечта муваққат ваколатхоналари бор. Ҳозирги вақтда мазкур бошқарманинг қароргоҳида юздан ортиқ мутахассис, асосан, халқаро масалалар бўйича ихтисослашган юристлар ва сиёсатшунослар ишламоқда.

Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга хизматлар кўрсатиш;

иккинчидан, текшириш, назорат қилиш ва ўрганиб, тадқиқ этиш ишларини ўтказишнинг Бош Ассамблея томонидан белгиланган турли таомилларини қўллаб-қувватлаш;

учинчидан, шартномалар ижро этилиши устидан мониторинг қилувчи органларга хизматлар кўрсатиш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳаси доирасидаги турли масалалар юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг сўровига биноан ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини олиб бориш;

бешинчидан, инсон ҳуқуқларига оид нормаларни миллий даражада сингдириш соҳасида давлатларга техник масалаларда ёрдам кўрсатиш дастурини амалга ошириш, шу жумладан, мутахассисларни ўқитиш, юридик ёрдам бериш ва ахборот тарқатиш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Бошқарма раҳбари ҳисобланади¹

¹ Самдов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. - Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 156.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар. Инсон ҳуқуқлари бўйича 1993 йилги умумжаҳон конференцияси Бош Ассамблеяга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни биринчи навбатдаги вазифа сифатида тавсия этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозимининг таъсис этилиши инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг мавжуд механизмларини анча мустаҳкамлабгина қолмасдан, балки БМТ Низомида қайд этилган муҳим мақсадларнинг бирига – БМТнинг инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини рағбатлантиришда ва уларни ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик қилишга эришишга қаратилган фаолиятини макбуллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратади¹

1993 йили Инсон ҳуқуқлари бўйича II Бутунжаҳон конференциясида узоқ вақт давом этган мунозаралардан кейин Вена ҳужжатининг II бўлимида Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар мансаби таъсис этилди. Қайд этиш лозимки, ушбу лавозимнинг таъсис этилиши кўпчилик давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмади. Айтиб ўтиш лозимки, 1947 йилда – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ишлаб чиқиш пайтида француз Рене Кассен биринчи марогаба инсон ҳуқуқларини ҳукумат олдида ҳимоя қилиш учун масъулиятли бўлган Бош Атторней² лавозимини ташкил этишни таклиф қилган эди, аммо ушбу таклиф қўллаб-қувватланмади.

1993 йил 20 декабрда Бош Ассамблея “Барча инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича Олий комиссар” тўғрисидаги 48/141-сонли резолюцияни қабул қилди³, унга кўра, Олий комиссар БМТ Бош қотиби томонидан тўрт йил муддатга тайинланади ва у Бош Ассамблея томонидан географик асосда даврий ўрин алмашишни ҳисобга олиб, узайтирилади ва тасдиқланади. Резолюциянинг 2-бандига асосан, Олий комиссар лавозимига номзод юқори ахлоқий обрўга ва инсон ҳуқуқлари соҳасида билимларга эга бўлган шахс бўлиши керак бўлиб, унинг ўрни БМТ Бош қотибининг ўринбосарига тенглаштирилади.

1 Тихонов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Олий комиссари: Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – № 2/2003. – Б. 21.

2 Қаранг: The High Commissioner for Human Rights: An Introduction. Making Human Rights a Reality. United Nations. New York and Geneva, 1996. Р. 1-10; Лукьянцев Г.Е. Две системы защиты прав человека – Два комиссара по правам человека. // Московский журнал международного права. 2000. – № 2. – С. 247-248.

3 Резолюция ГА ООН 48/141 от 20 декабря 1993 г. “Верховный комиссар по поощрению и защите всех прав человека” // Международные акты о правах человека. Сборник документов. М.: НОРМА-ИНФРА, – М.: 1998. С. 96-98.

Бош Ассамблея 1994 йилда қабул қилган резолюцияга мувофиқ бундай лавозим таъсис этилди ва дастлабки Олий комиссарлик лавозими эквадорлик Хосе Аяла Лассога насиб этди. Бош Ассамблея баёнот бериб айтдики, Олий комиссар БМТнинг мансабдор шахси бўлиб, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти учун асосий масъулият юкини Бош котибнинг раҳбарлиги ва раҳнамолиги остида тортади. Олий комиссар ўз вазифасини бажарар экан, Бош Ассамблея, Иктисодий ва ижтимоий кенгаш ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия (ҳозирда Кенгаш)нинг умумий ваколатлари, вазифалари доирасида ва қарорлари асосида иш олиб боради. Олий комиссар кенг ваколатларга эга бўлиб, бу ваколатлар унга амалда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳар қандай муаммони кўриб чиқиш ва инсон ҳуқуқларини бузиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган дунё миқёсидаги фаолиятда фаол иштирок этиш имконини беради. Айни вақтда, унга инсоннинг барча ҳуқуқларини тўла-тўқис амалга ошириш йўлидаги ҳозирги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ва шу йўналишдаги янгидан-янги вазифаларни ҳал этиш ишида, қолаверса, бутун жаҳонда инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари давом этишига йўл қўймаслик ишида етакчи роль ўйнаш имконияти берилган. 1997 йилнинг охирида БМТ Бош Ассамблеяси Ирландиялик Мэри Робинсонни иккинчи Олий комиссар сифатида тасдиқлаган бўлса, 2008 йили тасдиқланган Жанубий Африка Республикасилик Наванетхем Пиллай бешинчи Олий комиссар ҳисобланади.

2012 йилгача Олий комиссар сифатида қуйидагилар фаолият юртишган:

1. Жозе Аяло-Лассо, Эквадор, 1994 – 1997.
2. Мэри Робинсон, Ирландия, 1997 – 2002;
3. Сержио Виера де Мелло, Бразилия, 2002 – 2004;
4. Луиза Арбур, Канада, 2004 – 2008;
5. Наванетхем Пиллай, ЖАР, 2008 йил сентябридан бошлаб.

БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси. БМТ ташкил топган даврдан бошлаб қочоқларнинг, кадрдон гўшасидан кўчишга мажбур бўлган шахсларнинг, апатрид ва репатриантларнинг аҳволи билан боғлиқ масалаларга катта эътибор бериб келади. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда улар билан боғлиқ муаммоларни лозим даражада ва узил-кесил ҳал этиш йўлларини излаш мақсадида бир қанча амалий чоралар кўрилди. Бош Ассамблея ўзининг 1949 йилда ўтказилган тўртинчи сессиясида БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармасини таъсис этган. Мазкур бошқарма Иккинчи жаҳон урушидан кейин тузилган Қочоқлар ишлари

бўйича халқаро ташкилот ўрнини эгаллаган. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари Низомининг 1-бандига мувофиқ, Олий комиссар Бош Ассамблея раҳбарлиги остида фаолият кўрсатар экан, мазкур Низомнинг таъсир доирасидаги қочоқларга БМТ раҳнамолиги остида халқаро ҳимояни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бундай ҳимоя қочоқлар мақоми тўғрисидаги 1951 йилги Конвенцияга¹ ҳамда шу Конвенцияга оид 1967 йилги Протоколга² мувофиқ таъмин этилади.

БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ва инсон ҳуқуқлари. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Европада ва Хитойда болаларнинг озик-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакка бўлган кундалик зарур эҳтиёжларини тўлароқ кондириш мақсадида 1946 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясида ЮНИСЕФ таъсис этилган эди. 1950 йилда БМТ Бош Ассамблеяси мазкур Фонд фаолиятининг асосий йўналиши ривожланаётган мамлакатлар болаларининг манфаатлари кўзланган дастурни амалга оширишдан иборат, дея қарор қабул қилди. Уч йилдан кейин БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФнинг фаолиятини номуайян муддатга узайтиришга қарор қилган.

ЮНИСЕФ инсонпарварлик, мурувват ёрдами кўрсатган ҳолда ривожланишга ҳамкорлик қилар экан, болаларни ҳимоя этиш ва уларнинг барча қобилятларини ўстириш мақсадида ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Бундай ҳамкорлик болаларни камол топтириш соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилмоқда. Ана шу ҳамкорлик моҳиятан жаҳондаги ҳар бир болага унинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда эълон қилинган таянч ҳуқуқлари ҳамда имтиёзлари имкон қадар рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган. Марказий ва Шарқий Европада, шунингдек, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида болаларнинг энг зарур талаб-эҳтиёжларини кондириш мақсадида ЮНИСЕФ баъзи давлатларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда.

ЮНИСЕФ бола ҳуқуқларини рағбатлантириш масалалари билан шуғулланувчи Бола ҳуқуқлари қўмитаси билан жипс ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, айни вақтда Конвенциянинг амалга оширилишини кузатиш ҳамда Конвенцияни ратификация қилган ёки бу ҳужжатга қўшилган давлатларга улар зиммасидаги вазифаларини бажаришларида ёрдам кўрсатиш билан шуғулланмоқда. ЮНИСЕФ ўз фаолиятида Болаларнинг омон қолишини таъминлаш, уларни ҳимоя этиш ва камол

¹ Международные акты о правах человека: Сб. документов. – М.: 1998. – С. 432–444.

² Ўша жойда С 445–447

топтириш тўғрисидаги умумжаҳон декларациясини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар режасига амал қилади. Мазкур декларация болаларнинг манфаатларини кўзлаб, 1990 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда кўпгина давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари ҳамда олий мартабали бошқа шахслар иштирокида ўтказилган олий даражадаги умумжаҳон учрашувида қабул қилинган¹.

БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД). БМТТД Бош Ассамблеясининг 1965 йил 22 ноябрдаги резолюциясига асосан БМТнинг Кенгайтирилган техникавий ёрдам дастури ва Махсус жамғармасини бирлаштириш натижасида ташкил топган. Дастурнинг асосий мақсади – ривожланаётган мамлакатларга миллий ривожланиш борасида ёрдам кўрсатиш. БМТТДнинг асосий вазифаларидан бири – самарали бошқарувни таъминлашга кўмаклашиш. БМТ томонидан қабул қилинган Мингйиллик декларациясида таъкидланишича, самарали бошқарув инсон тараққиётига эришишда, турмуш даражасини юксалтиришда, гендер тенглиги ва тинчликни сақлаб қолишда асосий омилдир.

БМТТД инсон ҳуқуқларига онд миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар соҳасида билимларни ошириш, гендер тенглик, шунингдек, аҳолига, айниқса, унинг ижтимоий ночор қатламларига кўрсатилаётган ҳуқуқий хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида юристлар салоҳиятини ошириш устида фаол иш олиб бормоқда².

4. БМТнинг инсон ҳуқуқлари доирасидаги шартномавий (назорат) органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўқорида таъкидлаб ўтилганидек, инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ томонидан кўплаб норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Бизга маълумки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси юридик кучга эга эмас. Лекин, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва конвенциялар уларни ратификация қилган давлатларга муайян мажбурият ва вазифаларни юклайди. Ушбу мажбуриятлар ва вазифаларнинг аъзо-давлатлар томонидан бажарилишини назорат қилиш учун ҳужжатларнинг ўзида назорат органлари тузиш тўғрисида кўрсатиб ўтилади.

1 Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. Konsauditinform-Nashr, 2006. Б. 158-159.

2 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бақоева, К. Арсланова ва бошқ. Мавсул муҳаррир А.Х. Саидов. Т. "Ўзбекистон", 2010. Б. 270.

Конвенциявий органлар муайян халқаро шартнома асосида тузилади ва мазкур шартнома қоидаларининг бажарилишини назорат қилиб боради. Айнан ташкил қилиш асосларидан келиб чиқиб, улар “шартномавий органлар”, “имплементациявий органлар”, “конвенциявий органлар” каби номлар билан ҳам юритилади¹. Ёки Б. Исмоиловнинг фикрича, инсон ҳуқуқларини татбиқ этишда юқори самарадорликка эришиш мақсадида халқаро ҳамкорлик асосида яратилган бу шартномавий органлар турлича: халқаро механизмлар, халқаро назорат, имплементациявий механизмлар кабилида номланади². Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг тўққизта (изоҳ: 2006 йилдан олдинги адабиётларда олти) асосий шартномаси бор. Бу шартномаларнинг ҳар бири учун махсус кўмита тузилган бўлиб, мазкур кўмиталар шартномаларнинг катнашчи давлатлар томонидан бажарилиш самарадорлигини назорат қилиб боради. Мазкур шартномалар, хусусан, қуйидагилардан иборатдир:

Халқаро шартнома номи	Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган вақти ва кучга кирган вақти	Аъзо-давлатлар сони (2013 йилгача)
Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	1966 1976	167
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	1966 1976	160
Ирқий камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция	1965 1969	175
Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг каттик шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турлариға қарши конвенция	1984 1987	153
Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги конвенция	1979 1981	187
Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция	1989 1990	193
Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенция (<i>Ўзбекистон аъзо эмас</i>)	1990 2003	46

1 Общая теория прав человека / Отв. ред. Е.А. Лукашева. – М.: НОРМА, 1996. – С. 121.

2 Исмоилов Б. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини бажариш амалиёти // Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истикболлари. Конференция материаллари тўплами. 2006 йил 16 март. Т.: ТДЮИ, 2006. – Б. 76.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (<i>Ўзбекистон имзолади, ҳали ратификация қилинмаган</i>)	2006 2008	123
Барча шахсларни зўрлик остида гойиб бўлишдан ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенция (<i>Ўзбекистон аъзо эмас</i>)	2006 2010	36

Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий органларнинг асосий функцияларидан бири давлатларнинг тақдим этган маърузаларини ўрганиб чиқишдир. Улар ташкил этилгунга қадар, 1965 йилда ЭКОСОСнинг қарорига кўра, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг тавсиясига кўра (резолюция 624 В (XXII) БМТ аъзолари у ёки бу ҳуқуқларни амалга оширганликлари тўғрисидаги ҳар йилги маърузаларини БМТ Бош қотибига тақдим этар эдилар.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий, шунингдек, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, ахборот эркинлиги тўғрисидаги маърузалар тақдимоти тизими Инсон ҳуқуқлари бўйича пактлар кучга киргандан сўнг қатор халқаро шартномаларда кўриб чиқилган янги жараён тартиблари билан алмашинди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, халқаро конвенциялар асосида ташкил этилган назорат органларининг биринчиси – Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитадир. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро келишувларни шарҳлаш борасидаги чекланишлардан келиб чиққан ҳолда, бу кўмиталар, аввалига, уларга берилган ахборот бўйича аъзо-давлатларнинг маърузаларини муҳокама қилдилар. Бирок, назорат органларининг иши шунингдек қўйдики, амалда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг иштирокчилари ҳақиқий аҳволни бўрттириб кўрсатишган ва аксарият ҳолларда объектив бўлмаган ахборотларни тақдим этганлар. Шунинг учун ҳам, турли кўмиталарнинг аъзолари аста-секинлик билан нафақат давлатлардан келаётган ахборотлар, балки улардан ташқари бошқа маълумотларни ҳам ўрганиш керак, деган ҳулосага келишди.

Ундан ташқари, ўнлаб давлатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий шартномаларни ратификация қилганлари йўқ ва шунинг учун ҳам улар шартномавий органларга маърузаларни тақдим этиш бўйича ҳеч қандай мажбуриятга эга эмас. БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг бу тўғридаги ташвиши хусусида бир неча бор фикр билдирди ва ҳар бир сессияда давлатларни Инсон ҳуқуқлари бўйича пактларни ва бу соҳадаги бошқа асосий ҳужжатларни ратификация қилишга чақириб, резолюциялар қабул қилмоқда.

Шартномавий органлар ишининг етарли даражада самарали ишламаётганлигининг сабабларидан бири шундаки, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар уларга давлатларга нисбатан фақат “умумий мулоҳаза” ёки “умумий тавсия” бериш ҳуқуқини берди, холос. Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда “Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар тақдим этадиган маърузаларини ўрганади. У иштирокчи-давлатларга ўз маърузаларини ва мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган фикр ва мулоҳазаларини юбориб туради”, дейилган. Кўмитанинг бундай формулада билдирадиган фикри Кўмита аъзолари ичида ҳам, шунингдек, халқаро ҳуқуқшунослар ичида ҳам турли талқин қилинишига олиб келмоқда¹.

Кўмиталарнинг ваколати БМТ Низоми асосида фаолият юритувчи органларга караганда тор доирада олиб борилади. Чунки, улар конвенцияларга аъзо-давлатлар мониторинги билан шуғулланидилар ва инсон ҳуқуқларига онд конвенцияларнинг моддаларига алоқадор масалаларни кўриб чиқадилар, холос. Умуман, улар сиёсий органлар эмас, ваҳоланки, кўмита экспертлари давлат вакилларида эмас, балки алоҳида шахслардан сайланади.

Конвенцияларга аъзо-мамлакатлардан улар аъзо бўлган муайян конвенциядан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариши юзасидан кўмиталарга Миллий ҳисоботларни тақдим этиш талаб қилинади. Аъзо-давлатлар маърузаларини бошида биринчи ҳисобот, кейинчалик эса, даврий ҳисоботлари сифатида топшириб боради. Бу ҳисоботлар конвенциялардаги ҳуқуқларнинг бажарилишини амалга ошириш бўйича кўрилган қонунчилик, судлов, маъмурий ва бошқа чора-тадбирларни қамраб олади. Ҳисоботлар даврий мажлисларда кўриб чиқилади ва у очиқ бўлади. Қоидага биноан, бундай мажлисларда, ҳисобдор бўлган ҳукуматнинг вакили иштирок этади ва ҳисобот бўйича саволларга жавоб беради.

Кўмиталар сиёсий орган эмасдир, чунки, кўмиталарга эксперт сифатида ҳукуматларнинг вакиллари эмас, балки алоҳида шахслар сайланади ва улар ўзларининг шахсий сифатлари бўйича иш олиб борадилар ҳамда ўз давлатлари олдига ҳисобдор эмаслар. Улар инсон ҳуқуқлари соҳасида тан олинган обрў-эътиборга эга бўлган мустақил экспертлар ҳисобланади.

Аёллар ҳуқуқлари бўйича кўмита (CEDAW)нинг таркиби бошқа кўмиталардан фарқ қилади, чунки, унинг аъзоларининг деярли барчаси аёллар ҳисобланади. Экспертлар конвенция аъзолари ҳисобланган мамлакатлар томонидан тавсия этилади ва сайланади, аммо юқорида айтганимиздек, улар ўз вазифаларини хусусий шахслар сифатида бажардилар.

¹ Права человека. Учебник. Отв. ред. Е.А. Лукашева. М.: Норма-Инфра, 1999. С. 506

Экспертлар тўрт йил муддатга сайланади, танлов жараёни адолатли географик тақсимот ҳамда турли ижтимоий ва ҳуқуқий тизимларнинг вақилиги тамойили асосида амалга оширилади. Қўмиталарнинг аъзолигига кўпинча сиёсий нуқтан назардан келиб чиққан ҳолда иштирокчи-давлатларнинг фаол таъсир кўрсатиши ва овозларни алмашиш орқали сайланилади. Шунинг учун ҳам, Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган сайловлар кўпроқ сиёсатчиларга боғлиқдир.

Барча қўмиталарда Қўмита мажлислари сессиядан олдинги учрашувлар (ишчи гуруҳлар) билан бошланади, улар сессиядан олдин ёки олдинги сессиянинг охирида ўтказилади. Мақсад давлатлар вақиллари билан муҳимрок масалаларни олдиндан белгилаб олишдир. Масалалар рўйхати мажлисларда ишлаб чиқилади ва манфаатдор аъзо-мамлакатлар ўртасида тарқатилади. Нодавлат ташкилотлари ва БМТ органлари ишчи гуруҳлар учун мамлакатлар бўйича махсус ахборотлар тақдим этиш мақсадида тақлиф этилади (улар йиғилишларда иштирок этиши мумкин).

Аъзо-мамлакатлар ҳисоботлари кўриб чиқилгандан сўнг қўмиталар ўз ишларининг хулосаларида, “Хулосавий кузатиш” номли якуний тавсияларини қабул қиладилар. Уларни ёпик мажлисларда тузадилар, аммо кейин нашр этадилар. Қўмиталарнинг ҳисоботларни қабул қилиш жараёни ўз муаммоларига эгадир. Қўмиталар ҳамшиша иш билан тўлиботошганлиги боис, уларда ҳар доим ҳали кўриб чиқилмаган ҳисоботлар мавжуд бўлади, яъни улар ўз вақтида улгура олмайдилар. Бошқа муаммо эса, тугалланмаган ва талабларга тўлиқ жавоб бермайдиган ҳисоботлардир. Миллий ҳисоботларни кўриб чиқишдан ташқари, аксарият шартномавий қўмиталар инсон ҳуқуқларининг бузилиши бўйича шикоятларни ҳам кўриб чиқадилар.

Шартномавий қўмиталар “Халқаро шартномаларнинг қондаларига оид умумий тавсиялар” номли умумий шарҳларни тайёрлаб, уларга мос келувчи конвенцияларнинг мустақил интерпретациясини амалга оширадилар. Шарҳлар (тавсиялар) конвенция нормаларини тушунтирадилар ва моддаларни амалиётда қандай интерпретация қилишни белгилаб борадилар. Улар ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг ривожлантирилишига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, мазкур шарҳлар давлатларга ва миллий даражада ишловчи нодавлат ташкилотларига уларнинг ҳисоботларини ёзишида ўзининг самарадорлигини кўрсатмоқда. Фикримизча, миллий қонунчиликка қиёсланишимизда, конституциявий суд функцияларига ўхшаш вазифани бажарадилар.

БМТ таркибида шу йўналишда тузилган қўмиталарнинг ҳар бири ўзи назорат этадиган конвенция ёки пакт номи билан юритилади (биринчи пакт бундан мустасно):

Кўмита номи	Аъзолар сони	Йилдаги мажлислари ва уларнинг давомлиги сони	Мажлисларни ўтказишнинг вақти ва жойи Женева (Ж) Нью-Йорк (Н)	Миллий ҳисоботларни тақдим этиш а) бошлангич б) даврий
Инсон ҳуқуқлари кўмитаси	18	Йилда 3 та мажлис, 3 ҳафта давом этади	Март-апрель (Н) Июль (Ж) Октябрь-ноябрь (Ж)	а) бир йилдан сўнг б) ҳар 4 йилда
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича кўмита	18	Йилда 2 та мажлис, 3 ҳафта давом этади	Апрель-май (Ж) Ноябрь-декабрь (Ж)	а) 2 йилдан сўнг б) ҳар 5 йилда
Иркий камситишларни тугатиш бўйича кўмита	18	Йилда 2 та мажлис, 3 ҳафта давом этади	Март (Ж) Август (Ж)	а) 1 йилдан сўнг б) ҳар 2 йилда
Қийноқларга солишга қарши кўмита	10	Йилда 2 та мажлис, 3 ҳафта давом этади	Март (Ж) Ноябрь (Ж)	а) 1 йилдан сўнг б) ҳар 4 йилда
Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича кўмита	23	Йилда 2 та мажлис, 3 ҳафта давом этади	Январь (Ж) Июль (Н) Октябрь (Ж)	а) 1 йилдан сўнг б) ҳар 4 йилда
Бола ҳуқуқлари бўйича кўмита	18	Йилда 3 та мажлис, 3 ҳафта давом этади	Январь (Ж) Май-июнь (Ж) Сентябрь-октябрь (Ж)	а) 2 йилдан сўнг б) ҳар 5 йилда
Меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг oilалари аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўмита	10	Йилда 1 та мажлис, 3 ҳафта давом этади	Апрель (Ж) Ноябрь (Ж)	а) 1 йилдан сўнг б) ҳар 5 йилда
Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича кўмита	12	Йилда 2 та мажлис, 3 ҳафта давом этади	Март (Ж) Ноябрь (Ж)	а) 2 йилдан сўнг б) ҳар 4 йилда
Зўрлик остида гойиб бўлганлар бўйича кўмита	10	Йилда 2 та мажлис, 3 ҳафта давом этади	Апрель (Ж) Ноябрь (Ж)	а) 2 йилдан сўнг

Барча кўмиталар ўз фаолияти бўйича Бош Ассамблеяга ҳисобот беради. Бирок, бу процедурали фарқ амалиётда ҳеч қандай оқибатларга олиб келмайди. Кўмиталарга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси томонидан хизмат кўрсатилади. CEDAW кўмитасига эса, Нью-Йоркда жойлашган Аёллар ривожланиши бўйича БМТ бўлими (DAW) томонидан хизмат кўрсатилади. Ана шу кўмиталарнинг ҳар бирини ташкил этишда тегишли пакт ёки конвенция юридик асос бўлди.

Шартномаларнинг бажарилиши юзасидан назорат органларининг бошқа механизмлар ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги. Кўмиталар ўртасида ҳамкорлик чекланган эди. Бирок, кейинги пайтларда улар бирмунча кенгайди ва у янада кенгайиши учун доимий равишда саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Қийинчиликлардан бири, кўмиталар бир вақтда ва бир жойда учрашмайдилар. Бирок, 1994 йилдан бошлаб, кўмиталар раислари Женевада ҳар йили учрашишади ва у ерда мажлис ўтказишади. Сўнгра улар ўзаро манфаатли масалаларни муҳокама қиладилар, ўз ишларини мувофиқлаштирадилар ва ҳукуматларга, шартномаларга мувофиқ ташкил этилган органларга, БМТнинг ихтисослашган муассасалари ва органларига ҳамда нодавлат ташкилотларига тавсияномалар берадилар. Учрашувларга БМТнинг турли органлари ва ихтисослашган муассасалари ҳамда нодавлат ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этиши мумкин.

Кейинги йилларда кўмиталар ишини Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш, кичик комиссиялар ва конвенциядан ташқари механизмларнинг ишлари билан қанчалик даражада яхшироқ мувофиқлаштириш кераклиги муҳокама қилинмоқда. Раисларнинг ҳар йилги учрашувларида ҳар сафаргидан кўпроқ бу органларнинг вакиллари иштирок этишмоқда. Шартномавий органларнинг раислари ҳам БМТнинг Бош Ассамблеяси, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ва бошқа механизмларининг турли мажлисларида иштирок этишмоқда.

Кўмиталар билан нодавлат ташкилотларининг ҳамкорликларига оид мисоллар ҳам мавжуддир. Улардан бири – нодавлат ташкилотлари ва Бола ҳуқуқлари бўйича кўмита ва CEDAW ўртасидаги ҳамкорликдир. 1998 йилнинг январида аёллар ва болалар ҳуқуқлари бўйича маслаҳат ташкил этилди. Бола ҳуқуқлари бўйича кўмита ва CEDAW аъзолари Альянс, Аёллар ҳуқуқларининг бажарилиши бўйича халқаро назорат (IWRAW), БМТнинг Аёллар ривожланиши бўлими ва ЮНИСЕФ каби маслаҳат ташкилотчилари билан бирга маслаҳатларда иштирок этдилар. Маслаҳатнинг мақсади Бола ҳуқуқлари бўйича кўмита ва CEDAW

ўртасидаги ўзаро алоқалар, шунингдек, ушбу конвенцияларда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларни амалга ошириш билан шуғулланувчи ҳамжамият фаоллари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш эди.

БМТ шартномавий органларининг фаолияти.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита. Инсон ҳуқуқлари қўмитаси 1977 йилда таъсис этилган. Қўмита 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг амалга оширилишини кузатиб боради. Қўмита таркиби 18 аъзодан иборат бўлиб, қатнашчи давлатлар уларни ўз фуқаролари орасидан сайлайдилар. Қўмита аъзоларининг ўз вазифаларини амалга ошириши уларнинг шахсий фазилатига асосланади¹.

Одатда, Қўмита йил давомида ҳар бири уч ҳафтага чўзиладиган сессиялар ўтказиши ва бу сессиялар, қоидага кўра, баҳорда Нью-Йоркда, ёз ва кузда – Женевада ўтказилади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширувчи Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича муҳим қўмиталардан ҳисобланади. Пакт фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг кенг доирасини ўз ичига олган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактни ратификация қилган барча давлатлар инсон ҳуқуқларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан кўрилатган чоралар ҳақида Қўмитага маърузалар тақдим этиши лозим. Биринчи маъруза тегишли давлатга Пакт кучга киргандан сўнг бир йил ичида тақдим қилиниши лозим. Кейинги ўзгартиришлар ҳақидаги маърузалар ҳар беш йилда тақдим қилинади. Давлат томонидан тақдим этилган маъруза, аввало, қўмитанинг беш кишидан ортиқ бўлмаган аъзоларидан ташкил топган ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилади. Ишчи гуруҳ тегишли давлат вакиллари билан муҳокама қилинадиган муаммоларни аниқлайди. Масалаларни Қўмитада эшитишдан олдин тегишли давлат вакиллари саволлар тайёрланади. Ундан сўнг Қўмита тўлиқ таркибда маърузани икки кун мобайнида ўрганиб чиқади. Бу жараёнлардан сўнг тегишли давлат вакиллари иштирокида очик мажлис ўтказилади. Унда ноҳуқумат ташкилотларидан ва матбуотдан иштирокчилар кузатувчи сифатида қатнашишлари мумкин. Мажлис давомида давлат вакиллари Қўмита аъзоларининг саволларига жавоб берадилар. Мажлисида тегишли давлат вакиллари ўз ҳуқуматидан керакли маълумотлар бўйича маслаҳат олиши учун имкониятлар яратилади. Агар Қўмита аъзоларида ўртага ташланган саволларга жавоб етарли бўлмаса, тегишли давлатга ушбу масалалар юзасидан ёзма шаклда жавоб йўллаш имконияти берилади.

¹ Қаранг: Гражданские и политические права: Комитет по правам человека. Женева, ООН, 1992.

Маърузани кўриб чиқиш мобайнида Қўмита аъзолари кўплаб манбаларга: БМТнинг бошқа инсон ҳуқуқлари органлари, махсус маърузачилар, ишчи гуруҳ ва ноҳукумат ташкилотлари маърузаларига таянадилар. Тажриба шуни кўрсатдики, маърузаларнинг очик мажлисларда кўрилиши инсон ҳуқуқларининг амалга оширилиши устидан назорат қилиш услубини ўзида тўла намойиш қилади. Ҳар бир маърузанинг кўрилганлиги юзасидан яқуний “умумий мулоҳаза”лар қабул қилинади. Ушбу “мулоҳаза”ларда тегишли давлатнинг Пактни амалга ошириши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида Қўмитанинг фикри акс эттирилади.

Мулоҳазаларда Пактни бажаришни қийинлаштирадиган объектив омиллар, ижобий жиҳатлар, асосий муаммолар кўрсатилади. Умумий мулоҳазалар юридик кучга эга бўлмаса ҳам, ўзида ягона эксперт органи ҳулосасини акс эттиради. Бундай ҳулосаларнинг инкор этилиши ёки уларга риюя қилинмаслиги давлатнинг Пактга ҳурматсизларча қарашини билдиради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг иккинчи муҳим функцияларидан бири – бу Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга шарҳ беришдир. Агар давлатлар томонидан ушбу Пактнинг моддалари юзасидан нотўғри талқин қилиш ҳолатлари кузатилса, шунда Қўмита изоҳ беради.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протоколга биноан, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита алоҳида шахслардан келиб тушган шикоятларни олиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга. “Қўмита, мазкур протоколга биноан, олинган хабарларни кўриб чиқади, бунда у ўзига алоҳида шахс томонидан ва қатнашчи бўлган манфаатдор давлат томонидан тақдим этилган барча ёзма ҳужжатларни эътиборга олади”¹.

Қўмита хабарларни кўриб чиқиши учун қуйидаги талаблар бажарилган бўлиши керак:

хабарда Пактда кўрсатилган ҳуқуқлар бузилган бўлиши керак;

хабар Пактга ва унга қўшимча Протоколга аъзо-давлат юрисдикциясидаги шахс ёки шахслар томонидан берилган бўлиши керак; агар шикоят йўлловчи шахс бевосита инсон ҳуқуқлари бузилишининг қурбони бўлмаса, унда қурбон номидан берилаётган хабарнинг аниқлигини тасдиқловчи исбот келтириши керак;

хабар аноним бўлмаслиги керак;

агар хабар бошқа халқаро жараёнда кўрилаётган бўлса, унда Қўмита томонидан кўрилмайди.

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. Т.: Адолат. 2004. – Б. 56.

Кўмитага хабар йўлланишидан олдин жабрланган шахс ўз давлатининг барча имкониятларидан (миллий судловнинг барча тегишли инстанциялари томонидан кўриб чиқилган бўлиши керак) фойдаланган бўлиши керак; бу ҳоллар агар бундай воситалар сабабсиз узайтирилиши олдиндан аниқ бўлса ёки натижасиз бўлган ҳолларда истиснолидир.

Бундан ташқари, хабар яроклилигини текшириб кўриш мақсадида Кўмита тавсия этилаётган жабрланган шахсдан ёки тегишли давлатдан кўшимча маълумотни сўраб олиши мумкин. Агар ушбу босқичда давлат олинган хабарга жавоб йўлласса, шикоят эгаси ушбу жавобга кўшимча мулоҳаза қилиш учун жавоб нусхасини олади. Шундан сўнг Кўмита хабар ярокли ёки ярокли эмаслиги ҳақида қарор қабул қилади. Агар Кўмита бу хабарни ярокли деб топса, тегишли давлатга ушбу масала юзасидан тушунтириш ёки ариза тақдим қилишни сўраб мурожаат қилади.

Давлат томонидан жавобни йўллаш муддати узоғи билан олти ой-дир. Бундан кейин шикоят муаллифига давлат жавобига фикр билдириш имконияти берилади. Кейин Кўмита якуний мулоҳаза қабул қилади ва тегишли давлатга ҳамда шикоят муаллифига бу ҳақда хабар беради. Шикоятни кўриб чиқишнинг ҳар бир босқичида ҳуқуқи бузилган шахсга ҳам, тегишли давлатга ҳам бир хил шарт қўйилади. Ҳар бир томон бошқа томон далилига нисбатан ўз фикрини бериш имкониятига эга.

Одатда, шикоятларнинг яроклими ёки яроксизлигини тан олиш учун бир йилча вақт кетади. Ишни кўриб чиқишнинг кейинги босқичи бир йилдан икки йилгача томонларнинг тайёриликка қараб чўзилиши мумкин. Ушбу вақт оралиғида шахс ҳимояга муҳтож бўлиши мумкин. Шунда Кўмита айрим ҳолатларда тегишли давлат томонидан мажбурлов чоралари қўллашни тўхтатиб туришни илтимос қилади. Шундай ҳолатлар бўлганки, Кўмита давлатни ўлим жазоси ижросини кечиктириб туришга чакирган. Кўмита суд органи ҳисобланмайди ва унинг қарорлари “қарор” эмас, “мулоҳаза” шаклида ишлаб чиқилади.

Кўмита ваколатини тан олган ҳар қандай давлат бошқа бир ҳудди шундай давлат устидан, Пактдаги мажбуриятларини бажармаяпти, дея шикоят бериши мумкин. Ушбу жараён 1979 йилдан кучга кирган бўлса-да, лекин амалиётда бундай ҳолат ҳали кузатилмаган.

Куйида Кўмитага ариза ва шикоят билан мурожаат қилиш таомили (процедураси) берилмоқда:

иштирокчи-давлатлар томонидан Кўмита ваколатининг эътироф этилганлиги (Факультатив протоколнинг 1-моддаси);

давлат миқёсида амалда бўлган барча воситалардан фойдаланиб бўлинганлик (Факультатив протоколнинг 2-моддаси, 5-моддаси 2-қисми b банди);

ариза, шикоят билан мурожаат қилиш ҳукукининг сунистеъмол қилинмаганлигини текшириш ва уларнинг аноним тарзда берилмаслиги (Факультатив протоколнинг 3-моддаси);

мувофиклик (*ratione temporis, personae, loci, materiae*) (Факультатив протоколнинг 3-моддаси);

айни шу масала бошқа халқаро муҳокама ёки тартибга солиш тартиб-қоидаларига биноан кўриб чиқиладиган ёки кўриб чиқилмаётганлиги (Факультатив протоколнинг 5-моддаси 2-қисми b-банди);

ҳуқук бузилишларининг муҳим элементларини ўрганиб чиқиш (Факультатив протоколнинг 2-моддасида назарда тутилган ҳолатлар)

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ФСХП)нинг Биринчи Факультатив протоколи мисолида



Ишнинг кўриб чиқилиши ва муҳокама қилиниши (махфий)

Иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита.

Иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита 1966 йилда қабул қилинган муҳим халқаро ҳужжат – Иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт амалга оширилишини кузатиб боради. Қўмитанинг дастлабки сессияси 1987 йилда ўтказилган. Мазкур Қўмитада ҳам аъзолар сони 18 экспертдан иборат. Уларнинг ҳаммаси ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасида тан олинган обрў-эътиборга эга ва шахсий фазилатлари асосида иш олиб боровчи кишилардир! Қўмита аъзолари мустақил макомга эга бўлиб, Қўмита ишларида мустақил иштирок этади. Улар ЭКОСОС томонидан 4 йил муддатга сайланадилар ва қайта сайланишлари мумкин. Қўмита ҳар бири 3 ҳафтага чўзиладиган иккита сессия ўтказади, бу сессиялар май ва ноябрь-декабрь ойларида Женевада бўлиб ўтади.

Қўмитанинг асосий вазифаси аъзо-давлатларнинг Иқтисодий, ижтимоӣ ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга амал қилишини кузатади. Пактнинг 16–17-моддаларига биноан, аъзо-давлатлар ушбу Пактда ўрнатилган ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан Қўмитага даврий маърузаларни тақдим этишлари шарт. Бундан ташқари, давлатлар ушбу Пактдаги ҳуқуқларнинг амалга оширилиши юзасидан тўлиқ маълумотни Қўмитага тақдим қилишлари лозим. Аъзо-давлатдан тегишли маъруза келиб тушганидан сўнг, Қўмита унинг кўриб чиқилиши учун стандарт жараёни амалга оширади. Маъруза олиниб, қайта ишланиб ва Котибият томонидан таржима қилинганидан сўнг уни Қўмитанинг 5 кишидан иборат ишчи гуруҳи кўриб чиқади. Маърузани Қўмита тўлиқ таркибда кўриб чиқишидан 6 ой олдин ишчи гуруҳ ўзининг мажлисларини ўтказади. Ишчи гуруҳ дастлаб маърузани кўриб чиқади ва аъзоларидан бирига уни чуқур таҳлил қилишни топширади. Шундан сўнг маърузани ўрганишда аниқланган камчиликлар юзасидан ёзма равишда саволлар тузиб чиқилади. Тегишли давлат ушбу саволлар юзасидан ишчи гуруҳга керакли жавобларни юбориши шарт. Тегишли давлат вакиллари Қўмита мажлисларида иштирок этиши тавсия этилади. Одатда, давлат делегацияси 2 кунга чўзиладиган ушбу жараёнда қатнашиб, иш юзасидан шарҳ ва саволларга ўз жавобларини тақдим этади.

Шундан сўнг маълумот ушбу маърузага алоқадор бўлган БМТнинг махсус муассасасига тақдим этилади. Кейин Қўмита аъзолари мажлисда иштирок этаётган давлат вакилларига ўзларининг мулоҳаза ва са-

1 Қаранг: Комитет по экономическим, социальным и культурным правам. Женева, ООН, 1996.

волларини берадилар. Ана шундан сўнг давлат вакилларига берилган савол ва мулоҳазалар юзасидан жуда ҳам аниқ жавоблар тайёрлаш вазифаси юклатилади. Камдан-кам ҳолатларда Қўмита етарли жавоблар ва қўшимча маълумотлар бўлмаганлиги боис, ушбу ишнинг кўриб чиқилишини кейинги сессияга қолдиради. Кўриб чиқилган маъруза юзасидан Қўмита ўзининг якуний мулоҳазаларини тақдим этади. Якуний мулоҳазалар 5 қисмдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Кириш.
2. Ижобий жиҳатлар.
3. Пактни амалга оширишда тўскинлик қилаётган омиллар ва кийинчиликлар.

4. Ташвиш туғдирадиган асосий муаммолар.

5. Таклифлар ва тавсиялар.

Якуний мулоҳазалар ёпик мажлисда қабул қилинади ва сессиянинг охириги кунда эълон қилинади.

Айрим ҳолатларда Қўмита Пактнинг бузилишини қайд қилади ва аъзо-давлатни бундай ҳуқуқ бузилишини бошқа такрорламасликка чақиради. Қўмита мулоҳазаси юридик кучга эга бўлмаса-да, у ягона эксперт органининг фикрини ифодалайди. Баъзан эса, Қўмита мулоҳазалари давлатнинг миллий қонунчилиги ўзгаришига сабабчи бўлган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Қўмитанинг иккинчи асосий вазифаларидан бири – бу унинг Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга шарҳ беришидир.

Қўмита мулоҳазалари давлатларга Пактни тўғри қўллашда ва маърузалар тайёрлашда ёрдам беради. Ҳозирги пайтда Пакт бўйича ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобланган алоҳида шахс ёки гуруҳ қўмитага шикоят қилиш имкониятига эга эмас. Шу кунларда ушбу имкониятни амалга оширувчи қўшимча протокол ишлаб чиқияпти.

Қўмита ноҳуқумат ташкилотларига алоҳида давлатларда Пактда кўрсатилган ҳуқуқлар бузилиши юзасидан ёзма ёки оғзаки хабар тақдим этиш имкониятини яратган биринчи шартномавий орган ҳисобланади. Қўмита оғзаки хабарларни: бевосита Пакт қондаларига боғлиқ бўлса; қўмита томонидан кўриб чиқилаётган масалаларга тўғридан-тўғри алоқадор бўлса; шунингдек, улар ишончли ва ҳақоратомуз мазмунга эга бўлмаган ҳолларда кўриб чиқади.

БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 2008 йил декабрида қабул қилинган Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Факультатив протоколи 2013 йил 5 май кунини кучга

кирди. Протоколнинг кучга кириши алоҳида шахсларга Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кафолатланган ҳуқуқлари бузилган шахсларга махсус ташкил этилган Қўми­тага мурожаат қилишига имкон берди. Мурожаатлар аъзо-давлат юрисдикциясидаги Пактда баён қилинган иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бузилган шахс ёки шахслар гуруҳи ёки уларнинг номидан, мазкур ҳуқуқларни бузган аъзо-давлат устидан тақдим этили­ши мумкин.

Ирқий камситишлар бўйича қўмита. Ирқий камситишларни ту­гатиш бўйича қўмита Ирқий камситишнинг барча шакллари­га барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция амалга оширилишини кузатиб боради. Қўмита, конвенциянинг 8-моддасига биноан, 1970 йилда таш­кил этилган. Бу Қўмитанинг аъзолари ҳам 18 кишидан иборат бўлиб, улар Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан тўрт йиллик муддатга сайланадилар¹.

Қўмита аъзолари ташқаридан ҳеч қандай топширик олмай, мустақил равишда ҳаракат қиладилар. Улар ўз мажбуриятларини ба­жаришдан четлатилмайди ва уларнинг розилигисиз ўрнига бошқа ки­ши тайинланмайди. Конвенцияга аъзо-давлатлар тўрт йилда бир мар­та Қўми­тага Конвенция қондалари ўша давлат миллий қонунчилигида қандай акс эттири­лаётганилиги тўғрисида маъруза тақдим этиши лозим. Икки йилда бир марта эса, мамлакатдаги янги маълумотларнинг қисқача маърузасини тақдим қилишлари зарур бўлади.

Қўмита томонидан маърузанинг кўриб чиқи­лиш жараёнида те­гишли давлат вакили қатнашиши, сўзга чиқиши, саволларга жавоб бериши ва қилинган мулоҳазалар устидан шарҳлар бериши мумкин. Қўмита Бош Ассамблеянинг йиллик маърузасида кўрилган маъруза­лар натижаларини умумлаштиради ҳамда ўзининг тақлиф ва тавсия­ларини беради.

Қўмита фаолиятининг биринчи кунлариданок, ушбу маърузалар­нинг мақсад ва характери­га зид келадиган нотўғри қарашларни рад этиб келади. Агар аъзо-давлат ўз ҳудудида ирқий камситишлар мавжуд эмас, деб ҳисобласа ҳам, Қўми­тага умумлаштирувчи ва бошқа маърузалар­ни тақдим этишлари шарт. Аъзо-давлатларнинг ўз ҳудудларида ирқий камситишлар мавжуд эмас, шунинг учун ҳам Конвенциядан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши шарт эмас, деб ҳисоблайдиган фикрлари нотўғридир.

¹ Қаранг: Комитет по ликвидации расовой дискриминации. Женева, ООН, 1992.

Кўмитанинг бир аъзо-давлатнинг бошқа бир аъзо-давлат устидан Конвенция қоидаларини бажармаяпти, деган шикоятларини қабул қилиш ва керакли чоралар қўллаш ваколати мавжуд. Конвенцияга аъзо-давлатлар ушбу ваколатни тан оладилар. Аммо, ҳалигача ҳеч бир аъзо-давлат бу жараёндан фойдаланган эмас.

Алоҳида шахс ёки бир неча шахс ўзини ирқий камситиш қурбони деб ҳисобласа, ўз давлати устидан Кўмитага шикоят билан мурожаат этиши мумкин. Бу ҳолат фақат тегишли давлат Кўмитанинг шикоятларни кўриб чиқиш ваколатини тан олгандагина амалга оширилади.

Кўмита яширин тартибда ҳуқуқ бузилганлигини тасдиқловчи шикоятини уни йўлловчи шахснинг исми-шарифини кўрсатмасдан тегишли давлатга йўллайди. Шундан сўнг, давлат ушбу ҳолат бўйича ўз фикрини билдиргач, Кўмита бу масалани кўриб чиқади ва тегишли таклиф ҳамда тавсияларни беради.

Қийноқларга қарши кўмита. Қийноқларга қарши кўмита 10 нафар экспертдан ташкил топган. Экспертларнинг ҳар бири тўрт йил муддатга сайланади. Кўмита Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг каттик, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция катнашчиси бўлган давлатларнинг мазкур Конвенция бўйича зиммага олган мажбуриятларини бажариши юзасидан маърузаларини кўриб чиқади. Қоидага кўра, кўмита ҳар йили навбатдаги иккита сессиясини ўтказди.

Конвенцияга аъзо бўлган ҳар бир давлат Кўмитага Конвенциядан келиб чиқадиган мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисида маъруза тақдим этади. Биринчи маъруза тегишли давлатга Конвенция кучга киргандан сўнг бир йил ичида тақдим қилиниши шарт. Кейинги маърузалар 4 йилда бир маротаба тақдим этилади. Ҳар бир маърузадан сўнг Кўмита мақсадга мувофиқ деб топса, ўз мулоҳазасини билдиради. Қисман ўша давлатга Конвенцияда кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни бажармаганлигини ҳам айтиб ўтиши мумкин. Қийноқларга қарши кўмитанинг мулоҳазалари юридик кучга эга бўлмаса-да, лекин улар ягона эксперт органининг фикрини ўзида акс эттиради. Шундай экан, бундай хулосаларнинг инкор этилиши ёки уларга риоя қилинмаслиги муайян давлатнинг Конвенцияга ҳурматсизларча қарашини билдиради.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг каттик, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияга мувофиқ, қийноқларга қарши кўмита аъзо-давлатларда тизимли қийноқлар тўғрисидаги аризаларга тегишли маълумотлар олиш

ва текширишлар ўтказиш ваколатига эгадир¹. Бу жараён иккита элемент билан характерланади: ишонарлилик ва тегишли давлат билан ҳамкорлик. Қўмита ваколоти қўшимча ҳисобланади. Конвенцияни ратификация қилаётган давлат ушбу ваколатни тан олмаслигини баён этиши мумкин. Бундай ҳолларда Қўмита тегишли давлатга нисбатан ўз ваколатларини қўллай олмайди. Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг каттик, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг 20-моддасига мувофиқ, Қўмита ҳар қандай давлатдан конвенцияда бузилган ҳуқуқлар юзасидан хабарларни олиш ва кўриб чиқиш ҳуқуқига эга². Агар олинган маълумот ишонарли бўлса, унда Қўмита тегишли давлатни ушбу масала юзасидан ҳамкорлик қилишга чакиради. Қўмита қўйилган масалага аниқлик киритиш мақсадида ҳуқумат вакилларида ёки ноҳуқумат ташкилотларидан қўшимча маълумот сўраб олиши мумкин. Қўмита олинган маълумотни текшириб кўриш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобласа, унда ўзининг бир ёки бир нечта аъзосини ишончли текширув ўтказиш учун тайинлайди. Бундай ҳолларда қўмита тегишли давлатдан ишончли текширув ўтказиш учун вакил тайинлашни сўрайди. Тегишли давлатнинг розилиги ушбу давлатга бориб, бевосита гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглашни ҳам ўз ичига олади. Ишончли текширув ўтказиш учун тайинланган Қўмита аъзолари тегишли давлатда ўтказилган текширув натижалари бўйича хулосалар тақдим этади. Ушбу давлатдан эса, олинган мулоҳазаларнинг бажарилиши юзасидан Қўмитани хабардор қилиб туриш сўралади.

Қўмита аъзо-давлат билан маслаҳатлашгандан сўнг, текшириш билан боғлиқ ишларнинг якуни бўйича ўзининг йиллик маърузасига текширув натижалари бўйича ҳисоботини киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Фақат шу ҳолатдагина Қўмита фаолияти эълон қилинади; бошқа ҳолатларда эса, текширув билан боғлиқ бўлган бутун фаолият ва ҳужжатлар махфий ҳисобланади.

Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг каттик, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг 21-моддасида кўрсатилган давлатларнинг шикоят қилиши билан боғлиқ бўлган жараён ушбу давлатлар томонидан Қўмитанинг ваколоти тан олингандагина амалга оширилади. Қўмитанинг ваколатини тан олган давлатлар бир-бирлари устидан

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. /Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. Т.: Адолат. 2004. – Б. 76.

² Ўша манба. – Б. 76–77.

Конвенциядаги мажбуриятларини бажармаётганликлари юзасидан Қўмиитага хабар бериши мумкин.

Ўзини Конвенция бузилишининг жабрдийдаси деб ҳисоблаган шахслар Қўмиитага шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Аъзо-давлат Қўмитанинг ваколатини тан олган бўлиши керак. Агар мазлумнинг ўзи хабарни тақдим этиш ҳолатида бўлмаса, унинг ота-онаси ёки вакили тақдим этиши мумкин.

Авалло, Қўмиита хабарнинг кўриб чиқишга яроклилигини текширади. Шундан сўнг масаланинг моҳиятини ўрганишга киришади. Хабарнинг кўриб чиқишга ярокли бўлиши учун талаб қилинадиган ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- аноним ва Конвенция қоидаларига зид бўлмаслиги керак; тақдим этилган хабарда шахснинг ўзи томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлмаслиги керак;
- хабар бошқа халқаро текширув жараёнида кўриб чиқилган ёки кўрилаётган бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари, давлатнинг миллий ҳимоя воситаларидан фойдаланилган бўлиши керак. Масалани аниқлаштириш юзасидан Қўмиита тегишли давлатдан ёки мазлумдан қўшимча маълумот сўраб мурожаат қилиши мумкин. Хабар ярокли ёки яроқсиз деб топилса, томонлар бундан хабардор қилинади. Конвенция шартларини бузган аъзо-давлатдан олти ой ичида кўтарилган савол юзасидан тушунтириш ёки баёнот талаб қилинади. Тушунтиришда давлатнинг ушбу ҳолатни тузатиш юзасидан қандай чоралар кўрганлиги акс эттирилади. Хабар муаллифи ҳам Қўмиитага ўзининг мулоҳазаларини ёки қўшимча маълумотларни тақдим қилиши мумкин.

Агар Қўмиита мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, мазлум шахсан ўзи ёки вакили орқали Қўмитанинг ёпиқ мажлисларида катнашиши мумкин. Қўмиита тегишли давлат вакиллари ҳам тақлиф қилиши мумкин.

1981 йили БМТ Бош Ассамблеяси томонидан, унинг 36/151 резолюцияси асосида, кийноқларга солиш ҳолатларининг жабрдийдаларига ёрдам бериш учун БМТнинг Кўнгилли бадаллар жамғармаси таъсис этилди. Фондни ташкил этишдан мақсад ихтиёрий бадаллар тўплаш ва бу бадалларни кийноқларга дучор этилган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзоларига мурувват ёрдами, юридик ва молиявий ёрдам кўрсатиш учун тақсимлашдан иборатдир. Фонд ўз фаолиятини ҳукуматлар, хусусий ташкилотлар, муассасалар ва айрим шахслар томонидан берилаётган кўнгилли бадаллар асосида амалга ошираётир. Фондни бошқариш

билан БМТ Бош котибининг ўзи шуғулланмоқда. Унга бу борада инсон ҳуқуқлари соҳасида катта тажрибага эга бўлган раис ва тўрт нафар аъзодан иборат таркибдаги Васийлар кенгаши ёрдам бермоқда. Маблағларнинг каттагина қисми, руҳий, тиббий ёрдам кўрсатиш ва саломатликни тиклаш, реабилитация қилишга онд лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш учун сарфланади. Ана шу хилдаги лойиҳалар, асосан, кийноқларга солишнинг жабрдийдалари ҳамда уларнинг оилаларига тўлақонли ва расамадли ҳаёт кечиришларини таъминлайдиган шароит яратиб беришга қаратилган.

Хотин-қизларга нисбатан камситишларни тугатиш бўйича қўмита. Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг амалга оширилишини назорат этиб бориш мақсадида Конвенциянинг 17-моддасига биноан таъсис этилган. Қўмита 23 экспертдан ташкил топади. Улар юксак ахлокий фазилатларга эга бўлган, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари соҳасида билим ва тажрибаси билан ажралиб турадиган номзоди Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан кўрсатиладиган шахслардан таркиб топган рўйхатдаги номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади¹.

Қўмита аъзолари тўрт йиллик муддатга сайланадилар ва ўз давлатларининг вакиллари сифатида эмас, балки мустақил фаолият юритадилар. 1982 йилда ташкил этилганидан бошлаб Қўмита аъзолари, бир нафар аъзосини (Ф. Корнелли, Нидерландия) истисно қилмаса, бутунлай аёллардан ташкил топган. Улар турли касб вакиллари (жинс (гендер) бўйича юристлар, муаллимлар, дипломатлар, экспертлар). Қўмита ўзининг мажлисларини йилда бир мартаба Женевада ёки Нью-Йоркда ўтказди. Ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ЭКОСОС оркали Бош Ассамблеяга маърузалар тақдим этади.

Конвенциянинг 17-моддасига биноан, Қўмитанинг асосий вазифаси Конвенция қоидалари бажарилиши юзасидан аъзо-давлатларнинг қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа қоралар тўғрисидаги маърузаларини кўриб чиқишдир. Давлатларнинг биринчи маърузаси Конвенцияни ратификация қилгач ёки унга қўшилгач бир йил ичида тақдим этилади. Кейинги маърузалар тўрт йилда бир марта тақдим этилиши шарт ёки Қўмитанинг тегишли илтимосига биноан, олдинроқ ҳам тақдим этилиши мумкин.

¹ Каранг: Дискриминация в отношении женщин: Конвенция и комитет. Женева, ООН, 1995.

Сессиядан олдин ташкил этилган ишчи гуруҳлари Қўмитанинг беш аъзосидан ташкил топиб, улар саволлар рўйхатини ва кўтарилган муаммолар тартибини тайёрлайди. Ушбу муаммолар тегишли давлатларга сессия муддатидан илгари жўнатилади, бу эса, давлатларга сессиядан олдин жавобларни тайёрлаш имкониятини беради. Тегишли давлат вакиллари маъруза кўрилишида катнашиши мумкин. Қўмита сессия бошида маъруза шакли ва мундарижасига қиёсий мулоҳазалар ва шарҳлар беради. Кейин Конвенциянинг аниқ, муайян моддаларига боғлиқ саволлар беради. Давлат вакиллари айрим саволларга ўша пайтнинг ўзидаёқ, бошқаларига эса, бир-икки кундан сўнг жавоб бериши мумкин. Ушбу босқичда Қўмита маъруза юзасидан кўшимча саволлар бериши ва тўла маълумот сўраши мумкин. Шундан сўнг Қўмита якуний мулоҳазалар тайёрлайди, бу эса, Бош Ассамблеянинг маърузаларида акс этиши мумкин. Якуний мулоҳазаларда давлат вакиллари билан ўтказилган музокараларда кўтарилган саволлар, Қўмитанинг хавотирланиши сабаблари кўрсатилади. Давлат маърузаларининг Қўмита томонидан кўриб чиқилиши мунозарали жараён эмас. Қўмита у ёки бу давлатни Конвенцияни бузаяпти, деб эълон қилмайди. Бунинг ўрнига Қўмита эътиборни тегишли саволлар ва мулоҳазалар орқали давлат сиёсатининг кучсиз томонларига қаратади. Конвенциянинг 21-моддасига биноан, Қўмита маърузалар ва маълумотларни ўрганиш асосида умумий характердаги таклиф ва тавсиялар бериши мумкин.

Қўмита учун қимматли маълумотлар манбаи – бу ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва аёллар ноҳуқумат ташкилотларидир. Аъзо-давлатлар томонидан аёлларга нисбатан қилинаётган маърузалар ҳар доим ҳам давлатдаги аниқ ҳолатни ифодамайди. Мустақил ташкилотлардан Қўмитага тақдим этиладиган маълумотлар вазиятни тўғри баҳолашда катта ёрдам беради. Кўриладиган масалалар юзасидан жўнатиладиган маълумотлар Конвенциянинг аниқ, муайян моддаларига ҳавола этилиши керак.

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита. Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита Бола ҳуқуқлари бўйича конвенциянинг 43-моддасига биноан 1991 йилда ташкил этилган. Бу Қўмитанинг биринчи сессияси 1991 йилда бўлиб ўтган. Қўмита ўн нафар экспертдан иборат. Унинг зиммасига бола ҳуқуқларини рағбатлантириш учун қурашаётган, Конвенция катнашчиси бўлган барча давлатлар ўртасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилишини таъминлаш вазифаси топширилган. Улар мустақил фаолият юритадилар. Қўмита мажлислари ҳар йили Женевада бўлиб ўтади.

Қўмита фаолияти тўғрисида маъруза икки йилда бир марта ЭКОСОС орқали Бош Ассамблеяга тақдим қилинади.

Қўмита Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар ўзларининг бу борадаги мажбуриятларини қай тарзда бажараётганликларини кузатиб боради. Конвенциянинг 44-моддасига биноан, аъзо-давлатлар Қўмитага Конвенцияда тан олинган ҳуқуқларни мустаҳкамлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида маърузалар тақдим этишлари шарт бўлади. Давлатлар маърузасида Конвенция бажарилишига қаратилган тадбирлар ҳақидаги ва бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги тараққиёт тўғрисидаги батафсил маълумотлар акс этган бўлиши керак. Биринчи маъруза тегишли давлатга Конвенция кучга кирганидан сўнг икки йил ичида тақдим қилиниши шарт. Кейингилари эса, кейинги ҳар беш йил ичида бир марта тақдим этилади. Конвенцияга мувофиқ, аъзо-давлат ўз ҳудудида маърузалари ошқоралигини таъминлаб бериши лозим. Қўмита маърузаларни ўрганиб, умумий характердаги таклиф ва тавсиялар бериши мумкин. Агар маъруза юзасидан мулоҳазалар қилинса, бу ҳақда Бош Ассамблеяга хабар қилинади¹.

Қўмитанинг мулоҳазалари юридик мажбурлов кучига эга эмас. Лекин, Қўмита мулоҳазаларини инобатга олмаслик Конвенцияга ҳурматсизларча қарашни билдиради. Қўмитада Конвенцияда кўрсатилган ҳуқуқлар бўйича экспертлар фаолият юритадилар. Экспертлар ўз давлати манфаатидан келиб чиқиб эмас, балки мустақил эксперт сифатида иш олиб борадилар. Бу эса, уларнинг адолатли мулоҳаза чиқаришини таъминлайди.

Меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўмита. Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўмита Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенциянинг 72-моддасига биноан ташкил этилган. Қўмита ўзининг доимий сессиясини Женевада ўтказди. Унинг расмий ҳужжатлари CMW/C/- белгиси билан белгиланади.

Конвенциянинг 73-моддасига биноан, Конвенциянинг аъзо-давлатлари Конвенцияда белгиланган нормаларни бажарганликларига

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. /Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. Т.: Адолат. 2004. – Б. 237-239.

онд чора-тадбирлар тўғрисидаги биринчи маърузасини Конвенцияга қўшилгандан сўнг, кучга кирган вақтдан бошлаб бир йил ичида тақдим этишлари лозим. Кейинги маърузаларини ҳар беш йилда бир маротаба топширадилар.

Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита. Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Қўмита аъзо-давлатлар томонидан Конвенция имплементация қилинишини мониторинг қилувчи мустақил экспертлар органи.

Барча аъзо-давлатлар Қўмитага ҳуқуқлар қай даражада таъминланаётгани тўғрисида маърузалар тақдим этиши шарт. Давлатлар конвенцияни қабул қилгандан кейин илк маъруза икки йил давомида тақдим этилиши, кейингилари – ҳар 4 йилда тақдим этилиши керак. Қўмита маърузаларни кўриб чиқади ва маъруза бўйича лозим деб ҳисоблаган таклифлар ва тавсияларини тайёрлайди ва давлатларга тақдим этади.

Конвенцияга Қўшимча протокол Қўмитага протоколга аъзо бўлган давлатлар томонидан Конвенция нормалари бузилган тақдирда индивидуал шикоятларни кўриб чиқиш ваколатини беради.

Қўмита Женева шаҳрида жойлашган ва одатда, бир йилда 2 та сессия ўтказади.

Зўрлик остида ғойиб бўлганлар бўйича қўмита. Барча шахсларни зўрлик остида ғойиб бўлишдан ҳимоя қилиш тўғрисида халқаро конвенция қондаларини назорат қилиш мақсадида, инсон ҳуқуқлари соҳасида ваколатли сифатида эътироф этилган ва юқори ахлокий сифатларга эга бўлган ўн нафар экспертдан иборат Зўрлик остида ғойиб бўлганлар бўйича қўмита таъсис этилади. Улар тўлиқ ҳолислик тамойили асосида давлат вакиллари сифатида эмас, балки шахсий сифатлари бўйича фаолият юритади.

Конвенциянинг ҳар бир аъзо-давлати БМТ Бош қотиби орқали, мазкур Конвенция бу давлат учун кучга киргандан сўнг, унинг қондаларини бажариши тўғрисида маърузалар тақдим этади.

Йўқолган шахснинг қариндошлари, уларнинг қонуний вакиллари, адвокатлар ёки бошқа ҳар қандай ваколатли шахс, шунингдек, қонуний манфаатдор бўлган ҳар қандай шахс йўқолган шахснинг қидируви ҳамда унинг жойини аниқлаш тўғрисида тезлик билан Қўмитага мурожаат қилиши мумкин.

Умуман, қўмиталарнинг фаолиятини қуйидагича тартибда жадвалда бериш мақсадга мувофиқдир:

Шартноманин номи (инглиз тилида)	Кабул қилинган ва кучга кирган сана	Шартномавий органининг номи	Аъзолар сони	Аъзоларнинг қимлиги томонидан сарфланган	Миллий маъруза тақдим этиш	Давлатларо мураккаб қилиш томиги	Шахсларнинг мураккаб қилиш томиги	Soz noto текширилган
ССПР	1966 йил 16 декабрь / 1976 йил 23 март	Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмига	18	Иштирокчилар давлатлар томонидан	40-моддага кўра мажбурийдир	Ихтиёрий 41- ва 42-моддалар	Биринчи Факультатив протокол	
CESCR	1966 йил 16 декабрь / 1976 йил 3 январь	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича кўмига	18	Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш томонидан	16- ва 17-моддаларга кўра мажбурийдир		Факультатив протокол	
CERD	1965 йил 21 декабрь / 1969 йил 4 январь	Ирқий камситишларга барҳам бериш кўмитаси	18	Иштирокчилар давлатлар томонидан	9-моддага кўра мажбурийдир	11-, 12-, 13-моддаларга кўра мажбурий	Ихтиёрий, 14-моддаси	
CAT	1984 йил 12 декабрь / 1987 йил 26 июнь	Қийноқлар бўйича кўмига	10	Иштирокчилар давлатлар томонидан	19-моддага кўра мажбурийдир	Ихтиёрий 21-моддаси	Ихтиёрий, 22-моддаси	Мажбурий бўлса-да, давлатлар 20- ва 28-моддаларга кўра, кўмига ваколатини тан олмасликка ҳақлидир

CEDAW	1979 йил 18 декабрь / 1981 йил 3 сентябрь	Аёлларга нис- батан ҳуқуқий камситишларга барҳам бериш бўйича қўмига	23	Иштирокчи- давлатлар томонидан	18-моддага кўра маж- бурийдир		Факуль- татив протокол	Факультатив протокол 8- ва 10- моддалар- га мувофиқ давлатлар қўмига вако- латини тан олмасликка ҳақлидир
CRC	1989 йил 20 ноябрь / 1990 йил 2 март	Бола ҳуқуқлари бўйича қўмига	18	Иштирокчи- давлатлар томонидан	44-моддага кўра маж- бурийдир		Учинчи факуль- татив протокол	
CMW	1989 йил 18 декабрь / 2003 йил 1 июль	Меҳнатқаш- мигрантлар бўйича қўмига	10	Иштирокчи- давлатлар томонидан	73-моддага кўра маж- бурийдир	76-модда (ҳали кучга кирмаган)	77-модда (ҳали кучга кирмаган)	
CRDP	2006 йил декабрь / 2008 йил 3 май	Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмига	12	Иштирокчи- давлатлар томонидан	35-моддага кўра маж- бурийдир		Факуль- татив протокол	Факультатив протокол
CED	2006 йил 20 декабрь / 2010 йил 23 декабрь	Зўрлик оркали ғойиб булганлар бўйича қўмига	10	Иштирокчи- давлатлар томонидан	29-моддага кўра маж- бурийдир	32-модда (ҳали кучга кирмаган)	31-модда (ҳали кучга кирмаган)	33-модда

5. БМТнинг ихтисослашган ташкилотларида инсон ҳуқуқлари масаласи

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ва инсон ҳуқуқлари. ЮНЕСКО, неча йилдирки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27-моддасида эълон қилинган маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини амалий тарзда турмушга татбиқ этишга қаратилган фаолият ўтказиб келмоқда. Чунончи, 1966 йилда ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси Халқаро маданий ҳамкорлик тамойиллари декларациясини қабул қилган ва эълон қилган. Ҳукуматлар, маъмурлар, маданий фаолият учун мутасадди ташкилотлар, уюшмалар ва муассасалар бундан буён ана шу Декларацияга амал қилишлари лозим, деб топилган.

Мазкур ҳужжатда мужассам топган тамойилларнинг айримларини санаб ўтамиз.

Биринчи: ҳар бир маданият ҳурмат қилиниши ва асраб-авайланиши лозим бўлган кадр ҳамда қимматга эга.

Иккинчи: ўз маданиятини ривожлантириш ва юксалтириш ҳар бир халқнинг ҳуқуқи ҳамда бурчидир.

Учинчи: халқлар башариятнинг техникавий ва маънавий-интеллектуал таракқиёти ўртасида уйғун мувозанатни таъминлаш мақсадида маданиятнинг барча тармоқларини мувозий тарзда ва эҳтимолки, бир вақтнинг ўзида ривожлантириш билан боғлиқ ишларни давом эттиришга интилишлари зарур.

Тўртинчи: халқаро маданий ҳамкорлик таълим, фан ва маданият соҳасидаги ақлий ва ижодий фаолиятнинг барча турларини қамраб олиши керак.

Бешинчи: маданий ҳамкорлик барча халқлар ва мамлакатларнинг ҳуқуқи ҳамда бурчи эканлиги сабабли улар (халқлар ва мамлакатлар) бир-бирлари билан билим ҳамда тажрибани баҳам кўришлари зарур.

Олтинчи: барча маданиятларга яхши таъсир ўтказиб келаётган ва уларнинг ўзаро бойишига имкон яратаётган халқаро маданий ҳамкорлик амалга оширилаётганда маданиятларнинг ҳар бири ўзига хос эканлиги ҳурмат қилинмоғи лозим.

ЮНЕСКО ўз фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланмиш таълим соҳасида саводсизликка қарши кураш дастурларини изчил амалга ошириб келмоқда. Мажбурий ялпи бошланғич таълим тамойилини амалга ошириш бу дастурлардаги муҳим бўғин бўлиб, мазкур тамойилнинг рўёбга чиқарилиши саводсизликнинг асосий сабабларини барт-

раф этишга ёрдам бериши табиий. ЮНЕСКОнинг ваколат доирасига ўқитувчиларни ҳамда таълимни режалаштириш ва ривожлантириш учун мутасадди бўладиган шахсларни тайёрлаш масалалари ҳам киради. Бунинг замирида жойларда мактаблар қурилишини рағбатлантириш ҳамда уларни тегишли ашё ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсади ётганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Ана шу йўналишдаги фаолиятда 1974 йили Бош конференция томонидан қабул қилинган муҳим бир ҳужжатга асосланадиларки, бу ҳужжат Халқаро хайрихоҳлик, ҳамкорлик ва тинчлик руҳида ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари руҳида тарбиялаш тўғрисидаги тавсияномадир.

Табиий фанлар соҳасида ЮНЕСКОнинг “Инсон ва биосфера” дастури сингари ташаббусини алоҳида таъкидлаш керак. Ижтимоий фанлар соҳасига келганда, ЮНЕСКО урушни келтириб чиқариш ва авж олдириш сабаблари, ирқчилик муаммолари, тараққиёт ҳамда инсоният билан атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари сингари масалалар бўйича ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини олиб боради. Алоқаларни сақлаб туриш хусусига келганда, айтиш мумкинки, мазкур Ташкилот бу соҳадаги мавжуд талаб-эҳтиёжларни ўрганиб боради ҳамда ўзининг алоқаларини ривожлантиришга қаратилган халқаро дастурлари орқали мазкур жабҳада инфратузилмани вужудга келтириш ишида ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатади¹.

Ҳозирги кунга қадар ЮНЕСКО томонидан 70 га яқин халқаро шартномалар қабул қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти инсон ҳуқуқлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг Конвенциялар ва тавсиялар бўйича қўмитасига ҳам шикоятлар билан мурожаат қилиш мумкин. Мурожаатлар алоҳида шахслар ёки нодавлат ношижорат ташкилотлари томонидан қуйидаги масалалар юзасидан берилиши мумкин: таълим олиш ҳуқуқи, жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда иштирок этиш ҳуқуқи, ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги, виждон ва сўз эркинлиги.

Колаверса, бу ташкилот БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ўн йиллиги (1995–2004)ни нишонлашда ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бутунжаҳон дастурини амалиётга татбиқ этиш ва инсон ҳуқуқлари ҳамда тинчлик маданиятини умумжаҳон миқёсида тарғиб этишда ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда.

¹ ЮНЕСКО ташкилоти бўйича батафсил маълумотлар учун қаранг: Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. – Т. Янги аср авлоди, 2003.

БМТ Бош Ассамблеяси 2010 йилни Маданиятларни яқинлаштириш йили деб эълон қилди ва ЮНЕСКОни “мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро билимлар алмашиш ва ўзаро тушуниш”ни рағбатлантириш бўйича 60 йиллик тажрибасига таянган ҳолда “Халқаро йилни ўтказишга тайёргарлик кўришда муҳим роль ўйнашга” чақирди. ЮНЕСКО мандати бўйича бу Халқаро йил бир вақтнинг ўзида Тинчлик маданияти ва планетада болалар манфаатларида зўравонликларни бартараф этиш бўйича халқаро ўн йиллик (2001–2010 йиллар)нинг чўккиси ва янги стратегиянинг бошланғич нуқтаси ҳисобланди.

ЮНЕСКО халқаро вазиятдаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, бу масалага катта эътибор қаратмоқда. Мазкур муаммо 2008–2013 йилларга мўлжалланган “Ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бири ва бир вақтнинг ўзида Ташкилотнинг устувор вазифаларидан бири бўлган маданий турфа хиллик ва мувофиқ равишда мулоқотни рағбатлантириш” ҳисобланган ўрта муддатли стратегиясининг мақсадларига асосланади. Бошқача сўз билан айтганда, бу мақсад жаҳон маданиятларининг кўп турфалиги ва уларни бирлаштирувчи алоқаларнинг бутун спектрини эътироф этишдан иборатдир.

Халқаро меҳнат ташкилоти. Халқаро меҳнат ташкилоти Миллатлар лигаси билан бир пайтда Версаль шартномаси асосида 1919 йилда ташкил топган. Халқаро меҳнат ташкилоти Биринчи жаҳон урушидан кейин ижтимоий соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш ва уларни халқаро даражада мувофиқлаштириш мақсадида таъсис этилган. Халқаро меҳнат ташкилотининг биринчи йиғилиши 1919 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Халқаро меҳнат ташкилотининг олтита конвенцияси ва олтита тавсияси (Иш кунининг давом эттирилиши тўғрисидаги 1-конвенция билан бирга) қабул қилинган.

1946 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биринчи ихтисослашган ташкилоти сифатида ташкил топди. 1969 йилда ХМТнинг 50 йиллиги муносабати билан унга халқаро Нобель мукофоти берилди.

ХМТ тўртта асосий стратегик мақсадга эга ва улар қуйидагилардан иборат:

- *биринчи мақсад* – меҳнат соҳаси бўйича нормалар ва асосий таъминотлар ҳамда ҳуқуқларни ривожлантириш ва амалга ошириш;
- *иккинчи мақсад* – аёллар ва эркеклар учун янада кенгрок ва қулай иш шароитини яратиш;
- *учинчи мақсад* – барча учун ижтимоий ҳимоя самарасини ошириш ва кўламини кенгайтириш;

- *тўртинчи мақсад* – уч томонлама тузилмани мустаҳкамлаш ва ижтимоий мулоқотни қўллаб-қувватлаш.

Бу мақсадларга қуйидаги йўллар билан эришилади:

биринчидан, энг асосийси, инсон ҳуқуқларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, меҳнат ва ҳаёт шароитини яхшилаш, иш билан таъминлаш соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш бўйича халқаро чора-тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқиш;

иккинчидан, ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилишида миллий ҳокимият органлари учун дастуриламал тамойиллар бўлиб хизмат қилувчи халқаро меҳнат нормаларини ишлаб чиқиш;

учинчидан, ушбу чораларни ҳаётга татбиқ этишда мамлакатларга ёрдам сифатида таъсисчилар билан биргаликда ҳамкорлик асосида жадал ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган ҳар томонлама халқаро техникавий ҳамкорлик дастури;

тўртинчидан, барча мазкур саъй-ҳаракатларнинг амалга оширилишини таъминлаб берувчи тайёрлов, ўқув ва нашриёт фаолияти¹.

ХМТнинг конвенция ва тавсиялари меҳнатни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий актлардир. Халқаро меҳнат ташкилоти БМТнинг ихтисослашган муассасаси бўлиб, халқаро меҳнат стандартлари ишлаб чиқиш унинг асосий мақсадидир. ХМТнинг норма ижодкорлик фаолияти асосан конвенция ва тавсияларни қабул қилишда намоён бўлади. Халқаро меҳнат бюроси турли давлатлардаги қонунчилик ва унинг амалиётдаги ижроси тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олувчи маърузалар тайёрлайди ҳамда уларнинг муҳокамаси натижасида конвенция ва тавсиялар қабул қилади. Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ва тавсиялари, ўз навбатида, аъзо-давлатларга мўлжалланган, яъни улар ХМТнинг миллий қонунчиликка тегишли нормаларини киритиш лозимлиги тўғрисидаги хоҳишни ақс эттиради.

ХМТнинг конвенция ва тавсиялари ўз мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга таснифланади:

инсоннинг меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги актлар;

- иш билан таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги актлар;

- меҳнат шароитларини тартибга солувчи актлар;

- техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича актлар;

¹ Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Ўзбекча наشري учун масъул А.Х. Саидов. Т. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. 2008. Б. 11-12.

- алоҳида категорияли меҳнаткашларни юқори даражада ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисидаги актлар;

давлат, иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳамда меҳнат низоларини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги актлар.

Халқаро меҳнат ташкилоти конвенция ва тавсияларининг давлат ва халқаро миқёсда меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишга оид мазмунини ҳар томонлама баҳолаш мумкин:

- *биринчидан*, уларда барча мамлакатларнинг қонунчилигига энг мақбул даражада мос келиши керак бўлган стандартлар мавжуд;

иккинчидан, ХМТнинг конвенция ва тавсиялари меҳнат бора-сидаги қонунчиликни бир хиллаштириш (байналмилаллаштириш)га қўмаклашади.

ХМТнинг конвенция ва тавсиялари умумэътироф этилган меҳнат ҳуқуқлари доирасидан ташқарида бўлган масалаларни ҳам ўз ичига олади. Улар ижтимоий таъминот, меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш, меҳнат статистикаси, меҳнатни бошқариш бўйича давлат органларининг фаолияти ҳамда касб-ҳунар ва техник таълимга тегишлидир. ХМТнинг баъзи актлари факатгина иш берувчиларга ва ёлланиб ишловчиларга эмас, балки аҳолига ҳам тегишлидир. ХМТнинг конвенция ва тавсиялари меҳнатни халқаро барча даражада тартибга солишнинг асосий мазмунини ташкил эттиради.

Самарали ихтиёрий танланган меҳнат ХМТ мандагининг моҳиятидир. Самарали меҳнатсиз муносиб турмуш даражасига эришиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш, ўзидан қониқиш ҳиссига эга бўлишни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Шу ўринда, бугунги кунда бутун жаҳонни ўз исқанжасига олиб улгурган глобаллашув жараёнининг, бир томондан, иқтисодиётни раванк топтиришга, бошқа томондан эса – жамоавий масъулият чегарасини синаб, тенгсизликка сабаб бўлаётганлигини ҳам эътиборда тутиш лозим. Лекин, мазкур ҳолда ҳам, ХМТ бутун дунёда ялпи бандликка эришиш учун интилади.

ХМТнинг миссияси бутун дунёда инсонларга эркинлик, тенглик, ҳавфсизлик ва инсоний кадр-қиммат, ҳурмат қилинадиган шароитда ўзларига маъқул бўлган иш топишига ёрдам беришдан иборат. ХМТ бу фаолиятни янги ўқув дастурларини, меҳнат бозарларини ва бандликнинг мукамал турларини яратишга ёрдамлашиш орқали, меҳнаткашлар, иш берувчилар ва ХМТ таъсисчилари бўлган ҳукуматлар билан олиб бориладиган доимий мулоқотлар орқали амалга оширади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг бандлик соҳасидаги мақсадлари куйидагилардан иборат:

- *биринчидан*, таъсисчиларга иктисодиётда ва меҳнат бозорларида ўзгаришларни тадқиқ этишда ҳамда халқаро ва минтақавий даражада бандликни ривожлантириш бўйича самарали дастурлар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

- *иккинчидан*, кичик корхоналарни ривожлантириш орқали бандликка кўмаклашиш;

- *учинчидан*, аёлларни янада кўп турли ва кизиқарли иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

- *тўртинчидан*, норасмий тармоқдаги фаолият даражасини кўтариш бўйича чора-тадбирлар ва дастурларни самарали амалга ошириш;

бешинчидан, марказлаштирилган режалаштириладиган иктисодиётдан бозор иктисодиётига ўтиш даврида маслаҳатлар бериш, асосан, бандлик соҳасидаги сиёсат, меҳнат бозори ва иш кучи ресурслари бўйича маслаҳатлар бериш;

- *олтинчидан*, мақсадли дастурларни, яъни ёш меҳнаткашлар, ногиронлар, меҳнаткаш-мигрантлар ва туб аҳоли қаторига кирувчи одамларга муносиб иш топишларида ёрдам берувчи дастурлар ижросини жадаллаштириш ёки қабул қилиш¹.

ХМТ конвенциялари уларни ратификация қилган давлатларга хисоботларни тақдим этиш мажбуриятини юкласа, тавсиялар эса, миллий сиёсат, қонунчилик ва амалиёт учун йўналишларни белгилаб беради.

Ушбу жараёнлар устидан назорат конвенция ва тавсияларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борувчи 20 нафар юристдан иборат мустақил эксперт қўмитаси ва Конференцияларнинг конвенция ва тавсияларнинг бажарилиши бўйича уч томонлама қўмитаси томонидан олиб борилади.

ХМТнинг ўзига хослиги унинг органларидаги уч томонлама вакиллик ҳисобланади: ҳукуматлар, иш берувчилар ва меҳнаткашлар (қасаба уюшмалар). ХМТни ташкил этувчиларнинг фикрига кўра, ушбу шаклдаги вакиллик ҳукуматлар воситачилигида иш берувчилар билан меҳнаткашлар ўртасидаги мулоқотга ёрдам беради (ижтимоий ҳамкорлик ғояси).

¹ Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. Ўзбекча нашр учун масъул А.Х. Саидов. Т Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. Б. 14-15.

Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) БМТнинг ихтисослашган ташкилоти бўлиб, инсоннинг ижод қилиш ҳуқуқи ва унинг ижоди натижаларига қаратилган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимояси билан шуғулланади. БИМТнинг штаб-квартираси Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган. БИМТ 1967 йил 14 июль куни Стокгольм шаҳрида имзоланган, “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги конвенция” асосида ташкил этилган. Конвенция 1970 йилда кучга кирган.

БИМТнинг вазифаларидан бири бутун дунёда давлатлар ўртасида келишув ва битимлар асосида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни мувофиқлаштириш ва турли шартнома ҳамда конвенцияларнинг маъмурий бошқарувини таъминлашдан иборат. БИМТнинг маблағлари ва фаолияти асосан ривожланиб келаётган, айниқса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари, Яқин шарқ мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг ривожланишига қаратилган. Бу ташкилот 1974 йил декабрь ойида БМТнинг ихтисослашган ташкилоти деган мақомни олган.

БИМТ дунёда интеллектуал мулк ҳимоясини таъминлаш ва рағбатлантириш борасида янги ва ҳар томонлама зарур бўлган халқаро шартномаларнинг юзага келишида воситачилик қилади. Шунингдек, бу ташкилот барча давлатларда интеллектуал мулкка оид миллий қонунчиликнинг яратилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатади, аъзо-давлатларнинг бир-бири билан алоқалар ўрнатишида кўмаклашади.

1976 йилда БИМТ Конференцияси томонидан Доимий дастур ишлаб чиқилган. Бу Дастурнинг асосий вазифаси ижод билан шуғулланувчи шахсларни ҳар томонлама рағбатлантириш, адабий ва бадиий асарларни тарқатиш, ривожланаётган давлатларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда шу соҳа билан шуғулланаётган ташкилотлар ишига амалий ёрдам беришдан иборатдир.

БИМТ ташкил топгандан сўнг ҳаракатда бўлган, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қатор халқаро конвенциялар нормаларини бутун дунё мамлакатлари миллий қонунчилик нормалари орқали ижрога қаратишга муваффақ бўлди. Ҳозирги вақтда деярли барча давлатларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик асослари яратилган. Шунингдек, БИМТ муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид қонунлар лойиҳаларини ўрганиб чиқиш ва тавсиялар бериш билан шуғулланиб келмоқда. Қабул қилинган янги қонунлар, ҳуқуқий адабиётларни чоп этиш ва тарқатиш яхши йўлга қўйилган.

БИМТнинг 1996 йил 2 – 20 декабрь кунлари Женева шаҳридаги штаб-квартирасида чакирилган дипломатик конференциясида қарийб ўн йил давомида тайёрланган “БИМТнинг Муаллифлик ҳуқуқига оид шартномаси” ва “БИМТнинг Ижролар ва фонограммалар бўйича шартномаси” қабул қилинди. Бу шартномалар энг сўнгги технология натижалари ҳисобланган электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар, ахборотлар базаси, “Интернет” тизими, кинематография асарлари, фонограммалардан фойдаланиш, уларга нисбатан бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор халқаро ҳуқуқий тизимларни белгилаб берди. Ижрочилар ҳуқуқларини янада кенгайтириш, фонограмма ишлаб чиқарувчилари манфаатларини ҳуқуқий шаклларда мустаҳкамланганлиги амалда бўлган соҳа халқаро ҳуқуқий нормалари ижросини янада кенгайтирди. Айниқса, ижрочиларнинг шахсий номулкӣ ва шахсий мулкӣ ҳуқуқлари янада кенгайтирилди¹

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсоннинг соғлиқка бўлган ҳуқуқининг тарғиб этилиши ва химоя қилинишидаги асосий ихтисослашган ташкилот ҳисобланади. ЖССТ инсоннинг соғлом ривожланишига оид кўплаб халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, ОИВ/ОИТС дастурининг бутунжаҳон миқёсида қабул қилиниши ва муваффақиятли амалга оширилишига ўзига хос хисса қўшиб келмоқда. ЖССТ БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ҳисобланади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти ихтисослашган идоралар орасидаги энг йирик ташкилот ҳисобланиб, кашшоқликка қарши бутунжаҳон миқёсида курашишнинг муҳим элементи ва озиқ-овқатга бўлган ҳуқуқнинг тарғиб этилиши ва химоя қилинишидаги энг таъсирчан иштирокчи саналади. Тараққиёт йўлида кашшоқликка қарши курашиш борасида 2000 йил сентябрда ўтказилган Мингйиллик Саммити давомида 150 га яқин давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари келишувга эришган эдилар.

Такорлаш учун саволлар:

1. *БМТнинг ташкил топши тарихи, мақсадлари ва тамойиллари ҳақида сўзлаб беринг.*
2. *БМТ тизими нималардан иборат?*
3. *БМТнинг инсон ҳуқуқларини химоя қилишдаги фаолияти қандай шаклларда олиб борилади?*

¹ Қараг: Тошев Б. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. Т “Voriz-Nashriyot”, 2007. Б.47-51

4. БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги норма ижодкорлиги фаолиятини тушунтириб беринг.
5. БМТнинг инсон ҳуқуқлари билан шугулланадиган органларини таснифлаб беринг.
6. БМТ Низомидан келиб чиқиб ташкил этилган органларнинг инсон ҳуқуқларига оид назорат функцияси ҳақида нималарни биласиз?
7. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг вазифалари нималардан иборат?
8. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий бош комиссарлиги бошқармаси ва унинг вазифаларини тушунтириб беринг.
9. БМТнинг Қочоқлар бўйича Олий бош комиссарлиги бошқармаси ва унинг вазифалари нималардан иборат?
10. БМТнинг Болалар фонди(ЮНИСЕФ)нинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазифаларини тушунтириб беринг.
11. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича шартномавий (назорат) органлари ва уларнинг ваколати ҳақида нималарни биласиз?
12. ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
13. ХМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини тушунтириб беринг.
14. БИМТ инсоннинг қандай ҳуқуқларини ҳимоя қилишини тушунтириб беринг.

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. / Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам./ Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2004.
3. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003.
4. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.
5. Саидов А.Х.. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2001.
6. Саидов А.Х. Международное право прав человека. – М.: 2002.
7. Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика/Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: “Адолат”, 2008.

8. Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. / Ўзбекча нашр учун масъул А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008.

9. Хақимов Р. Ўзбекистон и Организация Объединенных Наций. -3-е изд., доп. – Т.: “Zar Qalam”, 2006.

10. Тошев Б. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид актларининг ҳуқуқий мақоми. – Т.: “Voris-Nashriyot”, 2007.

6-мавзу. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид асосий халқаро ҳужжатлар

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг зарурлиги, уларнинг турлари ва аҳамияти.

2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид БМТ томонидан ишлаб чиқилган асосий халқаро ҳужжатлар.

3. БМТ ихтисослашган ташкилотларининг ҳужжатлари.

4. Ўзбекистон Республикаси қўшилган инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар.

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг зарурлиги, уларнинг турлари ва аҳамияти

Инсон ҳуқуқлари – бу инсоният тарихий тараққиётининг умумий ютуғи бўлиши билан бирга, ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятининг долзарб муаммоларидан бирига ҳам айланди. Чунки, халқлар ва миллатларнинг эркин тараққиёти ҳамда инсон ҳуқуқлари тоталитар тузумларнинг мавжудлиги ва уруш офатлари туфайли поймол этилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, инсон ҳуқуқларининг халқаро микёсда ҳурмат қилинишини таъминлаш БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда давлатлар фаолиятларининг асосий мақсадига айланди. Бу мақсад БМТ Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топиб, инсон ҳуқуқлари ривожланишининг янги бир даврини бошлаб берди.

Бу соҳанинг шаклланиши ва ривожланишида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатлар катта аҳамиятга эгадир. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларнинг ўрни яна шу билан ҳам белгиланадики, унда умумжаҳон манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий меъёрлар мужассамлашгандир. Ҳозирги кунгача инсон манфаатлари ҳимоясига қаратилган кўплаб халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар универсал ва минтакавий характер касб этади.

Давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари халқаро ҳаётнинг барча соҳалари каби инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам кенг ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини айнан шу соҳадаги,

яъни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатлар ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга, яъни шартномаларга қуйидагича умумий таъриф бериш мумкин:

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжат – давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида инсон ҳуқуқлари борасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ва бир, икки ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча ҳужжатларда ифодаланганидан ҳамда унинг аниқ номидан қатъи назар, ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган битим ҳисобланади.

Шу соҳадаги халқаро ҳужжатларни таснифлаганда, уларни халқаро шартнома ҳуқуқи бўйича, яъни аъзолигига кўра, универсал, минтақавий, минтақалараро ва субминтақавий шартномаларга бўлиш мумкин. Умуман, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжатларни халқаро ва миллий ҳужжатларга, ўз навбатида, халқаро ҳужжатларни универсал, минтақавий, минтақалараро ва субминтақавий ҳужжатларга ажратган ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Универсал характерга эга бўлган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар каторида БМТ Низомини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини, Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни, Фукаротлик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактни ҳамда ушбу пактга қўшимча протоколлар каби бир қатор халқаро ҳужжатларни санаб ўтишимиз мумкин.

Жумладан, 1965 йилги Иркий камситишнинг барча шаклларини гугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, 1979 йилги Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, 1984 йилги Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция, 1953 йилги Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, 1986 йилги Халқларнинг тинчликка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация, 1986 йилги Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларация, 1981 йилги Дин ёки эътиқодлар замиридаги мурасасизлик ва камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги декларация, 1979 йилги Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси, 1985 йилги Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари, ЮНЕСКО халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари, хусусан, 1960 йилги Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги конвенция билан 1989 йилги Техникавий ва касб-хунар таълими тўғрисидаги конвенция каби ҳужжатлар ҳам ана шулар каторига қиради.

Минтақавий ва минтақалараро халқаро шартномалар. Минтақавий ҳужжатларга мисол сифатида 1950 йил 4 ноябрда қабул қилиниб, 1953 йилда кучга кирган “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси” ва унга қўшимча 14 та Баённомаларни, 1961 йил 18 октябрда қабул қилиниб, 1965 йилда кучга кирган ва 1991 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Европа ижтимоий хартиясини, 1969 йил 22 ноябрда қабул қилиниб, 1978 йилда кучга кирган Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Америка конвенциясини, 1981 йил июль ойида қабул қилиниб, 1988 йил январда кучга кирган Халқлар ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида Африка хартиясини, 1990 йил 5 августда қабул қилинган Ислолда инсон ҳуқуқлари Қоҳира декларациясини, 1995 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича МДХ конвенциясини, 2004 йил 22 май ойида қабул қилиниб, 2008 йил 15 мартда кучга кирган Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Араб хартиясини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Минтақалараро ҳужжатларга эса, 1975 йил 1 августда Хельсинкида қабул қилинган Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якуний актини, 1989 йил 15 январда қабул қилинган Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Вена учрашуви Якуний ҳужжатини, 1990 йилда қабул қилинган Янги Европа учун Париж хартиясини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Шунингдек, 1990 йилги Копенгаген ҳужжати (ЕХХТ инсонийлик мезонлари бўйича конференция Копенгаген кенгашининг ҳужжати) инсонийлик мезонлари бўйича биринчи тўлиқ ҳужжат бўлиб, у ЕХХТ доирасида инсонийлик мезонлари бўйича қабул қилинган сиёсий мажбуриятларнинг муҳим тўплами ҳисобланади. Унда таъкидлаб кўрсатилишича, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш иштирок этувчи давлатларнинг асосий мақсадларидан бири бўлиши билан бир пайтда, уларни эътироф этиш эркинлик, адолат ва тинчликнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Ҳужжатда илгари ЕХХТ доирасида расмий тасдиқланмаган бир қанча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари (масалан, тинчлик йўли билан мажлислар ва намойишлар ўтказишга оид ҳуқуқ, ўз мулкидан тинчлик йўли билан фойдаланиш ҳуқуқи, бола ҳуқуқлари, озчиликни ташкил қилган миллатлар ҳуқуқлари) кайд этилади. Копенгаген ҳужжати инсонийлик мезонлари қамровини уларга сайловга оид мажбуриятлар киритиш орқали кенгайтирди.

Амал қилиш вақтига қараб инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг турлари. Умуман олганда, амал қилиш вақтига

қараб инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тинчлик пайтида инсон ҳуқуқларига оид асосий меъёр ва тамойилларни белгиловчи ҳужжатлар:

Сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид халқаро ҳужжатлар: жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга илова қилинган биринчи ва иккинчи протокол.

2. Уруш пайтида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциялар:

1899 ва 1907 йиллардаги “Уруш қонунлари ва удумлари тўғрисида”ги Гаага конвенциялари, 1949 йилги “Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги тўртта Женева конвенцияси ва уларга 1977 йилги 2 та қўшимча протокол каби гуманитар ҳуқуқи нормаларини ташкил этувчи халқаро ҳужжатлар.

3. Уруш ва тинчлик пайтида ҳам баб-баравар инсон ҳуқуқларига таъжовуз учун жавобгарликни белгиловчи халқаро ҳужжатлар:

1. Алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳарбий трибуналлар (Нюрнберг (1945 йил), Токио (1947 йил), Руанда (1994 йил) ва собик Югославия (1998 йил) трибуналлари).

2. 1948 йилдаги Геноцид жиноятларининг олдини олиш ва уни содир этганларни жазолаш тўғрисидаги конвенция.

3. 1965 йилдаги Ирқий камситишларнинг барча шаклларини бекор қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция.

4. 1973 йилдаги Апартеид жиноятларининг олдини олиш ва уни содир этганларни жазолаш тўғрисидаги конвенция.

5. 1979 йилдаги Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги конвенция.

6. 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.

7. 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция ва бошқалар.

2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид БМТ томонидан ишлаб чиқилган асосий халқаро ҳужжатлар

БМТ томонидан ишлаб чиқилган халқаро ҳужжатлар қаторига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иктисодий, ижтимоий

ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда ушбу Пактга қўшимча протоколлар каби бир қатор халқаро ҳужжатларни санаб ўтишимиз мумкин. Умуман, инсон ҳуқуқларига оид кенг қўламдаги муаммолар бўйича БМТ доирасида 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Улар орасида қуйидаги ҳужжатлар бор.

Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазо чоралари тўғрисида конвенция (1948 йил) – Иккинчи жаҳон уруши жиноий ҳаракатларига берилган тўғридан-тўғри жавоб бўлди ва бу ҳужжат геноцид жиноятини қандайдир миллий, этник, иркий ва диний гуруҳларни йўқотиб юборишни мўлжаллаб амалга оширилган муайян ҳаракат сифатида баҳолади. Конвенция мамлакатлар зиммасига айбдорларни судга бериш вазифасини юклайди.

Қочоқлар мақоми тўғрисида конвенция (1951 йил) – қочоқларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, хусусан, уларнинг ҳаётлари учун хавфхатар мавжуд бўлган мамлакатларга мажбуран қайтариб юбормаслик ҳуқуқини белгилаб берди. Конвенция қочоқларнинг, қундалиқ ҳаётнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, халқ таълими, жамоатчилик ёрдами, ижтимоий таъминот ва ҳужжатлар жўнатиш ҳуқуқи каби турли жабҳалардаги ҳуқуқларини эълон қилди. Конвенция, аслида Иккинчи жаҳон урушидаги қочоқларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқилган бўлсада, 1967 йилда унга қўшимча равишда қабул қилинган *Қочоқлар мақоми тўғрисида протокол* – Конвенцияни барча қочоқларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўлланишини белгилаб берди.

Иркий камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1965 йил) – кўп сонли иштирок этувчи мамлакатлар ратификация қилган шартномаларнинг биридир. Мазкур ҳужжатнинг кириш қисми “Иркий тафовутга асосланган ҳар қандай иркий устунликка эришиш сиёсати ғайриқонуний, ғайририилмий бўлиб, ахлокий ва расмий жиҳатдан қораланади”, деган сўзлар билан бошланади. Конвенция “иркий камситиш” атамасига таъриф беради ва унга имзо чеккан мамлакатлар зиммасига қонунчилик ва амалиётда бундай камситишларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини қабул этиш вазифасини юклайди. Конвенция иштирок этувчи давлатлар ҳисоботларини ва агар масала унинг вазифаси доирасига қирадиган бўлса, конвенция шартлари бузилаётгани тўғрисидаги алоҳида шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқадиган назорат органи – Иркий камситишни бартараф этиш бўйича қўмита ташкил этишни кўзда тутади.

Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979 йил). Бу – аёлларга қонун олдида эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиқни кафолатлайди ва масала сиёсий ва ижтимоий ҳаётга, миллат, маориф, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, никоҳ ва оиладаги мавқега тааллуқли бўлганда аёлларни камситишни тақиқлаш бўйича чора-тадбирлар белгилайди. Конвенцияда бу борадаги вазифаларнинг давлатлар томонидан қандай бажарилаётганини кузатиб боровчи назорат органи вазифасини бажарувчи Хотин-қизларни камситишни бартараф этиш бўйича қўмитани таъсис этиш белгилаб қўйилди. Шунингдек, у иштирок этувчи мамлакатларнинг ҳисоботларини кўриб чиқади. 1999 йили БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Конвенцияга Факультатив протокол қабул қилинди. Бу – алоҳида шахсларга, агар уларнинг Конвенция томонидан белгиланган ҳуқуқлари бузилаётган бўлса, Қўмигага ўзларининг мурожаатларини топшириш имкониятини беради.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция (1984 йил). Бу – қийноқларни халқаро жиноят сифатида белгилаб беради, иштирок этувчи давлатлар зиммасига қийноқ, инсонийликка зид муомала ва жазо турларини қўллаш амалиётини бартараф этиш масаласини уларнинг миллий қонунчилигида акс эттириш мажбуриятини юқлайди.

2002 йил декабрда кўп йиллик мунозаралар, муҳокамалар ва музокаралардан сўнг БМТ аъзо-мамлакатлари Қийноққа қарши конвенцияга факультатив протоколни маъқулладилар. Факультатив протокол 2002 йилнинг 1 январидан ратификация учун очиқ деб эълон қилинди ва 2006 йил 22 июнда кучга кирди. Мазкур Протокол озодликдан маҳрум этиш жойларида қийноқларга қарши курашнинг ўзига хос тизимини тузишни кўзда тутди ва ҳар қандай озодликдан маҳрум этиш жойларига доимий ва назоратли ташрифлар ўтказиш шарт эканлигини кўзда тутувчи тизимни ташкил этиш йўли билан қийноқларни бартараф этишга йўналтирилган халқаро ва миллий механизмларни ўрнатишни кўзда тутди.

Қуролли можаролар пайтида қўлланиладиган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар. Мазкур гуруҳга кирувчи халқаро ҳужжатлар каторида 1899 ва 1907 йилларда бўлиб ўтган Гаага тинчлик конференцияларида қабул қилинган халқаро ҳужжатларни ҳамда 1949 йилда қабул қилинган Женева конвенциялари ва уларга 1977 йилги қўшимча протоколлар¹ни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

¹ Батафсил маълумотлар учун қarang: Женева конвенциялари тўплами. Масъул муҳаррир А. Саидов. Т. Адолат, 2002.

I Гаага Тинчлик конференциясида (1899 йил 18 май – 29 июнь) *“Мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисида”* *“Қуруқликдаги уруш қонунлари ва одатлари тўғрисида”* *“Денгиз жангларларида ярадорлар ва касаллар тўғрисидаги Женева конвенцияларининг қўлланиши ҳақида”*ги учта Конвенция имзоланди ва тегишли декларациялар қабул қилинди. Россия билан АКШ ташаббускори бўлган 1907 йилдаги II Гаага Тинчлик конференциясида 44 давлатнинг вакиллари қатнашди ва 10 та янги конвенция қабул қилинди. 1899 йилда I Гаага Тинчлик конференцияси томонидан қабул қилинган *“Қуруқликдаги уруш қонунлари ва одатлари тўғрисида”*ги конвенция гуманитар ҳуқуқни ривожлантиришдаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Кейинчалик у 1907 йилда бўлиб ўтган II Гаага Тинчлик конференцияси томонидан қайта кўриб чиқилди ва тўлдирилди.

1949 йилнинг август ойида Женева Дипломатик конференцияси бўлиб ўтди, у 21 апрелдан 12 августгача давом этди. Конференция қатнашчилари – ҳукуматлар вакиллари унда қатор конвенцияларни, шу жумладан, 1907 йил 18 октябрдаги Гаага конвенциясининг ва 1929 йил 27 июлдаги Женева конвенциясини қайта кўриб чиқдилар ва қуйидаги тўртта шартномани яратишга муваффақ бўлдилар: *Ҳаракатдаги армияларда ярадорлар ва беморларнинг қисматини яхшилаш тўғрисида Женева конвенцияси (I Женева конвенцияси), Денгиздаги қуролли кучлар таркибидаги ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатига учраган шахсларнинг қисматини яхшилаш тўғрисида Женева конвенцияси (II Женева конвенцияси), Ҳарбий асирлар билан муомалада бўлиш тўғрисида Женева конвенцияси (III Женева конвенцияси), Уруш вақтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида Женева конвенцияси (IV Женева конвенцияси).*

*“Ҳаракатдаги армияларда ярадорлар ва касалларнинг қисматини яхшилаш тўғрисида”*ги конвенция ярадорлар, касаллар, санитар тузилмалари ва муассасаларига, шунингдек, касаллар ва ярадорларни парвариш қилаётган шахсий таркибга ҳамда санитар транспортга нисбатан қўлланади.

*“Денгиздаги қуролли кучлар таркибидаги ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатига учраган шахсларнинг қисматини яхшилаш тўғрисида”*ги конвенция фақат ҳарбийларга эмас, балки тиббий ёрдам ва парваришга муҳтож фуқаро шахслар, денгизда ёки бошқа сувларда хавф-хатарга дучор бўлганларга нисбатан ҳам қўлланади.

*“Ҳарбий асирлар билан муомалада бўлиш тўғрисида”*ги Женева конвенцияси ҳарбий асирлар билан муомалада бўлиш қоидаларини ўзида акс эттирган. Мисол учун, Конвенцияга мувофиқ, ҳарбий асирлар ҳар қандай зўравонлик ва қўрқитиш ҳаракатларидан, оломоннинг

ҳақоратлашлари ва ортикча кизикишларидан ҳимояланиш, ўз шахсини ҳурматлаш, муайян санитария ва гигиена талабларига жавоб берадиган лагерларда ушлаб турилиш ва бошқа ҳуқуқларга эга¹.

“Уруш вақтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Женева конвенцияси, асосан, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, ҳар қандай сабаблар билан босиб олинган ҳудуд аҳолисини ҳайдаб кетиш ёки депортация қилишни тақиқлайди. Конвенцияга биноан, фуқаро шахсларга нисбатан: ҳар қандай зўравонлик ҳаракатлари, аёлларни фоҳишалikka мажбурлаш ёки уларнинг ор-номуси ва ахлоқига ҳар қандай кўринишда даҳл қилиш, жисмоний ва маънавий кўринишлардаги мажбурлашлар, жамоавий жазо бериш, гаровга олиш тақиқланади².

Женева конвенцияларига муайян тузатишлар киритиш мақсадида 1977 йилдаги Дипломатик конференцияда Женева конвенцияларига иккита Қўшимча Баённома қабул қилинди. *I Баённома* – халқаро қуролли моjarоларнинг жабрдийдаларини ҳимоя қилишга даҳлдор. *II Баённома* – халқаро тусда бўлмаган қуролли моjarоларнинг жабрдийдаларини ҳимоя қилишни назарда тутди. Баённомаларнинг “қўшимча” деб номланишининг ўзиёқ конвенциявий қоидаларни бошқаси билан ўзгартириш эмас, балки замон руҳига, унинг ўзгариб бораётган эҳтиёжлари ва талабларига муайян тузатишлар ва янгиликлар киритиш орқали мазкур қоидаларни тўлдириш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадинигина кўзлашидан далолат беради.

Уруш ва тинчлик пайтида ҳам баб-баравар инсон ҳуқуқларига таъжовуз учун жавобгарликни белгиловчи халқаро ҳужжатлар. Ушбу гуруҳга қуйидаги ҳужжатларни киритишимиз мумкин:

- Алоҳида аҳамиятга эга бўлган Нюрнберг Низоми, Нюрнберг ва Токио ҳарбий трибуналларининг ҳукмлари;
- Собик Югославия бўйича ва Руанда ҳарбий трибуналларининг низоми, Халқаро Жиноят суди Статути;
- Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазо чоралари тўғрисидаги конвенция;
- Инсониятга қарши жиноятлар ва ҳарбий жиноятлар учун даъво муддати қўлланмаслиги тўғрисидаги конвенция;
- Апартеид жиноятининг олдини олиш ва жазо чоралари тўғрисидаги конвенция ва бошқалар.

¹ “Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисида”ги Женева конвенцияси. 13-, 14-, 19-моддалар. *Женева конвенциялари тўплами*. /А. Саидов таҳрири остида. Т.: Адолат, 2002.

² “Қуролли моjarолар вақтида фуқароларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Женева конвенцияси. 27-, 31-, 33-, 34-моддалар. *Женева конвенциялари тўплами*. /А. Саидов таҳрири остида. Т.: Адолат, 2002.

Босқинчи давлатларнинг ҳам, жисмоний шахсларнинг ҳам жавобгарлик даражасини белгиловчи ҳужжатлар қабул қилиниши билан Иккинчи жаҳон урушига яқун ясалди. Халқаро ҳамжамятнинг биргаликда куч-ғайрат сарфлаши натижасида урушни бошлаган жисмоний шахслар тарихда биринчи мартаба жазоландилар. Тинчлик ва инсониятга қарши халқаро жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги қондаси Нюрнберг (1945–46 йиллар) ва Токио (1946–48 йиллар) трибуналлари ҳужжатларида биринчи мартаба ўз аксини топди. Мутахассислар Нюрнберг ва Токио трибуналлари умуман давлатларни ҳам, алоҳида шахсларни ҳам содир этган ҳарбий жиноятлари учун жавобгарликка тортиш мақсадида БМТ доирасида қатор ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши учун асос бўлиб хизмат қилганлиги муносабати билан уларнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлайдилар, зеро, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ доираларида урушнинг келтирилиб чиқарилиши *jus cogens* нормаларининг бузилишидир. Замонавий халқаро ҳуқуқ тинчлик ва инсониятга қарши қаратилган жиноятлар учун, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг ҳам жазоланиши муқаррарлигидан келиб чиқади. Бунда жисмоний шахсларнинг жиний жавобгарлигида фарқланиш бўлади. Чунончи, *биринчи гуруҳга* ўз жиний қилмишлари учун ҳам, уларнинг жиноятқорона буйруқларининг ижрочилари амалга оширган хатти-ҳаракатлар учун ҳам жавобгар бўлган асосий ҳарбий жиноятчилар киритилади. Бу гуруҳга давлат арбоблари, ҳарбийлар, дипломатлар, молиячилар ва бошқалар ҳам қиради. *Иккинчи гуруҳни* ўз шахсий ташаббуслари билан ҳарбий жиноятларнинг бевосита иштирокчилари бўлган ёки бошқалар томонидан бу жиноятқорона ишларга аралаштирилган ва шу жиноятларнинг иштирокчилари ҳисобланган жиноятчилар ташкил этади. Чунончи, Нюрнберг халқаро ҳарбий трибунали Низомининг 6-моддаси фашист ҳарбий жиноятчилари устидан судловни амалга ошириш учун жиноятларнинг қуйидаги таркибини белгилаган эди: *тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар, инсониятга қарши жиноятлар* (бу тасниф япон ҳарбий жиноятчилари устидан олиб борилган судда ҳам такрорланган эди). Шу таснифга асосланиб, Нюрнберг трибунали 12 асосий ҳарбий жиноятчини осиб ўлдиришга, 3 кишини умрбод қамоқ жазосига, 4 кишини – 10 йилдан 20 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилди, 3 кишини оқлади (давосиз қасалликка чалинган бир жиноятчи судда қатнашмади, бошқаси – суд бошлангунича ўзини ўзи ўлдирди). Токио трибунали асосий ҳарбий жиноятчи деб ҳисобланган етти кишини осиб ўлдиришга, олти киши-

ни – умрбод камок жазосига, бир кишини – йигирма йил, икки кишини – етти йил камок жазосига ҳукм килди. Суд жараёнида икки киши ўлди, бир киши эса, руҳий касал деб топилди ва уларга нисбатан жиний иш тўхтатилди.

Трибуналларнинг асосий қоидалари кейинги йилларда БМТ ва бошқа халқаро анжуманлар доирасида ўз тасдиғини топди, уларда тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар учун шахсий жиний жавобгарлик қоидаларини назарда тутувчи резолюциялар, декларациялар, конвенциялар қабул қилинди. Бундай халқаро ҳужжатлар каторида қуйидаги конвенцияларни санаб ўтишимиз мумкин: *“Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазо чоралари тўғрисидаги конвенция”* *“Апартеид жиноятининг олдини олиш ва жазо чоралари тўғрисидаги конвенция”* *“Инсониятга қарши жиноятлар ва ҳарбий жиноятлар учун даъво мuddати қўлланмаслиги тўғрисидаги конвенция”*

Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазо чоралари тўғрисидаги конвенция 1948 йил қабул қилинган бўлиб, Иккинчи жаҳон урушидаги жиний ҳаракатларга берилган тўғридан-тўғри жавоб бўлди ва бу ҳужжат геноцид жиноятини қандайдир миллий, этник, иркий ва диний гуруҳларни йўқотиб юборишни мўлжаллаб амалга оширилган муайян ҳаракат сифатида баҳолади. Конвенция мамлакатлар зиммасига айбдорларни судга бериш вазифасини юқлади.

“Апартеид жиноятининг олдини олиш ва жазо чоралари тўғрисидаги конвенция” 1973 йил қабул қилинган бўлиб, ушбу турдаги жиноятнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш ва унга қарши курашиш ҳамда жиноятчиларни жазолашни назарда тутди. 1966 йили апартеид жинояти БМТда унинг Низомига ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига тўғри келмайдиган “инсониятга қарши жиноят” сифатида қораланди ва бу масала 1948 йилдан бошлаб мазкур тизим 1994 йилда ўз фаолиятини тугатган дақиқаларга қадар Бош Ассамблеянинг кун тартибида бўлди. 1994 йилда Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Мандела апартеид устидан қозонилган ғалабани таъкидлаб, шундай деди: “Апартеиднинг инсониятга қарши жиноятларига барҳам бериш имкониятларини яратган бу тарихий ўзгаришлар БМТ томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли содир бўлди”¹

¹ БМТ асосий омиллари. Тошкент. БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонаси, 2001 – Б. 68.

3. БМТ ихтисослашган ташкилотларининг ҳужжатлари

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳужжатлари. 1998 йили Халқаро меҳнат конференциясида “Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллари ва ҳуқуқлари декларацияси ҳамда уни амалга ошириш воситалари” қабул қилинди. Декларацияда ХМТ 8 та конвенцияни асосий деб тан олишни эълон қилди. Унинг асосий дейилишига сабаб шуки, барча аъзо-давлатлар ўша конвенцияларни ратификация қилмаган бўлсалар ҳам, Ташкилотга аъзолик мажбуриятдан келиб чиққан ҳолда, конвенцияда келтирилган мажбуриятларни бажаришлари ва ундаги қоидаларнинг амалга оширилишига кўмаклашишлари шарт ҳисобланади. Асосий конвенциялар куйидагилардир:

1. 1930 йилги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-конвенция;
2. 1948 йилги Бирлашиш эркинлиги ва ташкил этиш ҳуқуқининг ҳимояси тўғрисидаги 87-конвенция;
3. 1949 йилги Жамоавий музокараларни олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 98-конвенция;
4. 1951 йилги Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 100-конвенция;
5. 1957 йилги Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-конвенция;
6. 1958 йилги Меҳнат ва иш турлари соҳасидаги камситиш тўғрисидаги 111-конвенция;
7. 1973 йилги Ишга қабул қилишдаги минимал ёш тўғрисидаги 138-конвенция;
8. 1999 йилги Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-конвенция¹

Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари меҳнат ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бўлиб, мазкур ҳужжатларга кўшилган давлатлар инсоннинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиш ва амалий чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар. Бу мажбурият эса, халқаро ҳамжамият томонидан шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган минимал стандартлар сифатида баҳоланади.

¹ Махаматов М. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасаси сифатида Халқаро меҳнат ташкилоти/ “Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истикболлари” мавзусидаги конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007 – Б. 204–205.

Ҳозирга қадар, ХМТ ташкилоти томонидан 300 дан ортиқ конвенциялар ва тавсиялар қабул қилинган¹ бўлиб, уларнинг 187 таси конвенцияни ташкил этади. Айтиш мумкинки, бугунга келиб, ХМТнинг норматив ҳужжатлари меҳнат ҳуқуқи бўйича ўзига хос халқаро ҳуқуқий базани ташкил этади².

ЮНЕСКО ҳужжатлари. ЮНЕСКО ташкилоти томонидан ҳам 70 га яқин халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Куролли можаро чикқан ҳолда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисидаги конвенция (1954 йил), Муаллифлик ҳуқуқи бўйича умумжаҳон конвенцияси (1955 йил), Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисида конвенция (1960), Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция (1972 й), Халқаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва тинчлик руҳида ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаш тўғрисидаги тавсия (1974 йил), Ирк ва иркий бидатлар тўғрисидаги декларация (1982 йил), Бағрикенглик тамойиллари декларацияси (1995 йил), Инсон геноми ва Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал декларация (1997 йил) ва бошқалар³

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ҳам БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари қаторига кирган ҳолда фуқароларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чикқан. Улар жумласига қуйидагилар кирази: “Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида”ги 1886 йилги Берн конвенцияси; “БИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича 1996 йилги шартномаси”; “Ижрочилар, фонограмма ишлаб чикарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги 1971 йилги Женева конвенцияси; “Ернинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиш тўғрисида”ги 1974 йилги Брюссель конвенцияси; БИМТнинг “Ижрочилар ва фонограммалар бўйича” 1996 йилги Шартномаси; “Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳақида”ги 1979 йилги Мадрид конвенцияси ва бошқалар⁴

1 Ҳакимов Р. Ўзбекистан и Организация Объединенных Наций. -3-е изд., доп. Т.: Zar Qalam, 2006. С 87

2 Батафсил маълумотлар учун қаранг: Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Масъул муҳаррир А. Саидов. Т Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. Б. 240.

3 Батафсил маълумотлар учун қаранг ЮНЕСКОнинг халқаро меърий ҳужжатлари. Тўплам. Масъул муҳаррир Л. Саидова. Т.: Адолат, 2004. Б. 304.

4 Батафсил маълумотлар учун қаранг: Тошев Б. Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқи оид ақларининг ҳуқуқий мақоми. –Т “Voriz-Nashriyot”, 2007. Б. 254.

7. Ўзбекистон республикаси қушилган инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига пировард мақсад қилиб қўйди. Демократик кадриятлар жамиятимиз учун олий кадриятлар сифатида белгилаб олинди. *"Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий кадриятлар Республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади"*¹, деган эди Юртбошимиз Ислон Каримов. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси замирида ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумий қондалари асосида инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади турибди. Демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг асосий шартларидан бири инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдан иборатдир. *"Ҳуқуқий давлат ва инсон ҳуқуқлари – бу ҳақиқат, эзгулик ва адолат сари ягона йўлнинг узвий таркибий қисмларидир. Инсон ҳуқуқлари – ҳуқуқий давлатчиликнинг инсонийлик мезонидир. Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг реаллигига қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятининг савий-ҳаракатларини баҳоловчи, жамиятнинг ахлоқийлигини ва давлатнинг мақбуллигини кўрсатиб берувчи атомат сифатида қарамоғи зарур. Инсон ҳимоясини ишончли тарзда таъминламай туриб, ҳуқуқий давлатчиликнинг ҳуқуқ устуворлиги, ҳокимиятнинг ҳуқуқ билан чеклаб қўйилиши ва тийиб туриш каби асосий тамойилларини амалга ошириш мантиқсиздир"*². Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини амалга оширишда нафақат миллий қонунларимиз, балки инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунга қадар республикамиз томонидан 70 га яқин инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар имзоланган. Ушбу халқаро ҳужжатлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасига қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилинишида асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қўшилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатларни ҳам алоҳида таснифлаш мумкин. Мамлакатимиз қўшилган халқаро шартномаларни мазмунан 4 та гуруҳга ажратиб мумкин.

1 Каримов Н.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, савбат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 78-79.

2 Сандов А.Х. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т.. Адолат, 2002. – Б. 6.

Биринчи гуруҳ – одатдаги тинчлик-осойишталик шароитида амал қиладиган инсон ҳуқуқлари бўйича универсал ва минтақавий мазмундаги халқаро шартномаларни камраб олади. Ушбу ҳужжатлар қаторида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга қўшимча I Баённома, 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция каби ҳужжатларни санаб ўтишимиз мумкин.

Иккинчи гуруҳ – Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларидан иборат. ХМТ томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларнинг аксарияти меҳнат муносабатларига оид иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларни муҳофаза қилишга қаратилган. Ушбу ҳужжатлар куйидагилардан иборат: 1935 йилги Иш вақтини ҳафтасига 40 соатгача қисқартириш тўғрисидаги 47-конвенция, 1936 йилги Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар тўғрисидаги 52-конвенция ва ҳоказо.

Учинчи гуруҳ – мазмун ва ҳажм жиҳатидан анчайин кенг қамровли ҳужжатлар туркумидан иборат бўлиб, қуроли мижаролар даврида инсон ҳуқуқларига риоя этишга доир халқаро ҳужжатларни ўз ичига олади. Бу ўринда, хусусан, 1949 йил 12 августда қабул қилинган тўртта – Ҳаракатдаги қуроли кучлардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматини энгиллаштириш тўғрисидаги, Денгиздаги қуроли кучлар таркибидан бўлмиш ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатига учраган шахсларнинг қисматларини энгиллаштириш тўғрисидаги, Ҳарбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисидаги ҳамда Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциялари, шунингдек, 1977 йилда имзоланган иккита Қўшимча Баённома – Халқаро қуроли мижаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли I Баённома ва Халқаро тусда бўлмаган қуроли мижаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли II Баённома ҳақида гап бормоқда.

Тўртинчи гуруҳ – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ доирасида қабул қилинган шартномалар. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг икки томонлама шартномаларида ҳам инсон ҳуқуқлари масаласи ўз аксини топган, хусусан, ҳуқуқий ёрдам, визасиз ташрифлар ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикаси ҳам юқорида санаб ўтилган Женева конвенциялари ва Қўшимча Баённомаларга қўшилган бўлиб, улар бўйича бир қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олади ҳамда улар-

да белгилаб қўйилган қоидаларнинг химоясини миллий қонунчилик ҳужжатлари билан таъминлаб беради. Женева конвенцияларини бузишга йўл қўймаслик ва уларни бузиш ҳолларининг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси бошқа аъзо-давлатлар сингари ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олган:

- конвенцияларни бирор-бир тарзда жиддий бузган ёки бузишни буюрган шахсларга самарали жиноий жазо беришни таъминлаш учун зарур бўлган нормаларни амалга киритиш;

- жиддий бузилишларни содир этганликда ёки содир этишни буюрганликда айбланаётган шахсларни қидириш ва ўз судига топшириш;

- конвенцияларнинг қоидаларига зид бўлган барча бошқа ҳаракатларнинг олдини олиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўриш.

“Ҳаракатдаги армияларда ярадорлар ва беморларнинг қисматини яхшилаш тўғрисида”ги 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946–XII-сонли қарорига асосан ратификация қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенция бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбурият бошқа томоннинг ярадорлари ва беморлари, шунингдек, тиббиёт ходимлари ҳукмига тушиб қолган можарода катнашувчи томон уларга ҳеч қандай камситишларсиз инсоний муомалада бўлиш ва парвартилашни таъминлаб беришни эътироф қилишдан иборат.

“Денгиздаги қуролли қучлар таркибидаги ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатида учраган шахслар қисматини яхшилаш тўғрисида”ги 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946–XII-сонли қарори билан ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенция бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятнинг қисқача мазмуни шундан иборатки, ҳукмида ярадорлар, бемор шахслар бўлган низолашувчи томон уларга ҳеч қандай камситишларсиз инсоний муомалада бўлишни ва ғамхўрлик қилинишни таъминлаб бериши лозим.

“Ҳарбий асирлар билан муомалада бўлиш тўғрисида”ги 1949 йил 12 августда тузилган Женева конвенцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946–XII-сонли қарори билан ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига олган мажбурият ҳарбий асирлар билан инсонпарварларча муомалада бўлишни назарда тутди. Асирликда ушлаб турган давлат томонидан қўл остидаги асирнинг ўлимига сабаб бўлувчи ёки ҳарбий асирнинг соғлиғини жиддий хавф остида қолдирувчи ғайриқонуний ҳаракат содир қилиш тақиқланади.

“Уруш даврида тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 1949 йил 12 августда тузилган Женева конвенцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946–XII-сонли қарори билан ратификация қилинган. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенциянинг қуролли низо юз берган жойларда ушлаб қолинган тинч аҳоли билан инсонпарварлик муносабатида бўлиш тўғрисидаги талабига амал қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Конвенция қондаларига кўра, тинч аҳоли, яъни ҳарбий бўлмаган шахсларнинг ҳаётига ва жисмоний дахлсизлигига, кадр-қимматига тажовуз қилиш, уларни ҳақоратлаш, камситиш, дастлабки суд қарорисиз уларга нисбатан жазо қўллаш тақиқланади.

1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларига доир 1977 йил 8 июнда қабул қилинган *Қўшимча Баённома (I Баённома)* халқаро қуролли можароларнинг жабрдийдаларини ҳимоя қилишга дахлдор бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги 946–XII-сонли қарори билан қўшилган. *I Қўшимча Баённома*га риоя этиш мажбуриятини зиммасига олар экан, Ўзбекистон Республикаси ярадорлар ва беморларга нисбатан, улар қайси томонга мансублигидан қатъи назар, ҳурмат билан муносабатда бўлинишини ҳамда улар ҳимоя қилинишини эътироф этади. Тиббиёт хизмати ходимлари ҳар қандай пайтда ҳам ҳурматга сазовор ва ҳимоя остидадирлар, улар ҳужум қилиш объекти бўлиши мумкин эмас. Душман томоннинг ҳукми остида бўлган ёки қуролсизлантирилиб, назорат остига олинган, ҳибсга олинган шахслар соғлиғининг жисмоний ёки психологик ҳолатига ва дахлсизлигига асоссиз хатти-ҳаракатлар ёки нуксонлар туфайли зиён етказилиши мумкин эмаслиги ҳам Ўзбекистон томонидан тан олинган. 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларига доир 1977 йил 8 июнда қабул қилинган *II Қўшимча Баённома* халқаро бўлмаган қуролли можароларнинг жабрдийдаларини ҳимоя қилишга дахлдор бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 3 сентябрдаги 946–XII-сон қарори билан қўшилган. Ўзбекистон ўз зиммасига олган мажбуриятда ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаган ёки иштирок этишни тўхтатган шахслар, уларнинг эркинлиги чекланганми ёки йўқми, бундан қатъи назар, ўз шахси, кадр-қиммати, эътиқоди ва ўзининг диний урф-одатлари ҳурмат қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Барча вазиятларда ҳам улар билан инсонпарварлик муносабатида бўлиб, бирор-бир номақбул фарқлашга йўл қўйилмайди. Ҳеч қимми тирик қолдирмаслик тўғрисида буйруқ бериш ман этилади.

1980 йил 10 октябрда БМТ томонидан “*Оддий қуролларнинг ҳаддан ортиқ жароҳат етказадиган ва (нишон) танламайдиган характерда деб ҳисобланувчи муайян турларини тақиқлаш ёки қўллашни чеклаш тўғрисида*”ги конвенция қабул қилинди. Ушбу Конвенцияга тўртта Баённома илова қилинган бўлиб, улар куйидагилардан иборат: Илғаб бўлмайдиган осколкалар тўғрисидаги I баённома (I Баённома), Миналар, тузоқ–миналар ва бошка қурилмаларни тақиқлаш ёки қўллашни чеклаш тўғрисидаги баённома (II Баённома), Ёндирувчи қуроллардан фойдаланишни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисида баённома (III Баённома), Кўр қилувчи лазер қуроли тўғрисида баённома (IV Баённома). Ушбу ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 500–I-сонли қарорига асосан қўшилган. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон томонидан 1997 йил 29 сентябрда ратификация қилинган.

Гуманитар ҳуқуқнинг юқорида санаб ўтилган манбаларида белгилаб қўйилган нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш бу ҳуқуқнинг жиддий вазифаларидан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикасида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, жиноят қонунчилиги нормалари ана шундай тадбирлар жумласига киради. Хусусан, миллий қонунчиликда тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар учун юридик жинойи жавобгарлик назарда тутилган: урушни тарғиб қилиш (ЎЗРнинг ЖК 150-моддаси), агрессия (ЎЗРнинг ЖК 151-моддаси), урушнинг қонун ва удумларини бузиш (ЎЗРнинг ЖК 152-моддаси), геноцид (ЎЗРнинг ЖК 153-моддаси), ёлланиш (ЎЗРнинг ЖК 154-моддаси) ва терроризм (ЎЗРнинг ЖК 155-моддаси) жиноят деб тавсифланган ҳамда уларга нисбатан жинойи жавобгарлик санкциялари белгилаб қўйилган.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 1989 йил 20 ноябрь куни Нью-Йоркда қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ушбу халқаро ҳужжатга 1992 йил 9 декабрда Олий Кенгашнинг 757–XII-сон қарорига асосан қўшилди. Мазкур Конвенция бўйича Ўзбекистон Республикаси болаларнинг соғлиғи, ўсиши ва яшаши учун шароит яратиш, болалар учун ғамхўрлик қилиш, уларни ҳимоя қилиш, уларнинг ўз қарашлари бўйича эркин тасаввур қилиши учун имкониятлар яратиб бериш каби бир қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўзининг 1995 йил 6 майда бўлиб ўтган 2-сессиясида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилиш ҳақида қарорлар қабул қилди. Ушбу халқаро ҳужжатлар қуйидагилардан иборат: 1935 йил 21 июнда Женевада қабул қилинган Иш вақтини ҳафтасига 40 соатгача қисқартириш тўғрисидаги 47-конвенция, 1936 йил 24 июнда Женевада қабул қилинган

Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллار тўғрисидаги 52-конвенция, 1919 йил Женевада қабул қилиниб, 1952 йил 28 июнда қайта кўриб чиқилган Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-конвенция, 1964 йил 9 июлда Женевада қабул қилинган Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги конвенция, 1974 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги конвенция. Мазкур халқаро ҳужжатлар юзасидан Ўзбекистон иш вақтини 40 соатдан оширмаслик тамойилига риоя қилиш, ҳар бир ишловчи фуқаронинг ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқини таъминлаш, аёлга ўзига ва боласига етарли миқдорда маблағ ажратиш, ҳар бир шахснинг ўз мутахассислигига қараб эркин касб танлаш ҳуқуқини таъминлаш, эркеклар ва аёлларнинг тенглиги тамойилига риоя қилиш, бу тамойилни Конституция ва қонунларда ақс эттириш, аёлларга нисбатан камситишларни кўзда тутувчи турли чекловларни тақиқлаш юзасидан чоралар кўриш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1995 йил 31 августдаги 129–I-сон қарорига биноан Иркий камситишнинг барча шакллари бекор қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилди. Ушбу халқаро ҳужжат 1965 йил 21 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган эди. Мазкур Конвенция юзасидан Ўзбекистон Республикаси иркий камситиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларнинг алоҳида шахсга, гуруҳга ёки муассасаларга нисбатан амалга оширилишига йўл қўймаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади. Давлат органлари ва муассасалари, жамоат ташкилотлари мазкур қоидадан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишлари лозим.

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция 1984 йил 10 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган. Ўзбекистон мазкур халқаро ҳужжатга 1995 йил 31 августда Олий Мажлиснинг 130–I-сон қарори асосида қўшилди. Ушбу Конвенция бўйича Ўзбекистон жазо тайинланган шахсларга нисбатан оғир, ғайринисоний қийноқларни қўллашни тақиқлаш мажбуриятини олган.

Болаларнинг яшаши ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги умумжаҳон декларациясига Ўзбекистон 1995 йил 19 декабрда Олий Мажлиснинг 189–I-сон қарори билан қўшилган. Ушбу Декларацияда давлатнинг болалар ҳуқуқларини химоя қилиш ва уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, ҳар бир болага ўз оиласи ёки тарбияловчилари томонидан ўз имкониятларини амалга ошириш шароитини яратиб бериш каби вазифалари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тегишли кўмиталарига мамлакат парламенти томонидан ратификация қилинган БМТнинг 6 та асосий ҳужжати бўйича улар юзасидан мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, мавжуд камчиликлар ҳамда уларни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига камраб олувчи миллий маълумотларини тақдим этиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ҳужжатларга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мамлакатда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу халқаро ҳужжатлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилинишида ва уларни такомиллаштиришда асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда, яъни мамлакатда жаҳон андозаларига мос келадиган тегишли ҳуқуқий меъёрлар қабул қилинмоқда ва ушбу халқаро ҳужжатларнинг меъёрлари миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топмоқда. Бу борада Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль ҳужжатларининг нормалари етакчи ўрин тутди.

Республикаimiz қўшилган халқаро шартномаларни ҳаётга татбиқ қилиш юзасидан мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар, айниқса, диққатга сазовордир. Ушбу Конвенция нормалари миллий қонунчиликда қўлланишининг яна бир мисоли сифатида 2008 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунини келтириш мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишни давом эттириш, зўрлаб ишлатишга ёки мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, шунингдек болалар меҳнатининг оғир шакллари йўқотиш бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва қўшимча чора-тадбирлар кўриш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 мартдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни 2012–2013 йилларда амалга ошириш бўйича Қўшимча тадбирлар режаси тасдиқланган. Ушбу режа 4 та йўналишдан иборат бўлиб, болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани

такомиллаштириш, ХМТ конвенцияларини амалга ошириш, ушбу масалалар бўйича кенг ахборот бериш-тушунтириш ишлари олиб бориш ҳамда халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатлардан яна бири – Янги Европа учун Париж хартиясидир. Ушбу ҳужжат 1990 йил 21 ноябрда Парижда ЕХХТга аъзо-давлатлар томонидан қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси уни 1993 йил 27 ноябрь куни Париж шаҳрида имзолади. Янги Европа учун Париж хартиясига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳар бир инсон тенглигини таъминловчи ҳуқуқларга риоя қилиш, демократияни ривожлантириш, шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш каби мажбуриятларни ўз зиммасига олган.

Қўйида Ўзбекистон Республикаси қўшилган (ратификация қилган) БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро шартномалари рўйхати келтирилмоқда:

Т/р	Ҳужжат номи	Ҳужжат имзолаган сана ва жой	Ратификация қилиш, қўшилш ва бошқа маълумотлар	Ратификация ёрликлари, қўшилш, кучга кириш, денонсациялаш тўғрисидаги маълумотлар
1	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	10.12.1948 й. Париж	ЎзР ОК 30.09.1991 й. 366-ХII-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	
2	Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция	20.11.1989 й. Нью-Йорк	ЎзР ОК 09.12.1992 й. 757-ХII-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирган
3	Хотин-кишларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция	18.12.1979 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 06.05.1995 й. 87-1-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августдан кучга кирган
4	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт	16.12.1966 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 31.08.1995 й. 126-1-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган
5	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт	16.12.1966 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 31.08.1995 й. 127-1-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган

6	Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча Факультатив протокол	16.12.1966 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 31.08.1995 й. 128–I-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 декабрдан кучга кирган
7	Иркий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенция	21.12.1965 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 31.08.1995 й. 129–I-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 28 октябрдан кучга кирган
8	Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турлари-га қарши конвенция	10.12.1984 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 31.08.1995 й. 130–I-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 8 октябрдан кучга кирган
9	Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида конвенция	20.12.1952 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 30.08.1997 й. 501–I-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 1997 йил 28 декабрдан кучга кирган
10	Дин ёки этник оқлар замиридаги мураси-лик ва камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисида декларация	25.11.1981 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 30.08.1997 й. 505–I-сонли Қарори билан маъқулланган	Маъқуллаш тўғрисида 15.10.1997 й. 05/11735-сонли хат
11	Ҳуқуқий тартиб-от-тириликни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси	17.12.1979 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 30.08.1997 й. 507–I-сонли Қарори билан маъқулланган	Маъқуллаш тўғрисида 15.10.1997 й. 05/11735-сонли хат
12	Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари	26.08.1985 06.09.1985 й.й. Милан	ЎзР ОМ 30.08.1997 й. 508–I-сонли Қарори билан маъқулланган	Маъқуллаш тўғрисида 15.10.1997 й. 05/11735-сонли хат
13	Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция	09.12.1948 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 20.08.1999 й. 835–I-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 1999 йил 8 декабрдан кучга кирган
14	Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенция	15.11.2000 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 30.08.2003 й. 536–II-сонли Қарорига мувофиқ ратификация қилинган	Ўзбекистон Республикаси учун 2004 йил 8 январдан кучга кирган

15	Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция ва Якуловчи баённома	02.12.1949 й. Нью-Йорк	ЎзР ОМ 12.12.2003 й. 576-II-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 2004 йил 27 февралдан кучга кирган
16	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси	31.10.2003 й. Нью-Йорк	ЎзР 07.07.2008 й. ЎРҚ-158-сонли Қонунига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 2008 йил 28 августдан кучга кирган
17	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол	15.11.2000 й. Нью-Йорк	ЎзР 08.07.2008 й. ЎРҚ-160-сонли Қонунига мувофиқ ратификация қилинган	Ўзбекистон Республикаси учун 2008 йил 11 сентябрдан кучга кирган
18	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив протокол	15.12.1989 й. Нью-Йорк	ЎзР 10.12.2008 й. ЎРҚ-185-сонли Қонунига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 2009 йил 23 мартдан кучга кирган
19	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протокол	25.05.2000 й. Нью-Йорк	ЎзР 11.12.2008 й. ЎРҚ-188-сонли Қонунига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 2009 йил 23 январдан кучга кирган
20	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуроли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протокол	25.05.2000 й. Нью-Йорк	ЎзР 12.12.2008 й. ЎРҚ-190-сонли Қонунига мувофиқ қўшилган	Ўзбекистон Республикаси учун 2009 йил 23 январдан кучга кирган

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг заруратини асослаб беринг.
2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларни юридик кучи бўйича таснифлаб беринг.
4. Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларни амал қилиш вақти бўйича тушунтириб беринг.
5. Инсон ҳуқуқларига оид универсал, минтақавий ва минтақалараро ҳужжатларнинг ўзаро боғлиқлиги нима билан изоҳланади?
6. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид БМТ томонидан ишлаб чиқилган асосий халқаро ҳужжатларнинг моҳияти ва ўзига хослигини тушунтириб беринг.
7. Инсон ҳуқуқларига оид ХМТ ҳужжатларининг моҳияти ва ўзига хослигини изоҳлаб беринг.
8. Инсон ҳуқуқларига оид ЮНЕСКО ҳужжатларининг моҳияти ва ўзига хослигини қандай изоҳлаш мумкин?
9. Ўзбекистон Республикаси қўшилган инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларнинг асосий мазмунларини тушунтириб беринг.

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати:

1. БМТ – асосий омиллар. – Тошкент. 2001.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низоми ва Халқаро Суд Статути. – Тошкент, 2002.
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2004.
4. Гулямова И. Основные деятельности ООН в области прав человека. – Т.: НЦПЧ, 2002.
5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. / Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бақаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
6. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. – Т.: Янги аср авлоди. 2003.
7. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.

8. Саидов А.Х. Международное право прав человека. – М.: 2002.
9. Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика / Отв.ред. А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2008. – С. 312.
10. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари: тўплам / Л. Саидова таҳрири остида. – Т.: Адолат. 2004.

7-мавзу. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва унинг тарихий аҳамияти

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ишлаб чиқиши, тузилиши, мазмуни ва аҳамияти.

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар, уларнинг тузилиши ва аҳамияти.

3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протоколлар.

4. Ўзбекистон Республикаси ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Билль.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Билль. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган энг асосий ҳужжатлар мажмуи бўлиб, у бу соҳада кейинчалик қабул қилинган барча ҳужжатлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль ўз ичига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги БМТ томонидан ишлаб чиқилиб, қабул қилинган асосий ҳужжатларни бирлаштирган. Бу халқаро ҳужжатлар куйидагилардан иборатдир:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил);

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил);

3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда унга илова қилинган I Факультатив Баённома (1966 йил) ва Ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган II Факультатив Баённома (1989 йил).

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ишлаб чиқиши, тузилиши, мазмуни ва аҳамияти

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини белгиловчи дастлабки муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади. 2008 йилда ушбу Декларация қабул қилинганлигининг 60 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланиши тўғрисида БМТ Бош қотибининг мурожаати эълон қилинди. Ушбу мурожаатга жавобан, 2008 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича чоратадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги мазкур ҳужжат қабул қилинишидан олдин бу соҳада муҳим ишлар амалга оширилган эди. БМТнинг ташкил топиши ва унинг Низомининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлатлараро муносабатларни янги сифат даражасига кўтарди. БМТ Низоми халқаро муносабатлар тарихида инсон ҳуқуқлари бўйича давлатларнинг кенг ҳамкорлигига асос солган биринчи кўп томонлама шартнома бўлди. Аммо, БМТ Низомини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан давлатлар турлича ёндашувда эканликлари намоён бўлиб қолди.

1946 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ташкил этилди, унга инсон ҳуқуқлари соҳасида универсал ҳужжат, яъни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Комиссия ҳузурида Декларация лойиҳаси бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Бу ишчи гуруҳ 1947-1948 йиллар мобайнида Декларация лойиҳаси устида ишлашди ва Декларация лойиҳаси 1948 йили 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси аъзолари томонидан қизғин тортишувлардан кейин қабул қилинди. 1950 йил Бош Ассамблея 10 декабрни “Халқаро инсон ҳуқуқлари куни” деб эълон қилди.

Алоҳида қайд этиш керакки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 400дан ортиқ тилларга ва диалектларга таржима қилинган ва Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Шунинг учун ҳам Декларация энг кўп тилга таржима қилинган ҳужжат бўлиб, ҳақиқатан ҳам жаҳондаги энг “универсал” ҳужжат ҳисобланади.

Декларация лойиҳаси барча минтакалар ва ҳуқуқий анъаналарнинг вакиллари томонидан тайёрланган. Вақт ўтиши билан у мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳамда халқлари ўртасидаги ўзига хос шартнома сифатида кўрилиши лозим. Декларация, шунингдек, аҳолининг барча қатламларини ҳам камраб олган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи инфратузилмани кенгайтириш учун асос бўлиб қолди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Муқаддима ва 30 моддадан иборат бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, кадр-қиммати, инсон шахсининг беназирлиги ҳамда эркақлар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқчилиги ўз ифодасини топган. Декларациянинг I-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан асосланган фалсафий фикрлар баён этилган бўлиб, унда “Барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Улар ақл ва виждон соҳибидирлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишлари зарур” дейилган.

Декларациянинг бу моддаси унинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Унга кўра, биринчидан, инсон ўзининг эрк, ҳуқуқ, тенглик

сингари ажралмас ҳуқуқларидан маҳрум қилинмаслиги ва иккинчидан, инсон ақл ва виждон соҳиби сифатида ер юзидаги бошқа мавжудотлардан фарқ қилиб, ўз тақдири ва ҳаётини ўзи эркин белгилаши лозим.

2-моддала ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркидан фойдаланишда тенг бўлиши, у Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби бўлиши қуйидагича баён этилган: “ҳар бир инсон, бирор-бир айирмачиликсиз, ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишидан, мулкӣ аҳволи, қайси табақага мансублиги ва бошқа ҳолатларидан катъи назар, мазкур Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби бўлиши керак”

3-моддала ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади. Бу модда 4, 21-моддаларга кириш бўлиб, буларда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ифодаланган: куллик ёки қарамликдан сакланиш ҳуқуқи; азоб-укубатга ёки ваҳшийларча жазога мустаҳик бўлмаслик ҳуқуқининг қонун томонидан баб-баравар муҳофаза этилиши; ўзбошимчалик билан қамоққа олинишдан, ушлаб туриш ва қувғин қилинишдан сакланиш ҳуқуқи; қўйилган айбнинг асосланганлигини аниқлаш учун тенглик асосидаги ижтимоий адолатнинг барча талабларига риоя қилиш ва унинг суд томонидан ҳолисона кўриб чиқиши ҳуқуқи; шахсий ёки оилавий ҳаётга ўзбошимчалик билан аралаштиришдан муҳофаза қилиниш; уй-жой ва хатлардаги сирларнинг дахлсизлиги ҳуқуқи; давлат ҳудудида эркин юриш ва ўзига истикомат жойини танлаш эрки; бошқа мамлакатда бошпанал олишдан фойдаланиш ҳуқуқи; фуқаролик ҳуқуқи; никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи; мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи; эркин фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи; маслак эркинлиги ва уни ифодалаш ҳуқуқи; тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузишда қатнашиш ҳуқуқи; мамлакатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш шулар жумласидандир.

Декларациянинг 23-27 моддалари инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга бағишланган. Бу моддаларда ҳар бир инсоннинг меҳнат турини ўз эрки билан танлаши, ишсизликдан муҳофаза қилиниши, оилани таъминлайдиган даражада адолатли даромад олиш имкониятига эга бўлиши, жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиши сингари ҳуқуқлари ўзининг аниқ ифодасини топган.

Декларациянинг 28-30 моддаларида эса, Декларациядаги ҳуқуқларни амалга ошириш йўллари белгилаб берилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тузилишига кўра декларатив ҳужжат бўлса-да, унинг нормалари ўзига хос халқаро одат нормалари даражасигача кўтарилмоқда. Буни куйидаги мисоллар тасдиқлайди.

БМТнинг 1968 йилда Эронда бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи умумжаҳон анжуманида қабул қилинган Техрон конференцияси ҳужжатларида Декларациянинг аҳамиятига алоҳида баҳо берилар экан, шундай дейилган: “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси жаҳон халқларининг, хусусан, ҳар бир инсоннинг ажралмас ва мустаҳкам ҳуқуқлари бўйича умумий битимни ўзида намоён қилиб, халқаро ҳамжамиятнинг барча аъзолари учун мажбурийдир”¹.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида шаклланган ғоялар кейинчалик халқаро майдонда қабул қилинган кўплаб халқаро ҳужжатларда ўзининг ҳуқуқий ва манتيкий ривожини топди. 1966 йилги Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, унга факультатив протоколлар ҳамда Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1965 йилги Иркий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенция, 1979 йилги Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, 1984 йилги Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қийматни камситувчи турларига қарши конвенция, 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция каби инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг асосий ҳужжатлари, шунингдек, 1951 йилги Қочоклар тўғрисидаги конвенция, 1951 йилда қабул қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг тенг тақдирлов тўғрисидаги конвенцияси, 1974 йилда қабул қилинган “Қуроли тўқнашувлар даврида ва фавқулодда ҳолатларда хотин-қизлар ва болаларни химоя қилиш тўғрисидаги декларация”, 1975 йилда эълон қилинган “Илмий-техникавий ютуқлардан тинчлик ва инсоният фаровонлиги манфаатлари йўлида фойдаланиш тўғрисидаги декларация”, 1981 йилда эълон қилинган “Дин ёки этнокод учун камситишнинг барча шакллари йўқотиш тўғрисидаги декларация” каби ҳужжатлар шулар жумласидандир.

“Барча давлатлар ва халқлар эришишга ҳаракат қилиши лозим бўлган андоза” сифатида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар томонидан конституцияларининг, инсон ҳуқуқларига оид турли қонунлари ва ҳужжатларининг алоҳида қоидаларини ишлаб чиқиш учун асо-

¹ Инсон ҳуқуқлари. Олий ўқув юртлири учун ўқув қўлланмаси. Бобоев Ҳ.Б. ва бошқалар. Т Ўзбекистон, 1997 Б. 77

сий ҳуқук манбаларидан бири бўлиб колмоқда¹. 1948 йилдан кейин қабул қилинган 110 дан ортиқ миллий конституцияларда Декларация қоидалари ёки унинг таъсири остида киритилган фундаментал ҳуқуқлар рўйхати мавжуд. Унда ҳуқуқий йўналишлар белгиланган бўлиб, у мезон (эталон) сифатида барча ҳуқуматларга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги тараққиёт даражасини ўлчашга имкон беради. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари акс эттирилган ва у Декларацияга тўла мос келади.

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар, уларнинг тузилиши ва аҳамияти

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан сўнг БМТга аъзо-давлатлар тасдиқлаши зарур бўлган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактларнинг императив хусусиятга эга бўлган шартномавий шаклини ишлаб чиқишга киришилди.

Пактлар деярли 18 йилда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Дастлаб битта ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул кўзда тутилган эди. 1950 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг Резолюциясида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга ҳамда маданият соҳасидаги ҳуқуқларга эга бўлиш ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи ҳуқуқлар эканлигини эълон қилди. 1951 йилда Комиссия махсус муассасаларнинг фикрлари ва ҳуқуматларнинг таклифлари асосида иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисида 14 та моддани тузди. У, шунингдек, бу ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан чора кўриш тўғрисидаги 10 та моддани шакллантирди. Шунга мувофиқ. Пактнинг иштирокчи-давлатлари бу масала бўйича ўзларининг ижодий маърузаларини топширишлари лозимлиги қайд қилинди. 1951 йилда узок давом этган музокаралардан сўнг Бош Ассамблея Комиссияга инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги иккита пактнинг лойиҳасини ишлаб чиқишни ва улардан бирида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, бошқасида эса – иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлар ёритилиши лозимлигини топширди. 1966 йилда олдиндан белгиланган битта пакт ўрнига иккита Халқаро пакт ишлаб чиқилди: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. Бундан ташқари, Фуқаролик

¹ Права человека. Учебник /Отв. ред. Е.А.Лукашева. М., Норма-Инфра, 1999. С 471

ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол ҳам қўшимча равишда ишлаб чиқилиб, унда алоҳида шахсларнинг пактда ифодаланган ҳуқуқларининг бузилишига доир хабарлари кўриб чиқилиши ўз ифодасини топиши зарурлиги қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактларнинг ҳуқуқий моҳияти ва мазмуни. Ҳар иккала Пактнинг Муқаддимаси, 1-, 3- ва 5-моддалари айнан бир хилдир. Ҳар бир Пактнинг Муқаддимасида БМТ Низомига мувофиқ равишда давлатларнинг мажбуриятлари қайд этилган. Унга кўра, ҳар бир инсон бу ҳуқуқларга риоя қилиши ва ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир амалга ошириладиган ижобий тадбирларни рағбатлантириб туриши зарур.

Ҳар иккала Пактнинг 3-моддасида иштирокчи-давлатлар инсонга берилган барча ҳуқуқлардан эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқни таъминлаш мажбуриятини оладилар. Ҳар иккала Пактнинг 5-моддасида бирон-бир давлат, гуруҳ ёки алоҳида шахс пактда эътироф этилган ҳар қандай ҳуқуқ ёки эркинликларни чеклашга қаратилган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи бор деб қараши ва буни тарғиб қилиши мумкин эмаслиги ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари бирор-бир тарзда чекланиши ёки камситилишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6–15-моддаларида меҳнат қилиш ҳуқуқи (6-модда), адолатли ва қулай меҳнат шароити (7-модда), қасаба уюшмалари тузиш ва унга кириш (8-модда), ижтимоий таъминот ҳуқуқи (9-модда), оилани, оналик, болалик ва ўсмирликни кенг ҳимоя қилиш ва ёрдам бериш ҳуқуқи (10-модда), етарли ҳаётий даражага эга бўлиш ҳуқуқи (11-модда), жисмоний ва руҳий соғломликнинг энг юқори даражасига эришиш ва маълумот олиш ҳуқуқи (12–13-моддалар), маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи (15-модда) ва бошқа ҳуқуқлар қайд этилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6–27-моддаларида инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳимояланиши назарда тутилади. Бу моддаларда ҳеч ким азоб-укубатга солинмаслиги ёки зулмлик билан, инсонликка иснод келтирувчи бир тарзда ёки унинг кадр-қимматини хўрлаб муомала қилинмаслиги ёки жазога мустаҳик этилмаслиги керак (7-модда); ҳеч ким қулликда сақланиши мумкин эмас; қулчилик ва қул савдоси, булар қандай шаклда бўлмасин, тақиқланади; ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилиниши мумкин эмас (8-модда); ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас (9-модда); озодликдан маҳрум этилган барча шахсларга инсонларча муомалада бўлиш керак (10-модда); ҳеч

ким бирор шартнома мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган асосдагина озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас (11-модда); ҳар бир одам давлат ҳудудида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир (12-модда).

Ушбу Пактда иштирок этаётган бирон-бир давлатнинг ҳудудида қонуний тарзда турган чет эллик шахс қонунга биноан чиқарилган қарор асосидагина чиқариб юборилиши мумкин (13-модда).

Пактда барча шахслар одил судлар ва трибуналлар олдида тенгдирлар, жиноят ва фуқаролик жараёнларида қаноқатга эгадирлар, деб эътироф этилган (14-модда); шунингдек, жиноят содир этилган пайтда қўлланилиши лозим бўлгандан оғирроқ жазо тайинланиши мумкин эмас (15-модда); қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқ субъекти эканлигининг эътироф этилиши ҳуқуқига эгадир (16-модда); ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан ёки ғайриқонуний тарзда аралаштиш, уй-жой дахлсизлиги ёки мактублари сирининг дахлсизлигига ўзбошимчалик билан ёки ғайриқонуний тусда, ёки унинг ор-номуси ва шаънига ғайриқонуний тусда тажовуз қилиш мумкин эмас (17-модда).

Бундан ташқари, маъқур Пактда қайд этилишича, ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир (18-модда); ҳар бир инсон бемалол ўз фикрида собит бўлиш ҳуқуқига эгадир (19-модда); урушни ҳар қандай йўсинда тарғиб этиш қонун йўли билан тақиқлаб қўйилиши керак; душманлик, зўравонлик, гиж-гижлаш, мишлий, диний ёки иркий ғанимликни ёқлаб қилинадиган ҳар қандай йўсиндаги ҳаракат қонун йўли билан тақиқлаб қўйилиши керак (20-модда); улар осойишта йиғилишлар ўтказиш (21-модда) ва уюшмалар тузиш эркинлигини эътироф этади (22-модда). Улар никоҳ ёшига етган эркаклар ва аёлларнинг никоҳдан ўтиш ҳуқуқи ва оила қуриш ҳуқуқи, никоҳда бўлган даврда ва никоҳ бекор қилинаётганида эр-отинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигини эътироф этади (23-модда); улар болалар ҳуқуқини муҳофаза қилиш тadbирларини белгилайди (24-модда); ва ўз мамлакатининг давлат ишларида қатнашишдан иборат ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқини назарда тутати (25-модда). Улар барча одамларнинг қонун олдида тенглиги ва уларнинг ҳеч бир камситишларсиз қонун томонидан баб-баравар ҳимоя қилиниши тadbирларини назарда тутати (26-модда). Ва никоҳ, 8-моддада Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмига тузиш қўзда тутилган. 9-қўмига Пактда қайд этилган ҳуқуқларни ҳаётга таъбиқ этилишини назорат қилиб боради.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда қатнашувчи давлатлар ҳуқуқдан фойдаланишда чеклашлар ўрнатиши мумкин. Чеклашлар шу давлатнинг қонунида белгиланиб, улар умумий фаровонлик мақсадларига ва мамлакатда амалда бўлган тартиб-қоидалар табиатига мос бўлиши шарт.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда қаттиқ талаблар белгиланган: фақат фавқулодда ҳолат расмий равишда эълон қилингандагина иштирок этувчи давлатлар ўз мажбуриятларидан чекинишлари мумкин. Чеклашларнинг Пактда алоҳида қайд этилган ҳуқуқларга таъсири бўлиши мумкин эмас. Булар: яшаш ҳуқуқига эга бўлиш, кийноқни тақиқлаш, қулчилик, одил судлов ва ҳоказо. Қабул қилинган чеклашлар тўғрисида иштирок этувчи давлатлар БМТнинг Бош қотиби орқали Пактнинг бошқа иштирокчи-аъзоларини хабардор қилиши лозим. Пактда қайд этилган айрим ҳуқуқлардан фойдаланишда давлат чеклаш ўрнатиши мумкин. Бу чеклашлар қонунда ўз ифодасини топиши шарт. Улар давлат хавфсизлигини ва ижтимоий тартибини, аҳолининг соғлиғи ёки ахлоқий удумларини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, Пактда қабул қилинган бошқа ҳуқуқларга мос бўлади.

Ҳар бир Пактда унда кўрсатилган меъёр ва тамойилларни амалга оширишга қаратилган бир қанча қоидалар келтирилган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқ, унда қатнашувчи ҳар бир давлат БМТ Бош қотибига Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга оширишда эришилган ютуқлар ва тадбирлар тўғрисида маъруза бериб туришни ўз зиммасига олади.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш вақти-вақти билан Бош Ассамблеяга умумий тусдаги тавсияномалар билан мазкур Пактда иштирок этаётган давлатлардан ва ихтисослашган ташкилотлардан олинган маълумотларнинг баёни тўғрисида маърузалар тақдим этиши мумкин. Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш БМТнинг бошқа органлари уларнинг ёрдамчи органлари ҳамда техникавий ёрдам бериш билан машғул бўлган ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг диққат-эътиборини мазкур Пактнинг ушбу қисмида эслатиб ўтилаётган маърузалар муносабати билан пайдо бўлаётган ҳар қандай масалаларга қаратиши мумкинки, бу ана шу органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида ушбу Пактни тадрижий йўсинда амалга оширишга ёрдам бериши мумкин бўлган халқаро тадбирларнинг нечоғлик мақсадга мувофиқлиги хусусида қарорлар чиқаришда фойдали бўлиши мумкин (22-модда).

3. Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протоколлар

Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга биринчи Факультатив Протокол 1966 йилнинг 16 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган. Факультатив протоколнинг биринчи моддасига биноан, Пактда қатнашувчи давлатлар Протоколнинг қатнашувчилари бўлиб, улар Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қўмита ваколатини олади. Протоколда иштирок этувчи давлатда инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳоллари рўй берса, у Қўмитага олти ой ичида ёзма тушунтириш хати юбориши керак. Бу Протоколга мувофиқ, алоҳида шахслар ўз ҳуқуқлари бузилган ҳолларда, ўз давлатлари устидан Қўмитага мурожаат қилишлари мумкин. Қўмита ўзининг ёпик мажлисларида алоҳида шахслардан ҳамда манфаатдор давлатлардан келган ёзма ахборотларни кўриб, ўз мулоҳазасини ишлаб чиқади ва уни алоҳида шахсларга, давлатларга юборади. Бу соҳада қилинган ишлар бўйича қисқартирилган ахборот ҳар йили Бош Ассамблеяга Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш маърузаси орқали юборилади. Ушбу протокол 14 моддадан иборат бўлиб, ушбу моддаларда, юқоридагилардан ташқари, шикоятни тақдим этиш тартиби (1–3-моддалар), қўмитанинг шикоятларни кўриб чиқиш тартиби (4–5-моддалар), Протоколга қўшилиш (8-модда) ёки уни денонсация қилиш (12-модда) тартиби, протоколнинг кучга кириши (9–10-моддалар), унга ўзгартиришлар киритиш тартиби (11-модда), БМТ Бош қотиби томонидан имзолаш, ратификация, денонсациялар, протоколнинг кучга киришига доир масалалар бўйича аъзо-давлатларга хабар бериш тартиблари (13-модда) кўрсатиб ўтилган.

1989 йил 15 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга иккинчи Факультатив протоколни қабул қилди. Унда ўлим жазосидан воз кечиш кўзда тутилган. Протокол 1991 йил июль ойидан кучга кирди. Бу Протоколга мувофиқ, қатнашувчи давлатлар ўз қонунчилигида ва амалиётда ўлим жазосини қўллашдан воз кечишлари шарт. Протокол 1991 йил июль ойидан кучга кирди. Ушбу Протокол Муқаддима ва 11 моддадан иборатдир. Протоколнинг 1-моддасида “Ушбу протоколга аъзо-давлат юрисдикцияси остидаги ҳеч бир киши ўлим жазосига тортилмаслиги керак” деб қайд этиб ўтилган. 2-модданинг 1-бандида протоколга ҳеч қандай қўшимча шарт қилиши мумкин эмаслиги ва уруш вақти бундан мустасно эканлиги кўрсатиб ўтилган. Яъни, умумий гуманитар ҳуқуқ характеридан келиб чиқиб, уруш қондаларини қўпол равишда бузиб, қуролли можаро

вактида жиддий жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан ўлим жазоси сакланиб қолади. 3-, 4-моддаларда эса, аъзо-давлатларнинг маърузалари ва хабарларининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита томонидан қабул қилинишига оид масалалар кўриб чиқилади. I факультатив протокол асосида ташкил этилган Қўмита ушбу протокол бўйича тақдим этиладиган маъруза ва хабарларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадир.

4. Ўзбекистон Республикаси ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Билль

Ўзбекистон давлати ўз мустақиллигини мустакамлаб бориш билан бирга, ўзининг ички ва ташқи сиёсатида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган демократик тамойиллар ва нормаларга ҳар томонлама ёндашишини баён этиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг Олий Мажлиснинг навбатдаги I чакирик VI сессиясида сўзлаган нутқида шу тўғрисида фикр юритиб, жумладан, шундай деди: *...навбатдаги муҳим масала республиканинг қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ҳолга келтиришидир*¹.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир халқаро ҳужжатларга қўшилар экан, бевосита уларда мавжуд қоида ва меъёрларни бажариш ҳамда ўз ички қонунчилигида ушбу меъёрларни акс эттириш ва уларни самарали равишда амалга ошириш мажбурияти-ни олади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (бундан буён Декларация)нинг I-моддасида барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилиши тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Жиноят кодексида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш жиноят ҳисобланиб, жавобгарликка тортилишга сабаб бўлиши кўрсатилган. Декларациянинг 5-моддаси ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (бундан буён ФСХХП)нинг 7-моддасида ҳеч ким азоб-уқубатга ёки ваҳшийларча, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни ҳўрлайдиган муомала ва жазога мустаҳкам бўлмаслиги кераклиги белгиланган. Конституциямизнинг 26-моддаси 2-бандида ҳам бу қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Жиноят кодексида бундай ҳаракатлар оғир оқибатларга сабаб бўлса, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг I чакирик, VI сессиясида сўзлаган нутқидаги. //Халқ сўзи. 1996 йил 29 август.

Декларация ва ФСХХП ҳар кимнинг ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш ва турар-жой дахлсизлиги ҳуқуқини белгилаб беради. Конституциямиз ҳам ушбу ҳуқуқларни ўзида мужассамлаштирган. Жиноят кодекси тухмат учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс томонидан мазкур ҳаракатнинг қайта содир этилишига нисбатан жинойий жавобгарлик келиб чиқшини белгилайди. Кодекса шахснинг кадр-қимматини қасддан ерга урганлик учун ҳам (маъмурий жазо чораси қўллангандан сўнг қайта содир этилса) жинойий жавобгарлик белгиланади. Жиноят кодексига биноан, уй-жойга у ерда яшовчиларнинг эркига қарши, зўрлик ишлатиб ноқонуний тарзда кириш 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиши мумкин.

Декларациянинг 15-моддаси ҳар бир инсоннинг фуқаролик ҳуқуқи мавжудлигини белгилайди. Конституциямизнинг 21-моддаси ва “Фуқаролик тўғрисида”ги қонун (1992 йил 2 июлда қабул қилинган) юқоридаги қондаларни ўзларида мужассамлаштирган. Президентимиз И.А. Каримов фуқаролик масалаларига тўхталар экан, шундай фикрларни билдиради: *“Шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир”*¹. Президент И.А. Каримов ягона фуқаролик ҳақида тўхталиб: *“Икки давлат фуқаролигига мансублик ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир”*², деб таъкидлаган эди.

Декларация ҳамда ФСХХПда мавжуд сўз ва фикр, ахборот олиш эркинлиги масаласи Конституциямизнинг 29, 30-моддаларда ёритиб берилган. Бу қондалар “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” (2003 йил), “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” (1997 йил), “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида” (1993 йил), “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (1997 йил) қонунларда, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексининг тегишли моддаларида ўз ифодасини топган.

Декларациянинг 20-моддаси ҳамда ФСХХПнинг 21-, 22-моддаларида ҳар бир инсоннинг осойишта йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқи мустақкамланган. Конституциямизнинг 33-, 34- ва 57-моддаларида юқоридаги масалага доир асосий меъёрлар белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқи “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” (1991 йил 15 февраль), “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”

1 Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – Б. 9.

2 Ўша жойда. – Б. 10.

(1992 йил 2 июль), “Сийсий партиялар тўғрисида” (1996 йил 26 декабрь), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999 йил) қонунларда ўз ифодасини топган.

Декларация ҳамда ФСХҲПда мавжуд инсонларнинг бевосита ва вакиллар воситасида мамлакат бошқарувида иштирок этиш, давлат хизматига кириш ҳуқуқи ва халқ ҳокимияти тўғрисидаги қондаларни Конституциямизнинг 32-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” (1991 йил 18 ноябрь), “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида” (1991 йил 18 ноябрь), 2002 йилдаги “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойиллари тўғрисида”, 2002 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”, 2002 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”, 2003 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” (янги таҳрирда), 2004 йилдаги “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонунларда учратишимиз мумкин.

Ижтимоий ҳимоя ва таъминот тўғрисидаги меъёрлар Декларациянинг 22-моддаси ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (бундан буён ИИМҲХП)нинг 9-моддасида белгилаб қўйилган. Бу масала Конституциянинг 39-моддасида, шунингдек, “Ноғиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Президентимиз Ислом Каримов ҳам бу хусусда “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” китобида: *“Аҳолининг муҳтож табақларини ижтимоий ҳимоялаш... энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қондаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади”*¹, – деб таъкидлаган.

Декларация ҳамда ИИМҲХПда ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, тенг меҳнатга тенг ҳақ олиш, касаба уюшмалари тузиш, дам олиш ва ҳақ тўланадиган таътиллар олиш ҳуқуқлари ҳам белгилаб қўйилган. Конституциямизнинг 37-моддаси, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида” (1992 йил 2 июль), “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” (1998 йил 1 май), “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар ҳам шахснинг меҳнат қилиш ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларини кафолатлайди. ХМТнинг 1935 йил 22 июндаги Конвенциясида иш ҳафтасининг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993. Б. 74.

40 соатлик муҳлати ва қондаси мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ҳам ҳафталик иш вақтининг давомийлиги 40 соатдан ошмаслиги, таътилнинг энг кам муддати 15 иш кунидан кам бўлмаслиги кўзда тутилган.

Билим олиш ҳуқуқи Декларациянинг 26-моддаси ҳамда ИИМХХП-нинг 13-,14-моддаларида, 1960 йил 14 декабрдаги Таълим соҳасидаги камситишларга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция моддаларида, шунингдек, Конституциямизнинг 41-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳам юқоридаги меъёрларни ўзида акс эттирган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Биринчи Факультатив протоколига 1995 йилда қўшилган. Унга қўра, Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг Пактда кўзда тутилган ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиш ҳолатлари бўйича, Протоколда кўзда тутилган шартларга мувофиқ равишда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасида 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, унга Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир, ушбу ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи Факультатив протоколга қўшилишга имкон берди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йилнинг 10 декабрда мамлакатимизнинг ушбу ҳужжатга қўшилганлигини тасдиқлади¹

Такорлаш учун саволлар:

- 1. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билль деганда нимани тушунасан?*
- 2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ишлаб чиқилиши ва унинг қабул қилиниш тарихини тушунтириб беринг.*
- 3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тузилиши ва мазмуни ҳақида сўзлаб беринг.*
- 4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг тарихий аҳамиятини тушунтириб беринг.*
- 5. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларнинг ишлаб чиқилиши ва уларнинг қабул қилиниш тарихини тушунтириб беринг.*

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи Факультатив протокол (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь)га қўшилиш ҳақида”ги Қонуни. //Халқ сўзи. 2008 йил 11 декабрь.

6. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг мазмун-моҳияти тўғрисида нима дея оласиз?

7. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

8. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протоколнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.

9. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга 2-Факультатив протоколнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.

10. Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билез ҳужжатларига қўшилиши ва уларнинг нормаларининг миллий қонунчиликка имплементациясини тушунтириб беринг.

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. / Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

2. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.

3. Гиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика / Отв. ред. А.Х. Саидов. Т.: Адолат, 2008.

4. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари: тўплам / Л. Саидова таҳрири остида. Т.: Адолат, 2004.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. Т.: Адолат, 2004.

6. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар. Т.: Адолат, 2002.

7. Балонатга етмаган болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар/Международные документы по правам несовершеннолетних. Т.: Адолат, 2002.

8. Женева конвенциялари тўплами. / А. Саидов таҳрири остида. Тошкент, 2002.

9. Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Ўзбекча нашри учун масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008.

10. UNESCO and Human Rights. Standart-setting instruments. Major mettings. Publications. UNESCO. 2007

8-мавзу. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро (минтақавий) механизми

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда универсал ҳамкорликдан минтақавий ҳамкорликка.
2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа тизими.
3. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Америка тизими.
4. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Африка тизими.
5. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Осиё-араб тизими.
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро (минтақавий) тизимнинг тавсифи.

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда универсал ҳамкорликдан минтақавий ҳамкорликка

Халқаро ташкилотлар ва давлатлар томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, турли тадбирлар ҳамда ушбу ташкилот ва давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти каби муҳим масалалар ушбу соҳани мукамал ўрганишни ва ҳар томонлама чуқур таҳлил этишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмларни кўриб чиқиш ва уларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, турли минтақаларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни универсал ҳимоя қилишга нисбатан мукамал ва самаралироқ амалга ошириш мумкин. Бутун дунёдаги давлатларнинг бир-бирини ўзаро тушунишидан кўра, бирор минтақадаги давлатлар бир-бирини тушуниши тезроқ кечиши мумкин.

Маълумки, давлатларнинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳамкорлиги турли шаклларда ифодаланади: яъни, давлатлар инсоннинг қандай ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилиниши ва амал қилиниши лозимлиги бўйича ягона универсал стандартлар ишлаб чиқадилар; давлатлар халқаро келишувлар бўйича мажбуриятлар олишади, ўзининг миллий тартиботини ўрнатиши доирасида ушбу стандартларга риоя қиладилар; давлатлар ўзларига олган мажбуриятларига риоя қилишларини назорат қилиш бўйича махсус назорат механизмини тuzадилар. Ҳамкорликнинг бундай шакллари, одатда, халқаро ташкилотлар доирасида амалга оширилади.

Халқаро ташкилотлар, одатда, халқаро ҳуқуматлараро ва халқаро ноҳуқумат ташкилотларга бўлинади. Халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлар эса, ўз навбатида, универсал ва минтақавий ташкилотларга

бўлинади. Универсал халқаро ташкилотларга БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари киради. Бу ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти хусусида фикр юритадиган бўлсак, уларнинг фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Чунки, бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига, авваламбор, умумбашарий масала сифатида қаралмоқда.

Умумбашарий даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил топиши ва унинг Низомининг таъсис этилиши инсоният тарихида муҳим сиёсий воқеа бўлди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида ушбу халқаро Ташкилотнинг асосий мақсад ва тамойилларидан бири – инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, самарали амалга ошириш ва уларга риоя қилишдан иборат.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий мақсадларидан бири инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини самарали амалга ошириш ва уларга риоя қилишдан иборат. Шу мақсадда БМТ ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни ҳурмат қилиш тамойили асосида амалга оширмоқда. БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти, ташкилот доирасидаги механизмлар тўғрисида “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда БМТнинг ўрни ва роли” мавзусидаги бобда батафсил тўхталиб ўтган эдик.

Юқорида таъкидлаганимиздек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга ошишини назорат қилувчи универсал халқаро ташкилотлар билан бир қаторда минтақавий халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг аъзолари маълум географик минтақа давлатлари бўлишлари мумкин. Бундай ташкилотларнинг фаолияти хавфсизлик, иқтисод, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги минтақавий халқаро ҳамкорликка қаратилган бўлади.

БМТ Низомида бундай ташкилотларга маълум талаблар қўйилади. Жумладан, уларнинг ташкил этилиш мақсадлари ва фаолияти БМТ Низомининг мақсад ва тамойилларига тўғри келиши ва бу ташкилотлар БМТнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳуқуқий муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятига қўмаклашиши лозим.

Барча аъзо-давлатларга нисбатан қўлланиладиган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги БМТ Низоми асосида ташкил этилган ҳамда БМТ томонидан қабул қилинган шартномалар асосида таъсис этилган универсал тизимларни эътироф этиш билан бир қаторда, Америка, Африка ва Европа қитъаларидаги кўплаб давлатлар ҳуқуқий жиҳатдан минтақавий даражада бажарилиши мажбурий бўлган инсон ҳуқуқларига доир шартномалар қабул қилган бўлиб, бу шартномаларнинг бажарили-

ши юзасидан халқаро мониторинг олиб борувчи идоралар ваколатларини тан олганлар. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий шартномалар ва уларнинг амалга татбиқ этилиши бўйича мониторинг олиб борувчи ягона минтақавий механизм Осие ва Тинч океани минтақасида ханузгача ишлаб чиқилгани йўқ.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида инсон ҳуқуқларини химоя қилишнинг ўзига хос моделлари вужудга келди. Бундай моделлар кўп жиҳатдан универсал тизимдан ўзининг самарадорлигини ҳам кўрсатди. Бундай минтақавий ташкилотларга Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича Европа тизими, Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича Америка тизими, Инсон ҳуқуқлари ва халқлар ҳуқуқини химоя қилиш бўйича Африка тизими, Инсон ҳуқуқлари бўйича Доимий араб комиссияси, МДҲ доирасида қабул қилинган 1995 йил 26 майдаги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича МДҲ конвенцияларини киритиш мумкин.

Демак, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳамкорликнинг ривожланиб бориши бу борадаги универсалликни эътироф этиш билан бир қаторда минтақавий даражада химоя қилиш тизимининг шаклланиши ва уни янада тезлик билан такомиллаштишига сабаб бўлмоқда.

2. Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича Европа тизими

Ҳозирда алоҳида мамлакатларда инсон ҳуқуқлари химоясини кўриб чиқиш борасидаги халқаро ҳамжамият ҳуқуқларининг кенгайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу, айниқса, умумевропа жараёни доирасида кўзга ташланади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳужжатларида, хусусан, 1991 йилда Москвада бўлиб ўтган Инсонийлик мезонлари тўғрисидаги конференция ҳужжатларида “инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия ва қонун устуворлиги халқаро характерга эга, чунки, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилиш халқаро ҳуқуқий тартибот асосларидан бирини ташкил қилади”, – деб таъкидланади. Шу ҳужжатнинг ўзида иштирокчи-давлатлар тўғрисида “улар томонидан ЕХХТ инсонийлик мезонлари бўйича қабул қилинган мажбуриятлар ҳар бир иштирокчи-давлат учун бевосита ва қонуний манфаатга эга бўлган масала ҳисобланади” деб таъкидланади ва инсон ҳуқуқлари масаласи тегишли давлатнинг мутлақ ички ваколатига тааллуқлигина масала бўлиб қолмаётганини ва бу масала ҳар бир давлат халқаро ҳамкорлигининг объектига айланганлигини кўрсатиб ўтади.

Европа Кенгаши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида. Европада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этиш билан шуғулланувчи энг мўътабар ва нуфузли ташкилот Европа Кенгаши ҳисобланади. 1949 йилнинг 5 май куни Лондон шаҳрида қабул қилинган Статут (Низомнинг)нинг 1-моддасига биноан, мазкур Кенгашнинг мақсади ўз аъзоларининг “муштарак мероси бўлган ҳамда уларнинг иктисодий ва ижтимоий раванк топишини кучайтиришга ёрдам берадиган” ғоялари билан тамойилларини саклаб қолиш ҳамда бундай ғоя ва тамойилларни рўёбга чиқариш муддаосини кўзлаб, аъзолар бирлигига эришишдан иборат.

Европа Кенгаши 1949 йил 5 майда 10 мамлакатдан келган иштирокчи-давлатлар томонидан ташкил этилди. Унинг аъзолари сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 2012 йилга келиб, уларнинг сони 47 тага етди. Унинг асосий мақсади куйидагилардан иборат: инсон ҳуқуқлари ҳимояси, плюралистик демократияни тарғиб этиш; озчиликни ташкил қилувчи ҳамда бошқа миллат ва диний гуруҳ вакилларига нисбатан нотолерантлик муносабат ва ксенофобия билан боғлиқ муаммолар ечимини излаш; буюк Европа бирлашувига хизмат қилиш ҳамда мустақиллик ва матбуот плюрализминини мустаҳкамлашдир.

Кенгаш икки асосий органдан иборат: Вазирлар Қўмитаси ва Парламент Ассамблеяси. Вазирлар Қўмитаси қарорлар қабул қиладиган орган бўлиб, аъзо-давлатларнинг ташқи ишлар вазирларидан иборат. Йилда икки маротаба йиғилади ва махсус сессиялар ҳам ўтказилиши мумкин. Раис ҳар олти ойда алмашади. Парламент Ассамблеяси аъзо-давлатларнинг миллий парламентлари томонидан тайинланган вакилларидан иборат.

Бугунги кунда Европа Кенгаши жаҳондаги йирик ташкилотлардан бири бўлиши билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасида нуфузли тузилма ҳам ҳисобланади. Шуниси эътиборга лойикки, инсон ҳуқуқларига риоя этиш тамойили Европа Кенгаши Низоми (Статут)да мустаҳкамлаб берилган. Мазкур ҳужжатнинг 3-моддасида таъкидлаб кўрсатилишича, “Европа Кенгашининг ҳар бир аъзоси қонун устуворлиги тамойилини ҳамда ҳар қандай шахс қайси тамойилнинг юрисдикцияси остида бўлганда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланадиган бўлса, худди шу тамойилни эътироф этади”¹. Инсон ҳуқуқларини ва унинг асосий эркинликларини жиддий тарзда бузиш Европа Кенгашига аъзоликни тўхтатиб қўйиш ва ҳатто, аъзоликдан

¹ Устав Совета Европы / Международное сотрудничество в области прав человека: Документы и материалы. М., 1993. Вып.2. С 121

чиқариш учун асос бўлиши мумкин. Мазкур Ташкилот томонидан буйўналишда олиб борилган ишларнинг амалий самараси шуки, Европа Кенгашининг фаолияти мобайнида 200 га яқин конвенция, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя этиш тўғрисидаги Европа конвенцияси қабул қилинган¹. Европа миқёсида қабул қилинган 10 та конвенция ва битим, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя этиш тўғрисидаги Европа конвенцияси ва Ижтимоий хартия ёпиқ ҳужжатлар ҳисобланади. Бошқа ҳужжатлар эса, очик ёки қисман очик хусусиятга эга.

Европа Кенгашининг назоратни амалга ошириш механизми таркибига Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва Европа Вазирлар кўмитаси киради. Европа конвенциясига мувофиқ ташкил топган инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш механизми Европа Кенгашига аъзо-давлатларнинг давлат суверенитетини мутлақлаштиришда қарор топган андозалардан воз кечишни такозо этади.

1950 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя этиш тўғрисидаги Европа конвенцияси ўзида кўпгина ҳуқуқларни, чунончи, яшаш ҳуқуқи, кийноқларга дучор этилмаслик ҳуқуқи ва кулликдан озод бўлиш ҳуқуқини кафолатлаган эди.

Европа конвенциясида қўшимча протоколлар, шу жумладан, мол-мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи ва таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги протокол (1-протокол) қабул қилиниши натижасида ҳуқуқлар доираси янада кенгайиб борди. Ҳозирги пайтгача мазкур Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя этиш тўғрисидаги Европа конвенциясига 14 та қўшимча протокол қабул қилинган.

1961 йилда қабул қилинган Европа ижтимоий хартиясини ҳам Европа конвенцияси сингари Европа Кенгаши раҳнамолиги остида ишлаб чиқилган. Мазкур Хартия фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни кафолатловчи конвенцияни иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя этиш учун минтакавий европача тизим яратиш йўли билан тўлдиради. Шу Хартияга мувофиқ, давлатларнинг улар ўз мажбуриятларига қандай риоя этаётганлигини назорат этиб боришни таъминлайдиган маърузаларни тақдим этиш тизими ишлаб чиқилган.

Европа Кенгаши томонидан шахсий маълумотлар ва ахборотларни ҳимоя қилиш, меҳнатқаш-мигрантлар, озчиликка мансуб халқлар ва шахслар, кийноқлардан фойдаланиш амалиётининг олдини олиш ҳамда биотиббиде соҳаларига тегишли бир қатор махсус шартномалар қабул қилинган.

¹ Право Совета Европы и Россия (сборник документов, материалов). – Краснодар. 1996.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича Европа конвенцияси нафақат инсон ҳуқуқлари доирасидаги асосий ҳуқуқларни эълон қилди, балки уларни химоя қилишнинг ўзига хос механизмини ҳам ташкил этди. Дастанлаб, ушбу механизм учта органдан иборат эди: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва Европа кенгашининг Вазирлар қўмитаси. 1998 йилнинг 1 ноябридан Европа конвенциясининг 11-сонли протоколи кучга кириши билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди битта, доимий фаолият юритувчи орган – Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига бирлаштирилди. Унинг жойлашган жойи сифатида Страсбургдаги Инсон ҳуқуқлари саройи (Франция) танланди, Европа Кенгаши ҳам шу ерда жойлашган.

Дастанлабки тизимга мувофиқ, индивидлар ёки Конвенция аъзолари бўлган давлатлар томонидан тақдим этилган шикоятлар дастанлаб Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси томонидан кўриб чиқилган ва у шикоятларни мақбуллиги бўйича кўриб чиққач, у мақбул деб топилса, яқуний, мажбурий ҳал қилувчи қарорини қабул қилиш учун Судга берилган. Агар иш Судга берилмаса, у Вазирлар қўмитаси томонидан ҳал этилган. 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб, Комиссия томонидан мақбул деб топилган шикоятларни мурожаат қилувчиларнинг ўзлари Судга беришлари мумкинлиги ҳуқуқи берилди. Конвенцияга қўшимча 11-Протокол кучга киргандан бошлаб, мазкур Комиссия фаолиятига дахлдор барча вазифалар Суднинг ўзига юклатилди ва ҳозирда индивидлар тўғридан тўғри Судга мурожаат қилиши мумкин. Суднинг ўзи шикоятнинг дахлдорлиги ва мақбуллигини кўриб чиқади.

Европа конвенциясига биноан, Суд дастанлаб фақат тарафлар ўртасидаги низолар бўйича юрисдикцияга эга эди, холос. 1970 йилда Конвенцияга доир Протокол кучга кирганлиги натижасида мазкур Суд маслаҳат юрисдикциясига ҳам эга бўлган. Конвенцияга мувофиқ, бу Судга индивидлар, яъни айрим шахслар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Умуман, бу суд инсонни халқаро ҳуқуқнинг чекланган субъекти сифатида эътироф этишга асос бўладиган юрисдикцияга эга. Яъни, биламизки, халқаро ҳуқуққа мувофиқ, индивидлар ўз давлати устидан БМТнинг Халқаро судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмаслар, чунки ушбу Халқаро суднинг Статути индивидларни Суднинг томонлари сифатида эътироф этмайди. Аммо, Европа суди, биринчи ўринда, индивидларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкил этилган бўлиб, бу соҳада самарали судлов тизими ҳисобланади. Судга, шунингдек, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳам мурожаат этиши мумкин, агар

уларнинг ҳуқуқлари Суднинг юрисдикциясини тан олган давлатлар худудида бузилган бўлса.

Бугунги кунда Европа конвенцияси давлатлар юрисдикциясидан да ҳуқуқий жиҳатдан устувор бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича мониторинг олиб боришнинг илғор тизими сифатида эътироф этилади. Суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар якуний бўлиб, уларнинг иштирокчи-давлатлар томонидан бажарилиши ҳуқуқий жиҳатдан мажбурийдир. Ушбу қарорларнинг бажарилиши устидан Европа Кенгашининг олий сиёсий идораси ҳисобланмиш Вазирлар қўмитаси мониторинг олиб боради.

1998 йили кучга кирган Европа Ижтимоий хартиясига қўшимча Протоколга мувофиқ, айрим ташкилотларга Ижтимоий ҳуқуқлар бўйича Европа қўмитасига ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Шикоят ёки ариза тааллуқли деб топилган тақдирда, таомил ҳаракатга келиб, иш бўйича Қўмита томонидан тегишли қарор қабул қилинади. Қарор маъруза орқали ишга алоқадор томонларга ва Вазирлар қўмитасига юборилиб, тўрт ой ичида жамоатчиликка маълум қилиниши шарт. Ва ниҳоят, Вазирлар қўмитаси томонидан мавжуд ҳолатнинг Хартия талабларига мос келишини таъминлаш борасида тегишли томонга махсус чора-тадбирлар кўриши тавсия этиладиган резолюция қабул қилинади.

Ҳозиргача Европа кенгаши доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган энг муҳим халқаро шартномалар рўйхатини қуйидагича бериш мумкин:

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1950–1953) ва унга қўшимча 14 та Факультатив протокол;

Европа Ижтимоий хартияси (1961–1965), унга қўшимча Факультатив протоколлар ва янги таҳрирдаги Европа Ижтимоий хартияси (1996–1999);

Мехнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Европа Конвенцияси (1977–1983);

Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Европа Конвенцияси (1987–1989);

Минтақавий ёки озчиликка мансуб халқлар сўзлашадиган тиллар тўғрисидаги Европа хартияси (1992–1998);

Миллий озчиликка мансуб шахсларни ҳимоя қилиш бўйича намунавий Конвенция (1995–1998);

Болаларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича Европа Конвенцияси (1996–2000);

Инсон ҳуқуқлари ва Биотиббиёт бўйича Конвенция (1997–1999);

Фуқаролик тўғрисидаги Европа Конвенцияси (1997–2000).

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти. 1975 йилда имзоланган Хельсинки Яқунловчи ҳужжати Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик конференцияси олиб борган ишлар самарасининг чўккиси бўлган. Шарқий ва Ғарбий Европадаги барча суверен давлатлар, шунингдек, АҚШ ва Канада иштирокидаги Кенгаш томонидан қабул қилинган Яқунловчи ҳужжат ҳуқуматлар учун юридик жиҳатдан мажбурий шартнома эмас эди. Шунга карамай, у сиёсий аҳамиятга молик ғоят муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши томонидан қабул қилинган кейинги муҳим ҳужжатлар орасида Вена (1989 йил) ва Копенгаген (1990 йил) учрашувларининг якуний ҳужжатларини, шунингдек, Янги Европа учун мўлжалланган Париж хартиясини (1990 йил)¹ алоҳида таъкидлаш керак.

Будапешт кенгашининг 1994 йилдаги қарорига мувофиқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХК) Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) сифатида қайта ташкил этилди. Қарорда ЕХХТнинг қуйидаги мақсадлари белгилаб берилди:

1) ялли хавфсизлик ҳудудларини яратиш йўлида норма ва стандартлардан қатъият билан фойдаланиш;

2) ЕХХКнинг барча мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

3) маслаҳатлашиш, қарорлар қабул қилиш ва ҳамкорлик қилиш учун форум вазифасини ўташ;

4) превентив дипломатияни кучайтириш;

5) низо ва можароларни тартибга солиш ва тинчлик ўрнатиш операцияларини амалга ошириш лаёқатини янада ошириш;

6) қурооллар ва қуроолсизланиш бўйича назоратни амалга ошириш йўли билан хавфсизликни мустаҳкамлаш;

7) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятни ривожлантириш.

Мустаҳкам бозор иктисодиётини жорий этиш йўлида ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат мақсад, айниқса, эътиборга сазовордир.

ЕХХТга Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, шунингдек, МДХнинг барча давлатлари, шу жумладан, Осиёда жойлашган МДХ давлатлари ҳам аъзо ҳисобланади.

¹ Қаранг: Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Инсонийлик меъонлари бўйича ҳужжатлари. Тошкент, 2002.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, дастлаб, яъни 1970 йилларнинг бошида Шарқ ва Ғарб ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларни ривожлантириш мақсадида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши номи билан ташкил қилинган.

1975 йил 1 августда Хельсинкида йиғилган 35 давлат бошликлари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки Яқунловчи Актини имзоладилар. Бу яқунловчи акт Хельсинки Келишуви¹ номи билан машҳур бўлиб, унда иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги муносабат ва ҳукуматларнинг ўз фуқаролари ўртасидаги муносабатларнинг тамойиллари белгиланди.

Хельсинки Яқунловчи Акти билан ЕХХКнинг ривожланиш жараёнига асос солинди. Унинг мазмуни бўйича учта асосий ҳужжат ишлаб чиқилди:

1. Европа хавфсизлигига боғлиқ масалалар;
2. Иктисодиёт, фан ва техника ҳамда атроф-муҳит соҳаларида ҳамкорлик;
3. Гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик.

Ўтган асримизнинг 90-йилларида халқаро майдонда рўй берган туб сиёсий ўзгаришлар ЕХХКнинг давлатлараро муносабатлардаги ролининг ошишига, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг янада кенгайишига олиб келди. Шунга кўра, бу ЕХХК аъзоларининг 1994 йил Будапештда бўлган Олий даражадаги учрашуви, уни шунчаки оддий Кенгаш эмас, балки Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти деб аташга қарор қилди.

1990 йилда Парижда имзоланган Янги Европа учун хартия мазкур Ташкилот тарихида муҳим бурилиш бўлди. Унда бу Ташкилотнинг келажак фаолияти учун янги йўналишлари белгиланди ва доимий ҳаракатдаги янги институтлар, яъни Венада Низоларни (келишмовчиликларни) бартараф қилиш бўйича марказ; Варшавада Эркин сайловлар бўйича бюро; Прагада Котибият ташкил қилинди. Хартияга асосан ташкилотнинг учта асосий сиёсий маслаҳатлашув органи тасдиқланди.

Жумладан, *ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси* қуйидагиларни амалга оширади:

- сайловларда кузатувчилик вазифасини бажаради ва миллий сайлов органларининг вужудга келишида кўмаклашади;
- инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ривожланишига кўмаклашади ва техникавий ёрдам беради;

¹ Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида. // Муродов Ҳ. ва бошқалар. – Т.: "Адабиёт ва санъат", 2000. – Б. 43.

- турли мамлакатларда нодавлат ташкилотларининг ташкил этилиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланишига ёрдам беради;

- аъзо-мамлакатларда инсон ҳуқуқларининг ахволини ўрғанади, бу мамлакатлардаги сайловларга ўз кузатувчиларини, журналистларни жўнатади.

Доимий кенгашнинг илтимосига кўра, ЕХХТ семинарларини ўтказишда техникавий ёрдам кўрсатади ва Ташкилот махсус лойиҳаларининг амалга оширилишида кўмаклашади.

Низоларнинг олдини олиш ва тугатилишида ЕХХТнинг кам сонли миллатлар бўйича Олий Комиссари институтининг ҳам роли катта. Олий комиссар низоларнинг иложи борича барвақт таҳлил қилиниши ва бартараф этилиши чораларини кўради. Консултациялар ўтказиш ва тавсиялар бериш йўли билан низодаги томонларни тўқнашувларга бор-масликка чақиради.

Ҳозирги кунда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти – таркибига 57 мамлакат аъзо бўлган хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи минтақавий ташкилотидир. Унинг таъсис этувчи ҳужжатлари: 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Яқунловчи ҳужжат; 1990 йилда Парижда қабул қилинган Янги Европа учун хартия ва унга қўшимча ҳужжат; 1992 йил Хельсинкида қабул қилинган “Ўзгаришлар вақти чақириғи” декларацияси – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг асосий фаолият йўналишлари ва тузилишини белгиловчи пакет ҳисобланади. Шунга мувофиқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг асосий фаолият соҳалари: хавфсизлик, қуролсизланиш, келишмовчиликларни бартараф этиш, иқтисодий, маданият, экология, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилишдан иборат.

ЕХХТ Низомига кўра, Европадаги низоларнинг олдини олиш ва уларнинг ечимини топиш мақсадида минтақавий ташкилот сифатида ташкил этилган. Ушбу ташкилот томонидан унинг амал қилиш ҳудудида Албания, Босния ва Герцеговина, Черногория, Сербия, Албания, Косово, Молдовада миссиялари, Беларус, Озарбайжон, Арманистонда Офислари, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистонда Марказлари ва Украина, Ўзбекистонда Лойиҳалар координаторлари очилган.

ЕХХТнинг олий органи – Давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари кенгашидир. Ташқи ишлар вазирларидан ташкил топган Вазирлар кенгаши қарорлар қабул қилиш ва ЕХХТни бошқаришда муҳим ўрин тутади. *Бошқарув кенгаши* сиёсатни муҳокама этади ва шакллантиради, бюджетга оид умумий масалаларни ҳал этади, шунингдек, иқтисодий масалаларни муҳокама этишда ўзига хос форум бўлиб хизмат қилади.

Доимий кенгаш сиёсий консултациялар ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш органидир. У аъзо-давлатларнинг доимий вакиллари-дан ташкил топган. Ижро фаолияти учун ялпи жавобгарлик амалдаги раис зиммасига юкланган бўлиб, у ўз вазифасини вакиллар “учлиги” (олдинги раис, амалдаги раис ва кейин бўлиши лозим бўлган раис) асосида амалга оширади. ЕХХТ Бош қотиби асосий маъмурий шахс ҳисобланади.

1991 йилда аъзо-давлатларнинг парламентлараро ҳамкорлик органи бўлмиш ЕХХТ Парламент Ассамблеяси таъсис этилган.

ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган сессияларида ташкилот фаолиятига тегишли масалалар муҳокама этилади, минтақада ҳавфсизлик ва ҳамкорликни кучайтириш борасида декларация, тавсия ва таклифлар тайёрланади.

ЕХХТ ташкил топгандан ҳозирги кунга қадар ўзи фаолият кўрсатаётган ҳудудларда ҳавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муҳим ишларни амалга оширмоқда. У БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишга доир барча ҳужжатларни эътироф этиш ҳамда уларда белгиланган тамойилларни амалга оширишга интиломоқда. Унинг БМТ билан бу борадаги ҳамкорлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга ошириладиган ишлар қўламининг ошиб боришига ёрдам бермоқда.

ЕХХТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятида ундаги барча аъзо-давлатлар сингари Ўзбекистон Республикасининг ўрни ва роли ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 30 январда мазкур Ташкилотга аъзо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўша йилнинг 26 февралда 1975 йил 1 августда Хельсинкида қабул қилинган Яқунловчи ҳужжатни, 1993 йил 27 октябрда эса, 1990 йил 21 ноябрда қабул қилинган Янги Европа учун Париж хартиясини имзолади¹.

1995 йилнинг октябрь ойида Тошкентда ЕХХТнинг Марказий Осиё бўйича бюроси очилди. Мазкур Бюронинг Ўзбекистондаги ҳозирги мақоми ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари Координатори мақомига алмаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 1996 йил 3 декабрь куни ЕХХТнинг Лиссабонда бўлиб ўтган саммитида иштирок этиб, ушбу анжуманда қуйидаги мулоҳазаларни билдирган эди:

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 282 б.

“Ўзбекистон – ЕХХТнинг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тўла қўллаб-қувватлайди. Хавфсизликнинг, шу жумладан, Европа хавфсизлигининг чегараси йўқ. Шунга асосландиган бўлсак, бизнинг назаримизда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти – ЕХХТнинг ўрни ва аҳамияти, агар таъбир жоиз бўлса, масъулияти Европа доираси билангина чекланиб қолиши мумкин эмас, балки унинг ташқарисидан келаётган мавжуд хавфни ҳам, албатта, ҳисобга олиши керак бўлади.

Минтақа можаролари тобора тез-тез терроризм ва зўравонлик, наркoбизнес ва ғайриқонуний қуроли савдоси, инсон ҳуқуқларини оммавий равишда бузиш каби хавфли хатти-ҳаракатларнинг доимий манбаига айланмоқда. Бундай ҳолатлар давлат чегараси нималигини билмайди. Шу сабабли, халқаро хавфсизлик тизими географик белгиларга қараб эмас, балки минтақалараро даражада мувофиқлаштирилган биргаликдаги ҳаракатлар билан белгиланиши лозим.

Шу муносабат билан биз Афғонистонда 18 йилдан буён уруш давом этаётганлигидан, бу мамлакат фақат Марказий Осиёдаги эмас, балки бутун дунёдаги хавфсизлик учун ҳозир ўта хатарли хавфга, халқаро терроризмнинг, Европага кўплаб миқдорда наркотик моддалар етказиб берилишининг манбаига – ўта хатарли марказга айланиб қолганидан ЕХХТ ва бошқа Европа тузилмалари ташвишланаётгани ва хавфсираётганини мутлақо асосли, деб биламиз”¹.

Ушбу анжуман доирасида Ўзбекистон ўзининг хавфсизлик муаммоларига оид нуқтани назарини ифода этиш имконига эга бўлди.

1999 йил 18 – 19 ноябрь кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳрида ЕХХТга аъзо-мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Анжуманда шу куннинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг ХХI асрдаги янги тамойиллари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мазкур учрашувдаги нутқи – аниқ таклиф ва мулоҳазалари билан йиғилганлар эътиборини қозонди. Жумладан, унда ЕХХТ ҳомийлигида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш таклифи ўртага ташланди. Халқаро терроризм бугунги кунда инсоният хавфсизлигига, мамлакатлар тинчлиги ва осойишталигига таҳдид солаётганлигини ҳисобга олсак, бундай марказ ташкил этилиши нақадар долзарблигини ҳис этишимиз мумкин. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида террорчиларни молиявий

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: “Ўзбекистон”. 1997. – Б. 249–252.

жихатдан таъминлаб, уларнинг кабиҳ нияти ҳаракатларига ёрдам бераётган ташкилотларни илдизи билан йўқотиш орқалигина мамлакатлар хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини алоҳида таъкидлади¹.

ЕХХТга аъзо-мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Истамбулдаги олий даражадаги учрашувида бу нуфузли халқаро ташкилотнинг кейинги йиллардаги фаолиятига баҳо берилди ҳамда бу борадаги янги устувор йўналишлар белгилаб олинди ва унда Истамбул ҳужжатлари қабул қилинди.

ЕХХТга аъзо-мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги навбатдаги саммити Остона (Қозоғистон) шаҳрида 2010 йилда бўлиб ўтди ва унда Остона ҳужжатлари қабул қилинди.

“Инсонийлик мезонлари” ва “ЕХХТ ҳуқуқи”. “Инсонийлик мезонлари” атамаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти иштирокчи давлатларининг ўз зиммаларига олган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари ҳурмат қилинишини таъминлаш, қонун устуворлигига риоя қилиш, демократия принциплари қарор топишига қўмаклашиш ва шу билан боғлиқ ҳолда демократик институтларни барпо этиш, мустақкамлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, бутун ЕХХТ минтақасида бағрикенглик муҳитини яратиш мажбуриятларини англади².

Хельсинки Яқунловчи ҳужжатининг VII принципида қайд қилинганки, иштирок этувчи давлатлар ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар ҳамма учун “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қиладилар”

ЕХХТ нормалари барча иштирокчи-давлатларга нисбатан амал қилади: барча қарорлар консенсус (қелишув) асосида қабул қилинганлиги туфайли биронта иштирокчи-давлат ўзига тааллуқли бўлмаган қандайдир мажбуриятларни тасдиқлашга ҳақли эмас. ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари масалаларидаги стратегияси шу билан универсалки, унинг хавфсизликни таъминлашга нисбатан ҳамкорликка асосланган ёндашуви ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажара олмайдиган давлатни яққалаб қўйишга эмас, балки унга қўмак беришга қаратилгандир. Хельсинки Яқунловчи ҳужжатида баён этилган мажбуриятлар ва раҳбарий принциплар ЕХХТ келгуси учрашувларида қарийб чорак аср давомида ўз ривожини топган.

1 Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида. Ҳ.Муродов ва бошқалар. Т. “Адабиёт ва санъат”, 2000. Б. 43.

2 Қаранг: Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар. Учинчи нашр. Масъул муҳаррир: А.Х. Саидов – юридик фанлар доктори, профессор. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012.

Инсонийлик мезонлари нуктаи назаридан Мадрид ва Вена учрашувлари муҳим аҳамиятга эга. Вена учрашувида (1986 йил 4 ноябрь – 1989 йил 19 ноябрь) бу соҳадаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиш мақсадида ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференциясини чақиришга қарор қилинган. Конференция уч босқичда Парижда (1989 йил 30 май – 23 июль), Копенгагенда (1990 йил 5–29 июнь) ва Москвада (1991 йил 10 сентябрь – 4 октябрь) ўтказилди. Копенгаген ҳамда Москва босқичлари инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлар қабул қилиш билан якунланди.

1990 йилги Копенгаген ҳужжати (ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг ҳужжати) инсонийлик мезонлари бўйича биринчи тўлиқ ҳужжат бўлиб, у ЕХХТ доирасида инсонийлик мезонлари бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг муҳим мажмуи ҳисобланади. Унда эълон қилинганидек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш иштирокчи-давлатларнинг асосий мақсадларидан бири ҳамда уларни эътироф этиш эркинлик, адолат ва тинчлик асоси ҳисобланади. Копенгаген ҳужжати инсонийлик мезонлари камровини уларга сайловларга оид мажбуриятларни кириштириш билан кенгайтирган.

1991 йилги Москва ҳужжати (ЕХХТ Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Москва кенгашининг ҳужжати) ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича мажбуриятларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Унда ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари соҳасида қабул қилинган мажбуриятлари барча иштирокчи-давлатлар учун қонуний манфаат ҳисобланади ҳамда тегишли давлатнинг мутлақ ички ишлари сирасига кирмайди, дея баён қилинган. Мазкур принцип 1992 йилда Хельсинки олий даражадаги учрашувида ва 1997 йилда Копенгагенда вазирлар даражасида тасдиқланган.

Шундай қилиб, 1975 йилги Хельсинки Яқунловчи ҳужжати имзоланган пайтдан бошлаб ЕХХТнинг бир қанча муҳим ҳужжатлари қабул қилинган. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ ЕХХТ ҳужжатлари юридик мажбурий ҳужжатлар қаторига кирмайди. Шунга қарамадан, улар консенсус орқали маъқулланган, барча иштирок этувчи давлатлар учун ижро этиш зарур бўлган сиёсий мажбуриятлар ҳисобланади¹

¹ Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар. Учинчи нашр. / Мазсул муҳаррир: А.Х. Саидов – юридик фанлар доктори, профессор. Т Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ЕХХТнинг “Инсонийлик мезонлари”ни ташкил этувчи нормаларини таҳлил қилиш, бугунги кунда халқаро ҳуқуқда “ЕХХТ ҳуқуқлари” деб аталмиш, алоҳида “юмшоқ ҳуқуқ” (soft law) нормаларининг шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Куйида ЕХХТнинг “Инсонийлик мезонлари”ни ташкил этувчи ҳужжатларнинг рўйхати келтирилмоқда:

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Яқунловчи ҳужжати, Хельсинки, 1975 йил 1 август;

1980 йилги Мадрид учрашувининг Яқунловчи ҳужжати – кейинги кадамлар доирасидаги Иккинчи учрашув, Мадрид, 1983 йил 6 сентябрь;

1986 йилги Вена учрашувининг Яқунловчи ҳужжати – кейинги кадамлар доирасидаги Учинчи учрашув, 1989 йил 15 январь;

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича кенгашнинг хулосалари ва тавсиялари тўғрисидаги маъруза, Вена, 1990 йил 5 ноябрь;

Европада иқтисодий ҳамкорлик бўйича Бонн конференциясининг ҳужжатлари, Бонн, 1990 йил 11 апрель;

ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг ҳужжати, Копенгаген, 1990 йил 29;

Янги Европа учун Париж Хартияси, Париж, 1990 йил 21 ноябрь;

ЕХХК иштирок этувчи давлатларининг маданий мерос бўйича Краков симпозиуми ҳужжати, Краков, 1990 йил 6 июнь;

Кам сонли миллатлар масалалари бўйича ЕХХК экспертлари кенгашининг маърузаси, Женева, 1991 йил 19 июль;

ЕХХКнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Москва кенгашининг ҳужжати, Москва, 1991 йил 3 октябрь;

ЕХХК Кенгаши Иккинчи учрашувининг ҳужжати, Прага 1992 йил 30–31 январь;

1992 йилги Хельсинки учрашувининг Яқунловчи ҳужжати – кейинги кадамлар доирасидаги Тўртинчи учрашув, Хельсинки, 1992 йил 10 июль;

ЕХХК Кенгаши Учинчи Учрашувининг ҳужжати, Стокгольм, 1992 йил 14–15 декабрь;

ЕХХК Кенгаши Тўртинчи учрашувининг ҳужжати, Рим, 1993 йил 30 ноябрь–1 декабрь;

Будапешт ҳужжати, Будапешт, 1994 йил 6 декабрь;

Лиссабон ҳужжати, Лиссабон, 1996 йил 3 декабрь;

Вазирлар кенгаши Олтинчи учрашувининг ҳужжати, Копенгаген, 1997 йил 18–19 декабрь;

Вазирлар кенгаши Еттинчи учрашувининг ҳужжати, Осло, 1998 йил 2–3 декабрь;
Истамбул ҳужжати, Истамбул, 1999 йил 19 ноябрь;
Вазирлар кенгаши Саккизинчи учрашувининг ҳужжати, Вена, 2000 йил 27–28 ноябрь;
Вазирлар кенгаши Тўққизинчи учрашувининг ҳужжати, Бухарест, 2001 йил 3–4 декабрь;
Вазирлар кенгаши Ўнинчи учрашувининг ҳужжати, Порту, 2002 йил 6–7 декабрь;
Вазирлар кенгаши Ўн биринчи учрашувининг ҳужжати, Маастрихт, 2003 йил 1–2 декабрь;
Вазирлар кенгаши Ўн иккинчи учрашувининг ҳужжати, София, 2004 йил 6–7 декабрь;
Вазирлар кенгаши Ўн учинчи учрашувининг ҳужжати, Любляна, 2005 йил 5–6 декабрь;
Вазирлар кенгаши Ўн тўринчи учрашувининг ҳужжати, Брюссель, 2006 йил 4–5 декабрь;
Вазирлар кенгаши Ўн бешинчи учрашувининг ҳужжати, Мадрид, 2007 йил 29–30 ноябрь;
Вазирлар кенгаши Ўн олтинчи учрашувининг ҳужжати, Хельсинки, 2008 йил 29–30 ноябрь;
Вазирлар кенгаши Ўн еттинчи учрашувининг ҳужжати, Афина, 2009 йил 1–2 декабрь;
Остона юбилей декларацияси, Остона, 2010 йил 2 декабрь.

3. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Америка тизими

Инсон ҳуқуқларининг Америка мамлакатлариаро тизими куйидаги ҳуқуқий манбаларга таянади: Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) хартияси (баъзи адабиётларда Устав дейилади, 1948 йил қабул қилинган ва 1951 йил кучга кирган), Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги Америка Декларацияси (1948 й.), Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка Конвенцияси (“Сан-Хосе пакти”, 1969 йил қабул қилинган ва 1978 йил кучга кирган), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Америка конвенциясига Протокол (1988 й.), Ўлим жазосини бекор қилиш бўйича Америка конвенциясига Протокол (1990 й.), Қийноқларга барҳам бериш ва уларни қўллаганлик учун жазолаш тўғрисидаги Америка давлатлариаро Конвенция (1985 йил қабул қилинган ва 1987 йил кучга кирган), Аёллар устидан зўравонликларнинг

олдини олиш, жазолаш ва тугатиш тўғрисидаги Америка давлатлари-аро Конвенция ("Белем до Пара конвенцияси", 1994 йил қабул қилинган ва 1995 йил кучга кирган.), Мажбуран йўқолаётган инсон тўғрисидаги Америка давлатлариаро Конвенция (1994 қабул қилинган ва 1996 йил кучга кирган).

Америка давлатлари ташкилотининг 1951 йилда кучга кирган Хартиясида инсон ҳуқуқларига бағишланган қондалар кўп эмас. Шулардан бири 3-ж-модда (эндиликда 5-ж-модда) бўлиб, унга мувофиқ, Уставни имзолаган давлатлар индивидларнинг асосий ҳуқуқларига, ирки, миллати, дини ёки жинсига кўра бирон-бир тарзда фарқламаган ҳолда рияз этиш мажбуриятини зиммаларига оладилар. Инсон ҳуқуқларига таянадиган яна бир муҳим норма 13-моддада (ҳозирги 16-модда) мужассам бўлган.

Америка давлатлари ташкилоти хартияси тасдиқланган конференциянинг ўзида Америка инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари декларацияси ҳам қабул этилиб, унда инсоннинг 27 та ҳуқуқи ва 10 та мажбурияти эълон қилинган.

1969 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг ўн иккита умумий тоифасини, масалан, ҳуқуқ субъекти эканлигини эътироф этиш ҳуқуқи, яшаш ҳуқуқи, инсоний муомалада бўлишнинг таъминланиши ҳуқуқи, ишни судда адолатли тарзда муҳокама этиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, уюшмалар тузиш ва уларга кириш эркинлиги ҳуқуқини кафолатлайди¹.

Умуман олганда, Америка давлатлари ташкилоти доирасида қабул қилинган халқаро шартномалар рўйхатини куйидагича келтириш мумкин:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка Конвенцияси (1969–1978) ва унга қўшимча Факультатив протоколлар;

Қийнокнинг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Америка давлатлараро Конвенцияси (1985–1987);

Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, унинг учун жазолаш ва бундай ҳолатларга барҳам бериш бўйича Америка давлатлараро Конвенцияси (1994–1995);

Шахсларнинг зўрлик остида ғойиб бўлиши тўғрисидаги Америка давлатлариаро Конвенция (1994–1996);

Балогатга етмаган болалар халқаро траффиғи бўйича Америка давлатлариаро Конвенция (1994–1997);

Ногиронларга қарши камситишларнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Америка давлатлариаро Конвенция (1999–2001).

¹ Каранг: Международное сотрудничество в области прав человека. М.: 1993. Вып. 2. С. 157–180.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка мамлакатлариаро комиссия. Мазкур Комиссиянинг асосий вазифалари Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясининг 41-моддасида мужассамдир. Бу моддада Комиссиянинг Америка давлатлари ташкилотининг органи сифатидаги вазифалари белгиланган ҳамда унинг Конвенциянинг 44–51-моддаларида таърифланган “ваколат доирасига мувофиқ петициялар ва бошқа хабарлар юзасидан чоралар кўриш”га вакил қилинганлиги айтилган. Комиссия АДТнинг маслаҳат органи сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Комиссия аъзо-давлатларнинг сўровига кўра ёки унинг розилиги билан жойларга ташрифларни амалга ошириши, махсус тадқиқотларни тайёрлаши, ҳукуматларга инсон ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан чора-тадбирлар кўриш юзасидан тавсиялар бериши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисоботларни тақдим этишини сўраб давлатларга мурожаат қилиши мумкин.

Комиссия Америка декларациясида ва аъзо-давлатларга нисбатан Америка конвенциясида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳолларда жисмоний шахслардан, бир гуруҳ шахслардан ва ноҳукумат ташкилотларидан шикоятларни қабул қилиши мумкин. Фавқулодда ҳолатларда эса, Комиссия инсонларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ эҳтиёт чораларини кўришни талаб қилиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка мамлакатлариаро суд, АДТ аъзо-давлатлари томонидан сайланадиган етти судьядан иборат халқаро трибунал ҳисобланиб, Коста-Риканинг Сан-Хосе шаҳрида жойлашган ва тарафлар ўртасидаги низолар бўйича юрисдикцияга эга. Бошқача қилиб айтганда, бу Суд қатнашчи давлатлардан бирини Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясини бузганликда айблаш билан боғлиқ ишларни ҳал этиш ваколатига эга. Мазкур Суд Конвенция нормаларини қўллаш билан бир қаторда, Конвенция ва инсон ҳуқуқлари бўйича муайян шартномалар юзасидан маслаҳат тарзида хулосалар бериши ҳам мумкин. Суд, агар аъзо-давлатлар томонидан тақдим этилган ёки давлатлар суднинг юрисдикциясини эътироф этган бўлса, Америка мамлакатлариаро комиссияси томонидан тақдим этилган ишларни кўриб чиқиши мумкин. Суднинг қарори давлатлар учун мажбурийдир. Суд, бузилган ҳуқуқларни ҳамда қонунбузарлик муносабати билан давлатлар томонидан белгиланиши лозим бўлган чораларни кўрсатган ҳолда, зарарни пул билан қоплаш учун компенсация қилиш (товон тўлаш) тўғрисида, шунингдек, аниқланган даъво бўйича қарорлар чиқариш ваколатига эга. Фавқулодда ҳолатларда ва янада кўпроқ зарар етказиб қўймаслик учун Суд вақтинчалик чора-тадбирлар тўғрисида ҳам қарор

чиқариши мумкин. Юкорида қайд этилганидек, Суд муҳим маслаҳатчи ролини бажаради ва аъзо-мамлакатларнинг сўрови билан Конвенция моддаларини шарҳлаш бўйича ўз фикрларини билдириши мумкин. 1998 йилнинг июлида Суд томонидан чоп этилган 15 та шарҳ америкалараро юриспруденция тизимининг таркибий қисмига айланди.

4. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Африка тизими

1963 йилда қабул қилинган Африка бирлиги ташкилоти (АБТ) хартияси дастлабки минтақавий шартномалардан ҳисобланади. Африка бирлиги ташкилоти хартиясининг инсон ҳуқуқларига тааллуқли бошқа қондаларида Африка давлатлари барча шакл ва кўринишдаги мустамлақачиликни таг-томири билан тугатишга тарафдор ҳамда Африка халқларини ривожлантириш учун иктисодий шароитлар яратиш ишига содиқ эканлиги таъкидланади.

1981 йилда қабул қилинган ва 1986 йилда кучга кирган Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси Муқаддимадан ва 68 моддани ўз ичига олган учта қисмдан иборат. Унинг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга бағишланган I қисми иккита бобга бўлинган бўлиб, уларда инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари (1–26-моддалар) ва мажбуриятлари (27–29-моддалар) баён этилган. Кафолатларга бағишланган II қисм тўртта бобдан иборат бўлиб, уларда Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари комиссиясини тузиш (30–44-моддалар), мазкур Комиссиянинг ваколатлари, фаолият кўрсатиш таомиллари ва тамойиллари (45–63-моддалар) таърифлаб ўтилади¹. Африка минтақасида инсон ҳуқуқлари бўйича ҳуқуқий ҳужжатларга, яна шунингдек, Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги бўйича Африка хартияси (1990 йилда қабул қилинган) ҳам қиради.

Африка Иттифоқи (собик Африка бирлиги ташкилоти) доирасида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар рўйхати:

- Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси (1982–1986);
- Африкада қочоқлар муаммосининг айрим жиҳатларини бошқариш тўғрисидаги Конвенция (1969–1974);
- Африка болаларининг ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Конвенция (1990–1999).

Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари комиссияси. 1987 йилда ташкил этилган ҳамда аъзо-давлатлар томонидан тайинланиб, АБТ давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқлари томонидан сайланадиган II аъзодан иборат

¹ Қаранг: Африканская хартия прав человека и народов // Международное сотрудничество в области прав человека. М.: 1993. Вып. 2. С 225–240.

мазкур Комиссиянинг асосий вазифаси инсон ва халқлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ҳамда шу йўналишда тегишли нормалар ишлаб чиқишга қаратилган. Комиссия давлатлардан ахборотлар ва бошқа хабарлар олиши ҳамда кўриб чиқиши мумкин. Бошқа хабарлар жумласига айрим шахслар ёки бир гуруҳ шахслардан, шунингдек, инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар ёки муассасалардан олинадиган хабарлар ҳам киради. Африка комиссияси, яна шунингдек, “асосида Африка мамлакатлари ҳукуматлари ўз қонунчилигини ишлаб чиқиши мумкин бўлган инсон ва халқлар ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тамойиллар ва нормаларни шакллантириш ва белгилаш” ваколатига ҳам эга (Африка хартияси, 45-модда, 1 (b) қисми). 1992 йили Комиссия Африка хартиясида кўзда тутилган одил судловни кенгайтириш ва мустаҳкамлашни кўзда тутувчи “Регресс ва одил суд процедурасига бўлган ҳуқуқ тўғрисида”ги резолюцияни (Африка комиссияси Резолюцияси) қабул қилди.

Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка суди. 1998 йилнинг февралидаги АБТнинг Вазирлар кенгаши мажлисида Африка хартиясига Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка судини ташкил этиш бўйича Протокол қабул қилинди. Африка суди Африка комиссиясининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш мандатини тўлдиради. Суд Африка хартияси аъзо-давлатлари, Африка комиссияси ва АБТ органларининг сўровлари бўйича маслаҳатлар бериши мумкин. Суд 2004 йилда, Протоколни 15 давлат ратификация қилганидан сўнг таъсис этилди.

5. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Осиё-араб тизими

Осиё-Тинч океани минтақаси инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича энг мураккаб минтақалардан бири ҳисобланиб, ушбу минтақага БМТ томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг ўз тизимига эга бўлмаган ягона географик минтақа, дея таъриф берилган. Ана шундай тизим йўқлигининг аниқ-равшан кўриниб турган сабабларидан бири шуки, Осиё-Тинч океани минтақаси Америка китъасидаги Америка давлатлари ташкилоти, Европа китъасидаги Европа Кенгаши ва Африка китъасидаги Африка бирлиги ташкилоти сингари минтақавий микёсда сиёсий гуруҳга эга эмас. Ҳолбуки, ҳар учала китъа (Америка, Африка, Европа китъаси)да инсон ҳуқуқлари тизими яратилишига ҳамда бу ҳуқуқларга риоя этилиши устидан назоратни йўлга қўйишга айнан сиёсий гуруҳлар туртки берган.

Осиё-Тинч океани минтакасида инсон ҳуқуқлари тизими йўқлиги бошқа омиллар, хусусан, минтақанинг кенглиги ва ранг-баранглиги билан ҳам изоҳланади. Бу минтақа мамлакатлари ягона дин, маданият ёки тарих билан боғланмаган, улардаги сиёсий ва ижтимоий шароитлар ҳам турлича. Осиё манфаатларини бир бутун, яхлит ҳолда ифодалаш мумкин бўлган асос, яъни муштаракликнинг реал негизлари йўқ. БМТ рўйи заминнинг бу қисмида минтақавий битим тузилишига мададкор бўлиш борасида улкан саъй-ҳаракатларни амалга оширмакда. Бирок, бундай саъй-ҳаракатлар бирон сезиларли самара беради, хусусан, яқин келажакда муайян бир натижага эришилади, деб айтиш қийин. Баъзи мутахассислар торроқ минтақавий тузилмалар, айтишлик, жануби-шарқий Осиё тузилмасининг шу йўналишдаги ҳаракатлари самаралироқ бўлади, деб ҳисоблайдилар ва айтиш шунинг учун доирада тизим тузиш зарур, деган фикр билдирадilar. Бошқа мутахассислар эса, жаҳоннинг бу қисмида инсон ҳуқуқларига риоя этиш тизимини ташкил топтиришга қаратилган ҳаракатлардан фойда йўқ, деган хулосага келганлар. Уларнинг айтишича, ҳатто бу борада ютуққа эришилган тақдирда ҳам, вужудга келган тузилма жуда заиф ва кам самарали бўлади¹

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг араб тизими. Араб давлатлари лигасини (АДЛ) таъсис этган пакт 1952 йилда кучга кирди ҳамда минтақавий шартномани БМТ Низомининг VIII бобида назарда тутилган маънода расман мустаҳкамлаб берди. Бошқача қилиб айтганда, мазкур шартнома БМТ Низоми тамойилларига мувофиқ, давлатларнинг минтақада тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган минтақавий ҳамкорлиги мақомини олишини таъминлади. Лига ўз олдига анчагина қўламдор мақсадлар қўйган. Асосий мақсад эса, катнашчи-давлатларнинг сиёсий йўлини “улар ўртасида чинакам ҳамкорликни таъминлаган, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини сақлаб қолган тарзда” мувофиқлаштириб боришдан иборатдир.

Шунинг оқибатида ҳамкорлик шакллари асосан иқтисодий хусусият касб этди ёки молия соҳаси, божхона ва валютани тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги, алоқа, саноат, ижтимоий соҳа ва соғлиқни сақлаш каби соҳалар бундай ҳамкорлик шакллари билан қамраб олинди. Лигада Кенгаш бор, унга барча аъзо-давлатларнинг вакиллари киритилган. Бош қотиб томонидан бошқариладиган Кенгаш, одатда, қарорлар қабул қилишда муросасозлик таомилига амал қилиш пайида бўлади. Агар

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006. – Б. 177

қарор шундай асосда қабул қилинган бўлса, қатнашчи-давлатлар бу қарорнинг ўз конституциялари доирасида миллий қонун ҳужжатларига сингдирилишини таъминлашлари шарт. Улар тинчликка ва Лигага аъзо-давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муросасозликка мажбурий шарт деб қарайдилар. Бошқа масалалар, айтайлик, бюджет, муайян мансабдорни лавозимга тайинлаш ва шу каби масалалар кўпчилик овоз билан ҳал этилиши мумкин¹.

1994 йил 15 сентябрда АДЛ аъзо-давлатлари томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартияси қабул қилинган бўлса-да, Лигага аъзо бўлган 22 давлатдан бирортаси ҳам бу ҳужжатни имзоламаган. 2003 йил мартда АДЛ Кенгаши ушбу Хартияни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ ва стандартларга мувофиқ равишда қайта ишлаб чиқишга қарор қилган эди. Мутахассислар томонидан таклиф этилган лойиҳа АДЛнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича доимий кўмитаси томонидан хартияни қайта кўриб чиқиш давомида мақбул деб топилди. Шундан сўнг лойиҳа 2004 йил май ойида бўлиб ўтган АДЛ саммитига яқунловчи баҳс-мунозаралар ўтказиш ва қабул қилиш учун тақдим этилиб, саммит давомида маъқулланди. 2008 йил 15 мартда етарли араб давлатлари Хартияни ратификация қилгандан сўнг ушбу Хартия юридик кучга кирди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартиясида акс эттирилган янги қоидалар фавқулодда ҳолатлар, одил судлов қафолатлари, қуллик, жисмоний зўравонлик, ногиронлик ва траффик каби масалаларда эски вариантдагидан кўра анчайин илғор ғояларни ўзида ифода этганини таъкидлаш ўринлидир.

Инсон ҳуқуқлари масаласи бир давлатнинг чегарасидан ташқарига чиқиб улгурган XXI асрда бу соҳадаги муаммолар давлатларни бирлаштишга мажбур қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юқорида кўриб чиққанамиздек, давлатларнинг турли шакллардаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишига олиб келмоқда. Шу тариқа, универсал даражадаги ҳамкорлик, минтақавий даражадаги ҳамкорлик ва икки томонлама ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишига олиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, тарихий келиб чиқиши, маданияти ва бошқа масалаларда бир-бирига яқин бўлган давлатларнинг бу соҳадаги ҳамкорлиги нисбатан кўпроқ самара бермоқда. Бу эса, турли минтақаларда ҳамкорликнинг самарадорлиги ҳам турлича эканлигини кўрсатмоқда. Европанинг бугунги кундаги интеграцияси бу

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.. Копьяудитинформ-Нашр, 2006. Б. 177-178.

минтақадаги инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларни биргаликда самарали ечишга имкон бермоқда. Бунга сабаб эса, барча Европа давлатларининг иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий, географик ва бошқа омиллар бўйича анча яқинлигидир. Аммо, Осиёдаги турли иқтисодий-ижтимоий омиллар, турли маданий ва диний омиллар бу минтақада самарали механизм яратишга тўсқинлик қилмоқда. Америка ва Африка минтақасининг тажрибаси эса, бу борадаги аҳволнинг нисбатан мўътадил эканлигини кўрсатмоқда. Бу минтақаларда зарурий ҳуқуқий ва институционал асос яратилган ва давлатлар ўзаро келишувга келишган. Аммо уларда ҳам бу механизм Европа механизми каби самарали ишламоқда, дейишга етарли асос йўқ.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро (минтақавий) тизимнинг тавсифи

Ташкилот	Инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилот асосий ҳужжатининг номи	Назорат органлари
Америка давлатлар ташкилоти	Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси 1969 йил қабул қилинган ва 1978 йил кучга кирган	Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлариаро комиссияси; Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлариаро суди
Африка Иттифоқи	Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси 1982 йил қабул қилинган ва 1986 йил кучга кирган	Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси; Инсон ҳуқуқлари бўйича Африка суди
Европа Кенгаши	Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенцияси 1950 йил қабул қилинган ва 1953 йил кучга кирган	Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Кенгашининг комиссари
Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти	ЕХХТнинг "Инсонийлик мезонлари" ҳужжатлари	ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси; Миллий озчиликлар ишлари бўйича олий комиссар

Европа Иттифоқи	Асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги Хартия	Европа Иттифоқи Омбудсмани; Асосий ҳуқуқлари бўйича Европа Иттифоқи Агентлиги
Араб давлатлар лигаси	Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартиясини 2004 йил қабул қилинган ва 2008 йил кучга кирган	Инсон ҳуқуқлари бўйича Доимий араб комиссияси
Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги	Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича МДХ конвенцияси 1995 йил қабул қилинган	Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия

Инсон ҳуқуқлари бўйича энг муҳим бўлган минтақавий шартномалар

Европа Кенгаши:

1. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси (1950–1953) ва унга қўшимча Факультатив Протоколлар;
2. Европа Ижтимоий Хартиясини (1961 1965), унга қўшимча Факультатив Протоколлар ва янги таҳрирдаги Европа Ижтимоий Хартиясини (1996 1999);
3. Кўчманчи меҳнаткашларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Европа Конвенцияси (1977 1983);
4. Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Европа Конвенцияси (1987 1989);
5. Минтақавий ёки озчиликка мансуб халқлар сўзлашадиган тиллар тўғрисидаги Европа Хартиясини (1992 1998);
6. Миллий озчиликка мансуб шахсларни ҳимоя қилиш бўйича Намунавий Конвенция (1995- 1998);
7. Болаларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича Европа Конвенцияси (1996 2000);
8. Инсон ҳуқуқлари ва Биомедицина бўйича Конвенция (1997–1999);
9. Фуқаролик тўғрисидаги Европа Конвенцияси (1997 2000).

Америка давлатлари Ташкилоти:

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка Конвенцияси (1969–1978) ва унга қўшимча Факультатив Протоколлар;
2. Қийноқнинг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги Америка давлатлариаро Конвенция (1985–1987);
3. Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, унинг учун жазолаш ва бундай ҳолатларга барҳам бериш бўйича Америка давлатлариаро Конвенция (1994–1995);
4. Шахсларнинг зўрлик остида ғойиб бўлиши тўғрисидаги Америка давлатлариаро Конвенция (1994–1996);
5. Балоғатга етмаган болалар халқаро траффиги бўйича Америка давлатлариаро Конвенция (1994–1997);
6. Ногиронларга қарши камситишларнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги Америка давлатлариаро Конвенция (1999–2001).

Африка Иттифоқи (собиқ Африка Бирлиги Ташкилоти):

1. Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси (1982–1986);
2. Африкада қочоқлар муаммосининг айрим жиҳатларини бошқариш тўғрисидаги Конвенция (1969–1974);
3. Африка болаларининг ҳуқуқлари ва фаровонлиги тўғрисидаги Конвенция (1990–1999).

Араб давлатлари Лигаси:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб хартияси (2004–2008).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги:

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бўйича МДҲ конвенцияси (1995).

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?*
2. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид минтақавий механизмлар деганда нимани тушунасиз?*
3. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа тизимининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.*
4. *Европа Кенгаши ташкилотининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги механизмини тушунтириб беринг.*

5. *Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг ваколатлари нималардан иборат?*

6. *Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича механизмини тушунтириб беринг.*

7. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича Америка тизимининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беринг.*

8. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича Африка тизимининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беринг.*

9. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича осий-араб тизимининг моҳиятини ва унинг бошқа минтақавий тизимларга нисбатан фарқини тушунтириб беринг.*

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати:

1. *Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари.* – Т.: 2002.

2. *Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар.* Учинчи нашр. /Масъул муҳаррир: А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012.

3. *Африканская хартия прав человека и народов // Международное сотрудничество в области прав человека.* – М.: 1993. Вып. 2.

4. *Глушкова С.И. Права человека в России: теория, история, практика.* Учебное пособие. – М.: Права человека, 2003.

5. *Право Совета Европы и Россия (сборник документов материалов).* – Краснодар, 1996.

6. *Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ.* Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.

7. *Саидов А.Х. Международное право прав человека.* – М.: 2002.

8. *Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун кўлланма.* – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2007.

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асослари.
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг жаҳон тажрибаси.
3. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг халқаро шакллари.

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асослари

Сўнги йилларда инсон ҳуқуқларини химоя қилишнинг суддан бошқа шаклларига халқаро даражада ҳам, миллий даражада ҳам эътибор ортиб бормоқда. Дастлаб, бундай институтларга 1946 йили БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС)нинг иккинчи сессиясида эътибор берилган. Мазкур сессияда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия фаолиятини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш учун аъзо-давлатларга ахборот гуруҳлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қўмиталар тузиш тавсия этилган¹.

XX асрнинг 60, 70-йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятининг самарасини ошириш йўлларини кидириш кўплаб баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган. 1978 йили БМТ Инсон ҳуқуқлари комиссияси инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва химоя қилиш билан шуғулланувчи миллий институтлар бўйича семинар ўтказган.

XX асрнинг 80-йилларида ҳам БМТ мазкур масалага эътибор қаратиб келди ва Бош Ассамблеяга Бош қотиб томонидан туркум маърузалар тайёрлаб тақдим қилинган. 1991 йили 7–9 октябрда Парижда ўтказилган инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш бўйича миллий институтларга бағишланган биринчи халқаро семинар бу борада қўйилган катта амалий қадам бўлди. Ушбу халқаро семинарда 32 мамлакат вакиллари иштирок этди ва унда миллий институтларнинг макоми ва функцияларига оид қатор тавсиялар ва тамойиллар ишлаб чиқилди².

1 Қаранг: Саидов А.Х. Международное право прав человека. М., 2002. С 119., Общая теория прав человека. М.НОРМА, 1996.

2 Қаранг: Национальные учреждения по правам человека. Серия публикаций по вопросам профессиональной подготовки. № 4, ООН, Нью-Йорк и Женева, 1995.

Ушбу тавсиялар ва тамойиллар Инсон ҳуқуқлари комиссияси томонидан 1992 йил 3 мартда 1992/54-сонли резолюция билан, 1993 йили 20 декабрда эса, 48/134-сонли резолюция билан Бош Ассамблея томонидан қўллаб-қувватланган ва Париж тамойиллари номини олган¹.

Париж тамойилларининг ишлаб чиқилиши билан миллий институтларни яратиш жараёни тўхтаб қолгани йўқ, аксинча, мазкур ҳолат БМТ ва минтақавий доирада баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Хусусан, Париж тамойиллари Венада Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари конференциясига тайёргарлик кўриш қўмитасига топширилган. Натижада, Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурида миллий институтларнинг конструктив роли алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатда Париж тамойилларини эътиборга олиб, миллий институтларни ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш маъқулланган.

Бутунжаҳон конференцияси ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш борасидаги тадбирларни ўз ичига оладиган миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни тавсия қилган. Конференция ҳукуматларни миллий институтларнинг тузилишини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга даъват қилган.

Париж тамойилларига кўра, миллий институтлар қуйидаги хусусиятларга эга:

- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида кенг ваколатларга эга;
- фаолияти конун ҳужжатларида мустаҳкамланган;
- давлат органларидан мустақил;
- муассаса таркибида кенг вакилликнинг таъминланганлиги;
- фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш мумкинлиги.

Шунингдек, *Париж тамойилларига* илова қабул қилинган бўлиб, унда қуйидаги масалалар ўз аксини топган:

- миллий институтнинг ваколатлари ва жавобгарлик соҳаси;
 - миллий институтларда аъзоликнинг характери, фаолиятида мустақиллик қафолати ва фикрлар хилма-хиллиги, жумладан, раҳбарларни сайлаш, тайинлаш мезонлари;
- миллий институтларнинг ишлаш услуби, жумладан, у ёки бу масалаларни кўриб чиқиш ваколати, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги;

¹ Каранг: Национальные учреждения по правам человека. Серия публикаций по вопросам профессиональной подготовки. № 4, ООН, Нью-Йорк и Женева, 1995. - С. 23.

суддан ташқари органлар, яъни шикоятлар, даъволарни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, уларни тегишли инстанцияга юбориш ва улар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлиш¹

Миллий институтларни ташкил этиш ва ривожлантириш борасида БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД), ЕХХТ, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Чунончи, БМТТД миллий институтларни ташкил этаётган мамлакатларга халқаро конференциялар ўтказиш, халқаро экспертларни жалб қилиш, тегишли қонун лойиҳаларини тайёрлаш, мутахассисларни ўқитиш ва бошқа техникавий кўмак кўрсатиш билан ёрдам беради.

Таъкидлаш лозимки, мазкур институтлар белгиланган халқаро стандартларга мос бўлиши лозим. Париж тамойилларига мувофиқ, миллий институтлар куйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат ҳокимияти органларига инсон ҳуқуқларига доир масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар, тавсиялар, таклифлар тақдим қилиш;

- миллий қонунчиликни халқаро талабларга мослаштириш жараёнига кўмаклашиш ва рағбатлантириш;

- халқаро ҳужжатларни ратификация қилишга кўмаклашиш ҳамда халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини кузатиб бориш;

- халқаро конвенцияларнинг бажарилиши бўйича халқаро назорат органларига миллий маърузалар тайёрлашга кўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият юритувчи БМТ органлари, минтақавий халқаро ташкилотлар ва бошқа мамлакатларнинг миллий институтлари билан ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқларини ўқитиш ва уларни тадқиқ этишга доир дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, уларни амалга оширишда қатнашиш;

- инсон ҳуқуқларига оид ахборотларни тарқатиш ва барча шаклдаги камситишларга қарши курашиш.

Париж тамойилларига мувофиқ, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ташкил этишнинг уч хил йўли мавжуд:

1. Конституция ёки конституциявий ўзгартиришлар киритиш билан;
2. Қонун ёки парламент акти билан;
3. Президент фармони билан.

Нисбатан самарали вариантлардан бири миллий институтларни мустақамлаш ҳисобланади, ваҳоланки, кўп мамлакатларда конституцияга ўзгартиришлар киритиш жараёни қонунларга ўзгартиришлар

¹ Қаранг: Принципы, касающиеся статуса национальных учреждений поощрению и защите прав человека. Резолюция 48/134 Генеральной Ассамблеи ООН от 20 декабря 1993 г

киритишга нисбатан мураккаброқдир. Мазкур институтларни конституцияларда мустақкамлаш демократик ривожланиш йўлига ўтган ва конституциявий ислохотларни амалга ошираётган мамлакатларда қўлланилмоқда (Филиппин, Гана, Уганда, Грузия, Украина, Ўзбекистон, Польша, ЖАР, Аргентина, Мексика). Баъзи давлатларда мазкур институт махсус қонунлар ёки парламент акти билан таъсис этилган (Австралия, Бенин, Ҳиндистон, Канада, Латвия, Янги Зеландия, Непал, Сенегал). Президент фармони билан таъсис этилган миллий институтлар Индонезияда, Камерунда, Қозоғистонда, Марокашда, Нигерияда фаолият кўрсатмоқда. Қайд этиш лозимки, парламент акти ёки президент фармони асосида институтнинг ташкил этилиши ушбу институтнинг ижро этувчи органлардан мустақиллигига кучли таъсир кўрсатади.

Париж тамойилларининг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга оид халқаро стандартларни яратиш бўйича фаол норма ижодкорлиги фаолиятининг бошланиши бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг самарали фаолият юритишига оид қоидалар қатор халқаро конвенцияларда, декларацияларда, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияларида, шартномавий кўмиталарнинг умумий шарҳларида ва хулосавий кузатувларда ўз аксини топди.

1993 йил 13–17 декабрда Тунисда бўлиб ўтган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар бўйича халқаро семинарда, унинг иштирокчилари барча минтақалар мамлакатларининг вакиллари билан иборат Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг халқаро мувофиқлаштирувчи кўмитасини (ХМҚ) ташкил этишди. Ҳозирги вақтда ХМҚ таркибига дунёнинг турли мамлакатларидаги 67 та инсон ҳуқуқлари миллий институтлари қиради. Асосий иш шакли – миллий институтлар мустақил институтлар сифатида иштирок этувчи БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича сессиялари ўтказилиши даврида йиғилиш ўтказишдир. ХМҚга аъзолик уч гуруҳга бўлинади: “А” мақоми – миллий институт *Париж тамойилларига* мувофиқ; “В” мақоми – кузатувчи; “С” мақоми эса, *Париж тамойилларига* ушбу институтнинг номувофиқлигини англатади.

ХМҚ глобал ва минтақавий даражада инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар конференцияларини доимий равишда ўтказиб туради.

1991 йилдан бошлаб ҳар икки йилда БМТ ХМҚ билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича институтлар фаолиятининг долзарб муаммолари бўйича халқаро конференциялар ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар конференциялари

1.	Биринчи халқаро семинар	Париж (Франция), 1991 й.
2.	Иккинчи халқаро семинар	Тунис (Тунис), 1993 й.
3.	Учинчи халқаро семинар	Манила (Филиппин), 1995 й.
4.	Тўртинчи халқаро семинар	Мерида (Мексика), 1997 й.
5.	Бешинчи халқаро семинар	Рабат (Марокаш), 2000 й.
6.	“Иркий камситилишларга қарши курашда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг роли” мавзусида олтинчи халқаро конференция	Лунд – Копенгаген (Дания-Швеция), 2002 й.
7.	“Терроризмга қарши кураш ҳамда қуролли можаролар даврида инсон ҳуқуқларини таъминлаш” мавзусида еттинчи халқаро конференция	Сеул (Корея), 2004 й.
8.	“Миграция ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар” мавзусида саккизинчи халқаро конференция	Санта-Круз (Боливия), 2006 й.
9.	“Одил судловни амалга ошириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар” мавзусида тўққизинчи халқаро конференция	Найробӣ (Кения), 2008 й.
10.	“Бизнес ва инсон ҳуқуқлари: инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг роли” мавзусида ўнинчи халқаро конференция	Эдинбург (Буюк Британия), 2010 й.
11.	“Аёллар ва киз болалар ҳуқуқлари: инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг роли” мавзусида ўн биринчи халқаро конференция	Оммон (Иордания), 2012 й.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг минтакавий даражада ҳам мувофиқлаштирувчи органлари тузилган: Осие-Тинч океани минтақасида Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар форуми (1996 йилда ташкил этилган), Америка инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тармоғи (2000 йил), Африка инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар мувофиқлаштирувчи қўмитаси (2002 йил).

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормаларни миллий қонунчиликка имплементация

килиш ҳамда шартномавий органларнинг тавсияларига риоя этилиши устидан назорат килиш мақсадларида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва махсус процедуралари, шартномавий органлари билан фаол ўзаро ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда. Ундан ташқари, миллий институтлар Универсал даврий ҳисобот механизмининг – ҳужжатларни топширишдан бошлаб, тавсияларни бажаришгача бўлган барча босқичларида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Миллий институтлар фаолияти, яна шунингдек, Кенгашнинг Маслаҳат органи ва шикоятларни кўриб чиқиш процедурасига риоя қилиниши нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда БМТ шартномавий кўмиталари¹нинг 3 та Умумий шарҳлари қабул қилинган, яъни: Иркий камситишларни бартараф этиш кўмитаси бўйича (1993 йил), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар кўмитаси бўйича (1998 йил) ва Бола ҳуқуқлари кўмитаси бўйича (2002 йил). Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита томонидан 2012 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ўзаро алоқалар тўғрисида тегишли ҳужжат қабул қилинди².

Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмиталар ва миллий институтларнинг фаолияти кейинги йилларда сезиларли даражада фаоллашди. Бу фаолият: давлатларнинг даврий маърузаларини тайёрлашга ёрдам бериш; шартномавий органлар томонидан даврий маърузаларни кўриб чиқишда иштирок этиш; шунингдек, шартномавий органларнинг ҳулосавий фикрларига мувофиқ равишда ўз вақтида мамлакат даражасида чоралар кўрилишини таъминлаб бериш йўллари билан амалга оширилади. Бундан ташқари, миллий институтлар халқаро ҳужжатларнинг ратификация қилинишига ёки уларга қўшилишга ва шунингдек, уларнинг максимал даражада кенг миқёсда амалга оширилишини таъминлашга ёрдам беришади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни тузиш ва уларнинг фаолият юритиши бўйича халқаро стандартларни ўрганиш куйидагиларни аниқлашга имкон берди:

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари миллий институтлар фаолиятининг халқаро-ҳуқуқий асосини, уларнинг функциясини, шаклланишини, молияланишини ҳамда мустақиллиги ва ишлашини таъминлаб беришнинг

1 Қапанг: General Comments adopted by United Nations Human Rights Treaty Bodies: Volume III. Committee on the Elimination of Racial Discrimination/ 2nd edition. Lund, 2000; Volume II: Committee on Economic, Social and Cultural Rights/ 3rd edition. Lund, 2000; Committee on the Rights of the Child General Comments.

2 Қапанг: Paper on the relationship of the Human Rights Committee with national human rights institutions, adopted by the Committee at its 106th session (15 October – 2 November 2012).

бошқа мезонларини белгилаб берувчи 1991 йилги Париж тамойиллари ҳисобланади.

Иккинчидан, Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурида ҳар бир давлатнинг, унинг эҳтиёжларига кўпроқ даражада мувофиқ келувчи миллий институт тузилмасини танлаб олиши эътироф этилади. Ушбу қоида шундан дарак берадики, давлатлар ўртасидаги мавжуд фарқлар, ҳар доим улар томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро нормаларга риоя этиш учун ташкил этилаётган тузилмаларда ўз аксини топади.

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг тузилиши ва ривожланиши халқаро ташкилотлар томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқдаки, бу қўллаб-қувватлаш семинарларни ташкил этишда, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда, муассасалар ходимларини ўқитишда, шунингдек, бу борада тегишли техникавий ёрдам кўрсатилишида намоён бўлмоқда.

2. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг жаҳон тажрибаси

Ҳуқуқий адабиётларда қуйидагича таърифлар учрайди: “инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассаса”, “инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт” ёки “инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ташкилот” Атамаларнинг танланиши мамлакат ҳуқуқий тизимининг ўзига ҳослигидан келиб чиқади. Рус тилидаги БМТ ҳужжатларида кўпинча “инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассаса” атамаси қўлланилади¹ Инглиз тилида “National human rights institution”, француз тилида – “Institution nationale des droits de l’Homme”, испан тилида – “la Institucion nacional de los derechos humanos”, немис тилида “Nationales Institut für Menschenrechte” атамаларининг ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда, фикримизча, “инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт” атамасини ишлатиш кўпроқ мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, Шунингдек, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида², қатор илмий ишларда ушбу атама ишлатилмоқда. Мисол учун, профессор А. Саидовнинг илмий ишларида “инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт” атамаси ишлатилади³

Рус тилида “миллий” сўзи бошқача маъно касб этгани учун ва уни “давлат” билан бирга ишлатиш тўғри бўлганлиги учун ҳам, россиялик

1 Қаранг: Национальные учреждения по правам человека. Серия публикаций по вопросам профессиональной подготовки № 4. ООН. Нью-Йорк и Женева, 1995. 150 с.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 9-сон. Б. 244–257.

3 Саидов А.Х. Международное право прав человека. – М.: ИГП РАН, 2002. – С. 115.

тадкикотчи А. Сунгуров “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг давлат институти” атамасини ишлатишни таклиф этади¹.

“Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт” атамаси остида ҳукумат томонидан конституция ёки конун, ё декретга мувофиқ ташкил этилиб, вазифаси инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишдан иборат бўлган орган тушунилади. Б. Бурдекин қайд этганидек, “миллий институт давлат ва фуқаролик жамиятининг ўртасида жойлашган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг фойдали механизми ҳисобланади. Ушбу таърифга омбудсманлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияларнинг айрим турларини ҳам қўшган ҳолда турли хил институционал тузилмалар мос тушади”².

“Миллий институт” тушунчасининг турли таърифларига суянган ҳолда, уни қуйидагича шакллантириш мумкин: инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт – Париж тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мақсадларида Конституция ёки конунга мувофиқ таъсис этилган мустақил орган ҳисобланади³.

Ҳозирги пайтда кўплаб институтлар инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар, омбудсман институтлари ва ихтисослашган муассасаларга бўлинади. Кўп ҳолларда омбудсман институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар турли хил, аммо муҳимлиги жиҳатидан бир хил вазифаларни амалга оширадilar. Омбудсманнинг асосий вазифаси давлат ҳокимияти органлари ҳаракатининг қонунийлигини таъминлаб беришдан иборат. Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияларнинг ваколатига инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ижро этувчи ҳокимият ваколатларини мувофиқлаштириш кирса, ихтисослашган муассасалар эса, муайян гуруҳ (кам сонли халқлар, болалар, аёллар, инвалидлар ва бошқалар) вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун таъсис этилади.

Айрим мамлакатларда омбудсманга инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг ваколатларни бериш йўли билан уларнинг функцияларини бирлаштириш бўйича қарорлар қабул қилинди. Жумладан, маърифий фаолиятни

1 Сунгуров А. Государственные институты защиты прав человека: международный опыт. // Комиссии и Уполномоченные прав человека: опыт российских регионов. /Под ред. А.Ю. Сунгурова. СПб: Норма. 2002. С. 55.

2 Burdekin B., Gallagher A. The United Nations and National Human Rights Institutions. // International human rights monitoring mechanisms. /Edited by G.Alfredsson... Martinus Nijhoff Publishers. 2001. P. 816.

3 Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика /Отв. ред. А.Х.Самдов. – Т.: Адолат, 2008. – С. 21–22.

Ўтказиш, одатда, комиссияга юклатилади. Айрим мамлакатларда омбудсман институтини ҳам, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ёки шунга ўхшаш органлар (Дания, Франция, Австралия, Россия, Янги Зеландия, ЖАР, Марокаш ва бошқаларда)ни ҳам таъсис этишади.

Кўпчилик ҳолларда омбудсман институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялари табиий ҳамкорлар ҳисобланади, чунки ушбу икки турдаги институтлар инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва уларнинг таъминланиши билан кенг маънода шуғулланадилар ва инсон ҳуқуқлари маданиятини миллий миқёсда ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдилар. Баъзи мамлакатларда омбудсман институтига инсон ҳуқуқлари соҳасида кенгроқ ваколат бериш учун уларнинг вазифаларини бирлаштиришга қарор қилишган. Баъзи мамлакатлар эса, ҳам омбудсман институти, ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияларни тузишган бўлиб, улар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида бир-бирлари билан ўзаро муносабатга киришадилар ва ҳамкорлик қиладилар.

Ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар ёки уларга ўхшаш органлар дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида ташкил этилган ва Германия, Дания, Франция, Австралия, Канада, Мексика, Гондурас, Ҳиндистон, Индонезия, Филиппин, Янги Зеландия, Уганда, Танзания, Монголия, Корея, Непал ва шу каби мамлакатларда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. 1947 йил 27 мартда Инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳат комиссиясини биринчи бўлиб таъсис этган мамлакат Франция бўлди. 1984 йилда Комиссия ўз фаолиятини қайта бошлаган бўлса, 1993 йилда эса, конституциявий декрет билан мустақил ташкилот мақомини олди¹.

2000 йил 7 декабрда Бундестаг Германия ҳукумати томонидан киритилган Инсон ҳуқуқлари бўйича институтни ташкил этиш тўғрисидаги таклифни тасдиқлади. Институт БМТ ва Европа Кенгаши тавсияларига биноан ташкил этилди ва инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича ҳукуматга маслаҳатлар тақдим этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот ва маърифий ишлар олиб боришга ҳақлидир².

1978 йилда Канадада 1977 йилги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги актга биноан Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи комиссия Онтарио провинциясида 1962 йилда таъсис этилган эди. Ўтган асрнинг 60–70-йилларида инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар Канаданинг барча провинцияла-

¹ Батафсил қаранг: National Consultative Commission of Human Rights. Paris, 2000.

² Einrichtung eines Deutschen Instituts für Menschenrechte. // Drucksache 14/4801. Deutscher Bundestag 14. Wahlperiode. 28.12.2000.

рида ташкил этилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича конунлар Канадада 1947 йилдан, яъни Саскачеван провинциясида Ҳуқуқлар тўғрисидаги билль қабул қилингандан буён мавжуддир. Ўтган асрнинг 50-йилларида ирқий ва диний камситишларга қарши конунлар бошқа провинцияларда ҳам қабул қилинди. Бирок, мазкур конунларга риоя этилишини назорат қилишга қаратилган махсус органларни ташкил этмасдан туриб, бу конунлар кийинчилик билан ҳаётга жалб этилар эди ва бундай конун нормаларини ҳаётга самарали жалб этиш мақсадида инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиялар ташкил этилди¹.

Суд тизимидан ташқарида фаолият кўрсата олувчи ва фуқаролар мурожаат қила оладиган мустақил органга бўлган эҳтиёж натижасида бундай орган Россия Федерациясида ҳам ташкил топди. Россия Федерацияси Президентининг 1993 йил 26 сентябрдаги 1458-сонли Фармойиши билан Россия Федерацияси Президенти ҳузурида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ташкил этилди. Унга фуқаролар шикоятларини текшириш ва ҳисоботларни чоп этиш ваколати юклатилди. 2004 йилда мазкур Комиссия Россия Федерацияси ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик жамиятлари институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича кенгашга айлантирилди².

1981 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия Австралияда ташкил этилди. Комиссия Канберрада жойлашган бўлиб, шикоятларни кўриб чиқар, конунчиликни ўрганар ва 1975 йилдаги Ирқий камситишлар тўғрисидаги актга биноан маърифий ва тадқиқотчилик дастурларини олиб борар эди. Ушбу Комиссия 1986 йил 10 декабрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга айлантирилди ва у тенг имкониятлар билан Сиднейда жойлашган.

Ҳиндистон Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича актга мувофиқ, 1993 йил октябрда ташкил этилган. Индонезияда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия 1993 йил 7 июнда Президент Фармойиши билан ташкил этилган. Янги Зеландияда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия инсон ҳуқуқларини тарғибот қилиш ва инсон ҳуқуқларининг бузилганлиги бўйича текширувларни ўтказиш мақсадида 1993 йилдаги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги актга биноан ташкил этилган.

¹ Подробнее см.: Canadian Human Rights Commission. Annual Report 1999. Ottawa.

² Каранг Указ Президента Российской Федерации № 1411 от 6 ноября 2004 г. "О Совете при Президенте Российской Федерации по содействию развитию институтов гражданского общества и правам человека" / Собрание законодательства Российской Федерации. № 46. 15 ноября 2004 г. (Часть II). Ст. 4511. С. 10369-10372.

1987 йилги Филиппин Конституциясига мувофиқ, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мустақил орган сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ташкил этилган. 1999 йилги Конституцияга мувофиқ, Таиландда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия таъсис этилган. 2001 йил февраль ойида Монголияда Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ўз фаолиятини амалга оширишни бошлади, ушбу комиссия 2000 йил 7 декабрда қабул қилинган Қонун асосида ташкил этилди. 2001 йил ноябрь ойида Корея Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси ташкил этилди. Барча комиссиялар Осн ва Тинч океани минтақасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар форумининг аъзолари ҳисобланади.

2000–2004 йилларда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар Миср, Иордания, Яман, Конго, Қатарда ташкил этилди. Ҳозирда Япония ва Швейцарияда шундай институтларни ташкил этиш бўйича муҳокамалар бўлиб ўтмоқда.

Давлат бошқаруви органлари бошбошдоқлиги ва амалдорлар томонидан ҳокимиятни сунистеъмом қилишларидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи механизмлар орасида ўзига хос ўрнига эга бўлган институт – бу омбудсман институтидир. Омбудсман институти илк бор Швецияда таъсис этилган бўлса-да, баъзи олимлар ушбу институтга ўхшаш орган Араб халифалигида ҳам фаолият юритганлигини таъкидлаб ўтадилар¹

Араб халифалигида Умар халифалиги даврида Мухтасиб мансаби таъсис этилган бўлиб, унинг вазифасига фуқароларнинг давлат мансабдорлари фаолиятига тегишли бўлган шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш кирган эди. Швеция қироли Карл XII Туркияга келди ва у ерда “Қози ал-Қузот” мансаби тўғрисида ва унга амалдорларнинг хатти-ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоятларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш вазифаси юклатилганлиги тўғрисида эшитади. Карл XII ватанига қайтиб келганидан кейин омбудсман мансабини жорий этади (1713 йил). Европада бу институт биринчи марта 1809 йили Швециянинг Конституциявий актларида мустақамланган эди. Парламентга ҳокимият ва бошқарув органлари, судлар томонидан парламентнинг қонунчилик актларига амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш учун махсус парламент комиссари(омбудсман) ни сайлаш ҳуқуқи берилди². 2009 йилда халқаро ҳамжамият жаҳонда

1 Батафсил маълумотлар учун қarang: Дунё омбудсманлари. Тўплам /Маъсул муҳаррир С. Рашидова. Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

2 Қarang: Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика /Отв. ред. А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2008. – С. 21–22.

илк омбудсман институтининг 200 йиллигини Стокгольм шаҳрида 9–13 июнь кунлари бўлиб ўтган 9-халқаро омбудсманлар конференциясида тантанали равишда нишонлади. Ушбу анжуманда дунёнинг 85 дан ортик мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистондан омбудсман делегациялари иштирок этиб, ушбу институтнинг турли моделлари ва жамиятда тутган ўрни ҳақида кенг камровли фикрлар ва тажриба алмашуви бўлиб ўтди.

С. Андерсон ва В. Бойцовалар ушбу тушунча немис тилидан келиб чиққанлигини ва унинг ўзаги ибтидоий герман қабилаларига бориб тақалишини қайд этадилар. Уларда Омбудсман деб, жиноятчилардан котиллик учун пул кўринишидаги пеня (вира) йиғиб олувчи шахс аталган. Омбудсман институти цензор, трибун, провинциал прокурорлар каби қадимги римдаги лавозимлардан бошланган бўлиши ҳам мумкин¹ Баъзи бир олимлар бунга ўхшаш институтлар Қадимги Грецияда, ўрта асрлардаги Европа ва Хитойда ҳам мавжуд бўлганлигини қайд этадилар. Мисол учун, Испаниядаги Арагон киролигида ҳам шунга ўхшаш лавозим – *Justicia de Aragon* таъсис этилган².

“Омбудсман” тушунчаси “umbud” сўзидан келиб чиқиб, у ўрта аср швед тилида куч ёки мўътабар шахс деган маънони бериб, воситачи ёки бошқа шахсларнинг вакили ҳисобланган. Шведча “ombudsman” сўзи вакил, делегат, агент, мухтор вакил, ишончли шахс маъносини беради³. Ҳозирги кунда Швецияда парламент тўртта омбудсманни сайлайди ва уларнинг бири Бош парламент омбудсмани ҳисобланади. Швецияда судлар ва маъмуриятнинг ноқонуний қарорлари устидан кафолат сифатида омбудсманлар тизими жуда ҳам муҳим роль ўйнайди. У фуқароларнинг судлар ва бошқа органлар фаолиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга фаол қўмаклашади.

Финляндия ҳам 1919 йили омбудсман институтини ташкил этди. 1952 йили омбудсман институти Норвегия парламенти томонидан ҳам киритилди. 1952 йилда ўтказилган конституциявий ислохот натижасида Данияда ҳам омбудсман институти жорий этилди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, омбудсманнинг Дания модели дунёда кўпроқ даражада тан олинди.

1 Қаранг: Anderson S. Ombudsman papers: American experience and proposals, with a comparative analysis of ombudsman offices by Kent. M., Weeks. Berkeley, 1969; Бойцова В.В. Служба защиты прав человека и гражданина. Мировой опыт. – М.: БЕК, 1996. – С. 39.

2 Қаранг: Lundvik. U. A Brief Survey of the History of the Ombudsman. // The Ombudsman Journal. Edited by the IOI. Volume 2. 1982. P. 85-94.; Kelly M. New and not so new notions: The Parallel socio-cultural evolution of Ombudsing systems. // <http://www.sa.ucsb.edu/ombuds>.

3 Қаранг: Шведско-русский словарь. /Сост. Д.Э.Миланова. – М., 1973. – С. 406

Омбудсман институти Дания модели асосида 1962 йили Янги Зеландияда ташкил этилди. 1967 йилди Буюк Британияда омбудсман институтини ташкил этиш тўғрисида Қонун қабул қилинди (парламент вакили – Parliament Commissioner). Ғарбий Австралияда омбудсман тизими 1971 йили, Жанубда – 1972 йили, Викторияда – 1973 йили жорий этилди.

АҚШдаги омбудсман институти тажрибаси омбудсманларнинг ҳар хил турларини вужудга келтирди: ижро этувчи, махсус, шахар, минтакавий омбудсманлар 1969 йилдан – Гавай оролларида, 1971 йилдан – Небраскада, 1972 йилдан – Айова штатида, 1975 йилдан бошлаб эса – Аляскада фаолият юритиб келмоқда. 1976 йилдан бери омбудсман институти – Проведор (Provedor de Jistica) Португалияда мавжуддир. Худди шундай воқеа Испанияда ҳам вужудга келди. 1981 йилги қонун португал ва француз элементларидан фойдаланган ҳолда “халқ химоячиси” (Defendor del Pueblo) институтини Испаниянинг сиёсий тизимига киритди.

1982 йили мамлакатда парламентнинг қуёи ва юқори палаталарида шикоятларни кўриб чиқиш бўйича кўмиталар бўлишига қарамай, Нидерландия омбудсмани (National Ombudsman) мансаби жорий этилди¹.

Омбудсманларнинг ҳар хил турлари Швейцарияда, Бельгияда, Италияда, Францияда, Германияда, Австрияда фаолият кўрсатмоқда. Бу институт, шунингдек, Исроил, Ҳиндистон, Кипр, Гайана, Маврикий, Фиджи ороллари ва бошқаларда ҳам ташкил этилган.

Франция, яхши ривожланган маъмурий ақлия тизимига эга бўлишига қарамай, 1973 йили Медиатор мансабини киритди. Франциядаги бу мансаб маъмурий органлар категориясига тенглаштирилган бўлиб, унинг малақаси Давлат кенгаши томонидан тасдиқланади. Медиаторнинг роли парламентарийларга тушадиган давлат органлари ва муассасалари ҳаракатлари устидан шикоятларни кўриб чиқишдан иборат. Бу жиҳатдан у бамисоли парламент комиссари ролини бажаради.

Франция Бешинчи Республиканинг сиёсий институтларини модернизация қилиш тўғрисидаги Конституциявий қонуни Ҳуқуқлар химоячиси лавозимини таъсис этди. 1958 йилги Конституция 71-1-модда билан тўлдирилди ва Фуқароларнинг ҳуқуқлари химоячисига конституциявий мақом берилди. Органиқ қонун ва Ҳуқуқлар химоячиси тўғрисидаги Қонун Химоячи мақомига аниқлик киритишга ва унинг вазибаларини амалга ошириш учун зарур ваколатлар беришга давъат

¹ Қаранг: Дунё омбудсманлари. Тўплам /Масъул муҳаррир С. Рашидова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

этилган. Ҳуқуқлар ҳимоячиси лавозими таъсис этилиши институционал тусдаги бир қанча масалаларни ўртага қўяди. Гап, энг аввало, Ҳимоячининг Республика Медиатори, Болалар ҳимоячиси, Озодликдан маҳрум этиш жойлари устидан назорат қилиш миллий комиссияси сингари ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан нисбати ҳақида боради. Ҳар ҳолда Ҳуқуқлар ҳимоячиси тўғрисидаги Қонун моҳият эътибори билан Республика Медиатори, Болалар ҳуқуқлари ҳимоячиси, хавфсизлик деонтологияси бўйича миллий комиссия лавозимлари тугатилишини назарда тутди¹.

Омбудсман институти концепцияси бошқа минтақаларда ҳам кенг ривожлана бошлади. 1983 йили Покистон Президентининг Фармойишига кўра Вафаки Моҳтасиб (омбудсман) лавозими таъсис этилди, минтақавий даражада эса, мазкур институт 1991 йили Синдх провинциясида, 1992 йили Азад Жамму ва Кашмир провинциясида, 1996 йили – Панжоб провинциясида таъсис этилди².

Жанубий Кореяда 1994 йили омбудсман лавозими Маъмурий бошқарув ва фуқаролар петициялари ишлари бўйича асосий қонунга мувофиқ таъсис этилди. Кореянинг Бош омбудсмани д-р Вун Лининг “конфуцианлик” фалсафасига суянган ҳолда қайд этишича, бундай амалиёт Корея учун янгилик эмас. Корея ўзининг бошқарув фалсафасини, Махфий қирол назоратчиси (Amhaeng osa) ва тизими “shinmungo” ташкил этилган Чосеон сулоласи давридан бошланган машҳур “Инсонлар учун яхши бўлган қоидалар”дан бошлаган. Марказлаштирилган тизимда Махфий қирол назоратчиси “инкогнито”, маҳаллий ҳокимият органлари ва мансабдор шахслари фаолиятини текшириш ва тегишли таъсир чораларини амалга ошириш учун қишлоқ жойларига жўнатилар эди. “Shinmungo” тизимида фуқаролар ёрдам сўраб қиролга мурожаат қилиши ёки унинг саройи олдида ўрнатилган катта дўмбирани уриш йўли билан шикоятларини рўйхатдан ўтказиши мумкин бўлган³.

Жанубий Африкада апартеид сиёсатининг барҳам топиши билан партиялар ўртасидаги музокараларда омбудсман лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. 1993 йилдаги вақтинчалик Конституция билан таъсис этилган Жамоатчилик ҳимоячиси ((Public Protector) лавозими 1996 йилдаги Конституцияда яна мустақкамлаб қўйилди. Ушбу институт 1995 йил 1 октябрдан фаолият кўрсата бошлади⁴.

1 Саидов А.Х. Франция Республикасининг Конституцияси ўзбек юристи нигоҳида. Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2011, 22-бет.

2 Қаранг: Mohtasib (Ombudsman)'s Annual Report 1997. Islamabad. 1998. P. X.

3 The Ombudsman of Korea. Annual Report 2002. – Seoul, 2003. – P. 1–2.

4 Қаранг: Public Protector. South Africa. Annual Report. 1999.

Лотин Америкаси мамлакатларида омбудсман институтининг ташкил этилишида Испаниянинг Халқ химоячиси институти моделининг таъсири катта бўлди ва бу институт ҳозирги кунда Аргентина, Колумбия, Сальвадор, Гватемала, Парагвай ва Венесуэла конституцияларида, Эквадор, Коста-Рико ва Панамада эса – махсус қонунлар билан мустақамлаб қўйилган. Минтаканинг қатор мамлакатларида омбудсман институти дастлаб ижро этувчи ҳокимият доирасида, кейин эса қонунчилик ҳокимияти доирасида таъсис этилди. Жумладан, Аргентина, Гондурас, Венесуэла ва Панамада айнан шундай бўлган эди. Лотин Америкаси омбудсманлари ваколатига, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш вазифаси юқлатилган бўлиб, улар олдинги урушларда инсон ҳуқуқларининг оммавий бузилишларидан кейин минтақадаги демократлаштиришнинг муҳим қисми сифатида қўрилади.

XX асрнинг охириги 15 йилида ва XXI асрнинг бошларида омбудсман институти собиқ социалистик мамлакатларда ҳам таъсис этилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. 80-йилларнинг охиригача Шарқий Европанинг ҳеч бир мамлақатида омбудсман мавжуд эмас эди. Фақат 1988 йил 1 январдан бошлаб Польшада инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолият юрита бошлади, кейинроқ эса, омбудсман Венгрия Республикасида жорий этилди. Ҳозирги кунда омбудсман институтлари собиқ СССР ҳудудида – Болтиқбўйи республикаларида, Молдовада, Украинада, Грузияда, Россияда ва Ўзбекистонда фаолият қўрсатмоқда.

2000 йили узок давом этган мунозаралардан сўнг Чехия Республикасида, 2001 йилда эса – Словакия омбудсман институтлари таъсис этилди. 2002 йил 31 июнда Қирғизистон Республикасининг Омбудсман (Ақыйқатчи) тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди. 2001 йил 19 сентябрда Қозоғистон Президентининг Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими таъсис этилди.

2003 йил май ойида Болгария парламенти Омбудсман тўғрисидаги қонунини қабул қилди ва у 2004 йил 1 январда қучга кирди. 2003 йил ноябрида Арманистон парламенти Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисида қонун қабул қилди ва 2004 йил 19 феввалида биринчи омбудсманни сайлади. 2003 йил декабрида Люксембург парламенти 2003 йил 16 июлдаги Омбудсманни таъсис этиш тўғрисидаги қонунига мувофиқ биринчи омбудсманни тайинлади. 2009 йилда Тожикистонда Омбудсманни таъсис этиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган¹.

¹ Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика /Отв. ред. А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2008. – С. 21–22.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 140 мамлакатида 950 дан ортиқ омбудман институтлари мавжуд¹. Бир хил давлатларда бу мансабдор шай омбудсман дейилади, бошқаларида – воситачи (медиатор), учинчилигида – парламент вакили, тўртинчисида эса – фуқаролар ҳуқуқлар бўйича вакил ва шу каби бошқа номларда аталиши мумкин. Уларнинг турлича номланиши, биринчи ўринда, турли муҳит, бир хил бўлмаган ҳуқуқий маданият, ҳар хил тарихий ва фалсафий ёндашувлар ва конституциявий-сиёсий тизимларга таъсири орқали белгиланиши била боғлиқдир.

Бутун дунёда Омбудсман институти фуқаролар шикоятлари ни суддан ташқарида кўриб чиқадиган қўшимча институт сифати да нафақат айрим адолатсизлик ҳолларининг олдини олишга, балки ҳокимият идоралари фаолияти механизмидаги камчиликларни топишга ва унинг ишини янада самаралироқ ташкил этишга ҳам имкон беради, шунингдек, бу институт ҳуқуқий давлатнинг ўз мақсад ва вазифаларига эришишига кўмаклашади ва шу тариқа, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишига ёрдам беради. Турли мамлакатлардаги омбудсман институтларининг функциялари ва вазифалари ушбу давлатларнинг ўзига хос томонлари ва уларнинг тарихий анъаналари ҳамда ҳуқуқий тизимини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос хусусиятларига эгадир.

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг халқаро шакллари

Жаҳоннинг турли давлатларида омбудсман институтининг аста-секинлик билан тарқалиш жараёни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ҳуқуқий ва техникавий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ва минтақавий омбудсманлар тузиш заруриятини келтириб чиқарди. Шу билан бир каторда, мазкур институтлар миллий омбудсманларнинг халқаро ҳамкорлиги масалаларини мувофиқлаштириш, ўзаро маслаҳатлашув форумлари сифатида майдонга чиқади.

Ҳозирги кунда халқаро миқёсда фаолият юритувчи “халқаро омбудсман институти” тушунчаси шаклланган. Одатда, халқаро омбудсманларни, уларнинг халқаро мақомидан келиб чиққан ҳолда, икки гуруҳга бўлиш мумкин: миллий омбудсман институтларини бирлаштир-

¹ Капан . The International Ombudsman Institute. Directory, 2012.

ган омбудсманларнинг халқаро ташкилотлари ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар доирасида ташкил этилган омбудсман институтлари.

Шу нуқтага назардан, миллий омбудсманларни бирлаштирган биринчи гуруҳга, яъни халқаро омбудсман институтига Халқаро омбудсманлар институти (ХОИ), Европа омбудсманлари институти (ЕОИ), Осие омбудсманлари ассоциацияси (ОАА) кабиларни мисол келтириш мумкин. Иккинчи гуруҳга эса, БМТ Омбудсмани, Европа Иттифоқи Омбудсмани каби халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар доирасида ташкил этилган омбудсман институтларини киритиш мумкин.

Мазкур мақсадларда, 1976 йили **Халқаро омбудсман институти (ХОИ)** ташкил этилди. ХОИнинг қароргоҳи Канаданинг Эдмонтон шаҳрида жойлашган эди, 2009 йилда – Австриянинг Вена шаҳрига кўчирилди. ХОИнинг мақсадлари, унинг Низомига кўра, қуйидагиларни ташкил этади: омбудсман офисларининг тадқиқотчилик ва таълим соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш; омбудсманлар тўғрисида ахборотларни йиғиш, сақлаш ва тарқатиш; омбудсманлар ходимлари учун ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш; омбудсман институтлари ўртасида ахборотлар ва тажрибаларни алмашиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва ривожлантириш. ХОИ фаолиятининг асосий шакллари қуйидагичадир: омбудсманларнинг халқаро конференцияларини ўтказиш; омбудсман институтини ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш; нашриёт фаолияти – бюллетенлар, йиллик маълумотномалар, китоблар чиқариш ва бошқа шу каби ишларни амалга ошириш.

Низомга кўра, ХОИ олти минтақада: Африка, Осие, Австралия ва Тинч океани минтақаси, Европа, Кариб ороллари ва Лотин Америкаси, Шимолий Америкада фаолият кўрсатади. ХОИнинг аъзолари дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатларининг 170 га яқин омбудсманларидан ташкил топган. 1998 йилнинг апрелидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳам ХОИ аъзоси ҳисобланади¹.

1988 йилда Европа омбудсман институти (ЕОИ) ташкил этилди. Бугунги кунда Европанинг деярли барча омбудсманлари унинг аъзоси ҳисобланади. Унинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади: омбудсман институти фаолияти ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини ўрганиш; омбудсман ҳојаларини тарқатиш; омбудсманларнинг миллий, минтақавий ва халқаро муассасалари билан ҳамкорлик қилиш.

¹ Тиллабаев М. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика. – Т.: Адолат, 2008. – С. 66.

ЕОИда доимий ва ассоциациявий аъзолик қабул қилинган. ЕОИнинг қароргоҳи Инсбрук шаҳрида (Австрия) жойлашган¹. У ўз фаолиятини нафақат Европа минтақасига ёйди, балки бошқа минтақалардаги миллий омбудсманлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик алоқаларини олиб боради. 2002 йил май ойида Ўзбекистон Омбудсмани мазкур ташкилотга аъзо бўлди.

Яна бир халқаро минтақавий ташкилот – **Осиё омбудсманлари Ассоциацияси (ОАА)** ҳисобланади. ОАА 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг қароргоҳи Исломобод шаҳри (Покистон)да жойлашган. ОАА мустақил, носийсий, демократик ташкилот бўлиб, ўз олдида Осиёда омбудсман концепциясини ривожлантириш мақсадини қўйган. Осиё, Океания ва Австралия минтақаларининг 15 мамлакатидан 23 омбудсман унинг аъзолари бўлиб, Ўзбекистон мазкур ташкилотга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида 2009 йилда аъзо бўлди.

ОААнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: Омбудсман концепциясини ривожлантириш ва уни Осиёда ривожлантиришга кўмаклашиш; омбудсманларнинг малакавий кўникмаларини ривожлантириш; омбудсман институти фаолияти соҳасидаги таълим ва илмий-тадқиқотчилик фаолиятига кўмаклашиш ва ривожлантириш; минтақа омбудсман институтлари учун тренинглар ва ўқитиш дастурларини ташкил этиш; омбудсман институти фаолияти соҳасида тадқиқотчилик билан шуғулланувчи шахсларга стипендиялар ва грант ёрдамларини тақдим этиш; омбудсман институти тўғрисида ахборотлар ва материаллар йиғиш, сақлаш ва тарқатиш; минтақа омбудсманлари орасида ахборот ва тажриба алмашишни ташкил этиш; Осиё мамлакатлари омбудсманларининг даврий конференцияларини режалаштириш ва ташкил этиш; Ассоциация вазифаларига мувофиқ равишда бошқа фаолиятни амалга ошириш².

Иккинчи гуруҳга кирган омбудсман институтлари ичида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Омбудсмани институти муҳим ўрин тутди.

БМТ Омбудсман институти Бош Ассамблеянинг 2001 йил 14 июндаги 55/258 ва 2001 йил 24 декабрдаги 56/253-резолюцияларига асосан таъсис этилган. 2002 йили Омбудсман ўз фаолиятини бошлади ва шу йили БМТ Омбудсмани девонхонаси таъсис этилди ва бу девонхонанинг асосий вазифаси Омбудсманга ўз вазифаларини самарали бажа-

1 Қаранг: Тиллабаев М. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика. Т. Адолат, 2008.

2 Тиллабаев М. Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика. Т. Адолат, 2008. С. 68.

риши учун кўмаклашиш ҳисобланади. БМТ Омбудсманининг асосий вазифасига Ташкилот Котибияти ходимларининг БМТ мансабдор шахслари ва органлари орасида келиб чиқадиган низоларини кўриб чиқишда бетараф ва мустақил шахс сифатида кўмаклашиш киради.

БМТ Омбудсмани низоларнинг адолатли ва объектив равишда тартибга солинишига кўмаклашади ва агар у ёки бу муайян низо ёхуд муаммоли вазиятлар келиб чиққан ҳолларда, улар ишлаб чиқариш бўлимидаги ходимларнинг норозилигига сабаб бўлса ҳамда мазкур ҳолат меҳнат жамоасида зиддиятларни келтириб чиқарса, улардаги мавжуд вазиятни ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги ўз тавсияларини киритади.

Омбудсман Бирлашган Миллатлар Ташкилотида мавжуд бўлган барча идора ва мансабдор шахслардан мустақил равишда иш юритади. Омбудсман Ташкилот ва унинг ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, муайян вазиятда адолат тамойилларига риоя этган ҳолда можароларнинг олдини олиш учун зарур бўладиган маслаҳатларни бериш ва таклиф ёки тавсияларни киритиш ҳуқуқига эга. Омбудсман ўз функционал мажбуриятларини бажарар экан, зарур ҳолатларда бевосита Бош котибга мурожаат этади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида унга ҳисобот бериб боради.

Европа Иттифоқи омбудсмани (Медиатор). ЕИ Омбудсмани Маастрихт шартномаси асосида ташкил этилган. Унинг мақоми, фаолият усуллари ва ваколатлари Европа Парламентининг 1994 йил мартдаги 94/262 сонли қарори¹ ва Европа Парламенти Ички регламентининг 159–161-моддалари билан белгиланган.

Биринчи Медиатор 1995 йил май ойида тайинланди ва у ҳозирга қадар муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Медиаторга барча фуқаролар ва резидентлар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ унинг ваколатлари Ҳамжамиятлар ва Иттифок ваколатлари доирасига кирувчи масалалар билангина чекланган: у Иттифок институтлари ва органлари томонидан ўз ҳокимиятларини суиистеъмол қилиш оқибатида келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга қаратилган носудлов механизми².

Медиаторга шикоятлар ёзма равишда, шикоятчи тўғрисидаги барча маълумотлар кўрсатилган тарзда бевосита ёки Парламент депутатлари орқали топширилади.

¹ Парламент қарори учун қаранг: JOCE L 113 du 9 mai 1994. – P. 15.

² Юнусов Х. Европа Иттифоқи ҳуқуқи (Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқи): Дарслик. Тошкент. Янги аср авлоди. 2007 – Б. 374.

Медиатор шикоятлар бўйича текширишлар олиб боради, тегишли институтларга мурожаат қилади. Савол остига олинган институтлар уч ойлик муддат ичида Медиаторга тегишли тафсилотлар ва ҳисоботларни бериши керак. Медиатор ҳар йили йиллик ҳисоботларни эълон қилади. Ҳисоботлар Европа Парламенти томонидан муҳокама қилинади. Медиатор ҳисоботлари тавсиявий мақомда бўлишига қарамай, йилдан-йилга унинг таъсири ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Парламент ташки алоқаларда, учинчи мамлакатлар билан тузилаётган битимларда ва уларнинг бекор қилиниш жараёнига ўзининг муқобил фикри билан иштирок этар экан, инсон ҳуқуқлари ва демократик мезонларга нисбатан қатъий муносабатини намоён этади. Чунончи, аъзо-давлатлар ва учинчи мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари ҳолати ва демократия масаласи парламент муҳокамаларининг доимий мавзуси ҳисобланади. Бу борада у, бошқа институтлар билан қўшма ёки ўзи мустақил ҳолда резолюциялар қабул қилиши мумкин.

Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти тармоқлари доирасида ҳамда нодавлат ташкилотлари ташаббуси остида тузилган омбудсманлар ҳам мавжуд. Яъни, миллий даражадаги омбудсманларни ҳам уларнинг тузилиши, мақоми, мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаштириб, турли гуруҳларга бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам, турли мамлакатларда миллий институтларнинг номланишини, ҳуқуқий тизимларда уларнинг фаолият юритишининг турли хиллигини ҳисобга олиб, мазкур институтларнинг куйидаги асосий моделларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- *инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия* (Греция, Ҳиндистон, Индонезия, Қозоғистон, Корея Республикаси, Мексика, Монголия, Таиланд, Камерун, Нигерия, Уганда, ЖАР ва бошқалар);

- *инсон ҳуқуқлари бўйича маслаҳат комиссияси (кенгаши)* (Франция, Марокаш, Россия, Люксембург ва бошқалар);

- *камситишларга қарши комиссия* (Австралия, Янги Зеландия, Канада);

- *инсон ҳуқуқлари бўйича институт (марказ)* (Германия, Дания, Норвегия, Иордания, Ўзбекистон);

- *омбудсман инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, халқ ҳимоячиси, парламент комиссари, парламент адвокати сифатида турли хил номларда* (Австрия, Аргентина, Озарбайжон, Бельгия, Грузия, Испания, Польша, Молдова, Перу, Словения, Украина, Ўзбекистон, Швеция ва бошқалар).

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтларнинг зарурияти ва аҳамияти нимада?
2. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг вужудга келиши тарихини тушунтириб беринг.
3. "Омбудсман" сўзининг маъноси нима?
4. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг жаҳон тажрибаси ҳақида сўзлаб беринг.
5. Инсон ҳуқуқларига оид миллий институтлар таснифини тушунтириб беринг.
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг халқаро ташкилотлари ва уларнинг вазифаларини тушунтириб беринг.
7. "Париж тамойиллари" нима?
8. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро омбудсман институтларининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.
9. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг қайси моделларини биласиз?

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати:

1. Венская декларация и Программа действий // Права человека: Учебник-хрестоматия. – Т. 2001.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А.Саидов, Ф.Бакаева, К.Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: "Ўзбекистон", 2010.
3. Национальные учреждения по правам человека. Серия публикаций по вопросам профессиональной подготовки. № 4, ООН, Нью-Йорк и Женева, 1995.
4. Принципы, касающиеся статуса национальных учреждений. Резолюция 48/134 Генеральной Ассамблеи ООН от 20 декабря 1993 г
5. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т. Konsauditinform-Nashr, 2006.
6. Сунгуров А.Ю. Институт Омбудсмана: эволюция традиций и современная практика (опыт сравнительного анализа). – СПб.: Норма, 2005.
7. Тамбовцев В.В. Комментарий к Федеральному конституционному закону "Об Уполномоченном по правам человека в Российской Федерации" М.: Юриспруденция, 2006.

8. Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика /Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2008.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2010.

10. Омбудсмены мира. Сборник статей. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

МАХСУС ҚИСМ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10-мавзу. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига ёндашув

1. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари.
2. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимининг шаклланиши.
3. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилиги.
4. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва инсон ҳуқуқлари.
5. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим – инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг асоси.

1. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йилларини шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин бўлиб, бу икки босқичнинг ҳар бирида инсон ҳуқуқлари ҳам ўзига ҳос ривожланиш тарихига эга.

Биринчи босқич – 1991–2000 йиллар: биринчи даражали ислоҳотлар ва ўтиш даври ислоҳотлари ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш. Бу даврда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган асослари барпо этилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш тизими шакллантирилди. Айни шу йилларда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид олтита асосий ҳужжатларига қўшилди, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим тизими ташкил этилди.

Кейинги босқич – 2001 йилдан – ҳозиргача: фаол демократик янгиликлар ва мамлакатни модернизациялаш даври. Бу давр, *биринчидан*, умумдавлат ва минтақалар манфаатларини ифодаловчи икки палатали парламентнинг ташкил этилиши ва фаол ишлаши асосида қонунчилик ҳокимияти роли ва таъсирининг кучайиши; *иккинчидан*, давлат микросидаги муҳим қарорлар қабул қилинишида сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ва таъсирининг ошиши, давлат тузилмалари устидан жамоатчилик назорати ва мониторингини

амалга ошириш борасида нодавлат нотижорат ташкилотлари нуфузи ва аҳамиятининг ошиши; *учинчидан*, суд-ҳуқук тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилган туб ислоҳотларнинг амалга оширилиши, жазо тизимидан ўлим жазосининг чиқариб ташланиши, суд ҳокимияти мустақиллиги ва самарадорлигининг мустаҳкамланиши; ва *тўртинчидан*, инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида кенг ахборот-маърифий ишларнинг амалга оширилиши, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва уни ривожлантириш билан тавсифланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – Конституциянинг асосий принципи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ва пировард мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чакирик XIV сессиясида сўзлаган нутқида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида миллий институтлар тизимини тузиш, ЕХХТ/ДИИХБ билан инсонийлик мезонлари масаласида ҳамкорликни кучайтириш, ноҳуқумат ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш зарурлигини уқтириб ўтган эди¹ Мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тизими шаклланди. Конституция, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро битимларда мустаҳкамлаб қўйилган халқаро нормалар ва андозалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон қонунларининг негизи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонунлар қабул қилинган. Айти пайтда мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартнома ва конвенцияларга қўшилган. Улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг фаолияти, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва мажбуриятлари, шунингдек, қатор бошқа жиҳатларини ҳам тартибга солади.

Конституциянинг иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Конституцияда инсон ҳуқуқлари энг олий кадрият сифатида эътироф этилади. Шу боис, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга устувор эътибор берилишини таъкидлаб, Ўзбекистон Президенти И. Каримов ўз чиқишларида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг қуйидаги бешта асосий тамойилларини кўрсатиб берди:

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т. Ўзбекистон, 1999.

биринчи, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;

иккинчи, инсон ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни халқаро нормалар асосида такомиллаштириш;

учинчи, қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

тўртинчи, суд ислохотларини амалга ошириш йўли билан бутун суд тизимини демократлаштириш;

бешинчи, аҳоли, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахслар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш¹

Мазкур тамойиллар мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида асосий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда ва айнан шу тамойиллар асосида инсон ҳуқуқлари масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими ва уларни ҳимоя қилишнинг миллий механизми шаклланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз сиёсатини қуйидаги тамойиллар негизида қурмоқда:

биринчи тамойил – инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэътироф этилган ғоялар ва қадриятларга ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзининг халқаро мажбуриятларига содиқлик;

иккинчи тамойил – инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий давлатчилик ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган асосий миллий манфаатлардан келиб чиқиши;

учинчи тамойил – шахс манфаатлари устуворлигини таъминлашда Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанати тамойили;

тўртинчи тамойил – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги барча ислохотларнинг тадрижий босқичма-босқич амалга оширилиши ва тизимлилик хусусияти;

бешинчи тамойил – алоҳида тоифадаги шахслар: болалар, ёшлар, аёллар, ногиронларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги;

олтинчи тамойил – очиқлик ва ошқоралик;

¹ Саидов А.Х., Султонов С.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Инсон ҳуқуқлари. – Т. Адолат. 1998. – Б. 6.

еттинчи тамойил – давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан ижтимоий ҳамкорлиги;

саккизинчи тамойил – инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол халқаро ҳамкорлик.

2. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимининг шаклланиши

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларига оид яхлит қонунлар тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва бошқа халқаро битимларда мустаҳкамлаб қўйилган халқаро андозалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунларнинг негизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги катта миқдордаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Конституция, конституциявий қонунлар, кодекслар, қонунлар, қонуности ҳужжатлари)дан ташкил топган. 1992 йилда қабул қилинган Конституцияда инсон ҳуқуқлари бўйича алоҳида бўлим мавжуд бўлиб, унда Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясида назарда тутилган инсон ҳуқуқларининг барча турлари, барча қирралари ўз аксини топган. Конституцияга мувофиқ комплекс қонунлар қабул қилинган бўлиб, уларда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тасдиқланмоқда ва аниқлаштирилмоқда. Уларга: Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Жиноят, Жиноят-процессуал, Хўжалик-процессуал, Жиноят-ижроия, Меҳнат, Оила, Ер, Уй-жой, Солиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс каби 15 та кодекс ва 600 дан зиёд қонунлар киради.

Ҳеч бир алоҳида қонуннинг қондаси Конституцияда белгилаб қўйилган инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин эмас, агар бундай чеклаш ҳолати мавжуд бўлса, бу масала Конституциявий судга бундай чеклашнинг конституциявийлигини аниқлаш учун берилиши мумкин. Инсон ҳуқуқларининг чекланиши халқаро нормаларга мувофиқ (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддаси), миллий ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, миллатнинг маънавий ва руҳий соғлигини химоя қилиш мақсадларида амалга оширилиши мумкин ва у қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Юқорида қайд этганимиздек, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид юздан ортиқ қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар Ўзбекистон қўшилган инсон ҳуқуқларига оид 70 га яқин халқаро шартнома ва конвенцияларнинг нормаларини ўзида акс эттиради.

Профессор А.Х. Саидов Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик тизимини беш таркибий қисмга бўлади. Булар:

биринчиси, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар – виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг мурожаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат, муқобил хизмат тўғрисидаги ва бошқа қонунлар;

иккинчиси, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар – жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, сайловлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари, оммавий ахборот воситалари, ахборот олиш эркинлиги ва қафолатлари, референдум тўғрисидаги ва бошқалар;

учинчиси, фуқароларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунлар – мулкчилик, тадбиркорлик, ер, ижара, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш, гаров, сугурта, деҳқон хўжалиги, банкротлик, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар, фуқаролик, меҳнат, солиқ, божхона кодекслари;

тўртинчиси, инсоннинг маданий-маънавий ҳуқуқларига оид қонунлар – фан, таълим, маданият, музейлар, маданий меросни ҳимоя қилиш, давлат тили тўғрисидаги ва бошқа қонунлар;

бешинчиси, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар (кўп томонлама ва икки томонлама) – миллий тизимнинг таркибий қисми сифатида¹

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида инсон ҳуқуқларига оид қуйидаги муҳим халқаро ҳуқуқий қондаларни мустақкамлаган:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш давлат мажбуриятидир;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимининг халқаро ҳуқуқий андозаларга мос келиши ва бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб тааллуқлидир, яъни табиийлик ғояси ва назариясининг эътироф этилиши;

¹ Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги: аҳвол, муаммолар ва истикболлар // “Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳужжатлари. – Т.: Ижтимоий фикр, 1998. – Б. 19.

тўртинчидан, ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг тенг ва баробар тааллуқлилиги;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат идоралари фаолиятининг мазмунини ташкил этиши;

олтинчидан, фуқароларнинг кафолатланган суд ҳимояси билан таъминланиши;

еттинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилмаслиги зарурлиги.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид конунчиликнинг ўзига хос хусусиятларига:

биринчидан, инсон ҳуқуқларини тўла амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;

иккинчидан, конституциявий адлия (судлов)ни ривожлантириш;

учинчидан, инсон ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий институтларни шакллантириш ва улар фаолиятини такомиллаштириш;

тўртинчидан, янги демократик институтларни, жумладан, омбудсман институтини тараккий эттириш киради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий конунчилик тизimini ташкил этувчи юздан ортик конунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг ва инсоният ҳуқуқий маданиятининг барча илғор кадриятлари чамбарчас узвий боғлиқ эканлиги ўз аксини топди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича барча меъёрларни бажариш барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбурияти ҳисобланади. Унда жамият кенг қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билимларни ўрганиш ва уларни тарқатиш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги

Ўзбекистонда қурилаётган демократик инсонпарвар фуқаролик жамияти мулк шаклларининг янги тизими, қудратли ишлаб чиқариш қучлари ва воситалари, илғор фан ва маданият барпо этиш, халқ фаровонлигини ошириш, такомиллаштириш, шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қулай шароитлар вужудга келтираётган жамиятдир.

Адолатли фуқаролик жамияти мамлакатимизда яшовчи барча халқларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосида фуқароларнинг дўстлиги ва бирлигини яратиб, ғоят уюшган, юксак онгли ва маърифатли кишини камол топтирмақда, ҳар бир фуқаронинг бахт-саодати тўғрисида ҳамманинг ғамхўрлик қилиши ва ҳамманинг бахт-саодати тўғрисида ҳар бир фуқаронинг ғамхўрлик қилишини ўз ҳаётий қонун қилиб оладиган байналмилал жамиятдир.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқалар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаролик ҳуқуқига эга. Инсоннинг фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиниши, камситилиши қонун билан манъ этилади.

Ҳар бир инсон, шу давлат фуқаросими, чет эл фуқаросими ёки фуқаролиги бўлмаган шахсми, барибир ўзи истиқомат қилаётган давлат ҳудудида шу давлат билан ҳуқуқий алоқада бўлади. Барча фуқаролар истиқомат қилаётган шу давлат қонунларига, ижтимоий ва ҳуқуқий тартиботга тўла риоя қилишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва фуқаролиги тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат билан фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий муносабатларини, бу муносабатлар уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ифодалашни орқали келиб чиқиши аниқ ифодаланган.

“Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Фуқаролик ҳар бир шахсга республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий турмушида мумкин қадар тўлароқ иштирок этиш имконини беради. Чунончи, шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилар экан, бу билан у Конституциямиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Шунингдек, у маълум бурчларни ҳам бажаришга мажбурдир. Табиийки, Ўзбекистон давлати ҳам

фукароларнинг манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади”¹.

Ўзбекистон давлати ўз органлари, мансабдор шахслари орқали фукаролар олдида, фукаролар эса, давлат олдида масъулдирлар. Давлат мамлакатимиз ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фукароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Фуқаролик деганда, инсоннинг ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий томондан ҳимояланиши ва қонуний манфаатларининг давлат ичида ва унинг ташқарисида қўлланиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фукароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро нормаларга мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар”, дейилиб, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми қонуний ифода этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мамлакат ҳудудида чет эл фукароларининг доимий ёки вақтинча истикомат қилиш жараёнидаги демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини аниқ-равшан белгилаб берган. Уларга Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан қафолатланган демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар берилиб, мамлакат фуқаролари билан тенг фойдаланадилар.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг шахсий, мулкӣ, оилавий, ижтимоӣ-иқтисодӣ, ижтимоӣ-маданий, меҳнат қилиш, дам олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, малакали тиббий ёрдам олиш, ижтимоӣ таъминот олиш, уй-жойли бўлиш, билим олиш, тарихий, маданий ёдгорликлардан фойдаланиш каби ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳам кенг фойдаланадилар. Уларга мулкдорлик, фан, адабиёт, санъат, ихтиро, рационализаторлик ҳуқуқлари берилган. Шунингдек, улар виждон эркинлиги, тижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Бу ҳуқуқ ва эркинликларга тўсқинлик қилинган тақдирда улар маъмурий ва суд органларига ҳимоя қилиниш учун мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон қонунчилиги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кенг демократик эркинликлар берилиши билан улардан ўзбек жамияти ва давлати ўрнатган тартиб-қоидаларга зид хатти-ҳаракат қилмасликларини талаб этади.

¹ Каримов И.А. Конституция тўғрисида. – Т.: Академия, 2000. – Б. 54.

Айни пайтда чет эл фукарolari ва фукарoлиги бўлмаган шахсларга давлатимиз фукарolari билан демократик ҳуқуқ ва эркинликларда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида тенглик берилган, деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Қатор ҳуқуқ ва эркинликлар борки, улар характери жиҳатидан фақат Ўзбекистон фукарolarига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир инсонга, ҳар бир фукарога тааллуқли бўлиб, улар барча учун тенг ва баробардир. Конституциянинг Муқаддимасида инсон ҳуқуқларига содиқлик тантанали равишда эълон қилинган, унда ҳозирги замон конституцияларига хос бўлган умумий йўналишлар акс этган, инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринга қўйилган, унда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, уларнинг кафолати ҳамда фукарolarнинг бурчлари мустаҳкамланган.

Фукарolarнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. *“Давлат органлари ва мансабдор шахслар, дейилади Асосий Қонунимизнинг 2-моддасида, жамият ва фукарolar олдидан масъулдирлар”* Бу фукарolarнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устунлигини ва улар конституциявий даражада кафолатланишини англатади. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни ва кадр-қиммати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас бўлиб, улар давлат томонидан ҳимояланади.

Ўзбекистон Республикаси фукарolarининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинлик ва бурчлари уларнинг жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларини ўзида ифодалайди, давлат манфаати билан шахс манфаати бирлигида ўз аксини топади, шунинг учун ҳам, бу эркинликлардан фукарolar кенг фойдаланиб, ўзларига юклатилган бурчларни виждонан бажаришга интилади.

Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фукарoлик жамиятида фукарolarнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари уч гуруҳга бўлинади:

Ўзбекистон фукарolari, эркинлик ва бурчларининг *биринчи гуруҳига* уларнинг уй-жой дахлсизлиги, шахсий хатларининг сир сақланиши, виждон эркинлиги, мулк, ворислик каби ҳуқуқлари қиради. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар ўзбек жамияти ва давлатида шахс камолотининг асосий омилидир.

Иккинчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси ўз фукарolarининг сиёсий ҳуқуқлари ва демократик эркинликларига асосан жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларга уюшиш, сайлаш ва сайланиш, сўз, матбуот эркинлиги, мажлис ва митинглар ўтказиш ҳуқуқларидан иборат.

Учинчи гуруҳ ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар бўлиб, улар меҳнат қилиш, дам олиш, моддий таъминот каби ҳуқуқлардан иборат.

Мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг шаъни, кадри, обрў-эътиборини ҳимоя қилувчи қатор қонунларнинг жорий этилиши халқаро нормаларга тўла мос келади ва ҳақиқий демократик, инсонпарвар, адолатли давлат тузумининг инсоний моҳиятидан келиб чиқади.

Конституциянинг 25-моддасида “ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга” эканлиги таъкидланади. Шунингдек, Конституциянинг 27-моддасида “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойининг дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари тарзда бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмас”, – деб фуқароларнинг бу борадаги демократик ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний ифода этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига асосан ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Республикаимиз фуқаролари мансабдор шахслар, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ножўя ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқароларнинг шикоятлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши лозим. Мансабдор шахсларнинг қонунни бузиб, ваколат доирасидан чиқиб қилган ғайриқонуний ҳаракатлари, шунингдек, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситадиган ҳаракатлари устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-боби фуқароларнинг бурчлари (мажбуриятлари)га бағишланган бўлиб, шунга кўра, Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг энг муҳим бурчлари (мажбуриятлари)дан бири Конституция ва қонунларга риоя қилиш, Асосий қонунда белгилаб қўйилган бурчларни бажаришдир (47- ва 48-моддалар). Мазкур конституциявий талаб замирида мамлакатда қатъий қонунчилик режимини таъминлаш мақсади ётибди.

Конституция ва қонунларга риоя этиш – нафақат уларнинг қондаларини бузмаслик, балки фуқаролар ўз фаолияти, ҳаёт тарзи билан конституциявий тамойил ва асосларни, қонунчилик нормаларини реал воқеликка айлантиришга кўмаклашишлари демакдир. *“Фуқаролар, – деб таъкидланади Конституциянинг 48-моддасида, – Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар”*¹.

Халқаро меъёрлар талабига мувофиқ, Ўзбекистонда нафақат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини конституциявий-ҳуқуқий ҳимоялаш асослари ва кафолатлари шакллантирилди, балки уни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш юзасидан ташкилий механизм ҳамда тегишли миллий инфратузилма ҳам вужудга келтирилди.

4. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари ва инсон ҳуқуқлари

Ҳуқуқий давлатга асосланган фуқаролик жамиятини қуришни бугунги кунда аксарият демократик жамиятлар каби бизнинг жамиятимиз ҳам ўзининг пировард мақсади қилиб олган бўлиб, бу йўлда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ичида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш долзарб ва доимий вазифа ҳисобланади. Чунки, *“Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир”*².

Шунинг учун ҳам, мустақилликка эришилган дастлабки даврданоқ мамлакатимизда бу соҳадаги ислохотлар собитқадамлик билан амалга ошириб келинмоқда. Жиноят қонунчилиги либераллаштирилмоқда ва суд тизимида ихтисослашувлар амалга оширилмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада яхшироқ таъминлашдаги аҳамияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шундай деган эди: *“Суд ислохотларини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифа-*

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – Б. 18.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 16.

тида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш – ҳуқуқий давлатни мустақкамлашининг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи лозим.

Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим”¹.

Давлат бошлиғининг мустақилликнинг дастлабки кунлариданок суд ҳокимиятига бундай жиддий эътибор қаратиши ва мамлакатда суд-ҳуқуқ ислохотларига катта аҳамият беришидан мақсад, авваламбор, ҳуқуқий фуқаролик жамиятига асосланган демократик давлат куриш эди.

Чунки, мустабид даври суд ҳокимиятининг фаолият юритиш тамойиллари бу ҳокимиятни кўпроқ жазоловчи орган сифатида намоён қилган эди. Бу даврнинг суд ҳокимияти сиёсий партия ҳукмронлиги остида ва асосан, юқори лавозимли партия амалдорлари тайзики остида иш олиб борганликлари натижасида мустақил фаолият кўрсата олмаган ҳамда амалда ўзининг “адолат тарозиси” сифатидаги ролини тўлик бажара олмаган. Ҳатто, носудлов органлари томонидан инсонларни жазога тортиш ҳоллари юз берган. Бунга тарихдан жуда кўплаб мисоллар келтирилади. Бу даврда етарли даражада адолатли иш олиб борилмаганлиги оқибатида қанчадан-қанча шахслар, ҳамюртларимиз сиёсий катағон қурбонлари бўлган.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларидан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан кун тартибига, энг аввало, Асосий қонунимиз – Конституцияни қабул қилиш масаласи қўйилди. 1992 йил 8 декабрда ўз урф-одатларимиз, миллий тарихимиздан келиб чиқиб ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, 1991 йил 30 сентябрда Ўзбекистон қўшилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларига мос келувчи Конституциямиз қабул қилинди. Конституциямизда ҳокимиятлар бўлиниш тамойилига асосланиб суд алоҳида мустақил ҳокимият, яъни суд ҳокимияти даражасига олиб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялар-

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. Т Ўзбекистон, 1997

дан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилди. Шунга асосланиб, ҳозирда ҳам республикамызда суд-ҳуқуқ ислохотлари жадаллик билан давом эттирилмоқда. Бу бо-рада кейинги йилларда судларнинг такомиллашуви юзасидан бир канча Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, қонунлар қабул қилинди.

Жумладан, 1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”, 1999 йил 23 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида”, 1993 йил 2 сен-тябрда “Судлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, 2001 йил 14 декабр-да ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164–II-сонли “Судья-лар малака ҳайъатлари тўғрисида”ги, “Суд ходимларининг мала-ка даражаси тўғрисида”ги, “Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги низомларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2001 йил 23 сентябрдаги 383-сонли “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси” ташкил этилди. Мазкур фармонга кўра, 2001 йил 19 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-даги судьяларни танлаш ва лавозимга тавсия этиш бўйича “Олий малака комиссияси тўғрисида”ги Фармон асосида ташкил этилган комиссиянинг янги таҳрирдаги низоми тасдиқланиб, комиссия зим-масига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, барча бўғиндаги судьяларни танлаш ва лавозимга тақдим этиш вази-фалари юклатилди. Эндиликда ҳар бир вилоят, шунингдек, унга тенг-лаштирилган судлардаги малака ҳайъатларининг ўзи суд кадрларини унинг лаёқати, ахлоқий ва ишчанлик сифатлари, билим даражаси, дунёқараши, амалий иш тажрибасига жиддий эътибор берган ҳолда танлайдиган бўлди ва бу малака ҳайъатларига улкан масъулият юкла-ганлигидан ҳам далолат беради¹

¹ Усмонов А. Мустақиллик йилларида суд ҳокимиятини одил судловни амалга оширувчи ахлиқ тизим сифатида шакллантириш.//“Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ор-ганлар фаолиятини янги асосларда шакллантириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Т. ТДҚН, 2007. Б. 18.

Суд ҳокимияти суд қарорларини ижро этиш каби ижро ҳокимиятига хос бўлган вазифалардан озод қилинди. Бу ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатлар бўлиниш тамойилининг мазмун-моҳиятини яна бир қарор топиши бўлди. Суд тизимидаги мазкур ўзгаришлар янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида “Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти” ташкил этилди. Бу тузилманинг ташкил этилиши судларнинг бутун диққат-эътиборини ўзига хос бўлмаган вазифалардан халос қилиб, асосан одил судловни амалга оширишга қаратиш имконини берди.

Суд ҳокимиятида амалга оширилган энг катта ўзгаришлардан бири умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилгани бўлди. Авваллари бир вақтда ҳам жиноят, ҳам фуқаролик ишини кўрган судья эндиликда фақатгина ё фуқаролик ёки жиноят ишини кўрадиган бўлди. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларнинг ташкил этилиши жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда сифатли кўриб чиқиш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилинишига ёрдам бермоқда.

Ислохотлар даврида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилиб, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилганлиги хусусида Юртбошимиз, 2010 йилнинг 12 ноябрида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги қилган маърузасида шундай дейди: “Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислох қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яшин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини таъкидлаш лозим. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди.

Шу борада куйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатишган бўлса, 2009 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган¹.

Ўзбекистонда суд ҳокимиятини ислоҳ қилишда, “Хабес корпус” институти, яъни санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилиши билан боғлиқ жиноят-процессуал ҳуқуқи институтининг бугунги жиноят-процессуал жараёнига киритилиши билан одил судловни амалга оширишда адолатлилик, инсонпарварлик принципларининг ҳақиқий тантана қилиши учун яна бир ҳуқуқий қафолат яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда, 2007 йилнинг июлида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши билан 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қамоққа олишга санкция бериш ваколати судларга ўтказилди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг процессуал қафолатларини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим кадам бўлдики, унга кўра, дастлабки терговга ҳолислик, тортишувчилик, судга мурожаат қилиш эркинлиги ва суд орқали ҳимояланиш принциплари кучайтирилди. Яъни, терговчи ва прокурор гумон қилинувчи ва айбланувчини қамоққа олишга ёки дастлабки тергов муддатини узайтиришга фақат суднинг қарори билан ҳақли бўлдилар². Бунинг амалий натижаси тўғрисида гапирганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида келтирган далилларини айтиш айни муддао бўлади: “*Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва нуқта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда қўшма амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил си-*

1 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. Т Ўзбекистон, 2011. Б. 18.

2 Иноғомжонова З.Ф. Дастлабки терговда суд назоратини амалга ошириш механизми.//Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янгича асосларда шакллантириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Т ТДЮИ, 2007. Б. 6-7.

фатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди"¹.

Демак, суд мажлисида айблов ва ҳимоя тарафларининг тенглигини таъминлашнинг яна бир ҳуқуқий асоси яратилиши билан миллий қонунчилигимиз нафақат ривожланиш босқичига чиқди, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг янада самарали механизми яратилди.

Шунингдек, 2008 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони²да ҳам мамлакатдаги демократик ислохотларни, шу жумладан, суд ҳокимиятидаги ислохотларни, яъни унинг чин инсонпарвар ва адолатли ҳокимият сифатидаги мавқеини янада ошириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июндаги "Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори ҳам суд ҳокимияти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қилинган муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Ушбу Марказни ташкил этишдан мақсад, мамлакатдаги суд ҳокимиятида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш ва унинг адолатпарварлик ролини янада кучайтиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш ва судьяларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган 2012 йил 3 августдаги ва 2012 йил 30 ноябрдаги фармонлари қабул қилинди. Уларда судьяларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ёшига нисбатан цензлар ўзгартирилди. Ушбу фармонлар суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва ўрнини оширишга, суд органларининг мустақил иш юритишда ва суд ходимларининг ижтимоий мақомини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, судьялик лавозимига захирага олинган

1 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2011 б. 22.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони.// Халқ сўзи. 2008 йил 2 май.

шахслар ҳамда илк бор судьялик лавозимига тайинланган (сайланган) судьяларни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари кўзда тутилган.

Суд тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда жиноят қонунчилиги қундан-қунга такомиллаштирилиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2001 йил 29 августдаги Иккинчи чақирик 6-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти жиноят қонунчилигининг инсонпарварлик ва адолат тамойилларидан келиб чиқиб, жазони либераллаштириш тўғрисидаги қонунчилик ташаббуси билан чиқди. Бунга кўра, Олий Мажлис томонидан Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун қабул қилинди.

Мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш натижасида Жиноят кодексига оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи қатта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Мамлакат қонунчилигидаги инсонпарварлик тамойилларига содиқликнинг яна бир белгиси эса, жиной қонунчилигимиздан ўлим қазосини бутунлай чиқариб ташлаш бўлди. 2005 йилнинг 1 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида ҳамда ушбу Фармоннинг мантаний давоми сифатида 2007 йилнинг июлида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим қазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига биноан, Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим қазоси қазо тури сифатида чиқариб ташланди ва у энди қўлланилмайди. Унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш қазо тури жорий этилди.

Ўзбекистонда ўлим қазосининг бекор қилинишининг аҳамияти хусусида Президент И. Қаримов шундай дейди: “Мамлакатимизда ўлим қазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг қатта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, албатта, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан *Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиной қазо тизимлари*

дан бири яратилди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Полшада 5 та, Белгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас¹.

Жиноят қонунчилигини либераллаштиришда иқтисодийёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамок ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилиши бу қонунчиликни янада инсонпарварлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 11 та моддасига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилди².

Яъни, жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлик қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тарикасида жазо тайинланишига йўл қўймайдиган меъёрлар кенгайтирилди. Жазо тизимида муқобил жазо турлари кўпайтирилди. Бу билан эса, содир этилган жиноятлар учун жазолар одилонга бўлиши ҳам таъминланмоқда.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамокдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ қамайдиганининг

1 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. - Т.: Ўзбекистон, 2011. Б. 21.

2 Ўша жойда. Б. 20.

ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислохотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир¹.

Жиноят қонунчилигида кўзда тутилган ушбу енгилликларни кириштирдан мақсад, инсонни имкони борича жамиятдан ажратмасликка, унга ўз ахлоқини ўз вақтида тузатиб олиши учун янада кўпроқ ва муқобил имкониятлар яратиб беришга қаратилгандир.

Мамлакатда амалга оширилган ислохотлар жараёнида ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув инсти­ту­ти киритилиши ва бу институтнинг самарали фаолият кўрсатишини ислохотларнинг ижобий натижалари сифатида алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Мазкур институтнинг аҳамияти тўғрисида Президентимиз шундай дейди: “Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинойий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлик қоплаб берган тақдирда жинойий жавобгарликка тортилмайди.

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилиқ каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган”². Бугунги кунга келиб ярашув институтининг жорий этилиши натижасида 130 минг нафарга яқин фуқаро жинойий жавобгар­ликдан озод этилди.

Ўзбекистон Олий суди Пленум мажлисларида суд амалиёти­ни кўриб чиқар экан, инсон ҳуқуқларининг барча турларини химоя қилишга алоҳида эътибор қаратади. Олий суд Пленуми гомонидан чиқариладиган қарорлар ҳуқуқни шарҳлаш акти ҳисобланади ва барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари учун умуммажбурий ху­сусият касб этади. Олий суд пленумлари инсонларнинг шахсий дахл­сизлигини таъминлаш ва қийноққа қарши курашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунга Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли ва 2004 йил 24 сентябрдаги “Далиллар мақбул­лигига оид Жиноят-процес-

1 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т. Ўзбекистон, 2011. – Б. 20.

2 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т. Ўзбекистон, 2011. – Б. 22–23.

суал конуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 12-сонли Қарорларини мисол қилиб келтириш мумкин.

2005 йил 1 июлдан тадбиркорлик субъектларига қатор ҳуқуқий таъсир чоралари, жумладан, молиявий санкцияларнинг фақат суд тартибида қўлланиш тартиби киритилди. Ушбу механизмнинг жорий қилиниши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни қўшимча қафолатлаш имкониятини яратишга ва тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чеклашга йўл қўймасликка ёрдам берди. Шунинг таъкидлаш лозимки, 2007 йил 1 январдан фуқароларга бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини нафақат фуқаролик ва хўжалик судлари орқали, балки ҳакамлик судларига мурожаат қилиш йўли билан ҳимоя қилиш имкониятини берган Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни кучга кирди. Доимий ёки вақтинчалик асосда ташкил этиладиган ҳакамлик судлари фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган хўжалик низоларини ҳал этишга қаратилган.

2008 йил декабрда ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларга ва маҳкумларга амнистия актини қўллаш бўйича ваколатини судга ўтказиш йўли билан амнистия актини қўллаш тартиби қонун даражасида такомиллаштирилди ва бу омил бугунги кунда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинларини суд томонидан ҳимоя қилиш қафолатларини таъминловчи асосий механизмлардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2009 йил январда суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда суд ҳужжатларини ижро этмаслик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиришлар суд қарорларини ижро этишни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу, шубҳасиз, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини қафолатлашга хизмат қилади.

Юқоридаги баён қилинган ҳолатларни ҳисобга олсак, ҳуқуқий демократик давлат қуриш даврида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларида ижобий натижаларга эришилмоқда. Давлатимиз раҳбари Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган маърузасида “Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ”, – дея

таъкидлаганларидек, жазонинг қайта тарбиялаш ва огохлантириш таъсири асло унинг оғирлигида эмас, балки канчалик мукаррар ва адолатли эканлигидадир¹.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар эришилган ютуқлар билан тўхтаб қолгани йўқ. Балки бу ислохотлар янада янги босқичга чиқмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида қилган маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш юзасидан қуйидаги йўналишларда аниқ-тадбирларни амалга ошириш бўйича ўз тақлифларини илгари сурди:

Биринчи. Амалдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш, уни қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этиши таъкидланди.

Мазкур ташаббуснинг амалий натижаси сифатида 44 моддадан иборат мазкур Қонуннинг янги лойиҳаси 2012 йилнинг 5 декабрь куни Сенат томонидан мақулланган ва 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган ва у бугунги кунда кучга кирди. Ушбу ҳужжат қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш, халқаро ва миллий қонун ижодкорлиги амалиётини ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг янада самарали механизмларини яратиш ҳамда сифатини ошириш мақсадида тайёрланган. Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини, уларнинг лойиҳаларини тайёрлашда қатнашадиган органларнинг масъулиятини оширишга, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижро этилишини самарали ташкил этишга ёрдам беради.

¹ Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Расмий нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Т. Адолат, 2007. – Б. 3.

Иккинчи. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш. Яъни, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини факат судянинг санкцияси асосида қўллаш тартибини ўрнатиш орқали, Хабеас корпус институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йилнинг июлида қабул қилинган, Сенат томонидан 30 августда маъқулланган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 18 сентябрда тасдиқланган ва бугунги кунда қучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра мазкур ташаббус ўзининг қонуний шаклини топди.

Учинчи. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини факат прокурор зиммасига юклаш. Мазкур нормани ўрнатиш суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва беғаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини қучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра мазкур ташаббус ўзининг қонуний шаклини топди.

Тўртинчи. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши кўзғатишга доир ваколатини чиқариш. Судни жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасидан чиқариш ва судни шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини ҳолис баҳоловчи орган сифатидаги ролини мустаҳкамлаб қўйиш.

Мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикасининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра ўзининг қонуний шаклини топди.

Бешинчи. Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғриси-

даги Қонунни қабул қилиш. Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий қафолатларини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келади.

31 моладан иборат бўлган мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 7 ноябрь куни қабул қилинган, 5 декабрь куни Сенат томонидан маъқулланган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 25 декабрь куни тасдиқланди.

Қонуннинг асосий мақсади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тезкор-қидирув фаолиятининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини, шунингдек, тезкор-қидирув хусусиятига эга бўлган тадбирларни амалга ошириш вақтида қонунийликка риоя этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишининг реал ҳуқуқий қафолатларини яратишдан иборат. Ушбу Қонун тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солидиган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган амалдаги нормаларни мунтазам ҳолга келтириш, суриштирув ва дастлабки тергов сифатини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга ўз вақтида чек қўйиш чораларининг самарадорлигини ошириш имконини беради, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини либераллаштиришга ёрдам беради.

Олтинчи. Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш. Бунда, авваламбор, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур.

Унда, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим. Бугунги кунда мазкур кодексни янада такомиллаштириш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Еттинчи. Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 июндаги ПҚ-1555-сон “Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига асосан Адлия вазирлиги тизимида давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича бош бошқарма ва унинг минтакаларда бўлимлари ташкил этилди.

Саккизинчи. Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқлигини, юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичи эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди¹

5. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим – инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг асоси

Демократик тамойилларга асосланган янгича фикрловчи жамиятни қуриш, албатта, янги давлат учун ҳар томонлама чуқур ўйланган таш-

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. Т Ўзбекистон. 2011 Б. 28.

килий, ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бу жараёнда ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятларини нафақат яхши билувчи, бу ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошира оладиган ва ўз мажбуриятларига виждонан ёндашадиган, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қила оладиган кўникмага эга бўлган юксак ҳуқуқий маданиятли, кучли фуқаролик позициясига эга бўлган инсонлардан ташкил топган жамиятни шакллантириш ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Шунинг учун ҳам ўтган давр мобайнида мамлакат таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Нафақат таълим тизимида, балки ҳамоҳанг равишда давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам амалга оширилаётган ислохотларда демократик тамойиллар асосидаги янги фанлар ёш авлоднинг дунёқарабини ўзгартиришда катта роль ўйнамоқда.

Ана шундай фанлар қаторида, мустабит тузум пайтида таълим тизимиз учун нотаниш бўлган инсон ҳуқуқлари масаласи ва унинг узлуқсиз таълим тизимига киритилиши мамлакатдаги ислохотларда, давлат ва жамиятни модернизация қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳал қилувчи омил бўлди.

Инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг самарали рўёбга чиқарилиши муайян омиллар мажмуига боғлиқ бўлиб, улар орасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти муҳим ўрин тутди. Бинобарин, маданият, бу бевосита жамиятдаги муайян жараёнлар асосида доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб борувчи ҳаётий билимлар ва кўникмалар ҳамда уларнинг мажмуини ташкил этар экан, “Инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг миллий ва халқаро органлар томонидан ҳимоя қилиниш усуллари ва воситалари тўғрисидаги билимлари мажмуи, уларга ўз хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида муносабатда бўлиш “инсон ҳуқуқлари маданияти” тушунчаси”¹ни ташкил этади.

Кўп ҳолларда жамиятда “ҳуқуқий маданият” ва “инсон ҳуқуқлари маданияти” тушунчалари бир хил тушунчалар, деган фикрлар мавжуд.

“Ҳуқуқий маданият” тушунчасини аниқлаш учун бир неча ёндашувлар мавжуд. Ҳуқуқий адабиётда бу тушунча ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабатлар, қонунийлик, ҳуқуқий тартиб, ҳуқуққа риоя этишни қамраб олади.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”. 2010. Б. 286.

Хукукий маданият шартли равишда икки маданиятга бўлинади. Жамиятнинг хукукий маданияти – хукукий онгнинг, конунийликнинг, конунларни такомиллаштириш ва хукукий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният хуқук соҳасида яратган бутун бойликларни камраб оладиган ижтимоий маданият тури. Жамиятнинг хукукий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг хукукий ҳимоя этилиши ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин ҳисобланади.

Шахснинг хукукий маданияти жамият хукукий маданиятининг узвий қисмидир. Бу фаолият хуқук соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахс ва жамиятнинг доимий хукукий бойиши содир бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак хукукий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди.

Хукукий маданият тушунчасини таҳлил қилиш асносида, бу тушунча билан чамбарчас боғлиқ бўлган “инсон ҳуқуқлари маданияти” тушунчасини алоҳида ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, бу тушунча хукукий маданиятни ҳам камраб олиши билан бирга, хуқуқшуносликдан ҳам кенгрок даражадаги муносабатлар, ғоялар, қарашларни камраб олади ва жамият ривожланишининг бугунги босқичида “Инсон ҳуқуқлари маданияти”, деган янги категорияни муомалага кириб келганлигини билдиради.

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари маданияти фақатгина юридик тушунча бўлиб қолмайди. Инсон ҳуқуқлари маданияти асосида инсон шахсиятининг кадр-қиммати ғояси ётади, бу кўпроқ маънавий категория бўлиб, уни тавсифлаганда, унда ахлоқий-маънавий жиҳатлар устунлик қилади. Инсон ҳуқуқлари маданияти шахс, жамият ва халқаро муносабатларни янада инсонпарварлаштиришга қаратилган чора-тадбирларининг кўрсаткичи ҳисобланади.

“Маданият” (лотинча “cultura” сўздан олинган бўлиб – “ишлов бермок”, “қайта ишламок” маъносини беради) – муҳитни қайта ўзгартиришга йўналтирилган турмуш ва онгнинг барча соҳаларидаги инсониятнинг ижтимоий-прогрессив ижодий фаолиятидир¹.

Инсон ҳуқуқлари маданияти – муайян давлат ва жамиятда яшовчи ҳар бир шахснинг, шахслар гуруҳининг, бу жамиятнинг тўла хуқуқли аъзоси ва аъзолари сифатида мамлакатда амал қилувчи халқаро ва миллий хукукий нормаларда ўз аксини топган хуқук ва

¹ Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Самдов. – Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011. – С. 53.

эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини муқаммал даражада билиши, уларни тегишли равишда талаб эта олиши ва қонуний механизмлар воситасида амалга ошира олиш қўникмаларига эга бўлиши ҳамда бошқа шахсларнинг тегишли ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатида бўлиши, шунингдек, ўзининг ва бошқаларнинг инсон ҳуқуқларини бузадиганларга нисбатан муросасиз ҳулқ-атворда бўлишда ифодаланадиган фаолиятидир.

Демак, биринчи навбатда, инсоннинг жамиятдаги мавжудотлар ичида энг улуғи эканлигини ҳис этиши, яшаши, муносиб ҳаёт кечириши учун муайян мезонларга амал қилиши лозимлигини англаб етиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун маълум талабларга жавоб бериши муҳимлигини идрок этиши натижасида шахснинг умумий маданияти юзага келади.

Инсон ҳуқуқлари маданияти ўз моҳиятига кўра инсон ҳуқуқларига доир нормаларни муқаммал билишни, амалий фаолиятда уларга оғишмасдан риоя қилишни, шахс ҳуқуқларига ҳурмат муносабатида бўлишни, инсон ҳуқуқларини бузувчиларга муросасиз ҳулқ-атворда бўлишни кўзда тутати.

Инсон ҳуқуқлари маданиятининг таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- жамиятда ҳуқуқий онгнинг ҳолати, яъни ҳуқуққа онд билим ва тушунишнинг, қонун талабларини талабчанлик билан бажарилишининг заруриятини англашнинг даражаси;

- қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашнинг ҳолати; қонунчиликнинг ҳолати, унинг мазмун ва шаклини такомиллаштириш;

- суд, прокуратура ва ҳуқуқни қўллаш билан шуғулланувчи органларнинг ҳуқуқ соҳасидаги амалий фаолиятининг ҳолати;

- инсон ҳуқуқлари таълимининг даражаси.

Бугунги кунда мамлакатда инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини муқаммал даражада ҳимоя қилиш, инсон учун энг муносиб турмуш тарзини, фаровон ҳаёт шароитини яратиб бериш мақсадида давлат томонидан инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур масалага “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва унда шундай дейилади: “...Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дас-

турини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак¹

Демак, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш баробарида инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мамлакатда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши билан боғлиқ ишларнинг нечоғлик самарадорлиги, унинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ва уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига бўлган муносабатида ўз ифодасини топади. Шунингдек, аҳоли мазкур ҳолатга баҳо бериши, биринчи навбатда, давлат органлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига эътибор қаратади.

Шунинг учун ҳам, давлат ва назорат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни шакллантиришда, давлат органларининг мансабдор шахслари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қўлайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда, мамлакатдаги фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада кенгайтириш ва фаоллаштириш, улар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг янги шакллари ва усулларини яратиш, уларни такомиллаштириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқларини амалга оширишда нечоғлик қонуний ҳаракатланаётганлигини, бу борадаги муаммолар ўрганилади ва натижалар асосида бу муаммоларни ҳал қилиш йўлларини, бу соҳадаги фаолиятни янада такомиллаштиришнинг истиқболларини кўрсатиб берувчи қарорлар қабул қилинади.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Т.. Ўзбекистон, 2011.

Ҳуқуқий маданият ва унинг таркибий қисми ҳисобланган инсон ҳуқуқлари маданияти, демократик, ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланар экан, Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва уни янада мустаҳкамлаш, кўп жиҳатдан, фуқаровий-ҳуқуқий таълим, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқдир.

Чунки, инсон ҳуқуқлари маданияти, инсоннинг шаъни, кадр-қиммати ҳамда инсон шахсига оид кадриятларни ўрнатиш бўйича тизимли, босқичма-босқич ва тўхтамайдиган саъй-ҳаракатлар ҳисобланар экан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим, бу – таълим инсон ҳуқуқлари бўйича билим ва кўникмаларни сингдириш ва нуқтаназарни шакллантириш; бу билимлардан хабардор қилиш, уларни ўқитиш ва тарқатиш йўли билан инсон ҳуқуқлари бўйича умумий маданиятни яратиш тизим ва мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракат ҳисобланади¹.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим қуйидагиларга қаратилган:

инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматда бўлиш муносабатини мустаҳкамлаш;

инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, фуқароларда инсон шаъни, кадр-қиммати ҳиссини шакллантириш;

эркаклар ва аёлларнинг ва барча миллатлар, туб аҳоли, иркий, миллий, этник, диний ва тил гуруҳлари ўртасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик, тенглик ва дўстлик муносабатларига ёрдам бериш;

барча инсонлар учун жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида самарали иштирок этишига имкониятларни таъминлаб бериш;

тинчликни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар фаолиятига қўмаклашиш

Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг мақсади ва мазмунини умумий тушунишга ёрдам бериш;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимга тааллуқли минимал стандартларни биринчи ўринга чиқаришни илғари суриш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий режалар ишлаб чиқиш, амалга ошириш, баҳолаш ва ўзгартириш учун зарур бўлган жараёнлар, қадамларни белгилаш;

¹ Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х. Саидов. Т.:НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011. – С. 5.

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълими бўйича миллий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган инсон, молия ва техника ресурсларига эътиборни жалб этиш;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи миллий ва халқаро ташкилотларнинг самарали ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш ва миллий даражада инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни амалга оширишга ёрдам бериш;

олтинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг мақбул бўлган мақсадлари ва уларга эришишнинг даражаларини баҳолаш учун механизмларни яратиш¹.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим қуйидагиларга имкон туғдириши керак:

- ирки, миллий ёки этник келиб чиқиши, жинси, дини, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, жисмоний ёки руҳий соғлиги ва бошқа шу каби белгиларга асосланган камситишларга қарши курашни ҳамда бундай белгилар асосидаги турфа хилликни ҳурмат қилиш ва тушунишга;

камситмайдиган тиллар бўйича ифодалаш ва камситмайдиган ҳулқ-атворни ишлатишга;

- фикрлардаги турфа хилликни ҳурмат қилиш ва тушунишга;

- кундалик ҳаётда инсон ҳуқуқларига оид нормаларни жорий этишга;

- ўқитувчиларни малакали тайёрлашга;

инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни самарали амалга ошириш учун зарур миллий имкониятлар ва билимни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга.

Умуман олганда, ХХ асрнинг 90-йиллари ва ХХІ асрнинг бошларида инсон ҳуқуқлари таълими масаласига нафақат миллий даражада, балки халқаро миқёсда ҳам катта аҳамият қаратила бошланди. Чунки, инсон ҳуқуқларининг умуминсоний қадрият сифатидаги аҳамиятига катта эътибор билан қарай бошланди. Айниқса, 1993 йили Вена шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ва унинг натижалари бўйича қабул қилинган Вена Ҳаракат режаси, БМТ томонидан 1995–2004 йилларни инсон ҳуқуқлари таълимининг ўн йиллиги, 2008 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг кенг миқёсда нишонланиши, БМТ томонидан 2009 йил – Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим халқаро йили, деб деб эълон қилиши ва бу соҳаларда халқаро ва миллий миқёсларда олиб борилган чора-тадбирлар бунинг яққол

¹ Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х.Саидов. Т.:ИЦПЧ, SMI-ASIA, 2011. С. 5.

далили ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ устуворлигини эътироф этган ва халқаро ҳуқуқий жараёнларда фаол иштирок этувчи суверен мамлакатимиз ҳам мазкур халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (1997 йил), “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” (1997 йил) умуммиллий кўламдаги асосий ҳужжатлар сифатида белгилаб олинган бўлса, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” (1997 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши муҳим, специфик хусусият касб этади.

Шу ўринда, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришдаги дастлабки кадамлардан бири сифатида, 1996 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг бу жараёндаги муҳим масалалардан бири сифатида “Инсон ҳуқуқлари” ўқув курсини барча олий ўқув юртлири ўқув дастурларига киритиш ғоясини илгари сурганлигини алоҳида кайд этиш керак¹.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари маданиятини янада юксалтиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойишининг аҳамияти нечоғли юксак эканини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки, мазкур Миллий дастур ва фармойишнинг асосий вазифаси, мамлакатда узлуксиз конституциявий ҳуқуқий таълим тизими яратиш орқали, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, демократик кадриятларга асосланган фуқаролик жамиятининг тўғри фикрлайдиган, комил аъзосини шакллантириш ҳисобланади.

Албатта, ўтган давр мобайнида, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида кўп ютуқларга эришилди ва бу ютуқлар, ўз навбатида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда катта ёрдам бермоқда. Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги жа-

¹ Қаранг. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 – Б. 136.

раёнлар, хусусан, янги ахборот технологиялари ва ахборот макони, интеграциявий жараёнлар ва бошқалар инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштиришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тизимида ҳам бугунги кунда:

инсон ҳуқуқларини ўқитишда янги сифат даражасига эришишга;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалий муаммоларни илмий жиҳатдан танқидий ўрганишга;

инсон ҳуқуқлари бўйича таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга;

таълим тизимини янги ахборот технологиялари асосига қуришга;

инсон ҳуқуқлари бўйича янги авлод дарсликларини яратиш, инсон ҳуқуқларига оид фанлар бўйича электрон дарсликлар ва электрон ресурсларни яратиш ва уларни донимий равишда янгилаб боришга эътибор қаратилмоқда.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатнинг беш стратегик йўналишларини тўшунтириб беринг.*

2. *Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик тизимининг таркибий қисмларини изоҳлаб беринг.*

3. *Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида ўз аксини топган инсон ҳуқуқларига оид муҳим халқаро-ҳуқуқий қоидалар нималардан иборат?*

4. *Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беринг.*

5. *Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилиги тамойилини қонунчиликда қандай акс этганлиги ҳақида сўзлаб беринг.*

6. *Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий босқичларини биласизми? Уларни айтиб беринг.*

7. *Ўзбекистонда судларнинг ихтисослашувини қандай тўшунасиз?*

8. *Ўзбекистонда Habeas corpus институтининг киритилиши нима билан изоҳланади?*

9. *Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш ва ўлим жазосини бекор қилишининг тарихий аҳамиятини тўшунтириб беринг.*

10. *Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш*

ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да суд-ҳуқуқ соҳасидаки ислоҳотларнинг истиқболларини тушунтириб бering.

11. *Инсон ҳуқуқлари маданиятининг тушунчаси ва асосий белгиларини тушунтириб бering.*

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. Т. Ўзбекистон, 2011.

2. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 йил, 9-сон.

3. Саидов А. Права человека. Учебник-хрестоматия. Т. УМЭД, 2001.

4. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Т. “Konsauditinform-Nashr”, 2006.

5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

6. Мингбоев У Суд фуқаролар ҳимоячиси. Т.: 2001

7. Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янгира асосларда шакллантириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Т.: ТДЮИ, 2007.

8. Рустамбоев М., Никифорова Е. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Т.: “Адолат”, 2006.

9. Саидов А.Х., Султонов С.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Инсон ҳуқуқлари. Т.: Адолат, 1998.

10. Саидов А., Таджиханов У. Ҳуқуқий маданият назарияси. Икки томли. 1-том // Масъул муҳаррир академик Ш.З. Ўразаев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2010.

12. Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда камокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

тўплами: Расмий нашр /Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2007.

13. Образование в области прав человека: национальный и зарубежный опыт /Отв.ред. А.Х. Саидов. – Т.: НЦПЧ, SMI-ASIA, 2011.

11-мавзу. Шахсий ҳуқук ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар

1. Инсоннинг шахсий ҳуқук ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси, тизими, моҳияти ва хусусиятлари.

2. Шахсий ҳуқук ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари.

3. Шахсий ҳуқук ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларнинг халқаро ва миллий механизмлар асосида ҳимоя қилиниши.

1. Инсоннинг шахсий ҳуқук ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси, тизими, моҳияти ва хусусиятлари

Одатда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари ўрганилганда уларни таснифлаш тартиби қабул қилинган. Инсон ҳуқуқлари таснифининг бир неча даражалари мавжуд:

Биринчи даража, ҳуқуқлар инсон ҳуқуқлари тизимида ўрганилиб, уларнинг мақомий ҳолатини белгилашга қаратилган. Шунга кўра, улар икки гуруҳга бўлинади: негатив ва позитив ҳуқуқлар. Негатив ҳуқуқлар сифатида ҳуқуқлар амалга оширилишида давлат уларга аралашувлардан ва шахс эркинлигини бузадиган чеклашларни киритишдан воз кечиши керак. Сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлиги хусусида фикр юритадиган бўлсак, бу масалаларга давлат ҳокимияти томонидан аралашув тақиқланади. Позитив ҳуқуқлар деганда, ушбу ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаб беришда давлатнинг мажбурияти ва қафолати талаб этиладиган ҳуқуқлар тушунилади.

Иккинчи даража, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш доирасини белгилаб беради. Шунга мувофиқ, ҳуқуқлар фуқаролик, жамоавий (коллектив), иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларга бўлинади¹.

БМТ Низомида ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга Факультатив протоколларни ўз ичига олган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро биллда ҳуқуқларнинг қуйидаги бешта асосий гуруҳлари ажралиб кўрсатилади: фуқаролик, сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва маданий.

Фуқаролик ҳуқуқлари – бу табиий характерда бўлган, яъни инсонга туғилиши билан бериладиган ҳуқуқлар. Улар инсоннинг индивидуал

¹ Права человека. Теория и практика. – Бишкек. 1998. – С. 32–33.

эркинлигини кафолатлашга, шахсни бошбошдоқликдан ва давлат ҳамда унинг органларининг аралашувидан ҳимоя қилишга қаратилган. Бундай ҳуқуқлар сирасига яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, шахснинг шаъни, кадр-киммати, адолатли ва мустақил оммавий суд, эътикод эркинлиги, кўчиб юриш эркинлиги каби ҳуқуқлар қиради.

Сиёсий ҳуқуқлар – фуқароларнинг давлат ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятини белгилаб беради. Уларнинг ичида энг муҳимлари: турли давлат органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, партияларга, ассоциациялар, уюшмалар каби турли жамоат бирлашмаларига бириктириш ҳуқуқи, намойишлар, митинглар ва йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи, фуқароларнинг мурожаатлари, сўз эркинлиги каби ҳуқуқлар қиради.

2. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари деганда бу ҳуқуқлар ўз аксини топган халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатлар назарда тутилади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг халқаро ҳуқуқий асосларига халқаро ҳужжатлар қиради ва уларни ҳам шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Халқаро универсал ҳужжатлар: БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга Факультатив протоколлар, 1979 йилдаги “Иркий камситишнинг барча шакллари йўқотиш тўғрисида”, 1989 йилдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”, 1984 йилдаги “Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-кимматни камситувчи турларига қарши конвенция”, 1979 йилдаги “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги” конвенциялар, шунингдек, 1979 йилдаги “Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича мансабдор шахслар хулқ-атвори кодекси”, 1989 йилдаги “Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича мансабдор шахслар хулқ-атвори кодексини самарали амалга оширишнинг асосий тамойиллари”, 1985 йилдаги “Суд мустақиллигини таъминловчи тамойиллар” ва 1990 йилдаги “Суд органларининг мустақиллигини таъминлаб берувчи асосий тамойилларни самарали амалга ошириш ҳақидаги ҳужжат” каби кўплаб турли ҳужжатлар¹ дир.

¹ Багафсил маълумотлар учун қаранг Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т. Адолат, 2004. 520-бет.

2. Минтақаларо ҳужжатлар: ЕХҲТнинг Хельсинки яқунловчи акти ҳамда “Инсонийлик мезонлари”ни ташкил этувчи ҳужжатлар¹ (ушбу ҳужжатлар кўринча, халқаро “юшок” ҳужжатлар сифатида талкин қилинади)

3. Минтақавий ҳужжатлар (*Ўзбекистон бу ҳужжатларда иштирок этмаса-да, уларни минтақавий ҳужжат сифатида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир*): “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Европа конвенцияси (1950 йил) ва унга қўшимча 14 та протокол, “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги Америка конвенцияси (1969 йил), “Инсон ва халқ ҳуқуқларининг Африка хартияси” (1981 йил), МДҲ давлатларининг “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси (1995 йил) қиради.

4. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга қаратилган миллий қонунчилик: Конституция, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси каби кодекслар ва қонунлар (махсус қонунларнинг рўйхати қуйида берилди).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-бўлим ва V IX боблари, яъни 18–52-моддалари Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланади. Шулардан VII боб “Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар” деб номланади ва у 24–31-моддаларни камраб олади. VIII боб эса, “Сиёсий ҳуқуқлар”га бағишланиб, бу ҳуқуқлар 32–35-моддаларда ўз аксини топган.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар табиий ҳуқуқ ва эркинликлар бўлиб, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси, шаъни, кадр-қимматини таъминлашга қаратилган ҳуқуқлар гуруҳи ҳисобланади.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар қуйидагиларни ўз ичига олади	
Шахсий ҳуқуқлар	Шахсий эркинликлар
<i>Яшаш ҳуқуқи</i>	<i>Фикр эркинлиги</i>
<i>Шахсий оахсизлик ҳуқуқи</i>	<i>Сўз эркинлиги</i>
<i>Қонун тамонидан тенг муҳофаза этилиш ҳуқуқи</i>	<i>Виждон эркинлиги</i>

¹ Батафсил маълумотлар учун қаранг: Европада ҳаёсийлик ва дамқорлик ташкилотининг Инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. 2005 168-бет

<i>Айбсизлик презумпцияси (айбсиз деб ҳисоблаш ҳуқуқи)</i>	<i>Дин (эътиқод эркинлиги)</i>
<i>Ўзининг ва яқин кишиларининг ўзига қарши сувоҳлик бермаслик ҳуқуқи</i>	
<i>Одил судловга ва суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ</i>	
<i>Сир сақлаш ҳуқуқи</i>	
<i>Турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи</i>	
<i>Эркин кўчиб юриш ва турар жой танлаш ҳуқуқи</i>	
<i>Ўз давлатидан эркин чиқиши ва қайтиб келиш ҳуқуқи</i>	

Шахсий ҳуқуқлар ичида энг азиз ҳуқуқлардан бири бу **яшаш ҳуқуқидир**. Ушбу ҳуқуқ 1948 йилнинг 10 декабридаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида белгилаб қўйилган, унга кўра, “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир” Бу коида 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартдан эътиборан кучга кирган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг 6-моддасида янада такомиллаштирилди. Ушбу модданинг 1-бандида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ конун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди”, деб кўрсатиб қўйилди. Аммо, ушбу модда ўлим жазосини бутунлай бекор қилмаса-да, барча давлатларни ўлим жазосини бекор қилишга ҳамда 18 ёшга тўлмаган ва ҳомиладор аёлларни олий жазога тортмасликка чакиради.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг ўлим жазосини бекор қилишни кўзловчи Иккинчи қўшимча протоколи БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда 44/128-сонли Резолюция билан қабул қилинган Пактга қатнашувчи барча давлатлар учун очикдир. Иккинчи протокол ўлим жазосини бутунлай тақиқлашни кўзласа-да, айни пайтда, иштирок этувчи давлатларга уруш пайтида олий жазони қўллашга изн беради (2-модда). Бунинг учун давлатлар Протоколни имзолаётган пайтда ўзларининг иродасини очик баён қилиши керак бўлади. Иккинчи протокол ҳозирга қадар 75 та давлат томонидан тўла қабул қилинган.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи кафолатланган ушбу халқаро нормалар, халқчил конституция деб эътироф этилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида ҳам ўз аксини топган, яъни унда “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суикасд қилиш энг оғир жиноятдир”, деб кўрсатиб ўтилган.

Яшаш ҳуқуқининг кафолати сифатида юқоридаги нормаларни ҳаётга жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони муҳим роль ўйнади. Ушбу Фармонга кўра, 2007 йил 15 июнда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 29 июнда Сенат томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига аввал ўлим жазоси кўзда тутилган моддалардаги жазо турлари умрбод ёки узок муддатли жазо турларига алмаштирилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Виждон эркинлиги инсоннинг динга бўлган муносабатини белгилайди. Бундай муносабат уч хил бўлиши мумкин:

биринчидан, инсон худога ишониши ва бирон-бир динга эътиқод қилиши;

иккинчидан, худога ишонмаслиги ва динга бетараф муносабатда бўлиши;

учинчидан, даҳрий (атеист), яъни нафақат ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиганлар, балки худонинг мавжудлигини ва умуман динни инкор этувчи инсон бўлиши мумкин

Фикрлаш, виждон ва дин эркинлигининг моҳияти “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 18-моддасида ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасида очиқ берилган бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:

¹ Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Расмий нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси миллий ҳавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Т.: Адолат, 2007. – Б. 8-18.

Ўз ихтиёрига кўра дин ва эътиқодни қабул қилиш;
дин ёки эътиқодга эга бўлиш;
дин ёки эътиқодни ўзгартириш;
динга яққа ёки жамоа тарзда, оммавий ёки хусусий тартибда таълимот орқали ёхуд тоат-ибодатда эътиқод қилиш;
ибодат қилиш ёки диний ва анъанавий маросимларни бажариш;
ота-оналар ва қонуний васийларга ўз эътиқодларидан келиб чиққан ҳолда фарзандларини диний ва ахлоқий тарбиялаш имкониятини кафолатлаш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида (1998 йил) виждон эркинлиги кафолатлари белгиланган ва улар қуйидагилардан иборат:

- дин ва диний бирлашмаларни давлат ва мактабдан ажратиш;
- динга бўлган муносабатларидан қатъи назар, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- дин ва диний бирлашмаларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;
- “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик;

Жинойят қонуни яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида ўринга эга бўлиб, у яшаш ҳуқуқини ҳимоялаш чораларидан иборат тизимни ташкил этади. Жиноят кодексининг махсус қисмидаги нормаларнинг 26 фоизи у ёки бу даражада фуқаролар ҳаётига тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутишини таъкидлаш етарли. Жабрланувчининг у ёки бу биологик хусусиятлари ва ижтимоий сифатларидан қатъи назар, фуқаролар ҳаёти жиноят қонунлари билан муҳофазаланади.

Инсон ўлимига у ёки бу даражада сабаб бўладиган қилмишлар жиноят қонунлари томонидан ижтимоий хавфли деб тан олинади, чунки ҳар бир инсон ҳаёти ижтимоий кадрият ҳисобланади.

Жиноятлар орасида энг хавфлиси одам ўлдириш бўлиб, у бошқа одамни қонунга хилоф равишда ва қасддан ҳаётдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Конституциянинг 25-моддасига кўра, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик инсоннинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, унга туғилганидан бошлаб тааллуқли бўлади. Ҳар кимга ўз ихтиёрига кўра, уни индивидуал равишда қониктирувчи, шахсий эркинлиги ва дахлсизлигини чекламайди-

ган хатти-харакатларни танлаш ва содир этиш имконияти берилган. Бирок шуни назарда тутиш жоизки, шахс эркинлиги жамиятда умум-эътироф этилган ахлоқ нормалари доирасида ва қонун асосида амалга оширилиши керак, яъни шахс қонунлар ва қонуний актлардаги ҳуқуқий кўрсатмаларга зид бўлмаган ҳар қандай қилмишларни содир этиши мумкин. Бинобарин, шахсий эркинлик дахлсиз бўлиб, шахс дахлсизлиги давлат ва ҳокимият тизимлари томонидан қафолатланадиган шахсий эркинлик сифатида тушунилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги Фармони асосида 2007 йил 15 июнда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 29 июнда Сенат томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб бу ўзгартиш ва қўшимчалар кучга кирди. Жумладан, ушбу Қонуннинг 1-моддаси 1-қисмида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 18-моддасининг 2-қисмида “Ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсага олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги” қондаси белгилаб қўйилди¹. Ушбу қонда, одатда, “Habeas Corpus” институти деб аталади.

“Habeas Corpus” институтининг моҳияти “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” 9-моддасининг 3- ва 4-бандларида белгилаб қўйилган. Хусусан, 9-модданинг 3-бандида “жиноий айблов билан камалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётган шахсларни ҳибсада тутиб туриш умумий қонда бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқиладиганда унинг ҳар қандай босқичига келиш қафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукмни ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин” Ушбу модданинг 4-бандида эса, “Қамоққа олиниши ёки ҳибсада ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз

¹ Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Расмий нашр /Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2007. – Б.20

иншининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, токи суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш берсин”¹.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган Ўзбекистон Республикаси ўз миллий қонунчилигини илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бормоқда. “Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва бошқа процессуал мажбурлаш чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш керак деб ўйлайман”².

“Habeas Corpus” институти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг конституциявий мақомини топди, яъни унинг 19-моддасида “Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”³, деб кўрсатиб қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармонига асосан 2007 йилда қабул қилинган “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизнинг нафақат демократик йўлдан бораётгани, балки у ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини собитқадамлик билан бажариб боришдан манфаатдор эканлигини кўрсатди.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг процессуал кафолатларини мустақкамлаш йўлида яна бир муҳим кадам бўлдики, бу ўз ўрнида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштиришнинг яққол далилидир. Бу қонунга кўра, дастлабки терговга ҳолислик, тортишувчилик, судга мурожаат қилиш эркинлиги ва суд орқали ҳимояланиш тамойиллари кириб келди. Яъни, терговчи ва прокурор гумон қилинувчи ва айбланувчини қамоққа олишга ёки дастлабки тергов муддатини узайтиришга фақат

1 Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам /А.Х. Сандов таҳрири остида. Т. Адолат, 2004. Б. 40.

2 Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон. – Б. 187

3 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон, 2012. – Б. 6.

суднинг қарори билан ҳақли бўлдилар¹. Демак, суд мажлисида айблов ва химоя тарафларининг тенглигини таъминлашнинг яна бир ҳуқуқий асосининг яратилиши билан миллий қонунчилик ўзи ривожланишининг янги босқичига чиқди.

Шахс эркинлигини таъминлашнинг кафолатларидан бири Жиноят кодексининг 234-моддасида назарда тутилган қонунга хилоф равишда ушлаб турилганлик ва ҳибсга олиш учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлигидан иборат.

Била туриб, қонунга хилоф равишда, яъни қонуний асосларсиз амалга оширилган бу каби ноқонуний ушлаб туриш, ҳибсга олиш ёки камокда ушлаб туриш жиноят деб тан олинади. Шунингдек, мазкур қилмишларнинг ижтимоий хавфлилигини ҳамда одил судловни амалга ошириш соҳасида фаолият кўрсатадиган ва шахс дахлсизлигини кафолатлайдиган муносабатлар жиноят ҳуқуқига оид химоялаш заруриятини аниқлаб беради.

Жиноят кодексининг 234-моддасида хусусияти ва ижтимоий хавфлилигига кўра иккита алоҳида жиноятларга таъриф берилган бўлиб, улар ўзининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражаси билан бири-биридан ажралиб туради, булар: била туриб қонунга хилоф равишда ушлаб туриш (1-қисм) ва била туриб қонунга хилоф равишда ҳибсда сақлаш (2-қисм).

Жиноят кодекси 234-моддасининг 1-қисмида била туриб қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қиска муддатга чекланиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс қуйидаги асослар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин: 1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса; 2) жиноят шохидлари, жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар; 3) унинг ўзида ёки қийимида, ёнида ёки уйда содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига судга қадар иш юритиш босқичида қўлланилган

¹ Иноғомжонова З.Ф. Дастлабки терговда суд назоратини амалга ошириш механизми. //Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янгича асосларда шакллантириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007. Б. 6–7

чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини факат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибини назарда тутувчи ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321- ва 439-моддаларига суднинг жиноят иши кўзғатишга доир ваколатини чиқаришни ҳамда биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини факат прокурор зиммасига юклашни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди.

Судга қадар иш юритув босқичида лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш бўйича прокурор (суриштирувчи, терговчи) ваколатининг судларга ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларига мос келади ва ушбу масалани холис ва беғараз орган, яъни суд томонидан тегишли суд процедураларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилиш учун керакли шарт-шароитларни яратади.

Қулчилик ва қул савдосини бекор қилиш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қулчилик ва мажбурий меҳнатни тақиқлашнинг барча тамойилларига риоя қилинган. Одам савдоси муаммосининг ҳам халқаро миқёсда, ҳам миллий даражада қанчалик кескин эканлигини тушунган ҳолда, 2008 йил июль ойида Ўзбекистон парламенти томонидан БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи “Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги Протоколи ратификация қилинган.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги янги қонун аёллар ва болалар савдосига қарши кураш ишига катта ҳисса қўшди. Қонун инсонлар савдосига қарши кураш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари рўйхатини белгилаб берди, уларга: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қиради.

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва химоя қилиш мақсадларида қонунда инсон савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва химоя қилиш бўйича ихтисослашган муассасалар ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради: инсон савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш шароитлари ва шахсий гигиена, озиқ-овқат, белгиланган дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъ-

минлаб бериш; инсон савдоси жабрдийдаларига шошилиш тиббий, рухий, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдамни кўрсатиш; инсон савдоси жабрдийдаларининг хавфсизлигини химоя қилиш ва бошқалар.

2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан одам савдоси бўйича социологик ва кримнологик тадқиқотлар ўтказишни, шунингдек, одам савдоси гувоҳлари ва жабрдийдаларини химоя қилиш бўйича муайян чора-тадбирларни кўзда тутувчи 2008–2010 йилларга мўлжалланган Одам савдосига қарши кураш бўйича миллий ҳаракат режаси тасдиқланди ва бугунги кунда унда бегиланган чора-тадбирлар амалга оширилди. Одам савдосига қарши кураш бўйича Республика ва ҳудудий Идоралараро комиссиялар тузилиб, ўз фаолиятларини бошлади.

Ўзбекистондаги барча учта ҳокимият органлари қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларини қоралайди. Ушбу сиёсат парламент назоратида, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятида, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва прокуратура тузилмаларида ташкил этилган фуқаролар шикоятлари ва мурожаатлари билан ишлаш тизимида ўз аксини топган.

2002 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Ҳукуматининг тақлифи билан мамлакатта БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг Қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Тео Ван Бовен ташриф буюрди. Унинг ташрифи давомида давлат органларининг юқори лавозимдаги вакиллари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар элчихоналарининг вакиллари билан қатор расмий учрашувлар ташкил этилди. Ташриф натижалари бўйича, у 2003 йил февралда Ўзбекистон Ҳукуматида қийноққа қарши курашнинг аҳволини яхшилаш бўйича тегишли тавсияларни кўрсатиб ўтган ўз хулосасини тақдим этди. Ушбу тавсиялар асосида эса, 2004 йил 9 мартда Ўзбекистон Ҳукумати томонидан Миллий ҳаракат режаси қабул қилинди.

Суд тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, уни моддий-техникавий таъминлашни кучайтириш, суднинг ҳуқуқий мақоми ва мустақиллигини таъминлаш Олий суд Пленумининг 2003–2006 йилларда қабул қилинган қатор қарорларида ўз аксини топди. Уларда, шунингдек, Жиноят кодексининг 235-моддасига шарҳ берилиб, ушбу моддага ва Қийноққа қарши конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ, тергов олиб боришнинг мумкин бўлмаган усулларини қўллашга йўл қўйиб бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Сўз, фикрлаш, эътиқод эркинлиги. Демократик жамиятда сўз эркинлиги инсон ҳуқуқларининг, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг энг муҳим категорияларидан бири ҳисобланади. Кўпгина фуқаролик ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш имконияти давлатда сўз эркинлиги ва ўз-ўзини ифодалашнинг самарали кафолатлари мавжудлиги билан шартланади.

Сўз, фикрлаш ва ўз-ўзини ифодалаш эркинлиги ҳуқуқига қуйидаги асослар далил бўла олади:

Сўз, фикрлаш ва ўз-ўзини ифодалаш эркинлиги ҳар бир инсонга баён қилиш ва керакли маълумотларни олиш имконини таъминлайди ва бу билан ўзининг хусусияти, қобилияти, дунёқараши ва эътиқодини керакли тарздаги ривожланишга етказди. Ўз-ўзини ифодалаш эркинлиги бўлмаса, ҳақиқий бадий ижодкорлик ҳам бўлмайди.

Сўз, фикрлаш ва ўз-ўзини ифодалаш эркинлиги ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим восита ҳисобланади. Бундан ташқари, “ғоялар бозоридаги эркин рақобат” ҳуқуқнинг боришида унинг нотўғрилиги ва хатолиги аниқланмагунча, нотўғри тасдиқ бошидан охиригача ҳақиқатга хизмат қилиши мумкин.

Сўз, фикрлаш ва ўз-ўзини ифодалаш эркинлиги демократиянинг мавжуд бўлиши учун зарурдир. Мамлакат фуқаролари ўз раҳбарларини сайлаш ва танқид қилишнинг ҳақиқий ймконига эга бўлишлари учун фикрлар, ғоялар ва маълумотлар билан алмашиш эркинлиги зарурдир.

Сўз, фикрлаш ва ўз-ўзини ифодалаш эркинлиги мажбур қилинмаган ўзгаришлар, хатоларни тузатиш ва низоларни ҳал қилиш имконини таъминлайди. Бу билан сўз, фикрлаш ва ўз-ўзини ифодалаш эркинлиги ижтимоий формациялар барқарорлиги ва мукамалликларга ҳолис эҳтиёжлар ўртасидаги зарур мувозанатни сақлаб туришга ёрдам беради.

Ўз фикрини эркин ифода этишни амалга оширишда бошқа фуқаронинг, фуқаролар гуруҳининг ва ҳатто, давлатнинг (шу жумладан, давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари билан) манфаатларига қарама-қарши бўлгандагина, ўз-ўзини ифодалаш чекланиши мумкин.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасида “Ҳар бир инсон ҳеч қандай тўсиқсиз ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга; бу ўзига давлат чегараларига боғлиқ бўлмаган равишда, ўз танлови бўйича расмий ёзма ёки матбуот воситаси билан, ёки бадий шаклда ифодалашнинг бошқа усуллари билан ҳар хил маълумотлар ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб кўрсатиб ўтилган.

Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) эркинлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар аста-секинлик билан ҳам қонунчилик даражасида, ҳам амалиётда амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда расмий равишда рўйхатга олинган турли хил ОАВ, жумладан, давлатга қарашли ва хусусий нашрлар, шунингдек электрон ОАВ, ОАВни қўллаб-қувватловчи ассоциациялар ва жамғармалар тузилмоқда. Ўзбекистонда журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси, Электрон ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилиги жамғармаси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Бунга мустақил ОАВни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, жамоатчилиги назоратини амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган тизимли ҳамда босқичма-босқич ишлар ҳам ёрдам бермоқда. Бу борада “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги Қарори соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 1991 йилдан буён уларнинг сони 395 дан 1326 тага кўпайди, уларнинг қарийб 60 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. Жойлардаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ёритишда, жамоатчилиги назоратини амалга оширишда, биринчи навбатда, ҳудудий ОАВнинг роли, шунингдек, уларнинг танқидий материаллари таъсирчанлиги ошди ва ушбу материаллар бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Виждон (дин) эркинлиги. Диний эътиқод эркинлиги у ёки бу динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркинликларини ўз ичига олади.

Ушбу ҳолатда дин негизида, худди шундай у ёки бу минтақавий конвенция (назарий қарашлар тизими) билан бирлашган дунёвий умумийликни тушуниш мумкин.

Диний эътиқод эркинлиги негизларига мувофиқ, фуқаро диний маросимлар, удумлар, урф-одатлар ва бошқа шу қабиларга қатнашишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Ҳар бир инсон ўз ихтиёри бўйича динга бўлган муносабатини аниқлаб олиши лозим, бу унинг виждон амри бўлиши керак. Шу билан бирга, бир диннинг бошқа дин олдидаги афзаллигини кўрсатишга йўналтирилган диний ҳаракатлар, диний фанатизм ва экстремизм – бу кўринишларнинг барчаси жамиятнинг ривожланишига путур етказди.

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 31-модда).

Ўзбекистонда 16 та турли конфессияларга қарашли 2200 дан ортиқ диний ташкилотлар, яъни мусулмон масжидлари, православ, католик, лютеран, баптистлар ва бошқа христиан черковлари, шунингдек, Бухоро ва Европа яҳудийларининг диний жамоалари, бахаилар, кришнаитлар ва буддистлар, жами бўлиб, 179 та ислом бўлмаган диний ташкилотлар ва 2050 та ислом ташкилотлари фаолият кўрсатишмоқда. Ҳар йили ислом бўлмаган диний жамоаларнинг 120 дан ортиқ вакиллари чет элга чиқувчи эътиқод қилувчилар учун яратилган барча имтиёзлардан фойдаланган ҳолда Исроил, Греция ва Россиядаги ўз динларининг муқаддас жойларини зиёрат қилиб келмоқда.

Суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ. Конституциявий негизларнинг асосларидан бири айбсизлик презумпцияси ҳисобланади. Ушбу негизга асосан, айбдорни, токи унинг айби суд тартибида исбот қилинмагунча, айбдор деб ҳисоблаб бўлмайди.

Демократик мамлакатлардаги суд айбсизлик презумпциясини асосий конституциявий негиз сифатида баҳолайди.

Конституция айбсизлик презумпцияси негизини мустаҳкамлаб, фуқароларга маълум қиладики, ҳеч ким бирон-бир асоссиз айбланиши ва қийноқларга солиниши мумкин эмас. Асоссиз айб қўйилган тақдирда эса, ҳар бир инсон суд ҳимояси ҳуқуқига эга. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 23-моддасида таъкидланганидек, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ деб саналиш ҳуқуқига эга.

2012 йил 25 декабрда қабул қилинган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий мақсади ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тезкор-қидирув фаолиятининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини, шунингдек, тезкор-қидирув хусусиятига эга бўлган тадбирларни амалга ошириш вақтида қонунийликка риоя этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишининг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишдан иборат. Ушбу Қонун

тезкор-кидирув фаолиятини тартибга соладиган бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган амалдаги нормаларни мунтазам ҳолга келтириш, суриштирув ва дастлабки тергов сифатини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга ўз вақтида чек қўйиш чораларининг самарадорлигини ошириш имконини беради, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини либераллаштиришга ёрдам беради.

Сиёсий ҳуқуқлар. Сиёсий ҳуқуқларнинг турлари куйидагилардан иборат: фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи; жамият аъзоларининг қонунларга биноан митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказишда қатнашиш ҳуқуқи; фуқаролар қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи; ҳар бир шахснинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Сиёсий ҳуқуқлар – фуқаронинг субъектив ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим категориясини ташкил этади. Бу ҳуқуқлар қонун томонидан таъминланган инсоннинг давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок эта олиши (индивидуал ва жамоа ҳолда) ва шу билан давлат ҳокимиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган оммавий ҳокимиятга эга бўлиш имкониятидир. Сиёсий ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларининг бошқа турлари мавжудлигининг бевосита шарт ҳисобланади, чунки улар органик равишда бир-бирдан ажралмас бўлиб, демократия тизимининг асосини ташкил этади ва ҳокимиятни чеклайдиган ҳамда ўз фаолиятини йўналтирадиган қадрият сифатида майдонга чиқади.

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳокимият устидан назорат воситаси бўлиб, мавжуд демократик режим мезонини баҳолаш билан бирга, давлатнинг табиатини белгилаб берувчи омил сифатида ҳам маданиятли жамиятнинг ажралмас атрибути ҳисобланади. Улар ҳуқуқий адабиётларда куйидаги икки гуруҳга бўлинади:

1) давлат фаолиятини ташкил этишда, давлат ва унинг органлари фаолиятида вакиллик ва бевосита демократия (сайлов ҳуқуқи, мурожаат қилиш ҳуқуқи)нинг турли шакллари ёрдамида иштирок этиш ваколати;

2) жамият ҳаётида фаол иштирок эта олиш ваколати (сўз ва фикр билдириш эркинлиги, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш эркинлиги, жамоаларга бирлашиш ҳуқуқи).

Сиёсий ҳуқуқлар шахсий ҳуқуқлардан фарқ қилиб, инсоннинг мустақиллигини таъминлаб беришга эмас, балки шахснинг сиёсий

жараёнларда фаол иштирок этишига йўналтирилган. Бу категориядаги ҳуқуқларнинг фаркли томонлари шундаки, улар фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди. Сиёсий эркинлик, моҳиятан олганда, шахсий эркинликнинг бир қирраси ҳисобланади, инсон ақлли мавжудот сифатида, сиёсий онг ва сиёсий ироданинг эгаси сифатида жамият ҳаётида сиёсий жараёнларнинг мустақил ва эркин иштирокчиси сифатида катнашишга ҳақли ҳисобланади.

Фақат фуқароларгина сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз бўлар эди. Чунки, сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиш фуқаронинг муайян давлатга тегишли эканлигини белгилаб беради. Инсон ҳуқуқларига нисбатан, фуқаро ҳуқуқлари индивиднинг давлат билан алоқаларининг барча соҳалари (оммавий манфаатлар соҳаси)ни камраб олади.

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир фуқаронинг мамлакат ҳаётига, унинг бошқарувига фаол қўшилишига қаратилган бўлиб, улар инсон ва жамият, инсон ва давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиб беради. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қай даражада эканлиги кўпроқ конституциявий тузумнинг мустаҳкамлигига, унинг демократиясидаги ҳаққонийлик ҳамда аҳоли сиёсий маданиятида унинг қай даражада акс этганига боғлиқ. Айни пайтда, сиёсий ҳуқуқлар, алоҳида ривожланадиган ҳуқуқлар бўлиб қолмасдан, балки улар шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар асосида, улар билан ўзаро таъсирда ривожланадиган ҳуқуқлар ҳамдир.

Аммо, шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, совет тоталитар тузуми даврида сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар давлат ҳокимиятини ҳаспўшлаш учунгина берилган эди. Кўппартиявийликка йўл қўйилмаган ва мамлакат ҳаётида фикрлар хилма-хиллигига кескин тўсқинлик қилинган эди. Давлат ҳокимияти, умуман олганда, бир партия вакиллари томонидан ташкил этилар, унда ҳам партия ичида соф демократия қўлланилмас эди. Касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларига партия-давлат машинаси учун ёрдамчи куч сифатида қаралар эди. Бундай шароитларда сиёсий ҳуқуқлар давлатни халққа яқинлаштириш ўрнига ундан узоқлаштирар эди.

Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар аввалига буржуа конституционализи томонидан эълон қилинди ва аста-секинлик билан кенг конституциявий-ҳуқуқий мақомга эга бўлди ва бора-бора, дастлаб муҳим миллий ҳуқуқ институти сифатида, кейинроқ эса – халқаро ҳуқуқ институти сифатида мустаҳкамланиб борди. Ҳозирги даврда, инсон ҳуқуқларига оид кўплаб универсал ва минтақавий ҳужжатлар

Ўларнинг қондаларида сўз ва эътикод эркинлиги, тинч йиғилишлар ва ассоциациялар эркинлиги, давлат бошқарувида иштирок этиш ҳукуки каби сиёсий ҳуқуқларни кўрсатиб ўтадилар.

Сиёсий ҳуқуқлар бу фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиши билан боғлиқ ҳуқуқлардир.

Конституциянинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилган. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

2012 йил 19 декабрда қабул қилинган "Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонушарига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни сайловларни янада либераллаштириш, уларнинг очкичилигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродшарини эркин ва мустақил билдириши учун янада қулай шарт-шароит яратишди.

Маъқур қонун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссияларининг аъёлари, вазирликлар ва идорашар, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситшарининг вакиллари ва сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича хорижий мутахассис-олимлар иштирокида кенг муҳокамадан, халқаро экспертишдан ўтқазилди. Жумладан, Европа Кенгаши, Венеция комиссияси ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг биргаликда тақдим қилган ҳулосасида қонуш ижобий баҳо берилди.

Қонуннинг асосий мақсади сайловнинг ошқоралиги ва очки-ойдинлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратишган. Хусусан, унда овоз бериш қунига қадар қолган уч қун ичида, шунингдек, овоз бериш қуни жамоатчилик фикри сўрошари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтқазилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга, шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, интернетга) жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги каби янги меъёрлар ўз ифодасини топган.

Яна бир эътиборли жиҳат – эндиликда кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Ушбу ҳуқуқий механизм парламент куйи палатаси депутатлари сайловининг ошқоралиги ва очик-ойдинлигини таъминлайди.

Айбдорлик масаласи судда ҳал этилмаган ёки турли сабаблар билан эҳтиёт чораси сифатида қамоқда вақтинча ушлаб турилган шахслар ҳам сайлаш ҳуқуқига эга. Уларнинг ушбу ҳуқуқини рўёбга чиқариш мақсадида қонунга қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкалари ташкил этилиши тўғрисидаги норма киритилди. Бу қўшимча мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилишнинг яна бир ёрқин намунасидир. Шунингдек, қонунга кўра, сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганда сайловолди ташвиқотида йўл қўйилмайди. Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади. Тараққий этган давлатлар қонунчилигида мавжуд бундай норманинг қонунчилигимизга киритилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, ким ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча имконият яратади. Шунингдек, бу овоз бериш куни арафасида турли сунистеъмолик ҳолатлари ва қонун бузилишларининг олдини олади.

Сайлов қонунчилигига киритилган янги нормалар сайлов кампанияси мобайнида сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга тенг шарт-шароитлар яратиш механизмларини ривожлантириш билан бир қаторда фуқароларга ўз сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишлари учун ҳуқуқий қафолатлар таъминланиши янада мустаҳкамланди.

33-моддада фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Конституциянинг 34-моддасига кўра эса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоа бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни

ташқил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-киммати ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

Ҳар бир шахснинг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқи Конституциянинг 35-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар Конституция ва кодексларда ўз аксини топиши билан бир қаторда, мамлакатда ушбу ҳуқуқларга оид махсус қонунлар базаси ҳам шаклланган бўлиб, қуйида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга оид баъзи махсус қонунларнинг рўйхати келтирилмоқда:

- “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” 1991 йил 15 февраль.

- “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”, 1992 йил 2 июль.

“Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”, 1994 йил 5 май.

“Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”, 1995 йил 30 август.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида” (янги таҳрири), 1995 йил 21 декабрь.

- “Сиёсий партиялар тўғрисида”, 1996 йил 26 декабрь.

- “Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, 1997 йил 24 апрель.

- “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”, 1997 йил 24 апрель.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” (янги таҳрири), 2007 йил 15 январь.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” (янги таҳрири), 1998 йил 1 май.

“Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”, 1998 йил 25 декабрь.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” (янги таҳрири), 1999 йил 14 апрель.

- “Нодавлат ношижорат ташкилотлари тўғрисида”, 1999 йил 14 апрель.

“Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”, 2000 йил 14 декабрь.

- “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида” (янги таҳрири), 2001 йил 30 август.

- “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”, 2002 йил 4 апрель.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” (Конституциявий Қонун), 2002 йил 12 декабрь.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” (Конституциявий Қонун), 2002 йил 12 декабрь.

- “Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида”, 2002 йил 12 декабрь.

“Фуқароларнинг муружаатлари тўғрисида” (янги таҳрири), 2002 йил 13 декабрь.

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, (янги таҳрири). 2003 йил 29 август.

- “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”, 2004 йил 29 апрель.

“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”, 2004 йил 30 апрель.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида” (янги таҳрири), 2004 йил 27 август.

- “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”, 2004 йил 2 декабрь.

- “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”, 2004 йил 2 декабрь.

- “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, 2007 йил 3 январь.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳам-да мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида” (Конституциявий қонун), 2007 йил 11 апрель.

- “Ҳомийлик тўғрисида”, 2007 йил 2 май.

- “Суд экспертизаси тўғрисида”, 2010 йил 1 июнь.

“Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча қилиш тўғрисида”, 2010 йил 28 сентябрь.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”, 2011 йил 14 сентябрь.

- “Жиноят ишлари юретиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”, 2011 йил 29 сентябрь.

“Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, 2012 йил 19 сентябрь.

- “Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, 2012 йил 19 декабрь.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” (янги таҳрири), 2012 йил 24 декабрь.

- “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”, 2012 йил 25 декабрь.

3. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларнинг халқаро ва миллий механизмлар асосида ҳимоя қилиниши

Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича механизмларни ҳам уч турга бўлиш мумкин:

1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган универсал механизмлар.

2. Минтақавий механизмлар.

3. Миллий механизмлар.

Универсал механизмларга БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари қиради.

БМТ механизми: БМТ Низоми бўйича ташкил этилган органлар ва конвенциявий органлардан иборат.

Низом бўйича ташкил этилган органлар: Бош Ассамблея, ЭКОСОС, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш.

Шартномавий органлар: Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (бу қўмита, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт ва унга I протокол асосида ташкил этилган) ва бошқа асосий конвенциялар асосида ташкил этилган органлар (Ирқий камситишнинг барча шаклларини йўқотиш тўғрисидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Қийноқ ҳамда муомала ва жазоланишнинг қаттиқ шартсиз,

инсонийликка зид ёки кадр-кимматни камситувчи турларига қарши конвенция, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва бошқалар).

Минтақавий механизмлар: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка давлатлараро суди.

Миллий механизмни биз шартли равишда икки гуруҳга ажратамиз. Яъни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлатнинг анъанавий шаклдаги тизими ва ноанъанавий шаклдаги тизими.

Анъанавий шаклдаги тизимга қуйидаги тузилмалар киради: суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Бу органларни анъанавий органлар деб айтишимизга сабаб, давлатчилик вужудга келиши билан бу органлар ҳам шаклланиб келган ва ҳар бир давлатнинг муҳим белгиларидан бирига айланди.

Ноанъанавий шаклдаги тизимга қуйидагиларни киритиш мумкин, яъни:

- а) миллий институтлар;
- б) нодавлат нотижорат ташкилотлари;
- в) оммавий ахборот воситалари.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ноанъанавий шакл дейишимизга сабаб, бу институтлар давлатчилик вужудга келиши билан пайдо бўлмаган ва давлатчиликнинг кейинги даврларига, айниқса, XX асрларга келиб кенг миқёсда шаклланиб, ўз ўрнига ва аҳамиятига эга бўлаётган институтлардандир. Биринчи шаклдаги органлар жаҳоннинг барча давлатларининг муҳим белгиси сифатида эътироф этилса, бу институтлар давлатнинг муҳим белгиси сифатида эътироф этилмайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, XX асрнинг охирига келиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат органлари орасида муҳим ўринни эгалламоқда. Бу институтлар таркибига Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази киради.

Ноҳуқумат ташкилотлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга. Уларнинг ўрни ва роли, айниқса, фуқаролик жамиятини қуришда катта аҳамиятга эгадир. Чунки, бу ташкилотлар ўз фаолиятини амалга оширишда ҳеч қандай кўрсатмаларга қарамай, мустақил амалга оширадilar.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар натижасида жамоат бирлашмаларининг ўрни

ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Улар сонининг ўсиб бораётгани бунинг исботидир. Масалан, статистик маълумотларга кўра, 2000 йилда республика ва халқаро аҳамиятга молик, давлат рўйхатидан ўтган жамоат бирлашмалари сони 1500 тани ташкил қилган бўлса, 2005 йилга келиб уларнинг сони 5277 тани ташкил этди, 2013 йилга келиб эса, уларнинг сони 6000 дан ошиб кетди. Бундан ташқари, фаолият юритиб келаётган бошқа жамоат бирлашмалари қуйидагича: жамиятлар, ассоциациялар, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, жамғармалар, федерациялар, марказлар, уюшмалар ва бошқалар.

Оммавий ахборот воситалари бугунги кунда нафақат давлат ва жамият ҳаётига ҳар томонлама кириб борганлиги, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этганлиги учун ҳам норасмий равишда “тўртинчи ҳокимият” номини олган. Уларга бугунги кундаги барча босма ва электрон оммавий ахборот воситалари қиради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, сиёсий ҳуқуқлари тушунчасига изоҳ беринг.

2. Инсон ҳуқуқлари таснифининг қандай даражалари мавжуд?

3. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатлар ва уларнинг моҳиятини тушунтириб беринг.

4. Ўзбекистон Конституциясида акс этган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ва сиёсий ҳуқуқларнинг мазмун-моҳияти нимада?

5. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид миллий ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг моҳияти ҳақида нима дея оласиз?

6. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга қайси ҳуқуқлар қиради?

7. Айбсизлик презумпцияси нима?

8. Сиёсий ҳуқуқларга қайси ҳуқуқлар қиради?

9. Фуқароларнинг мурожаатлари деганда нимани тушунаси?

10. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид халқаро механизмларни кўрсатиб беринг.

11. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид миллий механизмларни кўрсатиб беринг.

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Гражданские права человека: современные проблемы теории и практики /Под ред. Ф.М.Рудинского. – М.: МИР, 2006.
2. Саидов А. Права человека. Учебник-хрестоматия. – Т.: УМЭД, 2001.
3. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Т.: “Konsauditinform-Nashr”, 2006.
4. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
5. Исмаилов Б.И. Международные стандарты личных прав и национальное законодательство Республики Узбекистан. – Т.: Центр правового просвещения при ТГЮИ, 2002.
6. Мингбоев У Суд – фуқаролар ҳимоячиси. Тошкент, 2001.
7. Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янги асосларда шакллантириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2010.
9. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. – Т.: “Адолат”, 2004.
10. Права человека. Учебник. /Отв. ред. Е.А. Лукашева. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1999.
11. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар. – Т.: “Адолат”, 2002.
12. Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари. – Т.: 2012.
13. Женева конвенциялари тўплами. /А. Саидов таҳрири остида. – Тошкент, 2002.
14. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

12-мавзу. Инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари

1. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тушунчаси, моҳияти, хусусиятлари ва уларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланиши.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг кафолати.

3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизми.

1. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тушунчаси, моҳияти, хусусиятлари ва уларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланиши

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар “иккинчи авлод” ҳуқуқларига тааллуқлидир. Ушбу ҳуқуқлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги турмуш шароитини белгилаб берувчи ҳуқуқлар ҳисобланади. Бу соҳада инсон меҳнат қилади, дам олади, мулкка эгалик қилади ва уни тасарруф қилади, касбий билимларини оширади ва тажриба орттиради.

“Иккинчи авлод” ҳуқуқларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ушбу ҳуқуқларни таъминлаб беришда давлатлар биринчи галда ўзининг иқтисодий имкониятларидан келиб чиқади. Шу боис, бундай ҳуқуқларни барча давлатлар ҳам бир хил даражада таъминлаб бера олмайди. Шунингдек, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда қатнашувчи давлатлар улардан фойдаланишда турли чеклашлар ўрнатиши мумкин. Чеклашлар шу давлатнинг қонунида белгиланиб, улар умумий фаровонлик мақсадларига ва мамлакатда амалда бўлган тартиб-қоидалар табиатига мос бўлиши шарт.

Айни вақтда давлатлар ушбу ҳуқуқларни, уларни биринчи авлод ҳуқуқларидан камситмаган ҳолда таъминлаб бериши керак.

1986 йили Лимбург университети (Голландия)да Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг қоидаларидан аъзо-давлатлар учун келиб чиқадиган юридик мажбуриятларнинг табиати ва даражаси тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан йирик экспертлар йиғилдилар. Улар узоқ тортишув-мунозалар асосида қуйидаги асосий ҳулосаларга келдилар:

1. Инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳам бўлинмас ва ўзаро боғлиқ бўлиб, улар халқаро ҳуқуқнинг ажралмас қисмини ташкил этади.

2. Пакт ўз иштирокчилари зиммасига юридик мажбуриятлар юклайди. Аъзо-давлатлар ушбу халқаро ҳужжатга киритилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча чораларни, шунингдек, қонунчилик ва маъмурий чораларни ҳам тезда кўриши шарт. Ҳар бир инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари суд томонидан ҳам ҳимоя қилиниши назарда тутилиши шарт.

3. Пактга аъзо-давлатлар, уларнинг иқтисодий тараққиётдан қатъи назар, ҳеч бўлмаганда минимал даражада барчанинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларини таъминлаб бериши керак¹.

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг мажбурийлик характери БМТнинг кўплаб ҳужжатларида ҳам қайд этилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш тўғрисидаги БМТнинг тадқиқотларида шундай дейилади: “Пакт халқаро ва минтақавий даражада ҳаракат қилиш учун, шунингдек, унинг нормаларини мамлакатларда ҳаётга татбиқ қилиш учун бевосита асос яратиб беради. Унинг бирдан-бир камчилиги шундаки, аксарият кам ривожланган мамлакатлар ўзларининг тараққиёт даражаларидан, ресурслари ва аҳолисининг сонидан келиб чиқиб, Пактнинг қоидаларини секинлик билан амалга оширадилар”². Пактда кўрсатиб ўтилган айрим ҳуқуқларгина, шу жумладан, ҳар бир инсоннинг қасаба уюшмаларига бирлаша олиш ҳуқуқи каби ҳуқуқлари, ушбу мамлакатнинг ривожланиши даражасидан қатъи назар таъминлаб берилиши керак.

2008 йил декабрь ойида БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга Факультатив протокол қабул қилинди ва у 2013 йил май ойида кучга кирди. Унда Пактда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари бузилган тақдирда фуқароларнинг ўз давлати устидан шикоят қилиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва унга Факультатив протокол билан бирга, қайд этиш керакки, бугунги кунда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ўз аксини топган бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар шаклланган бўлиб, қуйида уларга тўхталиб ўтамиз.

¹ The Limburg Principles in the Implementation of the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights. Human Rights Quarterly. 1987 Vol. 9. 2. P 122-135.

² Doc. UN E/CN.4.1108/Add.5/para 56

Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид БМТнинг асосий ҳужжатлари:

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (1948 йил).

Иркий камситишларнинг барча кўринишларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро Конвенция (1965 йил).

- Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (1966 йил).

- Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (1979 йил).

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989 йил).

Меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция (1990 йил, 2013 йил январига келиб, Ўзбекистон аъзо эмас).

- Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (2006 йил, Ўзбекистон Республикаси имзолаган, аммо 2013 йил январига келиб, уни ЎЗР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ратификация қилмаган).

Шунингдек, Ўзбекистон мамлакатлар фуқароларининг иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари, хусусан ЮНЕСКО, ХМТ, БИМТ доирасида муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилганки, бу ҳужжатларнинг нормалари мамлакатда иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари сифатида эътироф этилади.

Қуйида бу ташкилотларнинг иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга тааллуқли ҳужжатларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таълим, фан ва маданият соҳасидаги инсон ҳуқуқларига тааллуқли ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикаси қўшилган муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари сирасига қуйидагилар қиради:

1966 йилги “Халқаро маданий ҳамкорлик принциплари” Декларацияси;

1960 йилги “Таълим соҳасида камситишларга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенция;

1989 йилги “Техникавий ва касб-хунар таълими тўғрисида”ги Конвенция;

1972 йилги “Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенция (“Умумжаҳон маданий конвенцияси”);

1952 йилги “Муаллифлик ҳуқуқи ҳақида бутунжаҳон Конвенцияси” (Женева);

1954 йилги “Қуролли можаро чикқан холда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида”ги Конвенция;

1970 йилги “Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб келиш, олиб кетиш ва уларга эгаллик ҳуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Конвенция;

1971 йилги “Халқаро аҳамиятга эга бўлган, асосан, сувда сузадиган қушлар учун яшаш жойлари ҳисобланадиган сувлар ва ботқоқликлар тўғрисида”ги Конвенция;

1995 йилги “Бағрикенглик тамойиллари” Декларацияси;

2003 йилги “Номоддий маданий меросни асраш тўғрисида”ги Конвенция;

2005 йилги “Ўз маданиятини намоён қилишнинг турфа хиллигини муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги конвенция ва бошқалар¹.

Меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси кўшилган муҳим ҳужжатларига қуйидагилар қиради:

1930 йилги “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги Конвенция;

1935 йилги “Иш вақтини ҳафтада қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида”ги Конвенция;

1936 йилги “Ҳақ тўланадиган йиллик таътил тўғрисида”ги Конвенция;

1949 йилги “Коллектив шартномаларни уюштириш ва тузиш ҳуқуқ тартибларининг қўлланиши тўғрисида”ги Конвенция;

1951 йилги “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёлларни тенг тақдирлаш тўғрисида”ги Конвенция;

1952 йилги “Оналиқни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенция;

1957 йилги “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги Конвенция;

1958 йилги “Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тўғрисида”ги Конвенция;

1964 йилги “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги Конвенция;

1971 йилги “Қорхоналарда меҳнатқашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги Конвенция;

1973 йилги “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги Конвенция;

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бақоева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т.: “O‘zbekiston”, 2010. Б. 278–279.

1981 йилги “Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида”ги Конвенция;

1999 йилги “Болалар меҳнатининг энг оғир шакллари тугатиш тўғрисида”ги Конвенция.

Фуқароларнинг интеллектуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг қуйидаги ҳужжатлари халқаро ҳуқуқий манба бўлиши мумкин:

1886 йилги “Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш ҳақида”ги Берн Конвенцияси;

1996 йилги “БИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси”;

1971 йилги “Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида”ги Женева Конвенцияси;

1996 йилги “Ернинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиш тўғрисида”ги 1974 йилги Брюссель Конвенцияси; БИМТнинг “Ижрочилар ва фонограммалар бўйича” Шартнома;

1979 йилги “Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳақида”ги Мадрид Конвенцияси ва бошқалар.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро минтақавий шартномалар ҳам шаклланганки, уларга Ўзбекистон аъзо бўлмаса-да, аммо рўйхатини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси (1950 йил), унга Биринчи протокол (1952 йил).

- Европа социал хартияси (1961 йил, 1996 йилда қайта кўриб чиқилган).

- Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка Конвенцияси (1969 йил) ва Америка конвенциясига иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга тааллуқли Қўшимча протокол (Сан-Сальвадор протоколи, 1988 йил).

- Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартияси (1981 йил).

Бола ҳуқуқлари ва фаровонлиги асослари тўғрисидаги Африка хартияси (1990 йил).

- Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка хартиясига Африкадаги аёллар ҳуқуқларига тааллуқли протокол (2003 йил)¹.

¹ Албатта, бу минтақавий конвенцияларга Ўзбекистон Республикаси аъзо эмас, аммо Ўзбекистон фуқаролари мазкур шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқларини мазкур шартномаларга аъзо бўлган минтақа давлатларида амалга оширишлари мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигида иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг қафолати

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ инсоний шахс идеали, қўрқувдан ҳоли бўлган ҳолдагина ва тегишли шароит яратилгандагина, ҳар қандай инсон ўзининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари сингари иктисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган. Улар орасида иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликлар муҳим аҳамият касб этиб, фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига замин яратади. Мазкур категориядаги ҳуқуқлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган қуйидаги ҳуқуқлар киради:

мулкдор бўлиш (36-модда);

меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқи (37-модда);

ҳақ тўланадиган меҳнат таътили (38-модда);

ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи (39-модда);

малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи (40-модда);

билим олиш ҳуқуқи (41-модда);

ижод эркинлиги ва маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи (42-модда).

Конституциянинг 36-моддасида белгилаб қўйилган “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан қафолатланади”, деган қоида мамлакатда турли шаклдаги мулкдорлар синфининг янада кўпайишига ҳуқуқий замин яратди. Мамлакатда банк тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Мамлакатдаги банк тизими ва банкларга фуқаролар ўз омонатларини қўйишлари ва улардан фойдаланишлари учун миллий қонунчилик ҳам такомиллаштириб борилмоқда. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаб ўтганидек, “Ўзбекистонда молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иктисодиётнинг реал сектори қорхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш зарур. Мамлакатимизда эса, биргина тижорат банкларининг активлари миқдори. “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш қафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ шаклланган захираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион

360 миллиард сўмдан ошади. Бу аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир”¹.

Мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат жараёнида хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги ҳуқуқларининг камситилишини бартараф этиш, айни вақтда, эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун қуйидаги имкониятлар яратиб берилади:

а) барча инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш;

б) ишга ёллашда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга, ишга ёллашда бир хил танлаш мезонларини қўллаш;

в) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва иш билан банд этилиш кафолатига эга бўлиш, шунингдек, шогирдлик, юқори даражадаги касб бўйича тайёргарлик ва мунтазам суратда малака оширишни ўз ичига олган ҳолда меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитидан тўлиқ фойдаланиш, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш;

г) имтиёзлар олишни ҳам ҳисобга олган ҳолда тенг мукофотлаш, бир хил қимматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларда, шунингдек, иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиш;

д) нафақага чиқиш, ишсиз қолиш, касаллик, ногиронлик, қариллик ва меҳнат қобилиятини йўқотишдан иборат бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи, шунингдек, ҳақ тўланадиган таътил.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида мустаҳкамланган меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларининг асосийсидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган бу ҳуқуқ:

биринчидан, фуқароларга ўзлари хоҳлаган касб-хунарни эркин танлаш;

иккинчидан, ўз қобилиятига яраша иш билан таъминланиш;

учинчидан, меҳнатининг ҳажми ва сифатига қараб ҳақ олиш;

тўртинчидан, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш;

бешинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур воситалар билан таъминланишини аниқлатади. У давлатга фуқароларга қобилиятлари, билимлари ва малакаларига қараб иш билан таъминлаш вазифасини юклайди.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 8–9.

Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқи мустақиллик ва истиқлол шарофати билан янги-янги имтиёз ва қондалар билан бойитилди. Ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш ва унинг натижаларидан фойдаланиш, шу жумладан, унумли ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларининг тасарруф этилиш имконияти ҳуқуқига, ишни эркин танлаш, қулай меҳнат шароитлари, давлат томонидан кафолатланган меҳнат ҳақи минимуми ва ишсизликдан ҳимояланиш, тенг меҳнати учун ҳеч бир камситишсиз тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасида демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг зарур шарт, жамият бойлигини кўпайтириш манбаи бўлиши инсонларга Конституцияда ва амалдаги қонунларда кафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқининг берилганлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида ўз ифодасини топган. Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи қонун томонидан иш кунини маълум муддатга чегаралашда, иш муддати даврида дам олиш, овқатланиш учун танаффус ўрнатилишида ҳар ҳафта ва байрам кунлари дам олиш кунларини белгилашда, ҳар йили иш жойи сақланган ҳолда асосий ва кўшимча таътиллار берилишида ўз қонуний ифодасини топади.

Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи Конституцияда кафолатланган ва янгича талқин этилган. Унинг 38-моддасида: “Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади”, деб қонунан мустаҳкамланган.

Дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон фуқароларига меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ишчи ва хизматчилар учун 41 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси белгиланиши билан бирга касблар ва ишлаб чиқаришлар учун қискартирилган иш кунини, тунги пайтларда қискартирилган иш вақти, ҳар йили ҳақ тўланадиган таътиллار бериш, ҳар ҳафтада дам олиш кунлари берилиши билан, шунингдек, маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасалари шохобчаларини кенгайтириш, оммавий спорт, физкультура ва туризмни ривожлантириш билан, истиқомат жойида дам олиш учун қулай имкониятлар ҳамда бўш вақтдан оқилона фойдаланиш учун бошқа шароитлар яратиш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида ходимларнинг кўпчилиги учун икки дам олиш кунини бўлган иш ҳафтаси жорий этилган, бу эса ишдан бўш вақтлардан оқилона фойдаланиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистонда фуқароларга дам олишни мазмунли ўтказиш учун санаторийлар, дам олиш уйлари, клублар, ўйингоҳлар, спорт майдонлари, маданият ва истироҳат боғлари, кутубхона шохобчалари барпо этилган ва улар борган сари кенгайиб бормоқда. Ҳар йили миллионлаб фуқаролар санаторий, дам олиш уйларида саломатликларини тиклаб дам оладилар. Қонунга кўра, санаторий, дам олиш уйларига йўлланма нархи имтиёзли бўлиб, ижтимоий суғурта маблағидан қопланади. Кўпчилик ходимларга йўлланмалар бепул берилади.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи қариган чоғида, бетоб бўлиб, меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминот олиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғланган. Бу Конституциянинг 39-моддасида мустаҳкамланган: “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгиланиб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”

Ўзбекистонда демократик инсонпарвар фуқаролик жамияти барпо қилиш жараёнида Ўзбекистон жамияти ва давлати фаолиятининг асосий йўналиши ҳар бир фуқаронинг лаёқатини ҳар томонлама ривожлантириш, уни жамият манфаатлари учун истифода этишга қаратилгандир. Мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий тараққиёти жамият аъзоларини ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам, мустақилликка эришган мамлакатимизни ривожланган маърифатли давлатга айлантириш асосий вазифалардан биридир. Ўзбекистон фуқаролари **билим олиш ҳуқуқининг** моҳияти шундаки, уларнинг миллати, ирки, жинси, ўтмиши, диний эътиқодидан қатъи назар, билим олиш тенг асосда, она тилида амалга оширилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ўз ифодасини топган. Унда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги қайд этилади.

Умумий мажбурий бепул таълимнинг жорий қилиниши, ўқишни турмуш билан, ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориш асосида ўрта умумий, касб-хунар, ўрта махсус ва олий таълимнинг кенг йўлга қўйилганлиги, таълимнинг ҳар томонлама ривожлантирилганлиги, давлат стипендиялари бериш тизимининг жорий қилинганлиги, мак-

табларда ўқитишнинг она тилида олиб борилиши, шаҳар ва кишлокларда фуқароларга ишлаб чиқариш, техника ва агрономия билимларини ўргатиш уюштирилганлиги илм олиш ҳуқуқини кафолатламоқда.

Мустақил мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотлар юртбошимиз ташаббуси ва бошчилигида яратилиб, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чакирик тўққизинчи сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ рўёбга чиқарилмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 9672 та умумтаълим мактабларида 6 млн.га яқин ўқувчи таълим олмоқда. Ўқувчиларга ярим миллионга яқин педагоглар дарс бермоқда.

Ўзбекистонда 60 дан ортиқ олий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Миллий дастурга мувофиқ, тўрт йиллик бакалаврият ва икки йиллик магистратура орқали олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг замонавий тизими яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг демократик, инсонпарварлик моҳияти фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишда ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бу соҳада белгиланган ижтимоий тадбирлари давлатнинг инсонпарварлик табиатининг ёркин намоёишидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг сўхат-саломатлигини сақлаш, малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи эндиликда алоҳида мустақил ҳуқуқ бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқини мустаҳкамлаш билан чекланиб қолмай, балки бу муҳим ҳуқуқни таъминлашнинг аниқ-равшан тадбирларини ҳам белгилаб беради. Бу давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бепул ва пулли малакали тиббий ёрдам берилиши, фуқароларни даволаш ва соғлиқни мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган муассасаларни кўпайтириш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш гигиенаси ва санитариясининг ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши, кенг профилактика тадбирларини ўтказиш, атроф муҳитни соғломлаштириш тадбирларини кўриш, ёш авлоднинг сўхат-саломатлиги тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш, шу жумладан, ўқитишга ва меҳнат тарбиясига тааллуқли бўлмаган болалар меҳнатини тақиқлаш, касалликнинг олдини олиш ва қамайтириш-

га, фуқароларнинг узоқ йил фаол ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларнинг кенг авж олиши билан таъминланади. Ўзбек халқи соғлиқни сақлашда эришилган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланади. Халқнинг сиҳат-саломатлиги Ўзбекистоннинг асосий бойлигидир.

Соғлом авлодни тарбиялаш ва умуман тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги поғонага кўтаришда давлат раҳбари томонидан 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида”ги Фармон муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини қонуний ифода этди ва унга кенг йўл очиб берди. Зеро, уй-жой инсон учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг бошқа конституциявий ҳуқуқлари билан бирга, бу ҳуқуқ жамоат уй-жой фондиди ривожлантириш ва қўриқлаш билан кооператив ва яқка тартибдаги уй-жой қуриш режаси кенг кўламда амалга оширила борган сари бериб бориладиган уй-жой майдонини жамоатчилик назорати остида одилона тақсимлаш билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, илм-фан билан техникавий ижодиётдан, осори-атикалар, тарихий ёдгорликлар ва маданият ютуқларидан кенг фойдаланилмоқда. Шу бонс, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида мустаҳкамланганидек: “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига илмий, техникавий ва бадиий ижод ҳуқуқи ва эркинлиги берилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар илмий тадқиқотлар, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини кенг авж олдириш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, рағбатлантириш, мукофотлаш билан таъминланади.

Ўзбекистонда бунинг учун зарур моддий шарт-шароитлар яратиб берилмоқда, кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар қўллаб-қувватланиб турилибди, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини халқ хўжалиги ва жамият ҳаётининг қатор соҳаларида жорий этиш имкониятлари яратилмоқда.

Фуқароларнинг муаллифлик, ихтирочилик ва рационализаторлик ҳуқуқлари давлат томонидан рағбатлантирилмоқда ва қўриқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фукарolari тарихий ёдгорликлар, маданий ютуқлардан кенг фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу ҳуқуқ мамлакатимиз ва жаҳон маданиятининг давлат ва жамоат фондларида сакланаётган маданий-маънавий бойликларидан барча фукарolarни баҳраманд қилиш, мамлакатимиз ҳудудида маданий-маърифий муассасаларни ривожлантириш, телевидение, радио, китоб нашр қилиш ишини ва вақтли матбуотни, текин кутубхоналар шохобчаларини ривожлантириш, чет эл давлатлари билан маданий алоқаларни кенгайтириш билан таъминланмоқда. Фукарolarнинг юқорида қайд этилган ҳуқуқларидан фойдаланишида 2001 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунни муҳим аҳамиятга эгадир.

Маданий тараққиётга ва маданий ҳаётда аҳолининг иштирок этишига ёрдам бериш мақсадида кўплаб жамғармалар ишлаб турибди. “Ўзбектеатр” ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибида “Артмадад”, “Ўзбекракс” миллий ракс бирлашмаси таркибида эса, Мукаррама Турғунбоева номидаги жамғарма фаолият кўрсатмоқда. Маданият ишлари бўйича вазирлик доирасида 85 та музей фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон фукарolarининг интеллектуал эҳтиёжлари, хилма-хил талаблари ошиб бормоқда ва улар ҳокимият ҳамда бошқарув органлари томонидан тобора тўла қондирилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 13-, 14-моддаларида, 1960 йил 14 декабрдаги Таълим соҳасидаги камситишларга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция моддаларида, Конституциямизнинг 41-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган **билим олиш ҳуқуқи** 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳам мустаҳкамланган. Таълим соҳасида мамлакатимизда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон аҳолиси юқори даражада (99,34%) саводли мамлакат ҳисобланади. Мактабларда таълим, тегишли тарзда етти тилда олиб борилади.

Юқорида қайд этилганидек, 1997 йили “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги Фармони билан ушбу Миллий дастурни амалга ошириш Республика комиссияси тузилди ҳамда унинг долзарб вазифалари белгилаб берилди. Болалар ва ўсмирларнинг бўш вақти самарасиз ўтмаслиги ва мазмунли дам олишни таъминлаш

максадларида давлат органлари, мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб корхоналар, жамоат бирлашмалари маданий-эстетик, тиббий, илмий ва бошқа йўналишлардаги мактабдан ташқари муассасаларни тузишлари мумкин. Давлат иқтидорли ёшлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилади. Давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар иқтидорли ёшларнинг оёққа туришларига кўмаклашишлари зарур. Энг муҳтож бўлган ижодкор ёшларга уй-жой бериш, муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишларини рағбатлантириш учун Давлат мукофотини таъсис этиш, республика мактаб олимпиадалари, ижодкор ёшларнинг халқаро ва республика танловлари ғолибларини моддий рағбатлантириш, махсус олий ўқув юртларига имтиҳонларсиз қабул қилиш каби бир қатор тадбирлар кўзда тутилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга давлат томонидан катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” номли китобида бу соҳада амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, шундай дейди: “Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-хунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб тубдан қайта таъмирланди. Шулар қаторида, 184 та болалар спорт иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди”¹.

2012 йилда қабул қилинган “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

2012 йил мобайнида қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонунлар

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 20–21.

ва улар асосида имзоланган “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, шунингдек, “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонлари ва бошқа қарорлар мамлакатимиз иқтисодий-тини барқарор ривожлантириш, уни диверсификация ва модернизация қилиш ва бунинг учун зарур ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳамда юртимизда инвестицион муҳит жозибadorлигини ва қулайлигини оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ана шу барча қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормаларнинг ижросини мониторинг қилиш ва назоратга олиш ташки ва жаҳон бозорларида глобал инкироз авж олиб бораётган бир шароитда ўта муҳим аҳамият касб этади

Фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари тўғрисида фикр юритганимизда, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ҳозирги даврда мамлакатимизда нодавлат ташкилоти сифатида Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи уюшмалар ташкил этилган. Истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Қуйидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид баъзи маҳсус қонунларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” (янги таҳрири), 2008 йил 18 июнь.

“Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, 1992 йил 2 июль.

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, 1993 йил 6 май.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, 1998 йил 1 май.

“Таълим тўғрисида”, 1997 йил 29 август.

“Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”, 1997 йил 29 август.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” (янги таҳрири), 2006 йил 20 июль.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, 1996 йил 26 апрель.

“Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, 1996 йил 29 август.

“Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида 2006 йил 12 апрель.

“Чет эллик инвесторлар ҳукукларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида”, 1998 йил 30 апрель.

“Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” (янги таҳрири), 2000 йил 26 май.

“Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”, 2001 йил 30 август.

“Фермер хўжалиги тўғрисида” (янги таҳрирда), 2004 йил 26 август.

“Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”, 2004 йил 2 декабрь.

“Ипотека тўғрисида”, 2006 йил 4 октябрь.

“Риэлторлик фаолияти тўғрисида”, 2010 йил 22 декабрь.

“Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”, 2010 йил 27 декабрь.

“Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”, 2011 йил 13 апрель.

“Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”, 2011 йил 5 октябрь.

“Ракобат тўғрисида”, 2012 йил 6 январь.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”, 2012 йил 26 апрель.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги” (янги таҳрир), 2012 йил 2 май.

“Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳукукларининг кафолатлари тўғрисида”, 2012 йил 17 декабрь.

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, 2012 йил 20 декабрь.

Умуман, бу рўйхатни яна кенгайтириш мумкин бўлиб, унда бахтсиз ходисалардан ва касбий касалликлардан мажбурий давлат ижтимоий сугурталаниш тўғрисидаги ва бошқа қонун номлари билан ҳам кенгайтириш мумкин.

Ўзбекистон Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурида мустақкамланган, инсон ҳукуклари универсал, бўлинмас, ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқададир ва шунинг учун ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳукуклар ҳам фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар каби муҳим ҳисобланади, деган ёндашув тарафдоридир. 2000 йилдан сўнг бюджетдан ижтимоий соҳага: таълим, соғлиқни сақлаш, ногиронлар ва кам таъминланганларга ажратиладиган маблағларнинг барқарор кўпайиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Кейинги йилларда бюджетнинг 50 фоизидан ортиғи ижтимоий соҳани ривожлантиришга, шу жумладан, 30 фоиздан ортиғи таълим соҳасига ажратилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2006 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга давлат бюджетининг 51 фоизи сарфланган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 55,6 фоизни ташкил этди, 2012 йилда эса – 60 фоизга етди. Ижтимоий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларига бундай эътибор, бундай муносабатда бўлиш жаҳон молиявий-иктисодий инкирози шароитларида жуда кам учрайдиган ҳолатдир.

Ўзбекистон мамлакатда тизимли ва жўшқин ҳаракат ва ўзгаришларга бой иктисодий, ижтимоий ва маданий сиёсатни ўтказиш тарафдоридир. Ҳукумат томонидан қабул қилинаётган ижтимоий ривожлантиришнинг йиллик ва узоқ муддатли миллий дастурлари эса, унинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳар йилни инсон ҳуқуқларининг муҳим ижтимоий-иктисодий жиҳатларини ҳал этишга бағишлаш амалиёти мавжуд. Жумладан, 2005 йил – “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006 йил – “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили”, 2008 йил – “Ёшлар йили”, 2009 йил – “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, 2010 йил – “Баркамол авлод йили”, 2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, 2012 йил – “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йил – “Обод турмуш йили” деб эълон қилинган.

Иктисодий ислохотлар ва иктисодиётдаги тузилмавий қайта қуришлар ҳозирги босқичда давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишидаги ўзига хос жиҳатларидан ҳисобланади ва улар ўтиш давридаги ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг муайян хусусиятини кўрсатиб берадики, бу хусусият, ўз навбатида, фуқароларнинг иктисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаб беришга таъсир кўрсатади.

Асосида қишлоқ хўжалигини қайта қуриш ҳисобланган қишлоқ жойларида ўтказилаётган иктисодий ислохотлар қишлоқ аҳолисининг маданий фаровонлик даражасини оширишга, ўрта ва кичик бизнеснинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматини ҳаммабоп қилишга, янги иш жойларини қуришга ва умуман, инсонлар ҳаётини фаровонлаштиришга ҳамда шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолиси имкониятларини тенглаштиришга қаратилгандир. Иктисодий ислохотлар хўжалик субъектларига қарашли мулк шакллариининг ўзгариши, хусусий мулк соҳасини кенгайтириш, фермер хўжалиқларини кўпайтириш билан бирга олиб борилдики, бу жараён умуман аҳолининг ижтимоий-иктисодий фаоллиги ва ҳуқуқий онгининг ошишига олиб келди. Мазкур жараёнлар эса, ўз навбатида, фаолияти қишлоқ жойларида инсон ҳуқуқларининг бузилишига йўл

қўймасликка қаратилган Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус тузилмаларни ташкил этиш эҳтиёжини тугдирди.

Ҳукумат томонидан 2013 йилга мўлжалланган **Иш жойларини яратиш ва бандликни таъминлаш дастури** ишлаб чиқилган ва парламент томонидан тасдиқланган. Дастурда 2013 йилда 972,7 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик меҳнатини кучайтириш ҳисобига ташкил этилади. Дастурнинг яна бир устувор жиҳати фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган тоифаларини ишга жойлаштиришдан иборат. Ногиронлар ҳамда меҳнат бозорида қийинчиликка дуч келаётган бошқа шахслар учун камида 100 мингта иш ўрнини захиралаш (квоталаш) белгиланган.

Дастурда таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга муҳим ўрин ажратилган. Бўш ва захираланадиган иш ўринлари ҳисобига касб-ҳунар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган. Шу мақсадда “коллеж–корхона” тизими бўйича касб-ҳунар коллежларига иктисодиётнинг турли тармоқларидаги 90 мингдан зиёд корхона ва ташкилот бириктириб қўйилади, битирувчиларнинг иш кидиришга сарфлайдиган вақтини қисқартириш учун эса, барча йирик шаҳарлар ва туманларда камида 900 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилади. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларининг битирувчиларига ўз тадбиркорлик ишини ташкил этиши ҳамда йўлга қўйиши учун имтиёзли микрокредитлар ажратишни давом эттириш назарда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредит билан салмоқли равишда қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 5,1 триллион сўм миқдорда кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу кредит маблағлари, асосан, олис кишлоқ туманларида ва меҳнат бозорида вазият кескин бўлган ҳудудларда иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Дастур фуқароларнинг ишбилармонлик фаоллигини бундан буён ҳам рағбатлантиришни, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка, кишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш

ҳамда саклашга, иссиқхона хўжалиқларини ташкил этишга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжалиқларини, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва кенгайтиришни ҳамда бошқаларни назарда тутлади.

3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизми

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишнинг халқаро механизми.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишнинг халқаро механизми тўғрисида фикр юритилганда, авваламбор, универсал механизм сифатида БМТ тизимида шаклланган механизмни таъкидлаб ўтиш лозим.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича механизмнинг умумий тавсифига олдинги бобларимизда батафсил тўхталиб ўтган эдик. БМТ доирасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар билан шуғулланувчи асосий орган унинг Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) ҳисобланади. Мазкур орган БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштириш учун халқаро ҳуқуматлараро орган сифатида таъсис этилган. ЭКОСОС қуйидаги масалалар учун масъул ҳисобланади:

юқори турмуш даражасини, тўлиқ иш билан бандликни, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш;

халқаро иқтисодий, ижтимоий ва соғлиқни саклаш муаммоларини ҳал қилиш йўлларини аниқлаш;

маданий ва таълим соҳаларида халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш;

асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини рағбатлантириш¹. Яъни, мазкур йўналишларда орган аъзо-мамлакатлар ва Ташкилотнинг бошқа органлари ҳамда ихтисослашган ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Шу билан бир қаторда, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро назорат органи сифатида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт доирасида ташкил этилган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитани алоҳида

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бақоева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. Т "O'zbekiston", 2010. – Б. 252.

таъкидлаб ўтиш лозим. Қўмита Пактга аъзо-давлатларнинг миллий маърузаларини кўриб чиқади. Қўмитанинг таркиби, фаолияти ва унинг иш юритиш жараёни тўғрисида БМТ механизмига бағишланган бобда тўхталиб ўтилган.

Шу ерда, БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 2008 йил декабрда қабул қилинган Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Факультатив протоколи 2013 йил 5 май куни кучга кирганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Протоколнинг кучга кириши алоҳида шахсларга Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кафолатланган ҳуқуқлари бузилган шахсларга бунинг учун махсус ташкил этилган Қўмитага мурожаат қилишига имкон берди. Мурожаатлар аъзо-давлат юрисдикциясидаги Пактда баён қилинган иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари бузилган шахс ёки шахслар гуруҳи ёки уларнинг номидан мазкур ҳуқуқларни бузган аъзо-давлат устидан тақдим этилиши мумкин. Бу эса, Пактда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш борасида халқаро органга индивидуал мурожаат қилиш ҳуқуқини янада кенгайтиради.

Қуйида БМТ доирасида муайян иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича махсус таомиллар рўйхати келтирилмоқда:

- Таълимга бўлган ҳуқуққа оид масалалар бўйича махсус маърузачи (1998 йилдан буён);
- Озиқ-овқатга бўлган ҳуқуққа оид масалалар бўйича махсус маърузачи (2000 йилдан буён);
- Етарли ҳаётий даражага бўлган ҳуқуқнинг ва бу соҳада камсигилмасликка бўлган ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида Етарли уй-жой масалалари бўйича махсус маърузачи (2000 йилдан буён);
- Ҳар бир шахснинг энг юқори даражада жисмоний ва руҳий соғлом бўлишга бўлган ҳуқуқи масалалари бўйича махсус маърузачи (2002 йилдан буён);
- Хавфсиз ичимлик сувлари ва санитария хизматларининг имсониятлари билан боғлиқ ҳуқуқни ҳимоя қилувчи мажбуриятлар тўғрисидаги масала бўйича мустақил эксперт (2008 йилдан буён).

Бугунги кунда БМТ тизими доирасида иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича ихтисослашган ташкилотлар тизими шаклланиб, уларга ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) қиради. Мазкур ташкилот-

лар орасида ЮНЕСКО ва ХМТ доирасида ташкилотларнинг халқаро ҳужжатларидан белгилаб қўйилган ҳуқуқлари аъзо-давлат томонидан бузилган тақдирда, бузган давлат устидан индивидуал мурожаат қилиш ҳуқуқини эътироф этувчи ҳамда халқаро ҳужжатлардан келиб чиқувчи мажбуриятларини бажариши бўйича мониторинг қилувчи механизмлар (қўмиталар) шаклланган.

Жумладан, ЮНЕСКОнинг Конвенциялар ва тавсиялар бўйича қўмитасига ҳам шикоятлар билан мурожаат қилиш мумкин. Мурожаатлар алоҳида шахслар ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан қуйидаги масалалар юзасидан берилиши мумкин: таълим олиш ҳуқуқи, жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда иштирок этиш ҳуқуқи, ахборот ва ахборот воситалари билан излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги, виждон ва сўз эркинлиги.

Халқаро меҳнат ташкилоти доирасида бу Ташкилот халқаро ҳужжатларини ратификация қилган давлатлар томонидан конвенция ва тавсияларнинг бажарилиши устидан назоратни 20 нафар юристдан иборат мустақил эксперт қўмитаси ва Конференцияларнинг конвенция ва тавсияларнинг бажарилиши бўйича уч томонлама қўмитаси олиб боради.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишнинг миллий механизми.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга оширишнинг миллий механизми тўғрисида фикр юритилганда, бу ҳуқуқлар, авваламбор, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларни амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган олдинги бобда таъкидлаб ўтилгани каби, анъанавий ва ноанъанавий шаклдаги тизимлар ёрдамида амалга оширилади ва ҳимоя қилинади. Яъни, уларга анаъанавий шаклдаги тизимга: суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ноанъанавий шаклдаги тизимга: инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари қиради.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб беринг.*

2. *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид халқаро стандартларни белгилаб берувчи халқаро ҳужжатлар ва уларнинг моҳиятини тушунтириб беринг.*

3. *Ўзбекистон Конституциясидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?*

4. *Иқтисодий ҳуқуқларга қайси ҳуқуқлар киради?*

5. *Ижтимоий ҳуқуқларга қайси ҳуқуқлар киради?*

6. *Маданий ҳуқуқларга қайси ҳуқуқлар киради?*

7. *Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга оид миллий қонунчилик ҳужжатларини кўрсатиб беринг.*

8. *Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаб беришдаги ўрнини кўрсатиб беринг.*

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

2. Комитет по экономическим, социальным и культурным правам. – Женева, 1996.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили(омбудсман)нинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2013.

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. – Т.: “Адолат”, 2004.

5. Права человека. Учебник. /Отв. ред. Е.А. Лукашева. – М.: НОРМА-ИНФРА, 1999.

6. Саидов А.Х. Права человека. Учебник-хрестоматия. – Т.: УМЭД, 2001.

7. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Т.: “Konsauditinform-Nashr”, 2006.

8. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар. Т.: “Адолат”. 2002.

9. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. – Т.: “Ўзбекистон” 2009.

10. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.

13-мавзу. Аёллар ҳуқуқлари

1. Аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги тушунчаси.
2. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинлигини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш.
3. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчилик асослари.
4. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми.

1. Аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги тушунчаси

Инсон ҳуқуқлари муаммоси бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Айниқса, терроризм, экстремизм хуружлари кучайган XXI асрда бундай ҳуқуқларни таъминлаш нафақат алоҳида давлатлар учун, балки кенг халқаро ҳамжамият учун ҳам биринчи даражали вазифаларга айланмоқда. Шу мақсадда халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда ва қабул қилинмоқда, давлатлар халқаро механизмларни яратмоқдалар. Чунки, бугун кун воқелиги давлатлар ва халқаро ташкилотларга мазкур муаммоларга янада жиддий ёндашиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида хотин-қизларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши соҳасидаги вазият ҳам жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солмоқда. Аёлларнинг эркаклар билан тенглигига эришиш борасидаги муайян ютуқларга қарамасдан, баъзи жамиятлардаги аёллар учун ҳақиқий тенглик ҳали-ҳамон орзулигича қолиб келмоқда. Улар ҳуқуқларининг чекланиши ва хўрланишида намён бўлаётган дискриминация қилиш ҳоллари ана шундан далолат беради.

Хотин-қизлар сиёсий ҳаётда ва ижтимоий турмуш фаолиятида ўз ҳуқуқларининг қамситилишига дуч келадилар. Оилада киз боланинг ўқиши, ўқув юрти ёки олий ўқув муассасасини битириши ҳамда ижтимоий ҳаётда қатнашишини таъқиллаш ва чеклаш, аёлнинг ҳомиладорлиги ёки кўп болалилиги сабабли ишга қабул қилмаслик, аёл билан эркакнинг касбий қобилият ва билимдонлик даражалари барабар бўлгани ҳолда, аёлни эмас, эркакни юқори хизмат поғонасига кўтариш, аёлни давлатни бошқариш ишларига яқинлаштирмаслик каби ҳолларнинг барчасида аёл кишининг инсоний ҳуқуқларига путур етказилган бўлади.

Ҳар қандай шаклда амалга ошириладиган камситилиш аёлни эр-каклар эга бўлган имкониятлардан махрум қилиб, муқаррар равишда унинг амалдаги тенгсизлигига олиб боради. Аёлнинг инсоний кадр-қимматини поймол қиладиган зўравонлик хотин-қизлар ҳуқуқларини камситишнинг энг хавфли шакли ҳисобланади.

БМТнинг маълумотларига қараганда, дунёда миллионлаб аёл-лар жисмоний зўравонлик хавфи остида яшайдилар. Хотин-қизлар шафқатсиз зўравонлик натижасида нафақат майиб бўладилар, ҳаттоки ҳаётдан кўз юмадилар. Хотин-қизларга қарши зўравонлик “ҳаддан ташқари четга оғиш” сифатида баҳоландики, у хотин-қизларга жисмоний, психологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсир кўрсатади.

Ҳолбуки, инсон ҳуқуқлари, эркакми ёки аёлми, ўғил болами ёки қиз бола эканлигидан қатъи назар, ҳар бир шахс эга бўладиган ҳуқуқлардир. Давлатлар ўзларининг демократик тусда эканлиги ҳақидаги нуфузни сақлаб қолишни хоҳлар экан, уларга инсон ҳуқуқларини эътироф этиш ва риоя қилиш борасида қўйиладиган замонавий талабларни эътиборга олиш керак бўлади. Бу уларнинг ҳақиқийлигини синайдиган мезондир. Хотин-қизларга нисбатан намоён қилинадиган камситиш ва зўравонлик муаммоси ҳозирги вақтда ҳам жамиятнинг диққат-эътиборини жалб қилиб турган энг кескин ижтимоий муаммолардан биридир.

Ўзбекистонда хотин-қизларга бўлган муносабат, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Президент И. Каримов ўзининг турли чиқишларида бу масалага доимий равишда эътибор қаратиб келган. Хусусан, у 1998 йил 5 декабрда Конституция қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида 1999 йилни “Аёллар йили” деб эълон қилар экан, шундай деган эди: “Инсоният тарихи гувоҳлик берадики, минг йиллар жараёнида ҳар жамиятнинг маданий ва маънавий ҳаёти уларнинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланган. Бизга бу қадрият янада қимматлидир, чунки биз аёлларга шарқона ҳурмат билан муносабатда бўламиз”

Мамлакат қонунчилигида шахсни камситадиган қоидаларга йўл қўйилмаган. Аксинча, барча қонунчилик ҳужжатлари Конституциядаги барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳақидаги қоидаларни ривожлантиради ва аниқлаштиради.

Аёллар ҳуқуқлари тушунчаси. Аёллар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг таркибий ва ажралмас қисми ҳисобланиб, аёлларнинг жинсий ва бошқа ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, махсус халқаро ва миллий ҳужжатларда акс этган ҳуқуқлари ҳисобланади. Аёлларнинг ҳуқуқлари бўлинмасдир ва у алоҳида ҳуқуқлар билан бирга фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқларнинг барчасини ўз ичига олади ва уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бунга БМТ Низомининг 55-моддаси “с” бандида: “инсон ҳуқуқларига, кишиларнинг ирки, жинси, тили ва динидаги тафовутларидан қатъи назар, ҳамманинг асосий эркинликларига умумҳурмат билан қараш ва уларга риоя қилишга кўмаклашади”¹ деб айтилган қондани мисол келтириш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳозирги вақтдаги энг жиддий муаммолар қаторига қиради. Бундай ҳуқуқларнинг универсал тусга эгаллиги ушбу муаммони дунёдаги барча мамлакатлар учун ҳам умумий аҳамиятга молик қилиб қўяди, чунки инсон ҳуқуқлари бузилмайдиган мамлакатнинг ўзини топиш қийиндир. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши соҳасида вужудга келган вазият жаҳон ҳамжамиятини каттиқ ташвишга солмоқда. Аёлларнинг эркаклар билан ҳуқуқий тенглигига эришиш борасидаги муайян ютуқларга қарамадан, аёллар учун ҳақиқий тенглик ҳали ҳам барибир орзулигича қолиб келмоқда. Улар ҳуқуқларининг чекланиши ва ҳўрланишида намоён бўлаётган камситиш ҳоллари ана шундан далолат беради².

1993 йил Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ўз Декларацияси ва Ҳаракат дастурида инсоният тарихида биринчи марта “инсон, аёллар ва қизлар ҳуқуқлари инсоннинг умумий ҳуқуқларининг ажралмас, таркибий ва бўлинмас қисми эканлигини эълон қилди. Шунинг учун ички (миллий), минтақавий ва халқаро даражаларда сиёсий, фуқаролик, иқтисодий, жамоатчилик ва маданий ҳаётда аёлларнинг тўлиқ ва тенгма-тенг иштирокига эришиши, шунингдек, жинсига қараб дискриминация(камситиш)ларнинг барча кўринишларига барҳам бериш халқаро жамоатчиликнинг биринчи галдаги максадлари ҳисобланади”³.

Кўп ҳолларда, аёлларнинг ҳуқуқлари бўлса, улар инсон ҳуқуқларидан нима учун ажратиб кўрсатилади, ёки улар инсон эмасми, деган кинояли гаплар тез-тез учраб туради. Бу, албатта, нотўғри тушунча

1 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро суд Статути. – Т. 2002. – Б. 31.

2 Тансиқбоева Г. Аёлларнинг дискриминация қилинишини бартараф этиш – уларнинг амалдаги тенглигининг зарурий шarti //Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. – Т.: Адолат, 2002. – Б. 8.

3 <http://www.ohchr.org>

хисобланади. Чунки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан бошлаб, аксарият халқаро¹ ва миллий ҳуқуқий ҳужжатлар барча аёл ва эркакларга, кизлар ва ўғил болаларга уларнинг барчаси инсонлар бўлгани учун ҳам бир хил ҳуқуқлар ва тенг масъулият беради. Уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавжуд муносабатлари бу ерда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Фақатгина, юқорида айтганимиздек, аёлларнинг жинсий ва ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг жамиятнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётидаги иштирокини янада фаоллаштириш ва бу соҳада уларнинг тенг даражада иштирок этиш имкониятларини яратиб бериш учун ҳам уларга қўшимча махсус ҳуқуқлар ва имтиёзлар яратиб бериладики, ушбу қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар аёллар ҳуқуқларининг ўзига хослиги билан изоҳланади. Аёллар ҳуқуқлари бузилди, деган тушунча, инсон ҳуқуқлари бузилди деган тушунчани беради. Ваҳоланки, аёлларнинг ҳуқуқлари бузилганда, инсон ҳуқуқлари бузилди, деб кўриб чиқилмаган тақдирда, аёлларнинг инсон зотига мансублиги инкор қилинган бўлар эди.

Умуман олганда, аёллар ҳуқуқлари деган тушунча аёлларга нисбатан зўравонлик, аёлларнинг айнан аёл бўлганлиги боис ҳам баъзи ҳуқуқларда камситилаётганлиги учун инсон ҳуқуқларининг алоҳида ҳуқуқлари сифатида шаклланишига олиб келди. Афсуски, барча жамиятларда аёлларга нисбатан зўравонлик мавжуд. Аёлларга нисбатан зўравонлик – зўравонликнинг бир тури бўлиб, сўз билан ҳақорат қилишдан бошлаб, оғир тан жароҳатини етказиш, таҳдид ва номусга тегиш қабиларни ўз ичига олади. Аёлларга нисбатан зўравонлик психологик, жисмоний, жинсий, иқтисодий каби кўринишларга эга².

Аёлларга нисбатан сиёсий, фуқаролик ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда миллий, минтақавий ва халқаро даражада, шунингдек, жинс белгиси бўйича камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш жамиятнинг биринчи галдаги вазифаларидир.

Гендер тенглиги тушунчаси бугунги кунда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида турли мамлакатларда бўлгани каби, бизнинг мамлакатимизга ҳам кириб келган ва бугунги кунда долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Гендер тенглиги деганда, турли жинс вакилларининг ҳуқуқлар ва имкониятлардан тенг даражада фойдаланишга бўлган ҳуқуқи тушунилади. Масалан, давлат ва жамият бошқаруви ишларида иштирок этиш, иқтисодий ва ижтимоий имтиёз-

1 Бағатсил маълумотлар учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар: гўплам /масъул муҳаррир А.Х. Сандов. – Т.: Адолат. 2004

2 Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли лугати. /Масъул муҳаррир К.А. Жўраев. – Т. ЖИДУ. 2005. Б.8

лардан фойдаланиш, меҳнатга тенг ҳақ олиш каби ҳуқуқлар. Гендер тенглиги масаласи, одатда, ижтимоий ҳаётда, яъни оилада, жамиятни бошқаришда тенглик тамойилини жорий этишда кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай муаммолар, айниқса, XXI асрга келиб инсониятни кўпроқ ташвишга солмоқда.

Гендер тенглиги масаласини ҳал этиш жамият учун аёллар ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, жамиятнинг барча соҳаларида, яъни иқтисодда, сиёсатда, ижтимоий ҳаётда жамият барча аъзоларининг, шу жумладан, аёлларнинг эркаклар билан тенг имкониятлари таъминлаб берилмас экан, бу жамиятда аёллар ҳуқуқларини таъминлашга оид вазифалар ижобий ҳал этилмоқда, деб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, XXI асрга келиб, халқаро майдонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида турли халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Уларда аёллар ҳуқуқларига оид муаммолар ўрганилмоқда ва аёлларнинг жамиятдаги иштирокини янада кенгрок таъминлаш ҳамда уларнинг барча ҳуқуқларига амал қилишга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Ана шундай таклиф ва тавсиялар асосида эса давлатлар томонидан бажарилиши лозим бўлган халқаро шартномалар ишлаб чиқилмоқда ва давлатлар томонидан имзоланмоқда. Уларга 1967 йилги “Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларация”, 1979 йилги “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция”, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция, БМТнинг 1993 йилги “Аёлларга нисбатан зўрликлар ва жабрзулмларга барҳам бериш тўғрисида”ги Декларацияси, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларини мисол келтириш мумкин.

Шуни яна алоҳида қайд этиш лозимки, юқорида айтиб ўтилган халқаро ҳужжатлардан ташқари, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро механизмлар ҳам шаклланмоқда. Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция асосида ташкил этилган БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитасини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенциясининг Факультатив протоколи 2000 йил 22 декабрда кучга кирди. Унда иккита процедура мавжуд: алоҳида шахс ёки шахслар гуруҳининг Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқлар бузилганлиги билан боғлиқ шикоятларини қамраб олган ахборотни Қўмитага тақдим этиш процедураси; тергов ўтказиш проце-

дураси бўлиб, унга кўра Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқлар жиддий ва тизимли равишда бузилиши ҳолатлари бўйича Қўмитанинг ўзи ташаббус билан терговни қўзғатиши мумкин. Демак, мазкур Факультатив протокол процедурали протокол бўлиб, унга кўра Конвенцияни амалга оширишга ва аёллар ҳуқуқлари бузилиши масалаларига тааллуқли икки янги процедура: алоҳида шахсларнинг шикоят тақдим этиш процедураси ва тергов процедураси киритилмоқда.

Шу билан бирга, миллий миқёсда ҳам аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик тизими шаклланимоқда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги Конституциямизнинг 18- ва 46-моддаларида ўз аксини топган. Конституциянинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникиди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига мос бўлиши шарт”¹ деб белгилаб қўйилган бўлса, 46-моддасида эса, янада аниқ ва равшан қилиб, “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар” деб, гендер тенглиги тамойили мустаҳкамлаб қўйилган².

Конституциянинг бу нормалари бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан такомиллаштириб борилмоқда ҳамда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган механизмлар ташкил этилмоқда (масалан, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси). Аёлларга муносабат давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

1999 йилнинг “Аёллар йили”, 2001 йилнинг “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилиниши ва махсус давлат дастурларининг қабул қилиниши, давлатимизда бу соҳада изчил ва мақсадли сиёсат олиб борилаётганлигининг исботидир.

Юқорида қайд этилган аёллар ҳуқуқларини махсус ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ва миллий ҳуқуқий асос ҳамда механизмлар, бугунги кунда аёллар ҳуқуқлари тушунчаси вужудга келганлигини ҳамда бу тушунча асосида инсон ҳуқуқларининг алоҳида соҳаси шаклланишини кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар ҳуқуқлари нафақат инсон ҳуқуқларининг алоҳида тури сифатида ажралиб чиқмоқда, балки шу билан бирга, инсон ҳуқуқларининг ажралмас ҳуқуқлари сифатида бугунги кунда янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.. Ўзбекистон, 2012. Б. 6.

2 Ўша жойда. Б. 10.

2. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинлигини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш

Аёллар ҳуқуқлари ва эркинлигини халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилишга, бу аёллар муаммоларини муҳокама қилиш ва уларни ҳал этиш мақсадида ташкил этилган халқаро конференциялар, аёллар ҳуқуқлари-га оид халқаро ҳужжатлар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро механизмлар киради.

Аёллар ҳаракатларининг муҳим босқичлари:

- 1975 йил I Бутунжаҳон Аёллар Конференцияси ва Халқаро Хотин-қизлар йили деб эълон қилиниши (Мехико, Мексика.);
- 1976–1985 йиллар БМТ томонидан “Тенглик, Тараққиёт, Тинчлик” шиори остида Аёллар ўн йиллиги деб эълон қилиниши;
- 1979 йил “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллари-га барҳам бериш тўғрисидаги конвенция”нинг қабул қилиниши;
- 1980 йил II Бутунжаҳон Аёллар конференцияси (Копенгаген, Дания);
- 1985 йил III Бутунжаҳон Аёллар конференцияси (Найроби, Кения);
- 1995 йил Аёллар ҳолати бўйича IV Бутунжаҳон конференцияси (Хитой, Пекин), Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси;
- 1995–2004 йиллар БМТ Бош Ассамблеясининг 49-сессиясида “Инсон ҳуқуқлари таълимининг ўн йиллиги” эълон қилиниши.

Гендер тенглик учун кураш 1945 йил БМТнинг ташкил топиши биланок бошланди. Ташкилотнинг дастлабки 51 аъзосидан 30 таси аёлларга эркаклар билан тенгликда сайлов ҳуқуқи ва давлат ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берди. БМТ Низомида эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилди. Гендер тенгликка эришиш учун дастлабки қилинган ишлар аёлларнинг юридик ва фуқаролик ҳуқуқларидаги муаммоларни ечиш, дунё бўйлаб аёлларнинг аҳволи бўйича маълумотлар йиғишга қаратилди. Вақт шуни кўрсатдики, фақатгина қонунлар билан тенг ҳуқуқлилики таъминлашга эришиб бўлмас экан. Шундан кейин гендер тенглиги учун курашнинг иккинчи босқичи бошланди. Шу мақсадда аёллар аҳволини яхшилаш борасида режа ва стратегияларни ишлаб чиқиш учун БМТ ташкилотининг ташаббуси билан 4 та халқаро конференция қакирилди. Бу конференциялар БМТ томонидан жаҳон миқёсида ташкил қилинган бўлиб, бутун дунё эътиборини “Гендер тенглиги муаммоси”га қаратишга муваффақ бўлди. Конференциялар бутун дунё аҳолисини бир мақсад йўлида бирлаштирди ва режалар тузиш, йўналишларни белгилаш, аёлларнинг жамиятдаги ва шахсий ҳаётидаги аҳволларини яхшилаш учун асос бўлди.

Мехико конференцияси. I Халқаро конференция 1975 йилда Мехикода бошланди. Унда 1975 йил халқаро миқёсда “Аёллар йили” деб эълон қилинди ва халқаро ҳамжамиятга яна бир бор аёлларга нисбатан муносабатда камситишга йўл қўйилаётганлиги кўп давлатларда ечилмас муаммо сифатида қолди келаятгани эслатиб ўтилиб, конференция маънаси алмашиш, мунозара, келишув, максималар қўйиш, мавжуд аҳволни таҳлил этиш билан бошланди. БМТ Бош Ассамблеяси Конференция иштирокчилари олдида куйидаги уч масалани қўйди:

Гендер тенгликни таъминлаш ва жинсга боғлиқ белгиларда камситишни йўқотиш;

Аёлларни ривожланиш жараёнига жалб қилиш ва уларнинг бу жараёндаги иштирокини тўлиқ таъминлаш;

Аёлларнинг бутун дунё бўйича тинчликни таъминлашдаги ҳиссасини ошириш.

Юқоридаги учта масала юзасидан бутун дунёда амалга оширилиши лозим бўлган фаолиятнинг асосий йўналишлари кўрсатилган дастур қабул қилинди. Кўтарилган масалаларни ҳал этиш учун 10 йиллик муддат белгиланди. Дастур аёлларни таълим олиш, бандлик, сиёсий фаолият, соғлиқни сақлаш, уй-жой билан таъминлаш, озик-овқат ва оилани режалаштириш соҳаларида тенгликни таъминлашга қаратилган асосий вазифаларни ўз ичига олган.

Конференция иштирокчилари бошқарув органларини миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва ривожланиш жараёнида аёлларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлашга қаратилган максимал ва вазифаларни аниқлашга чақирдилар. 10 йилликнинг охирида БМТнинг 127 та аъзо-давлати мазкур йўналиш бўйича миллий механизми ва институтларини ташкил қилишганлиги ҳамда у борада тегишли, тадқиқотлар ўтказилаётганлиги ҳақида маълумотлар берди.

Аёллар аҳволини яхшилашга қаратилган БМТ Департаментига Мехикодаги конференцияда қўшимча қилиб, Аёллар аҳволини яхшилашга қаратилган халқаро тадқиқот институти ва БМТ жамғармаси ташкил қилинди. Мехикодаги учрашувнинг асосий белгиси шу бўлдики, унда аёлларнинг ўзлари муҳокамада иштирок этдилар. Делегатларнинг 133 нафаридан 113 нафари аёллар эди. Бу анжуманга параллел равишда нодавлат ташкилотларининг форуми ўтказилди ва унда 4000 нафар афроғида вакиллар қатнашди. Форумда иштирок этган аёлларнинг фикрлари хилма-хил бўлиб, улар ўз минтақасидаги муаммолардан келиб чиққан эди. Масалан, Шарқ аёллари ўз қизиқишларини дунёда тинчлик ўрнатишга қаратган бўлсалар, Ғарб аёллари тенгликни

саклашга, ривожланаётган мамлакатларнинг аёллари эса, ўз эътиборларини ўтиш даври муаммоларига қаратдилар. Форум турли давлатларнинг аёл ва эркакларини йиғиб, аёллар ҳаракатини бирлаштиришга бевосита ёрдам берди.

Копенгаген конференцияси 1980 йилда II Халқаро конференция сифатида ўз ишини бошлади. Унда 145 давлат вакиллари иштирок этди ва бу соҳада ривожланиш мавжудлигини эътироф этишди. Конференция катнашчилари Мехикода 5 йил аввал бўлиб ўтган конференцияда қўйилган максадлар амалга ошганининг гувоҳи бўлишди. Энг асосий қилинган ишлардан бири 1979 йилда Бош Ассамблея томонидан “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция” қабул қилиниши бўлди. Конвенция “Аёллар ҳуқуқлари билими” номини олди ва у ҳозирда БМТнинг 165 аъзо-давлатларини бирлаштирган. 1999 йил 10 декабрда Конвенцияга қўшимча протокол қабул қилинди ва бу жинсий камситишга йўл қўйилаётганлиги юзасидан халқаро органга шикоят билан мурожаат қилиш имконини берди.

Копенгагендаги конференция турли хил фикрлар ва баҳслар билан ўтди ва дастур қабул қилинди. Унда аёллар ҳуқуқларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган қуйидаги бир қанча омиллар санаб ўтилди:

аёлларнинг жамиятдаги ролини оширишда эркаклар иштирокининг етишмаслиги;

сиёсий хохишларнинг йўқлиги (етишмаслиги);

режалаштиришда аёлларнинг асосий эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик;

бошқарув органларида аёллар сонининг камлиги;

давлат ҳаётида аёллар иштирокини таъминловчи хизматларнинг етишмаслиги:

молия ресурсларининг етишмаслиги;

аёллар ўз имкониятларини англаб етмасликлари.

Найроби конференцияси. Гендер тенглик юзасидан III конференция “БМТ 10 йиллиги – аёллар ютуқларини шарҳлаш ва баҳолаш халқаро конференцияси: тенглик, тараққиёт ва тинчлик” деб номланиб, 1985 йилда Найробида ўтказилди. 15000 нафар вакилларнинг кўпчилиги нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)ларидан бўлиб, бир вақтнинг ўзида ННТлар форумининг иштирокчилари эди. Мехикода сиёсий ва иқтисодий тармоқлардаги ҳуқуқлар юзасидан бирлашган аёллар ҳаракати эндиликда тенглик, ривожланиш, тинчлик байроғи остида бирлашди, халқаро кучга

айланди. Баҳс-мунозара ва қилинган ишлар таҳлили маълумотлар, янгиликлар ҳамда билим ва тажрибани оширди. БМТ тўплаган маълумотлар шуни кўрсатадики, камситишларнинг йўқолиши ва камайиши фақатгина кам таъминланган аёллар ўртасида юз берган. Ривожланаётган давлатларда аёллар аҳолининг яхшиланиши сезилмас даражада амалга оширилган. Қисқача қилиб айтганда, иккинчи ўн йилликда қўйилган масалалар охиригача ҳал этилмаган. Юқоридаги фактлар инобатга олиниб, масалага янгича қараш талаб этилди. Найроби делегатлари ўн йиллик максадларини тенглик, ривожланиш ва тинчликка эришиш борасидан янги йўللارни излашдан бошлади.

Найроби статистикаси 2000 йилгача режалаштирилган бўлиб, БМТнинг 157 иштирокчи-давлатлари томонидан ишлаб чиқилди ва бир овоздан қабул қилинди. Аёллар инсоният фаолиятининг ҳамма соҳаларидаги бошқарув ишларида иштирок эта олиши нафақат уларнинг қонуний ҳуқуқларига, балки ижтимоий-сиёсий зарурат омилига ҳам айланди. Ҳужжатга асосан миллий доирада турли тадбирлар режалаштирилди. Уларни уч асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

Конституция ва қонунчиликни такомиллаштириш меъёрлари;
сиёсий ҳаётда ва қарор қабул қилишда тенг иштирокчилик;
ижтимоий дастурларда тенглик.

Найроби конференциясининг қарори шундан иборат бўлдики, эндиликда ваколатли делегат ҳар бир давлат ташкилоти ва дастурларида аёллар муаммосини ҳал қилишда иштирок этадиган бўлди.

Пекин платформаси. 1975 йилда Мехикода бошланган конференциядан кейин аёллар ва эркеклар ўртасидаги муносабатларда тенгсизлик маълум даражада камайди. Конференция қарорлари барча инсонларга, айниқса, эркеклар ҳаётига катта таъсир ўтказди. Қарорлар қабул қилишда тенгликнинг тан олиниши БМТ томонидан 90-йилларда ўтказилган бир қанча халқаро конференцияларда ўз исботини топди: атроф-муҳит, инсон ҳуқуқлари, аҳоли ижтимоий ривожланиши ва бошқа турдаги бир қанча конференцияларда, қарорлар қабул қилишда аёлларнинг тўлиқ иштироки муҳимлиги таъкидланди.

Қайд этиш лозимки, 1995 йилда Пекинда чақирилган Конференцияда гендер тенглиги бўйича курашнинг янги саҳифаси очилди.

1995 йилда БМТнинг Аёллар аҳоли бўйича IV Умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин Ҳаракатлар платформаси алоҳида муҳим ўрин тутди. Конференция бир овоздан Пекин декларацияси ва Ҳаракат платформасида 12 йўналишдаги алоҳида соҳаларга аҳамият берилди. Унинг муқаддимаси ва 12 бўлими аёллар ҳуқуқлари бўйича

аёллар аҳволини глобал даражада баҳолаш ва бутун дунёда аёллар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича стратегиялар, сиёсат ва чоралар тадқиқ этилган энг тўлиқ дастур ҳисобланади. Бу соҳаларда ҳукуматлар ва жамиятлар томонидан қуйидаги махсус меъёрлар қабул қилиниши кераклиги таъкидланди:

- аёллар ва қашшоқлик;
- таълим ва аёлларнинг касбий тайёргарлиги;
- аёллар ва соғлиқни сақлаш;
- аёлларга нисбатан зўравонликлар;
- қуроли можаролар даврида аёллар;
- аёллар ва иқтисод;
- аёлларнинг бошқарув органларида ва қарор қабул қилишдаги иштироки;
- аёллар ҳолатини яхшилашда институционал механизм;
- аёллар ва инсон ҳуқуқлари;
- аёллар ва оммавий ахборот воситалари;
- аёллар ва атроф-муҳит;
- қизлар.

Пекин конференцияси жуда катта муваффақиятга эришди. Унда 189 давлатнинг 17000 делегати иштирок этди.

Қилинган ишларнинг таҳлили Пекин Ҳаракат платформаси қабул қилингандан кейин беш йилдан сўнг, БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессиясида кўриб чиқилди.

Пекин платформасида аёлларга нисбатан зўравонликка қарши қураш тўғрисида шундай нормалар бор: “Аёлларга нисбатан ўтказилган ҳар қандай зўравонлик – ҳар қандай жинсий белгига асосланган тазйик ўтказиш, аёл саломатлигига жисмоний, жинсий ёки руҳий путур етказадиган, ёки унга азоб-уқубат, изтироблар чекишга олиб келадиган, шунингдек, шахсни ёки жамоа эркинлигидан маҳрум қилинган ёки маҳкум этилган ҳаракатларининг содир этилиши тушунилади”. Демак, аёлларга етказиладиган зўравонлик қуйида келтирилган ҳодисаларга мувофиқ келади, шу билан бирга, улар билан чекланиб қолмайди:

а) онладаги жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонликлар, жумладан, қалтақлаш, сеп билан боғлиқ муаммолар, эр томонидан хотинига зулм ўтказилиши, аёлларга зиён келтирадиган, аёллар жинсий аъзоларини майиб қилувчи операциялар ва бошқа турдаги ҳаётини амалиётда қузатиладиган анъанавий ҳодисалар, шунингдек, никоҳдан ташқари бўлган зўравонлик ва аёлларнинг номус-нафсониятига зўравонлик қилиш билан боғлиқ бўлган тазйиклар;

б) жамиятда алоҳида ўрин тутган жисмоний, жинсий ва рухий зўравонлик, жумладан, зўрлаб номусга тегиш, жинсий алоқага мажбурлаш ва иш жойларида, ўқув юртларида ва ҳоказо жойларда аёлларга нисбатан кузатиладиган товламачилик, кўркитишлар, аёлларни фоҳишалик қилиш учун сотишлар ҳамда фоҳишабозликка мажбур қилишлар, яъни одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар;

в) аёлга нисбатан қўлланиладиган жисмоний, жинсий ва рухий зўрликлар каерда содир этилаётганлигидан қатъи назар, давлат тарафиданми ёки давлатнинг лаёқатсизлигиданми, барибир аёлларнинг камситилишига қиради (IV Аёллар аҳволи бўйича Жаҳон конференцияси Ҳаракатлар дастури, 113-бандидан).

Нью-Йоркда 2000 йил 5–9 июнь кунлари “Аёллар 2000 йилда: аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенглик, таракқиёт ва тинчлик” деб номланган махсус сессия ўтказилди. Ушбу сессия ҳукумат ва фуқаролик жамиятига фойдали тажрибалар билан ўртоқлашиш, жорий муаммоларни кўриб чиқиш, эркаклар ва аёллар тенглигига эришиш борасидаги сиёсий йўналишларни ишлаб чиқиш имконини берди.

1993 йил июнь ойида Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича II Бутунжаҳон конференциясида “Оиладаги зўравонликлар” мавзуси муҳокама қилинди. Мазкур муаммонинг долзарблиги жаҳондаги кўплаб мамлакатларда уйдаги зўравонликлар кенг тарқалганлиги билан изоҳланади.

Аёллар муаммоси бўйича 1995 йил сентябрда Пекинда бўлиб ўтган БМТ IV анжуманида уйдаги зўравонликни кўпгина мамлакатлар учун хос бўлган “юқумли касаллик” деб эълон қилди.

Аёллар ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий нормалар. Аёллар ҳуқуқларининг кафолатига қаратилган БМТнинг универсал стандартларига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва бу Пактга иккита қўшимча протокол, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт каби халқаро стандартлар белгилаб берувчи универсал халқаро ҳужжатлар қиради. Ушбу ҳужжатларда аёллар тенгҳуқуқчилигининг халқаро ҳуқуқий асослари кўрсатиб ўтилган.

Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 23-моддасида “Оила жамиятнинг табиий ва асосий ячейкаси ҳисобланади ва жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

Никоҳ ёшига етган эркак ва аёллар никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳеч бир никоҳ никоҳдагиларнинг ўз ихтиёри ва тўлиқ розилигисиз тузилмайди”, деб кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, аёллар ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган халқаро ҳуқуқий нормаларга БМТ ҳужжатлари ичида аёлларнинг муайян ҳуқуқларига тааллуқли бир қатор ҳужжатлар ҳам мавжуд. “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги 1967 йилги декларация, “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция” 1979 йилги конвенция, “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги 1952 йилги конвенция, “Оилали (турмушга чиққан) аёлларнинг фуқаролиги тўғрисида”ги 1957 йилги конвенция, “Никоҳга киришга розилик, энг қуйи никоҳ ёши ва никоҳларни қайд этиш тўғрисида”ги 1961 йилги конвенция, “Аёлларга нисбатан қийноқларга қарши кураш тўғрисида”ги 1993 йилги декларациялар шулар жумласидандир¹.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1967 йил 7 ноябрда эълон қилинган “Аёллар камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги декларация БМТнинг аёлларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган фаолиятида муҳим босқич бўлди.

Ушбу Декларацияда қуйидагилар эълон қилинган:

- аёлларга нисбатан камситувчи руҳда бўлган мавжуд қонунлар, урф-одатлар, амалиётни бекор қилиш;

- эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқчилигининг тегишли юридик муҳофазасини ўрнатиш;

ички қонунларга эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқчилиги тамойилини киритиш;

- аёлларнинг нотўлақонлиги ғоясига асосланган хурофий тасаввурларни тағ-томири билан қуритиш ҳамда шундай руҳдаги урф-одатлар ва бошқа амалиётга қарши жамоатчилик фикрини тайёрлаш ва миллий интилишларни шуларга қарши йўналтириш ва бошқа шу қабилар.

Ҳуқуматлар, ноҳуқуматлар, ихтисослаштирилган муассасалар ва ноҳуқумат ташкилотлари декларацияни тарғиб-ташвиқ қилиш борасида ўзлари амалга оширган чора-тадбирлар, унда баён қилинган тамойилларга мос равишда қилган хатти-ҳаракатлари хусусида БМТга ҳисобот бериб турадилар².

¹ Батафсил маълумотлар учун қarang: Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўпلام/Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. Т. Адолат, 2004.. Human rights of women: A Collection of International and Regional Normative Instruments / prepared by J. Symonides, V. Volodin. UNESCO, 1999.

² Инокова М. Ҳаётнинг барча соҳаларида аёл ҳуқуқи муҳофазасининг ҳуқуқий қафолатлари // Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. Т. Адолат, 2002. Б. 77-78.

Ушбу декларациядаги нормалар кейинчалик, кенгайтирилиб, 1979 йил 18 декабрдаги “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияда мажбурий юридик кучга эга бўлди. Бу конвенция 1981 йил 3 сентябрдан бошлаб кучга кирди. Бундан қўзланган мақсад – аёлларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини инкор этувчи ёки уни чеклаб қўювчи камситишга узил-кесил барҳам бериш эди¹.

Ушбу конвенцияга биноан, иштирокчи-давлатлар бундай камситишларни қораладилар ва унга барҳам бериш сиёсатини юритишни ўз зиммаларига оладилар.

Конвенциянинг 1-моддасига биноан, “аёлларга нисбатан камситиш” тушунчаси аёлларни улар айнан аёл бўлганлиги учун ҳар қандай фарқлаш, рўйхатлардан ўчириш ёки ҳуқуқларини чеклаб қўйишни англади. Бу эса аёлларни, уларнинг оилавий аҳволидан қатъи назар, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида турмушнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа жабҳаларида, уларга тегишли бўлган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини эътироф этмасликни, аёлларнинг бундай ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишлари ёки уларни амалга оширишларига тўсқинлик қилишни билдиради.

Конвенциянинг қабул қилиниши беъш йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этган ҳар хил ишчи гуруҳлар, хотин-қизлар аҳволини ўрганувчи комиссиялар фаолияти, шунингдек, Бош Ассамблеянинг маслаҳатлари натижаси бўлди.

Кенг қамровли Конвенция хотин-қизларга нисбатан фақат жинсий белгиси асосида қўлланувчи истисно ва чеклашларнинг ҳар хил кўринишларини жамлаб, аёлларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, барча соҳаларда – сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда, маданиятда, фуқароликда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чакиради. У давлатларни хотин-қизлар камситилишига қарши миллий қонунчилик қораларини ҳамда эркаклар ва аёллар ўртасида амалдаги тенгликни тезлик билан ўрнатишга қаратилган вақтинчалик махсус қораларни қабул қилишга чакиради, шунингдек, аёлларнинг ҳуқуқлари камситилишини сақлаб қолишга имкон берувчи ижтимоий ва маданий моделларни ўзгартириш қораларини кўришни тавсия қилади².

1 Инокова М. Ҳаётнинг барча соҳаларида аёл ҳуқуқи муҳофазасининг ҳуқуқий қафолатлари // Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. – Т.: Адолат, 2002. – Б. 77–78.

2 Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция. Т. 2005. Б. 6.

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш мақсадида иш билан банд бўлиш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эркак ва аёллар тенглиги асосида уларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш борасида тегишли барча чораларни кўрадилар. Жумладан, Конвенция 11-моддасининг 1-қисмида шундай дейилади:

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишини бартараф этиш, айтилиши вақтида, эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган қуйидаги бир қатор зарур чораларни кўрадилар:

а) барча инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиши;

б) ишга ёллашда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга, ишга ёллашда бир хил танлаш мезонларини қўллаши;

в) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва иш билан банд этиш қафолатига эга бўлиш, шунингдек, шогирдлик, юқори даражадаги касб бўйича тайёргарлик ва мунтазам суръатда малака оширишни ўз ичига олган ҳолда меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитидан тўлиқ фойдаланиш, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиши;

г) имтиёзлар олишни ҳам ҳисобга олган ҳолда тенг мукофотлаш, бир хил қимматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларда, шунингдек, иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиши;

д) жумладан нафақага чиқиш, ишсиз қолиш, касаллик, ногиронлик, қарилик ва меҳнат қобилиятини йўқотишдан иборат бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи, шунингдек, ҳақ тўлана диган таътил ҳуқуқи;

е) соғлиқни сақлаш ва ҳавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш, шунингдек, наслини давом эттириш вазифасини сақлаб қолиш ҳуқуқи¹. Конвенциянинг ушбу нормаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар Конституцияда ўз эътирофини топган.

Ушбу Конвенцияга мувофиқ, иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг никоҳ ва оила муносабатлари доирасидаги масалаларда камситилишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) никоҳда бир хил ҳуқуқлар;

б) турмуш ўртоғини эркин танлаш ва ўзининг тўлиқ розилиги билан никоҳдан ўтишда тенг ҳуқуқлилиги;

в) никоҳдан ўтиш ҳамда уни бекор қилиш пайтида бир хилдаги ҳуқуқ ва бурчлар.

¹ Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция. – Т. 2005. – Б. 14.

Ушбу конвенцияга биноан, иштирокчи-давлатлар хотин-кизларнинг камситилишини бартараф этиш, аёлларнинг эркаклар билан тенглиги асосида таълим олиш соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

Ўзбекистон ушбу конвенцияга 1995 йил май ойида қўшилди ва Конвенция қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, аёлларга нисбатан камситишларнинг турли шаклларига қарши кураш борасида ўзининг миллий қонунчилиги ва механизмлари воситасида фаолият олиб бормоқда.

Иқтисодий ва молиявий ресурслардан фойдаланиш ҳамда улар устидан назорат қилиш жиҳатидан аёлларнинг тенг имкониятлари гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш ҳамда тенг ҳуқуқли ва барқарор иқтисодий ўсиш ва ривожланишга эришиш нуқтаи назаридан принципиал аҳамиятга эга. Иқтисодий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш соҳасида гендер тенглик – аёлларнинг фаровонлиги даражасини оширишга ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашибгина қолмай, балки ривожланиш, шу жумладан, қашшоқлик кўламини камайтириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш соҳасида бир қатор муҳим мақсадлар учун ижобий самара беради. Тенгсизлик муаммосини ҳал этиш учун чора-тадбирлар кўраётган давлатлар, халқаро ташкилотлар, корпорациялар, аёллар ташкилотлари, ишчилар ҳаракати ва фуқаролик жамиятининг бошқа сегментлари сони ошмоқда. Аёлларнинг ҳолати бўйича тўртинчи Бутунжаҳон конференциясининг Саъй-ҳаракатлар Пекин Дастурида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш қашшоқликни тугатиш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Бир қанча муҳим масалаларни ҳал этиш жараёнида аёлларнинг иштирок этиши амалий роль ўйнаганлигининг қўллаб-қувватлари мавжуд. АҚШнинг катта раҳбар ходимлар тоифасига кирадиган минг нафар юқори лавозимли давлат хизматчилари ўртасида ўтказилган сўров ҳуқуқат муассасаларида ишлаётган аёлларнинг сони билан ушбу муассасанинг гендер тенгликни таъминлашга интилиши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди. Ҳиндистоннинг маҳаллий давлат бошқаруви органларида ишлаётган аёллар ўртасида ўтказилган тадқиқот натижасида сайланган аёл раҳбарлар турли ижтимоий неъматлар (шу жумладан, йўллар, касалхоналар, санитария, транспорт соҳасидаги объектлар, болага қараш марказлари ва акушеркалар тайёрлаш) қуриш, таъмирлаш ва уларни фойдаланишга беришга ресурсларни иштиёқ билан ажратганлиги ҳамда кам ҳаражатлар билан

олдинга кўйилган мақсадларга эришганликлари аниқланди. Улар, шунингдек, аёллар томонидан талаб қилинадиган ижтимоий эҳтиёжларга ресурсларни кўпроқ ажратган.

Бутунжаҳон парламентларида аёл-парламентарийлар сони ўсмоқда. Айрим мамлакатларда парламентда аёллар вакилликнинг ўсиши гендер квоталар жорий этилишининг натижаси ҳисобланади. Айни вақтда бошқа мамлакатларда бу бошқа омилларга, шу жумладан, жамиятда аёлларнинг ролини янгирақ тушуниш билан боғлиқ. Парламентга сайланадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида аёлларнинг манфаатлари ва фикрини ҳисобга олиш имкониятини беради. Мамлакатларнинг тобора кўпчилиги квоталар стратегиялар тизимини ўз ичига оладиган ижобий саноат-харажатлар сиёсатига ўтмоқда, аёл-етакчилар тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқмоқдалар, эркаклар билан аёллар ўртасидаги амалдаги тенгликни таъминлаш чораларини кўрмоқдалар. Статистика ўз парламентлари ва ҳукуматларида аёллар 25–30 фоиздан кам бўлган давлатлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари, ижтимоий муҳофаза муаммоларини ҳал этишда қийинчиликларга дуч келаётганлигидан далolat беради.

БМТнинг статистика маълумотларига кўра парламентларда аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда аста-секин ўсиб бормоқда ва 2010 йилга келиб рекорд кўрсаткичга – 19 фоизга етган. Парламентарийларнинг фақат 11 фоизи аёллар бўлган 1995 йилга таққослаганда жаҳонда ўсиш 67 процентга етган. Аёллар фақат 26 мамлакатда парламентларнинг қуйи палаталарида 30 фоиздан ортиқ ўринни эгаллайди ва фақат 7 мамлакатда ушбу кўрсаткич 40 фоиздан юқори. 2010 йил январь ойидаги ҳолатига кўра парламентларнинг 269 палатасидан фақат 35 тасида аёллар раис ўринидигани банд қилган (бу 13 фоизни ташкил этади), бу 1995 йилдагига қараганда сезиларли даражада кўпдир. Ўшанда фақат 24 нафар аёл раис бўлган.

Ижро этувчи ҳокимият органларида аёлларнинг вакиллиги кўпайиши суръатлари қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги вакилликка қараганда паст. 2010 йилдаги маълумотлар бўйича сайланган 151 нафар давлат бошлиқларидан фақат тўққиз нафари (6 фоиз), 192 ҳукумат бошлиқларидан 11 нафари (6 фоиз) аёллардир. Ушбу кўрсаткичлар 2008 йилдагига қараганда юқори. 2008 йилда фақат етти аёл давлат бошлиғи ва саккиз аёл ҳукумат бошлиғи бўлган. Аёл вазирларнинг ўртача улуши 16 фоизни ташкил этади ва фақат 30 мамлакатда 30 фоиздан ортиқни ташкил этади. Бошқа жиҳатдан, жаҳоннинг 16 малакатида бирорта ҳам аёл вазир йўқ.

Айрим давлатлар парламентида аёллар сони

Ўрни	Мамлакат	Куйи палата ёки бир палатали парламент					Юқори палата ёки сенат				
		сайлов санаси	Депутатлар сони	Аёллар	Фондда	сайлов санаси	Депутатлар сони	Аёллар	Фондда		
1	Руанда	09.2008	80	45	56.3	10.2003	26	9	34.6		
2	Швеция	09.2010	349	157	45.0	---	---	---	---		
3	ЖАР	04.2009	400	178	44.5	04.2009	54	16	29.6		
4	Куба	01.2008	614	265	43.2	---	---	---	---		
5	Нидерландия	06.2010	150	61	40.7	05.2007	75	26	34.7		
19	Германия	09.2009	622	204	32.8	---	69	15	21.7		
53	Буюк Британия	05.2010	650	143	22.0	---	733	147	20.1		
—	Ўзбекистон	12.2009	150	33	22.0	01.2010	100	15	15.0		
63	Франция	06.2007	577	109	18.9	09.2008	343	75	21.9		
72	АКШ	11.2010	435	73	16.8	11.2010	100	17	17.0		
84	Россия	12.2007	450	63	14.0	---	169	8	4.7		
96	Япония	08.2009	480	54	11.3	07.2010	242	44	18.2		

Жаҳоннинг бир канча мамлакатларида ижобий сазй-харакатлар йўли билан сиёсий жараёнларда аёлларнинг иштирокини кенгайтиришнинг муваффақиятли стратегияси ишлаб чиқилган. Квоталаш, пропорционал вакиллик, сиёсий партияларда аёллар мақомини мустахкамлаш чоралари, аёллар сиёсий партияларини шакллантириш, партиялар ичида аёллар бирлашмаларини ташкил этиш ва партиялараро бирлашмалар тузилишига кўмаклашиш сингари стратегия аёлларнинг муайян сони ёки фоизини таклиф этиш кафолати мақсадида аёлларнинг сиёсий жараёнларда иштирокини таъминлаш ишида муҳим эканлигини кўрсатди. Квоталар номзодлар кўрсатиш жараёнида ёхуд сайловлар тамом бўлгандан кейин қўлланилади. Кейинги ҳолатда квоталаш партия эгаллаган ўринлар сонига боғлиқ. Квоталар аёлларнинг сиёсий жараёнларда иштирокини кенгайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Танланган тизимлар, квоталар ажратиш ва сиёсий партиялар томонидан кўрилатган бошқа махсус чоралар ҳокимият органларида аёллар вакиллиги кўпайишининг асосий сабаблари бўлиб қолмоқда. 2009 йил якунлари бўйича бундай чора-тадбирлар кўрилган мамлакатларда аёл депутатлар сони ўртача 27 фоизга етди, махсус чоралар қўлланмаганда парламентларга сайланган аёллар улуши фақат 14 фоизни ташкил этди¹.

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро механизмлар. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича кўмита Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг амалга оширилишини назорат этиб бориш мақсадида таъсис этилган. Кўмита 23 экспертдан ташкил топади. Улар юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасида билим ва тажрибаси билан ажралиб турадиган ва номзоди Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан кўрсатиладиган шахслардан таркиб топган рўйхатдаги номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади².

Кўмита ўз фаолиятида иштирокчи-давлатларнинг конвенция нормаларини миллий қонунчиликка ва амалиётга татбиқ этишлари юзасидан даврий маърузаларини, бошқа бир давлатнинг муайян давлат томонидан конвенцияга оид ўз мажбуриятларини қандай бажараётганлиги юзасидан хабарлари, турли нодавлат ташкилотларининг муайян давлат юзасидан хабарлари, шикоятлари ва яқка тартибдаги индивидуал шикоятларни ўрганиб чиқади амда ушбу муайян давлатта унинг конвенция қондаларини бажариши юзасидан тегишли тавсия ва ҳулосаларини беради.

1 2010 йил учун Мингйиллик Декларациясида ифодаланган ривожланиш соҳасидаги мақсадларни амалга ошириш тўғрисида маъруза. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Нью-Йорк, - С. 25.

2 Қаранг: Дискриминация в отношении женщин: Конвенция и комитет. Женева, ООН, 1995.

Катнашчи-давлатлар томонидан тақдим этилган маърузалар ва бошқа ҳар қандай ахборотларни Қўмита ўз сессияларида ўрганиб боради. Қўмита ана шу маърузаларни кўриб чиқиш натижаларини инобатга олган ҳолда тақлиф ва тавсиялар тайёрлайди. У умумий тавсиялар чиқариши ҳам мумкин. Бу тавсиялардаги тадбирларни катнашчи-давлатлар Конвенция бўйича зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш мақсадида кўпинча ўз дастурларига киритадилар.

Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссия Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан 1946 йилда таъсис этилган бўлиб, ушбу Комиссиянинг фаолияти тўғрисида олдинги мавзуларимизда тўхталиб ўтганмиз¹

БМТнинг ихтисослашган ташкилотларида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. 1919 йилда тузилган ва ҳозирги вақтда БМТнинг ихтисослашган ташкилоти бўлган Халқаро Меҳнат Ташкилоти кишиларнинг меҳнат фаолияти ва меҳнат муҳофазаси масалалари билан шуғулланади. Аёллар меҳнатини муҳофаза қилишга оид меъёрий ҳужжатлар илк бор аёлларни ишга қабул қилиш, уларни иш билан таъминлаш ва ҳоказолар билан боғланган масалаларда аёлларнинг тенг ҳуқуқчилиги тўғрисидаги қонунлар пайдо бўлгунча қабул қилинган эди. Бу меъёрлар аёлларни оғир жисмоний меҳнатдан, тунги вақтда, зарарли шароитларда ишлашдан ва ҳоказолардан муҳофаза қилишни кўзда тутди. Ушбу ташкилот доирасида 1951 йилги “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёлларни тенг тақдирлаш тўғрисидаги 100-конвенция, 1926 йилги “Қуллик тўғрисида конвенция”, 1956 йилги “Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида кўшимча конвенция”, 1949 йилги “Одамлар савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида конвенция”, 1981 йилги “Эркак ва аёл меҳнаткашлар учун тенг муомала ва тенг имкониятлар тўғрисида 156-конвенция, 1921 йилги “Қишлоқ хўжалигида тунги ишларга аёлларни жалб этмаслик тўғрисидаги 13-конвенция”, 1935 йилги “Ер ости шахталарида қазिश ишларига аёлларни жалб этмаслик тўғрисидаги 45-конвенция”, 1948 йилги “Аёлларнинг тунги меҳнати тўғрисидаги конвенция”, “Аёлларнинг тунги меҳнати тўғрисидаги конвенцияга 1990 йилдаги протокол” каби ҳужжатлар² ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Бу ҳужжатлар турли соҳаларда аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилгандир.

¹ Батафендрок маълумотлар учун ўқув қўллашманинг “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда БМТнинг ўрни ва роли” мавзусидаги бобига қarang

² Қarang: Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. Т. Адолат. 2004.; Human rights of women: A Collection of International and Regional Normative Instruments /prepared by J. Symonides, V. Volodin. UNESCO. 1999.

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотларидан бири, бу БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти ЮНЕСКОдир. Ушбу ташкилот аёллар ҳуқуқлари соҳасида, биринчи ўринда, таълим, фан ва маданият соҳасида аёлларнинг камситилишларига қарши кураш фаолиятини олиб боради. Бу йўналишда халқаро ҳужжатлар, декларациялар, конвенциялар ишлаб чиқади. Масалан, “Таълим соҳасида камситишларга қарши кураш тўғрисида”ги 1961 йилги конвенция ҳамда ушбу конвенцияга 1962 йилги қўшимча протокол шулар жумласидандир. Хусусан, мазкур конвенция 1-моддасининг 1-қисмида шундай дейилади: “Ушбу Конвенцияда “камситиш” ибораси таълим соҳасида муносабат тенглигини йўқ қилиш ёки бузишни мақсад ёки натижа қилиб қўядиган ирқ, тана ранги, жинс, тил, дин, сиёсий ёки бошқача этикодлар, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий ҳолат ёки туғилиши белгиси бўйича ҳар қандай тафовут, истисно, чеклаш ёки устунликни камраб олади...”

БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари ичида кейинги ташкилот бу Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бўлиб, ушбу Ташкилотнинг фаолияти асосан аёлларнинг соғлиғи, уларнинг репродуктив саломатлигига оид масалаларни ҳал этишга йўналтирилган. Ушбу ташкилот доирасида кейинги пайтларда ОИТСга қарши кураш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини тизлаш ва яхшилаш каби масалаларни ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда.

3. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчилик асослари

Ўзбекистон БМТнинг аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлайди ва маъқуллайди. Мамлакатимизда аёлларнинг миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этикоди, шахсий ва ижтимоий аҳволи ҳамда турар жойидан қатъи назар, барча ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилади. Давлат томонидан ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ жойларида яшайдиган аёлларнинг турмушини яхшилашга мутаносиб ёндашув таъминланмоқда.

Давлат мустақиллигининг илк кунидан бошлаб, мамлакатимиз аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилинишини, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласини давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олган.

1 ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари: тўплам Л. Сандова таҳрири остида Т. А. Долог 2004 Б. 19–20.

Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича изчил ва тизимли сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлариниу бажарилишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

иккинчидан, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг аҳолини доимий равишда ва комплекс мониторинг қилиш, уларнинг оилада, жамиятда ҳамда жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги ролни ошириш;

учинчидан, аёлларнинг бандлигини таъминлаш бўйича самарали чоралар кўриш ва амалга ошириш, уларни ишга жойлаштириш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, аёллар орасида, айниқса, кишлок жойларида тадбиркорликнинг турли шаклларини ривожлантириш;

тўртинчидан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар сингари эркақлар ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги назарда тутилган. Конституциянинг 46-моддасига мувофиқ, хотин-қизлар ва эркақлар тенг ҳуқуқлидирлар.

Конституциянинг 44-моддасида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбек жамияти қадимдан аёлларни доимий равишда эъозлаб келган. Ушбу анъаналарга содик қолган ҳолда, мустикалликка эришилгандан кейин ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили”, 2001 йилнинг “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилинишининг ўзиёқ бунга ёрқин мисол бўла олади.

Замонавий давлатлар ўзларининг қонун ҳужжатларида кишиларнинг қандайдир асослар бўйича камситилишига йўл қўймаслик тамойилини мустаҳкамлаб қўйишга ҳаракат қиладилар. Ўзбекистон Республи-

касида қонунчиликни такомиллаштиришнинг бутун жараёни мана шу тамойилга асосланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг юқорида қайд этилган 18-моддасида барча фуқароларнинг тенглиги белгилаб қўйилган. Унда айтилишича, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” Бу қоида давлатимизнинг кўпгина қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган. Умуман, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-, 46-, 63-, 64-, 65-, 66-моддалари бевосита аёллар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатидир. Халқаро ҳужжатларда бўлгани каби, ички қонунчиликда ҳам жинсий белги бўйича камситмаслик тўғрисидаги қоида биринчи ўринга чиқарилган.

Конституцияда аёлларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларининг конституциявий кафолати ўз аксини топган. Қуйида Конституцияда қайд этилган ушбу ҳуқуқларнинг айримларига тўхталиб ўтсак.

Конституциянинг 18-моддасига биноан, аёлларимизнинг тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилади. Унда, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт”, деб кўрсатиб ўтилган. Конституциядаги бу тушунча аёлларнинг барча турдаги камситилишларининг олдини олади ва уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида конституциявий эътироф этади. Ушбу эътироф Конституциянинг кейинги, яъни 7-, 8-, 9-бобларидаги ҳуқуқлардан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли фойдаланиши учун кафолатдир.

Аёлларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари. Бу категориядаги ҳуқуқлар аёлларимизнинг ажралмас ҳуқуқлари сифатида эътироф этилади ҳамда уларнинг бошқа категориядаги ҳуқуқларига эга бўлиши учун бирламчи ҳуқуқлар ҳисобланади. Конституциянинг 7-боби шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга бағишланган бўлиб, бу бобда яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, яъни жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши, ҳеч ким қийноққа соли-

ниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-кимматини камситувчи бошқа тарздаги тайзикка дучор этилиши мумкин эмаслиги ҳукуки, шахсий дахлсизлик ҳукуки, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриш ҳукуки, сир сақлаш ҳукуки, фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳукуки, виждон ҳукуки каби масалалар ўз аксини топгандир.

Сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок эта олиш ҳукукини англатади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳукукига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси). Шунингдек, 8-бобда, яна фуқароларнинг митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳукуки, уларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳукуки, ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳукуки каби аёлларимизнинг сиёсий ҳукуқлари ўз аксини топган.

Аёлларнинг сиёсий ҳукуқларини таъминлаб беришда, сиёсий партияларга парламент сайловларида иштирок этиши учун депутатликка номзодларни илгари сураётганида, номзодларнинг умумий сонидан камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши кераклиги қонуний мустаҳкамлаб қўйилишини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Аёлларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари. Бу ҳукуқлар аёлларимизнинг жамиятнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўзларининг иқтисодий, маънавий ва бошқа ҳар томонлама камол топиши учун муҳим бўлган ҳукуқларни ташкил этади. Бу ҳукуқлар орқали аёлларимиз халқ хўжалигида, таълимда, маданий ҳаётда фаол иштирок этадилар. Бу ҳукуқлар Конституциянинг 9-бобида ўз аксини топган. Мазкур бобда, аёлларнинг мулкдор бўлиш ҳукуки, банкка қўйилган омонатлар сир тугилиши ва мерос ҳукуки, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳукуки, дам олиш ҳукуки, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот олиш ҳукуки, пенсиялар ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги, ҳар бир инсон тиббий хизматдан фойдаланиш ҳукуки,

шунингдек, бепул билим олиш ҳуқуқи каби ҳуқуқларга эга эканлиги конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциядаги нормалар Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳужжатлар қондаларига мувофиқ келади.

Аёлларнинг маданий ҳуқуқлари. Ўзбекистон Республикаси Асосий қонуни республика фуқароларининг маданий ҳуқуқларини: билим олиш ҳуқуқини (41-модда), илмий ва техникавий ижод, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқини (42-модда) кафолатлайди.

Аёлларнинг билим олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ва энг муҳим ҳуқуқларидан бўлиб, бу ҳуқуқ тенглик, тараққиёт, тинчлик каби мақсадларга эришиш учун воситадир. Фан-техника тараққиётининг ҳозирги суръатлари шу қадар илдамки, бу ҳолат муттасил билим олиш муаммосини юзага келтирмоқда. Камситишларга йўл қўймай билим бериш нафакат қизларга, балки ўғил болаларга ҳам фойда келтиради ва, шу билан бирга, эркаклар ва аёллар орасида янада тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашади. Билим олишда тенглик ва уни олиш имкони кўп сонли аёлларнинг жамият ҳаётидаги турли ислохотларнинг фаол иштирокчиларига айланишлари учун зарурдир.

Ҳозирги аёлга шунчаки саводли бўлиш, яъни ўқиш, ёзиш ва ҳисобни билишнинг ўзигина етарли эмас. Унинг олдида таълимнинг сифати муаммоси пайдо бўлиб, бу ҳолат ундан доим мустақил таълим устида ишлашни, ўз билимларини орттириб, чуқурлаштириб боришни талаб қилади. Хотин-қизлар орасида юқори даражадаги саводхонлик оилада соғлиқни сақлаш, овқатланиш ва таълим олиш соҳасидаги аҳволни яхшилаш, шунингдек, қарорлар қабул қилиш жараёнида аёллар иштирокини кенгайтириш учун энг муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Қизлар ва аёлларнинг ўқишларига ҳамда касб эгаллашларига маблағ ажратиш юқори ижтимоий ва иқтисодий самара келтириб, барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсиш мақсадларига эришишнинг энг яхши воситаларидан биридир.

Аёлларнинг фан ва техника соҳасида касб эгаллашлари, таълим олишлари ва муттасил билим олишларини кенгайтириш, ёшлиқда тўплаган билим ва кўникмаларини узлуксиз мустаҳкамлаб боришлари учун таълим ҳамда касбий тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Қизлар ва аёлларнинг ўрта ва олий мактабдан тортиб, ҳамма даражаларда таълим олишларига кенг йўл очиш ва ўқишни ташлаб кетишларига йўл қўймаслик уларнинг касб соҳасида доим муваффақиятларга эришишлари учун кўмаклашувчи омиллардан биридир.

Таълим соҳаси ходимлари, ҳукумат ва ноҳукумат муассасалари, оммавий ахборот воситаларидан ўқитиш воситаси сифатида аёллар аҳволини яхшилаш мақсадида фойдаланиши мумкин.

Аёлларнинг репродуктив ҳуқуқлари. Эрта никоҳга кириш ва эрта она бўлиш муносабати билан репродуктив ҳуқуқлар масаласи долзарб масалага айланиб қолмоқда. Репродуктив ҳуқуқлар – “хотин-қизлар, шунингдек, эркакларнинг ўз ҳаётларидаги репродуктив жараёнларни ўзлари тасарруф қилишларига оид тамойилни акс эттирадиган юридик категориялардир”¹.

Хотин-қизларнинг репродуктив ҳуқуқлари ҳамда саломатлигини ҳимоя қилиш халқаро ҳаракатлари негизда пайдо бўлди. Ер юзи, хусусан, жанубий минтақалар аҳолисининг тез ўсиб боришидан ташвишланиш хисси репродуктив қондаларни ишлаб чиқишга ундади. Мазкур қондалар туғилишни мутаносиблаштириш (болалар миқдори ва улар орасидаги муҳлат)ни назарда тутди².

Репродуктив ҳуқуқ ҳар бир кишининг асосий ҳуқуқига киради, у неча ёшда, қандай вақт оралиғида нечта бола кўриши, қутилмаган ҳомиладорликдан сакланиш ва репродуктив саломатликнинг юқори даражада бўлишига эришиш каби эркин ва онгли равишда қарор қабул қилиш имконини беради. Репродуктив ҳуқуқ, шунингдек, ҳар бир инсоннинг турли камситиш ва мажбурлашдан ҳимоя қилиниш ҳамда эркин равишда репродукцияга тегишли қарор қабул қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Репродуктив ҳуқуқлар қуйидаги тамойилларга асосланади:

инсон кадр-қимматини ҳурматлаш;

- тенгликни ҳурматлаш, камситишларга чек қўйиш;

- шахсга нисбатан дахлсизлик ҳуқуқи;

- шахсий ҳаётга нисбатан дахлсизлик ҳуқуқи;

- шахс эркинлиги ва ҳавфсизлиги ҳуқуқи;

юқори даражадаги жисмоний ва психологик (руҳий) соғлиққа эга бўлиш ҳуқуқи.

Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан давлат дастурларини амалга ошириш чоғида, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, туғишлар орасидаги танаффусни чўзиш, эрта ёшдаги ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, номақбул ҳомиладорликнинг олдини олиш, тиббиёт ходимларининг малакаларини ошириш, ҳомиладорларга ва туғадиган хотинларга ёрдам кўрсатувчи ва болалар муассасаларининг

1 Каранг: Доклад о человеческом развитии. – М.: 1998. С. 8.

2 Валиева Б.С. Черкашина И.А. Ўзбекистонда хотин-қизлар: қонун ва жамият муаммолари. Т 1999. Б. 131.

моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлик масалалари бўйича аҳоли билимини оширишга қаратилган мақсадли ишлар ўтказилмоқда. Мамлакатнинг барча вилоятларида тез тиббий-санитария ёрдами муассасаларида туғиш ёшидаги аёлларни кўриқдан ўтказиш ҳамда номақбул ҳомиладорликнинг олдини олиш ва туғишлар орасидаги танаффусни чўзиш мақсадида муҳтож аёлларни контрацептив воситалар билан қамраб олиш йўлга қўйилган. Бу борада кўрилган чора-тадбирлар ва зарур саъй-ҳаракатлар оқибатида оналар ўлими камайди. Агар 2002 йилда оналар ўлими 100.000 янги туғилганларга нисбатан 26–32 нафарни ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 23,8 нафарга тушди. 2010 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларига бағишланган саммитда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, мамлакатда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш натижасида оналар ўлимини 2 марта, болалар ўлимини 3 марта қисқартиришга эришилганлиги, аҳолининг ўртача ёши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларники – 75 ёшгача узайганлиги, мамлакатда ишлаётганларнинг 48 фоизини аёллар ташкил этишини кайд этди¹

2010 йил 20 январда Женевада БМТнинг Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитасининг 45-сессияси давомида Ўзбекистон Республикасининг Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қондаларининг бажарилиши юзасидан Тўртинчи даврий маърузаси кўриб чиқилди. Уни тайёрлашда мамлакатнинг 22 та давлат органи ва 14та нодавлат ташкилоти иштирок этган.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий ва иқтисодий инкирози шароитларида давлат сиёсати инсонлар, шу жумладан, аёллар турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, молиявий инкироз таъсирининг салбий омилларидан ҳимоя қилиш ва аҳолининг, барча инсон ҳуқуқларининг асоси ҳисобланган нормал турмуш кечиришини таъминлашга қаратилган. Мамлакатда таълим, гендер тенглик ва соғлиқни сақлаш соҳаларида бошқа масалаларга нисбатан жиддий натижаларга эришилган, бу эса, аёллар фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлик билан бевосита боғлиқ. Ана шу барча чоралар, биринчи навбатда, Конвенция, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси 23-махсус сессиясининг “Аёллар 2000 йилда: эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик, XXI асрда ривожланиш ва тинчлик” якуний

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг “Мингйиллик тараққиёт мақсадлари” БМТнинг саммитининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқидан. <http://www.press-service.uz>

ҳужжатининг қондаларини сўзсиз бажаришга қаратилган.

Ўзбекистон **Мингйиллик тараққиёт максалларини** амалга оширишда биринчи навбатда, қашшоқликни камайтириш, одамларнинг ҳаётини яхшилаш, жамиятнинг барқарор ривожланишида аёлларнинг ролини ошириш, эркаклар ва аёллар тенглигини таъминлашга қаратилган чораларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

2000 йилдан бошлаб, ОИТСга қарши кураш бўйича ишлар янада қучайтирилди. 2007 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикасида 2007- 2011 йилларда ОИТС эпидемияси тарқалишига қарши кураш бўйича стратегик дастур” таъсис этилди.

Аёллар ҳуқуқларини таъминлашга онд Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган қондалар ва тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ўз аксини топган ва янада такомиллаштирилган.

Мамлакатимизда амалга оширилган демократик ўзгаришлар ва бозор иқтисодининг ривожланиши миллий қонунларимизни ислох этиш зарурлигини тақозо этди. Аёллар ҳуқуқлари масалалари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси каби кодексларда ҳамда бошқа қонунлар ва махсус қонун-ошти ҳужжатларида мукаммаллаштирилган. Шу ўринда айрим кодексларга тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган нормалар мавжуд. Жиноят кодексининг алоҳида қисмининг биринчи бўлими шахсга қарши, яъни инсон ҳаётига қарши жиноятга қаратилган бўлиб, ушбу 97-модда икки қисмдан иборат: 1-қисми – қасддан одам ўлдириш, 97-модданинг 2-қисми – жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш. 97-модда 2-қисмининг “б” бандида ҳомиладор аёлларни қасддан ўлдириш жиноятига жазо назарда тутилган.

Бу хилдаги қасддан одам ўлдиришдан иборат жиноят тури ижтимоий хавфлилик ҳолатини оширади, чунки субъект, яъни жиноятчи икки шахсга – аёл ва ҳомила ҳаётига тажовуз қилиб, инсон ҳаётини давом эттиришга зомин бўлган ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 103-моддасида ўзини ўзи ўлдиришгача олиб борган ҳолат учун жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур модда икки қисмдан иборат. Унинг иккинчи қисмида ўзига моддий томондан ёки бошқа жиҳатлари билан қарам бўлган шахснинг ор-номуси ва қадр-қимматини мунтазам равишда қамситиш, унга шафқатсизларча муно-

сабатларда бўлиш кўзда тутилган. Инсонга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, унинг кадр-кимматини мунтазам равишда камситиш ва шахсни ўлимгача олиб бориш жиддий ва энг оғир жиноят ҳисобланади.

Шунингдек, Жиноят кодексида тан жароҳатининг турли кўри-нишлари учун жавобгарлик кўзда тутилади. Жиноят кодексининг тан жароҳати тўғрисидаги моддалари таҳлил қилинганда, уларнинг асосий таснифига кўра, соғлиққа зарар етказганлар оғир жазо оладилар. Жиноят кодексининг 104-, 105-моддаларида касддан тан жароҳати етказган ва касддан ўртача оғирликда жароҳат етказганлар учун жазо ва жавобгар-лик оғирлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида аёлларни аборт қилишга мажбурловчилар учун жавобгарликни белгиловчи модда бор. Бу модда 1994 йилда биринчи марта киритилди.

Жиноят кодексининг бир неча моддаларида ноқонуний жинсий эркинликка, жумладан, зўрлаш, кўп хотинлилик, ўн олти ёшга етмаган-ларга ахлоқсизлик қилиш ва бошқаларга қарши жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистонда қизлар ва аёлларга нисбатан оиладаги зўравонлик қораланади. У оила ичида ёки яқин инсонлар орасида содир этиладиган жиноят сифатида кўрилади. Ўзбекистонда аёлларга нисбатан зўрлаш, уларни сотиш, жинсий тажовуз қилганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган: Жиноят кодексининг 118-, 119-, 121-моддаларидаги “Жинсий эркинликка қарши жиноятлар”, 128-, 129-, 131-моддалари-даги “Оила, ёшлар ва ахлоққа қарши жиноятлар”, 135-, 136-моддала-ридаги “Эркинлик, шаън ва кадр-кимматга қарши жиноятлар”; Оила кодекси билан эр-хотин ўртасидаги, шунингдек, ота-оналарнинг бола-ларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Мамла-кат минтақаларида зўравонлик жабрдийдалари бўлган – аёлларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус тузилмалар: “Кризис марказлари”, “Ишонч телефонлари”, “Аёллар марказлари”, Саломатлик марказлари ва бошқа кўплаб ижтимоий-психологик марказлар тузилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 5-бобида эр-хотин-нинг мулкий муносабатлари, уларнинг меъёрлари, мулкнинг қонуний тизими, шартномавий мулк режими тартибга солинади. Қонуний режим-да эр-хотиннинг биргаликдаги мулклари тушунилади. Эр-хотиннинг биргаликдаги мулкига никоҳдан кейин йиғилган мулклари қиради, бу мулклар уларнинг ҳар иккисига тегишли ва улар ана шу мулкка эгалик қилишга, ундан фойдаланишга ва уни бошқариш ҳуқуқига эгадирлар. Бу мулклар кимнинг номига олинганлиги ёки рўйхатдан ўтказилган-

лиги, эр-хотиннинг қайси бирдан кимнинг номига маблағ ўтказганлиги жиддий ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас. Никоҳдан кейин уй-рўзгор ишлари ва болалар тарбияси билан шуғулланган, касалга ёхуд қари оналарга қараган, шунингдек, бошқа бир сабабларга қўра мустақил пул топмаган эр ёки хотин ҳам мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 30-моддаси 3-қисмида никоҳ шартномаси, албатта, ёзма шаклда тузилиши ва у нотариал тартибда тасдиқланган бўлиш назарда тутилган. Агар бундай тартибга риоя этилмаса, никоҳ шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилади. Никоҳ шартномаси, айниқса, аёлларга катта ҳуқуқлар беради. Шартномада қўшимча шартлар ва баъзи бир ўзгаришлар билан эр-хотин мол-мулкнинг қонуний режими ўз ифодасини топади.

Биргаликдаги мулк режими шартномасида эр-хотиннинг барча мол-мулкларига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мулкига нисбатан биргаликдаги умумий ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўзгартиришга ҳақли эканлиги кўрсатилади.

Агар шартномада ҳар бир мулк эгасининг улуши белгиланмаган бўлса, улардан ҳар бири умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуқли бўлиб, демак улушлар ҳам тенг бўлиниши керак. Эр-хотиннинг умумий мулкида ҳар бирининг улуши белгиланган бўлиши мумкин.

Никоҳ шартномаси барча фуқаролик қелишувларига мувофиқ келади. Эр-хотин соғлом бўлиши зарур, бунда уларнинг маълум ҳуқуқий натижага эришувига йўналтирилган хошиш-истаклари инобатга олиниши талаб этилади. Никоҳ шартномаси эр-хотин ҳуқуқлари ва салоҳиятини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилишларини, ўз фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини чекламаслиги, шунингдек, унда эр-хотиндан бирини оғир вазиятга туширадиган шартлар қўйилмаслиги лозим.

Моддий қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ғамхўрлик оиланинг асосий конституциявий тамойили ҳисобланади. Қариндошлик бурчларини адо этиб, муҳтож эр-хотинга, болаларга, ота-онага моддий ёрдам кўрсатилади. Бундай мажбурият қонун кучи билан амалга оширилса, алимент номини олади. Қонун алимент тўловининг икки хил тартибини кўзда тутди: суд қарори асосида ва томонлар қелишувига қўра.

Қелишув асосида алимент тўлаш илгари ҳам қонуний ҳисобланган. Ҳозирги вақтда, Оила кодексида алимент муносабатлари субъектларига тўловларни қелишув асосидами ёхуд қонун меъёрлари асосидами, ўзлари хал қилиш ҳуқуқи берилган. Алимент тўловлари ҳақидаги қелишув мавжуд бўлса, унинг ижроси суд тартибида қаноатлантирилмайди.

Алимент тўлови ҳақидаги келишув аёллар учун ишончли ҳисобланади. Аёлларнинг ижро варақаси орқали алимент олишидан кўра, бевосита эридан алимент олиши анча кафолатланган ҳисобланади.

Қонун келишув учун мажбурий нотариал тартибни белгилайди ва, бинобарин унга амал қилмаслик Фуқаролик кодексида назарда тутилган оқибатларга олиб келади. Келишув алимент тўлови билан уни олувчи ўртасида тузилади. Улар белгилаётган алимент миқдори вояга етмаган болалар учун қонунда белгиланганидан кам бўлмаслиги керак. Алимент тўлови ўз боқувида бўлган болаларини боқиш учун аёлларнинг иқтисодий манфаатларини кўзлайди. Оила кодекси эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича янги ўзгартиришлар киритди, эр-хотиннинг мол-мулкка оид шартномавий режими ва алимент тўлови тўғрисида келишув шартномаси шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси меҳнатга оид муносабатларда имкониятларнинг тенглиги ва камситишларнинг тақиқланишига жиддий эътибор қаратади.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ҳужжатлари Конституциянинг юқорида келтирилган қоидаларини янада аниқлаштиради. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси меҳнатга оид муносабатларда имкониятларнинг тенглиги ва камситишларнинг тақиқланишига жиддий эътибор қаратади. Хусусан, мазкур Кодекснинг 6-моддаси 1-қисмига биноан, “Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирки, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва унинг меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатга қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади”

Меҳнат кодексининг 6-моддаси 3-қисми меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахснинг камситилишини бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкинлигини назарда тутди.

Меҳнат инсоннинг ўзини, яқинларини боқиши учун замин яратади ва ўз қобилиятини ҳамда истеъдодини рўёбга чиқариш имкониятини беради. Ҳар бир инсон, агар унинг фаолияти жиноят билан боғлиқ бўлмаса ва жамият манфаатларига хилоф бўлмаган ҳолда, ўзига ёққан иш билан шуғулланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси фуқароларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиди ва меҳнат муҳофазасини кафолатлайди. Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар аёллар учун муҳим аҳамиятга эга, чунки улар репродуктив саломатлик ва оналикни муҳофаза қилишга йўналтирилган. Аёллар меҳнатини муҳофаза қилишга оид дастлабки меъёрий ҳужжатлар аёлларни ишга қабул қилиш, уларни иш жойи билан таъминлаш ва ҳоказолар билан боғлиқ масалаларда тенг ҳуқуқлилиқ тўғрисидаги қонунлар пайдо бўлгунга қадар қабул қилинган эди. Бу меъёрлар аёлларни тунги вақтда оғир меҳнатда ишлашдан, зарарли шароитларда ишлашдан ва ҳоказолардан муҳофаза қилишни кўзда тутди. Кейинчалик эса, қонунчилик такомиллаша бориб, юқорида қайд этилган ҳолатлар билан бир қаторда аёлларнинг меҳнати учун адолатли ҳақ тўлаш, эркин касб танлаш ҳуқуқи каби бошқа масалаларни ҳам қамраб ола бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларининг камситилишига йўл қўймаслик ва уларни мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишга жалб қилиш учун ҳуқуқий асос яратилган. Мамлакатдаги инсон ҳуқуқларига оид 100 га яқин қонунларда аёлларнинг эркақлар билан тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилган. Шу билан бир қаторда, аёллар ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун махсус қонунлар ҳам қабул қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда қабул қилинган “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонуни шулар жумласидандир.

4. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизмлари деганда ўз фаолияти давомида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат ва нодавлат органларини тушунамиз.

Давлат органларига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, ҳукуматни, маҳаллий ҳокимият органларини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни киритишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг конституциявий кафили¹ сифатида аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли жуда каттадир. Бунга Президент томонидан

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т Ўзбекистон. 2001. – Б. 422.

1997 йилнинг “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йилнинг “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили”, 2000 йилнинг Соғлом авлод йили”, 2001 йилнинг “Оналар ва болалар йили” деб эълон қилиниши, шунингдек, мамлакатда аёлларнинг ижтимоий ролини оширишга оид қабул қилинаётган фармонларни мисол келтириш мумкин. Айтиш пайтда, Президент ўз фаолияти давомида аёлларга катта эътибор қаратаётгани тўғрисида деярли ҳар кунги оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган ахборотлардан ҳам хулоса чиқаришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг бу соҳадаги фаолиятига қуйидагилар қиради: аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ишлаб чиқиш ва тақомиллаштириб бориш; аёллар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш; аёллар ҳуқуқларига оид қонунларни ҳамда Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан парламент назоратини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг вазифасига парламент томонидан қабул қилинган қонунларни ижро этиш, аёллар ҳуқуқларига оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва, умуман олганда, аёллар ҳуқуқларини таъминлаб бериш билан боғлиқ равишда олиб борилаётган бошқа кенг қўламдаги ишлар қиради.

1995 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида аёллар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармон билан давлатда аёлларнинг фаолият доираси кўрсатиб ўтилди ва, шу аснода, уларнинг юқори фуқаролик мақоми белгилаб берилди. Бу Фармон билан республика аёллари сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал этишга жалб этилди, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки фаоллаштирилди.

Аёллар ҳуқуқларини таъминлаб бериш бўйича ҳукумат ва маҳаллий даражалардаги фаолиятни мувофиқлаштириш доирасида фаолиятларни мувофиқлаштиришнинг институционал базаси ташкил этилди. Юқорида қайд этилган Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хотин-қизлар қўмитаси раиси бир вақтнинг ўзида Бош вазир ўринбосари мақомига тенглаштирилди. Вилоятлардаги хотин-қизлар қўмиталари раислари эса – тегишли ҳудудларнинг ҳоким ўринбосарлари ҳисобланади. Қўмитанинг мақсади аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

миллий тизимнинг муҳим унсурлари бўлиши аёллар нодавлат ташкилотларини ривожлантириш учун қулай шароитлар шакллантирилди. Аёлларнинг давлат ҳокимияти органларидаги вакилликни кўпайтириш ва сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш учун “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги Қонунга кўра, сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлари илгари сурилаётган номзодлар умумий қисмининг 30 фоизи миқдориди аёлларга квота белгилаб қўйилди. 2007–2008 йилларда мамлакат сиёсий ҳаётида иккита муҳим воқеа содир бўлди: Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба аёл кишининг номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод сифатида илгари сурилди ва биринчи мартаба аёл кишининг номзоди Парламентнинг қуйи палатаси Спикери лавозимига сайланди. Ижро ҳокимияти органларидаги 15,3 фоиз раҳбарлик лавозимларини аёллар эгаллаб келмоқда, яъни Вазирлар Маҳкамасида – 16,7 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашида – 12,5 фоиз, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларида ҳокимлар ва ҳоким ўринбосарлари – 11,9 %.

1991 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси қуйидагиларни ўз фаолиятининг асосий йўналишлари қилиб белгилади:

аёллар аҳволини, уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги иштироки даражасини, хотин-қизларнинг меҳнат шароитини, оиладаги маънавий шароитни, шунингдек, жамиятда аёлларнинг ижтимоий муҳофазаси даражасини таҳлил этиш, ушбу соҳадаги муаммоларни ечиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хотин-қизлар фаол кадрларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар резервини тайёрлашда фаол қатнашиш, аёлларни актив меҳнат фаолиятига жалб этиш;

оила, оналик ва болалик манфаатларига тааллуқли масалаларда қонунлар яратиш ишида иштирок этиш¹.

Маҳаллий ҳокимиятлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ҳамда туманларда аёллар масалалари бўйича ҳоким муовинлари мансаблари жорий этилган. Уларнинг асосий вазифаси ҳудуддаги аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги аҳволини яхшилашдан иборатдир.

Маҳаллаларда маҳалла оксоқолининг аёллар билан ишлаш бўйича маслаҳатчилари ўрни жорий этилди. Бу эса, бугунги кунда мамлакатда ижро ҳокимиятининг барча бўғинларида аёллар масаласи давлат сиёсатининг долзарб масаласи даражасига кўтарилганидан далолат беради.

¹ Инсон ҳуқуқлари мониторинги. / Тўплам. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 168-169.

Юқорида таъкидланганидан ташқари, аёллар ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳам асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий институтларнинг роли ва аҳамияти каттадир. Бундай миллий институтларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий марказини киритиш мумкин.

Миллий институтлар фаолиятлари давомида хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар, қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг жойларда қандай бажарилаётганлиги юзасидан мониторинг ишларини олиб борадилар. Омбудсман институти бу соҳадаги халқаро ҳужжатлар ва қонунчилик ҳужжатлари бўйича парламент назоратини олиб боради.

Омбудсман институти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ аёллар ҳуқуқларининг бузилиши факти бўйича фуқароларнинг мурожаатларини қабул қиладилар ва кўриб чиқадилар. Жумладан, Омбудсман девонига келиб тушаётган мурожаатларнинг кўп қисмини аёллардан келиб тушаётган мурожаатлар ташкил этади¹.

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий механизмга мамлакатимизда ташкил этилган аёллар ҳуқуқлари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлари ҳам қиради. Уларга Қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, “Соғлом авлод учун” нодавлат ташкилоти, “Ижтимоий фикр”, “Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази” каби жамиятнинг барча аъзоларини қамраб олувчи нодавлат ташкилотлари, “Меҳри” Хотин-қизлар жамияти, “Тадбиркор аёллар” нодавлат ташкилоти, Самарқанддаги “Сабр” ишонч маркази каби фақатгина аёллар ҳуқуқлари бўйича ихтисослашган нодавлат ташкилотларини киритишимиз мумкин.

Бундай нодавлат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти жуда каттадир. Чунки, аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида эътироф этиш фуқаролик жамиятининг асосий талаби бўлса, бундай ҳуқуқларни амалга оширишга қаратилган нодавлат ташкилотлари эса, фуқаролик жамиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

¹ Женщины. Право. Общество. – Т. 1999. – С. 70.

Аёллар бошига тушадиган кулфатлар, улар ҳуқуқларининг бузилишига кўпроқ аёлларнинг ҳуқуқий билимсизлиги, ўзларининг шахсий, сиёсий ва иктисодий ҳуқуқларини билмаслиги сабаб бўлади. Шу сабабдан ҳам, аёллар ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим вазифа биринчи ўринда, аёлларнинг, шу жумладан, эркакларнинг ҳам ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳисобланади. Чунки, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишининг биринчи гарови – бу уларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари ҳусусида етарли билимларга ва уларни амалга ошириш кўникмаларига эга бўлишдир. Бу вазифани ҳал этиш жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият соҳасидаги муаммоларни ҳал этади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Аёллар ҳуқуқлари тушунчаси нима ва унинг ўзига хос хусусияти нимада?

2. Гендер тенглиги тушунчаси нима?

3. Аёллар ҳаракатларининг муҳим босқичларини кўрсатиб беринг.

4. Аёллар ҳуқуқларига оид халқаро конференциялар ва уларнинг мазмунини ҳақида ҳикоя қилиб беринг.

5. Аёллар ҳуқуқлари ўз аксини топган халқаро ҳуқуқий нормаларни кўрсатиб беринг.

6. 1979 йил 18 декабрдаги “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

7. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро механизмлар ва уларнинг ваколатини тушунтириб беринг.

8. Аёллар ҳуқуқлари ва уларнинг миллий қонунчилик ҳужжатларида акс этганлигини кўрсатиб беринг.

9. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид миллий механизмлар ва уларнинг ваколатларини кўрсатиб беринг.

10. Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид нодавлат ташкилотлари ва уларнинг фаолиятини тушунтириб беринг.

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. – Т.: “Адолат”, 2002.

2. Валиева Б.С., Черкашина И.А. Ўзбекистонда хотин-қизлар: қонун ва жамият муаммолари. – Т.: 1999.

3. Дискриминация в отношении женщин: Конвенция и комитет. – Женева, ООН, 1995.

4. Женщина. Право. Общество. – Т.: 1999.

5. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бақаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2013.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. – Т.: “Адолат”, 2004.

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т.: “Ўзбекистон”. 2009.

9. Human rights of women: A Collection of International and Regional Normative Instruments / prepared by J. Symonides, V. Volodin. – UNESCO. 1999

14-март. Бола ҳуқуқлари

1. Бола ҳуқуқлари тушунчаси.
2. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонуғчилик.
3. Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар.
4. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий ва халқаро механизмлар.

1. Бола ҳуқуқлари тушунчаси

Бола ҳуқуқларини таъминлаб бериш, болаларни ҳар томонлама етук қилиш инсон қилиб тарбиялаш масалалари жамиятимизда қадимдан муҳим масала бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам, 2008 йил мамлакатимизда “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – олий қадрият деб эълон қилинган бугунги кунда ҳам, бу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг бузилиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Дунёнинг турли минтақалари ва алоҳида давлатларда бу ҳолатлар кўпол ва тизимли хусусият касб этмоқда. Бунга ушбу минтақа ва давлатларда бўлаётган қуролли можаролар, очлик, жиноятчилик каби турли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар сабаб бўлмоқда. Шу туфайли ҳам, инсон ҳуқуқлари масаласи, XXI асрга келиб жаҳоннинг долзарб муаммосига айланиб улгурди ва халқаро ҳамжамиятнинг барча давлатларини бундай муаммога қарши биргаликда курашишга мажбур қилмоқда. Бу кураш инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши ва бузилган ҳуқуқларни тиклашга онд халқаро ҳуқуқий нормалар ва механизмларни шакллантириш орқали амалга оширилмоқда.

Шу нуқтан назардан ҳам, бугунги кунда шаклланиб бўлган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизмлари янада такомиллашиб бормоқда. Ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида шаклланиб бўлган инсон ҳуқуқларининг ўзи ҳам бугунги кунда янада ихтисослашиб бормоқда. Унинг ихтисослашуви, алоҳида халқаро ҳуқуқий ҳимояга муҳтож субъектларнинг ўзига хос ҳимоя тизими шаклланиб бораётганлиги билан характерланади. Жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида “Аёллар ҳуқуқлари”, “Ногиронлар ҳуқуқлари”, “Маҳкумлар ҳуқуқлари”, “Беморлар ҳуқуқлари” каби алоҳида категориядаги шахслар ҳуқуқлари шаклланимоқда. Бундай алоҳида категориядаги ҳуқуқли индивидлар, ўзининг жисмоний ва ижтимоий

аҳволдан келиб чиққан ҳолда, алоҳида эътибор талаб этиши туфайли жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ривожлана олиши, ўз ва манфаатларини ҳимоя қила олиши, жамиятнинг барча фаровонлиги ва имкониятларидан тенг даражада фойдалана олиши учун барча инсонларга тегишли бўлган ҳуқуқлар билан бир қаторда, алоҳида ҳуқуқлар, имтиёзлар ҳамда кафолатлардан фойдаланишади. Бундай ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кафолатлар давлат томонидан, шу билан бирга, халқаро ҳамжамят томонидан ҳам тақдим этилади. Шу нуқтан-назардан ҳам, жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етмаган, махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларга тақдим этилаётган алоҳида ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кафолатларни қамраб олувчи халқаро ва миллий ҳуқуқий асос ва механизмларни ўз ичига қамраб олган – “Бола ҳуқуқлари” деган инсон ҳуқуқларининг алоҳида соҳаси шаклланди. Бола ҳуқуқлари ўзининг алоҳида халқаро ва миллий меъёрий базаси ва ҳимоя механизми билан ҳам бошқа айрим категориядаги инсон ҳуқуқларидан фарқ қилади.

Бола, агар жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етишмаган бўлса, махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунга қадар ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг I-моддасига кўра, “18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича, агар у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади”

Болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар. Жамиятнинг асосий ташкилоти ҳисобланмиш оила ва атроф-муҳит унинг барча аъзолари, айниқса, болалар ўсиб улғайишлари ва фаровонликка эга бўлишлари, соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолотга етиши учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши, жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланиши, айниқса, тинчлик, кадр-қиммат, сабр-тоқат, ҳуқуқ ва эркинликлар, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбияланиши лозим.

Ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камчиликларсиз, ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий-этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг онаси ёки қонуний васийси ёки бошқа бирон-бир ҳолатлардан қатъи назар, ҳурмат қилиниши ва ҳуқуқлари таъминланиши керак.

Буларнинг амалда бажарилиши учун ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи давлат ва хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки конун чиқарувчи органлар томонидан боланинг ҳуқуқлари ва манфаатлари яхшироқ таъминланишига эътибор берилиши лозим.

Маълумки, ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳар бир бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилган дақиқасидан бошлаб исм билан айтилиш ва фуқароликка эга бўлиш, шунингдек, иложи борича ўз ота-онасини билиш ва улар ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларига эгадир.

Шунингдек, бола ўзининг фикрини эркин ифодалаш, виждон ва дин эркинлиги, билим олиш, дам олиш ҳамда ота-онаси турли давлатларда яшаётган бола, алоҳида ҳолатлардан ташқари, отаси ва онаси билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқига ҳақли ҳисобланади.

Ҳозирги замоннинг долзарб муомалаларидан бири – бола ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳар томонлама таъминланиши ва ҳимояланишини амалда конунлар асосида бажарилишини таъминлашдир.

Ювенал адлия тушунчаси. *Ювенал юстиция (Juvenile Justice)* – болалар ҳуқуқбузарлиги, болалар содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин жиноят турлари ва суд, ҳуқуқбузар болалар учун мўлжалланган муассасалар томонидан болаларга қилинадиган муомала усуллари ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш йўллари каби мавзулар камраб олинadиган кенг тушунчадир¹.

Ювенал юстиция масалаларига оид ҳар қандай ёндашув замирида қуйидаги тамойиллар ётади:

- айбсизлик презумпцияси;
- вояга етмаган шахс қўлга олинган заҳотиёқ унинг ота-оналарининг ҳозир бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ота-она ёки васийни зудлик билан хабардор қилиш;
- имкони бўлса, суд жараёни бошланмасдан туриб уларни ушлаб туришдан сакланиш ва бундай ушлаб туриш энг қисқа муддатлардагина амалга оширилишини таъминлаш;
- инсон саломатлиги ва кадр-қимматининг таъминланиши учун барча талабларга жавоб берадиган муассасалар барпо этилиши ва ҳам даволаш, ҳам олдини олишга мўлжалланган етарли, лозим даражадаги тиббий хизматнинг кўрсатилиши;
- тегишли вояга етмаган шахснинг жисмоний ва руҳий соғлиғига ҳавф туғдириши мумкин бўлган жисмоний жазолаш усулларида иб-

¹ Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. Т ЮНИСЕФ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. – Б. 163.

рат каттик, шафқатсиз, ғайриинсоний ва инсон кадр-қимматини оёкости қиладиган барча тарбиявий усулларнинг тақиқланиши;

- яқинлар билан учрашиш, шахсий дахлсизлик, ташки дунё билан алоқа ва кундалик юмушларни бажариш учун етарлича вақтга эга бўлиш каби ҳуқуқлар, одил ва инсоний муомалага бўлган ҳуқуқлар;

- озодликдан маҳрум қилиш муассасасидан ташқарида малакали ўқитувчилар томонидан таълим берилиши болаларнинг эҳтиёжларига мос бўлиши ва уларни жамиятга қайтишга тайёрлаши;

- болаларнинг катта ёшдаги маҳбуслардан алоҳида сақланишини таъминлаш, улар боланинг оила аъзоси ҳисобланган ҳоллар, бундан мустасно.

Ювенал юстиция масалаларига доир мақсадга мувофиқ ёндашувнинг мавжудлиги, биринчи навбатда, болаларнинг қонун билан зиддиятга боришининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўришни талаб этади. Бу ҳуқуматдан тортиб то жамоалар ва оилаларгача барча даражаларда амал қилиниши лозим бўлган мажбуриятдир¹

Жаҳон парламентларининг ташкилоти ҳисобланган Парламентлараро Иттифок турли мамлакатлар парламентларига ювенал юстицияга алоқадор қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни илгари сурган. Ушбу таклифларда қуйидагилар таъминланиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган:

балоғатга етмаган болаларнинг жиноят сифатида баҳоланмайдиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун уларга жиноятчидек муомала қилинмаслиги;

жиноят содир этишда айбланаётган балоғатга етмаган болалар суд жараёнига тааллуқли Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенциянинг 40-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган барча қафолатлардан фойдалана олишга қодир бўлиши;

жиноят содир этишда айбланаётган балоғатга етмаган болаларнинг ҳуқуқий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари;

ишни кўриб чиқишнинг барча босқичларида махфийликнинг ҳуқуқий тан олинishi.

Ювенал юстицияга дахлдор қонун ҳужжатлари, лозим топилганда, Бола ҳуқуқлари қўмитасининг қуйидаги таклифларига мувофиқлаштирилишини таъминлаш мақсадида қайта кўриб чиқилиши зарур:

балоғатга етмаган болаларни жинойи жавобгарликка тортиш бўйича минимал ёш 15 ёш ёхуд шу ёшга имкон қадар яқинроқ қилиб белгиланиши лозим;

¹ Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. – Т.: ЮНИСЕФ. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. – Б. 167–168.

жиной жавобгарликка тортишнинг муқобиллари тан олиниши ва жавобгарликка тортишга дахлдор тегишли стандартлар қонунчиликка киритилиши лозим;

жиноят содир этишда айбланаётган 18 ёшга тўлмаган барча шахсларга балоғатга етмаганлардек муомала қилиш зарур.

Балоғатга етмаган болаларнинг ушлаб турилишига тегишли қонун ҳужжатларида қуйидагилар таъминланиши мақсадида қайта кўриб чиқилиши шарт:

миллий қонунчиликнинг тегишли қоидаларига “охирги зарурат” тамойилининг инкорпорация қилиниши;

ота-она ёки васийни хабардор қилиш мажбуриятининг тан олиниши;

балоғатга етмаган шахсларнинг энг яхши манфаатлари амалга оширилган тақдирда унинг катта ёшдагилар билан бирга сақланишига йўл қўйиш ёхуд, аксинча, унинг энг яхши манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг катта ёшдагилар билан биргаликда сақланишини тақиқлаш.

Жиноят содир этишда айбланган ўсмирларни ҳукм қилишга доир қонун ҳужжатларида қуйидагилар таъминланиши учун иш қайта кўриб чиқилиши лозим:

“охирги зарурат” ва “имкон қадар энг қисқа муддатларга” тамойилларининг ошқора тан олиниши;

ўлим жазосининг қўлланилмаслиги ёхуд жисмоний жазолаш усулларидан фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги¹.

Ювенал юстицияга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмуни тўғрисида қуйида янада батафсилроқ тўхталиб ўтилади.

2. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилик

Юртбошимиз И.А. Каримовнинг “Бизнинг келажагимиз, энг асосий ишончимиз, мадад-таянчимиз – бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ва келажагини ҳам ана шу ёшлар кифёсида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман”, деган сўзлари алоҳида аҳамият касб этади.

Бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик деганда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-, 65-моддаларига эътибор қаратиш лозимдир. Жумладан, 64-моддада, “Ота-оналар ўз фар-

¹ Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. – Т.: ЮНИСЕФ. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. – Б. 175–176.

зандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан махрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради” деб кўрсатиб ўтилган. 65-моддада эса, “Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Аналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади” деб белгилаб қўйилган. Конституцияда кўрсатилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари билан тартибга солинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги “Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ва 1994 йил 23 августдаги “Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги ва бошқа фармонлар мамлакатимизда ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ахлоқий ва маънавий қамол топиши учун қулай шарт-шароит яратиш билан боғлиқ чоратadbирларни амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Болаларнинг тўла соғлом ривожланиши учун, биринчи ўринда, ёш болали аёлларнинг ҳуқуқлари ҳам таъминлаб берилиши керак. Жумладан, меҳнат қонунчилигига кўра, ҳомиладор аёлларни, боласи уч ёшга етмаган аёлларни тунги ишларга жалб қилишга, иш вақтидан ташқари ишлашга, дам олиш кунларида ишлатишга ва хизмат сафарларига юборишга йўл қўйилмайди.

Ҳомиладор аёлларни энгилроқ ишга қўчириш. Бу имтиёз ҳомиладор аёлнинг ва қутилаётган гўдакнинг саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган. Бундан ташқари, онасиз қолган болаларни тарбияловчи шахсларга имтиёзлар ва қафолатлар берилиши, уларнинг соғлом бўлиб ўсиши, тарбияланиши ва яхши шароитда яшашининг қафолатидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида эса, аёллар меҳнат шароитидаги алоҳида имтиёз ва қафолатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги Қонунининг V бўлими “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш” деб номланиб, унда оналикни рағбатлантириш, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш қафолатлари, ҳомиладор аёлларга ва янги туғилган чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини мустаҳкамлаш ва сақлаш тўғрисидаги ғамхўрлик, бола боқишда фуқароларга давлат ёрдами, бола касал бўлиб қолганида оналарга бериладиган имтиёзлар (61-модда), ўсмирларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш таълимини ҳамда меҳнат шароитларини на-

дан ўтказиш (63-модда) каби масалалар ўз ифодасини топган.

Бола ҳуқуқларига оид махсус қонунчилик тўғрисида гапирилганда қуйидаги ҳужжатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги; 2008 йилдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистон қўшилган “Бола ҳуқуқлари конвенцияси”нинг миллий қонунчиликка тўлиқ имплементацияси ҳисобланади. Мазкур қонунда соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот ва ҳар томонлама ривожлантириш соҳаларида бола ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу қонунда ижтимоий заиф болалар ва алоҳида эҳтиёжларга муҳтож болаларнинг ҳуқуқлари алоҳида эътибор қаратилган.

Бола ҳуқуқларининг тизимли таъминлаб берилиши ҳам қонунчилик даражасида, ҳам институционал даражада амалга оширилмоқда. Тизимли ёндашув ҳам давлат органлари ва муассасалари, ҳам нодавлат ташкилотлари ва жамғармалар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олган миллий дастурларни қабул қилиш ва амалга оширишдан иборатдир. Бола ҳуқуқларини таъминлаб бериш бўйича нодавлат ташкилотларининг ўсиши ва фаоллашуви кузатилмоқда. Бола ҳуқуқларини таъминлаб бериш ва ҳимоя қилишнинг турли соҳалари бўйича ихтисослашган умуммиллий даражадаги нодавлат ташкилотларининг тармоғи ишлаб турибди, уларга қуйидагилар қиради: “Қамолот” ёшлар ташаббусларини, ёшларнинг сиёсий ва лидерлик фаоллигини қўллаб-қувватловчи Ўзбекистон ёшлари ҳаракати, “Сен ёлғиз эмассан” етим болалар, ота-оналар қаровисиз қолган болалар, ногирон болалар, кам таъминланган оилалардан чиққан болаларни қўллаб-қувватловчи жамғарма, Ўзбекистон Болалар жамғармаси болаларнинг бевосита иштироки билан уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватловчи жамғарма (Болалар парламенти), “Соғлом авлод учун” тиббий, маърифий дастурларни амалга ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича жамғарма, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси” қобилиятли болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бўйича жамғарма.

Болаларнинг малакавий тиббий кўрикка бўлган ҳуқуқларини амалга оширишнинг муайян механизми “Фуқаролар соғлигини муҳофаз қилиш тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур қонунга

кўра, давлат соғлиқни сақлаш тизими хизматларидан фойдаланиш ва болалар соғлиғини тиклаш учун имкониятлар яратиб беради. Республика репродуктив саломатлик маркази ва Ўсмирлар репродуктив саломатлиги маркази ва уларнинг вилоятлардаги филиаллари фаолият кўрсатиб турибди. Ҳар йили барча болаларни тиббий диспансеризациялаш амалга оширилмоқда. 90-йиллардан буён гўдаклар ўлимининг даражаси камайиши кузатилмоқда.

3. Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар

Болалар саодати ва уларнинг ҳуқуқлари доимо халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборида бўлиб келган. 1924 йилдаёқ Миллатлар лигаси томонидан Бола ҳуқуқлари Женева декларацияси қабул қилинган эди. Шу даврда болалар ҳуқуқлари асосан қуллик, болалар меҳнати, болалар билан савдо қилиш ва вояга етмаганларнинг порнографиясига қарши чоралар кўриш билан чекланган.

Бола ҳуқуқларига оид универсал нормалар:

БМТнинг универсал стандартлари деб аталувчи умумий декларациялари ва конвенциялари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби универсал ҳужжатлари.

Уларда баён этилган ҳуқуқлар барча инсонлар каби болаларга ҳам тааллуқлидир. Декларация ва пактларда бола ҳуқуқлари ва манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган қуйидаги қондалар шакллантирилган: болаларнинг тенглиги тамойили, оналик ва болаликни химоя қилиш тўғрисида, болаларни эксплуатация қилиш тўғрисида, болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи. Декларация ва пактларда болаларнинг тенглиги тамойили эълон қилинган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактда ҳар бир бола ирки, танасининг ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ёки туғилишидан қатъи назар, ҳеч бир камситилишларсиз унинг оила, жамият ва давлат томонидан балоғатга етмаган шахс сифатидаги химоя қилинишига бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган (24-модданинг 1-банди). Иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 10-моддасининг 3-бандида барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъи назар, алоҳида химоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт. Унга кўра, болалар ва ўсмирлар иктисодий ва ижтимоий эксплуатациядан химояланган бўлиши

ёки ҳаёт учун хавfli соҳаларда ёки уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда қўллаш конун билан жазоланиши, бундан ташқари, давлат томонидан белгилаб қўйилган ёшдан қуйи ёшдаги болаларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланиши ва жазоланиши керак.

БМТ ихтисослашган ташкилотларининг ҳужжатлари: ЮНЕСКО ҳужжатлари: 1960 йилдаги Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция, ХМТ ҳужжатлари: 1973 йилда қабул қилинган ва 1976 йилда кучга кирган Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги 138-сонли конвенция, 1999 йилда қабул қилинган ва 2000 йилда кучга кирган Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва уларни тугатиш бўйича тезлик билан чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги 182-сонли конвенция, Меҳнат соҳасида асосий тамойиллар ҳамда ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш механизми тўғрисидаги ХМТнинг 1998 йил 19 июндаги декларацияси. Шунингдек, 1946 йилда қабул қилинган 77- ва 78-сонли конвенциялар болалар ва ўсмирларнинг саноатдаги ва саноат билан боғлиқ бўлмаган корхоналарда ишлашга яроқли эканлигини аниқлаш учун уларни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказишни назарда тутди. Уларда, агар бола 18 ёшдан кичик бўлса ва улар тиббий кўрик натижасида ишлатилиши лозим бўлган соҳаларда ишлаши учун ишга яроқсиз деб топилган бўлса, бундай болалар ишга қабул қилинмайди. 79- ва 90-сонли конвенциялар болалар ва ўсмирларнинг тунги меҳнатини ва саноатдаги саноат билан боғлиқ бўлмаган ишларни чеклашга қаратилган.

Бола ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган алоҳида ижтимоий гуруҳлар (аёллар) ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро шартномалар. Масалан, курулли можаролар даврида болаларни химоя қилишга қаратилган ҳужжатлар, уруш пайтида аҳолини химоя қилишга қаратилган 1949 йилдаги IV – Женева конвенцияси ва Женева конвенцияларига 1977 йилдаги I–II Қўшимча протоколларда болаларга ҳарбий ҳаракатлар оқибатларидан махсус химоя тақдим этишни кўзда тутди. 1974 йилдаги Фавкулудда ҳолатлар ва курулли можаролар даврида аёллар ва болаларни химоя қилиш тўғрисидаги декларацияда давлатларга болаларга алоҳида химоя тақдим этиш тавсия қилинади.

Муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини (жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи) қамраб олувчи универсал ҳужжатлар: Халқаро фарзандликка олиш соҳасида болаларни химоя қилишга оид 33-сонли Гаага конвенцияси; “Трансмиллий уюшган жи-

ноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги БМТ конвенциясига “Инсонлар, хусусан, аёллар, болалар траффигининг олдини олиш, тақиклаш ва жазолашга доир Палермо протоколи, 2000 йилда қабул қилинган ва 2003 йилда кучга кирган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ювенал юстицияга оид ҳужжатлар: 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (“Пекин қоидалари”), 1990 йил 1 декабрда қабул қилинган Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий тамойиллари (“Ар-Риёд дастурий тамойиллари”); 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалар; 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган Қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари (“Токио қоидалари”).

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йил 29 ноябрда 40/33-қарор асосида “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари” қабул қилинган.

Минимал стандарт қоидаларида кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардир:

иштирокчи-давлатлар, ўз умумий манфаатларига мувофиқ ҳолда, балоғатга етмаган ўғил ёки киз бола ва унинг оиласи фаровонлигига кўмаклашиш учун интилиши зарур.

аъзо-давлатлар ўсмирнинг жамиятда мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлаш имконини берувчи тегишли шарт-шароит яратишга интилиши керакки, ҳаётининг айни шу даврида ноқониз хулққа кўпроқ мойиллиги бўлган ўғил ёки киз боланинг имкон қадар жиноят ва ҳуқуқбузарликни содир этиш эҳтимолидан холи шахс сифатида қамолга етиши ва таълим олиши билан боғлиқ жараёнда бундай саъй-ҳаракатларни амалга ошириш.

имкон қадар мавжуд барча захираларни, шу жумладан, оила, кўнгиллилар ва жамиятнинг бошқа гуруҳларини, шунингдек мактаблар ва шу каби бир қатор ижтимоий институтларни тўла жалб этган ҳолда ўсмирнинг фаровонлигига кўмаклашиш ва шу билан унинг ҳаётига қонун томонидан аралашув заруриятини қамайтириш, қонун билан зиддиятда бўлган ўсмирга самарали, адолатли ва инсоний муомала қилинишини таъминлаш мақсадларини кўзда тутувчи мақбул чораларни қўллашга етарлича эътибор қаратиш лозим бўлади;

балоғатга етмаган болаларга нисбатан судлов ҳаракатлари барча балоғатга етмаган болалар учун ҳар томонлама ижтимоий адолатни таъминлаш ва айни чоғда, шу йўл билан ёшларни ҳимоялаш ҳамда жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаб туриш доирасида ҳар бир мамлакатда миллий тараққиёт жараёнининг узвий қисмига айланиши зарур;

мазкур қоидалар ҳар бир аъзо-давлатнинг мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Балоғатга етмаганларга нисбатан одил судлов ҳаракатлари билан шугулланувчи хизматлар ходимларининг малакасини, шу жумладан уларнинг услуб, ёндашув ва тажрибасини ошириш ва тегишли даражада сақлаб туриш мақсадида ана шу хизматларни мунтазам равишда ривожлантириб ва мувофиқлаштириб бориш зарур бўлади.

Минимал стандарт қоидаларида балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларининг асосий процессуал қафолатлари, хусусан, айбсизлик презумпцияси, айб қўйилганлик ҳақида хабардор этилиш ҳуқуқи, гувоҳлик беришдан бош тортиш ҳуқуқи, адвокат олиш ҳуқуқи, ота-она ёки васийнинг ҳозир бўлиши ҳуқуқи, гувоҳлар билан юзлашиш ва уларнинг икки ёклама терговда бўлиш ҳуқуқи ва юқори инстанцияга апелляция бериш ҳуқуқи судлов ҳаракатларининг барча босқичларида қафолатланган бўлиши зарур, деб қайд этилгандир.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 1 декабрдаги 45/112-қарори билан қабул қилинган ва эълон этилган “Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий тамойиллари” ҳам мавжуд.

Мазкур ҳужжатда асосий тамойиллар ҳамда дастурий тамойилларнинг қўлланиш доираси жиноятчиликнинг олдини олишнинг умумий йўналишлари, жамият ҳаётига тайёрлаш жараёнлари, ижтимоий сиёсат, қонунчилик ва балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритиш, тадқиқотлар, сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш тўғрисидаги қоидалар ўз ифодасини топган.

Вояга етмаганлар муаммоларининг айрим ҳолатларига тегишли 1990 йил 1 декабрда 45/112-сонли резолюция билан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат БМТнинг “Балоғатга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган асосий тамойиллари” мавжуд. У “Ар-Риёд раҳбарий тамойиллари” номи билан ҳам машҳур бўлиб, мазкур қоидаларни ўз ичига камраб олади:

1. Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш жамиятда жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг муҳим шартларидан

биридир. Қонуний, ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этиб ва жамият ҳамда ҳаётга нисбатан инсонпарвар қарашларни ҳосил қилган ҳолда, ёшлар жиноий фаолиятга йўл қўймайдиган тамойиллар асосида тарбияланиши мумкин.

2. Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш самарали бўлиши учун ўсмирларнинг комил инсон бўлиб етишишлари, уларнинг шахсига ҳурмат ва болаликдан бошлаб уларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида бутун жамиятнинг саъй-ҳаракатлари зарур бўлади.

3. Мазкур раҳбарий тамойилларни шархлаш мақсадини кўзлаб, болалар эҳтиёжларига эътибор қаратилиши керак. Ёшлар жамиятда фаол иштирок этишлари ва унинг тўлақонли иштирокчилари бўлишлари лозим. Ва аксинча, жамият ҳаётига тайёргарлик кўрувчи ёки назорат объекти сифатида қаралмаслиги керак.

4. Ушбу раҳбарий тамойилларни амалга оширишни кўзлаб, миллий ҳуқуқий тизимларга мувофиқ равишда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай дастурнинг диққат маркази ёшларнинг эрта болаликдан бошлаб фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

5. Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ривожланиб боровчи сиёсатни амалга ошириш ва доимий тарзда таҳлил этиб бориш ҳамда изчиллик билан ушбу йўналишда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим ва зарурлигини эътироф этиш керак. Шу билан бирга, болани ўз-ўзига ёки бошқаларга жиддий зиён етказмайдиган ҳатти-ҳаракати учун жазолашдан қочиш керак. Бундай сиёсат ва чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

- имкониятлар яратиш, хусусан, таълим олиш соҳасида имкониятлар яратиш, ёшларнинг турли эҳтиёжларини қондириш ҳамда барча ёшларнинг шахсини камол топтиришда ва, айниқса, хавф остида турувчи ёки ижтимоий хавфли ҳолатга келиб қолган ҳамда алоҳида эътибор ва ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

- жиноятчиликнинг келиб чиқишига олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларнинг олдини олишга қаратилган қонунларни, жараёнларни, муассасаларни, восита ва хизмат тизимларини қўллашга асосланган вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган махсус назариялар ва ушбу масалага ёндашувларни ишлаб чиқиш;

- биринчи навбатда вояга етмаганнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий адолатга асосланиб ва ҳолис тарзда расмий органларнинг аралашуви;

сартта ёшларнинг боғлиқ-саодати, ривожланиши ва манфаатларини таъминлаш;

- ёшларнинг умумий ижтимоий меъёр ва қадриятларга мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари кўпинча вояга етиш жараёни билан бевоқифа боғлиқ бўлиб, одатда, улар катта бўлган сайин ўз-ўзини англаб боришини инобатга олиш;

- кўпчилик экспертларнинг фикрича, вояга етмаган шахсга “бузғунчи”, “ҳуқуқбузар” ёки “ёш жиноятчи” тамғасини босиш уларда номақбул хатти-ҳаракатларнинг ривож топишига асос бўлади.

6. Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун, айниқса, ҳали ҳеч қандай муассасалар ташкил этилмаган ҳудудларда жамоавий хизматлар ва дастурларни ишлаб чиқиш лозим. Ижтимоий назоратни амалга оширувчи расмий муассасалар хизматидан фақатгина сўнги чора сифатида фойдаланилиши керак.

Бу категориядаги ҳужжатлар ювенал юстиция соҳасидаги халқаро стандартларнинг асоси бўлиб хизмат қилади, яъни ювенал юстиция соҳасидаги халқаро стандартлар – балоғатга етмаган бола тўғрисида, у содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида, унинг жиноий ва бошқа хил юридик жавобгарлиги, давлатнинг бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан жазолаш ёки шу каби мажбурий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш кўринишидаги муносабати ва ниҳоят, жиноий юстиция таъсир доирасига тушиб қолган балоғатга етмаган бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш концепциясининг асосий меъёрлари тўғрисидаги юридик доктринанинг асосий қоидаларини ташкил этади.

Бола ҳуқуқларини махсус тартибга солишга қаратилган декларациялар ва конвенциялар: 1924 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева декларацияси, 1959 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация, 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари конвенцияси ва ушбу конвенцияга 2002 йилдаги иккита: Қуролли можароларда иштирок этувчи болалар тўғрисидаги Қўшимча протокол ва Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва порнографиясига тааллуқли Қўшимча протокол.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бола ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжат ҳисобланади ҳамда уни бола ҳуқуқларига оид ўзига хос кодификациялаш деса ҳам бўлади. Конвенция 54 моддани ўз ичига олган бўлиб, уларни 4 та категориядаги ҳуқуқларга бўлиш мумкин:

а) яшай олиш ҳуқуқи: бола талабларини қондириш ва ҳаётий ҳуқуқларини ўзида мужассам этиш каби асосий шартларни ҳамда тиббий хизматдан фойдалана олиш, овқатланиш, бошпанага эга бўлиш каби адолат-

ли меъёрларни ўз ичига олади; б) *ривожлана олиш ҳуқуқи*: болалар ўз қобилиятларини кенгрок ривожлантиришга эришишлари зарур. Масалан, билим олиш, ўйин, ҳордиқ чиқариш, маданий фаолиятлар, ахборот олиш ва виждоний поклик каби ҳуқуқлар; в) *болалар зўравонлик ва эксплуатация қилинишдан ҳимояланган бўлишлари шарт*. Бу борада қуйидаги муаммоларга, яъни: қочок болалар масаласидаги муаммоларга, судловни амалга ошириш тизимидаги зўравонликларга ва қийноқларга, болаларни қуроли можароларга жалб этиш муаммоларига, болалар меҳнатига, балоғат ёшига етмаганларни жинсий эксплуатация қилиш ва ўсмирларнинг гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш муаммоларига алоҳида эътибор берилган бўлиши керак; г) *иштирок этиш ҳуқуқи*: болани жамият ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишга қўлайди. Бу категория болаларнинг ҳаётга тааллуқли бўлган муаммолар бўйича жаҳоншумул йиғилишларда ва тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқини ва ўз фикр-мулоҳазаларини айтишда эркин бўлиш каби ҳуқуқларини белгилайди. Болалар улғайиб боришлари давомида жамият ҳаётида фаол иштирок этиш учун барча пайдо бўлиб боровчи имкониятларнинг ҳаммасига эга бўлиб боришлари ҳамда ҳаётининг муҳим ечимларнинг масъулиятини ҳис қилган ҳолда уларни ўз зиммаларига олишга тайёр бўлишлари керак.

Бундан ташқари, Конвенцияда иштирокчи-давлатлар томонидан бола ҳуқуқларининг ҳимояланиши ва кафолатланишининг таъминланиши борасида шароит ва имконият яратилиши учун улар зиммасига мажбуриятлар белгилангандир. Масалан, унинг 29-моддаси.а:

1. Иштирокчи-давлатлар болага таълим бериш қуйидаги йўналишларда олиб борилиши лозимлигига розилик билдирадилар:

а) боланинг шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қобилиятлари энг тўла ҳажмда ривожланиши;

б) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига, БМТ Низомида эълон қилинган тамойилларга ҳурматни тарбиялаш;

в) болада ота-онасига, унинг маданий ўзига ҳослиги, тили ва кадриятларига, бола яшаётган мамлакатнинг, у дунёга келган мамлакатнинг миллий кадриятларига, ўзиникидан фарқ қиладиган маданий таракқиёт даражасига ҳурмат билан карашни тарбиялаш;

г) болани эркин жамиятда, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркаклар билан аёлларнинг тинчлиги ҳамда барча халқлар, этник, миллий ва диний гуруҳлар, шунингдек, туб аҳоли орасидан бўлган шахслар ўртасида дўстлик руҳида тарбиялаш;

д) атроф-табиатга ҳурмат руҳида тарбиялаш.

шахслар ва органларнинг ўқув юртларини очиш ҳамда уларга ушбу модданинг 1-бандида баён этилган тамойилларга риоя қилган ҳолда раҳбарликни амалга ошириш ҳамда бундай ўқув юртларида бериладиган таълим давлат томонидан ўрнатилган минимал меъёрларга жавоб бериши керак, деган талабнинг бажарилишидаги эркинлигини чеклаш сифатида талкин қилинмайди.

Мазкур Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва кўмаклашиш мақсадида иштирокчи-давлатлар ота-она ва қонуний васийларга бола тарбияси бўйича мажбуриятларини бажаришларига тегишли ёрдам кўрсатадилар ҳамда болалар муассасалари тармоғининг ривожланишини таъминлаш ва бу борада зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси иштирокчи-давлатларга юклатилади.

Ушбу конвенция ижодкорлари бола ҳуқуқлари бўйича ўз концепцияларини либерал, патернализм назарияси асосида ишлаб чиқишган. Мазкур концепция ғоялари туфайли, болалар жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси деб эътироф этилган. Бу концепция билан бола ота-онага ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга тегишлилиги тўғрисида юз йиллар давомида мавжуд бўлиб келган қоидага чек қўйилган. Ҳозирги кунга келиб эса, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция энг универсал ҳужжатлардан бири бўлиб, Сомали ва АҚШдан ташқари 191 давлат унинг иштирокчисидир. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1992 йилда қўшилган, 2008 йили эса, унинг 2002 йилда қабул қилинган иккита қўшимча протоколига: Қуролли можароларда иштирок этувчи болалар тўғрисидаги Қўшимча протокол ва Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва порнографиясига тааллуқли Қўшимча протоколга қўшилди. 2013 йилгача мазкур Конвенция нормаларини бажариши бўйича Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига ўзининг учинчи ва тўртинчи Миллий маърузасини ва қўшимча протоколлар бўйича эса, биринчи Миллий маърузасини тақдим этган.

Бола ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий халқаро ҳужжатлар:

Европа минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар: Болаларга ҳомийлик қилиш ва уларга ҳомийлик қилишни тиклаш борасидаги қарорни тан олиш ва уларни бажариш тўғрисидаги 1980 йилги Европа конвенцияси, Болалар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича Европа конвенцияси, 1996 йилда қабул қилинган ва 2000 йилда кучга кирган.

Африка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар: Бола ҳуқуқлари ва бахт-саодати тўғрисида Африка конвенцияси,

1991 йилда қабул қилинган ва 1999 йилда кучга кирган; Африка ёшлари хартияси, 2006да қабул қилинган, 2009 йилда кучга кирган.

Америка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар: Балоғатга етмаган болалар халқаро траффиғи бўйича Америка давлатлари конвенцияси, 1994 йилда қабул қилинган, 1997 йилда кучга кирган; Қайтиб келган болалар тўғрисидаги Америка давлатлари конвенцияси, 1989 йилда қабул қилинган ва 1994 йилда кучга кирган, Балоғат ёшини ўрнатиш бўйича қонунлар қоллизияси бўйича Америка давлатлари конвенцияси, 1984 йилда қабул қилинган ва 1988 йилда кучга кирган. Америка китъасига тегишли халқаро ҳужжатларнинг ўзига хослиғи, уларнинг кўпроқ муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини тартибга солишга қаратилганлиғи билан изоҳланади.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид минтақавий ҳужжатлар хусусида фикр юритилганда, юқоридаги манзарадан кўриш мумкинки, ҳозиргача мавжуд ҳужжатлар асосан Европа, Америка ва Африка китъаларигагина тааллуқли, ҳолос. Афсуски, болалар ҳуқуқларини таъминлаш мураккаб ва муаммоли бўлган Осиё минтақасига оид бундай ҳужжат ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу эса, мазкур минтақада инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмнинг йўқлиғи ва бу соҳада давлатлараро минтақавий ҳамкорлик жуда ҳам суст эканлиғи билан характерланади.

Хулоса қилиб айтганда, бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг таснифи шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, улар бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам берса, иккинчидан, бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий база, ҳам универсал миқёсда, ҳам минтақавий миқёсда ривожланиб бораётганлигини, аммо бу ривожланиш барча минтақаларда ҳам бир хил кетмаётганлиғи тўғрисидаги манзарани кўрсатиб беради. Шу билан бирга, турли минтақалардаги давлатларнинг сиёсий, иқтисодий тузумидаги фарқлар, уларнинг диний ва маданий хилма-хиллиғи каби омиллар бу соҳадаги давлатларнинг минтақавий интеграциясига таъсир қилувчи омиллар эканлигини тушунишга ёрдам беради.

4. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий ва халқаро механизмлар

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмлар. Ижтимоий йўналтирилган бозор ислохотлари изчил амалга оширилиши, “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”,

“Сихат-саломатлик йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” сингари кўламли давлат ижтимоий дастурлари амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда болаларнинг ижтимоий ва иктисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган¹.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кенг институционал механизми шаклланган. Ушбу механизми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, ижроия ҳокимиятига қарашли бошқа давлат тузилмалари, шунингдек, ҳокимиятлар, суд, прокуратура органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби давлат органлари, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотлари ташкил этади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича махсус комиссиялар. Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонунчилигида, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция нормаларига мувофиқ келувчи вояга етмаганларга оид одил судловни амалга оширишнинг батафсил қондалари ўз аксини топган. Болаларни назоратсиз қолдириш, қаровсизликни барта-раф этиш мақсадида, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 2000 йилдан буён вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги қарори ушбу комиссияларнинг маъсулиятини янада мустаҳкамлади ва ижтимоий оғир аҳволдаги оилалар билан профилактика ишларини олиб боришни янада юқори поғонага кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, туман ва шаҳар ҳокимиятлари ҳузурида 246 дан ортиқ бундай махсус комиссиялар ташкил этилган. Ушбу комиссиялар халқ таълими, ўрта ва ўрта-махсус таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, прокуратура, ички ишлар, меҳнат органлари, аёл-

¹ Миниййлик тараққиёт мақсадлари амалда /Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 3-сон. 2010. Б. 3.

лар кўмитаси, касаба уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мудофаага кўмак жамиятлари, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва бошқа муассасаларнинг вакилларидан ташкил этилади.

Комиссияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, вояга етмаганларнинг қаровсиз қолиши, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жамоатга нолайоқ бўлган ҳаракатларнинг содир этилишига олиб келувчи сабабларни ўрганиш ва уларни бар-тараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

вояга етмаганларнинг қаровсиз қолиши ва ҳуқуқбузарлиги бўйича профилактика, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятларини мувофиқлаштириш;

вояга етмаганларнинг қаровсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва бошқа масалалар.

Комиссиялар ўз вазифаларини амалга оширишида қуйида келтирилган кенг ҳуқуқларга эгадир:

комиссия иши учун давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан зарур бўлган маълумотларни олиш;

комиссия мажлисларида болалар ва ўсмирларнинг тарбияси ва яшаш шароитларига тегишли масалалар бўйича органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг хабарларини эшитиш;

вояга етмаганлар, ота-оналар билан шахсан қабул ўтказиш, уларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий ишлари билан танишиб чиқиш ва бошқа шу қабилар.

Комиссиялар ўз ваколатларидан келиб чиқиб, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши шарт бўлган қарорларни қабул қилади.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро механизмлар. Бола ҳуқуқлари бўйича кўмита. Бу Кўмитанинг биринчи сессияси 1991 йилда бўлиб ўтган. Кўмита ўн нафар экспертдан иборат. Унинг зиммасига бола ҳуқуқларини рағбатлантириш учун курашаётган, Конвенция қатнашчиси бўлган барча давлатлар ўртасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилишини таъминлаш вазифаси топширилган¹.

¹ Қаранг: Права ребенка. Женева, ООН, 1992.

солувчи омилларни аниқлаб, муайян муаммоларнинг амалий ечимини изламоқда ва уларни ҳал қилиш учун одамларни ва молия ресурсларини сафарбар этиш чораларини кўрмоқда ҳамда жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини оширишга, шунингдек, бола ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантиришдаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Қўмита ана шу мақсадда мазкур соҳада жўшқин фаолият олиб бораётган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Қўмита 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар ўзларининг бу борадаги мажбуриятларини қай тарзда бажараётганликларини кузатиб боради. Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар Конвенция бажарилишига қаратилган тадбирлар ҳақидаги ва бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги тараққиёт тўғрисидаги маърузаларни мунтазам равишда шу Қўмитанинг ўзига тақдим этадилар. Бу маърузаларнинг миллий даражада ошқор этилиши ва кенг оммалаштирилиши таъминланади.

БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ). Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Европада ва Хитойда болаларнинг озик-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакка бўлган кундалик зарур эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида 1946 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясида ЮНИСЕФ таъсис этилган эди. 1950 йилда БМТ Бош Ассамблеяси мазкур Фонд фаолиятининг асосий йўналишга ривожланаётган мамлакатлар болаларининг манфаатлари кўзланган дастурни амалга оширишдан иборат, дея қарор қабул қилди. Уч йилдан кейин БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФнинг фаолиятини номуайян муддатга узайтиришга қарор қилган.

ЮНИСЕФ инсонпарварлик, муруват ёрдами кўрсатган ҳолда ривожланишга ҳамкорлик қилар экан, болаларни ҳимоя этиш ва уларнинг барча қобилиятларини ўстириш мақсадида ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Бундай ҳамкорлик болаларни камол топтириш соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилмоқда. Ана шу ҳамкорлик моҳиятан жаҳондаги ҳар бир болага унинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда эълон қилинган таянч ҳуқуқлари ҳамда имтиёзлари имкон қадар рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган. Марказий ва Шарқий Европада, шунингдек собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида болаларнинг энг зарур талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида ЮНИСЕФ баъзи давлатларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. ЮНИСЕФ бола ҳуқуқларини рағбатлантириш масалалари билан шуғулланувчи Бола

ҳуқуқлари қўмитаси билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, айти бир вақтда Конвенциянинг амалга оширилишини кузатиш ҳамда Конвенцияни ратификация қилган ёки бу ҳужжатга қўшилган давлатларга зиммаларидаги вазифаларини бажаришларида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш билан шуғулланмоқда. ЮНИСЕФ ўз фаолиятида болаларнинг омон қолишини таъминлаш, уларни ҳимоя этиш ва камол топтириш тўғрисидаги Умумжаҳон декларациясини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар режасига амал қилади. Мазкур Декларация болалар манфаатларини кўзлаб 1990 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда қўпгина давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари ҳамда олий мартабали бошқа шахслар иштирокида ўтказилган олий даражадаги умумжаҳон учрашувида қабул қилинган.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг болалар ҳуқуқлари ҳамда уларнинг ҳавфсизлиги, саломатлиги ва таълим масалаларини илгари суришдаги фаолиятида дастуриламал вазифасини бажаради.

Бу жараёнда болаларнинг ўзлари фаол иштирок этишлари муҳимдир. 2002 йил май ойида бўлиб ўтган БМТнинг Болалар масалалари бўйича махсус сессиясида болаларнинг дунёқарашлари ифода этилди. Унда 7000 иштирокчидан 600 нафарини болалар ташкил этган бўлиб, болалар форумини ифода этиш имкониятини берди. Бунинг натижасида давлат раҳбарлари “Болаларга макбул дунё” яратиш мажбуриятини олдилар.

“Болаларга макбул дунё” болалар саломатлиги, таълими ва ҳимоясини болалар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мақсад-вазифаларни ҳамда уларни амалга ошириш вақтини белгилайди.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги фаолияти болалар ва уларнинг оилалари ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлиб, қуйидаги ҳуқуқларни амалга оширишга ёрдам беради:

юқори сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, хусусан, оналар саломатлиги, болалар ўлимини қисқартириш ҳамда ОИТВ/ОИТС тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш ҳуқуқи;

юқори сифатли ва бепул бўлган бошланғич таълим олиш ҳамда юқори сифатли ва имкон қадар бепул бўлган ўрта таълим олиш ҳуқуқи;

бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш ҳуқуқи;

ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ифода этиш ҳуқуқи;

жинси, дини ёки ирқидан қатъи назар, ҳамма учун тенг имкониятга эга бўлиш ҳуқуқи.

болалар ҳуқуқларига тайзик утказиш эҳтимоли ҳамма ерда ҳам бўлиши мумкин.

ЮНИСЕФ ўзининг Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик дастури доирасида ана шу масалаларга эътибор беради. 2005 йил августда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва ЮНИСЕФ ташкилоти ўртасидаги 2005–2009 йилларга мўлжалланган Мамлакат Ҳаракат Режаси дастури имзоланди. Ушбу Режада бола ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ягона (умумлаштирилган) ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасидаги Ҳукумат томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, болалар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ институционал тизимни янада такомиллаштириш, жумладан, болаларнинг оила ҳаёти муҳитига бўлган ҳуқуқларини кенг тарғиб қилиш, болаларга мўлжалланган муассасаларнинг муқобил кўринишларини яратиш ва улар билан боғлиқ бир қатор масалаларга оид қондалар ўз аксини топганди.

ЮНИСЕФ ушбу мақсадларга эришиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, фуқаролик жамияти институти вакиллари ва бевоҳида болаларнинг ўзлари билан ҳам юқорида қайд этиб ўтилган муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ҳамкорлик қилиб келаётган¹. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, жабрдийда гувоҳлар ҳимояси, шунингдек, ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбияга топширишнинг муқобил кўринишлари бўйича қўллаб-қувватлаш аниқ тадбирлар ушбу ҳамкорликнинг муайян натижаларидандир.

Умуман, бола ҳуқуқлари, уларнинг кафолатлари тўғрисида ҳуқуқ қилиб айтиш мумкинки, аҳолисининг катта қисми ёшларни ташкил этувчи мамлакатимиз учун бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш масаласи мамлакатда демократик, ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, Президент И. Каримов таъкидлаганидек, “Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг ХХI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир”².

¹ Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. Т.: ЮНИСЕФ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006. Б. 3

² Каримов И.А. Ватан раънақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. Т. Ўзбекистон, 2001. Б. 187

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Бола ҳуқуқлари тушунчаси нима?*
2. *Ювенал юстиция тушунчаси нима?*
3. *Бола ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституциясида қандай акс эттирилганлигини кўрсатиб беринг.*
4. *Бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик асослари ва махсус қонунларни кўрсатиб беринг.*
5. *Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий нормаларни кўрсатиб беринг.*
6. *БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ювенал юстицияга оид ҳужжатлар моҳиятини тушунтириб беринг.*
7. *“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция ва унинг қўшимча протоколларининг мазмун-моҳиятини изоҳлаб беринг.*
8. *Бола ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий халқаро ҳужжатларни кўрсатиб беринг.*
9. *Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмларнинг вазифалари ва ваколатлари нималардан иборат?*
10. *Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро механизмларнинг ваколатлари ҳақида нималарни биласиз?*

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Муминов А., Тиллабаев М. Бола ҳуқуқлари. Электрон дарслик. ЖИДУ, 2011.
2. Абдумажидов Ғ.А., Бакаева Ф.Ҳ., Тансиқбоева Г.М. Бола ҳуқуқлари. / Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. Проф. Ғ Абдумажидов таҳрири остида. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008.
3. Балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар/ Международные документы по правам несовершеннолетних. – Т.: “Адолат” 2002.
4. Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. – Т.: ЮНИСЕФ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006.
5. Права ребенка. Учебное пособие /Абдумажидов Г., Тансиқбаева Г и др. – Т.: ТДЮИ, 2009.
6. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.

7. Комментарий к Закону Республики Узбекистан “О гарантиях прав ребенка” /А. Саидов и др. – Т.: Vektor-Press, 2009.

8. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳлар” / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008.

15-мавзу. Фуқароларнинг мажбуриятлари

1. Фуқаролар ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ўзаро боғлиқлиги.
2. Юридик мажбуриятлар ва уларнинг кўринишлари: фаол ва пасив юридик мажбуриятлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг бурчлари ва мажбуриятлари.

1. Фуқаролар ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ўзаро боғлиқлиги

Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг узвий боғлиқлиги. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми фақат ҳуқуқлар ва эркинликлардангина иборат эмас, балки унга мажбуриятлар мажмуи ҳам кирди. Шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари мўътабар ва мукаддасдир. Бирок, турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлган инсон (фуқаро) фақат ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланибгина қолмасдан, балки жамият, давлат ҳамда бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятларни ҳам ўтайди. Демак, бу ўринда ҳуқуқлар ҳақида гапирилса-ю, мажбуриятлар эсга олинмаса, мантиқан тўғри бўлмайди.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлигини ниҳоятда аниқ ифодалаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун, энг аввало, шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак. Ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: “Шу давлат, шу жамият менга нима берди?” деб эмас, балки “Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?” деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак”¹.

Ҳар қандай субъектив ҳуқуқнинг рўёбга чиқиши муайян юридик мажбуриятнинг адо этилиши билан боғлиқдир. Фуқаронинг ҳуқуқий лаёқати ва ўзга ҳуқуқлар амалга ошиши бошқа шахсларнинг бунга монелик қилмаслик мажбурияти билан таъминланади. Масалан, фуқаронинг қонунда белгиланган доирада ўз шахсий мулкига эга бўлиш имконияти, ўзига ёққан касбни танлаш ва турар жой танлаш ҳуқуқи, давлат ҳокимият идораларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари барча шахслар ва ташкилотларнинг

¹ Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати. – Т.: “Шарк”, 1993. – Б. 272.

бу ҳуқуқлар амалга ошишига қаршилик кўрсатмаслик мажбурияти билан таъминланади.

Инсон мажбуриятлари ва фуқаронинг мажбуриятлари масаласида сўнги бир неча ўн йилликлар давомида олимлар орасида яқдиллик йўқ. Баъзи олимларнинг гувоҳлик беришича, ўтмишда инсон ҳуқуқлари ҳақида баралла ва тинимсиз гапириларди-ю, аммо инсон ва фуқаро мажбуриятлари хусусида жимлик ҳукм суларди. Зеро, бунга назарий жиҳатдан ҳам (яъни табиий таълимотида), амалий-юридик жиҳатдан ҳам (ўтмишдаги конституциялар ва қонунчилик ҳужжатларида) асос йўқ эди. Масалан, венгер академиги Имре Сабонинг ёзишича, буржуа инкилоблари галабаси даврида “ҳуқуқлар билан бир қаторда мажбуриятлар ҳақида гапириш на аҳамиятга, на мунозарага лойик бўлмади” Боз устига, олимнинг фикрича, “табиий ҳуқуқ бўйича мавжуд адабиётларда инсон мажбуриятлари тўғрисидаги масала ҳеч қачон тилга олинмаган; бундай тушунчани умуман билишмасди”¹

Мазкур фикрга рус профессори Б.С. Эбзеев раддия билдиради. Унинг таъбирича, юқоридаги нуқтаи назар ҳуқуқий адабиётда кенг тарқалган бўлса-да, аммо бу ҳолат ҳақиқатга тўғри келмайди. Инсон ва фуқаронинг мажбуриятлари ғояси нафақат табиий ҳуқуқ мактаби намоянадалари томонидан талкин этилган, балки инсон ҳуқуқлари билан бир қаторда қарор топаётган ғарб демократиясининг конституциявий амалиётида ҳам ўз ифодасини топган².

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар ривожининг кейинги босқичларида ҳам инсон ва фуқаронинг мажбуриятлари муаммоси эътибордан четда қолгани йўқ. Бирок энди мажбуриятлар секин-аста ҳуқуқлар билан узвий боғлана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг узвий боғланиши демократик асосда ҳал қилинган. Мамлакатимиз истиклолга эришгандан сўнг фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини ихтиёрий, онгли, виждонан бажариш руҳида тарбияланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ривожланиши жараёнида шахс манфаатлари бирлиги фуқаролар демократик ҳуқуқлари ва бурчларининг ўзаро боғликлиги ёрқин ифодасини топмоқда. Фуқароларнинг жамият ва давлат олдида масъулияти, бирлиги, уюшқоқлиги бўлмаса, ҳақиқий демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳам бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасидаги муносабатлар, мамлакат қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамият ахлоқ ва

1 Сабо И. Идеологическая борьба и права человека. М.: 1981 С 128.

2 Эбзеев Б.С. Конституция, демократия, права человека. – М.: 1992. – С. 64.

одоб нормалари, турмуш коидалари ўз аксини топган. Қонун томонидан берилган юриш-туриш коидаларини бажариш барча фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқароларнинг аксарияти ўз бурчларини тўғри тушуниб, ихтиёрий равишда бажармоқда. Уларнинг демократик ҳуқуқлари уларнинг асосий бурчларига мос тушади. Мазкур бурчлар ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг қонуний ифодасини топиб, ўзбек давлати фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Улар Конституцияга тўла риоя қилиш, қонунларни оғишмай бажариш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, меҳнат интизомига бўйсунуш, жамоат бурчига виждонан муносабатда бўлиш, жамият қоидаларига тўла риоя қилиш, давлат, жамоат, шахсий мулкни кўз қорачиғидек сақлаш, қўпайтириш, қўриқлаш, ҳарбий мажбуриятни бажариш, Ватанни ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасида “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”, деб уқтирилади.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари сингари асосий бурчлари ҳам ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, бутун жамият манфаатларини ифодалаб, фуқароларнинг шахсий манфаатига ҳам тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий бурчларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчиси, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган бурчлар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилиш, қонунларни бажариш, меҳнат интизомини сақлаш, жамоат бурчига виждонан қараш, давлат мулки шакллари сақлаш ва мустаҳкамлаш, турмуш қоидаларини ҳурмат қилишдан иборат.

Иккинчиси, Ватан қудратини ошириш ва ҳимоя қилиш бурчи ҳисобланиб, Ватанни ҳимоя қилиш, умумий ҳарбий хизмат қонунига риоя этишдир.

Ўзбекистон фуқароларининг асосий бурчлари орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, ахлоқ нормалари ва турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш, уларни тўла бажариш биринчи ўринда туради. Булар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз қонуний ифодасини топган. Конституция давлатнинг Асосий қонуни бўлиб, ўзбек халқининг истиқлол йўлидаги тарихий ғалабаларини қонуний ақс эттиради, кенг халқ манфаати ва эркинлигини ифодалайди. Ўзбекистон

Республикаси Конституциясига тўла рия килиш мустақил давлатнинг куч-қудратини оширишга, гуллаб-яшнашига, ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга олиб келади.

Ўзбек жамиятининг ижтимоий тартиб-қоидалари фуқароларнинг меҳнатга муносабатлари, оилавий ҳаёти, турмушдаги хатти-ҳаракатлари каби масалаларни тартибга солувчи қоидалардан иборат.

Ўзбекистон фуқарolari ўз бурчлари бўлмиш истиқлол турмуш қоидаларини онгли равишда бажарадилар, унга ҳурмат билан қарайдилар.

Ўзбекистон фуқарolarини қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шахс ҳуқуқларини муҳофаза этиш давлат ва жамият бутун сиёсий тизимининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ижтимоий бурчини ҳалоллик билан бажариш фуқароларнинг қонунларга оғишмай рия этишларинигина эмас, балки ҳар бир кишининг жамиятимиз қонунлари бошқа шахслар томонидан бузилмаслиги учун чора-тадбирлар кўриш бурчини ҳам назарда тутди. Ўзбекистон фуқарolari бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишлари, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлишлари ва жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан қўмаклашишлари керак. Ҳозирги янги ижтимоий муносабатлар шаклланган бизнинг жамиятимизда бошқа шахсларнинг жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларига ва қилаётган жиноятларига нисбатан суёт кузатувчи бўлиб туриш мумкин эмас. Ўзбекистон қонунларини бузувчиларга қарши кураш жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун ор-номус ва виждон иши бўлган тақдирдагина катта натижаларга олиб қелишини фуқаролар яхши биладилар.

Содир бўлаётган жиноятга лоқайд қараган, ўз бурчини унутган, ўз тинчини бузишдан қочиб, жиноятчининг ёнидан индамай ўтиб кетган киши каттик қораланади. Жиноятчиликка қарши кураш ва республика қонунларини мустаҳкамлашда ҳуқуқ-тартибот органлари, прокуратура ва суд томонидан кўп ишлар амалга оширилади. Бирок ҳуқуқ-тартиботни кўриқловчи органларга жамоатчилик яқиндан фаол ёрдам бергандагина, қонунбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш кўпроқ самара беради.

Давлат манфаатларига зид ҳаракатларга муросасиз бўлиш, жиноят содир бўлмаслиги учун жамоат тартибини сақлашга бутун чоралар билан қўмаклашиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир. Янги кишини тарбиялаш вазифасини амалга оширишда оилада болаларни тарбиялаш марказий ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ота-оналарнинг болаларни тарбиялашдан иборат бурчи фуқароларнинг конституциявий бурчи эканлигини эълон қилди. Асосий қонунимиз фуқароларнинг болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашлари, жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстиришлари лозимлигини назарда тутди.

Миллатлар тенг ҳуқуқлилиги мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва яқинлаштириш сиёсати билан фуқароларни ватанпарварлик ва байналмилаллик руҳида тарбиялаш билан таъминланади. Бошқа фуқароларнинг миллий кадр-кимматини ҳурмат қилиш, миллатлар ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчларидандир.

Ўзбекистонда миллий адоват туйғусини уйғотишга уринган шахслар қаттиқ жазоланади. Иркий ёки миллий мумтозлик, иркий ёки миллий адоватни менсимасликни ҳар қандай тарғиб қилиш қонунга мувофиқ жазоланади.

Ўзбекистоннинг жиноят қонунчилигига мувофиқ, миллий ёки иркий адоват ёхуд низо қўзғатиш мақсадида тарғибот ёки ташвиқот юритиш, шунингдек, фуқароларнинг миллати ёки ирқига қараб уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан чегаралаб қўйиш ёки имтиёзлар бериш – тегишли равишда маъмурий ва жиноий жазолар билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи муносабатларда мустаҳкам тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини изчиллик билан ўтқазиб, халқаро ҳавфсизлик ва кенг халқаро ҳамкорлик учун собитқадамлик билан курашиб келмоқда. Унинг ташқи сиёсати халқнинг миллий озодлик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаш ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашини изчил амалга ошириш учун қулай халқаро шарт-шароитлар яратилишига қаратилган. Шу туфайли, Ўзбекистоннинг халқаро мавқеи мустаҳкамланмоқда, жаҳон сиёсатига кўрсатаётган таъсири бекиёс даражада ошмоқда. Бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишни фуқароларнинг байналмилал бурчи деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар тинчлигини мустаҳкамлаш, урушга йўл қўймасликни амалга ошириш биринчи галдаги вазифалардандир. Мамлакатимизда урушни тарғиб қилиш қатъий тақиқланган. У қандай шаклда олиб борилмасин, барибир жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган демократия, эркинлик ва бурчлар амалга ошмоқда. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”¹.

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми фақат ҳуқуқлар ва эркинликлардангина иборат эмас, балки унга мажбуриятлар мажмуи ҳам қиради. Шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари мўътабар ва муқаддасдир. Шу тариқа, турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш инсон (фуқаро) фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланибгина қолмасдан, балки жамият, давлат ҳамда бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятларни ҳам ўтайди. Бинобарин, шу ўринда ҳуқуқлар ҳақида гапирилса-ю, мажбуриятлар эсга олинмаса, мантиқан ҳам тўғри бўлмайди.

Юридик ва сиёсатшуносликка оид адабиётларда “инсон мажбуриятлари” ва “фуқаронинг мажбуриятлари” деган иборалар учрайди.

Масаланинг ибтидосига эътибор берадиган бўлсак, шуни айтиш лозимки, табиий ҳуқуқ мактаби, у яратган концепцияда инсоннинг мажбуриятлари ҳақида умуман гап кўтарилмаган. Шунингдек, 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари тўғрисидаги француз декларациясида ҳам мажбуриятлар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Умуман олганда, аввал ҳам, ҳозирги вақтда ҳам “инсон мажбуриятлари” деган ибора расм бўлмади. Тўғри, “Жамиятда яшовчи инсонга маълум мажбуриятлар юкланади” деб гапирилади, бироқ шу чокқача расмий ҳужжатларда бундай мажбуриятлар таърифи ва қўлами аниқ белгиланган эмас. Инсоннинг, шахснинг жамият олдидаги мажбуриятлари кўпроқ маънавий-ахлоқий, умумижтимоий маънога эга. Бу ерда “мажбурият” сўзи ўрнига “бурч” иборасини ишлатиш тўғрироқдир.

Шу боис, “ижтимоий шартнома” (Ж. Локк, Ж.Ж. Руссо) таълимоти шаклланиб, у асосда инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари ғояси туғилган даврда ҳам инсоннинг бошланғич ва ажралмас ҳуқуқларига мувофиқ инсоннинг “абдий ва ажралмас” мажбуриятларини кўрсатиб бериш мумкин бўлмади. Ижтимоий шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар инсон мажбуриятлари эмас, балки фуқаронинг давлат билан боғлиқ мажбуриятлари эди. Сиёсий жамиятда фуқаронинг ҳуқуқлари билан мажбуриятлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Фуқаронинг ҳуқуқлари бўлмаса, унинг мажбуриятлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли. – Т. Ўзбекистон, 1992. – Б. 15–16.

Ҳозирги замон давлатларида фуқаролик нисбатан қатъий қонунлаштирилган, уларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилли эълон қилинган. Мазкур тамойил асосида шахснинг муайян давлат билан фуқаролик муносабатларида бўлиши унинг қонулар билан аниқ белгиланган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари орқали ифодаланadi. Демак, фақат фуқаронинг мажбуриятлари тўғрисида гапириш мантикий маънога эга бўлади. Бирок, шу ўринда, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасидаги бир муҳим қоидага изоҳ бериш лозим. Ушбу моддада: “Ҳар бир инсон жамият олдида мажбуриятларга эга, зеро унинг шахси шу жамиятда тўла ва эркин камол топиши мумкин”, дейилган. Бу қоида асосан маънавий мазмунга эга бўлиб, жамиятдаги бошқа инсонлар ҳуқуқ ва эркинлигининг қафолати сифатида ёзилган¹.

Фуқаронинг мажбуриятлари юридик мазмунга эга. Юридик мажбуриятлар уч вариантда намоён бўлади: биринчидан, шахснинг фаол хатти-ҳаракатлар содир этиш мажбурияти; иккинчидан, шахснинг суст ҳаракатланиш мажбурияти; учинчидан, давлат мажбурлов чорасига итоат этиш мажбурияти, яъни юридик жавобгарликни ўташ мажбурияти. Масалан, олди-сотди шартномасини олайлик. Бунда харидор шартномада иштирок этувчи бир тараф сифатида олинган товар учун келишилган пулни тўлашга мажбур; сотувчи пулни (чекни) олгач, белгиланган ҳақи тўланган товарни харидорга беришга мажбур, айтилган вақтда, у харидорга нисбатан ноўрин хатти-ҳаракатдан ўзини тийиши шарт (харидорга қўпол муомала қилмаслик, уни ҳақоратламаслик, товарни танлаб олишига эътироз билдирмаслик ва ҳ. к.); мабодо сотувчи хизмат интизомини бузишга йўл қўйса, у интизомий жавобгарликка тортилади.

2. Юридик мажбуриятлар ва уларнинг кўринишлари: фаол ва пассив юридик мажбуриятлар

Мажбуриятларнинг моҳиятини кўриб чиқиш давомида уларнинг таснифига тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Масалан, В.Д. Переваловнинг фикрига кўра, мажбуриятлар эгалари инсон ва жамият бўлган табиий мажбуриятларга ва эгалари фуқаро, давлат ва унинг органлари бўлган юридик мажбуриятларга бўлинади². Бунда, *табиий мажбуриятлар* деганда, ҳуқуқий расмийлашмаган мажбуриятлар ҳам, у ёки

¹ Общая теория права и государства: Учебник (Под. ред. В.В.Лазарева. – М.: Юрист, 1994. – С. 317.

² Перевалов В.Д. Обязанности человека и гражданина // Теория государства и права, 1995. – С. 502–503.

бу мамлакатлар конунчилигида мустаҳкамланган мажбуриятлар ҳам тушунилади¹.

Юридик мажбуриятни таърифлашда зарурият моҳиятга оид муҳим ҳисобланади. Шу боис, юридик мажбурият конун билан белгиланган муайян зарурий хатти-ҳаракатдир.

Юридик мажбурият – бу, бир томондан, ижтимоий заруриятнинг конун билан белгиланган аниқ меъёри, иккинчи томондан, жамият, давлат ва шахснинг манфаатларини кондиришга қаратилган оқилона ва мақсадга мувофиқ хулқ-атворнинг қатъий меъёридир. Бу ерда гап фуқаронинг (юридик шахснинг) ҳуқуқ нормасида расман белгиланган мажбурий хулқ-атвори (фаолияти)нинг йўналиши тўғрисида бормоқда. Ушбу мажбуриятдан четга чиқиш конун билан тақиқланади ва жазоланади. Юридик мажбурият лозим бўлган ҳуқуқий хулқ-атвор (фаолият)нинг эталони, яъни унинг андозаси ёки намунаси ҳисобланади. Бу хулқ-атвор (фаолият) нафақат ҳуқуқи бор шахснинг манфаатини таъминлашга, балки мажбурият ўтаётган шахснинг ўзини, умуман, бутун жамият манфаатларини таъминлашга йўналтирилгандир. Конун чиқарувчи юридик мажбуриятларни белгилашда ана шу мажбуриятлар муштараклигидан келиб чиқилади.

Инсон ва фуқаронинг мажбуриятларини фарқлаш лозим бўлади, чунки инсонлар барчаси ҳам бирор-бир давлатнинг фуқароси мақомига эга эмас (масалан, апатридлар). Демак, инсоннинг давлат билан ушбу ҳуқуқий алоқасидан, муайян давлат фуқаролари учунгина характерли бўлган қўшимча мажбуриятлар келиб чиқади (масалан, Ватанни химоя қилиш – Ўзбекистон Конституциясининг 52-моддаси, шундай моддалар бошқа мамлакатлар, яъни Россия Конституциясининг 59-моддасида, Мексика Қўшма Штатлари Сиёсий конституциясининг 31-моддаси, Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг 52-моддаси, Франция Конституциясининг IV моддаси 2-бўлимининг 3-қисми).

Ҳуқуқий норма диспозициясида қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвори кўрсатилишига қараб, юридик мажбуриятлар **“фаол”** ёки **“пассив”** кўринишга эга бўлади. Фаол мажбуриятлар содир этилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатни мустаҳкамлайди. Пассив мажбуриятлар эса, ҳуқуқий нормада тақиқланган хатти-ҳаракатни содир этишдан ўзини тийиш заруриятини назарда тутлади².

“Пассив” мажбуриятлар “бир томонлама амал қилувчи”, яъни ҳуқуқий муносабатнинг бошқа иштирокчиси учун юридик оқибатлар

1 Матузов Н.И. Актуальные проблемы теории права. Монография. – Саратов, 2003. – С. 305.

2 Қаранг Гойман-Червонюк В.И. Очерк теории государства и права. – М.: 1996. – С. 238.

келтириб чиқарувчи ҳуқуқларга нисбатан риоя этиш мажбурияти, даъвогар ва жавобгарнинг нафакат суд муҳофазасидан фойдаланиш ҳуқуқи, балки томонларнинг ишни кўришда белгиланган тартибга риоя этиш мажбурияти ва суднинг қонуний кучга кирган барча қарор ва ажримларига риоя этиш мажбурияти мувофик келади. Тарафларнинг суд муҳофазасидан фойдаланиш ҳуқуқига суднинг томонлар тавсияномаларини кўриб чиқиш, кассация шикоятларини қабул қилиш ва тегишли юридик чораларни кўриш мажбурияти мувофик келади. Бундан хулоса шуки, ҳар қандай субъектив ҳуқуққа муайян бир шахснинг юридик мажбурияти мувофик келади.

Л.Ш. Берекашвили ва В.П. Игнатов куйидаги юридик мажбуриятларни таъкидлайди: муайян ҳаракатни содир этиш, таъкидланган ҳаракатни содир этишдан воз кечиш, бошқа шахслардан ҳаракатни содир этишни ёки содир этмасликни талаб этиш, буюрилган ҳаракатларни бажармаганлик учун жавобгарликни ўташ¹.

Умуман юридик мажбуриятларни куйидагича таснифлаш мумкин:

бирор давлатга нисбатан фуқаролиги борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар инсон мажбурияти ва фуқаро мажбурияти;

ўз характериға кўра фаол ва пассив мажбуриятлар;

муайян ҳуқуқий муносабатларда амалга ошириладиган мажбуриятлар ва ҳуқуқий муносабатлардан ташқарида амалга ошириладиган мажбуриятлар (амалга оширилиш хусусияти бўйича);

индивидуал ва жамоавий мажбуриятлар (бажариш шакли бўйича);

бирор-бир ҳуқуқ соҳаси – конституциявий, жиноий, фуқаролик, меҳнат, экологик ва бошқа шу қабилардан келиб чиқадиган мажбуриятлар (соҳавий белгилари бўйича).

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг бурчлари ва мажбуриятлари

Фуқароларнинг мажбуриятлари қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилади. Уларнинг энг асосий мажбуриятлари Конституцияда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боби фуқароларнинг бурчлари (мажбуриятлари)га бағишланган. Жами олти модада фуқароларнинг асосий мажбуриятлари мустақамланган.

¹ Берекашвили Л.Ш., Игнатов В.П. Обеспечение прав человека и законности в деятельности правоохранительных органов. – М.: 2003. – С. 149.

Барча фукараларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир инсоннинг энг муҳим мажбуриятларидан бири, Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажаришга (47-модда), Конституция ва қонунларга риоя этишга бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга (48-модда) мажбурдирлар. Мазкур конституциявий талаб замирида мамлакатда қатъий қонунийлик режимини таъминлаш мақсади ётибди.

Қонунийлик муҳити – давлатда, жамиятда мустаҳкам тартиб ва барқарорлик асоси, ҳар бир фуқаро ҳаётида тинчлик ва осойишталик бўлишининг гаровидир.

Конституция ва қонунларга риоя этиш мажбурияти ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун умумий, универсал талабдир. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқарода ҳаётининг фаолиятининг барча жабҳаларида мувофиқ ҳатти-ҳаракат қилишдек ички руҳий “дастур”, яъни эътиқод мавжуд бўлиши назарда тутилади.

Конституция ва қонунларга риоя этиш – нафақат уларнинг қоидаларини бузмасликлари, балки фуқаролар ўз фаолияти ва ҳаёт тарзи билан конституциявий тамойил ва асосларни, шунингдек, қонунчилик нормаларини реал воқеликка айлантиришга кўмаклашишлари демакдир.

Конституция ва қонунларда жамият ва давлатнинг ижтимоий-сиёсий асослари, мамлакатда ўрнатилган ҳуқуқий тартибот, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими энг мужассам тарзда ифода этилади. Шу сабабли, уларга ҳар бир фуқаро қатъий риоя этишга мажбур. Бу қоидаларни ҳар қандай кўринишда бузиш давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатига путур етказди.

Конституция фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар, деб кўрсатади (49-модда). Ўзбек халқи чиндан ҳам бой тарихий, маънавий ва маданий мерос соҳибидир. Асрлар мобайнида шаклланган, жамланган бу мерос нафақат ўзбек давлатчилиги ривожига, балки бутун жаҳон цивилизациясига қўшилган улкан ҳиссадир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бу билан фахрланибгина қолмасдан, балки мазкур маданий ва маънавий “ҳазина”ни кўз қорачиғидек асраши, уни қелгуси авлодларга етказиб беришни ўзи учун ҳам фарз, ҳам қарз деб билиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг аτροφ табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятини мустаҳкамлайди (Конституциянинг 50-моддаси).

Дарҳақиқат, фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги асримизда инсониятнинг ҳаёт кечириш маскани бўлган табиий атроф-муҳит алоҳида муҳофазага муҳтож. Бундай муҳофаза мутасадди давлат идоралари ва жамоатчилик тузилмалари бўғини (масалан, “ЭКОСАН” жамғармаси, “Оролни кутқариш” жамғармаси ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Ушбу фаолиятда табиат инъомларидан баҳраманд бўлувчи ҳар бир фуқаро (инсон) иштирок этиши шарт.

Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ер тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Давлат санитария назорати тўғрисида”, “Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги бир қатор муҳим қонунлари қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги нормалари фуқароларнинг табиат билан бўладиган мулоқотидаги мажбуриятларини белгилайди. Табиатга тегишли қонунлардаги ҳар бир қоидага риоя этиш, уларнинг бузилишига фаол қарши туриш ҳар бир фуқаронинг юридик мажбуриятидир.

Фуқароларнинг қонунлар билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбурияти конституциявий даражада мустаҳкамланган (Конституциянинг 51-моддаси).

Собик совет тузуми давридаги конституцияларда фуқароларнинг бундай мажбуриятига эътибор қаратилмаган эди. Сабаби – социалистик давлат мулкчилиги ҳукмронлик қилган шароитда бюджет асосан давлат қорхоналари ва ташкилотлари ҳисобидан тўлдирилар, чунки бу жамиятда хусусий мулк йўқ бўлмаган. Ундаги асосий мулк – давлат мулки бўлган ва ундан келадиган даромад фақат давлат бюджетига тушар ва давлат барча даромадни ўзи тақсимлар эди. Мазкур социалистик иқтисодиёт эса, эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиётини инкор этар эди.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўта бошлаганлиги муносабати билан Конституциямизда биринчи марта фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти қонулаштирилди. Бу ҳақли равишда қонуний ҳолатдир. Хусусий мулкчиликнинг жорий этилиши, эркин тадбиркорликка йўл очилиши, иқтисодиётда давлат мулкчилиги соҳасининг қисқариши солиқ тизимида янгича ёндашувни тақозо этди. Солиқ тўловчи субъектлар таркиби сифат жиҳатидан ўзгариб, солиққа тортиладиган даромадлар тури кенгайди. Шу боис, давлат бюджетига юридик шахслар ва фуқаролардан олиннадиган солиқлар аҳамияти ошди.

Эркин иқтисодий фаолият кенгайган шароитда, табиийки, фуқароларнинг, хусусий тадбиркорларнинг давлат назоратига олинма-

ган даромад манбалари кўпайиши мумкин. Бундай вазиятда даромадларни декларация қилиш тартиби йўлга қўйилиб, фуқаролар ўз ихтиёри ва ташаббуси билан солиқ тўлашлари лозим бўлади. Фуқароларнинг солиқларни тўлаш мажбурияти конституциявий даражада мустаҳкамланганлигининг боиси ҳам ана шунда.

Конституциянинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир, деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, 2002 йил 12 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ҳарбий (муқобил) хизматни ўтайди. Ушбу қонун ҳар бир фуқаронинг Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги мажбуриятини адо этиш тартиби, муддатлари, шарт-шароитлари ҳамда имтиёзлари масалаларини тартибга солади.

Конституция фуқароларнинг соғлиғи, диний эътиқоди имкон бермаган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда муқобил хизмат ўташлари мумкинлигини ҳам назарда тутган.

Шундай қилиб, фуқароларнинг мажбуриятлари жамият, давлат ва барча фуқароларнинг ўз манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини виждонан ўташ орқали бошқа инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошишига кўмаклашаётганини англаб етиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзвий боғлиқлигини тушунтириб беринг.*
- 2. Фуқароларнинг мажбуриятлари ва бурчлари тушунчаларини тушунтириб беринг.*
- 3. Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг қандай мажбуриятлари ва бурчлари ўз аксини топган?*
- 4. “Фаол” мажбуриятлар деганда нимани тушунаси?*
- 5. “Пассив” мажбуриятлар деганда нимани тушунаси?*
- 6. Мажбуриятларни таснифлашни амалга оширинг.*
- 7. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қандай мажбуриятлар акс эттирилганлигини тушунтириб беринг.*
- 8. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш нима учун ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бурчи эканлигини тушунтириб беринг.*

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Берекашвили Л.Ш., Игнатов В.П. Обеспечение прав человека и законности в деятельности правоохранительных органов. – М.: 2003.
2. Общая теория права и государства: Учебник (Под. ред. В.В. Лазарева. – М.: Юрист, 1994.
3. Перевалов В.Д. Обязанности человека и гражданина // Теория государства и права, 1995.
4. Права человека. Учебник для вузов / Под.ред. Лукашева. – М.: НОРМА-ИНФРА. 1999.
5. Права человека: Учебник-хрестоматия / Под ред. Саидова А.Х. – Т.: УМЭД, 2001.
6. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.
7. Саидов А., Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. – Т.: “Адолат”, 1998.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
9. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик / Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.

10-мавзу. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш усуллари

1. Конституция, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш меъёрлари.

2. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органларининг ўрни ва роли.

3. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат ташкилотларнинг ўрни ва роли.

4. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ўрни ва роли.

1. Конституция, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш меъёрлари

Мустақил давлатнинг асосий вазифаларидан бири ўз фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва уни кўриқлашдир. Бу вазифа Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Унинг X боби “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари”га бағишланган бўлиб, 43-моддасида: “Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”, дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган моддалар аниқ-равшан тус олган ва бирмунча кенгайтирилган.

Мамлакатимиз фуқаролари демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг янгидан-янги тамойиллари Конституцияда ўз ўрнини эгаллаши билан бир қаторда амалга оширилиши кафолатланган. Улар орасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи” эканлиги (24-модда), “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга”лиги, “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас”лиги (25-модда), “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга”лиги (28-модда), “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгалиги” (29-модда), “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятларини яратиб бериши” (30-модда), “Жамият ва давлат иш-

ларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши” (32-модда), Ўзбекистон Республикасида “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини республика конунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга”лиги (33-модда), “Қасаба уюшмаларига сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга”лиги (34-модда) алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, фуқароларнинг шахсий ҳаёти конун билан қўриқланади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир, ҳар бир фуқаро эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, унинг ҳаётига суикасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Ўзбекистон фуқароси конунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, қамоқда сақланиши мумкин эмас. Булар республика конунлари билан мустаҳкамланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 234-моддаси “Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш” деб номланиб, унда: “Била туриб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа муддатга чекланиши – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамок билан жазоланади.

Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”, дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги конунлари Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини қамқоғувчи қатор конституциявий тамойилларни ўзида акс эттирган: масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида: “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, дейилади. Бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинган бошқа конунларда ҳам мустаҳкамланган.

Умуман олганда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари ва воситалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35- ва 44-моддаларида ўз аксини топган, уларда ин-

сон ҳуқуқларини суд орқали ва суддан ташқари ҳимоя қилиш шакллари кўзда тутилади¹.

Истиклолга эришилгандан сўнг вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ва давлат тузумининг мустақамланиб борилиши ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёт режалари бажарила борган сари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилиши ҳамда уларнинг турмуш шароити узлуксиз яхшиланиб борилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари орасида энг муҳими – уларнинг давлат вакиллик органларига ва бошқа ҳокимият органларини тузишда фаол иштирокини таъминловчи сайлов тизимидир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлов ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади”, деб уқтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунларда сайловчиларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишга зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки сайлов қонунчилигининг бошқа тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар ва сиёсий партияларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ, белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

1994 йил 5 майда Ўзбекистонда “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. У 21 моддадан иборат бўлиб, мазкур қонунга асосан фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқини бузувчи ва уларга эътибор бермайдиган ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар устидан сайлов комиссияси, тегишли давлат органи, жамоат уюшмаси, мансабдор шахслар ва судларга мурожаат қилиши мумкин. Бу ҳуқуқни бузувчилар Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида жазоланадилар.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. Муаллифлар жамоаси: А.Х. Саидов, Ф.Х. Бақоева, К.Ш. Арсланова ва бошқ. Т “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 70.

Доимий ривожланишда бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий конунчиликнинг яна бир ўзига хос хусусияти Конституция ва конунларда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқларни алоҳида кафолатловчи конунлар билан янада мустаҳкамлаб боришдан иборат. Шу мақсадда, мамлакатда “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида” (1995 й.), “Истеъмоқчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” (1996 й.), “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида” (1997 й.), “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” (1997 й.), “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” (1998 й.), “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” (янги таҳрири, (2002 й.), “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” (2007 й.), “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” (2008 й.)ги каби инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасидаги кафолатларни белгилаб берувчи махсус конунлар гуруҳи шаклланган ва улар доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунлари Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари доирасини аниқ-равшан кафолатлаган. Унда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, турли ирқ ва миллатга мансуб фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, республика фуқаролари ўз насли-насабидан, ижтимоий ва мулкӣй мавқеидан, ирки ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенглиги кафолатланган. Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўла таъминланган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг шахсий манфаатларини қондириш учун хизмат қилиш билан бирга, жамоа, давлат ва жамият манфаатдорлигини ҳам ўзида яққол акс эттиради.

2. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органларининг ўрни ва роли

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ижтимоий ва давлат қурлишида реал демократияни ҳар томонлама кенгайтириб, ривожланган, маърифатли давлатлар сафига киришни асосий мақсад қилиб қўйган даврда инсон эркинлиги, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий конунларда ифода этибгина қолмай, унинг ривожини ҳамда такомиллашувини шу мақсадда тузилган ва тузилаётган давлат органлари, жамоат уюшмалари ва кўнгилти

ташаббускор ташкилотлар ўзлари олиб бораётган кўпқиррали фаолиятлар билан ҳам амалга оширмакда ва кафолатламокда.

Мустақиллик йилларида мамлакатда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари тизими шаклланди. Бу тизимда анъанавий судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан иборат бўлган судлов органлари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат ташкилотларидан иборат бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича носудлов органлари ҳам шаклланди.

Инсон ҳуқуқларини химоя қилишнинг судлов органларига, биринчи навбатда, суд ҳокимияти тизимига қирувчи судлар, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, умумий судлар, хўжалик судлари қиради. Судлар тизими билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, яъни прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги каби нафақат инсон ҳуқуқларини, балки мамлакатдаги ҳуқуқтартиботни ҳам химоя қилиш билан шуғулланувчи вазирликлар ва давлат идоралари ҳам инсон ҳуқуқларини химоя қилиш тизимида ва одил судловни таъминлаб беришда муҳим ҳалқани ташкил этади. Бугунги кунда ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимларида инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи алоҳида тузилмалар ташкил этилган.

Инсон ҳуқуқларини суд орқали химоя қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш механизмнинг таркибий ва ҳал қилувчи қисмидир. Чунки, суд бузилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш тизимида энг муҳим восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг суд томонидан муҳофаза этилиши, давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг ноқонуний ҳаракатларидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Асосий қонунининг 106-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида Ўзбекистон суд тизимининг ҳуқуқий асослари кўрсатилган. Бу моддага мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят

ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилади. Суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ва бошқа органларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларидан (қарорларидан), шунингдек ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга. Қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳамма судларда ишларнинг кўрилиши очик ҳисобланади. Фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни билан фавқулодда судлар тузиш тақиқланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда қуйидагиларни ўз ичига олувчи суд тизими яратилди ва фаолият юритиб келмоқда:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, шунингдек, ҳарбий судлардан иборат умумий юрисдикция судлари. Ҳарбий судлар тизими Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан ташкил топади.

3) Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжалик судларини ўз ичига олган ҳўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини амалга оширишнинг бир неча тартиби шакллантирилган, жумладан, конституциявий, фукаролик, жиноят, ҳўжалик ва маъмурий суд иш юритуви, уларнинг ҳар бири махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга мослиги ҳақидаги ишларни кўриш бўйича, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фукаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди – ҳўжалик суди ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга.

Судларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишнинг олдини олишга қаратилган қафолатлар қонун нормалари билан мустаҳкамланган. Жумладан, давлат органлари ва бошқа органлар, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фукаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт. Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, қимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Мустақиллик йилларида суд ҳокимияти ислоҳ қилиниб, одил судловни амалга ошириш механизмлари доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Суд ҳокимиятини, умуман, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи 1991–2000 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу даврда суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилиш миллий стратегияси суд ҳокимиятининг яхлит тизимини шакллантиришнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга имқон берди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг биринчи босқичи 2000 йил 14 декабрда судлар фаолиятини демократлаштириш ва такомиллаштиришда муҳим қадам бўлган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан яқунланди.

2001 йилдан мазкур соҳанинг муҳим вазифаларидан бири суд тизимининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш жараёни бошланди. Бу босқичда ҳуқуқий давлатни шакллантиришда муҳим жиҳатларни ташкил этадиган суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштиришнинг янги концепцияси амалга оширилди.

2001 йилда мамлакатда фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро судлари, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман(шаҳар) судлари иш бошлади.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ҳамда одил судлов сифатини тубдан яхшилашга қаратилган муҳим чоралар қабул қилинди. Жумладан, дастлабки тергов ва айбланувчиларни қамоқда ушлаб туришнинг максимал муддатлари қисқартирилди, ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби киритилди, кассация инстанциялари ислоҳ қилинди, суд қарорларини ижро этиш тартиби такомиллаштирилди.

Апелляция институтининг киритилиши суд қарорларининг қонунийлигини текшириш ва келиб чиқиши мумкин бўлган хатоларни ўз вақтида тузатишнинг самарали механизмини яратди.

Кассация инстанциясининг ислоҳ қилиниши натижасида фуқаролар қонуний кучга кирган суд қарорларидан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқларини кассация инстанцияси суд мажлисида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди.

Суд жараёнида ҳимоя ва айблов ҳуқуқларининг тенглаштирилиши томонлар орасидаги тортишувчанлик тамойилининг амалий тимсоли бўлди.

Судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди. Бу вазифаларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментига ўтказилиши суд ҳужжатларини ижро этишнинг мустақил самарали тизимини яратишга имкон берди.

2007 йил июлда қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш муносабати билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги Қонуни суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашда ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлашнинг самарадорлигини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши ва уни амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизми белгилаб берилганлиги жиноят процессининг судга қадар босқичида жиноий таъқибга дучор бўлишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишининг муҳим қафолатларидан бўлди.

2005 йил 1 июлдан тадбиркорлик субъектларига қатор ҳуқуқий таъсир чоралари, жумладан, молиявий санкцияларни фақат суд тартибида қўллаш тартиби киритилди. Ушбу механизмнинг жорий қилиниши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қўшимча қафолатларни яратишга ва тадбиркорлик фаолиятини асосиз чеклашга йўл қўймасликка ёрдам берди.

2007 йил 1 январдан фуқароларга бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини нафақат фуқаролик ва хўжалик судлари орқали, балки ҳакамлик судларига мурожаат этиш йўли билан ҳимоя қилиш имкониятини берган Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни қучга кирди. Доимий ёки вақтинчалик асосда ташкил этиладиган ҳакамлик судлари фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган хўжалик низоларини ҳал этишга қаратилган.

2008 йил июнда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди ва мазкур тузилмага суднинг обрўси ва мустақиллигини ҳамда одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш, судлар фаолиятига аралаштириш ҳамда гайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймасликка қўмаклашиш вазифаси юклатилди.

2008 йил декабрда ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларга ва маҳкумларга амнистия актини қўллаш бўйича ваколатли судга ўтказиш йўли билан амнистия актини қўллаш тартиби қонун даражасида такомиллаштирилди ва ушбу ҳолат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг суд томонидан ҳимоя қилиниш қафолатларини таъминловчи асосий механизмлардан бири ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида муҳим ва асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 2001 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳамда фаолиятига дахлдор бўлган бошқа қонунлар асосида олиб боради. Мазкур қонунга биноан, прокуратуранинг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботга риоя этиш устидан назорат қиладиган давлат органи бўлган прокуратура нафақат давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш вазифасини, балки инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим ижтимоий вазифани ҳам бажаради. Айнан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини давлат органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидан ҳимоя қилиш Ўзбекистонда ижтимоий ва ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади¹.

Прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 12 апрелдаги 3-сонли буйруғига биноан **Фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси** ташкил этилган. Ушбу буйруқ билан тасдиқланган низомга биноан, бошқарманинг асосий вазифалари қонунлар устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қонунда белгиланган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига биноан, Бошқарма инсон ҳуқуқлари бўйича ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда амалга оширади:

фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /Муаллифлар жамовиси: А.Х. Самдов, Ф.Х. Бақиева, К.Ш. Арсланова ва бошқ. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 242.

фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш;
конунийликнинг аҳволи ва қонунлар бузилиши тўғрисидаги хабарлар ҳақида маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш.

Бошқарма ҳузурида кишлоқ хўжалиги соҳасидаги хўжалик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бўлим ташкил этилган. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, ҳарбий ва транспорт прокуратурасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича алоҳида бўлимлар ташкил этилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида Бошқарма томонидан барча прокурорлар учун мўлжалланган “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ижро этилиши устидан назоратни уюштириш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг вазифалари тўғрисида”ги 25-сонли буйруғига асосан қуйидагилар прокуратура органларининг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолат ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми ва қонун билан ҳимоя қилинадиган давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, хусусан, жамият ва давлат ишларида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи ҳамда жамоатчилик ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминлаш;

давлат органлари, муассасалар, жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлайдиган қонунлардаги талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /Муаллифлар жамоаси: А.Х. Саидов, Ф.Х. Бақоева, К.Ш. Арсланова ва бошқ. – Т “Ўзбекистон”, 2010. Б. 244.

фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, касб танлаш эркинлиги, хавфсиз ва адолатли шароитларда ишлаш, ўз меҳнати учун вақтида иш ҳақи олиш, меҳнат таътилига чиқиш ҳамда ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

қариялар, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганлар, боқувчисидан маҳрум бўлганларнинг ҳар бирининг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш, энг кам ижтимоий ҳимояланган аҳоли қатламларининг, жумладан, ёлғиз, ногирон ва кам таъминланганларнинг нафақа олиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, тиббий хизматдан бепул фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш;

фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод қилиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқлари амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш¹.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги хизматлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизими-га киради. Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш ва тартибга солиш юзасидан кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан сўнг, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қатори, ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сонли “Ички ишлар идораларида хизмат ўташ тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низом” асосида фаолият кўрсатмоқда.

Ички ишлар идораларининг асосий вазифаларига конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, фуқароларнинг ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мулкани, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар хил жиноий тажовузлардан ва бошқа ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларнинг қисқа фурсатда тўлиқ очилишини таъминлаш, жиноятни содир этиш сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш, содир этилган жиноятларни тергов қилиш, паспорт тизими фаолиятини таъминлаш (фуқароларга паспорт берилишини, уларнинг рўйхатдан ўтиши ва чиқишини, визаларини расмийлаштириш).

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. Муаллифлар жамоаси: А.Х. Саидов, Ф.Х. Бақасва, К.Ш. Арсланова ва бошқ. Г “Ўзбекистон”, 2010. Б. 244-245.

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, маъмурий жавобгарлик ва жиноий жазоларнинг бажарилишини таъминлаш, ёнгин хавфсизлигини саклаш, вояга етмаганлар билан ишлаш, фуқаролар томонидан ўқотар қуролларни сотиб олиш, саклаш ва олиб юриш тартибини назорат қилиш ва расмийлаштириш каби кўплаб вазифалар қиради.

2001 йил 27 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармон Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага боғлиқ бир нечта қарорининг қабул қилинишига тўртки бўлди. Мазкур Фармон ва қарорлар асосида ИИВнинг етакчи хизматларининг деярли ҳаммасида ислохотлар амалга оширилмоқда.

2008 йил сентябр ойида Ички ишлар вазирлиги тизимида “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси” ҳамда унинг жойлардаги тузилмалари ташкил этилди деб Ички ишлар органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш устидан назорат олиб бориш мазкур бошқарманинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Ички ишлар идораларининг мансабдор шахслари фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш чоғида уларнинг мазмунини диққат билан ўрганиб чиқишлари лозим, шунингдек, хатларни ҳар тарафлама муфассал ва ҳолисона кўриб чиқиш учун кўшимча ахборотлар, маълумотлар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, уларни тўплаш, ходимларни муурожаатда баён этилган ҳолатни текшириш учун жойларга юборишлари, шикоятни келтириб чиқарган сабабларини, шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўришлари шарт. Муурожаатларни текшириш учун ички ишлар идораларининг штатсиз ходимлари, шунингдек, жамоатчиликнинг бошқа вакиллари жалб қилиниши мумкин.

Муурожаатларни текшириш натижалари бўйича тўпланган ҳужжатларни объектив таҳлил этишни ўз ичига олган асосли ҳулоса тузилиши керак. Агар текширув пайтида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланган манфаатлари бузилганлиги, ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликлар ва нуқсонлар, мансабдор шахснинг ўз ваколати ёки мансабини сунистеъмом қилиш ҳоллари аниқланса, ҳулосада фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини тиклаш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича, шунингдек, айбдор шахсларга нисбатан қандай чоралар кўрилгани кўрсатилиши керак.

Мурожаатлар бўйича қабул қилинадиган қарорлар асосланган бўлиши лозим. Ҳал этиш натижалари ҳақида давлат ва ҳукумат идоралари, радио, телевидение, газета ва журналлар таҳририятларига жавоб берилиши лозим бўлган хатлар алоҳида назоратга олинади ва биринчи навбатда ҳал этилади. Мурожаатларни текшириш натижалари юзасидан, улар келиб тушган ички ишлар идораси раҳбари томонидан тегишли идораларга ҳамда хат муаллифларига жавоб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида 2011 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1602-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Адлия вазирлиги давлат бошқарув органи ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятнинг алоҳида масалалари бўйича – бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди.

Адлия вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

– норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, қонун устуворлигини, давлат ва жамият қурилиши соҳасида қонунийликни таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини изчил амалга ошириш;

– қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши устидан самарали назорат ва контроль қилишни, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, шу жумладан, прокуратура органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлаш;

– улар томонидан суниестемолликларга, қонунбузарликларга, қонун ҳужжатлари талабларини ижро қилмаслик ҳолатларига, ҳуқуқий нормаларни ўзбошимчалик билан, нотўғри талқин қилинишига, қонунни қўллашда субъективликка, тор идоравий, танлов асосида ёндашишга йўл қўймасликка қаратилган ҳуқуқий таъсир чораларини амалга ошириш;

– демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг қонунчилик базасини изчиллик билан такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш;

– амалдаги қонун ҳужжатларидаги “оқ доғлар”ни, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратаётган қондалар ва нормаларни аниқлаш;

– марказда ва жойлардаги давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш;

– суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, суд ҳужжатларининг сўзсиз ижро қилинишига, судлар фаолиятини ҳар томонлама моддий-техник ва молиявий таъминлашга йўналтирилган давлат сийёсатини изчил амалга ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш;

– нодавлат нотижорат ташкилотлар, бошқа фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатишининг қонунийлигини, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни, уларнинг аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишда, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ривожланиш дастурларини амалга оширишда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда фаол иштирокини таъминлаш;

– мамлакатда рўйхатдан ўтган халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторинг ўтказиш;

– кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, шартномаларни тузиш ва бажаришда ҳўжалик юритувчи субъектларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиларга, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжалиklarини ривожлантириш соҳасида маъмурий тўсик ва ғовларни яратишга йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

– нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган давлат томонидан тартибга солиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

– тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларининг ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

– жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

давлат ва жамият қурилиши соҳасини демократлаштиришнинг замонавий талаблари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

Адлия вазирлиги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тизимида муҳим аҳамият касб этиб, анъанавий тарзда ҳуқуқни қўлловчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар сирасига киради¹. Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Ўзбекистон Ҳукуматининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Вазирликнинг бевосита иштирокида инсон ҳуқуқларини, тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари такомиллаштирилмоқда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил этиб бориш ва мониторинг қилиш ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш тизими жорий қилинди².

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-киммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги тўғрисидаги конституциявий қоида Адлия вазирлиги фаолиятининг барча жабҳаларида устувор бўлиши белгиланган. Адлия органлари ва муассасаларининг иши бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилмаган бўлса-да, вазирлик таркибида бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояси билан шуғулланадиган алоҳида махсус таркибий бўлинмалар мавжуд.

Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси, Хорижий

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 221.

² Ўша жойда.

инвестицияларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси каби бўлинмалари – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги, барча давлат органлари, шу жумладан Адлия вазирлигининг фаолияти уларни ҳар томонлама такомиллаштиришга қаратилганлиги тўғрисидаги конституциявий қондаларни изчил равишда амалиётга татбиқ этиш натижаси ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Адлия вазирлиги бўлинмалари орасида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2003 йилда ташкил этилган ва жойларда ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси муҳим ўрин тутди. Хусусан, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва ҳудудий адлия бошқармаларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари фуқароларнинг давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ҳамда ҳаракатлари устидан шикоятларини кўриб чиқади. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш зарур бўлганда адлия органларига мурожаат қилиш имконияти вазирлик фаолиятининг энг муҳим тамойили, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини амалиётга татбиқ этиш эса, келиб тушаётган мурожаатларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳисобга олиш тизимини яратиш орқали таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1602-сонли қарорига асосан Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш ҳамда Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши ахволини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ тузилган.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишини мувофиқлаштириш;

ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини яхшилаш, шунингдек таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билим даражасини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш;

аҳоли билан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши аҳволини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг асосий вазифаларидан бири этиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек БМТнинг асосий Конвенцияларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш белгиланди.

Мазкур йўналишда Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ шартномавий органларининг якуний тавсиялари ва эътирозларини кўриб чиқиш, шунингдек, ушбу якуний тавсия ва эътирозларнинг ижроси бўйича Миллий ҳаракат режаларини тасдиқлаш ва мониторинг қилиш ишлари олиб борилмоқда. Таъкидлаш керакки, 2004 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ишчи гуруҳи томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертларнинг тавсияларини ижро қилиниши бўйича 10 та миллий ҳаракат режалари тасдиқланиб, уларнинг ижроси мониторинг қилинмоқда.

Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ва Адлия вазирлигининг “Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тўғрисида”ги Низомида белгиланган тартибда амалга оширилади. Адлия вазирлиги фуқаролар томонидан ёзма ва оғзаки равишда берилган муурожаатларни кўриб чиқади. Фуқароларни шахсан қабул қилиш вазирлик раҳбарияти, бошқармалар бошлиқлари ва вазирликнинг ваколатли бошқа мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади¹.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда айниқса, адвокатура институтининг роли катта ҳисобланади. Адвокатура ўз номи билан, авваламбор, инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси ҳисобланади. Ўзбекистонда адвокатура институтини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. / Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бақоева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 225.

Адвокатура институтин Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 116-моддасида конституциявий институт сифатида мустахкамлаб қўйилган. Жумладан, унда айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши, тергов ва суд ишини юриштининг ҳар қандай босқичида унинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши, фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши ҳамда адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган. 1996 йил 27 декабрда “Адвокатура тўғрисида”ги, 1998 йил 25 декабрда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгаришлар, суд-ҳуқук соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фуқаролар ҳуқук ва эркинликларининг самарали ҳимоясини таъминлаш кафолати сифатида, адвокатуранинг жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш, адвокатларнинг касбий мустақиллигини таъминлаш ҳамда уларнинг процесуал ваколатларини кенгайтириш, адвокатуранинг ўз-ўзини бошқариш ваколатини такомиллаштириш ва адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш ҳамда уни ривожлантиришнинг асосий ва муҳим шартлари эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3993-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2008 йил 12 сентябрда бўлиб ўтган Таъсис конференциясида Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳуқук тизими соҳасидаги ислохотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси – адвокатурани янада ислоҳ қилиш деб бежиз айтилмади, чунки адвокатура инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамиятининг асосий институтидир.

2009 йилнинг 1 январидан “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга кирди. Бугунги кун воқелиги шундан далолат бериштики, шиддат билан ривожланаётган ҳаёт адвокату-ра олдига янада кенг қўламли вазифаларни қўймоқда ва бу ҳолат унинг имкониятлари кенгайтирилишини тақозо этмоқда. Бу борада халқаро амалиётларда синовдан ўтган ва деярли барча ривожланган давлатлар-нинг ҳуқуқий тизимларида қўлланилаётган қонун-қондалар бизнинг қонунчилигимизга ҳам татбиқ этилиши мамлакатимиз ҳуқуқий тизими ўз тараққиёт даврининг янги босқичига чиққанидан дарак бермоқда.

Адвокатуранинг ҳалол ва касб маҳорати юқори даражадаги мутахас-сислар билан таъминлаш, адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаш, жиноят процессида айб-лов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъмин-лаш, адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилиши-ни назорат қилиш механизми ва адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизимини, тарафлар вакиллиги институтини такомиллашти-риш – адвокатура институтининг янада ислоҳ қилиниши лозим бўлган асосий йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида нафақат ҳуқуқий мақоми, балки таъсир доираси жиҳатидан ҳам анча кенг қамровга эга бўлган ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ташкил этилиши ва мамлакат-даги барча адвокатларнинг ана шу тизимга бирлашиши ҳаётини зарурат бўлди. Бугун Ўзбекистон адвокатураси ўз тараққиёт даврининг янги босқичига қўтарилди. Унинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, ҳар бир адвокат алоҳида ва барча адвокатлик тузилмалари билан биргалик-да, баҳамжиҳат тарзда мамлакатимиз олдида турган энг долзарб масала – ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш ва ана шу вазифани бажариш йўлида алоҳида ғайрат қилиши лозим бўлади.

Суд-ҳуқуқ соҳасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, хусусан, адвокатура институтининг жамиятдаги мавқеининг ошириб борили-ши, энг аввало, адолат тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий жамият қуришга, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатлари самарали ҳимоя қилинишига қаратилганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармо-нида суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, суд ишини юритиш-нинг ҳар қандай босқичида фуқароларнинг малакали юридик ёрдам оли-шини таъминлаш, адвокатларнинг ташкилий мустақиллигига эришиш ва адвокатларнинг малакасини ошириш каби катор долзарб масалалар

акс этган. Унда, шунингдек, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида мамлакатимиздаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш вазифаси белгилаб қўйилди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2008 йил 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан делегатлар, шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Тошкент давлат юридик институти, турли нодавлат ноtijорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этган анжуманда қатор масалалар кизгин муҳокама қилинди. Шундан сўнг Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг фаолиятини тугатиш ва унинг негизида мамлакатимиздаги барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган, ўзининг ҳудудий бошқармаларига эга бўлган мустақил ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъсис конференцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг Низоми тасдиқланиб, унда палатанинг ҳуқуқий мақоми, мақсад-вазифалари, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Шунингдек, конференцияда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси адвокатлар касб этикаси қоидаларида адвокатлар ўз фаолиятларини қандай талаблар асосида амалга оширишлари, жумладан, адвокатларнинг ҳимоясида бўлган шахслар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, давлат ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда Адвокатлар палатаси органлари, унинг ҳудудий бошқармалари ва Малака комиссиялари билан ўзаро муносабатлари тартибга солинган.

Тизим такомиллашувининг муҳим жиҳати шундаки, эндиликда, бугунги кун адвокати тараккиётнинг асосий палласига қадам қўйган Адвокатлар палатасининг шунчаки аъзоси бўлибгина қолмай, мустақил, бутун бир “оиланинг фарзанди” сифатида фаолият кўрсатади. Демакки, юксак ишонччи оқлаш билан бирга, ундан ўз ишига юксак масъулият билан ёндашиш ҳам талаб этилади.

Адвокат ўзи қатнашаётган “иш”да холислик билан далилларга ҳаққоний баҳо бера билиши, уни қонуний асослар билан ҳимоя қила олиши адолат мезонини белгилаб беради. Адолатни тўғри, холис ва қонуний асослар билан ҳимоя қила олиш эса, маҳорат дейилади. Бошқача қилиб айтганда, жар ёқасида турган кишини усталлик билан, маҳорат ва абжирлик билангина қутқариб қолиш мумкин.

Демакки, адвокат зиммасида ҳам худди ана шундай оғир вазифа, жиддий масъулият туради. Ўхшатишимиз унчалик ўринли бўлмаса-да, шуни аниқ айтиш мумкинки, жиноят ишида бўладими, фуқаролик ёки хўжалик ишида бўладими, адвокат, аввало, чуқур ҳуқуқий билимга, бой ҳаётий тажрибага, лўнда қилиб айтганда, адвокатлик маҳоратига эга бўлиши лозим.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда адвокатлик фаолияти бу соҳадаги халқаро ҳуқуқий нормалар ва тамойиллар, жумладан, БМТнинг 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бўйича халқаро пакти (14-модда, 3-банди) ҳамда 1990 йилги “Юристар ролига тааллуқли асосий тамойиллари”да белгилаб қўйилган стандартлар асосида ривожланиб бормоқда.

Адвокатура институтини такомиллаштириш билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиришлар ҳимоячига қўшимча процессуал имкониятлар берилиши ҳисобига жиноят процесси тортишувида томонларнинг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлашга қаратилган.

Жумладан, ҳимоячига далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни мустақил равишда; шахсларни сўровдан ўтказиш орқали уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, тегишли ҳужжатлар олиш учун сўровлар юбориш ҳамда тушунтириш бериш учун мутахассисни жалб қилиш ҳуқуқи берилди. Бунда ҳимоячининг кўрсатилган материалларни ишга қўшиб қўйиш ҳақидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак, бу эса ҳимоя томони позициясини сезиларли даражада мустаҳкамлаш демакдир. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамокда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатсиз, учрашувлар сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли. Ҳимоячининг иш билан танишиш жараёнини тезлатиш ва қисқартириш ҳамда уни сифатли ўрганиш учун унга замонавий техника воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Жиноят процессида ҳимоячининг ҳақиқий мустақиллигига эришиш мақсадида ҳимоячи томонидан ишда иштирок этишга рухсат бериш ҳақидаги ёзма тасдиқ ҳамда ҳимоя остидаги шахс билан учрашиш учун рухсатнома олиш зарурияти белгиланган нормалар чиқарилди. Бунда ҳимоячининг ваколатини белгилайдиган ва унинг ишда иштирок этишига йўл қўядиган ҳужжатлар адвокатлик гувоҳномаси ва ордер хисобланади.

Ҳатто гувоҳга ҳам жиноят процессида ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда зарур юридик ёрдам олиши учун тергов ҳаракатларида адвокат билан иштирок этиш ҳуқуқи берилади.

Таъкидлаш лозимки, адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек, адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай бўлмасин таъсир ўтказганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Адвокатура институти ваколатларининг тобора кенгайиб ва фаолиятининг ривожланиб бориши инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг носудлов механизми янада такомиллашиб бораётганидан ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдевори мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради.

3. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат ташкилотларнинг ўрни ва роли

Инсон ҳуқуқлари бўйича носудлов органлар тизимида яна бир асосий ўринни эгаллаб турган фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири – нодавлат нотижорат ташкилотларидир.

Мамлакатдаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти ва тутган ўрни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусида қилган маърузасида шундай дейди: “Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари

хамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”¹.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда носудлов органлари ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиши учун халқаро ва миллий ҳуқуқий қафолатлар яратилган. Бугунга келиб, Ўзбекистон БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948 й.), “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” (1966 й.), “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” (1966 й.) каби халқаро ҳужжатлари, шунингдек, ХМТ ва ЮНЕСКО ташкилотларининг бу соҳага тааллуқли қатор халқаро ҳужжатларига кўшилди ҳамда миллий қонунчилик тизими яратилди ва бу институт доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Бу тизимга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ижтимоий фондлар тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлари каби қонунлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудда жамоат бирлашмалари низомларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги каби қонуности ҳужжатлари қиради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг халқаро ҳамкорлиги, халқаро нодавлат ташкилотларининг Ўзбекистондаги фаолиятининг қонунчилик асосларини таҳлил қилишда, нодавлат ташкилотларининг айрим турлари фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатларининг бу соҳадаги халқаро ҳамкорликка оид қондаларини ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг таҳлили эса, бу соҳадаги қонунларни қуйидаги гуруҳларга бўлишга имкон беради: биринчидан, Конституция, иккинчидан, нодавлат ташкилотлари бўйича махсус қонунлар, учинчидан, муайян соҳа бўйича қонунларда шу соҳа

¹ Қаримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон. 2011. – Б. 42.

вакилларининг нодавлат ташкилотларига бирлашиш ҳукукини кўрсатиб берувчи қонулар.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотлари фаолиятининг дастлабки ҳукукий асоси, албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади ва бу ҳолат унинг “Жамоат бирлашмалари” деб номланган махсус 13-бобида белгилаб қўйилган бўлиб, унинг 56–62-моддаларида, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолият йўналишлари турлари, уларни ташкил этиш тартиби, мақсадлари ва фаолият юритишининг ҳукукий ҳолатлари белгилаб берилган¹.

Махсус қонулар тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, уларнинг биринчиси Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонундир. 1991 йилнинг 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунининг² 3-моддасида жамоат бирлашмаларини тузишнинг мақсадлари тўғрисида сўз борар экан, унда жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш, касбкор ва хаваскорлик қизиқишларини қондириш, илмий, техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш, аҳолининг сихат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш, табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси, республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустақкамлаш, қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадларида тузилиши кўрсатиб ўтилган.

Жамоат бирлашмалари давлатдан мустақил бўлган, алоҳида фаолият юритадиган ва, айни вақтда, давлат институтларига таъсир ўтказа оладиган, давлатнинг ижтимоий ҳаётга, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига асосиз аралашувидан муҳофаза қилишга йўналтирилган ташкилотлар бўлиб, уларнинг давлатга нисбатан мустақиллиги қуйидагиларда кўринади:

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. Ўзбекистон, 2009. – Б. 11–12.

2 Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 76-модда; 1992 йил, 9-сон, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сон, 126-модда; 1998 йил, 3-сон, 38-модда; 2004 йил, 1–2-сон, 18-модда; 5-сон, 90-модда).

биринчидан, улар ўз ички ва таркибий тузилиши ҳамда фаолиятининг йўналишларини мустақил белгилайдилар;

иккинчидан, ўз иродаларини ўзлари ифода этадилар ва бу норматив ирода ташкилот аъзоларига мажбурий бўлади;

учинчидан, мазкур ижтимоий тузилмалар ўз уставлари воситасида ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини мустақил белгилайдилар;

тўртинчидан, ўз мулки ва маблағларига эга бўлиб, уларни ўз ихтиёри ва эҳтиёжига қараб тасарруф этадилар¹.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги асосий қонунлардан бири, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонундир². Ушбу қонун юридик шахс мақомига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий ҳолати, уларни ташкил этиш, фаолиятини амалга ошириш ва тугатиш, ташкилотнинг мулкни шакллантириш ва ундан фойдаланиш, унинг таъсисчилари (иштирокчилари) ва мажбуриятлари, бошқарувни ташкил қилиш асослари билан боғлиқ масалаларини ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бошқа ҳар қандай тур ва шакллари учун умумий муносабатларни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг махсус қонуни ҳисобланади³.

Ушбу қонуннинг 2-моддасига биноан, нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадлар(фойда)ни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилоти эканлиги ҳамда бу ташкилот жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилиши белгилаб қўйилган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий қафолатлари тўғрисидаги яна бир махсус қонун 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари

1 Одиљқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 175–176.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 115-модда, 2004 йил, 5-сон, 90-модда

3 Комментарий к Закону Республики Узбекистан “О негосударственных некоммерческих организациях” /Отв. ред. А.Х. Саидов. – Ташкент, 2001. – С. 7.

фаолиятининг кафолатлари тўғрисида¹ги Қонуни¹ ҳисобланади. Ушбу қонунда ННТлар фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қонуннинг 4-моддасида давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлаши, уларни қўллаб-қувватлаш шакллари ва шартларини белгилаши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин.

Қонуннинг 2-бобида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий кафолатлари сифатида, уларнинг фаолият эркинлиги кафолатлари, ахборотдан фойдаланиш кафолатлари, мулк ҳуқуқи кафолатларининг мазмуни белгилаб берилган.

Қонунда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш, интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилиш каби уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кўрсатиб ўтилган.

Жумладан, нодавлат ташкилотлари давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади. Шунингдек, давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида нодавлат нотижорат ташкилотига етказилган зарарнинг ўрни суднинг қарори асосида қопланиши керак.

Қонунда, давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаши мумкинлиги, шунингдек, давлат қонун ҳужжатларига

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2007 йил. 1–2-сон, 2-модда.

мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини бошқа жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган¹

Ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилда қабул қилинган “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасида халқаро ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш масалалари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, ҳомийлар, кўнгилчилар ҳамда ҳомийлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳамда халқаро шартномаларида белгиланган тартибда халқаро ҳомийлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Яна бир тоифадаги қонунчилик актлари тўғрисида гапирилганда, қуйидагиларни келтириш мумкин. Жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий асосларини тартибга солишга бағишланган нормалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 40-моддасида нотижорат ва тижорат ташкилотлари ўртасидаги фарқларни аниқлаш, шунингдек, 73–78-моддаларида жамоат бирлашмалари, ижтимоий жамғармалар, муассасалар, юридик шахслар (ассоциация ва иттифоклар) нинг бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моҳияти ва хусусиятларини белгилайдиган нормалар акс этган².

Фуқаролик кодекси билан солиштирилганда, унда белгиланган тартиб-қоидалар, алоҳида турдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунларда белгиланган умумий нормаларда акс этган. Қонун юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи Фуқаролик кодекси нормаларини (39 57-моддалар), шунингдек, бир неча турдаги нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг мақомини белгилаш асослари тўғрисидаги нормаларини (73–78-моддалар) янада аниқлаштирган ҳамда такомиллаштирган.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 239-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолиятини амалга ошириш тартибини бузишига нисбатан маъмурий жавобгарлик қоидаси белгилаб қўйилган. Яъни, унинг биринчи қисмида нодавлат нотижорат ташкилотлари (диний ташкилотлар бундан мустасно), шунингдек, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларининг давлат рўйхатидан ўтмасдан (ҳисобга олинмасдан) фаолиятни амалга ошириши энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан

1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 2-модда.

2 Гражданский кодекс Республики Узбекистан. – Т.: “Адолат” 1996. – С. 22, 42–45.

юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг ҳамда уларнинг ходимларининг сиёсий фаолиятда, шунингдек, Низомдаги мақсад ва вазифаларга тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда қатнашиши, худди шунингдек, уларнинг сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган амалий ҳаракатлар ҳамда тадбирларни молиялаштириши, бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқиши ва шундай ташкилотларни тузишни қўллаб-қувватлаши фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокка олишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

ННТлар бўйича қонунчиликни таҳлил қилиш, ана шу ташкилотларнинг мақсадларига қараб, уларни қуйидаги категорияларга бўлишга имкон бермоқда:

биринчидан, кенг миқёсда маданий мақсадларни амалга ошириш учун ташкил этиладиган (таълим, илмий-техникавий йўналишларда);

иккинчидан, аҳолининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилиш мақсадларида ташкил этиладиган (спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланадиган ташкилотлар, касалликларни даволаш ва профилактиканинг илғор усулларини тарғиб қилишга йўналтирилган ташкилотлар);

учинчидан, ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган ҳар хил йўналишдаги ташкилотлар (масалан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти);

тўртинчидан, фуқароларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондириш мақсадида тузиладиган ташкилотлар (сиёсий бирлашмалар, ижтимоий жамғармалар ва бошқалар);

бешинчидан, хайрия фаолиятини амалга оширадиган ташкилотлар¹.

Ўзбекистонда ўтказиладиган ислохотлар доирасида фуқаролик жамиятини шакллантириш учун қонунчилик, ташкилий, моддий шарт-шароитларни яратиб беришга қаратилган катор чора-тадбирлар қабул қилинди. Қучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга оид чора-тадбирларни кўзда тутувчи, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш бўйича дастур амалга оширилмоқда.

¹ Комментарий к Закону Республики Узбекистан "О негосударственных некоммерческих организациях" /Отв. ред. А.Х. Саидов. – Ташкент, 2001. – С. 15–16.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида кўзда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу ижобий жараёни ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишда фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва ишбилармонлик фаоллигини оширишга ёрдам бермоқда.

2005 йили Ўзбекистонда ННТлар фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташкил этилди. Турли хил йўналишларда (ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий, аёллар, ёшлар, экологик ва бошқалар) фаолият кўрсатиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи Ўзбекистоннинг 320 дан ортиқ ННТлари, бугунги кунда Ассоциациянинг аъзолари ҳисобланади. Ассоциация ҳузурида ННТларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган.

2008 йилнинг июлида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси кенгаши ва Сенати Кенгашининг биргаликдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қўшма қарори фуқаролик жамияти институтларини янада қўллаб-қувватлаш бўйича давлатнинг яна бир жиддий қадами бўлди.

Ушбу қўшма қарорга биноан, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни тақсимлашни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида:

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик жамғармаси;

Жамоатчилик жамғармаси маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ташкил этилди.

Жамоатчилик жамғармаси маблағлари бевосита фуқаролик жамияти институтларига уларнинг мурожаатлари асосида ва Парламент комиссиясининг қарорларига мувофиқ, субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар тарзида ажратилади. 2008-2012 йилларда давлат бюджетидан Жамоат фондига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан турли жабҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун 22,4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Парламент комиссиясининг таркибѣ Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликлари тегишли тузилмалари, республика нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларидан шакллантирилади.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, энг демократик тамойилларга асосланган тизими ташкил этилган. Жамоатчилик жамғармаси ва Парламент комиссиясининг фаолияти энг юксак демократик талаблар ҳисобга олинган ҳолда ошқоралик, шаффофлик, холислик тамойиллари асосида йўлга қўйилган. Ушбу жамғарма маблағлари нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан таклиф этилган, минтақаларнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган социал ва ижтимоий муҳим лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлисининг 2-қақриқ 1-сессиясида сўзлаган нутқида жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда демократик институтлар ва жамоат ташкилотларининг родини кучайтириш тўғрисидаги узок йилларга мўлжалланган дастурни баён қилди:

“Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, янги маъно-мазмун билан бойитиш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг мазкур босқичида олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бу борада куйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор беришимиз зарур:

Биринчидан, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш.

Бу жараёнда, аввало, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратиш лозим.

Бунда одамларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини ривожлантириш ва амалда намоён этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Иккинчидан, нодавлат тузилмалари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу тизим давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, яъни уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак.

Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат ўз вазифаларини нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориши зарур¹.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари республикада амалга ошири-лаётган ислохотларни ўз аъзолари иштирокида таҳлил қилишлари ва уларга нисбатан ўз фикрларини билдиришлари, ислохотлар натижасида ўз олдларида турган вазифаларни аниқлаб олишлари ва жамиятнинг барча аъзоларини уларни бажаришга жалб этишлари лозим. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги барча кучларни ягона мақсад – ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги йўлида бирлаштиради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатлари кенгайиб ва фаолияти ривожланиб бориши инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг носудлов механизми янада такомиллашиб бораётганидан ва кучли фуқаролик жамиятининг пойдевори мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради.

4. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ўрни ва роли

Биз юқорида мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг давлат ва нодавлат механизмлари тўғрисида тўхталиб ўтдик. Ўзбекистондаги мазкур тизимда бугунги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар муносиб ўз ўрнини топди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг носудлов тизимига қиради. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтлари қиради. Уларнинг фао-

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. Б. 181–182.

...қурган ҳуқуқ тарадан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро андозалар ва илғор хорижий тажриба асосида ташкил этилган ва донмий равишда такомиллашиб бормоқда. Қуйида уларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)*

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ташкил топишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг хизматлари каттадир. Бинобарин, И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралда бўлган биринчи мажлисида қилган маърузасида, Олий Мажлис таркибида инсон ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи ва ҳозирги кунда амалий фаолият олиб бораётган бу институтни ташкил қилишнинг зарурлиги ва аҳамиятини халқ ноёнлари эътиборига ҳавола қилган эди: “Парламентимиз Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, уни амалга ошириш, унга қафолат бериш борасидаги таъсири хусусида сўз юритар эканмиз, қатор демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиш, Олий Мажлис таркибида инсон ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи вакиллик ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман. Бу олий қонунчилик органимиз мақомига мос келади, муҳими, у жамиятимизда инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳал этишни янги сифат даражасига кўтаришга хизмат қилади”¹.

Парламент ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институти Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ташкил этилди ва 1995 йил 6 майда Олий Мажлис қарорига биноан, унинг ҳузурида Вакилнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги вазифаларни намунали амалга оширишига кўмаклашиш учун Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш комиссияси ташкил этилди. Вакил ва Комиссия фаолияти Олий Мажлиснинг 1995 йил 29 августдаги Қарори билан тасдиқланган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги низом билан тартибга солинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ҳақидаги қонун лойиҳаси илк бор умумхалқ муҳокамаси учун “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарида 1997 йил 14 февралда эълон қилинди. 1997 йил 24 апрелида Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сакки-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг илғор-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т. Ўзбекистон, 1995. Б. 24.

зинчи сессиясида “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистонда Парламент ислохотлари ўтказилиб, бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтилганидан кейин ушбу Қонун 2004 йил 27 августда янги таҳрирда қабул қилинди. “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги 22 моддадан иборат Ўзбекистон Республикасининг мазкур янги таҳрирдаги қонунининг ҳар бир қондаси инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун хизмат қилади.

Мазкур қонун Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқий ҳолатини, фаолият соҳаси ва тамойилларини, шунингдек, лавозимга сайланиш ва ишдан бўшатилиш тартибини, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишдаги ваколатлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўз фаолиятини олиб боришда унинг фаолиятини тартибга солувчи Қонунгагина эмас, балки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам асосланади. Бундай ҳужжатлар қаторига Омбудсман Котибияти фаолияти тўғрисидаги низом, Вакил қошидаги Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш комиссияси регламенти қабилад кириб, булар Вакил фаолиятининг барча йўналишларини батафсил белгилаб беради.

Вакил ўз вазифаларини бажаришда “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияларга амал қилади.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги 2003 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг номзоди Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлаш масаласи юзасидан қарор Сенатга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин ушбу масала юзасидан қабул қилинган узил-кесил қарор қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Ўзбекистондаги Вакил кенг ҳуқуқий ваколатларга эга бўлиб, унинг фаолияти давлат ва фуқаро, жамият ва шахсга оид ижтимоий муносабатларнинг муҳим соҳасини ўз ичига олади. Ҳозирги замон жамиятининг ҳаёти ва фаолиятининг Вакилга таалуқли бўлмаган бирор-та соҳаси йўқ, чунки инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари Вакилнинг асосий диққат объекти ҳисобланади¹.

Бир томондан, Вакил зиммасига тарбиявий ва маърифий функциялар юклатилган: у инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа миллий тизимлар қатори инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш заруратини ялпи тан олдириш ва тушунишга кенг қўламда кўмаклашади, жамиятга Ўзбекистон қонунлари ва халқаро нормаларида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари, кафолатлари ва бурчлари ҳақида атрофлича ахборот беради.

Иккинчи томондан, Вакил фуқаролар ҳуқуқларининг беғараз ва инсонпарвар ҳимоячисидир: у инсон ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни кўриб чиқади ва текширади, айрим ташкилотлар ва мансабдор шахслар йўл қўйган ҳатоликларни тугатиш юзасидан тадбирлар тавсия қилади, фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланишига ёрдамлашиб, инсон ҳуқуқларининг жиддий равишда бузилишига сабабчи бўлган шахсларни қонунга биноан жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсия қилишга ҳам ҳақлидир.

Учинчи томондан, Вакил фаолияти чуқур аналитик иш билан боғлиқ: у мамлакатда инсон ҳуқуқларига қандай риоя қилинаётганлигини ўрганиши ва таҳлил этиши, инсон ҳуқуқлари бузилишини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаши, Ўзбекистон нормаларининг шу соҳадаги халқаро шартномаларга қанчалар мувофиқлигини текшириши, инсон ҳуқуқларига амал қилишни таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқиши ва бошқа ташкилотлар тайёрлаган аналитик дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилишида иштирок этиши лозим.

Вакил фаолиятининг *тўртинчи йўналиши* инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида мавжуд чет эл тажрибасини ўрганиш ва, шу билан

¹ Қаранг: Дунё омбудсманлари. Тўплам /Масъул муҳаррир С. Рашидова. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

бирга, жаҳон жамоатчилигини республикамиздаги инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоялаш аҳволидан хабардор қилиб туришдан иборатдир.

Шундай қилиб, Вакил фаолиятининг биз таърифлаган тўрт асосий йўналиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари умумий ҳолатининг яхшила- ниши инсон ва унинг ҳуқуқларининг жамоатчилик томонидан ҳурмат қилинишига ҳисса қўшади, зеро мамлакатнинг муваффақиятли демокра- тик тараққиётини сиёсат, иқтисод, экология ва маданият соҳасида жаҳон цивилизацияси томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари тантанасисиз амалга ошириш мумкин эмас. Жамиятда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоялаш муаммоси қанчалик самарали ҳал этилса, у демокра- тияга ва фуқаролик жамияти шаклланишига шунчалик яқинлашади.

*"Биз учун, – деб ёзади Президент Ислоҳ Каримов, – фуқаролик жа- мияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсон- нинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсунуш айни бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиреди ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача қилиб айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт"*¹

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўз фаолияти давомида жамият ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муноса- батларнинг ана шу асосий тамойилларини тараққий эттириш ва улар- нинг ҳаётга татбиқ этилиши учун хизмат қилади.

Омбудсман ҳар йили ўзининг фаолияти бўйича йиллик ҳисоботини эълон қилади. Ушбу ҳисоботида Омбудсман ўз фаолияти йўналишларида олиб борган ишлари тўғрисида батафсил маълумотлар бериб боради. Фуқароларнинг шикоятлари билан ишлаш омбудсман институтининг асо- сий фаолият тури ҳисобланади. Фуқароларнинг турли давлат органларига мурожаат қилишга бўлган ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдалан- ган ҳолда Омбудсманга йўллаётган шикоятлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2012 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга 12826 та муро- жаат келиб тушди, шундан Омбудсманнинг марказий офисига – 7658 та, минтақавий вакилларга – 895 та шикоят ва аризалар келиб тушган².

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – Б. 173.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2013.

Қўйида Омбудсманнинг беш йилги фаолияти бўйича берилган ҳисоботдан олинган маълумотлар, омбудсман институтининг фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш бўйича беш йилда олиб борган фаолияти бўйича маълумот берилган.

№	Келиб тушган мурожаатлар	2012 йил	2011 йил	2010 йил	2009 йил	2008 йил
1.	Омбудсманнинг марказий офисига, Шундан:	7658	7134	7124	7394	5676
	Мамлакат минтақаларидан	6511	6862	6753	6671	5383
	Чет эллик фуқаролардан	792	26	299	666	207
	Жазони ижро этиш муассасаларидан	168	155	49	48	69
	Манзили кўрсатилмай жўнатилганлар	29	20	6		11
	Интернет бўйича	138	50	17	9	6
2.	Такроран	3710	2653	1983	1516	2370
3.	“Ишонч телефони” бўйича	563	702	624	205	770
4.	Омбудсманнинг минтакавий вакилларига	895	749	888	1294	1146
	Жами	12826	11238	10619	10409	9962

Фуқаролар шикоятларининг хусусияти ва уларда кўтарилган масалалар ўзига хос индикатор вазифасини бажаради ва бу, ўз навбатида, жамиятдаги мавжуд муаммоларни ва давлат органлари фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг самарали чораларини кўриш имкониятини беради. Инсон ҳуқуқлари қонунчилигининг бузилиш ҳолларини аниқлаш ва фуқаролар мурожаатларини ҳал қилиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан фаол ҳамкорлик олиб бормоқда.

Омбудсманнинг фаолият йўналишларидан бири – бу халқаро ҳамкорликдир. Бундай ҳамкорлик чет элларда ўтказилган конференциялар, семинарлар, тренингларда маърузалар билан қатнашиш, шунингдек, мамлакатимизга ва унинг минтақаларига келган халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан учрашувлар ва суҳбатлар ташкил этиш шаклида амалга оширилади. Мисол учун, 2012 йилда Омбудсман томонидан расмий делегацияларни, чет давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини кутиб олишга, халқаро ноҳуқумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг вакиллари билан учрашувлар ва суҳбатлар юзасидан

салкам 30 та кабул ўтказилди. Йил мобайнида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Канада, Чехия, Швеция, Франция, Словения, Хитой давлатларидан расмий делегациялар, ЕХХТ, Европа Иттифоки, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотларининг вакиллари кабул қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар ва чет мамлакатларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Корея, Украина, Польша ва Нидерландияга ташриф буюрди, омбудсманларнинг халқаро конференциясида (Финляндия) иштирок этди¹

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини мониторинг қилишнинг миллий тизими шаклланди. Ўтган давр учун Омбудсман томонидан республиканинг барча вилоятларида қуйидаги: аёллар ва болалар ҳуқуқларига, фуқароларнинг судларга бўлган ҳуқуқи ва давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқларига, уй-жой мулкдорлари ҳуқуқларига, фермерлар ва тадбиркорлар ҳуқуқларига, ногиронлар ва беморлар ҳуқуқларига риоя этилиши каби долзарб муаммолар бўйича мониторинг тадқиқотлари ўтказилди. Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда Маслаҳат-таҳлил кенгаши ташкил этилди. Ушбу Кенгаш аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенцияларига ва ушбу шартномалар бўйича ташкил этилган қўмиталарнинг қарорларига риоя этилиши бўйича мониторингни амалга оширади.

Омбудсманнинг минтақавий вакиллари 2000 йилдан буён Ўзбекистоннинг барча минтақаларида фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар фуқароларнинг келиб тушган мурожаатлари бўйича жойларга, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларига ҳам чиқиб, ўз текширувларини амалга ошириш, яна шунингдек, тегишли минтақалардаги Халқ депутатлари кенгашлари мажлисларида жойлардаги инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ахборотларни тақдим этиш йўли билан Омбудсман ишининг самарадорлигини анча кучайтирмоқда.

Омбудсманга келиб тушаётган мурожаатлар судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳақиқий (амалда) таъминлаш мақсадида, уларнинг фаолиятини халқаро нормаларга мувофиқ равишда такомиллаштириш бўйича конструктив мулоқотни ривожлантириш зарур эканлигини кўрсатмоқда. Омбудсманнинг давлат ва суд органлари билан муваффақиятли ўзаро ҳамкорлигига улар билан тузилган битимлар ёрдам бермоқда. Масалан, Омбудсманнинг Конституциявий суд, Бош

¹ Батафсил маълумотлар учун қarang: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. Т 2013.

прокуратура, Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Судьялар ассоциацияси, Касаба уюшмалари федерацияси билан инсон ҳуқуқларига оид муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган. Шикоятларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида марказий даражада ҳам, жойларда ҳам биргаликдаги ишчи гуруҳлар муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Давлат бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштиришда омбудсман ролини кучайтириш доирасида Ўзбекистонда катта эътибор ихтисослашган омбудсманларни ташкил этишга қаратилмоқда. Мамлакатнинг тўр та олий ўқув юртида университет омбудсманлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик доирасида пенитенциар муассасаларда маҳкумлар ҳуқуқлари бўйича омбудсман лавозимини таъсис этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тиббий муассасаларда фуқаролар ҳуқуқларининг таъминланишини назорат қилишни амалга ошириш мақсадида беморлар ҳуқуқлари бўйича омбудсманлар лавозими таъсис этилди. Болалар омбудсманини таъсис этиш тўғрисидаги ғоялар жамият томонидан кенг даражада қўллаб-қувватланмоқда.

Хорижий мамлакатлар омбудсманлари билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ўзбек парламент омбудсмани фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. 2013 йилгача Ўзбекистон парламенти, Омбудсмани хорижий ҳамкорлар, хусусан, Россия, Польша, Швеция, Латвия, Озарбайжон, Словакия, Испания, Франция, Болгария, Португалия, Корея омбудсманлари билан 11 та битим имзоланган. Ўзбекистоннинг парламент омбудсмани омбудсманларнинг иккита халқаро ташкилоти – МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, 1998 йил апрелидан Халқаро омбудсман институтининг ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, 2002 йилнинг майдан Европа омбудсман институтининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. 2009 йилнинг 5 ноябрида эса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб 15 мамлакатдан 23 аъзони ўзига бирлаштирган Осиё омбудсманлари ассоциацияси (ООА)нинг аъзолигига қабул қилинди.

“Омбудсман тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига кўра, Вакил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг аҳволи тўғрисида БМТнинг тегишли кўмиталарига Ўзбекистон Республикасининг Миллий маърузаларини тайёрлашда иштирок этади. Амалдаги қонунчиликни ва давлат органлари фаолиятини таҳлил қилиш асосида, Омбудсман Миллий маъруза матни мазмунини яхшилаш ва уни БМТ кўмиталари талабларига мувофиқ келтириш бўйича ўз таклифларини киритади.

Ўтган даврда БМТ кўмиталарига тақдим этилган Ўзбекистоннинг барча Миллий маърузалари Омбудсман Котибиятида экспертизадан ўтди. Ўзбекистоннинг миллий маърузалари кўриб чиқилишининг натижалари бўйича қабул қилинган БМТнинг шартномавий кўмиталарининг хулосавий тавсияномалари доимий равишда Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссияси мажлислаарида муҳокама қилиб борилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти*

1997 йил 15 январда Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилган Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти 2005 йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан янги мақомда қайта ташкил этилди. Яъни, ушбу институт бошқарув жиҳатидан, Ўзбекистон Республикаси Президентига тўғридан-тўғри бўйсунувчи институтга айлантирилди. Бундан мақсад, қонунларни амалда қўллашда, Ўзбекистоннинг халқаро ҳужжатларига қандай риоя этилаётганлиги бўйича Президентнинг яқиндан хабардор бўлиши ва қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари томонидан мавжуд нормаларга риоя этилиши бўйича ўзаро мувофиқлаштиришни кучайтириш эди.

Мониторинг – лотинча “monitor” сўзидан олинган бўлиб қузатиш, ўрганиш, эслатиш, баҳолаш, истикболни белгилаш ва назорат қилиш демақдир.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти дунёда биринчи ташкил этилган парламент ва, кейинчалик, президентлик институтларидан бири бўлиб, унинг фаолияти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни такомиллаштириш йўли билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти – демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда самарали назоратни таъминлаш мақсадида ташкил этилган давлат ташкилотидир.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

- конун ҳужжатларини демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни амалдаги конун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш; конунчилик иши механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий татбиқий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек, амалдаги конун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- институтлар ва халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

конун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш;

- амалдаги конунларнинг рўёбга чиқарилиши ва уларнинг ижросини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- конунчилик ишлари юзасидан жорий ва истикболга мўлжалланган режалар ҳамда дастурларга доир таклифлар ишлаб чиқиш¹.

Амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги институтининг фаолият йўналиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўмиталари билан, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан конунларни такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш ва конунларнинг ижросини таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-тадқиқот, маслаҳат ва ўқув марказлари, олимлар ва мутахассислар билан илмий ва амалий алоқалар ўрнатиш;

халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш;

халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўрганилиши ва такқосланиши ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлатлараро шартномаларга Ўзбекистоннинг қўшилиши юзасидан таклифлар тайёрлаш;

¹ Раҳмонқулов Х, Раҳманов А. Права человека: история и современность. – Т.: Изд. "Мир экономики и право" 1998. - С. 217

конун лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига риоя этиши нуктаи назаридан конунларнинг экспертизасини ўтказиш.

Институтнинг ҳуқуқлари;

институт ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий муносабатларга ўз номидан киришиш;

институтнинг ваколат доирасига кирувчи муаммолар юзасидан мувофиқлаштирувчи, илмий-маслаҳат ва бошқа кенгашлар, идоралар-аро эксперт комиссияларини тузиш, шунингдек, махсус йиғилишлар чақириш;

амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги соҳасида таклифлар, хулосалар ва таҳлилий материаллар тайёрлаш учун заруратга қараб олимлар ва мутахассислардан муваққат ишчи гуруҳлари тузиш;

тегишли халқаро ва хорижий ташкилотлар билан белгиланган тартибда муқобиллик асосида керакли ахборот алмашувини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, корхоналар ва ташкилотлар ҳамда ҳокимликлардан йўриқнома йўсинидаги ҳисобот, ахборот ва таҳлилий материалларни белгиланган тартибда олиш ва бошқалар.

Институт томонидан конун ҳужжатлари мониторингини амалга ошириш бўйича АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швеция, Италия, Россия каби мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўрганиб борилмоқда. Институтнинг халқаро ҳамкорлиги, хусусан, Европа Иттифоқи Комиссиясининг ЕвропаЭйд дастури, К. Аденауэр ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, Россия Федерацияси Ҳукумати ҳузуридаги Қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик институти, Украина Олий Радаси Қонун ҳужжатлари институти каби илмий ва ўқув марказлари билан давом этмоқда.

Институт қайта ташкил этилганидан сўнг қатор илмий-амалий семинарлар ва конференциялар ўтказилди, парламентнинг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан, ҳукумат томонидан тақдим этилган конун лойиҳаларига хулосалар тайёрланди, шунингдек, конунчилик ва мониторинг ўтказишнинг тақомиллаштириш масалалари бўйича адабиётлар нашр қилинди. Институт томонидан адвокатура тўғрисида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида, жойларда-

ги давлат ҳокимияти органлари тўғрисидаги қонунлар қондаларига риоя этилиши бўйича мониторинг ўтказилди ва мониторинг натижалари бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар шакллантирилди.

БМТнинг шартномавий қўмиталарининг тавсияларини амалга ошириш мақсадида Институт томонидан амалдаги қонунчиликнинг экспертизаси ўтказилмоқда. Мисол учун, гендер юзасидан ўтказилган экспертиза мустақиллик йилларида мамлакатда аёлларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳам аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш бўйича катта ишлар амалга оширилганлигини кўрсатди.

Институт фаолияти жараёнида инсон ҳуқуқлари бўйича қонун ҳужжатлари ижросининг мониторингини олиб боради ва бугунги кунда бу соҳада муайян тажриба шаклланди. Мониторингларни амалга оширишда Институт ходимлари бевосита вилоятларга чиқадилар. Ўтказилган мониторинглар натижалари бўйича тегишли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг вакиллари иштирокида семинарлар ўтказилади.

Институт қонунчиликни мониторинг қилиш, адвокатура институтини ривожлантириш, ўлим жазосини бекор қилиш ва “Хабес корпус” институтини жорий этиш масалалари¹га бағишланган қатор илмий-амалий қўлланмалар, тўпламлар ва шарҳлар нашр қилди. Аҳоли ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат-ҳуқуқий, судлов ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш мақсадларида Институт томонидан “Фуқаролик жамияти” журнали нашр қилинмоқда.

*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази*

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази² давлат идоралараро таҳлил, тушунтириш ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади, яъни мазкур орган инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар миллий режасини ишлаб чиқади, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий маърузалар тайёр-

1 Қаранг: *Право на жизнь и гарантия неприкосновенности личности (научно-практическое пособие)* / Отв. ред. д.ю.н., проф. Ш.Х.Файзиев. Т.: ИМДЗ, 2008, 224 с.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони билан 1996 йил 31 октябрда ташкил этилган.

лайди, давлат хизматчилари учун эса инсон ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида ахборот базасини яратади, уларни ўқитади, маслаҳатлар беради ва ташвиқот ишларини олиб боради.

Марказнинг асосий мақсади – устувор вазифаларни ҳар томонлама ҳал этиш йўли билан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий фаолият дастурини – ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этишнинг кўп жиҳатли тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни амалга оширишдан иборат:

1. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги конунчиликни такомиллаштириш;
2. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш;

3. Инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш тизимини яратиш;

4. Қуйида келтирилган турли тоифадаги шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш:

- аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламлари;
экологик офат минтақаларида яшовчи аҳоли;
- диндорлар, турли дин вакиллари;
озодликдан маҳрум этилган шахслар;
ҳарбий хизматчилар.

5. Ноҳуқумат ҳуқуқни ҳимоя этиш ташкилотлари фаолиятларининг самарали шаклларини ривожлантириш;

6. Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш кафолати сифатида ахборот олиш эркинлигини таъминлаш;

7. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг кўп мақсадли тизимини – алоҳида ихтисослашган курслардан тортиб оммавий маълумот – танишув дастурларигача ташкил этиш;

8. Ижро ҳокимияти доирасидаги вазирликлар, қўмиталар, идоралар ва муассасаларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

9. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни тизимининг ривожланиши асосида халқаро ҳамжамиятга кириш йўллари шакллантириш.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари ҳисобланади:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган, яъни нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни эксперт баҳолаш ҳамда ана шу битимлар юзасидан томонларнинг келишувида қатнашиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таълим бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ривожлантириш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларда қатнашиш;

давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;

инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, шунингдек, “Ўзбекистонда демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” илмий-оммабоп журнални тайёрлаш ва чиқариш;

миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ташкил этиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига риоя қилиш, муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш бўйича фаолияти тўғрисида аҳолини, шунингдек, халқаро жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш.

Марказ фаолият дастурининг гоявий асоси – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида баён этилган ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг умумбашарий тамойилларидир.

Ҳуқуқий давлат мафқурасини ривожлантиришни илмий режалаштириш Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш миллий концепциясини яратишни кўзда тутди. Бу концепцияда Шарқнинг кўп асрлик ҳуқуқий маданият тажрибаси ҳамда буюк аждодларимизнинг турмуш тарзи анъаналари акс этиши лозим. Марказнинг инсон ҳуқуқларини химоя қилиш миллий концепциясини яратиш фаолияти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳаракатлар миллий дастурининг муҳим назарий қисми эканлиги билан бир вақтда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар босқичининг бошланиши ҳам ҳисобланади.

Марказ БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича тегишли шартномавий органларига тақдим этиш учун БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларининг Ўзбекистонда бажарилиши тўғрисида даврий миллий маърузаларни тайёрлайди.

Марказ вазифаларидан бири фуқароларга маслаҳат ёрдамини кўрсатиш ҳисобланади. Фуқаролардан Марказга йилига 1500 дан зиёд ариза ва шикоятлар келиб тушади ҳамда телефон орқали 3000 га яқин мурожаатларга ҳуқуқий маслаҳат берилади. Мурожаатлар ҳолис судга бўлган ҳуқуқни таъминлаш масалалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан дастлабки терговнинг ноқонуний ўтказилиши, суд қарорларининг ижроси билан боғлиқ, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг бузилиши, яъни ижтимоий таъминот, меҳнатга бўлган ҳуқуқ, адолатли меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқ, таълим олиш ҳуқуқи, оилани, оналик, оталик ва болаликни химоя қилиш, макбул ҳаёт тарзига бўлган ҳуқуқ, яшаш жойини танлашга бўлган ҳуқуқ ва бошқа шу каби масалалар бўйича мурожаат қилишмоқда¹.

Марказнинг мувофиқлаштирувчи фаолиятининг яна бир тури Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳужжатлардаги нормаларнинг бажарилиши тўғрисида Миллий маърузаларни тайёрлашдан иборатдир. Ўтган давр моайнида БМТнинг шартномавий органларига инсон ҳуқуқлари бўйича 6 та асосий ҳужжатнинг барчаси бўйича миллий маърузалар

¹ Батфисил маълумотлар учун қаранг: Саидов А., Бақасва Ф., Тиллабаев М. Национальный центр по правам человека в 2011 году. – Т.: НЦПЧ. 2012.

...нинг ётиши ва марказ вакиллари ётишнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталари мажлисларида Ўзбекистон маърузаларининг кўриб чиқилиш жараёнида бевосита иштирок этишди.

Марказ ўз фаолияти давомида миллий маърузаларни тайёрлашнинг 15 босқичдан иборат махсус тартиб-қоидаларини ишлаб чиққан бўлиб, улар қаторига Миллий маърузани тақдим этиш лозимлиги тўғрисида БМТ тегишли кўмитасининг хабарномасини олиш, маъруза лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳни ташкил этиш, маъруза лойиҳасини тайёрлаш, уни тегишли кўмигага жўнатиш ва унинг кўриб чиқилиши, шунингдек, БМТ кўмитаси тавсиясини бажариш бўйича Миллий ҳаракат режаси қоидаларининг бажарилиши юзасидан доимий мониторингни амалга оширишни киритиш мумкин¹.

Ўтган давр мобайнида Миллий марказ томонидан БМТнинг шартномавий органларига инсон ҳуқуқлари бўйича асосий олтита шартнома қоидаларининг бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг 30 дан ортиқ миллий маърузаси тақдим этилган. Миллий маърузанинг БМТнинг тегишли кўмитасида кўриб чиқилиши учун ўртача 2–3 йил вақт кетади.

Бундан ташқари, Марказ БМТ шартномавий органлари тавсияларининг бажарилишини мувофиқлаштиради ҳам. Масалан, ушбу кўмиталарнинг тавсияларини бажариш мақсадларида Миллий марказ томонидан “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Нодавлат но-тижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар тўғрисида”, “Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) тўғрисида”, ХМТнинг бола ҳуқуқларига оид конвенцияларини ратификация қилиш тўғрисидаги каби қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Ҳукумати томонидан 2004 йил 9 мартда “Қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияни бажариш бўйича чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди. Ушбу чора-тадбирлар режаси амалга оширилишининг мониторингини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилишни таъминлаш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳ амалга оширади. Миллий марказ Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бошқармаси билан биргаликда ушбу гуруҳнинг ишчи органи вазифасини бажаради. Миллий марказ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кўмитаси томонидан тавсия қилинган вақтинчалик чораларга нисбатан

¹ Батафсил маълумотлар учун қarang: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека: становление и развитие / Отв. ред. А.Х.Самидов. Т., 2007. – С. 28–29.

давлат органларининг эътибори амалиётини ўрганиб чиққан бўлиб, бунинг натижалари бўйича Марказ томонидан миллий қонунчиликка ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун лойиҳаси тайёрланган.

Марказ вакиллари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши билан боғлиқ ахволни ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳда фаол иштирок этишади. Бундан ташқари, Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сонли Қарори билан ташкил этилган Одам савдосига қарши кураш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг аъзоси ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 18 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан Марказ томонидан нашр қилинадиган “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг ишини фаоллаштириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Миллий марказ “Ижтимоий фикр, Инсон ҳуқуқлари” журналининг ҳаммуассиси ҳам ҳисобланади. Мансабдор шахслар ва давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича 200 номда китоблар, дарсликлар, қўлланмалар, тўпламлар, услубий қўлланмалар, шу жумладан, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ўзи 500 минг нусхада чоп этилган.

Марказ ўз фаолиятини амалга оширишда БМТ, ЕХХҲ, ЮНЕСКО каби қатор халқаро ташкилотлар, АҚШ, Франция, Англия, Италия, Чехия, Польша, Корея, Хитой каби давлатлар элчихоналари, қатор халқаро ноҳуқумат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бундан ташқари, Миллий марказ олий ўқув юртларида инсон ҳуқуқлари бўйича дарслар, маърузалар ва семинарлар ўтказилишини амалга оширмоқда¹.

Марказ халқаро шартномалар, халқаро ташкилотларнинг материаллари ва қўлланмаларини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этишни ҳам амалга оширади. Ўтган давр мобайнида Марказ томонидан Парламентлараро иттифокнинг “Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун қўлланма”, “Болаларни ҳимоя қилиш: парламент аъзолари учун қўлланма” номли қўлланмалари, Халқаро меҳнат ташкилотининг шартномалари ва “Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида барҳам

¹ Батафсил маълумотлар учун қаранг: Саидов А., Бакаева Ф., Тиллабаев М. Национальный центр по правам человека в 2011 году. – Н.: НЦПЧ, 2012.

оериш номли қўлланмаси таржима қилиниб, чоп этилди. Миллий марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича 110 та халқаро шартномалар матнларини ўз ичига олган 10 та тўплам чоп этилди.

Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича ҳуқуқий маърифий ишлар ҳисобланади. Бу ишлар қуйидаги шаклларда амалга оширилади: инсон ҳуқуқлари бўйича тадбирлар ташкил этиш ва уларда иштирок этиш; судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, нодавлат ташкилотлари вакиллари инсон ҳуқуқлари бўйича ўқитиш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича нашр қилинадиган маҳсулотларни чоп этиш; инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари бўйича ОАВда чиқишлар қилиш.

Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан назоратни қуйидаги йўналишларда амалга оширмоқдалар:

конунчиликка риоя этилишини мониторинг қилиш;

конунчиликка оид таклифларни тайёрлаш;

БМТ тузилмаларига миллий маърузаларни тайёрлаш ва тақдим этиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бўйича миллий режани амалга ошириш;

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарининг тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режаларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида техникавий ёрдам дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш. Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг халқаро алоқаларни ривожлантириш борасидаги ўзига хослиги уларнинг Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги доирасида ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирларда фаол иштирок этиши ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар “Ўзбекистон – Европа Иттифоқи” Парламентлараро ҳамкорлиги кўмитаси ва адлия, инсон ҳуқуқлари, ички ишлар ва бошқа масалалар бўйича кичик кўмитаси мажлисларида доимий равишда иштирок этишмоқда. Баъзи олимлар миллий институтларнинг халқаро фаолиятини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат ташқи сиёсий фаолиятининг бир қисми сифатида кўришмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини ҳал этишга давлат органлари томонидан миллий институтлар фаол жалб этилмоқда. Хусусан, Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан, масалан, инсон ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилишни амалга ошириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг шаклланиши мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнлари доирасида, давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида демократик ислохотлар ўтказиш доирасида амалга оширилди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим кадам бўлди.

Президент Фармонида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа институтлар бўлинулариининг самарали ишлаши учун зарур бўлган шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш кўзда тутилган эди. 2008 йил 20 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу масалага қаратилган махсус қарор қабул қилинди. Шунингдек, 2008 йил ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан миллий қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ келтириш бўйича қонуни қабул қилинди.

Фармонга кўра, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурасида тузилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бўлимлар фаолиятини танқидий таҳлил қилишни ўтказиш ва уларнинг самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида тақлифлар киритилган. Ушбу иш фуқаролик жамияти институтларининг кенг даражадаги иштирокида амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш максадларида миллий институтларнинг қонунчилик ва институционал асосларини такомиллаштириш Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини яна бир маротаба намоён қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг амалий фаолияти қуйидагиларни алоҳида қайд этишга имкон бермоқда:

Биринчидан, бир неча миллий институтларнинг ташкил этилиши инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги имкониятларни анчагина кўпайтиришга имкон берди, чунки улар амалий ишлари билан ҳуқуқни қўллаш амалиётида инсон ҳуқуқларини амалга оширишга, давлат органлари фаолиятида қонун устуворлиги тамойилининг қарор топишига, халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишда, инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришга фаол таъсир кўрсатишмоқда.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар республикада инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликка риоя этилишини текширишда фаол ҳамкорлик қилишмоқда, доимий равишда инсон ҳуқуқлари ва уларни Ўзбекистонда ҳимоя қилиш механизмлари масалари бўйича семинарлар ва конференциялар ташкил этишмоқда.

Учинчидан, ушбу институтлар мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя этиш масалаларини ҳал этишда, инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликни такомиллаштиришда ўз фаолиятларини нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш асосига қуришмоқда, чунки, халқаро тажрибанинг гувоҳлик беришича, плюралистик фуқаролик жамияти пайдо бўлмагунча, ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриб бўлмайди. Фақатгина тўла ҳуқуқли фуқарога давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслари учун тенг ҳамкор бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, миллий институтлар инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан халқаро назорат жараёнида, халқаро органларга яқка тартибда (индивидуал) мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий органларидаги фаолиятида ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида БМТ органлари билан ҳамкорлик қилишда муҳим роль ўйнавчи Миллий институтлар бўйича халқаро мувофиқлаштирувчи кўмита билан ҳамкорлик қилишида катта аҳамият касб этади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. *Инсон ҳуқуқларини таъминлаш усуллари деганда нимани тушунасан?*
2. *Инсон ҳуқуқларини конституцияга мустақкамлаш йўли билан таъминлаш усулини тушунтириб беринг.*
3. *Инсон ҳуқуқларини таъминлашда қонунчиликнинг ўрни ва ролини тушунтириб беринг.*
4. *Инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органларининг вазифаларини тушунтириб беринг.*
5. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда носудлов органлари ва уларнинг ваколатларини тушунтириб беринг.*
6. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг ўрнини тушунтириб беринг.*
7. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат ташкилотларининг ўрни ва ролини тушунтириб беринг.*
8. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.*
9. *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.*
10. *Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.*
11. *Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон халқаро ҳамкорлигини амалга оширишида тутган ўрни ва ролини тушунтириб беринг.*

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бақаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.*
2. *“Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янги асосларда шакллантириш” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007.*
3. *Рустамбоев М., Никифорова Е. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. – Т.: Адолат, 2006.*

4. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.
5. Саидов А., Бакаева Ф., Тиллабаев М. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2012 году. – Т., 2013.
6. Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика /Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: Адолат, 2008.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2010.
8. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2004.
9. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека: становление и развитие / Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: 2007.
10. Саидов А., Бакаева Ф., Тиллабаев М. Национальный центр по правам человека в 2011 году. – Т.: НЦПЧ, 2012.

17-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлиги

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик – Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши.
2. Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги.
3. Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги.
4. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги.

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик – Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир”, деб кўрсатиб қўйилиши, шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмида “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу Ўзбекистоннинг дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кириши ҳамда унинг халқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама тан олинishi ва халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларга жадал кириб бориши учун ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистон ўзининг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси эканлиги тўғрисидаги мақомига 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини эълон қилиши орқалигина эришди. Ўзбекистоннинг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонунида мустақиллигимизнинг асосий негизи ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва тамойилларига, республиканинг ташқи сиёсатни тартибга солувчи қонунчилигига, ҳарбий соҳадаги қонунчиликка, БМТ ҳамда ЕХХТнинг тамойиллари ва мақсадларига, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларига асосланади.

Ўзбекистон ўзининг ташки сиёсатини амалга оширишда қуйидаги устуворликлардан келиб чиқади:

Биринчидан, ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни тўлиқ ҳисобга олиш;

Иккинчидан, Ўзбекистон инсонлар ва давлатлар орасидаги ўзаро муносабатларда умуминсоний кадриятлар устуворлигини тан олган ҳолда халқаро алоқаларда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, низоларни тинч йўл билан бартараф этишни ёқлаб чиқмоқда;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсати ўзаро тинчлик, ўзаро фойда, ички ишларга аралашмаслик тамойилларига, мустақилликни ва суверенитетни чегараловчи ҳамда давлатлараро муносабатларни мафкуралаштиришга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайдиган тамойилларга асосан қурилади;

Тўртинчидан, Ўзбекистон ташки сиёсатда очиклик тамойилини турли хил мафкуравий қарашлардан холи равишда амалга ошириб, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташки алоқаларни ўрнатмоқда;

Бешинчидан, Ўзбекистон халқаро нормаларнинг миллий қонунчиликдан устунлигини тан олади, халқаро-ҳуқуқий стандартларни ҳурмат қилади¹

Ўзбекистон 2013 йил январига келиб, турли соҳаларга оид 6000 га яқин қўп томонлама ва икки томонлама шартномалар ва битимлар тузган, 70 га яқин инсон ҳуқуқларига оид муҳим халқаро конвенциялар ва шартномаларга қўшилган.

Ўзбекистон Конституциясининг 17-моддаси 2-қисмида “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”, деб кўрсатилган. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги қонуннинг 2-моддасида “Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон давлатининг, халқининг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини кўзлаб, иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”, дейилган.

Мамлакатимиз ушбу конституциявий нормаларга риоя қилган ҳолда ҳозирги кунгача 50 дан ортиқ турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб бормоқда. Жаҳондаги энг йирик универсал ташкилот –

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Т Ўзбекистон, 2001. – Б. 67–68.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзолик мамлакатимизни халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъектига расман айлантирди. Шундан сўнг мамлакатимиз қатор халқаро ташкилотларга аъзо бўлди ва улар билан кизгин ҳамкорлик олиб бормоқда. Уларнинг Ўзбекистондаги фаолияти мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қурилишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бундай ташкилотлар орасида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ихтисослашган муассасалари, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, каби халқаро ташкилотлар ва халқаро жамғармаларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Мазкур ташкилотларнинг асосий фаолияти инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлиб, улар томонидан Ўзбекистонда қатор лойиҳалар, дастурлар ва бошқа тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Халқаро ҳамжамиятда катта ақс-садо берган, 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташки сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, мазкур концепция давлатимизнинг халқаро майдондаги асосий принциплари, стратегик устувор йўналишларини белгилаб беради ва Ўзбекистон томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб амалга оширилаётган стратегиянинг мантикий давомидир.

Ўзбекистон, авваламбор, мамлакатимиз ташки сиёсатида бош қадрят ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда:

турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиши ҳақида; ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ҳақида ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида; очик, изчил ва фаол ташки сиёсат олиб бориши ҳақидаги принципларини аниқ-равшан баён этади.

Ўзбекистон мафқуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуролли можаролар ва кескинлик ўчоқларида мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди, яхши қўшничиликнинг, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан бартараф этишнинг қатъий тарафдоридир.

Минтакамизда мураккаб вазият вужудга келаётган шароитда, узоқ ва яқин атрофимизда турли қарама-қаршиликлар тобора қучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимиз тинчлиги ва фаровонлигини сақлаш, ён-атрофимиздаги давлатлар ва халқлар билан ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликда яшаш учун шарт-шароитларни таъминлашга

қаратилган ана шундай ташқи сиёсатгина халқимизнинг асл орзу-умид ва интилишларига мос келади.

2. Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги

Ўзбекистон ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси барча давлатлар билан халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама асосда ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ҳамда ўз миллий хавфсизлигини сақлашида муҳим аҳамият касб этади.

1992 йилнинг 20 январида БМТнинг Хавфсизлик кенгаши овоз беришсиз ўзининг 737-резолуциясини қабул қилди. Унда Хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Республикасининг мурожаатини кўриб чиқиб, Бош Ассамблеяга Ўзбекистонни аъзоликка қабул қилишни тавсия қилди. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул қилинди. Шундан сўнг мамлакатимизнинг бу халқаро ташкилот билан алоқалари тобора кенгая борди. 1993 йили Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Кўп ўтмай БМТнинг Ривожланиш дастури, Қочоқлар иши бўйича ваколатли Олий Комиссари, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Саноат тараққиёти дастури, Наркотикларни назорат қилиш дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳолининг жойлашиш жамғармаси каби ихтисослашган органлар Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур Ташкилотга юқори баҳо бериб, “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир”, деган эди¹.

1992 йил 8–13 сентябрь кунлари БМТ Бош қотиби ўринбосари Уильям Дрейлернинг Ўзбекистонга ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф давомида Тошкентда БМТнинг минтақавий ваколатхонасини очиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ўша йилнинг 16 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Тошкентда БМТнинг доимий ваколатхонасини очиш тўғрисидаги Битим имзоланди. 1993 йил 24 октябрда республикада БМТнинг ваколатхонаси очилди.

¹ Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза /Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. Т.1. Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 47.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ваколатхона очилиши маросимида сўзлаган нутқида: “Бу тарихий воқеа бўлиб, шундай обрўли ташкилот доирасида вақти-вақти билан Марказий Осиё минтақасида барқарорликни таъминлаш бўйича семинар чақириб туриш кўзда тутилади, бунинг учун Тошкент барча шарт-шароитларни яратиб беришга тайёр”¹, деб таъкидлади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси БМТ доирасида фаолият олиб бормоқда ва ўз ташаббуслари билан БМТнинг сессияларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов 1993 йил 28 сентябрда Бош Ассамблеянинг 48-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек: “БМТнинг энг муҳим органи Хавфсизлик кенгаши ҳозирги дунёнинг иктисодий-ижтимоий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини баб-баравар тарзда ақс эттириши, ўзининг таркиб топган консерватив тузилмасини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чоралар кўриш зарурати ниҳоятда етилди”

БМТ Бош Ассамблеясининг 55-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади ва куйидаги ташаббусларни киритди:

- БМТ Хавфсизлик кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, биринчи қадам сифатида Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган Германия ва Японияни киритиш;

- Глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош қотиб ваколатларини кенгайтириш;

- Хавфсизлик кенгашининг қуроли можароларнинг олдини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ҳамда механизмларидан, шу жумладан, узок вақт давом этаётган можароларни бартараф этишда “тинчликка мажбур қилиш” деб аталувчи механизмдан самарали фойдаланиш масалаларидаги ўрни ва масъулиятини кучайтириш².

Халқаро тажрибалардан фойдаланиш ва БМТнинг қўллаб-қувватлаши асосида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича куйидаги институтлар ташкил қилиниб, фаолият кўрсатмоқда: Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) (1995 йил); Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти (1996 йил); Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (1996 йил); Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (1997 йил).

¹ “Халқ сўзи” 1993 йил 26 октябрь.

² И.А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 55-сессиясида сўзлаган нутқи, 2000 йил 8 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси БМТ томонидан қабул қилинган бир қатор инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, уларнинг орасида Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллини ташкил этувчи ҳужжатлар муҳим ўрин тутади. БМТ Низомидан кейин турадиган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини Ўзбекистон 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Пактнинг Факультатив протоколини 1995 йил 31 августда ратификация қилди. Ушбу Пактнинг ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив протоколини 2008 йил 10 декабрда ратификация қилди.

БМТнинг Ривожланиш дастури Ўзбекистонда 1996 йилдан буён фаолият олиб бормоқда. Мамлакат билан ҳамкорлик дастури БМТ Ривожланиш дастурининг ҳар бир мамлакат билан амалга оширадиган ҳамкорлиги йўналишини белгилаб берадиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Мамлакат билан ҳамкорлик дастури Ҳукумат билан узвий ҳамкорликда ишлаб чиқилади ва, амалдаги тартибга қўра, беш йиллик муддатга мўлжалланади. Дастур миллий режалар ва устуворликларга асосланади, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда ҳамкорликнинг илгариги тажрибаларини ҳисобга олади. 2000–2004 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик борасидаги иккинчи Дастур ижтимоий бошқарувни такомиллаштириш ва ислохотларни амалга ошириш учун аҳолини янада кенгрок жалб қилиш воситасида мамлакатда ислохотлар жараёнини янада қўллаб-қувватлашга қаратилди. Жумладан, БМТ Ривожланиш дастури ўз саъй-ҳаракатларини икки асосий соҳа – аҳоли учун барқарор даромадлар манбаини яратиш ва инсон имкониятларини кенгайтиришга қаратади. Дастурнинг умумий мақсади аҳолининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва давлат бошқарувида аҳолининг янада кенгрок иштирок этиши воситасида ислохотлар жараёнини қўллаб-қувватлашга қўмаклашишдан иборат бўлди. Муфассал мавзу сифатида эса, инсон ҳуқуқлари ва гендер масалаларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. 1998 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 50 йиллиги доирасида БМТРДнинг қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистонда “Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув” лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида қатор минтақавий маърифий семинарлар, тўпламлар шаклида халқаро шартномалар, рисоалар, плакатлар нашр қилинди. 2003 йили Вена дек-

ларацияси ва Ҳаракат дастурининг 10 йиллигига бағишланган катор тадбирлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномаларни нашр қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим тизимини яратиш БМТнинг инсон ҳуқуқлари таълими 10 йиллигида амалга оширилди.

“Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси БМТнинг Ривожланиш дастури ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида 1997 йил 12 июлда имзоланди¹

Лойиҳанинг асосий мақсадлари:

Инсон ҳуқуқлари ва демократик жараёнларни ривожлантириш бўйича янги миллий институтларни мустаҳкамлаш;

Инсон ҳуқуқларига ҳамда ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини рағбатлантириш ва химоя қилишга бўлган эътиборини кучайтириш;

Инсон ҳуқуқлари бўйича маълумотлар тўпланадиган ахборот банки тармоғини яратиш, харажатларни биргаликда қоплаш ҳамда миллий ва халқаро захираларни бирлаштириш орқали ҳамжихатликда ҳаракат қилиш эди.

БМТнинг Ривожланиш дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумда “Ушбу дастурни амалга ошириш зарурати демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини химоя қилишда эски бошқарув институтларини ўзгартиришда эҳтиёжни юзага келтирган” Ушбу дастур доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ни ташкил қилиш юзасидан маслаҳат кўмаги амалга оширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида 1997 йил 24 апрелда “Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида ушбу институтнинг ташкил этилиши БМТ таклифлари ва халқаро нормалари асосида амалга оширилди.

2008 йил май ойида БМТ Бош қотиби ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарнинг чақириғини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Дастур: инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш; мониторинг; инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот таъминоти, таълим ва халқаро ҳамкорлик сингари

¹ “Ўзбекистонда демократлаштириш, Инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси: мақсад, натижа, истиқбол // Демократлаштириш ва Инсон ҳуқуқлари. 1999. 1-сон. – Б. 25.

5 бўлимдан иборат тадбирларни ўз ичига олган. Ушбу Дастурга мувофиқ, Парламент Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Иккинчи факультатив протоколини ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг иккита факультатив протоколини ратификация қилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар ва инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон сиёсатини тушунтириб бериш бўйича ахборот-маърифий материаллар катта миқдорда чоп этилди ва қайта чоп этилмоқда; Ўзбекистоннинг барча минтақаларида 60 йилликка бағишланган чора-тадбирлар ўтказишни қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи махсус давлат комиссияси ташкил этилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида БМТнинг Низомий органлари билан ҳам, шартномавий органлари билан ҳам, шунингдек, ихтисослашган муассасалари билан ҳам фаол халқаро ҳамкорлик олиб бормоқда. Ўзбекистон делегацияси БМТ Бош Ассамблеясининг Учинчи кўмитаси мажлисларида, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг Олий даражадаги мажлисида (сегмент) инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим тўғрисида, ўлим жазоси бўйича мораторий тўғрисида, инсон ҳуқуқлари бўйича тенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳурматга асосланган мулоқотни рағбатлантириш тўғрисида турли ташаббусларни илгари суриб ва қўллаб-қувватлаб, доимий равишда иштирок этиб келмоқда.

БМТТД билан ҳамкорликда 1997 йилдан буён куйидаги лойиҳалар амалга оширилди: Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув (1997–1999), Ҳуқуқий ёрдам жамияти (1999–2003), Ҳамжамиятларни қўллаб-қувватлаш (2003–2005), Инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича лойиҳа (2004–2005). 2006–2007 йилларда Ўзбекистон Парламентининг қонунчилик ва институционал имкониятларини қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантириш ҳамда аёлларнинг имкониятлари ва ролини кучайтириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан тасдиқланган БМТТДнинг 2010–2015 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонда мамлакатлараро дастурни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси амалга оширилмоқда.

2010 йил апрель ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ҳозирги ҳавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, Орол денгизи ҳалокати оқибатларини енгилаштириш масалалари, шунингдек, замонавий халқаро муносабатларнинг бошқа қўллаб-йўналишлари муҳокама қилинди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига Ўзбекистон Республикаси расмлик қилаётган даврида БМТ ва ШХТнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Бундай нуфузли халқаро ташкилотларнинг улкан тажриба ва салоҳиятини самарали тарзда бирлаштириш халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда янги истиқболлар очилишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши билан яқиндан ҳамкорлик олиб бормоқда. Жумладан, унинг махсус маърузачилари, яъни мандатарийлари билан ҳамкорлик олиб бормоқда.

Мандат эгалари инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий даражадаги вазиятни текшириш учун мамлакатга ташриф буюриши мумкин. Одатда, мандатарийлар мамлакатга ташриф буюришга рухсат сўраб ҳукуматга хат юборишади. Мисол учун, Ўзбекистон ҳукумати Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг махсус процедуралари билан, хусусан, муайян мавзу бўйича маърузаси билан ҳамкорлигини 2002 йилда бошлади. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан илк бор 2002 йил ноябрь ойида Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг махсус маърузачиси Тео Ван Бовен мамлакатга ташриф буюрди. Унинг ташрифи давомида давлат органларининг юқори мартабали ходимлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, халқаро ташкилотлар ва чет эл элчихоналарининг вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, Тео Ван Бовен озоликдан маҳрум этилганлар сақланадиган муассасаларни ҳам бориб кўрди.

Тео Ван Бовен ўзининг 2003 йил февралдаги ташриф натижалари бўйича ўз маърузасини тақдим этди, унда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига қийноқларга қарши курашиш соҳасидаги вазиятни яхшилаш бўйича ўз тавсияларини берди. Шу тавсиялар асосида Миллий ҳаракат дастури қабул қилиниб, 2004 йил 9 мартда Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланди. Ушбу дастурнинг барча бандлари давлат томонидан 2006 йилда бажарилди. 2010 йили эса, мазкур тавсияларнинг бажарилиши бўйича ахборотлар янгиланди.

Бошқа мавзулар бўйича ҳам БМТнинг маърузачилари билан ҳамкорлик олиб борилади. Масалан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Миллий озчилик масалалари бўйича махсус маърузачиси, Таълим масалалари бўйича махсус маърузачи, Терроризмга қарши кураш жараёнида махфий қамоқда сақлаш масалалари бўйича Махсус маърузачиси, Фуқароларнинг сув ресурслари ва санитар хизматларга имкониятлари тўғрисида Махсус маърузачиси, Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси бўйича Махсус маъру-

зачиси, Кулликнинг янги шакллари тўғрисидаги масалалар бўйича Махсус маърузачиси, Маданий масалалар бўйича Мустақил эксперти мурожаатларига бўйича жавоблар мунтазам равишда берилиб келмоқда¹.

Ўзбекистоннинг БМТ назорат органлари билан ҳамкорлиги масалалари. Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мамлакатимиз томонидан қабул қилинган халқаро шартномаларда кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси 1995 йилда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллини имзолади. 1996 йилдан Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясига Биллдаги ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш юзасидан ҳукумат фаолияти тўғрисида миллий маъруза йўллашни бошлади.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари кўмитасига икки қисмдан ташкил топган, мамлакатда ҳуқуқларнинг амалга оширилиши ва уларнинг қўлланиш самаралари юзасидан ҳисоботлар топширади. Ушбу ҳисоботлар тузилиши жиҳатидан:

- умумий ҳолат;

фукаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактда қайд этилган ҳуқуқлар бўйича алоҳида ахборотдан иборат.

Ушбу ҳисоботларнинг салбий жиҳатлари асосида амалга ошириладиган халқаро процедуралар давлат мажбуриятларини назорат қилишнинг энг яхши воситаси бўлиб келмоқда².

Ўзбекистон ҳозиргача БМТ Котибияти томонидан алоҳида ажратиб кўрсатиладиган 22 та асосий конвенциялардан 19 тасини ратификация қилган. Республиканинг инсон ҳуқуқлари соҳасида қўшилган ҳужжатлари сони бугунги кунда 70 дан ортган.

Ўзбекистон ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича конвенциявий органлари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилган. Ўзбекистон кўмиталарга тегишли конвенциялардаги коидалар бажарилиши юзасидан даврий маърузалар тақдим этади. Ҳозиргача Ўзбекистон кўмиталарнинг барчасига мамлакатимизда конвенция коидаларига амал қилиниши юзасидан маърузалар тақдим этган. Конвенцияни ратификация қилган ҳар бир давлат Кўмигага маърузалар тақдим этиши шарт бўлади. Ушбу жараёнларнинг ҳуқуқий асосини конвенциялар ташкил этади.

¹ Сандов А., Бакаева Ф., Тиллабаев М. Национальный центр по правам человека в 2011 году. Т. НЦПЧ. 2012.

² Исмоилов Б. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини бажариш амалиёти. //Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истикболлари. Конференция материаллари тўплами. 2006 йил 16 март. Т. ТДЮИ. - Б. 76.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция, Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциялар бўйича БМТнинг тегишли қўмиталарига улар юзасидан амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, мавжуд камчиликлар ҳамда уларни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисидаги миллий маърузаларни тақдим этади.

Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича назорат органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон БМТнинг ўзи қўшилган олтита шартномасидан келиб чиқадиган миллий маърузаларини ўз вақтида қўмиталарга тақдим этиб келмоқда.

1998 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси БМТ шартномавий қўмиталарига қуйидаги конвенциялар бўйича ўзининг биринчи маърузаларини тайёрлади ва тақдим этди:

1. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши бўйича Биринчи миллий маъруза (1998).

2. Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг бажарилиши бўйича Биринчи ва Иккинчи миллий маъруза (1999–2000).

3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши бўйича Биринчи миллий маъруза (1999).

4. Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг бажарилиши бўйича Биринчи миллий маъруза (1999).

5. Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг бажарилиши бўйича Биринчи миллий маъруза (1999).

6. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг бажарилиши бўйича Биринчи миллий маъруза (1999)¹.

¹ Бакаева Ф. Выполнение Республикой Узбекистан международных обязательств в сфере прав человека: опыт и проблемы // Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истижболлари. Конференция материаллари тўплами. 2006 йил 16 март. – Т. ТДЮИ. – Б. 36.

2001–2002 иилларда БМТ кумиталарига Ўзбекистоннинг қуйидаги ҳужжатлар бўйича миллий маърузалари жўнатилди ва эшитилди:

1. Иркий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг бажарилиши бўйича Биринчи миллий маъруза (маъруза 2001 йил январида эшитилди).

2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши бўйича Биринчи Миллий маъруза (маъруза 2001 йил март-апрел тингланди).

3. Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциянинг бажарилиши бўйича Биринчи ва Иккинчи миллий маъруза (биринчи маъруза 1999 йилда, иккинчиси – 2002 апрел–май ойларида тингланди).

4. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг бажарилиши бўйича Биринчи миллий маъруза (2001 йилнинг октябрида тингланди)¹

2003 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан қуйидаги миллий маърузалар тайёрланди:

1. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши бўйича Иккинчи даврий маъруза.

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг бажарилиши бўйича иккинчи даврий маъруза.

2004 йилда эса, қуйидагилар тайёрланди:

1. БМТнинг шартномавий органлари учун мамлакат маърузаси (2004 йил январида тақдим этилган).

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларининг бажарилиши бўйича Биринчи ва Иккинчи миллий маърузалар;

3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларининг бажарилиши бўйича Иккинчи миллий маъруза;

4. Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция қоидаларининг бажарилиши бўйича Учинчи миллий маъруза;

5. Иркий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция қоидаларининг бажарилиши бўйича Учинчи ва Тўртинчи миллий маърузалар;

¹ Бакаева Ф. Выполнение Республикой Узбекистан международных обязательств в сфере прав человека: опыт и проблемы // Узбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истикболлари. Конференция материаллари тўплами. 2006 йил 16 март. – Т., ТДЮИ. – Б. 37.

6. Хотин-кизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидаларининг бажарилиши бўйича Учинчи маъруза;

7. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларининг бажарилиши бўйича Иккинчи Миллий маъруза¹.

2005 йилда қуйидаги маърузалар қўмиталар томонидан кўриб чиқилди:

1. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларининг бажарилиши бўйича Иккинчи миллий маъруза БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан кўриб чиқилди (2005 йил 21–22 мартда Нью-Йоркда);

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларининг бажарилиши бўйича Биринчи миллий маъруза Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита томонидан кўриб чиқилди (2005 йил 11–14 ноябрда Женевада).

2010 йили эса:

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларининг бажарилиши бўйича Учинчи ва Тўртинчи Миллий маъруза; Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларининг бажарилиши бўйича Иккинчи миллий маъруза БМТнинг тегишли конвенциявий қўмиталарига тақдим этилди².

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларининг бажарилиши бўйича учинчи миллий маъруза, Хотин-кизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидаларининг бажарилиши бўйича тўртинчи миллий маъруза, Иркий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция қоидаларининг бажарилиши бўйича олтинчи-еттинчи миллий маърузалар тегишли БМТнинг тегишли конвенциявий қўмиталарида кўриб чиқилди³.

2011–2013 йилларда Қийноққа қарши конвенция қоидаларининг бажарилиши бўйича тўртинчи миллий маъруза, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларининг бажарилиши бўйича тўртинчи миллий маъруза, Иркий камситишнинг барча шакл-

1 Бақасва Ф. Выполнение Республикой Узбекистан международных обязательств в сфере прав человека: опыт и проблемы. // Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истикболлари. Конференция материаллари тўплами. 2006 йил 16 март. – Т.: ТДЮИ. – Б. 38.

2 Саидов А., Бақасва Ф., Тиллабаев М. Национальный центр по правам человека в 2010 году. – Т.: НЦПЧ, 2011. – С. 13.

3 Ўша жойда. – С. 23.

ларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция қондаларининг бажарилиши бўйича саккизинчи-тўққизинчи миллий маъруза, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг иккита Қўшимча протоколлар қондаларининг бажарилиши бўйича иккита бирламчи маърузалар БМТнинг тегишли шартномавий қўмиталарига тақдим қилинди. Шунингдек, 2013 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига Универсал даврий ҳисобот доирасида Ўзбекистоннинг иккинчи миллий маърузаси ҳам тақдим қилиниб, кўриб чиқилди.

Умуман олганда, 2013 йилга келиб, БМТнинг тегишли қўмиталарига Ўзбекистон Республикасининг 32 та миллий маърузалари юборилган, улардан 25 тасидан ортиғи кўриб чиқилган.

Ўзбекистон БМТнинг конвенциявий органларига тақдим қилган миллий маърузалари хусусида қўмиталар томонидан билдирилган фикр ва таклифлар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларда, нодавлат тузилмаларида муҳокама қилинади.

1995 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW)ни ратификация қилган. Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар сингари, Конвенция имзолангач, бир йилдан кейин, сўнгра – ҳар тўрт йилда CEDAW Қўмитасида ҳисобот беради. Ўзбекистон Республикаси биринчи Миллий маърузани 1999 йилда БМТнинг CEDAW Қўмитасига тақдим этган. Қўмита маърузани 2001 йил январь ойидаги сессияда кўриб чиқди. 2006 йил 6–13 августда Нью-Йорк шаҳрида БМТнинг CEDAW Қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг Иккинчи ва Учинчи миллий маърузаси кўриб чиқилди.

Давра суҳбати давомида БМТнинг 36-сессиясида CEDAW Қўмитасида 2001–2006 йиллар мобайнида Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ижроси бўйича кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Миллий маърузаси натижалари муҳокама этилиб, ушбу сессияда иштирок этган ННТ вакиллари ахбороти тингланди¹.

Шартномавий органлар билан ҳамкорлик миллий маърузаларни доимий равишда тақдим этиш, қўшимча саволларга жавоблар бериш ва маърузаларни кўриб чиқишда делегациянинг иштирок этишида ўз аксини топган. Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг фуқароларнинг яқка тартибдаги (индивидуал) мурожаатларини қабул қилиш ваколатини ҳам эътироф этади.

¹ Хотин-қизлар камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ижросига бағишланган Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаси натижалар. // Демократлаштириш ва Инсон ҳуқуқлари. 2006, № 4. – Б. 47.

БМТ шартномавий органларининг хулосавий мулоҳазаларини бажариш мақсадида Ўзбекистонда миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш амалиёти шаклланган. Бундай ҳаракат режалоарида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни имплементация қилиш бўйича ва шартномавий кўмиталар тавсияларини самарали амалга ошириш бўйича батафсил чора-тадбирларни ўз ичига олган. Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, мазкур режаларнинг ижрочилари сифатида нафақат давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки нодавлат ташкилотлари ҳам иштирок этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни таъминлаб бериш зарурияти мувофиқлаштирувчи идоралараро орган – Адлия вазири раҳбарлиги остида Инсон ҳуқуқларини таъминлаб бериш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳни тузишга олиб келди. Ушбу орган БМТ шартномавий органлари тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва ижро этишни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 июлдаги 227-сонли қарори билан “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи тўғрисида”ги Низом ҳам тасдиқланди.

Идоралараро ишчи гуруҳининг асосий вазифаларидан бири этиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек БМТнинг асосий Конвенцияларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш бўйича тақлифлар тайёрлаш белгиланди.

Мазкур йўналишда Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТ конвенцион органларининг якуний тавсиялари ва эътирозларини кўриб чиқиш, шунингдек, ушбу якуний тавсия ва эътирозларнинг ижроси бўйича Миллий ҳаракат режаларини тасдиқлаш ва мониторинг қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Бунга мисол тариқасида, Ўзбекистоннинг иккинчи ва учинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТнинг аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича Кўмитаси тавсияларини бажариш юзасидан тасдиқланган Миллий ҳаракат режасига асосан “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлигини келтиришимиз мумкин.

Таъкидлаш керакки, 2004 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ишчи гуруҳи томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертларининг тавсияларини ижро қилиниши бўйича 10 та миллий ҳаракат режалари тасдиқланиб, уларнинг ижроси мониторинг қилинмоқда.

Охирги тўрт йил давомида эса, ишчи гуруҳи томонидан бир қатор миллий ҳаракат режалари, яъни:

- 2008 йил 23 сентябрда БМТнинг кийноқларга қарши Қўмитасининг тавсияларини бажариш юзасидан Миллий ҳаракат режаси;

- 2009 йил 30 сентябрда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгаши тавсияларини бажариш бўйича Миллий ҳаракат режаси;

2009 йил 9 сентябрда Ўзбекистоннинг универсал даврий маърузасини кўриб чиқиш натижаси бўйича БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси тавсияларини бажариш юзасидан Миллий ҳаракат режаси;

- 2010 йил 20 сентябрда “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт талабларини бажарилиши тўғрисида”ги Ўзбекистоннинг Учинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш натижаси бўйича Инсон ҳуқуқлари Қўмитаси томонидан берилган тавсиялар ижросига юзасидан (Нью-Йорк ш. 11–12 март 2010 й, 98-сессия) Миллий ҳаракат режаси;

2011 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикасининг Олтинчи ва Еттинчи даврий маърузаларини кўриб чиқиш натижаларига кўра БМТнинг Иркий камситишларни тугатиш бўйича Қўмитаси тавсияларини бажариш юзасидан Миллий ҳаракат режалари тасдиқланди.

Ҳозирги вақтда жами тасдиқланган миллий ҳаракат режаларидан 6 тасининг ижроси давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан миллий ҳаракат режалари ижроси доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши аҳволи билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон тақдим этаётган миллий маърузалар ва уларнинг бажарилиши юзасидан мамлакатда олиб борилаётган чора-тадбирлардан хулоса қилиш мумкинки, БМТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик қилишни Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида муҳим вазифа сифатида баҳолайди ва Ўзбекистон қўшилган ҳужжатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини сидқидилдан бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларини бажариш юзасидан ҳам фаол амалга оширилмоқда.

БМТ доирасида инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш масалаларига оид яна бир энг муҳим катта тадбирлардан бири 2000 йилдаги Мингйиллик саммитидир. Мазкур Саммит ва унда кўтарилган Мингйиллик тараққиёт мақсадлари (МТМ) ва унинг натижалари ҳамда келгусидаги вазибаларга бағишланган 2010 йилдаги Саммит тўғрисида инсон ҳуқуқлари бўйича конференцияларга бағишланган 4 бобда ба- тафсил тўхталиб ўтган эди.

БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик саммити номини олган, мазкур тарихий саммитларда Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирок этган, бу саммитларда кун тартибига қўйилган масалаларга юқори баҳо берган. Жумладан, 2000 йили бўлиб ўтган БМТнинг тарихий сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ҳам сўзга чиқиб, сессияда муҳокама этилаётган масалалар “глобаллашув даврининг асосий муаммолари” эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, БМТ Бош қотиби маърузаси ҳамда жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммолар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Орадан ўн йил ўтиб, яъни 2010 йил сентябр ойидаги Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов сўзга чиқиб, Ўзбекистонда Мингйиллик тараққиёти мақсадларини амалга ошириш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида халқаро ҳамжамиятни яқиндан хабардор қилди. Жумладан, у мамлакатдаги иқтисодий юқсалиш натижасида аҳоли турмуш тарзининг муттасил равишда яхшиланиб бораётганлиги, давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилаётганлиги, жумладан, ҳар йили ижтимоий соҳага Давлат бюджетининг 50 фоизи ажратилаётганлиги, аҳолини тоза сув билан таъминлаш 82,5 фоизини, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизини ташкил этаётганлиги, соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислох қилиш натижасида оналар ўлимини 2 баравар, болалар ўлимини эса 3 баравар қисқартиришга эришилганлиги, инсонларнинг ўртача ёши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларники – 75 ёшгача узайганлиги, мамлакатда ишлаётганларнинг 48 фоизини аёллар ташкил этишини қайд этди. Президент ўз нутқида яна шунингдек, 2008–2009 йилларда жаҳонда юз берган молиявий-иқтисодий инкирозга қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш тегишли равишда 9 ва 8,1 фоизини ташкил этганлигини ва 2010 йилда 8,5 фоиз ўсиш кутилаётганлигини, ҳар йили ялпи умумий маҳсулотнинг 10–12 фоизи таълимга сарфланаётганлигини таъкидлади¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи (2010 йил 20 сентябрь); Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари /И. Каримов. Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 9–11.

Ўзбекистон Мингйиллик декларациясини имзолаган давлат сифатида МТМ мақсадларига эришиш бўйича ўз мажбуриятларини изчил бажармоқда. Уларнинг миллий тараққиёт доирасида муҳимлиги ва долзарблигини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда МТМ бўйича ўз миллий вазифалари ва кўрсаткичларини белгилаб олди. Бу кўрсаткич ва вазифалар қатор давлат стратегиялари ва дастурларига киритилган.

Ўзбекистон ХХІ асрнинг тарихий босқичида тараққий топаётган, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ривожланган инфратузилмаларга эга бўлган демократик давлат сифатида намоён бўлмоқда. Жаҳоннинг бошқа давлатлари қатори мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга ва ўз халқининг тинчлиги ҳамда фаровонлигини изчиллик билан таъминлашга интиломоқда. Мамлакатда тез ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган аниқ, чуқур ўйланган ҳаракат дастури амалга оширилмоқда. Кўрилаётган ташкилий-ҳуқуқий ва амалий, изчил ва тизимли чоралар ўзини оқлаган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш, жамиятда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, тинчликсевар сиёсат олиб бориш ва жаҳон глобал жараёнларига интеграциялашувни таъминламоқда.

Иқтисодиёт, сиёсат ва давлат-ҳуқуқий соҳалардаги барча ислохотлар пировард натижада инсоннинг муносиб турмуш кечириши, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини ошириш, мусавффо экологик муҳитни яратиш ҳамда фуқаро ва, умуман, жамиятнинг касбий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятларини тўла намоён этиши учун кенг имкониятларни яратишга йўналтирилгандир.

Давлатимиз томонидан сўнгги ўн йил давомида амалга оширилган бу кенг кўламли ишлар Ўзбекистон ўз тараққиётининг тегишли босқичида БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларининг тўла ҳажмда бажарилишини таъминлашга хизмат қилди. Масалан, сўнгги йилларда ижтимоий жиҳатдан муҳим дастурлар давлат бюджетида устувор ўринни эгаллаб келмоқда. Давлатнинг ижтимоий соҳалардаги ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ажратилган харажатлари 2000 йилга нисбатан қиёсий қиймат кўрсаткичларида икки баробардан ҳам кўпроққа ортди.

Ўзбекистон Республикасида ўз моҳияти ва мазмуни бўйича ноёб ҳисобланган, ўн икки йиллик яхлит узлуксиз таълим тизимига ўтиш ҳамда таълим жараёнлари сифатини тубдан ва тизимли ошириш юзасидан махсус чораларни кўриш кўзда тутилган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур муваффақиятли амалга оширилди. Таълим жараёни соҳасида муваффақиятли амалга оширилаётган ислохотлар,

Ўзбекистоннинг БМТнинг Мингйиллик тараққиёти мақсадларида белгиланган бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш режаларини муддатидан илгари тўла-тўқис бажарганлигини тасдиқлайди.

Аҳоли турмуш сифатини ошириш бўйича белгиланган чоралар тизимида соғлиқни сақлаш ва одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш муҳим ўрин тутди. Сўнгги вақтларда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўла қайта кўриб чиқилди. Аҳолига бепул шошилиш, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг энг юксак талабларига жавоб берадиган ихтисослаштирилган касалхоналар ва бўлимлар шохобчаларининг ташкил этилиши бу соҳадаги ислохотларнинг энг муҳим ва амалий натижаси бўлди. Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамда “Соғлом авлод”, “Она ва бола” ва бошқа мақсадли дастурларни амалга ошириш юзасидан кўрилган тизимли чоралар натижасида МТМ режаларида болалар ўлимини қисқартириш, оналар саломатлигини яхшилаш бўйича белгиланган вазифаларни ҳам ҳал этишга муваффақ бўлинди.

Ўзбекистонда шу мақсадларда аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролини фаоллаштириш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Бунда БМТнинг “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциясини, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тўғрисида”ги конвенцияларининг ратификация қилинганлиги муҳим аҳамият касб этди. Мазкур халқаро шартномалар ва бу соҳада Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг нормалари миллий қонунчиликка имплементация қилиб борилмоқда. Бу борада, мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний таъминлашнинг барча зарур асослари яратилганлигини, аёлларга нисбатан давлат сиёсатини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш мақсадларига қаратилган 100 дан ортиқ қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шунингдек, ислохотлар жараёнида аёллар ролини оширишда марказда ва жойларда ҳокимиятнинг вакиллик органларига номзодлар кўрсатишда квоталаш институтини жорий этиш бўйича қабул қилинган қонун ҳам, аёллар ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларда ҳамда МТМда белгилаб қўйилган қоидаларни бажаришда муҳим қадам бўлди¹.

¹ Батафсил маълумотлар учун қarang: Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи (2010 йил 20 сентябрь); Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари / И. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

Ўзбекистон бошқа соҳаларда ҳам БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бу йўналишда БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган ташкилоти – ЮНЕСКО билан ҳамкорлик кенг кўламда олиб борилмоқда. “Биз, – деган эди Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг 1996 йилда бўлиб ўтган Ижроия кенгаши сессиясида, – аввало, маънавий соҳада, фан, маданият, таълим ва ахборот соҳаларида интеграциялашувни ёқлаб чиқамиз”¹. Ўзбекистон 1993 йил 29 октябрда Парижда тантанали равишда ЮНЕСКОга аъзо бўлди. ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш учун 1996 йилда Тошкентда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси очилди.

Мазкур ташкилотнинг асосий мақсади жаҳон халқлари ўртасида таълим, фан ва маданият, ахборот соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ташкилотга аъзо мамлакатларда Ташкилот ваколатига қирадиган масалалар бўйича Ташкилот билан аъзо-давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириш бўйича миллий орган – ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиялар тузилади. Шунингдек, 1994 йили ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ташкил этилган.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ҳамкорликда таълим, фан ва маданият соҳаларида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва маънавий кадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш ҳамда ажодлардан қолган маданий ва маънавий меросни чуқур эҳтиром ва меҳр-муҳаббат билан кадрлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, “Алпомиш” халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, “Авесто”нинг 2700 йиллиги, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик, Самарқанднинг 2750, Марғилоннинг 2000 ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейлари нишонлангани ана шундай улуғвор ишлардандир. Ушбу тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро микёсда кенг нишонланди.

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т Ўзбекистон, 1996. – Б. 23.

ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, ташкилотчиси ва иштирокчисиدير. “Шарк тароналари” халқаро мусиқа фестивалида ҳам ташкилот мунтазам қатнашиб келади.

ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури тармоғи таълим соҳасидаги асосий дастур ҳисобланади. Дунёдаги олти мингдан зиёд мактаб Бирлашган мактаблар дастури аъзосидир. Ушбу дастурнинг асосий мақсади халқаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, маданиятлараро мулоқот ва барқарор тараққиёт ғояларини тарғиб этиш ҳамда таълим сифатини оширишга қаратилган. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси мамлакатимизда ушбу тармокни ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. 1996 йилдан буён мазкур тармокка юртимизнинг 45 таълим муассасаси аъзо бўлган. Мазкур таълим муассасалари бир қатор халқаро дастурларда муваффақиятли қатнашиб, “Таълим барча учун” мақсадларини ва БМТнинг барқарор тараққиёт таълими ўн йиллигини тарғиб этмоқда.

ЮНЕСКО томонидан 2003 йилда “Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги” эълон қилинди. Бу борада мамлакатимизда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу дастур доирасида аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

ЮНЕСКОнинг фан дастурлари доирасида биологик хилма-хилликни асраш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, маданий кадриятларни ривожлантиришга бағишланган лойиҳалар амалга оширилди.

Маданий ва табиий меросни аниқлаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. ЮНЕСКОнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Самарқанд каби дунёга машҳур шаҳарлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шаркшунослик институтининг Шарк кўлёмалари коллекцияси ҳамда ноёб Мусҳафи Усмон “Умумжаҳон мероси рўйхати”га киритилган.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик қамрови кенгайиб бормоқда. Ушбу халқаро ташкилот билан фаол ҳамкорлик, нафақат мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини оширади ва дунёга танитади, балки таълим, фан ва маданият соҳаларига оид инсон ҳуқуқларини янада самарали таъминлаб беришга ва ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналиши – бу ЮНЕСКО ҳужжатларига Ўзбекистоннинг қўшилиши ва уларни бажариши ҳисобланади. Қатор халқаро конвенция ва декларацияларга қўшилиш Ўзбекистоннинг жаҳон маданий ҳамжамиятига интеграциялашувининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг 10 га яқин халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларига қўшилган бўлиб, улар орасида қуйидаги энг муҳимларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

Таълим соҳасида камситишларга қарши Конвенция (1960 йил);

Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция (Умумжаҳон маданий конвенцияси, 1972 йил);

Қуролли можаро чиққан ҳолда маданий бойликларнинг химоя қилиниши тўғрисидаги Конвенция (1954 йил);

Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб келиш, олиб кетиш ва уларга эгаллик ҳуқуқини ўзгага беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги Конвенция (1970 йил);

Номоддий маданий меросни асраш тўғрисидаги Конвенция (2003 йил) ва бошқалар.

ЮНЕСКО доирасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган кўплаб халқаро конвенцияларнинг асосий вазифаси маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистоннинг уларга қўшилиши маданий бойликларимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳуқуқий химоя қилинишига ва уларни кенг тарғиб қилишга имкон беради.

ЮНЕСКОнинг норматив ҳужжатларига қўшилиш Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти, фани, маданияти ва тарихий дурдоналарини тарғиб қилишга ва бу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар очиб беради ҳамда бу соҳадаги қонунчилигимизнинг янада ривожланишига, умуман, таълим, фан, маданият, коммуникация ва информатика соҳасида Ўзбекистоннинг янада ривожланиб, жаҳондаги энг илғор мамлакатлар қаторига қўшилишига ёрдам беради.

1998 йил 6 ноябрда Ўзбекистонга ЮНЕСКОнинг Ижроия кенгаши ташриф буюрди ҳамда Тошкентда ўзининг 155-сессияси якуний мажлисини ўтказди ва унда “Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо-давлатлардаги фаолияти” деб номланган махсус Декларация қабул қилинди. Ушбу сессиянинг якунловчи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов нутқ сўзлаб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Тинчлик маданияти ғояси ХХI асрдаги умуминсоний тараққиёт фалсафасининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя ўтган асрларда ҳам кўп қиррали ва бетакрор инсоният цивилизацияси ривожининг ўзаги, юксак

маънавият ва инсонпарварлик ғояларининг асоси бўлиб хизмат қилган. Бу ғоя бугун ҳам дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида халқларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этиши лозим. Мен умуминсоний кадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашувида деб биламан”¹.

Шунингдек, у ўз нуткида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ҳамкорлигини ривожлантириш ва чуқурлаштириш истикболларини куйидаги йўналишларда ривожлантириб боришни таклиф этган эди:

биринчидан, минтакамизда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга хизмат қилувчи лойиҳаларни амалга ошириш;

иккинчидан, ЮНЕСКОнинг “Умр бўйи таълим ҳамма учун” дастурида бундан кейин ҳам фаол иштирок этиш;

учинчидан, ўзбек халқининг бой ўтмиши ва маданиятини ЮНЕСКО билан биргаликда тарғиб қилишни кучайтириш;

тўртинчидан, ўзбекона бағрикенглик тамойилларини, бу борада ўзбек халқининг бой тажрибасини ЮНЕСКО ёрдамида бутун дунёга тарқатиш орқали турли миллатлар, этник ва диний гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш ва ўзаро ҳурмат ғояларига асосланган тинчликсевар сиёсатни тарғиб қилиш;

бешинчидан, Орол муаммоси каби, минтақадаги мавжуд экологик муаммоларни ечишда ЮНЕСКО билан яқиндан ҳамкорлик қилиш².

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик туфайли бутун дунё Ўзбекистоннинг ниҳоятда бой моддий ва номоддий мероси тўғрисида хабар топмоқда, Ўзбекистон учун таълим, фан, маданият соҳасида янгидан-янги истикболлар, халқаро илмий ва маданий марказлар билан кенг алоқалар ўрнатиш учун кенг имкониятлар очилмоқда.

ЮНЕСКОнинг халқаро ҳужжатларига қўшилиш ва улардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш, авваламбор, мамлакатимизнинг таълим, фан ва маданиятини халқаро стандартлар асосида янада ривожлантиришга, бу соҳадаги моддий ва номоддий бойликларимизни асраб-авайлашда, кейинги авлодларга етказиб беришда, ва ниҳоят, Ўзбекистоннинг жаҳон маданий ҳамжамиятига янада чуқурроқ интеграциялашуви учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бир вақтда, алоҳида қайд этиш керакки, ЮНЕСКО Ўзбекистонда таълимни қўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон олий ўқув юртларида 10 га яқин ЮНЕСКО кафедралари очилган бўлиб, улар ЮНЕСКОнинг ЮНИТВИН дастури

¹ Қаримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон. 1999. – Б. 194.
² Ўша жойда. – Б. 205.

доирасида жаҳон ЮНЕСКО кафедралари тармоғига киритилган. Шунингдек, 30дан ортик ЮНЕСКО мактаблари фаолият юритади. Мазкур кафедралар ва мактаблар ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда ва унинг қўллаб-қувватлаши асосида ташкил этилган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги БМТнинг яна бир *ихтисослашган ташкилоти* – *Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)* билан Ўзбекистон Республикасининг ҳамкорлиги мамлакатимизнинг 1992 йил 13 июлда ушбу Ташкилотга аъзо бўлганидан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилоти фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва, ўз навбатида, бу фаолият дунёдаги ҳозирги вазиятни ақс эттириши ҳамда аъзо-давлатлар билан тўртта стратегик масала (асосий принциплар ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ масалалари, бандлик, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий мулоқот ҳамда шунга боғлиқ бошқа масалалар) доирасида ҳамкорлик олиб боради. Шу ўринда, Ўзбекистон ХМТ эътиборидаги гендер тенглик, умумиктисодий ва ижтимоий ривож, ижтимоий масъулиятни кучайтириш, болалар меҳнатининг энг ёмон шакллариغا йўл қўймаслик соҳасидаги муаммоларни тан олади ва уларнинг муҳимлигини эътироф этади¹.

Бугунга келиб, Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан ХМТнинг 13 та конвенцияси ратификация қилинган. Бу ҳужжатларнинг нормалари миллий қонунчилигимизга имплементация қилинмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланган. ҳамкорлик дастури ҳозирги халқаро ва миллий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг қийинчиликлари ва шу билан боғлиқ муаммоларини англашга асослангандир. Бу муаммоларни ечишда эса, бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг миллий ташкилотлари, иккинчи томондан, Халқаро меҳнат ташкилоти манфаатдордир.

Ҳамкорлик дастурида ҳамкорликнинг қуйидаги асосий йўналишлари келишиб олинган:

Халқаро меҳнат ташкилотининг тегишли тажрибаси ва механизмини ишлатиш орқали аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари иштирокида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

меҳнат ҳимоясининг бошқарув тизими ва меҳнат ҳимоясининг ахборот базасини такомиллаштириш ҳамда меҳнат хавфсизлиги ва ҳимояси соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш;

меҳнат соҳасида ОИТС/ОИТВ тарқалишининг олдини олиш;

¹ Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. Ўзбекча наشري учун масъул А.Х. Саидов. – Т. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. 2008. Б. 15–16.

корхоналарни ижтимоий масъулиятли кайта шакллантиришда кўмаклашиш;

ижтимоий-адолатли меҳнат ҳақи тўланишини йўлга қўйишга ва маошларни тўлашда ушлаб қолинишларга йўл қўймасликка кўмаклашиш;

ишсизларга, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ўз ишингни бошла ва такомиллаштир!” дастуридан фойдаланган ҳолда шахсий тадбиркорликни бошлаш ва ривожлантириш асосларини ўргатишга кўмаклашиш.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Ҳамкорлик дастури жадаллик билан амалга ошмоқдаки, унинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-меҳнат соҳаси ислохотига кўмаклашишдир¹.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ХМТнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашда ижобий натижаларга эришишга қаратилган конвенцияларига қўшилган. Улар қаторига қуйидагилар киради:

Мажбурий ёки зўраки меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги Конвенция;

Қирк соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги 1935 йилги Конвенция;

Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги 1936 йилги Конвенция;

Жамоа музокараларни олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги Конвенция;

Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги Конвенция;

Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги Конвенция;

Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги Конвенция;

Меҳнат ва иш турлари соҳасидаги камситиш тўғрисидаги 1958 йилги Конвенция;

Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги 1964 йилги Конвенция;

Меҳнаткашларнинг вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги Конвенция;

Жамоа музокаралари олиб бориш тўғрисидаги 1981 йилги Конвенция;

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 1973 йилги Конвенция;

Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги Конвенция.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари билан ҳамкорлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти доирасида ҳам фаол олиб борилмоқда.

¹ Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Ўзбекча нашри учун масъул А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. – Б. 16.

3. Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси учун кенг маънодаги хавфсизлик билан боғлиқ масалалар мустақилликдан сўнг жуда муҳим бўлиб қолди. Бу Ўзбекистон Республикасининг ҳам минтақавий, ҳам минтақалараро хавфсизликни музокаралар йўли билан таъминлаш ҳамда можароларнинг олдини олиш мақсадида тузилиб, фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХҲК, 1992 йилдан буён Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ЕХҲТ)нинг аъзоси бўлишга интилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 30 январда Прагада ЕХҲКнинг иккинчи учрашувида катта мансабдор ходимлар қўмитасининг мажлисида МДҲ таркибига кирувчи давлатларни ЕХҲКнинг тенг ҳуқуқли аъзолари қилиб қабул қилишни Хельсинки жараёнида иштирок этувчи мамлакатларнинг Ташки ишлар вазирлари кенгашига тавсия қилишга қарор қилинди. Шу тариқа, Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 26 февраль куни Финландия пойтахти Хелсинкида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг 1975 йилги Яқунловчи ҳужжатига имзо чекди. Ўша даврдан буён Ўзбекистон ўзининг умумэътироф этилган халқаро меъёрларига содиқлигини яна бир бора тасдиқлаган ҳолда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади.

1992 йил 26 февралда Хельсинкида Яқунловчи ҳужжатга имзо қўя туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деди: “Хельсинки яқунловчи актига имзо қўяр эканмиз, биз тинч, одилона халқаро тартибни қуриш мажбуриятини олган давлатлар ҳамдўстлигига кирдик”¹.

Ўзбекистон Республикаси ушбу обрўли халқаро ташкилот аъзосининг барча мажбуриятларини ўз зиммасига олди. Бу эса, суверен Ўзбекистон Республикасининг мазкур халқаро форумнинг 48 аъзоси томонидан халқаро эътироф этилишида муҳим босқич ҳисобланди. Шу орқали Ўзбекистон Республикасининг Европа мамлакатлари, шунингдек, АҚШ ва Канада билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига йўл очилди.

1992 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Янги Европа учун Париж хартиясини имзолади. Яқунловчи маросимда Ислом Каримов ўз мамлакатининг Умумевропа жараёнига

¹ Республика Узбекистан: рождение независимого государства. Т., 1992. Б. 86.

қўшилиш иродаси ва хоҳишини тасдиқлади. Президентимиз таъкидлаганидек, биз Европада эҳтиёткорлик билан тарбияланган инсон кадр-кимматларини эътироф этамиз ва маъқуллаймиз. Улар орасида: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, озчиликни ташкил қилган миллатларни ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқарога, унинг миллати, диний эътиқодлари, ижтимоий мақоми ва келиб чиқишидан қатъи назар, мақбул турмуш шароитларини яратишни айтиб ўтиш керак. “Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилиб, яросиз дунёга содиқлигини баён этади ва ўзаро давлатлараро муносабатларда куч билан таҳдид солиш, ҳар қандай куч ишлатиш усуллари истисно этилишига умид қилади. Барча масалалар фақат сиёсий, ўзаро келишув воситалари ёрдамида ҳал этилади. Биз ЕХХТга расмий равишда қўшилиб, миллатлар ва халқлар олдига ўз зиммамизга олаётган юқори масъулиятни англаймиз”, – деб таъкидлаб ўтди Президент¹. Шунини таъкидлаш лозимки, бу йирик халқаро ташкилот ўз мавқеи, кўриб чиқаётган масалалар кўлами, унга аъзо-давлатларнинг сони ва нуфузи жиҳатидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси ЕХХТнинг олий даражадаги учрашувларида фаол қатнашмоқда. Улар қуйидагилар:

ЕХХТ иштирок этувчи давлатлари бошлиқлари саммитида (ҳар йилда бир марта ўтказилади);

Иштирок этувчи давлатлар ташқи ишлар вазирларининг ҳар йилиги учрашувларида;

ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси сессияларида (Копенгагенда)².

Бундан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Варшавадаги ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси билан ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Ҳамкорлик алоқалари жараёнида, 1995 йил июль ойида Тошкентда ЕХХТнинг Марказий Осиё республикалари билан алоқалар бўйича бюроси очилди. Бюро фаолиятининг азалий мақсади 1992 йилда тасдиқланган интеграция стратегияси доирасида яқинда қабул қилинган Марказий Осиёдаги бешта давлат, яъни Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон билан ЕХХТ ўртасида яқинроқ алоқаларни ўрнатиш эди. 1998 йилда ЕХХТ Олмота, Ашҳобод, Бишкекда ўз марказларини очди. ЕХХТнинг Душанбедаги Маркази эса, 1993 йилда очилган эди. Минтақадаги фаолиятнинг кенгайтириши натижасида Бюронинг асосий фаолияти Ўзбекистонга қаратилди.

¹ Халқ сўзи, 1992 йил 28 февраль.

² ЕХХТ “Инсонийлик мезонлари”. Хельсинки –1975–1999. Тошкент, 2002. – Б. 5–9.

ЕХХТнинг Доимий кенгаши ушбу ўзгаришларга 2000 йил 14 декабрдаги қарори билан юридик куч бахш этди, унга биноан ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги алоқалар бюроси ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази деб номлана бошланди.

2006 йил 1 июлда ЕХХТнинг Доимий кенгаши Ўзбекистонда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори лавозимини таъсис этди, бу билан ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳавий фаолиятини янада ривожлантириш ва бирлаштириш мақсадида ЕХХТ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамкорликнинг янги шакли жорий этилди¹.

Ўтган вақт мобайнида ЕХХТ доирасида жуда кўп ҳужжатлар имзоланди. Улар 1975 йил 1 августда қабул қилинган Хельсинки якунловчи ҳужжати ва 1990 йил 21 ноябрда қабул қилинган Янги Европа учун Париж хартияси негизида тайёрланган.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ушбу икки ҳужжат Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов томонидан имзоланган бўлиб, уларни бажариш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Барчамизга маълумки, ЕХХТнинг олий анжумани ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Ана шундай учрашувлардан бири – 1996 йилнинг декабридаги Лиссабон анжуманида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ҳам қатнашиб, нутқ сўзлаган эди. Президент ўз нутқида ЕХХТнинг аъзоси бўлган давлатлар раҳбарларининг эътиборини Марказий Осиёдаги ғоят муҳим муаммоларга қаратди. Ўзбекистон Президенти ўшанда “Хавфсизликнинг, шу жумладан, Европа хавфсизлигининг чегараси йўқ, шу нуқтаи назардан қараганимизда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ўрни ва масъулияти Европа доираси билан чекланиб қолиши мумкин эмас, балки унинг ташқарисида мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиши лозим”, деган эди.

ЕХХТнинг 1999 йилда Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашуви ҳам диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мазкур учрашувдаги нутқи аниқ таклиф ва мулоҳазалари билан йиғилганларнинг эътиборини қозонди. Жумладан, унда ЕХХТ ҳомийлигида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш таклифи ўртага ташланди. Ўзбекистон Президентининг таклифи нечоғлик ҳақ эканлигини кейинги йилларда дунёда юз бераётган воқеалар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бақоева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 282.

Ўзбекистон раҳбарининг Истамбул саммити минбаридан туриб айтган, террорчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаб, уларнинг қабих ниятлардаги ҳаракатларига ёрдам бераётган ташкилотларни илдизи билан йўқотиш орқалигина мамлакатлар хавфсизлигини таъминлаш мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазалари бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Ўзбекистон Республикаси билан ЕХХТ ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг асоси сифатида 1997 йилда Меморандум имзоланди. Меморандумнинг тўлиқ номи “Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги Ўзаро тушуниш меморандуми” Унда ҳамкорликнинг асосий соҳаси сифатида инсон ҳуқуқлари соҳаси олинган.

ЕХХТ нафақат ҳукумат, балки парламентимиз билан ҳам кизгин ҳамкорлик қилмоқда. Маълумки, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси Ўзбекистон парламенти билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Шу боис, Ўзбекистон Олий Мажлиси раиси ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг Оттавадаги IV сессиясида раис ўринбосари этиб сайланган эди. ЕХХТнинг бир қанча халқаро семинарлари Тошкентда ўтказилди. “Орол денгизи ҳавзасида атроф-муҳитни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш” мавзусидаги семинар, “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар” мавзусидаги халқаро кенгаш, “Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш шароитида” мавзусидаги семинарлар бунга мисол бўла олади. Бу эса, Ўзбекистоннинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотида тутган ўрни ва мавқеи юқори эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Тошкентга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг собиқ раиси, Болгария Республикаси Ташқи ишлар вазири Саломон Пассини қабул қилиши ҳам ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим кадам бўлди. 2004 йилнинг март ойида бўлиб ўтган музокаралар чоғида икки томонлама алоқалар ва турли соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳолати ва истикболлари, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, терроризмга қарши кураш масалалари ҳар томонлама муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик охириги вақтда изчил ривожланиб бораётганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ЕХХТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича махсус органи бўлган Демократик институтлар, инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИХБ) билан ҳам ҳамкорлик олиб бормоқда.

ЕХХТ мамлакатимиз билан суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Айниқса, 2004 йилнинг сентябрида ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг қонун устуворлиги масалалари бўйича экспертларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди аъзолари билан учрашувини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор.

Учрашувда юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнлари айнан демократик ҳуқуқий давлат талабларига мос равишда олиб борилаётганига эътибор қаратилди. Қабул қилинаётган қонунлар, ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бу муҳим йўналишда халқаро андозалар ва хориж тажрибасини ўрганиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенгрок таъминлаш йўлларини ишлаб чиқиш борасида ривожланган мамлакатлар суд тизими ва суд бошқаруви тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган сайловлар табиийки, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборидан четда қолмаяпти. Мисол учун, мамлакатимизда 2004 йилнинг 26 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларига қизғин тайёргарлик кўрилганлиги таъкидланди. Икки палатали парламентнинг илк сайловига тайёргарлик доирасида Марказий сайлов комиссияси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти раисининг шахсий вакили Марти Ахтисаари раҳбарлигидаги ЕХХТ делегацияси Тошкентга келганда Ўзбекистонда сайловларга ташкилий молиявий жиҳатдан, айниқса, пухта тайёргарлик кўрилаётганини эътироф этди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ёритиш учун оммавий ахборот воситаларига тегишли шарт-шароит яратилаётганлигини қўллаб-қувватлашини айтди. Бўлажак сайловларда ЕХХТ кузатувчилари миссиясига кўмаклашишга тайёрлиги учун Ўзбекистон томонига ўз миннатдорчилигини изҳор қилди.

Президент билан бўлиб ўтган суҳбатда Марти Ахтисаари Ўзбекистон ва ЕХХТ ўзаро ҳамкорликда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, қурол-яроғ савдосига қарши курашиш, террорчилик ва уни молиялаштиришнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинаётганлигини таъкидлади. Оксаройдаги

учрашувда ҳамкорликнинг аҳволи таҳлил этилиб, келгусида уни ҳар томонлама ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди¹.

2005 йил 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11- ва 46-моддаларига мувофиқ, 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов очик, ошкоралик руҳида, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий кузатувчиларнинг кенг иштирокида ўтди. Парламент сайловида 40 та давлатдан 228 нафар хорижий кузатувчи, шу жумладан, МДХ, ЕХХТ кузатувчилар комиссиялари қатнашди. Сайлов сайлов қонунчилигига мувофиқ ҳолда ўтди. Бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари таъминланган ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик жараёнлар янада ривожланаётганлигидан далолатдир.

ЕХХТнинг кузатувчилари 2007 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида бўлган сайловда ҳамда 2009 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлган сайловда ҳам иштирок этишди.

ЕХХТ атамашунослигида инсон ҳуқуқлари ва демократия билан боғлиқ нормалар комплекси ва фаолият турларини белгилаш учун “инсонийлик мезони” деган махсус атама ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий-экологик мезонлар билан биргаликда хавфсизлик мезонлари сирасига қиради. Ушбу атама ЕХХТнинг инсонийлик мезонларига оид нормалари, инсон ҳуқуқлари бўйича анъанавий ҳуқуққа қараганда кенгрок соҳани қамраб олишидан далолат беради².

Бугунги кунда инсонийлик мезонлари соҳасида Ўзбекистонда ЕХХТ билан биргаликда қуйидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш бўлими салоҳиятини ривожлантириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий веб-сайти: www.gov.uz

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Баквева, К. Арсланова ва бошқ.; масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 281–282.

Ўзбекистоннинг нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг салоҳиятини кучайтиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг ривожланишига кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг ривожланишига кўмаклашиш;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятига кўмаклашиш;

ноконуний миграция, меҳнатни эксплуатация қилиш, одам савдосига қарши кураш самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

Ўзбекистонда юридик таълимни такомиллаштиришга кўмаклашиш¹.

4. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида кенг доирадаги масалалар бўйича амалга оширилади. Инсон ҳуқуқлари бўйича мулоқот Европа Иттифоқида алоҳида қизиқиш уйғотади. 2004 йилдан бошлаб шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа масалалар бўйича “Ўзбекистон-ЕИ” кичик кўмитаси даражасида мунтазам учрашувлар ўтказилмоқда. Кичик кўмита доирасида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида инсон ҳуқуқлари бўйича қизғин мулоқот олиб борилади. Мулоқотда Ўзбекистонда ва ЕИ мамлакатларида демократик ривожланиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш ҳамда ушбу йўналишдаги ҳамкорлик истикболларига оид кенг доирадаги саволлар камраб олинади. Мулоқот тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига асосланади.

Европа томони Ўзбекистондаги суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотларини, жумладан, “Хабеас корпус” институтининг жорий қилиниши, тарафлар тортишуви, суд жараёнида ҳимояловчи ва айбловнинг тенглиги таъминланишини юксак баҳоламоқда.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими /муаллифлар жамоаси: А.Х. Саидов, Ф.Х. Бақоева, К.Ш. Арсланова ва бошқ., масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 282–283.

Европа Иттифоки комиссиясининг деярли барча вакиллари суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва давлат бошқарувини модернизациялаш соҳасида Республикада амалга оширилаётган изчил ислохотларни ижобий баҳолашди. Европа томони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича кўрилаётган амалий чораларни юксак баҳолаб, ушбу йўналишда кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди. ЕИ вакиллари “Хабеас корпус”нинг амалга оширилиши, суд тизимининг мустаҳкамлигини таъминлаш чоралари, шу жумладан, адвокатура ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантиришга қизиқиш билан қарашди¹.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.*
- 2. Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатларни кўрсатиб ўтинг.*
- 3. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорлик қилаётган халқаро ташкилотларни кўрсатиб ўтинг.*
- 4. Ўзбекистон ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлигининг йўналишларини кўрсатиб беринг.*
- 5. Ўзбекистоннинг БМТнинг Тараққиёт Дастури билан ҳамкорлик алоқаларини тушунтириб беринг.*
- 6. Ўзбекистонни БМТ назорат органлари билан олиб бораётган ҳамкорлигини тушунтириб беринг.*
- 7. Ўзбекистоннинг БМТ назорат органлари тақдим этаётган миллий маърузаларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.*
- 8. Ўзбекистоннинг ЕХХТ ташкилоти билан инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб бораётган ҳамкорлигини тушунтириб беринг.*
- 9. ЕХХТнинг Демократик институтлар, инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИХБ)нинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.*
- 10. Ўзбекистондаги сайловлар бўйича Ўзбекистон ва ЕХХТнинг ҳамкорлик алоқаларини тушунтириб беринг.*

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини димоя қилиш миллий тизими. / Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 284–285.

Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Гулямова И. Основные деятельности ООН в области прав человека. – Т. НЦПЧ, 2002.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масьул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
3. Исмаилов Б.И. “Международные стандарты личных прав и национальное законодательство Республики Узбекистан”. – Т.: Центр правового просвещения при ТГЮИ, 2002.
4. Мўминов А. “Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари” – Т.: “Янги аср авлоди”, 2003.
5. “Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека: становление и развитие” / Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: 2007.
6. Саидов А. “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ”. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.
7. Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика /Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: “Адолат”, 2008.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2010.
9. Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Ўзбекча нашр учун масьул А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008.
10. Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истикболлари. Конференция материаллари тўплами. 2006 йил 16 март. – Т.: ТДЮИ.
11. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам /Ўзбекча нашрининг масьул муҳаррири А.Х. Саидов. – Т.: “Адолат”, 2004.
12. Балогатга етмаган болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар / Международные документы по правам несовершеннолетних. – Т.: “Адолат” 2002.
13. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: “Инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар” /Масьул муҳаррир: А.Х. Саидов – юридик фанлар доктори, профессор. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012.
14. Женева конвенциялари тўплами. / А. Саидов таҳрири остида. – Т.: 2002.

**“Инсон ҳуқуқлари” фанидан тавсия этилаётган
адабиётлар ва манбалар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 368 б
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т. “Ўзбекистон”, 1996. – 384 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 368 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – 348 б.
5. Каримов И.А. Т.5. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – 428 бет.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 416 бет.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000. – 528 бет.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т. “Ўзбекистон”, 2001. – 432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмади. Т.13. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 294 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иктисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

17. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.

18. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

20. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.– 280 б.

21. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини энгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 280 б.

22. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 360 б.

23. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 56 б.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2010 йил 7 декабрь куни Асосий Қонунимиз – Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллиги муносабати билан “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзусида қилган маърузаси. /Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.

26. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 32 б.

2. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам/Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х.Саидов. –Т.: “Адолат”, 2004. – 520 б.

2. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар. – Т.: “Адолат” 2002. – 270 б.

3. Балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар/Международные документы по правам несовершеннолетних. – Т.: “Адолат” 2002. – 232 б.

4. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари. – Т.: 2002. – 164 б.

5. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти: инсонийлик мезонлари соҳасидаги мажбуриятлар /Масъул муҳаррир: А.Х. Саидов – юридик фанлар доктори, профессор. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012. – 459 б.

6. Женева конвенциялари тўплами. /А. Саидов таҳрири остида. – Тошкент, 2002.

7. ЮНЕСКОнинг халқаро меъёрий ҳужжатлари. Тўплам. /Масъул муҳаррир Л. Саидова. – Т.: “Адолат”, 2004. – 304 б.

8. Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. /Ўзбекча нашри учун масъул муҳаррир А.Х. Саидов. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. – 240 б.

9. UNESCO and Human Rights. Standart-setting instruments. Major mettings. Publications. UNESCO, 2007.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012.

2. Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида. 1991 йил 15 февраль (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 4-сон, 76-модда).

3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида. 1991 йил 31 август. (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 11-сон, 246-модда)

4. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом бериш ҳақида. 1991 йил 30 сентябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 9–12-сон, 268-модда).

5. Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида. 1991 йил 18 ноябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон, 78-модда).

6. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида. 1991 йил 20 ноябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон, 80-модда).

7. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида. 1992 йил 4 январь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 3-сон, 146-модда).

8. "Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига конституциявий мақом бериш ҳақида. 1992 йил 14 январь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 4-сон, 181-модда).

9. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида. 1992 йил 2 июль (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 9-сон, 338-модда).

10. Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида. 1992 йил 2 июль (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 9-сон, 344-модда).

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида. 1992 йил 8 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 4-модда).

12. Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида. 1993 йил 6 май (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда).

13. Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида. 1993 йил 7 май (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 230-модда).

14. Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида. 1993 йил 2 сентябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда).

15. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида. 1994 йил 5 май (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 125-модда).

16. Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида. 1994 йил 5 май (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 127-модда).

17. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 1-модда).

18. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 2-сон, 4-модда).

19. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 1994 йил 22 сентябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 3-сон, 6-модда).

20. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида. 1995 йил 30 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 178-модда).

21. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида. 1995 йил 30 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 183-модда).

22. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида. 1995 йил 21 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова.)

23. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. – Т.: Адолат. 1996.

24. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида (Янги таҳрири). 1995 йил 21 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 257-модда).

25. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида. 1995 йил 22 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 262-модда).

26. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. 1996 йил 26 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5–6-сон, 59-модда).

27. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида. 1996 йил 26 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5–6-сон, 61-модда).

28. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида. 1996 йил 29 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 128-модда).

29. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида. 1996 йил 26 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 35-модда).

30. Сиёсий партиялар тўғрисида. 1996 йил 26 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 36-модда).

31. Нотариат тўғрисида. 1996 йил 26 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 42-модда).

32. Адвокатура тўғрисида. 1996 йил 27 декабрь. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 2-сон, 48-модда).

33. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири) 2007 йил 25 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова).

34. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида. 1997 йил 24 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сон, 108-модда).

35. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида. 1997 йил 24 апрель. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сон, 110-модда).

36. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. 1997 йил 25 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 6-сон, 175-модда).

37. Таълим тўғрисида. 1997 йил 29 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 225-модда).

38. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида. 1997 йил 29 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 11–12-сон, 295-модда).

39. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. 1997 йил 30 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова).

40. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрирда). 2007 йил 15 январь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2007 йил, 1-сон, 4-модда).

41. Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрирда 26.08.2004 й.). 1998 йил 30 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 86-модда).

42. Дехкон хўжалиги тўғрисида. 1998 йил 30 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 88-модда).

43. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 1998 йил 30 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сонга илова).

44. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида. 1998 йил 30 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 93-модда).

45. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида. 1998 йил 30 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 95-модда).

46. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. 1998 йил 1 май (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 97-модда).

47. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). 1998 йил 1 май (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сон, 99-модда).

48. Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида. 1998 йил 29 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 178-модда).

49. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси. 1998 йил 24 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 4-модда).

50. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида. 1998 йил 25 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 12-модда).

51. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири). 1999 йил 14 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 110-модда).

52. Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида. 1999 йил 14 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 112-модда).

53. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида. 1999 йил 14 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 115-модда)

54. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида. 2000 йил 25 май (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 140-модда).

55. Психиатрия ёрдами тўғрисида. 2000 йил 31 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 7–8-сон, 215-модда).

56. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида. 2000 йил 14 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 8-модда).

57. Судлар тўғрисида (янги таҳрири). 2000 йил 14 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 10-модда).

58. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида. 2000 йил 14 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 14-модда).

59. Терроризмга қарши кураш тўғрисида. 2000 йил 14 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 1–2-сон, 15-модда).

60. Мудофаа тўғрисида (янги таҳрири). 2001 йил 11 май (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон, 80-модда).

61. Прокуратура тўғрисида (янги таҳрири). 2001 йил 29 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 168-модда).

62. Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида (янги таҳрири). 2001 йил 30 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 176-модда).

63. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида. 2001 йил 30 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9–10-сон, 180-модда).

64. Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойиллари тўғрисида. 2002 йил 4 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 4–5-сон, 60-модда).

65. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида (Конституциявий қонун). 2002 йил 12 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 12-сон, 213-модда).

66. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида (Конституциявий қонун). 2002 йил 12 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 12-сон, 215-модда).

67. Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида. 2002 йил 12 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 12-сон, 217-модда).

68. Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида. 2002 йил 12 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 2-модда).

69. Фуқароларнинг муружаатлари тўғрисида (янги таҳрири). 2002 йил 13 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 7-модда).

70. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2003 йил 24 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 3–4-сон, 27-модда).

71. Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида. 2003 йил 25 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 3–4-сон, 34-модда).

72. Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида. 2003 йил 25 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 65-модда).

73. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида (янги таҳрири). 2003 йил 29 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 132-модда).

74. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида (янги таҳрири). 2003 йил 29 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 138-модда).

75. Жамоат фондлари тўғрисида. 2003 йил 29 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 141-модда).

76. Қизил ярим ой ва кизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида. 2004 йил 29 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 5-сон, 84-модда).

77. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида. 2004 йил 30 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 5-сон, 86-модда).

78. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуклари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида (янги таҳрири). 2004 йил 27 август (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 9-сон, 169-модда).

79. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида. 2004 йил 2 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-сон, 6-модда).

80. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида. 2004 йил 2 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1-сон, 8-модда).

81. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида. 2004 йил 2 декабрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-сон, 10-модда).

82. Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида. 2006 йил 12 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 4-сон, 158-модда).

83. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида. 2006 йил 20 июль (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 7-сон, 372-модда).

84. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида. 2006 йил 11 октябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 10-сон, 537-модда).

85. Ҳакамлик судлари тўғрисида. 2006 йил 16 октябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 10-сон, 541-модда).

86. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида. 2007 йил 3 январь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 1-сон, 2-модда).

87. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири). 2007 йил 15 январь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 1-сон, 4-модда).

88. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида (Конституциявий қонун). 2007 йил 11 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 4-сон, 161-модда).

89. Ҳомийлик тўғрисида. 2007 йил 2 май (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 5-сон, 218-модда).

90. Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2007 йил 11 июль (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 248-модда).

91. Қамокқа олишга санкция бериш ҳукуки судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2007 йил 11 июль (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 249-модда).

92. Солиқ маслаҳати тўғрисида. 2006 йил 21 сентябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 9-сон, 497-модда).

93. Ҳакамлик судлари тўғрисида. 2006 йил 16 октябрь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 10-сон, 541-модда).

94. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида. 2007 йил 3 январь (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 1-сон, 2-модда).

95. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида (Конституциявий қонун). 2007 йил 11 апрель (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 4-сон, 161-модда).

96. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида. 2008 йил 7 январь (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 1–2-сон, 1-модда)

97. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.

98. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони.

99. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги “Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони.

100. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2008 йил 1 май.

101. Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси

...матн, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2007.

102. Фукарлар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида (янги таҳрири). 2013 йил 22 апрель (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 17-сон, 220-модда).

4. Дарслиklar, ўқув қўлланмалари, монографиялар, рисоалар

1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.

2. Абу Исо ат-Термизий. Аш-Шамойил ан-набавийа. – Т.: Чўлпон, 1993.

3. Африканская хартия прав человека и народов // Международное сотрудничество в области прав человека. – М.: 1993. Вып. 2.

4. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг 2003 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2004.

5. Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. – Т.: ЮНИСЕФ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006.

6. Берекашвили Л.Ш. Обеспечение прав человека и законности в деятельности правоохранительных органов. – М.: 1998.

7. БМТ – асосий омиллар. – Тошкент. 2001.

8. Билль о правах (десять поправок к Конституции США приняты в 1791 г. в целях обеспечения права граждан и штатов) // Права человека: Основопологающие принципы. – Вена. 1997.

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро суд Статути. – Тошкент, 2002.

10. Бируни. Минералогия. – М.: 1963.

11. Валиева Б.С., Черкашина И.А. Ўзбекистонда хотин-қизлар қонун ва жамият муаммолари. – Т.: 1999.

12. Венская декларация и Программа действий // Право человека: Учебник-хрестоматия. – Т.: 2001.

13. Гроций Г О праве войны и мира. – М.: 1956.

14. Гражданские и политические права: Комитет по правам человека. – Женева, ООН, 1992.

15. Гулямова И. Основные деятельности ООН в области прав человека. – Т.: НЦПЧ, 2002.

16. Глушкова С.И. Права человека в России: теория, история, практика. Учебное пособие. – М.: Права человека, 2003.

17. Мюллерсон Р. Права человека: идеи, нормы, реальность. – М.: 1991.
18. Бюргенталь Т. Международные права человека. – Алматы, 1999.
19. Действующее международное право. Учебник-хрестоматия. – М.: 2–3 том.
20. Декларация независимости Соединенных Штатов Америки// Международное сотрудничество в области права человека: документы и материалы. – М.: 1993. Вып.2.
21. Дискриминация в отношении женщин: Конвенция и комитет. – Женева, ООН, 1995.
22. Женщина. Право. Общество. – Т.: 1999.
23. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. / Муаллифлар жамоаси: А. Саидов, Ф. Бакаева, К. Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 368 б.
24. Имом Исмоил ал-Бухорий, Ал-адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари). – Т.: Ўзбекистон, 1990.
25. Ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-Саҳих. – Т.: Комуслар бош таҳририяти, 1992.
26. История политических и правовых учений: Учебник/Под ред. О.Э. Лейста. – М.: 1997.
27. История политических учений / Под ред. О.В. Мартышина. – М.: 1996. Вып.2.
28. Имомов Р. Жиноят қонунчилигида инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари. – Андижон, 2004.
29. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. Х. Бобоев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон. 1997.
30. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль // Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – Т.: “Адолат” 1992.
31. Исмаилов Б.И. “Международные стандарты личных прав и национальное законодательство национальной Республики Узбекистан”. – Т.: Центр правового просвещения при ТГЮИ, 2002.
32. Ковлер А.И. Антрология права. – М.: 2002.
33. Комитет по экономическим, социальным и культурным правам. – Женева, 1996.
34. Комитет по ликвидации расовой дискриминации. – Женева, ООН, 1992.
35. Комитет против пыток. – Женева, ООН, 1994.

36. Лапаева В. Социология права. – М.: 2000.
37. Лунеев В.В. Преступность XX века: мировые, региональные российские тенденции. – М.: Волтерс Клувер, 2005.
38. Международное сотрудничество в области прав человека. – М.: 1993. Вып. 2.
39. Международное право. Под. ред. Бекашева К.А. – М.: Проспект. 1999.
40. Международные акты о правах человека. Сборник документов. – М.: 1998.
41. Международное право прав человека. ООНовская система защиты. / Сборник раздаточных материалов. – Т.: 2004.
42. Международные документы о правах человека. Сборник документов. – М.: Норма–М, 1999.
43. Мингбоев У. Суд – фукарлар химоячиси. – Т.: 2001.
44. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. – Т.: “Янги аср авлоди”. 2003
45. Нерсеянц В.С. Ҳуқуқфалсафаси./Масъулмуҳаррир А. Саидов. – Т.: “Адолат”, 2003.
46. Национальные учреждения по правам человека. Серия публикаций по вопросам профессиональной подготовки. № 4, ООН Нью-Йорк и Женева, 1995.
47. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека: становление и развитие / Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: 2007
48. Саидов А., Бакаева Ф., Тиллабаев М. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека в 2010 году. – Т.: НЦПЧ, 2010.
49. Права человека. Учебник для вузов. / Под.ред. Лукашева. – М.: НОРМА-ИНФРА. 1999
50. Общая теория права и государства: Учебник (Под. ред. В.В. Лазарева. – М.: Юрист, 1994.
51. Общая теория прав человека. – М.: НОРМА. 1996.
52. Права человека // Политология: Энциклопедический словарь/ Общ.ред. и сост. Ю.И. Аверьянов. – М.: 1993.
53. Права человека: Учебник-хрестоматия. / Под ред. Саидов А. – Т.: УМЭД, 2001.
54. Право Совета Европы и Россия (сборник документов материалов). – Краснодар, 1996.
55. Принципы, касающиеся статуса национальных учреждений. Резолюция № 48/134 Генеральной Ассамблеи ООН от 20 декабря 1993 г.

56. Права человека: практикум / Н.Н. Белякович. – Мн.: Амалфея, 2006.
57. Рустамбоев М., Никифорова Е. Хукукни муҳофаза килиш органлари. – Т.: “Адолат”, 2006.
58. Рахмонкулов Х, Рахманов А. Права человека: история и современность. – Т.: Изд. Мир экономики и право, 1998.
59. Гражданские права человека: современные проблемы теории и практики /Под ред. Ф.М. Рудинского. – М.: МИР, 2006.
60. Саидов А.Х. Инсон хукуклари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Konsauditinform-Nashr, 2006.
61. Саидов А., Султонов С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. – Т.: “Адолат”, 1998.
62. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001.
63. Саидов А.Х. Международное право прав человека. – М.: 2002.
64. Саидов А.Х., Жужжоний А.Ш. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ. – Т.: “Адолат”, 2005.
65. Саидов А. Конституция Республики Узбекистан: правовая основа независимого развития. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2012.
66. Соединенные Штаты Америки: Конституция и законодательные акты. – М.: 1993.
67. Словарь-справочник по правам человека: основные понятия и институты. – М.: 2006.
68. Сунгуров А.Ю. Институт омбудсмана: эволюция традиций и современная практика (опыт сравнительного анализа). – СПб.: Норма, 2005.
69. Тамбовцев В.В. Комментарий к Федеральному конституционному закону “Об Уполномоченном по правам человека в Российской Федерации”. – М.: Юриспруденция, 2006.
70. Таджиханов У., Одилокориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. – Тошкент, 2001.
71. Тўракулов Э., Рахимов С. Абу Райхон Беруний: руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
72. Темур тузуклари. / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Караматов тарж.; Б. Аҳмедов таҳр. остида. – Т.: F Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996.
73. Теория и практика защиты прав человека / Под общ. ред. О.О. Миронова. – М.: Юриспруденция, 2004.

74. Тиллабаев М.А. Национальные институты по правам человека: Международная, зарубежная и национальная практика /Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т.: “Адолат”, 2008.

75. Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. – Т.: 1992 й.

76. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Абдулазиз Мансур таржимаси ва изоҳлари. / Масъул муҳаррир. Ҳ. Караматов. – Т.: Ислом университети, 2001.

77. Устав Совета Европы // Международное сотрудничество в области прав человека: документы и материалы. – М.: 1993. Вып. 2.

78. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2008.

79. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2010.

80. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т.: 2011.

81. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот. – Т. 2013.

82. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Т.: Ўзбекистон. 2009.

83. Узбекистан: Венская Декларация и Программа действий. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 1998.

84. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи: Дарслик /Ҳ.Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.

85. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида. Муродов Ҳ. ва бошқалар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.

86. Ҳакимов Р. Республика Узбекистан и Организация Объединенных Наций. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

87. Хамидова К.Т. Конституция ва жамоат бирлашмалари. /Масъул муҳаррир Саидов А.Х. – Т.: ТДЮИ, 2005.

88. Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати. /Масъул муҳаррир Қ.А. Жўраев. – Т.: ЖИДУ, 2005.

89. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция. – Т.: 2005.

90. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари: тўплам / Л. Саидова таҳрири остида. – Т.: “Адолат” 2004.
91. Alston L. Human Rights in context. – L.: 1998.
92. Bedjaoui M. The Right to Development // International Law: Achievements and Prospects/Ed. By M. Bedjaoui/UNESCO, 1992.
93. Law and Force in the New International Order. 1991.
94. Mayer A.E. The Dilemmas of Islamic Identity // Human Rights and the World’s Religions. Ed. By L.S. Rouner (Boston University studies in philosophy and religion. – Notre Dame, 1988.
95. Mbaye K. Human Rights and Rights of Peoples // International Law: Achievements and prospects. Ed. By M Bedjaoui. – Paris, UNESCO, 1992.
96. Nowak, Introduction to the international Human Rights Regime, Martinus Nijhoff Publishers, – Leiden, 2003.
97. Jayawickrama N. Hong Koong and the international Protection of Human Rights in Hong Kong. 1992.
98. A Guide to Human Rights. Janusz Simonides and Vladimir Volodin, UNESCO, 2001.
99. Human rights of women: A Collection of International and Regional Normative Instruments / prepared by J. Symonides, V Volodin. – UNESCO. 1999.

5. Журналлар, илмий тўпламлар

1. Жамалиева Н. Узбекистан и права женщин в XXI веке / Узбекистан и права человека в XXI веке: Сборник научных работ. Т.: ТГЮИ, 2002.
2. Иноғомжонова З.Ф. Дастанлар терговда суд назоратини амалга ошириш механизми //Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янгича асосларда шакллантириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007.
3. Исмонлов Б. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар ташкилотининг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини бажариш амалиёти //Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истикболлари. Конференция материаллари тўплами. 2006 йил 16 март. – Т.: ТДЮИ.
4. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги: аҳвол, муаммолар ва истикболлар //Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари

ри мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳужжатлари. – Т.: Ижтимоий фикр. 1998.

5. Тансиқбоева Г Аёлларнинг дискриминация қилинишини бар-тараф этиш – уларнинг амалдаги тенглигининг зарурий шарти // Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари. – Т.: “Адолат”, 2002.

6. Одилқориев Х. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар: ютуқлар ва муаммолар // Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янги асосларда шакллантириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007.

7. Тихонов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Олий комиссари: инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. № 2/2003.

8. Усмонов А. Мустақиллик йилларида суд ҳокимиятини одил судловни амалга оширувчи яхлит тизим сифатида шакллантириш // Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янги асосларда шакллантириш мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2007.

9. Инсон ҳуқуқлари мониторинги. / Тўплам. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.

10. Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси: мақсад, натижа, истиқбол // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. № 1/1999.

11. Бакаева Ф. Выполнение Республикой Узбекистан международных обязательств в сфере прав человека: опыт и проблемы. / Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истиқболлари. Конференция материаллари тўплами. 2006 йил 16 март. – Т.: ТДЮИ.

12. Тиллабаев М.А. Всеобщая декларация прав человека и правозащитный механизм ООН: опыт сотрудничества Узбекистана// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2008. № 4. – Б. 106–112.

13. Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ижросига бағишланган Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаси натижалари. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал. 4/2006.

14. Омбудсманы мира. Сборник статей. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.

15. Инсон ҳуқуқлари мониторинги. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003.

16. “Яшаш ҳуқуқи ва шахс дахлсизлиги кафолати” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди бирлашган таҳририяти, 2006.

6. Электрон манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси давлат сайти: www.gov.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари: www.press-service.uz/rus/knigi/
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти: www.parliament.gov.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти: www.senate.gov.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти сайти: www.imal.uz
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: www.humanrights.gov.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.gov.uz
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz
9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари Миллий базаси: www.lex.uz
10. БМТ сайти: www.un.org
11. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари сайти: www.ohchr.org
12. ЮНЕСКО сайти: www.unesco.org
13. Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти сайти: www.osce.org
14. Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ бўйича Раул Валленберг институтининг веб сайти: www.rwi.lu.se
15. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди сайти: www.coe.int/T/R/Human_Rights_Court
16. Москва инсон ҳуқуқлари мактаби сайти: www.mshr-ngo.ru
17. Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссари сайти: www.coe.int/T/R/CommissionerHR
18. Бола ҳуқуқлари бўйича ресурс сайти: www.childrenrights.net/
19. Инсон ҳуқуқлари бўйича сайтларга кириш: www.law.wits.ac.za/humanrts//links/Ralllinks.html
20. Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси сайти: www.icrc.org
21. Халқаро шартномалар сайти: www.untreaty.un.org
22. Халқаро ҳуқуқ комиссияси сайти: www.un.org/law/ilc
23. БМТнинг Халқаро суди сайти: www.icj-cij.org
24. Халқаро жиноят суди сайти: <http://www.icc.int>

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи.....	3
-----------------	---

УМУМИЙ ҚИСМ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ АСОСЛАРИ

1-мавзу. “Инсон ҳуқуқлари” фанининг мавзуси, тизими, усуллари ва аҳамияти	9
1. Мустақиллик ва инсон ҳуқуқлари	9
2. “Инсон ҳуқуқлари” фани тушунчаси, объекти, предмети, мақсади ва вазифалари.....	13
3. “Инсон ҳуқуқлари” фанини ўрганиш методологияси	18
4. “Инсон ҳуқуқлари” фанининг ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий фанлар тизимида туганган ўрни.....	20
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари.....	29
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида “Инсон ҳуқуқлари” фанининг гоаявий-назарий асослари	34
2-мавзу. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши	42
1. Қадимги дунёда инсон ҳуқуқлари ғоясининг пайдо бўлиши ва ривожланиши	42
2. Ўрта асрлар Европасида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши.....	53
3. Уйғониш даврида инсон ҳуқуқларининг ривожланиши	57
4. Янги даврда инсон ҳуқуқларининг ривожланиши ва инсон ҳуқуқлари авлодларининг шаклланиши	60

3-мавзу.	Шарк ва инсон ҳуқуқлари	74
	1. Қадимги Шаркда инсон ҳуқуқлари.....	74
	2. Шарк мутафаккирлари инсон ҳуқуқлари тўғрисида.....	78
	3. Ислом таълимотларида инсон ҳуқуқлари ғояси	94
4-мавзу.	Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши	105
	1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти.....	105
	2. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро ташкilotларнинг роли.....	111
	3. Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциялари.....	113
	4. Глобаллашув ва ХХI асрда инсон ҳуқуқлари ривожланишининг долзарб масалалари	121
5-мавзу.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг ўрни ва роли	135
	1. БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумий фаолияти.....	135
	2. БМТнинг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи органлари.....	141
	3. БМТ Низомидан келиб чиқиб ташкilot этилган органларнинг инсон ҳуқуқларига оид назорат функцияси	144
	4. БМТнинг инсон ҳуқуқлари доирасидаги шартномавий (назорат) органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари	160
	5. БМТнинг ихтисослашган ташкilotларида инсон ҳуқуқлари масаласи.....	183
6-мавзу.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид асосий халқаро ҳужжатлар	193
	1. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг зарурлиги, уларнинг турлари ва аҳамияти	193
	2. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид БМТ томонидан ишлаб чиқилган асосий халқаро ҳужжатлар	196

3.	БМТ ихтисослашган ташкилотларининг ҳужжатлари	203
4.	Ўзбекистон Республикаси қўшилган инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар	205
7-мавзу.	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва унинг тарихий аҳамияти	217
1.	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг ишлаб чиқилиши, тузилиши, мазмуни ва аҳамияти	217
2.	Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар, уларнинг тузилиши ва аҳамияти	221
3.	Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протоколлар	225
4.	Ўзбекистон Республикаси ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Билль	226
8-мавзу.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро (минтакавий) механизми	231
1.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда универсал ҳамкорликдан минтакавий ҳамкорликка	231
2.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Европа тизими	233
3.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Америка тизими	246
4.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Африка тизими	249
5.	Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Осиё-араб тизими	250
6.	Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро (минтакавий) тизимнинг тавсифи	253
9-мавзу.	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар	257
1.	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асослари	257
2.	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг жаҳон тажрибаси	263
3.	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг халқаро шакллари	272

МАХСУС ҚИСМ
ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

10-мавзу. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига ёндашув	279
1. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари	279
2. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимининг шаклланиши	282
3. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги	284
4. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари ва инсон ҳуқуқлари.....	289
5. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим – инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг асоси.....	302
11-мавзу. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар	313
1. Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси, тизими, моҳияти ва хусусиятлари.....	313
2. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари	314
3. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда сиёсий ҳуқуқларнинг халқаро ва миллий механизмлар асосида ҳимоя қилиниши.....	333
12-мавзу. Инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари	337
1. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тушунчаси, моҳияти, хусусиятлари ва уларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланиши.....	337
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчилигида иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг кафолати	342
3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий механизми	354

13-мавзу. Аёллар ҳуқуқлари	359
1. Аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги тушунчаси.....	359
2. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинлигини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш	365
3. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид миллий қонунчилик асослари	379
4. Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми.....	390
14-мавзу. Бола ҳуқуқлари	396
1. Бола ҳуқуқлари тушунчаси.....	396
2. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилик.....	400
3. Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар	403
4. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий ва халқаро механизмлар	411
15-мавзу. Фуқароларнинг мажбуриятлари	419
1. Фуқаролар ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ўзаро боғлиқлиги	419
2. Юридик мажбуриятлар ва уларнинг кўринишлари: фаол ва пассив юридик мажбуриятлар.....	425
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг бурчлари ва мажбуриятлари	427
16-мавзу. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш усуллари	432
1. Конституция, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш меъёрлари	432
2. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат органларининг ўрни ва роли.....	435
3. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда нодавлат ташкилотларнинг ўрни ва роли.....	454
4. Инсон ҳуқуқларини таъминлашда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ўрни ва роли	463

17-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлиги	485
1. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик – Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши.....	485
2. Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги	488
3. Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги	510
4. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги	516
“Инсон ҳуқуқлари” фанидан тавсия этилаётган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	519

**Мўминов Абдулхай Рашидович
Тиллабаев Мирзатилло Алишерович**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Дарслик

Иккинчи нашр

(Ўзбек тилида)

Масъул муҳаррир:	А.Х. Саидов
Муҳаррирлар:	А. Омонов, Г. Ортикхўжаева
Техник муҳаррир:	А. Аҳмедов
Компьютерда саҳифаловчи:	Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
“Адолат” нашриёти. Нашр. лиц. АИ № 228, 16.11.2012.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефон: (371) 236-05-97, 233-81-53.
Факс: (371) 233-84-80, 233-67-65.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz
adolatnashr@inbox.uz

Босишга рухсат этилди 18.10.2013 й.
Қоғоз бичими 60x90 1/16. “Times” гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 34,0.
Нашриёт ҳисоб табағи 32,5. Адади 1000 нусха.
3202-буйуртма. Нархи шартнома асосида.

**“SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
100000. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**



ISBN 978-9943-394-82-7

